

# ҒАРОЙИБ ОЛАМ

---



Ж. ЛОНДОН  
Э. СЕТОН-ТОМПСОН  
О. КИРОГА  
Л. БРАНДТ  
Ю. КАЗАКОВ

---

# ҒАРОЙИБ ОЛАМ

---

Қиссалар, ҳикоялар

рассом  
АННЕНКОВ П.

ТОШКЕНТ  
„ЮЛДУЗЧА“  
1988

28.681

P 23

Тўпловчи ОЛИМ ОТАХОН

Тақризчи АҲМАД АЪЗАМ

Ғаройиб олам: [Қиссалар, ҳикоялар: Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун] / [Тўпловчи О. Отахон].— Т.: Юлдузча, 1988.—304 б.

«Ахир жониворлар — жигарларимиз!» Бу нидо шоир С. Есенин қалбидан отилиб чиққан. У худди «Ғаройиб олам» учун махсус ёзилгандай. Чунки тўпламга киритилган ҳикоя ва қиссалар тилсиз қадрдонларимиз ҳақида. Уларда хайвонларнинг ҳаёти, тақдир, яшаш тарзи, атрофдаги нарса, ходиса ва кимсаларга муносабати жуда назик, изчил тасвирланган. Мутолаа давомида китобхонлар амин бўлишади — бу олам ростдан ҳам ғаройиб.

Мазкур мажмуани ўқигандан кейин биронта бола қуш ёки жонивор ҳаётига таҳдид солмаса, уларга озор етказмаса — қанийди. Зеро, ёзувчиларнинг асл мақсади ҳам мана шу.

Таинственный мир: Для детей среднего школьного возраста.

ББК 28.681

480100000—43  
С  $\frac{\quad}{360(04)88}$  48—88

ISBN 5—8250—0045—3

© «Юлдузча»  
нашриёти 1988



Ж. ЛОНДОН

---



АЖДОДЛАР НИДОСИ

## ИБТИДОИЙ ҲАЁТ САРИ

Бэк газета ўқимагадлиги учун фалокат бостириб келаётганини ва бу нафақат ўзи, балки Пюджет кўрфазидан то Сан-Диегога довур бақувват, паҳмоқ жули ит зоти борки, ҳаммасига бирдай хавф солишини билмасди. Бунга эса, одамларнинг таваққалига қутб зулмати аро ўтиб бориб олтин қони топгани ва кемалару алоқа кампаниялари ушбу хазина ҳақида жар солгач, сон-саноксиз кишилар мўр-малахдай совуқ Шимолга отлангани сабаб бўлганди. Шу сафарга отланган одамларга бақувват, оғир ишларга қодир, совуққа чидамли зотдор итлар керак эди.

Бэк серқуёш Санта-Клара водийсидаги ҳайҳотдек уйда яшарди. Одамлар бу ерни «Судья Миллернинг кўрғони», дейишади. Бу уй йўл ёқасида жойлашган, дарахтзор тўсиб қўйганидан уйнинг гир айлана, кенг ва соя-салқин пешай-вонигина кўзга чалинарди холос. Уйга хушқад тераклар ўраб олган ўтлоқ ёқалаб шағал тўкилган йўлкадан ўтиб бориларди. Теракларнинг қуюқ шохлари бир-бирига чирмашиб кетган эди. Уйнинг орқа тарафи поёнсиз яланглик эди. Бу ерда отбоқарлар бир талай дастёрлари билан кўз-қулоқ бўлиб турадиган отхоналар, атай хизматкорлар учун қурилган олди ишком одмигина уйчалар ва қатор турли-туман хўжалик бинолари жойлашган, нариёғи эса кета-кетгунча ишком, яйлов, боғ ва қулупнайзорлар эди. Бу ерда артезиан қудуғи учун сув чиқариш насосидан тортиб, судьянинг ўғиллари ҳар кун гоҳо эрталаб, кун қизиган пайтлар эса гоҳо пешинда ҳам чўмиладиган ҳовузгача бор эди.

Судья Миллернинг мана шу чексиз-чегарасиз ер-мулки Бэkning дунёси эди. У, тўрт йилдирки, шу ерда яшарди. Табиийки, кўрғонда Бэkdан бошқа итлар ҳам бор эди. Бундай катта ер-мулкда уларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин эмасди, бироқ бу итлар тилга олишга арзимасди. Уларнинг қачон келиб, қачон кетганини ҳеч ким билмас, каталакдек уйчаларда туришар ёки ҳадеганда тоза ҳавога чиқавермай, аҳён-аҳён боғда ёки ҳовлида қорасини кўрсатиб қоладиган япон мопсини Тутс ёки мексика ити Изабел сингари бу

беўхшов махлуқлар уйнинг ичкарасида бор-йўқлигини сез-дирмай кун кечиришарди. Ундан ташқари, кўрғонда йигир-мата фокстерьер яшар, улар супурги ва полковничлар кўтарган оқсочларнинг химоясида деразадан қараган Тутс билан Изабелга ҳурганлари ҳурган эди.

Аммо Бэк на хонаки лайча, на пойлоқчи итлар тоифасига кирарди. Ҳайҳотдай кўрғонда у ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Истаса судьянинг фарзандлари билан бирга ҳовузда чўмилар ёки уларга кўшилиб овга борарди. Судьянинг қизлари Молли ва Алисага улар эрталаб ёки окшомлари сайрга чиққанларида ҳамроҳ бўларди. Узоқ киш кечалари эса кутубхонадаги камин ёнида ўтирган судьянинг оёқлари остида ётарди. Бэк судьянинг невараларини устига минди-риб айлантирар ёхуд улар билан чимзорда ўмбалоқ ошиб ўйнар ва уларни турли-туман фалокатлардан, чунончи бе-рухсат орқа ҳовлидаги фаввора ёнига, баъзан ундан ҳам йироқ ўтлоқ ва мевазоргача кетиб қолганларида кўз-қулоқ бўлиб турарди. Фокстерьерлар олдида у кеккайғандек виқор билан юрар, Тутс ҳамда Изабелни эса очиқдан-очиқ менсимасди. Чунки у судья Миллер мулкида судра-лувчи, дайдиб юрувчи ва қанот қоқувчи махлуқ зоти борки, ҳаммаси унга бўйсунарди.

Бэкнинг отаси, Элмо деган баҳайбат сенбернар бир пайт-лар судьянинг садоқатли йўлдоши бўлганди. Бэк кўп жиҳат-лари билан отасига тортарди. У отаси Элмога ўхшаб баҳай-бат эмас, оғирлиги бор-йўғи 140 қадоқ келарди. Шу томон-дан онаси шотланд овчаркаси Шенга тортган эди. Лекин шу жуссаси ҳам, башарти унга яхши турмуш ва иззат-икром туфайли пайдо бўладиган ўз кадр-қимматини билиш туйғусини қўшса кеккайишга арзирди. Тўрт йилдан бери, яъни туғилганидан буён Бэк роҳат қилиб яшарди. У одамлардан қочиб ўз кўрғонларида танҳо яшашга одатлан-ган зодагонлар каби мағрур ва бирмунча такаббур эди. Муттасил овга бориш ҳамда шу баҳонада тоза хавода кўнгил очишлар, сайр қилишлар унинг семириб кетишига йўл қўймас, пайларини тоблар эди. Муздек сувда чўмилиш-лар эса уни чиниқтириб, соғлом ўсишида ёрдам берарди.

Хуллас, Бэк исмли ит Клондайкда олтин кони топилгач, дунёнинг тўрт бурчагидан одамлар Шинмолга ошиққан ўша 1897 йилнинг кеч кузига қадар шундай яшаган эди. Аммо Бэк газета ўқимаслиги сабабли бу хусусда ҳеч вақо билмасди. У ҳатто боғбоннинг дастёрларидан бири Мануэль билан бўлган яқинлик ҳам яхшилик келтирмаслигидан беҳабар эди. Мануэлнинг ёмон айби бор эди — у қиморбоз эди. Устига устак қимор деса ўзини томдан ташлашга

тайёр бу йигит ўтакетган иродасиз, киморга имонини тиккан, разил кимса эди. Муттасил ўйнаш учун кўп пул керак, аммо шўринг қурғур боғбонга дастёрлик қилиш орқасида топган-тутгани бола-чақасидан ортмасди.

Мануэль хиёнатга қўл урган куни судья Миллер майфурушлар жамиятининг йиғилишига жўнаб кетган, болалар эса спорт клубини жиҳозлаш билан банд эдилар. Шу сабабли Мануэль билан Бэкнинг ҳар доимгидек сайрга (Бэк шундай деб ўйлаган эди) чиқиб, боғ оралаб ўтганларини ҳеч ким сезмади. Уларнинг талаб қилинсагина поезд тўхтайдиган чоғроққина «Коллеж-парк» бекатига келганларини фақатгина бир киши кўрди. Мана шу кимса Мануэль билан алланималар ҳақида талашиб-тортишди, кейин қўлдан-қўлга ўтган тангаларнинг жиринглаши эшитилди.

— Нега очикдан-очик олиб келасан?— дея минғирлади нотаниш киши. Мануэль индамай йўғон арқонни икки қават қилиб Бэкнинг бўйинбоғи тагидан ўтказиб боғлади.

— Арқонни тортиб боғлаб қўйсанг чиқиб кетолмайди,— деди у, нотаниш киши эса жавоб тариқасида пўнғиллаганча бир нималар деб маъқуллади.

Бэк бўйнига арқон боғлаётганларида ғалва қилмай, туриб берди. Тўғри, бу унинг учун қутилмаган ҳодиса эди, бироқ ўзига нисбатан ақллироқ деб ҳисоблагани учун таниш одамларга ишонишга кўникиб қолганди. Лекин арқонни бегона қўлига олганида у таҳдид билан ириллади. Шунчаки норозилигини кўрсатиш орқали ўзича бошқа нарсани — озод қилишларини талаб қилганди. Қутилмаганда арқонни шундай сириб боғлашдики, сал бўлмаса бўғилиб қолаёзди. Бэк ғазабдан нима қилишини билмай ўзини жафокашга отди, аммо бегона одам эпчиллик билан арқонни тортиб ғиппа бўғди-да, кескин силтаб улоқтириб юборди. Бэк бўғилиб, тиллари осилиб, аранг нафас олаётганига қарамай жон-жаҳди билан олишарди. Унга ҳеч ким бирон марта бунчалар кўпол муомала қилмаган ва умрида бирон марта ҳам бу қадар ғазабланмаган эди! Шундай бўлса-да, зум ўтмай у ҳолдан тоя бошлади, кўзлари бақрайиб қолди, поезд келгач, икки нафар киши уни вагонга улоқтирганларида ҳам ҳеч нарсани сезмади.

Хушига келганда у дастлаб тили оғриётганини пайқади. Кейин тўхтовсиз тарақа-туруқдан ва йўлни кесиб ўтаётган паровоз чинқириғидан Бэк қаердалигини фаҳмлади. Бэк судья билан кўп саёҳатга чиққани учун, юк ортилган вагонда юриш нималигини яхши биларди. У кўзларини очди. Кўзлари аёвсиз қаҳр-ғазабдан бамисли ёнар эди. Ўғри унинг

томоғидан ушлаб олмоқчи бўлган эди, бу сафар Бэк эпчиллик қилиб унинг қўлидан тишлаб олди ва то яна арқон билан бўғилиб ҳушини йўқотмагунча қўйиб юбормади.

— Бу кутурган ит! — дея тушунтирди у одам шовқинсуронни эшитиб хабар олгани келган проводникдан қон оқаётган қўлини яширганча. — Хўжайиним Фримкога олиб боришни буюрган эди. У ерда итларни даволайдиган қандайдир зўр дўхтир бор экан.

Ўша тунги воқеани ит ўғриси кейинрок, улфатлари билан Сан-Франциско портидаги қовоқхонанинг хилват хонасида ўтирган чоғида иложи борица қўшиб-чатиб айтиб берди.

— Атиги эллик сўм учун шунча азоб, — дея шикоят қилди у. — Бунақалигини билганимда минг сўм берсаям унамасдим.

У қўлини қон дастрўмоли билан танғиб боғлаган, ўнг оёғининг тиззасидан тўпиғигача йиртилган эди.

— Анови муттаҳам-чи, у қанча олди? — деб қизиқсинди майхоначи.

— Юз сўм! Бир тийин камига унамади.

— Демак, ҳаммаси бўлиб 150 сўм, — деди майхоначи. — Ўлай агар, пулига арзийди.

Ўғри дўстрўмолни ечиб, чайнаб ташланган қўлини кўздан кечира бошлади.

— Ишқилиб кутурган бўлмасин-да... Шўрим қурийди бўлмаса...

— Ғам ема, ўлмайсан. Асли пешонанга: «Бу дорда осилиб ўлади», деб ёзилган шекилли, — дея ҳазиллашди майхоначи. Сўнг қўшиб қўйди: — Қани, озгина қарашиб юбор-чи кетмасингдан олдин.

Эсанкираган, чалажон, бўйнидаги мислсиз оғриқдан азоб чекаётган Бэк ўзини шу қўйга солган золимларга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатишга уринарди. То бўйнидаги мис тўқани эговлаб ташламагунларича ҳар гал уни йиқитиб арқон билан бўғишга мажбур бўлишарди. Шундан кейин арқонни ҳам ечиб қафасга ўхшаган яшиққа қамаб қўйишди.

Мана шу қафасда Бэк ғазаб ва хўрланишдан аламига чидаёлмай тун бўйи ётди. У нималар бўлаётганини англаёлмасди. Бу бегона одамларга нима керак ўзи? Нега уни тор қафасга қамаб қўйишди? Бэк ҳеч нарсани тушунолмас ва бошига тушиши эҳтимолдан йироқ бўлмаган фалокатни олдиндан сезиб қийналарди. Эшик тарақлаб очилганда у ҳар гал судья ёки жиллақурса унинг ўғли келди деган хаёлда сапчиб тушар, аммо шамнинг хира ёруғида

омборхонани кўздан кечираётган майхоначининг шишин-қираган афт-башарасини кўриб ҳафсаласи пир бўлар ва бўғзидан отилиб чиқишга тайёр шодиёна ангиллаш аёвсиз ириллашга айланарди-қоларди.

Шундай бўлса ҳам майхоначи унга тегмади. Тонг отиши билан тўрт нафар киши келиб яшиқни кўтарди. «Шулар етмай турувди», деб ўйлади Бэк, чунки булар ҳам аллақандай жулдурвоки, исқирт одамлар эди. У аламига чидаёлмай қафас панжарасидан тумшуғини чиқариб ириллади. Бунга жавобан улар кулиб қўйишди ва чўп суқиб жиғига тегишди. Бэк то улар худди мана шунинг учун тегажоғлик қилаётганларини англаб етмагунча таёқларини тишлаб ғажимоқчи бўларди. Шуни англагач, у шўппайиб ётиб олди-да, қафасни соябонли аравага ортгунларича бошқа хархаша қилмади.

Шундан кейин Бэк қафаси билан қўлдан-қўлга ўта бошлади. Аввал транспорт идорасининг хизматчилари қўлига тушди, уни бошқа соябонли аравага ортиб, янада узоқроққа олиб кетишди. Кейин яшиқлар ва посилкалар орқасига жойлаб паромда жўнатишди. Паромдан Бэк тўғри темир-йўл вокзалига келиб тушди. Ниҳоят, уни яна юк ортилган вагонга қамашди.

Икки кеча-икки кундуз вагон тарақ-туруқ қилганча кулоқни коматга келтириб чинқираётган паровоз ортидан судралди. Шу вақт давомида Бэк оғзига ҳеч нарса олмади. Проводниклар уни аяб бир нима десалар, хушламай ириллаб ташланмоқчи бўлар, улар эса ўч олиш ниятида унинг ғашига тегишарди. У оғзидан кўпик сачратиб, титраб-қақшаб панжарага ўзини урганида бу одамлар уни мазахлаб қулишар, исқирт, хонаки итларга тақлидан ириллашар ва хуришар, миёвлашар, қўлларини силқиб, хўроз бўлиб қичқиришарди. Бэк бунинг ғирт бемаънилик эканини тушунарди. Шу боисдан ўзини ҳақоратланган деб билар ва ғазаби тошгандан тошарди. Очликка чидаш мумкин эди, аммо сувсизликдан у беҳад қийналар, ташналик ҳолини танг қилиб қўймоқда эди. У жуда нозик ва таъсирчан ит бўлганидан ҳар қандай аҳмоқона муносабат унга ёмон таъсир қиларди, оқибат Бэк дардга чалинди. Унинг ҳарорати кўтарилиб, бутун аъзойи бадани қақшаб оғриди, устига устак томоғи яллиғланиб, ташналиқдан ёрилган тили шишиб кетди.

Фақат бир нарса — бўйнидан арқонни олиб ташлашгани унга далда берарди. Бўйнида арқон бўлса душманларига қўл келарди. Ҳозир бу аҳволда эса уларга кўрсатиб қўяди. Энди ўла қолса бўйнига арқон боғлаттирмайди! Бэк қатъий қарорга келди. У икки кечаю икки кун ақалли туз тотмади,

азоб-укубатлар билан ўтган бу вақт ичида унинг юрагида шунчалар хусумат, аламзадалиқ йиғилиб қолдики, унга бехос тегиб кетган одамнинг шўри қурирди. Бэкнинг кўзларига қон қўйилган, шу туришда иблиснинг ўзгинаси эди. Ҳозир судья Миллер ҳам уни танимаган бўларди; кейинги кунларда Бэк ҳаддан зиёд ўзгариб, аввалги Бэкдан асар ҳам қолмаган эди. Шу сабабли проводниклар уни Сиэтлда тушириб қолдиргач, ундан қутулганларига шукр қилиб енгил тортдилар.

Тўртта ҳаммол Бэкни қафаси билан кўтариб авайлаганча гир айлана баланд тахта девор билан ўралган ҳовлига олиб киришди. Уларни миқтидан келган, кенг ёқали, тўқима қизил свитер кийган киши қарши олди ва киракашнинг қўлидаги дафтарга юкни қабул қилгани ҳақида имзо чекди. «Яна бир золим», деб ўйлади Бэк ва жон-жаҳди билан панжарага ташланди. Свитерли киши истехзо билан тиржайиб қўйди-да, уйдан болта билан таёқ кўтариб чиқди.

— Ёпирай, уни чиқариб юбормоқчимисиз?— дея ажабланди киракаш.

— Бўлмасам-чи,— деди свитерли киши ва болтани қафас деворига санчиб қўйди.

Буни эшитган тўрттала ҳаммол урра қочишди ва баланд тахта деворнинг тепасига чиқиб олиб, текин томошани кута бошладилар.

Бэк болта зарбидан зириллаган деворга сапчир, ўша ерни ғажимоқчи бўлар, бутун гавдаси билан келиб уриларди. Болта қаерга тушса Бэк гоҳ ириллаб, гоҳ акиллаб ўша ерга ташланарди. У тезроқ қафасдан чиқиш истагида орқалдига қарамай кучанар, қизил свитерли киши эса уни чиқариб юборишга қатъий аҳд қилгандек, пинагини бузмасди.

— Қани, кўзи қон ваҳший!— деди у ниҳоят ёриқ Бэк сиғадиган даражада кенгайгач ва болтани улоқтириб, қўлига таёқни олди.

Дарҳақиқат, Бэк шу лаҳзада ваҳшийдек қўрқинчли эди: у бирдан ташланиш учун ёриққа пусиб яқинлашди, унинг қонталаш кўзларида йиртқичона бир аланга ёниб, оғзидан қўпик сочиларди. Бемисл кучайган ғазабдан у бир ҳамла билан душманини ғажиб ташлаш ниятида ўзини унга отди, бироқ шу ондаёқ залворли зарб уни ортига улоқтирди. Чидаб бўлмас оғриқдан тишларини ғижирлатганча Бэк ҳавода икки айланиб чалпак бўлиб тушди. Умрида бирон марта таёқ емагани учун ўзини йўқотиб қўйди. Бэк ириллаганча ўрнидан сапчиб туриб озор етказувчига яна ташламоқчи бўлган эди, иккинчи зарба уни ерга қапиштириб қўйди. Энди у ҳаммасига қизил свитерли золимнинг

қўлидаги таёқ сабабчи эканини билар, бироқ газабдан ўзини қўлга ололмасди. У ўн мартача ташланди, лекин ҳар сафар таёқ еб йиқилаверди.

Бир гал ҳаддан ташқари шафқатсиз зарбдан кейин Бэк аранг ўрнидан турди. Унинг ортиқ қаршилик кўрсатишга ҳоли қолмади. У гандираклар, нафис жуни қизгиш сўлакка беланиб, бурни, оғзи ва қулоғидан қон келарди. Қизил свитерли унга яқинлашди ва бамайлихотир, мўлжаллаб туриб тумшугига бор кучи билан урди. Шу чокқача еган калтаклари ҳам, буниси ҳам бир бўлди. Шунда ҳам Бэк яраланган шердек ўкириб, яна ташланди. Аммо қизил свитерли сўйилнинг иккинчи учидан ушлаб унинг жағлари орасига суқиб шундай буриб юбордики, натижада Бэк ҳавода икки айланиб, гурсиллаганча боши билан ерга тушди.

Бэк яна унга ташланди, бироқ қизил свитерли киши атай охирига сақлаб қўйган қақшатқич зарба билан Бэкни ерпарчин қилди.

— Қойил-э!— дея ҳаяжондан кичқириб юборди девор тепасида ўтирган томошабинлардан бири.— Бу ҳар қанақа итни қўлга ўргатиб олади!

— Менимча, бунақа итга рўпара келгандан кўра ҳар куни, якшанба куни эса икки марта банкни урган бежавотирроқ,— деди киракаш эгарга минатуриб ва аравани ҳайдаб кетди.

Бэк ҳушига келди, бироқ силласи қуриб, йиқилган ерида свитерли кишидан кўз узмай ётаверди.

— «Бэк» деб чақирса қарайди,— деди у Сан-Францисколик майхоначи юборган хатни овоз чиқариб ўқиркан, сўнг қувонч билан итга юзланди.— Хўш, Бэк, шоввоз, мана озгина талашиб-тортишиб ҳам олдик, қизишдик, энди яхшиси буни унутайлик. Сен ўз ишингни билу мен ўзимникини. Айтганимни қилсанг, ҳамма иш жойида бўлади, ҳаддингдан ошсанг, терингни шилиб оламан. Келишдикми?

У шундай дея туриб қўрқмасдан ҳозиргина ўзи аёвсиз калтаклаган Бэкнинг бошини силади. Бэк эса беихтиёр гижинса ҳам қаршилик қилмай жимгина ётарди. Свитерли киши сув келтирган эди, Бэк ютоқиб ичди, кейин худди шундай очкўзлик билан янги хўжайинининг қўлидан тансиқ емиш — гўшт олиб еди.

Бэк енгилган (у буни биларди), аммо таслим бўлмаган ҳамда иродаси букилмаган эди. У таёқ билан қуролланган одамга ҳеч қачон кучи етмаслигини узил-кесил англаб етди ва бу умрбод эсидан чикмайдиган сабоқ бўлди. Таёқ унинг учун қутилмаган янгилик эди. У Бэкни ибтидоий қонунлар ҳукмрон оламига олиб кирди ва Бэк бу қонунни



жуда тез ўзлаштирди. Ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати унга фош бўлди, аммо уни чўчитолмади, чунки унинг юрагида аллақачон табиий йиртқичона айёрлик уйғонган эди.

Кунлар ўтди. Бу орада худди шундай қафасларга солиб ёки бўйнига арқон боғлаб яна бир қанча итларни келтиришди. Баъзилари итоатгўй ва ювош эди, айримлари Бэка ўхшаб ғазабдан ўзини кўярга жой тополмай увилларди. Қизил свитерли киши Бэkning кўз ўнгиде итларнинг ҳаммасини битта қолмай жиловлаб олди. Бундай ваҳшийларча тарбиялашни кўрган Бэkning шуурида таёқ кўтарган одам бир ҳукмдор хўжайин — уни севиш шарт эмас-у, лекин аяблатта итоат этиш керак деган ҳақиқат тобора чуқурроқ илдиз отиб борарди. Шу боис Бэк итоат этгани билан ўша кўз ўнгиде калтакланган итларга ўхшаб хўжайинига суйқамас, думини ликиллашиб қўлларини ялаб-юлкимасди. Ялтоқланаётган итларни кўрганида у доим қаттиқ ўқинарди. Шунингдек, у итоат этишни ҳам, бўйсунини ҳам истамаган бир итнинг аёвсиз калтакланиш оқибатида ўлганининг ҳам гувоҳи бўлди.

Вақти-вақти билан нотаниш одамлар келиб хўжайинларига бир нималарни ачиқкланиб ёки тилғғламалик билан тушунтирмоқчи бўларди. Мана шундай суҳбатлардан кейин ўша нотаниш кимсалар хўжайинига пул тутқизар ва битта ёки бир неча итни ўзлари билан олиб кетардилар. Бэк улар итларни қаерга олиб кетишларини билолмай гаранг бўларди, чунки ўша итлар ҳеч қачон қайтиб келмасди. Эрганги кун Бэkning юрагига шундай ваҳима солар эдики, ҳар сафар харидор ўзини таъламаганини кўриб беҳад қувониб кетарди.

Аммо охири унга ҳам навбат етди. Унинг юрагини олиб қўйган келажак юзини ажин босган, қотма, шакана одам қиёфасида намоён бўлди; у инглиз тилини бузиб гапирар, ора-чира ғалати тарзда алланималар деб қичқиргудек бўларди. Бэк унинг нималар деганини англамади.

— Жин урсин! — деб қичқирди у тасодифан Бэка кўзи тушиб. — Мана бунини ит деса бўлади! Беқиёс ит! Қанча сўраясан?

— Бор-йўғи уч юз. Жуда арзон, — деди қизил свитерли одам. — Савдолашиб икки оёгингни бир этикка тикиб олмассан, Перро? Ҳар қалай ўз пулингга эмас, давлатнинг пулига олсан.

Перро бунга жавобан кулумсираб қўйди. Итларга бўлган эҳтиёж кучайганидан уларнинг нархи ҳам осмонда, эди, шу боис Бэкдек зўр ит учун бу нарх ортиқча қиммат туюлмади.

Канада ҳукуматининг бу билан бойлиги озайиб қолмайди, унинг почтаси эса тез тарқатилиши шарт. Перро итларнинг фаркига борарди. Шу важдан Бэка ўхшаган итларнинг мингтадан битта учрашини бир қарашдаёқ фаҳмлади. «Хатто ўн мингтадан битта учрайди», дея кўнглидан кечирди у.

Пулларнинг қўлдан-қўлга ўтганини кўрган Бэк башарасини ажин тилиб ташлаган пакана одам ўзи билан Кэрли деган ювошгина ньюфаунлендни олиб кетаётганида ажабланмади. Шу-шу Бэк қизил свитерли кишини қайтиб кўрмади. Кэрли иккови «Нарвал» кемасининг палубасидан узоқда кўздан йўқолиб бораётган Сизёлга қараб туришганида эса энди серкуёш Жанубни ҳам бошқа кўрмасликларини билмасдилар.

Перро итларни пастга олиб тушди-да, Франсуа исмли баҳайбат занжигга топширди. Канадалик француз Перро қорумағиз эди. Франсуа эса отаси оқ танли, онаси занжи бўлган учун унга нисбатан хийла қорароқ эди. Бэк бу тоифа одамларни илк бор (кейинчалик уларни кўп учратди) кўриши эди, икки сўймаган бўлса ҳам уларни тақдирлашга ва ҳурмат қилишга ўрганди. Кўп ўтмай у Перро билан Франсуанинг инсофли, вазмин, бекордан-бекорга жазоламайдиган, итларнинг қилиқларини, феълени яхши биладиган меҳрибон кишилар эканига ишонч ҳосил қилди.

Кемада Бэк билан Кэрлини икки нафар бошқа итларга қўшиб қўйишди. Биттаси баҳайбат, қордек оппоқ ит бўлиб, уни кит овловчи кема капитани Шпицберген оролидан келтирган эди, мана шу ит кейинчалик геологлар экспедицияси билан тақир ерга борган эди. Бу жуда ёқимтой, лекин маккор, ялтоқланишга уста ва шу билан бирга пасткашлиқдан қайтмайдиган ит эди. У дастлабки, умумий овқатлантириш пайтидаёқ ҳе йўқ-бе йўқ Бэк овқатининг бир қисмини тортиб олди. Бэк унга ташланган эди, Франсуа чаққонлик қилиб қолди: камчи ҳавода чийиллаганча ўғрининг бошига тушди. Бэкнинг бамайлихотир ўзига тегишли суякни олишдан бошқа иши қолмади.

У Франсуанинг адолатли эканини кўриб, ўша лаҳзадан эътиборан унга ҳурмати ошди.

Бошқаси ҳеч кимга ялтоқланмас ва ёқмасди, зеро у янги келганларнинг овқатини ўғирлашдан ҳам ўзини тиярди. У бераҳм, қайсар ит бўлиб, бир нарсани — тегажоғлик қилгани ёмон кўришини, кимки ҳаддидан ошса аяб ўтирмаслигини Кэрлига англантиб қўйди. Бу итнинг — уни Дэйв деб чақирарди — ейишу ухлашдан бўлак ташвиши йўқ эди, ухламай ётган кезлари эса нуқул эснар, атрофдагиларга

мутлақо қизикмасди. Ҳатто «Нарвал» қиролига Шарлотта бўғозидан ўтаётганида чайқалиб, тўлқинлар кифтида уёқдан буёққа учиб, Бэк билан Кэрли кўрқувдан эсини йўқотиб қўйганларида ҳам Дэйв пинагини бузмади, аҳён-аҳён бошини эринибгина кўтариб, уларга назар солди ва узок эснади, сўнг яна уйқуга кетди.

Бир меъёрда тинмай ишлаётган парракнинг ҳаракатидан зириллаётган кема кечаю кундуз тебранарди. Кунларнинг бир-биридан фарқи йўқ эди, аммо Бэкнинг назарида совуқ кучаяётгандек бўларди. Ниҳоят, бир кун эрталаб парракнинг овози ўчди ва «Нарвал»да шовқин-сурон кўтарилди. Барча итлар қатори атрофдаги саросимани сезган Бэк аллақандай ўзгариш юз беражagini англади. Франсуа уларни тўплаб палубага олиб чиқди. Палубанинг муздек полига оёқ қўйганларида Бэк қандайдир лойга ўхшаган ширанинг панжаларига ёпишиб қолаётганини ҳис қилди. У пишқириб ортга тисарилди. Тепадан ҳам худди шундай ёпишқоқ нарса ёғарди. Бэк силкинди, бироқ ўша нарса тинмай устига ёғаверди. Шунда у қизиксиниб уни искади, кейин ялаб кўрди. Ўша нарса тилини чўғдек куйдириб бир зумда эриб кетди. Бундан Бэкнинг ҳайрати чандон ошди. У яна ялаган эди, ўша аҳвол такрорланди. Атрофдаги одамлар хаҳолаб юборишди, гарчи уларнинг нима сабабдан кулаётганларига ақли етмаса ҳам, Бэк негадир мулзам тортди. Шу тариқа у биринчи марта қорни кўришга муяссар бўлди.

## II

### ЗУЛМ ВА АDOVAT ҚОНУНИ

Дайе соҳилидаги биринчи кун Бэка жуда ёмон таъсир қилди. Ҳар қадамда бир нимадан ё ҳайратга тушар, ё қўрқарди. Уни бутунлай нотаниш ва қандайдир ваҳший одатлар ҳукм сурган оламга келтириб ташлашганга ўхшарди. Жануб қуёшининг ҳароратли нурлари остида бекорчиликдан лақиллаб юрганларидаги ҳузурбахш кунлари барҳам еган эди. Бу ерда на тинчлик, на ҳаловат бор эди ва Бэк бирон дақиқа ўзини беҳавотир сезмасди. Бу ерда урсур, тўполоннинг кети узилмас, ҳар лаҳза майиб бўлиш ёки фалокатга гирифторм бўлиш мумкин эди. Бу янги оламда ҳамиша ҳушёр туришга тўғри келарди, чунки итлар ҳам, кишилар ҳам шаҳарлик одамлар билан итларга мутлақо ўхшамас — аллақандай ёввойига ўхшар, калтаклаш ва қопишдан бошқа нарсани билмасдилар.

Бэк итларнинг бу ердаги итлар сингари ғажишганларини шу чоққача кўрмаган эди: буларнинг бўридан бир туки кам эмаслигини Бэк бир кўргандаёқ фаҳмлаганди. Тўғри, биринчи олишувда у қатнашмади — акс ҳолда ундан тирик чиқмаган бўларди. Бу балога у эмас, Кэрли йўлиқди.

Уларнинг икковини дўкон жойлашган ёғоч уй ёнида қолдиришди. Кэрли бақувват, баҳайбат бўридек келса ҳам ўзидан хийла кичик ит билан беозоргина ўйнаша бошлади. Кутилмаганда ўша ит ҳеч бир сабабсиз бирдан Кэрлига ташланиб, ғарчча тишлаб қочди. Кўзидан то оғзигача бир суям териси шилиниб тушган Кэрлининг тумшуги қонга бўялди.

Бу итлар бўридек ноҳос ҳужум қилиб қочарди. Дарвоқе, воқеа шу билан тугамади. Дарҳол қирқтача овчи ит келиб, олишаётганларни ҳалқадек ўраб олди. Уларнинг нимани бунчалар бетоқатлик билан кутаётгани ва нима сабабдан очкўзларча тилларини ялаётганларини Бэк аввалига тушунмади. Кэрли рақибига ўзини отди, аммо у яна тишлаб қочди. Иккинчи сафар ҳамла қилганда рақибни кўкраги билан шундай урдикди, Кэрли ўзини тутолмай йиқилди. Жангни кузатаётган итлар худди мана шуни кутарди. Кэрли ўрnidан туришга улгуролмади: ириллаб, ангиллаб итлар Кэрлига ташланишди. Жон талвасасида тишларини кўрсатаётган Кэрли бир тўда итлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Буларнинг ҳаммаси шунчалар тез ва кутилмаганда рўй бердики, Бэк дафъатан нима қиларини билмай ўзини йўқотиб қўйди. У Шпицберген ити қизғиш тилини осилтириб тургани (у шундай куларди), Франсуанинг болта ўйнатиб итларга ташлангани, таёқ кўтарган уч киши итларни ҳайдаб юбориш учун ёрдамга ошиққанларини кузатиб турди. Кэрли йиқилгандан сўнг икки минут ўтар-ўтмас, итларни ҳайдаб юборишгач, Бэкнинг кўз ўнгида машъум манзара гавдаланди: деярли бурдалаб ташланган Кэрли оппоқ қор бағрида қип-қизил қонга бўялиб ётарди. Қора танли метис Франсуа эса унинг тепасида йиғламоқдан бери бўлиб турарди.

Бу манзарани Бэк анча пайтгача унутолмади — у тез-тез эсига тушар, ҳар эслаганида юраги орқасига тортиб кетарди. Шуям ҳаётми?! Ҳалоллик билан адолат қани?! Йиқилдингми, ўзингдан кўр! Демак, бўш келмаслик шарт! Шпиц яна тилини осилтириб сўлжайди, шу лаҳзадан бошлаб Бэк уни ўлгудек ёмон кўриб қолди ва унга нисбатан юрагида бемисл адоват уйғонди.

Кэрлининг фожиали ўлиmidан кейин Бэк эс-хушини

йиғиб олишга улгурмай такдирнинг яна бир зарбасига учради: Франсуа судья Миллернинг мулкидаги отлар сингари унга ҳам қайишли абзал кийдирди. У ерда от-улов зиммасидаги ишларни бу ерда Бэк бажаришига тўғри келди. У Франсуани чанада водийни ўраб турган ўрмонга ўтин келтиргани олиб борди. Чанани тортиб юришга зўрлашлари унинг иззат-нафсига қаттиқ тегса ҳам қаршилиқ қилмади, чидади. У ўзини қўлга олиб, гарчи буларнинг бари кутилмаган ва ғайритабиий туюлса ҳам ҳафсала билан ҳаракат қила бошлади.

Франсуа қаттиққўл ва талабчан эди, у итларнинг сўзсиз итоат этишларини истар, бунга қамчиси ёрдамида эришишга муваффақ ҳам бўларди. Ундан ташқари Бэк озгина янглишса тажрибали Дэйв сонидан узиб олгудек тишларди. Уларнинг карвонида Дэйв сингари чана тортавериш пишиб кетган Шпиц онабоши эди. Мана шу Шпиц Бэк тойиб кетган чоқларида унинг бирон ерини юмдалаб олмаса кўнгли жойига тушмас, аччиқланиб ириллар ёки бутун оғирлигини шатак қайишга ташлаб, эпчиллик билан йўлга солиб юборарди. Бэк бу сабоқларни тез ва осонгина ўзлаштирди ҳамда иккала шеригию Франсуа ёрдамида ҳайратланарли натижаларни қўлга киритди. Улар ҳали лагерга қайтиб келмасларидан туриб у «ҳа» дегани «тўхта»ни билдириши, «олға» деган команда олдинга югуриш кераклигини, бурилишларда тезликни камайтириш лозимлиги, юк ортилган чаналар тоғ ости йўлида бораётганда эса бош итдан нарироқ юриш шартлигини ўрганиб олди.

— Итларнинг учаласига ҳам гап йўқ, — деди Франсуа қайтиб келишгач Перрога. — Бэкнинг ҳафсаласи зўр! Мен уни тезда интизомга ўргатиб қўяман.

Хукуматга тегишли хат-хабарларни шошилишч элтиши керак бўлиб қолган Перро кундузи яна икки нафар — Билли ва Жо исмли ит олиб келди. Бу зотли тозилар бир қориндан талашиб тушган бўлишларига қарамай бир-бирларидан кескин фарқ қиларди. Билли ҳаддан зиёд ювош, Жо эса, аксинча: баджаҳл ва серзарда эди. У ҳаммага захрини сочгандек доимо ириллаб юарди.

Бек Жо билан Биллини дўстона қарши олди. Дэйв уларга мутлақо аҳамият бермади. Шпиц эса келиб қўшилган заҳотлари ўртада низо чиқаришга уриниб уларга осилди. Билли аввалига хайрихоҳ бўлиб думини ликиллатди. Лекин фойда йўқлигини сезгач, аста қочмоқчи эди, улгуролмади. Шпицнинг ўткир тишлари биқинига пичоқдек санчилди-ю, Билли зорланиб, ялингандек вангиллаб юборди. Жо эса Биллидан фарқли равишда Шпиц қайси ёғидан хужум

қилмоқчи бўлса, хурпайиб, кулоқларини диккайтириб ўша томонга ўгирилиб оларди. У кутқу солгудек ириллар, тишларини яшин тезлигида тақиллатар, кўзлари эса мудҳиш ялтирарди; бу унинг уришқоқ ва довурак эканидан дарак берарди. У шунчалар кўрқинчли қиёфага кирардики, Шпиц беихтиёр унинг таъзирини бериб қўйиш аҳдидан воз кечишга мажбур бўлди. Енгилганини сездиргиси келмай ҳамон зорланиб ғингиётган беозор Биллига яна хужум қилиб, лагернинг нариги бурчагигача тирқиратиб қувлади.

Кечга яқин Перро яна бир чанага кўшиладиган ит топиб келди. Бу қари, ориқ, лекин бақувват итнинг тумшугига қараб бўлмас, биттаю битта соғ кўзидан бошқа ҳаммаёғи чандиқ ва яра-чақа эди. Лекин мана шу соғ кўзидаги талаб-горона шижоат беихтиёр ҳурмат уйготарди. Итнинг лақаби Соллекс, яъни «Баджаҳл» бўлиб, худди Дэйв сингари у ҳам бошқаларга муҳтожлик сезмас, уларга элакишмас ва ёнига ҳеч кимни яқин йўлатмасди. Бегона итлар тўдаси ичига бамайлихотир, гердайиб кириб келганда ҳатто Шпиц ҳам унга гажирлик қилишга ботинолмади. Соллекс сўқир кўзи тарафдан яқинлашганларини ёмон кўраркан. Бундан беҳабар Бэк худди шу томондан унинг ёнига бориб балога қолди. Соллекс кескин ўгирилиб унга бирдан тишини ботирди-да, елкасидан бир парча этини узиб олди, ана шундагина Бэк хатосини фаҳмлади. Шу воқеадан кейин бирон марта таъқиқланган томондан унинг ёнига яқинлашмади. Соллекс ҳам у билан бошқа иши бўлмади. Чамаси, бу янги ит Дэйв каби ўзини безовта қилмасликларини истарди, холос.

Биринчи кеча қаерда тунашни билмай Бэк қийналди. Қор босган сайхонлик ўртасида унинг ҳавасини келтириб шам ёқиб қўйилган чодир ёришиб турарди. У ўрним ўша ерда бўлса керак деб ўйлади, аммо ичкарига кирган заҳоти Перро билан Франсуа то Бэк ўзини ўнглаб шармандаларча қочиб чиқмагунга қадар дуч келган буюмни отиб ҳайдашди. Ташқари ҳаддан зиёд совуқ эди; бутун баданига игнадек санчилаётган изғириндан жароҳатланган елкаси ачишарди. Бэк ноилож қорга ётиб ухламоқчи бўлди, бироқ кўп ўтмай совуқ суяк-суягидан ўтиб ўрнидан турди. Чорасизликдан нима қиларини билолмаган Бэк иссиқ бошпана излаб, чодирлар орасида узоқ тентиради. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда итлар унга ёпишар, Бэк ҳам қараб турмай хурпайиб уларга ириллагач (бунга ҳам у тез ўрганиб олди), уни ўз ҳолига қўйишарди.

Ниҳоят, ўзининг шериклари қаерга жойлашганини бориб кўриш лозимлиги унинг эсига тушдию бироқ, ажабо:

биронтасини тополмади. Улар қасқадир гумдон бўлишганди. Бэк яна ҳайҳотдек лагерь бўйлаб уларни излашга тушди, аммо ҳаракатлари зое кетди. Мабодо улар чодирда эмасмикин? Бўлиши мумкин эмас, ахир уни — Бэкни у ердан ҳайлаб чиқаришди-ку?! Қаерга кетганикин улар? Совуқдан қаттирай бошлаган Бэк нима қиларини билмай шўппайиб, чодирлар атрофида айланиб юрди. Қўққисдан бир ерда олдинги оёқларини қўйган чоғида қор ўпирилиб, у қандайдир чуқурга қулаб тушай деди. Оёқлари остида бир нима типирчилагандек бўлди. Ўтақаси ёрилаётган Бэк гингшиганча нари қочди. Бироқ дўстона ангиллашни эшитиб у тинчланди ва нима гаплигини билиш учун ўша ерга қайтиб борди. Унинг тумшугига ҳароратли ҳаво урилди: қор остидаги чуқурда ғужанак бўлиб Билли ётарди. У чийиллар, думини ликиллатар, қисқаси, шу билан Бэка ўз садоқати ва ниятини изҳор ётарди, ҳатто Бэкни ийдириб олмоқ учун иссиқ ва нам тили билан унинг тумшугини ҳам ялаб қўйди.

Ана ҳолос, бу ерда шунақа қилиб совуқдан сақланишаркан-да! Бэк энди қатъий бир жойни танлади-да, узоқ уринишлардан сўнг қорни кавлаб ўзига уя ҳозирлади. Чуқурчага тушгач, бир дақиқа ўтар-ўтмас уяси илиди ва ухлаб қолди. Гарчи алоқ-чалок тушлар кўриб, дам-бадам гингшиб, хуриб қўйса ҳам, қаттиқ толиққанидан донг қотиб ухлади. У азонда лагерда шовқин-сурон кучая бошлаган пайтда уйғонди. Дастлаб қаерда ётганини англолмади. Кечаси ёққан қор у ётган чуқурчани бутунлай кўмиб юборганди. Қор оғир жисм каби ҳамма тарафдан босиб келарди. Бэк бирдан тузоқни кўриб талвасага тушган ваҳший йиртқич каби ваҳимага тушди. Бу унинг вужудида қадим аждодларининг сезгиси уйғонаётганидан далолат эди, чунки бу қўлга ўргатилган, жилла қурса, озгина тарбият қилинган ит умрида тузоқни кўрмаганлиги учун ундан кўркмаслиги лозим эди. Ҳақиқатда эса у кўққисдан ғужанак бўлиб олди, жуни хурпайди ҳамда ваҳшийна ириллаганча ҳар томонга қор тўзғитиб чуқурдан сакраб чиқди. Шундагина у оппоқ қор босган лагерни кўрди-ю, қаердалигини, Мануэль билан сайрга чиққан кунидан бошлаб кеча тунаш учун ўзига бошпана кавлаган оқшомгача бўлган воқеаларнинг барини эслади.

Франсуа уни олқишлаб қичқирди.

— Мен нима дегандим? — деди у Перрога юзланиб. — Қара, бунинг фаросати бало-ку, ҳамма нарсани тез ўрганиб оляпти.

Перро бош силкиди. У Канада ҳукуматининг чопари

бўлиб, хат-хабарлар, турли-туман муҳим ҳужжатларни таширди, зотан унга яхши итлар сув ва ҳаводек зарур эди. Шунинг учун Бэкдай итни сотиб олганидан ҳозир ич-ичидан ниҳоятда мамнун бўларди.

Бир соат ўтар-ўтмас у яна уч нафар ит сотиб олди, шу тариқа итларнинг сони тўққизтага етди, ўн беш минутдан кейин эса уларни чанага қўшиб, Дайе дарасига элтувчи қор босган йўлдан олиб кетишди. Бэк юз берган ўзгаришдан қувонарди, чаналарни тортиб югуриш оғир бўлса ҳам бу ишдан жирканмасди. Бошида шерикларининг гайрат-шижоати уни ҳайратга солди, йўқ, кўп ўтмай бу гайрат ўзига ҳам юқди. Ҳаммасидан ошиб тушгани Дэйв билан Соллексдаги юз берган ўзгариш эди. Чамаси, абзал уларни тубдан ўзгартириб юборганди — ҳозир таниб бўлмасди. Худди улар илгари танбал ва беҳад иштиёқсиз бўлмагандек. Қаердан пайдо бўлди бу чакқонлик, бу завқ! Иккови чаналар рагон ва бир меъёрда бориши учун ўлиб-тирилишар, шериклари орасида пайсалланиш ёки ҳовлиқиш юз берса тутақиб кетишарди. Гўё уларнинг яшашдан мақсадлари мана шу фаолиятларида намоён бўлар, тирикликдан ниятлари, яккаю ягона қувончлари ҳам шунда мужассамдек эди.

Дэйв ўртада, олдинроқда у билан Соллекс орасига Бэкини кўшгандилар. Қолган итлар уларнинг олдида онабоши Шпиц ортидан турнақатор бўлиб боришарди.

Бэкини ўргатсин учун Дэйв билан Соллекс орасига атай жойлаштирган эдилар. Гўё Бэк қобилиятли шогирду улар моҳир муаллим. Бэк жиндай янглишса иккови ўша заҳоти хатосини тuzатган, уddалай олмаса тишларини ишга солган. Дейв ақлли, босиқ ва адолатли ит эди. У ҳеч қачон Бэкини бекордан-бекорга ранжитмас, лекин гуноҳ қилса аяб ҳам ўтирмай додини берарди. Шундай пайтларда Франсуа ҳам унга кўшилиб жазолар ва Бэк алал-оқибат гажишгандан кўра хатога йўл қўймаслик ва ҳушёрроқ бўлиш осонлигини тушуниб етарди. Бир сафар нафас ростлаш учун тўхтаганларида Бэк қайишларга ўралиб қолди ва оқибат вақтида жўнай олмадилар. Дейв билан Соллекс барабар унга ташланиб роса адабини беришди. Шу сабабли тўс-тўполон кучайди, лекин ҳар қалай Бэк бу хатони бошқа такрорламади: кечга бориб у ўз вазифасини шундай адо эта бошладик, Дэйв билан Соллексининг уни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан бошқа иложлари қолмади. Франсуанинг қамчисини ҳам бошқа қарсилламади, Перро эса ҳатто унга алоҳида меҳр кўрсатиб, панжалари тагини бирма-бир кўздан кечириб чиқди.



Ўша кун и улар узок масофани босиб ўтишди, биринчи кун учун бу оғир келди. Улар дара юкориси бўйлаб бориб Кўйкишлоқдан овуллар билан ўрмон чегаралари ёнидан, баландлиги қирқ метрча музтоғлар ва қортепалардан ўтишди, шўр ва чучук сувли кўллар орасидан чўзилиб кетган кимсасиз ва ғариб Шимол дарвозаларини ҳайбатли сокчидек кўриқлаб турган осмонўпар Чилкутдан ошдилар. Улар сўнган вулқонлар оғзидаги қатор-қатор музлаган кўллардан эсон-омон ўтиб, ярим кечаси Беннет кўли яқинидаги қароргоҳга етиб келишди. Келганлари ҳамон Бэк қорни кавлаб ўзига уя ҳозирлади ва шу чуқурчада донг қотиб ухлаб қолди. Аммо тўйиб ухлолмади — ҳаш-паш дегунча уни уйғотишиб, тун зулматида ўзга итлар билан чанага кўшиб яна йўлга тушдилар.

Ўша кун и серқатнов йўл текис бўлганидан қирқ милдан зиёд юришди. Лекин эртасидан бошлаб бир неча кунгача ўзларига йўл очиб юришга мажбур бўлишгач тез толиқиб, жуда секин силжишарди. Одатда итларнинг осон юриши учун Перро чанғилари билан қорни шаббалаб олдинда борар, Франсуа эса лангар чўп билан чаналарни бошқарарди. Ора-сира улар Перро билан ўрин алмашишарди. Перро жоникарди, бунинг устига Франсуадан кўра музнинг қалин-юпқалигини яхшироқ чамалай олишига ишонгани учун кўпроқ олдинда юрарди. Айниқса ҳозир, кузда дарёлар ҳали яхши музламаган пайтда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим эди. Дарвоқе, дарёнинг тезоб ерлари эса умуман музламаганди ҳам.

Ҳар кун и (бу кунларнинг охири йўққа ўхшарди). Бэк чаналарни тортиб борарди. Ҳар доим кош қорайиши биланок дам олгани кўнишар, кун чиқар-чиқмас йўлга тушишарди. Келгуси сафар шом қоронғисид а яна чодир тикишарди; итлар эгалари улашган балиқларни еб олгач, ухлагани жой ҳозирлаш учун қор кавлашга тушардилар. Бэkning иштаҳаси карнай эди. Кундалик бериладиган бир ярим қадоқ қоқланган лосьос балиғи чап ичагига ҳам юк бўлмасди. Унинг ҳеч қачон қорни тўймас, очлик азобидан муттасил қийналарди. Ҳолбуки, унга нисбатан ориқ ва бундай ҳаётга хийла мослашган ўзга итлар атиги бир қадоқ балиқ есалар ҳам ўзларини алланечук тетик ва бақувват сезардилар.

Тез кунда Бэkning бир замонлар жанубда яшаган кезларидаги инжиқлиги барҳам топди. Бэк овқатни танлаб, бунинг устига шошилмай ейишга одатланган эди. Қарасаки, ўзлариникини апил-тапил еб тугатгач, уникини тортиб кетишяпти. Бэк минг қилгани билан улушини асраб қолол-

масди — икки-уч чоғли «ўғрилар» билан олишаётганида балиғини бошқалари тортиб кетишарди. Шунда Бэк ҳам уларга ўхшаб апил-тапил ейишга ўтди. Очликдан шу даражада қийналардики, Бэк, очиғи, ўғирлаб ейишдек пасткашликка ҳам тайёр эди. Бора-бора бошқаларнинг қандай ўғирлашларини кузатиб, улардан ўрناق ола бошлади. Янги кўшилган итлардан бири ўлгудек муғамбир ва ҳаромтовоқ Пайк Перронинг кўзини шамғалат қилиб бир бўлак яхна гўшт олиб қочганини кўриб қолган Бэк эртасига худди шу хийла билан яхлит тўшни тишлаб қочди. Қиёмат-қойим бўлиб кетди, аммо ҳеч ким Бэкдан шубҳаланмади, унинг ўрнига лалайган Дабни жазолашди.

Шу дастлабки ўғирлик Бэк Шимолнинг ҳаддан зиёд оғир шароитида ҳам яшашга қодир эканлигини кўрсатди. Бу унинг янги муҳитга мослаша олиш қобилятидан дарак берарди. Акс ҳолда азоб-уқубатдан боши чиқмай ўлиб кетарди. Шу билан бирга ўғирлик унинг тубанлаша бошлаганини ҳам кўрсатарди. Ҳалоллик ҳақидаги аввалги тушунчалари чиппакка чиқди, зеро, яшаш учун беомон кураш чоғида улар халақит берарди, холос. Булар меҳр ва садоқат ҳукм сурган Жанубга ярашарди, чунки у томонларда ўзганинг моли дахлсиз ва бошқаларни аяш лозим эди. Шимолда эса ҳаёт калтак ва адоватга асосланган эди, бу ерда овсарларгина ҳалолликка риоя қиларди. Афсуски, мана шу ҳалоллик Шимолда мурод-мақсадига етиб яшаш учун тўғаноқ бўларди.

Тўғри, Бэк бундай фикр юритмасди, у осонгина бу ернинг вазиятига мослашар эди. Бэк умрида бирон марта бўлсин, ҳатто кучи етмаслигини сезса ҳам жангдан бош тортмади. Лекин қизил свитерли кишининг калтаклари анчайин содда, аммо тирик жон борки билиши шарт бўлган муҳим қонуниятларни тушунтириб қўйганди. Бэк ҳалиям ўргатилган, яъни «тарбия» кўрган итлигича қолганда эди, у ҳалоллик йўлида ҳатто судья Миллернинг оддийгина қамчисини сақлаб қолиш учун ҳам ўзини қурбон қилган бўларди. Ҳозир ўз ҳаловатини деб булардан юз ўгираётгани эса унинг ўз аслига қайтаётганини кўрсатарди. Бэк ишқибозлик учун эмас, балки оч қолаётгани учун ўғирларди. У ошқора ўғирламай, иложи борича хуфёна, сездирмасдан ўғирларди. Сабаби, калтагу таъқиблар қонунини бузишга ҳадди сизмасди. Қисқаси, у қилмасликдан кўра анча осон бўлган ишларни қиларди.

Бэк кундан-кунга етилиб (тўғрироғи ёввойилашиб) борарди. Унинг мушаклари тараңлашиб, унча-мунча оғрикни писанд қилмайдиган бўлиб қолди. У ҳар жиҳатдан —

хам жисман, хам рухан чишиқди, тобланди. Энди у хар қандай овқатни, кўйингки ниҳоятда бадҳазм ва бемаза нарсаларни ҳам паққос тушираверарди. Нимаики емасин нафси қаноатланар ва қувватига қувват қўшиларди. Бэк ниҳоятда сезгир ва хушёр ит эди. У ҳатто ухлаётганида тик этган товушни эшитиш тугул бу товуш нимадан огоҳ қилаётганини ҳам ажрата оларди. У бармоқларига ёпишган музни кемиришга, чанқаган пайтда эса музни бакуват панжалари билан синдириб ҳовуздан сув ичишга ўрганди. Аммо Бэкнинг шамол йўналишини бир кун олдин илғаши айниқса гаройиб эди. У, осойишта, тинч кечаларда ҳам бирор дарахт ости ёки соҳилнинг шундай еридан ўзига уя кавлар эдики, кейин башарти бўрон турса ҳам иссиққина уясида эрталабгача хотиржам ётаверар, унга зиёни тегмасди.

Буларнинг тагига Бэк ҳаёт сабоқлари ёрдамидагина етишмасди — унинг қонида аллақачон сўнган ибтидоий майллар қайта жунбишга келганди. Қўлга ўргатилган аждодлари авлодидан мерос тариқасида ўтган одатлар эса, аксинча, завоқ топаётган эди. Ёввойи итлар бокира ўрмонларда гала-гала изғиб, ўлжаларини қувиб ва тилка-пора қилиб юрган замондаги авлод-аждодларининг ғайрат-шижоатлари сезилар-сезилмас уйғонаётганди. Бэк тез орада тирноқлари ва тишлари билан ҳамла қилишга ўрганди. Бўридек томоқдан ғиппа оладиган бўлди. Унутилиб кетган аждодлари мана шундай уришарди. Узоқ ўтмиш билан биргаликда уруг-аймоғига хос бўлган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган азалий одатлар энди унинг вужудида жонланаётганди. У буларни осонгина, худди кўпдан одатланиб, кўриб юргандек ажабланмай-нетмай ўзлаштирди. Осойишта совуқ тун кўйнида Бэк тумшугини кўтариб бўрилар каби чўзиб-чўзиб узоқ увиллаганда гўё унинг ўрнига аллақачон тупроққа қоришиб кетган, асрлар мобайнида юлдузларга термулиб нола қилган аждодларининг руҳи ув тортгандек бўларди. Дарҳақиқат, Бэкнинг ноласида ўша азалий оҳанглар янграрди, унинг замирида ўша қайғу-ҳасртлар сукунат, зулмат ва аёздан тугилган ҳиссиётларига қўшилганча эшилиб-эшилиб оқарди.

Бамисли табиат қўлида бир қўғирчоқ эканимизни исботлагандек, ит кўксидан аждодларининг қадим кўшиқлари отилиб чиқар ва шу тариқа у секин-аста ўз наслининг азалий сарчашмаларига қайтмоқда эди. Бу эса одамлар Шимолда олтин қони борлигидан бохабар бўлгани ва боғбоннинг дастёри Мануэлнинг топган-тутгани хотини билан худди ўзига ўхшаган бир тўда чурвақаларини боқишга — рўзғор тебратишга етмагани сабабли рўй берган эди.

## БУРУНГИ ВАҲШИЙ ҲАЙВОН ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Ваҳшийлик Бэкнинг қонида ҳамон яшар, бу айниқса, янги ҳаётнинг шафқатсиз шароитида тобора кучайиб борарди. Бэк ваҳшийлигига бориб, усталик билан табиий майл-ихтиёрларини сездирмасди. Бунинг устига янги шароитга мослашиш зарурати уни жиловлаб турар, на фақат бош тортмаслик ва жанжалларга аралашмасликни, балки иложи борица ҳар қандай ихтилофдан қочишни талаб қиларди. Натижада у шўхликларга барҳам берди, орқа-олдини ўйлаб иш қиладиган бўлиб қолди. Шунинг учун, Шпиц билан ўрталарида анчадан буён бемисл адоват ва нафрат давом этиб келаётган бўлса ҳам у ўзини хотиржам тутар, бекордан-бекорга Шпицнинг ғашига тегавермасди.

Шпиц эса, аксинча, Бэки ўта хавфли душмани деб билармиди, ҳа деса ирилларди. У Бэкнинг жиғига тегиб ишқал чиқариш учун баҳона излагани-излаган эди. Дарвоқе, жанг юз бергудек бўлса, турган гапки, икковидан бирининг ўлими билан тугаши мақаррар эди. Агар кутилмаган тасодиф бўлмаганда эди, йўлга тушган кунлариёқ машъум жанг юз берарди. Кунларнинг бирида чаналар қарвони Ле-Барж кўли яқинидаги ялангликда тўхтади. Қор бўралаб ёғар, икки қадам нарини кўриб бўлмасди. Кўз очирмаётган шамол дам олиш учун тўхташни тақозо этар, лекин бу ер ноқулай эди. Орқа тарафдан тик қоя девордек тўсиб турарди. Аммо Перро билан Франсуа ноилож гулхан ёқиб қопқўрпаларини тўғридан-тўғри муз устига тўшадилар. Юкларимиз энгилроқ бўлар, деб чодирларини Дайеда ташлаб юборишган эди. Улар тошқин пайтида сув оқизиб келган чўпларни тўплаб гулхан ёқишди, бироқ олов музни эритар-эритмас ўчиб қолди-ю, оқибат қоронғуда овқатланишларига тўғри келди.

Бэк шундоққина қоянинг тагига бориб жойлашди. Унинг бошпанаси қулай ва роҳатижон бўлганидан Франсуа итларга оловда озгина иситиб балиқ улашаётган чоғида Бэк истар-истамас у ердан чиқди. Балиғини еб, қайтиб келса кимдир ўрнида ётибди. Таҳдидли ириллашидан Шпицга ўхшайди. Бэк шу чокқача Шпиц билан тўкнашишдан қочиб юрарди, лекин энди чидаб туролмади. Унинг йиртқичлиги тутди. Ногаҳон жон-жаҳди билан ўзини Шпицга олди, бинобарин бу икковига, айниқса, Бэки учига чиққан

кўрқок, кучи билан жасади туфайлигина омон юрибди, деб ўйлашга кўниккан Шпиц учун кутилмаган нарса эди.

Уларнинг бир-бирига маташганча бузилган уядан чиққанларини кўрган Франсуа аввалига ажабланиб қараб турди, лекин ўша заҳоти жанжалнинг сабабини фаҳмлади.

— Аҳа!— деб кичкирди у Бэка. — Бопла! Бу ярамас ўғрининг бир адабини бериб қўй!

Шпиц қўққисдан ҳамла қилишга тайёрланарди. У қулай пайтини кутиб Бэkning теварагида айланаркан, аламига чидаёлмай увилларди. Бэк ҳам беҳад ғазабланар ва у ҳам рақибини кўздан қочирмасди. Лекин шу пайт кутилмаган воқеа юз берди-ю, пешқадамлик учун жанг тўхтади. У машаққатли йўлнинг азобини хийла тортишгандан кейин амалга ошди.

Оғзидан боди кириб шоди чиқаётган Перронинг дағдағаси, ориқ баданларига тушаётган таёқнинг қарсиллагани ҳамда оғриқ азобидан ангиллашлар бир лаҳзадан кейин лагерда бошланган даҳшатли тўполонга қўшилиб кетди.

Кутилмаганда лагерни жунлари ўсиқ махлуқлар босиб кетди. Бу оч итлар тўдаси лагернинг исини олиб, яқин-атрофдаги ҳиндулар қишлоғидан етиб келган эди.

Бэк билан Шпиц жангга киришган пайтда чақирилмаган бу меҳмонлар лагерга бостириб кирди ва таёқ кўтариб югуриб келаётган Перро билан Франсуага ташланди. Овқатнинг ҳидидан итларнинг эси оғиб қолаёзганди. Бир итнинг овқат солинган қутига тумшуғини тикаётганини кўрган Перро унинг оч биқинига залворли таёғи билан ура кетди. Кути ағдарилди — худди шу пайт очлик қийнаб юборган итлар нон билан гўштни талашиб-тортишиб ўзаро ғажиша бошладилар. Шунда таёқбозлик бошланди. Итлар дўлдек ёғилаётган зарбалардан ангиллаб ув соларди-ю, аммо вақт ғаниматлиги учун бир-бирини ғажишдан тўхтамади ва то ҳаммасини еб битирмагунча бир қадам бўлсин чекинишмади ҳам.

Бу орада Перронинг барча итлари кўрқа-писа чуқурларидан чиқишди. Ёвузлашган келгиндилар ўша заҳоти уларга хужум қилишди. Бэк умри бино бўлиб бунақа итларни кўрмаган эди. Уларнинг ковурағалари саналиб турарди. Буларнинг иркит териға ўралган скелетдан заррача фарқи йўқ эди. Кўзлари ёнар, оғизларидан кўпик сачрарди; очлик қутуртириб юборган бу ниҳоятда кўрқинчли итларни енгиб бўлмасди. Биринчи тўқнашувдаёқ чанакаш итлар қоя томонга улоқтириб ташланди. Бэка учта бегона ит баравар ёпишиб, бир зумда кифти билан тумшуғини ғажиб ташладилар. Даҳшатли шовқин-сурон кўтарилди. Билли ҳар доим-

гидек зорланиб ингилларди. Соғ жойи қолмаган ва қонга бўялган Дэйв билан Соллекс ёнма-ён туриб, мардларча олишарди. Жо бамисли қутургандек жон-жаҳди билан ташланар, тишлари ғижирларди. У бегона итлардан бирининг олдинги оёғини тишлаб, суягини ғажиб ташлади. Ҳийлагар Пайк эса ўша итга ўзини отди-да, шартта томоғини ёриб ташлади. Бэк оғзидан гарақ-гарақ сўлак оқаётган рақибининг бўғзига ёпишди. Унинг бошдан-оёғи тизилаб отилган қонга бўялди. Бу қайноқ қон таъми Бэкни бағоят қутуртириб юборди. У энди бошқа итга ҳамла қилмоқчи бўлганди ўша заҳоти бўйнига ўткир тишлар ботганини сезди. Ёнбошидан келиб мунофиқона ҳамла қилган Шпиц эди.

Перро билан Франсуа лагернинг бир қисмини босқинчилардан тозалагач, ўз итларини қутқариш учун югурдилар. Уларни кўрган оч йиртқичларнинг қутурган галаси зудлик билан чекинди. Бэк эса ўзига канадай ёпишган Шпицни ирғитиб юборди. Лагерь сал тинчлангандек бўлди. Аммо орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас Перро билан Франсуа ғамлаб кўйилган озиқ-овқатни сақлаб қолиш учун ўша томонга югуриб кетгач ҳиндуларнинг итлари яна бостириб кирди. Ноиложликдан Билли таваккалига итлар орасига ўзини урди-да, ёриб ўтиб, музлаган қўл бўйлаб урра қочди. Унга Пайк билан Даб, сўнгра Перронинг қолган итлари эргашди. Бэк музга сакрамоқчи бўлган чоғида очикдан-очик жасади билан уриб йиқитиш учун ўзи томон ўкдек учиб келаётган Шпицни сезиб қолди. Мабодо Бэк йиқилса борми, шак-шубҳасиз изидан қувиб келаётган галага ем бўларди. Бироқ у бор кучини тўплаб Шпицнинг хужумини даф қилди-да, шериклари ортидан учиб кетди.

Бир қанча вақтдан сўнг тўққиз нафар ит йиғилиб, яширинадиган жой излаб ўрмон сари йўл олишди. Уларни энди ҳеч ким таъқиб қилмасди-ю, лекин ҳаммаларининг ҳол-жони қолмаган эди. Ҳар бирининг кам деганда тўрт-беш ери жароҳатланган, баъзиларининг аҳволи оғир эди. Дабнинг орқа оёғи ишламас, Доллининг (Дайеда сотиб олиниб, уларга энг биринчи кўшилган ит) бўйнида бир парча эти осилиб ётар, Жо бир кўзидан ажралганди; ювошгина Билли эса туни билан ангиллаб, ғингшиб чиқди — унинг қулоғини ғажиб ташлашган эди. Азонда судралиб қароргоҳга аранг етиб келганларида қароқчилардан номнишон қолмаган эди. Озиқ-овқатнинг ярмидан кўпи талон-торож қилинганини кўриб Франсуа билан Перронинг хуноби ошарди. Устига-устак кўппаклардан ҳатто қайиш билан брезент чойшаблар ҳам қолмаган — ҳаммасини ғажиб ташлашган эди. Тишга ботадиган буюм борки ҳаммаси чайналган

эди. Перронинг бугу терисидан ишланган бошмоғиyo абзал тасмаси дейсизми, ғажиб ташланган, ҳатто Франсуанинг камчиси икки қаричча калта бўлиб қолган эди. Перро камчисини кўриб ичи ачишди, сўнг жароҳатланган итларни кўздан кечириши учун уларга юзланди.

— Э-э, болажонлар-сй!— деди у майингина.— Ҳамман-гизини ғажиб ташлашибди-ку! Энди бирдан қутуриб кетсаларинг-а! Ат-танг! Битта қолмай қутуриб кетиши мумкин-а! Нима дединг, Перро?

Перро афсусланиб бош чайқади. Доусонгача ҳали тўрт юз фарсанг бор эди — бир ками итларнинг қутуриши етмай турганди! Икки соатча ўлиб-тирилиб, чаналар эпақага келтирилгач, итлар яра-чақаларининг оғриётганига ҳам қарамасдан жон-жаҳдлари билан уларни судраб кетишди. Бўёғи йўлнинг энг оғир қисми эди. Улар ҳалигача бирор доводнда бунчалик кийналишмаганди.

Дарё музламаган эди. Унинг айқириб оқаётган суви ҳали-вери музлайдиганга ўхшамасди ҳам, фақат соҳилга яқин, оким тинчроқ ерларигина музлаганди. Бу касофат ўттиз фарсанг йўлни босиб ўтиш учун олти кун азоб чекдилар. Ҳар кадамда фалокат юз бериши мумкин эди. Йўлни кўздан кечириб бораётган Перро йигирма марта муз ёрилиб сувга тушиб кетди. Ҳар сафар лангар чўпгина жонига ора кирарди — йиқилаётганда у таёқни муз ёриғига кўндаланг кўйишга улгурарди. Совук кучайиб, термометр эллик градусни кўрсатарди; бунақа сувга сўнғишлардан сўнг ҳар гал Перро каттиқ шамоллаб қолмаслик учун гулхан ёқиб кўйлақларини қуритиб оларди.

Бирок уни ҳеч нарса йўлдан қайтаролмасди. Айнан довораклиги учун ҳам Перрони ҳукумат хабарчиси қилиб тайинлашган эди. Лозим бўлса Перро ҳар қандай хатардан ҳам қайтмас, этсиз ва ажин босган юзини аёзга тутган кўйи кундан-кунга, эрталабдан кечгача турли-туман кийинчиликларни енгиб борарди.

У оёқлари остида муз қарсиллаб, сурилиб кетаётгани учун ақалли бир лаҳза тўхташ ҳам хавотирли бўлса-да, зим-зиё соҳил ёқалаб кўчган музлар устидан одимларди. Бир сафар нарталар Дэйв ҳамда Бэк билан қўшилиб сувга ағдарилди-ю, итлар чўкиб кетай деди, сувдан тортиб олишганда устларини бир энлик муз қоплаганди, шу муз эриши учун Франсуа билан Перро гулхан ёқиб уларни оловга шунчалар яқин туришга мажбур қилдиларки, жунларни жизғанак бўлаёзди.

Бошқа сафар Шпиц сувга ағдарилиб, ўзи билан барча чаналарни тортиб кетди. Бэк бор кучини тўплаб, атрофидаги

музлар қарсиллаб синаётган бўлишига қарамай тўртала оёғини кўчган музнинг сирғанчиқ қирғоқларига тираган кўйи секин-аста ортига тисарила бошлади. Бахтига унинг орқа тарафида Дэйв бор экан, у ҳам жони борича орқага тортди, энг охирида турган Франсуа ҳам чаналарни ўзига шунақа тортдики, бўғинлари кирсиллаб кетди.

Бир куни дарё лабида муз парчаси нарганинг ҳам олди, ҳам орқасидан ёрилди. Кутулишнинг ягона йўли — тик қояга чиқиш эди. Франсуа мадад тилаб худога ёлбораётганда Перро бир мўъжиза билан қояга чиқиб олди. Қайишлар, тасмалару абзалларни бир-бирига боғлаб узун арқон ясашди ва ҳамма итларни бирин-кетин қоянинг тепасига тортиб чиқаришди. Нарталар билан юклар ҳам тортиб олингандан сўнг Франсуа юқорига тирмашиб чиқди. Кейин яна кўйига тушиш мумкин бўлган жой ахтара бошладилар. Алал-оқибат ўша арқон кўмагида пастга тушиб кечаси яна дарёда тунадилар. Шу куни улар бор-йўғи чорак фарсанг юришди.

Шу асно муз хийла калин Хуталинкавага етиб келишди, Бэк ниҳоятда қайналиб кетди. Бошқа итларнинг аҳволи ҳам уникидан дуруст эмасди. Шунга қарамай Перро совурилган вақтнинг ўрнини тўлдириш ниятида уларни тинмай ҳайдарди. Биринчи куни улар ўттиз беш фарсанг йўл босиб Катта Бугуда пайдо бўлишди. Эртасига Кичик Бугугача яна 35 фарсанг юришди. Учинчи куни қирқ фарсанг юргач, Беш Бармоқ остоналарига яқинлашдилар.

Бэкнинг оёқлари Шимол итларининг оёқлари сингари пишиқ ва чидамли эмасди. Энг сўнгги ёввойи аждодини ибтидоний одам ёки қозик оёқли уйлар соҳиби қўлга ўргатган замонлардан буён унинг зотидан бўлган итлар секин-аста авлоддан-авлодга нозиклашиб борганди. Бэк оғрикнинг зўрига қарамай оксаб-оксаб судралиб борар, кечкурун қароргоҳда эса ўзини ўликдек таппа ташларди. Балик тарқатаётганларида ҳатто очлик ҳам уни ўрнидан кўзгатолмас ва Франсуанинг унга тегишли баликни келтириб беришдан бошқа иложи қолмасди. Франсуанинг ўзи ҳар куни кечки овқатдан сўнг ярим соат Бэкнинг панжаларини уқалаб кўярди. У ҳатто маҳсисидан воз кечиб, Бэкнинг панжаларига лойиққина бошмоқчалар тикиб берди. Бу итнинг дардига хийла малҳам бўлди. Бир куни Франсуа бошмоқларни кийдириб кўйишни унутиб қолдирганди, Бэк кийдириб қўймасанглари юрмайман, дегандек оёқларини типирчилатиб ётиб олди. Буни кўриб ҳатто Перронинг ажин босган юзлари табассумдан ёришиб кетди. Аста-секин Бэкнинг панжалари соғайиб дағаллашди,



хийла тобланди ва бу пайтга келиб сйилиб кетган бошмоқчаларини ташлаб юборишди.

Бир кун эрталаб Пелли яқинидаги бекатда итларни чанага қўшаётганларида ҳеч кутилмаганда Долли кутурди, шу пайтгача бирорта шубҳали нарса сезишмаганди. У бошқа итларнинг кутини ўчиргудек бирдан бўрига ўхшаб кўркинчли ва юракни эзадиган тарзда нола қилди-да, Бэка қараб сапчиди. Бэк умрида биринчи марта кутурган итни кўриши эди. Шунинг учун ундан кўркиш кераклигини билмасди. Шундай бўлса-да, у даҳшатга тушиб орқа-олдига қарамай қочганини сезмай қолди. Шамолдек елиб бораётган Бэк ортидан тилини бир қарич осилтириб Долли қувиб кетди. Бэки кўркув, Доллини эса жазаво югуртирар — на унис қочиб қутулар, на буниси етиб оларди. Бэк бутазорга кириб, оролнинг қуйи чеккасидан чиқди, улкан муз бўлаклари тикилиб ётган аллақандай бўғоздан сузиб ўтиб, бошқа оролга, кейин учинчисига чиқиб олди. Бир айланиб дарёнинг асосий ўзанига қайтиб келди-да, қути ўчиб, гизиллаганча муз устидан югурди. У ортига қарамай ҳамон қочиб бораркан, оғзидан кўпик сачратиб келаётган Доллининг ириллаётганини баралла эшитарди. Қисқаси, чорак фарсанг югурган, Бэк Франсуанинг товушини эшитиб ортига бурилди. У энди ҳарсиллаб, Франсуа томон югурди. Бэкининг бор умиди Франсуадан эди. Франсуа болтани боши узра кўтарганча тайёрланди ва Бэк ёнидан ўтиши замоно болта зарб билан кутурган Доллининг бошига тушди.

Дармони кетиб, араиғ нафасини ростлаётган Бэк нарталар ёнига судралгудек бўлиб борди. Бироқ ўзини ҳимоя қилолмаслигига кўзи етган Шпиц унга ташланди-да, ҳеч бир қаршиликсиз гарчча тишлади. То Франсуа ҳай-ҳайлаб етиб келгунинча у Бэкининг икки еридан этини узиб олишга улгурди. Шпицнинг боши узра қамчи хуштак чалди-ю, Бэк ҳали ораларида ҳеч қайси ит емаган калтақдан душмани ангиллаб қочганини кўришга муяссар бўлди.

— Шпицнинг иблислигини қара-я! — деди Перро. — Бир кунмас бир кун Бэкини ғажиб ташламаса гўрга эди.

— Ҳечқиси йўқ, Бэкдан ажал ҳам кўрқадим, — дея жавоб қайтарди Франсуа. — Мен уни кузатиб юрибман. Биласанми, кўнглимга қандай гап келади? Бир кун келиб унинг йирткичилиги тутиб кетадию, Шпицнинг жўжадек ғажиб ташлайди. Гапимга ишонавер!

Ўшандан кейин Бэк ва Шпиц ўртасида ошқора адоват бошланди. Бу ғалати жанублик итни бутун бошлиқ қарвоннинг онабошиси ва зўри деб тан олинган Шпиц ўзига қушанда деб биларди. Бэкининг унга ғалати бўлиб кўринаёт-

гани сабаби шу эдики, то шу чокқача Жанубдан чиққан ит зоти борки, маҳаллий итлар билан на лагерлар жойлашган қароргоҳларда, на машаққатли йўлларда тенглаша оларди. Бу келгиндиларнинг ҳаммаси ҳаддан зиёд нозик бўлиб, оғир ишлар, совуқ ва очликка чидаёлмай ўлиб кетарди. Бэк эса бунинг тамомила акси эди. У барига чидади, янги ҳаётга кўникди ва шимоллик итларга на куч-қувват, на шиддат ва на довуракликда бўш келди. Бунинг устига у бўйсундиришни яхши кўрарди, қизил свитерли кишининг калтаги эса унинг ақлини киргизиб қўйган, натижада бурунги ўзини бўлар-бўлмас ўққа-чўққа уриш ҳамда қизиқ-қонлик одатларидан тамомила кутулган Бэк ўта хавфли рақиб бўлиб етишган эди. Бэк фавқулодда ҳийлакор эди, шу боис пешқадам бўлишни жон-жаҳди билан истаётганига қарамай унинг вақт-соати келишини ёввойи ҳайвонларга хос қатъий матонат билан кута оларди.

Пешқадамлик учун жанг бўлмаслиги мумкин эмасди. Бэк шундан умидвор эди. У табиати шуни тақозо этаётгани учун хоҳлар ҳамда итларнинг сўнгги нафасларигача шериклари билан елкама-елка бориш, ўз чанасини бажону дил тортиш, башарти уни тўдадан чиқариб юборсалар ғам-аламдан адоён тамом бўлишгача олиб борадиган фахрланиш туйғуси вужудини қамраб олгани учун ҳам хоҳларди. Бу фахрланиш дарғанинг ўрнига қўшганларида Дэйвнинг қонида жўш уриб Соллексни ғайрат ва иштиёқ билан чаналарни тортишга мажбур қилган эди. Жўнаш вақти етганда барча итларни руҳлантирган ҳамда баджаҳл, асабий махлуқларни серғайрат, иззатталаб ва толмас заҳматқашларга айлантирган ҳам шу нарса эди. Бу ғурур кун бўйи уларни қистовга олар ва фақат кечқурун, дам олгани тўхтаганларида тарк этарди. Онабоши Шпиц ҳам чалишиб, қайишларга ўралиб қолаётган ёки йўлга отланиш ўрнига яшириниб олган итларни айни шу — ўз касбига садоқатдан тугилажак ғурур туфайли аямай жазоларди. Ана шу туйғу измидаги Шпиц ўрнига Бэкни қўйишларидан кўрқар, Бэк эса шундан илҳомланиб онабоши бўлиш иштиёқига тушган эди.

Энди Бэк очикдан-очик онабошилиқни даъво қила бошлади. У Шпиц жазоламоқчи бўлган ялқов итларнинг жўрттага ёнини оларди. Кунлардан бир кун кечаси билан қор тушиб, эрталаб ишёқмас ва муттаҳам Пайк нартанинг ёнига келмади. У қалин қор остидаги чуқурда яшириниб ётганидан Франсуа уни излаб тополмасди. Шпицнинг астойдил аччиғи чиқди. У шубҳали кўринган ерни искаб,

кавлаб кўрар ва шундай даҳшат солиб ириллардики, буни эшитиб Пайк ётган ерида қалтирарди.

Лекин ниҳоят Пайкни уясида тортиб чиқарганларида Шпиц таъзирини бериб қўйиш учун унга сапчиганди, Бэк бирдан Пайкни ҳимоя қилишга ташланди. Буни кутмаган Шпиц Бэка урилиб, ўзини тутолмай йиқилди. Қўрқанидан дағ-дағ қалтираётган Пайк бундай очикдан-очик тарафкашликни кўриб дарҳол ўзини тутиб, йиқилган онабошига ҳужум қилди. Ҳалол жанг қилиш қонуниятини унутиб, Бэк ҳам Шпицга отилди. Аммо бу манзарани кузатиб турган Франсуа адолат ўрнатишни ўз бурчи деб билди-да, кўлидаги қамчиси билан Бэкни қарсиллатиб урди. Бэк қорга босиб ётган душманини қўйиб юбормади. Шунда Франсуа қамчи дастасини ишга солди. Оғир зарбдан гангиган Бэк ортига учиб тушди ва Франсуа уни тоза савалади. Бундан фойдаланган Шпиц эса асосий айбдор Пайкнинг роса таъзирини берди.

Кейинги кунлар то Доусонга етиб боргунларича ҳам Бэк қитмирлигини қўймади, Шпиц гуноҳқор итларни жазолай бошлади, тамом, орага тушаверди. Бироқ у жуда айёрлик билан — Франсуа нарироқ кетганида шундай қиларди. Бэkning бундай пинҳоний хатти-ҳаракатлари гўё итоат этмасликка чорлар, шу сабабдан карвонда тартиб-интизом кун сайин бўшашиб борарди. Фақатгина Дэйв билан Соллекс ўзларича содиқ қолди, бошқа итлар эса кун сайин айнишарди. Тўс-тўполонлар бошланди. Жанжаллар ва тиш қайрашларнинг ниҳояси йўқ эди. Вазият тобора оғирлашар — бунга фақатгина Бэк айбдор эди. У туфайли Франсуанинг тинчи бузилди; у Шпиц билан Бэк бугун бўлмаса эртага бир-бирини ғажиб ташлайди, дея ташвиш чекарди. Франсуа шу нарса бугунми-эртами юз бериши муқаррар эканига шубҳа қилмасди. Кечалари шовқин-сурон товушини эшитиб, бир неча марта Бэк билан Шпиц уришмаяптимикин, дея қопкўрпасидан чиқиб қаради.

Лекин ҳали замон фурсат етмаганга ўхшарди, булутли кунлардан бирида ниҳоят Доусонга етиб келганларида ҳам омонсиз жанг ҳамон эртанги кунга қолаётгани маълум бўлди.

Гавжум Доусонда одамлардан кўра итлар кўпроқ эди, Бэк барча итларнинг машғул эканини кўрди. Афтидан, Доусонда бу оддий ҳол эди. Уззукун гавжум кўча бўйлаб итлар қўшилган чаналар турнақатор ўтар, ҳатто кечалари ҳам қўнғироқчалар жиринги тинмасди. Итлар қурилиш учун ходалару ўтиндан тортиб қонда асқотиши мумкин бўлган буюмларни ташиб келишарди. Санта-Клара водийсида

отлар бажарадиган иш бу ерда итларнинг зиммасида. Уларнинг орасида жанубдан келтирилган итлар ҳам уч-рарди, бироқ аксари шу ерлик бўрилар авлоди эди. Қоронғи тушди дегунча мунтазам равишда уч маҳал — тўққизда, ўн иккида ва тунги учларда булар ўзларининг тунги нола-ларини — ваҳимали ва сирли кўшиқларини бошлаб қоларди. Бэк эса бажону дил уларга жўр бўларди.

Боши узра шимол ёғдуси ёқимсиз шуъла сочган ёки юлдузлар тунги осмон қўйнида жунжикиб, замин эса қор чойшаби остида тошдек музлаган ана шундай кечаларда, башарти маънос бир нола каби чўзиқ ва ҳазин янграмаса эди, итларнинг кўшиғи яшашга чақираётгандек туюларди. Йўқ, унинг замирида кўпроқ ҳаётдан, оғир қисматдан зорланиш оҳанглари кучли эди. Бу кўҳна, уларнинг зоти сингари қадимий ва барча кўшиқлар ғам-ғусса билан лиммо-лим бўлган замонлардаги навқирон дунёнинг илк кўшиқ-ларидан бири эди. Бэкни ғалати кўйларга солаётган бу зорланиш бешумор авлодларнинг мусибатлари билан суғорилганди. Бегона итларга кўшилиб у ҳам ўша ёввойи аждодлари дод солган ҳаётнинг адоқсиз жабру жафолари, аёз ва тун ваҳимаси юракларига солган ўша хурофий даҳшатлардан фарёд чекар ва ув соларди. Бу азалий қай-ғули оҳангнинг Бэкка таъсир қилаётгани ҳам одамзод хона-дониди ўтган осойишта ҳаётдан асрлар оралаб ортига, шу фарёд туғилган бурунги ёввойи давронга қайтаётганини кўр-сатарди.

Доусонда бир ҳафта тургач улар тик қирғоқдан яна Юкон музига тушиб, изларига — Дайе билан Шўрсув сари равона бўлдилар. Перро энди Доусонга келтирган почтадан кўра муҳимроқ хатларни олиб кетмоқда эди. Шу билан бирга у ғайрати жўшиб тезкорлик бўйича йиллик рекорд ўрнатишга аҳд қилганди. Шарт-шароитлар бунга имкон туғдирарди. Бир ҳафта дам олиб, куч-ғайрати тикланган итлар ўзини яхши сезарди. Доусонга келаётганда улар очган сўқмоқни ўзга сайёҳлар шиббалаб маромига етказган эдилар. Бунинг устига шу йилнинг икки-уч ерида полиция-чилар одамлар билан итларга егулик нарсалар бўлган ом-борлар очган, бинобарин, манзилга ортиқра машаққатсиз қайтиб боришлари мумкин эди.

Биринчи кунинёқ Юкон ёқалаб юқорига эллик фарсанг йўл юришди, эртасига кечга яқин эса Пеллига яқинлашди-лар. Аммо кўз кўриб қулоқ эшитмаган бундай тезлик Фран-суага қимматга тушди. Бэк кўтарган ғалаён карвонда йўлга қўйилган тартибни остин-устун қилиб юборди. Итлар энди бир ёқадан бош чиқариб югуришмасди. Бэкнинг ҳомийли-

гидан рағбатланган исёнчилар тез-тез шумлик йўлига ўтардилар. Шпицдан энди унчалик кўркмасдилар. Ундан аввалгидек ҳайиқишмас ва нафақат Бэк, балки бошқа итлар ҳам энди унинг пешқадамлигини тан олишмасди. Бир кун кечаси Пайк Шпицнинг яримта балигини ўғирлаб қочдию Бэкнинг химоясида ўша заҳоти паққос туширди. Бошқа сафар Шпиц янглишганда Даб билан Жо огоҳлантирмай унга ташландилар. Ҳатто ювош Билли ҳам кўнгилчанлигини унутиб, илгаригидек хушомадгўёна ангилламайдиган бўлди. Бэк эса ҳар гал Шпицнинг ёнидан ўтаётганда ириллаб тишларини кўрсатарди. Умуман, у ўзини ҳақиқий жанжалкашдек тутар ва Шпицнинг бурни тагида сурбетлик қишиши яхши кўрарди.

Интизомнинг сусайиб кетиши итларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир этди. Улар энди дам-бадам ғажирар, шундай кезларда қароргоҳнинг жаҳаннамдан фарқи қолмасди. Атрофдаги тўхтовсиз уруш-жанжаллар безор қилиб юборган бўлса дам Дэйв билан Соллекс ўзларини доимгидек тутишарди. Франсуа ҳамиша хуноби ошиб юрар, жаҳлдан нима қиларини билмай сочларини юлғудай бўларди. У ҳа деса итларни савалар, бироқ бунинг сира нафи тегмасди. Франсуа орқасини ўгириб нари кетдими, тамом — тўполон бошланарди. У Шпицни химоя қилса, Бэк бошқаларга посбон бўларди. Бу бебошликларга ёлғиз Бэк сабабчи эканини Франсуа билар, эгаси ҳаммасидан огоҳлигини Бэк сезарди. Аммо бу ит шунчалар муғамбир эдики, уни қўлга туширишнинг сира иложи йўқ эди. У чанани астойдил тортарди, чунки меҳнат унга роҳат бағишлайдиган бўлиб қолган эди. Лекин писмиқлик билан шериклари орасида низо кўзғаб, кейин изини йўқотишдан кўпроқ роҳатланарди.

Кунлардан бир кун Тэхкина этагида дам олгани тўхтаганларида кечкурунги овқатдан кейин Даб беҳосдан бир қуённи ҳуркитиб юборди-ю, аммо тута олмади. Кўз очиб-юмгунча бутун тўда ўлжани қувиб кетди. Лагердан юз ярд нарида шимолий-ғарб полициясининг станцияси жойлашган бўлиб, уларнинг 50 дан зиёд ити бор эди, мана шу итлар ҳам буларга қўшилди. Қуён муз қопланган дарёдан қочиб борди-да, анҳорга бурилди, у тизза бўйи қордан сакраб-сакраб қочар, вазни оғирроқ итлар эса ҳар қадамда йиқилишарди. Бэк олтмишдан ортиқ итлар тўдасининг олдида шамолдек елиб борар, аммо ҳарчанд тиришгани билан қуёнга етолмасди. Дафъатан у чалқанча йиқилди ва нафаси қонмаганидами, алам билан ғингиб юборди. Унинг кўркама қомати ойнанинг заъфарон нурида яққол

кўзга ташланарди. Куён эса бамисли аёзли туннинг оқ шарпаси каби олдинда шитоб билан елиб борарди.

Йилнинг маълум фаслларида кўрғошиндан куюлган ўқлар билан тирик махлуқларни ўлдиргани одамларни сершовкин шаҳарлардан ўрмонлар ва адирлар сари етаклайдиган анави ибтидоий майллар ҳозир Бэкнинг вужудда ғалаён қилар ва бу қонхўрлик билан қон тўкиш қувончи унинг жисмини қамраб олган эди. У тирик жонвордан кўра бир парча лаҳим гўштдек кўринаётган куён ортидан чайнаш, ўлдириш ва юмшоқ баданларига тишларини ботириш ва тумшугини кўзларигача куённинг қайноқ қонига ботириш истагида бу ваҳшиёна таъқиб этишда итлар тўдасининг энг олдида учиб борарди.

Яшашнинг энг юқори, олий нуқтаси, ҳаётий кучларнинг тўла жунбишга келганидан дарак берувчи завқ-шавқ мавжуд. Шуниси ақлга сиғмасдики, бу завқ-шавқ бир томондан ҳаётни тўлақонли сезишга ёрдам берса, иккинчи томондан ўзини ва атрофдаги ҳамма нарсани унутиш даражасида маст қилиб кўярди. Бунинг нималигини илҳом огушида ўтирган ижодкор яхши билади. У жанг майдонларида жангчини асир этади ва шу тариқа у жангдан завқланиб раҳм-шафқатни ҳам унутади. Бўриларнинг қадим-қадимги зафар хитоблари билан ой нурида елиб кетаётган ўлжани қувиб бораётган Бэк ана шундай завқ-шавқдан сархуш эди. Бу эҳтирос уни ўтмиш қаърига чорлаганча вужудининг ўзига номаълум қатламларидан таралмоқда эди. Ҳаёт унинг бутун борлиғида жўш урар, у ич-этига сиғмас, томирларида оташ ёнар ҳамда ҳаётнинг сурури ҳаракатида, юлдузлар остида кимсасиз, музлаган заминдаги жазава билан югуришда акс этарди.

Ҳатто энг қийин пайтларда ҳам совуққонлигини сақлайдиган ва ўзини йўқотиб қўймайдиган Шпиц секин тўдадан ажралиб, куённинг йўлини тўсиш учун анҳор айланиб ўтаётган энсиз қияликдан югурди. Бэк буни пайқамай қолди — у бурилишни айланиб ўтаркан, куённинг оппоқ шарпасидан бўлак нарсани кўрмасди. Бирдан куёндан каттароқ шарпа қирғоқнинг тик қиялигидан тўппа-тўғри йўлнинг ўртасига — куённинг олдига сакради. Бу Шпиц эди. Куён ортига ўгирилишга улгуролмади. Шпиц сакраш баробарида куённинг елкасидан тишлашга улгурган эди. Куён атрофни ларзага солгудек чинқириб юборди. Айни авжга чиққан пайтида ажалнинг метин исканжаларига тушган ҳаётнинг бу ноласини эшитиб, Бэкнинг ортидан келатган итлар тўдаси шодлигини ичига сиғдиролмай увиллаб юбордилар.

Фақат Бэк овоз чиқармади. У учиб келиб Шпицга отилди, шитоб билан ташланганидан, унинг томоғидан тишлашга улгуролмади. Улар қорни тўзғитиб юмалаб кетишди. Шпиц биринчи бўлиб сакраб турди-да, Бэкнинг елкасидан гарчча тишлаб, четга сакради. Унинг жағи худди темир қопқондек кўз очиб юмгунча яна икки марта очилиб ёпилди, сўнг югура келиб ташлангани нари кетди.

Бэк ҳал қилгувчи дақиқалар етиб келгани, бу жанг ҳаёт-мамонт учун бўлажagini пайқади. Иккови кулоқларини чимириб, ириллаганча ҳамлага кулай фурсат кутиб бир-бирининг теграсида айлана бошлаганда, Бэка бирдан буларнинг ҳаммаси жуда-жуда таниш ва қачонлардир бошидан ўтгандек туюлди: гир айлана оппоқ ўрмон, қор тўшалган ер, сутдек ой нури, жанг лаззати. Бу оппоқ сукунат қўйнида нимадир жилваланади. На қилт этган шарпа, на тик этган овоз эшитилади, на дарахтлардаги қуриган япроқлар силкинади, фақат итларнинг нафасидан чиқаётган буғ секин-аста замҳарир ҳавога кўтарилади.

Қўлга яхши ўргатилмаган бу бўрилар авлоди ҳаш-паш дегунча қуёни тинчитгач, энди Бэк билан Шпицни қуршаб жимгина кута бошладилар. Ҳаммаларининг кўзлари ёнар, тумшукларидан кўтарилаётган буғ юқорига ўрларди. Нимаси биландир ибтидоний даврни эслатувчи бу манзара Бэк учун янгилик ҳам эмас, галатидек бўлиб ҳам туюлмасди. Гўё ҳамиша шундай бўлиб келган, бу одатдаги манзара эди.

Шпиц абжир эди. У Шпицбергендан тортиб бутун Арктика, Канада ва тақир ерни айланиб чиққан, турли-туман итларни учратган ва уларнинг ҳаммасини енгиб ўзига бўйсундирган эди. У ниҳоятда баджаҳл ва бераҳм эди, лекин шунга қарамай ғазабдан қутуриб кетганида ақлини йўқотмасди. Бурдалаш ва яксон қилиш иштиёқида у ҳар қанча ёнмасин, рақибини ҳам худди шундай эҳтирос алангаси ўртаётганини бир лаҳза ҳам унутмасди. Қарши ҳужумни кутиб олишга тайёргарликсиз у ҳеч маҳал ҳамла қилмасди. Кўзлаган мақсадини амалга оширишга тўла ишонч ҳосил қилмагунча ҳеч қачон ҳужум бошламасди.

Бэкнинг бу баҳайбат итнинг томоғидан олишга уринишлари зое кетди. Эндигина очиқ қолган ерини тишламоқчи бўлса, Шпицнинг ўткир қозик тишларига дуч келарди. Шунда уларнинг тишлари қайроқ тошлардек бир-бирига урилар ва икковининг тумшуги қонга бўялар, Бэк эса минг урингани билан рақибини сира чалғитолмасди. Охири унинг жаҳли чиқди-да, кутилмаган зарбалар билан Шпицни

эсанкиратиб кўйди. У ҳаёт нафаси якқол сезилиб турган қордек оппоқ томоғидан олишга қасд қилиб қайта-қайта ташланар, аммо ҳар сафар Шпиц лип этиб ўзини четга оларди. Бэк бўлак ҳийлани ишга солди: Шпицнинг томоғига ёпишишни мўлжаллаб туриб бирдан бошини орқага ташлаб чап бериб қолгач Шпицни уриб ағдариш учун унга отилмоқчи бўларди. Бироқ Шпиц унинг елкасидан тишлашга улгуриб, ўзини четга олди.

Шпицнинг бирон ери шикастланмагани ҳолда Бэкнинг ҳаммаёғи қонга беланди. Жанг тобора шиддатли тус оларди. Икковини ўраб олган итлар қачон биттаси йиқилади-ю, йиқилгани тинчитамиз, дегандек жимгина кутишарди. Бэкнинг чарчаганини сезган Шпиц дам-бадам ташланиб унинг кўзини очирмай кўйди. Бэк каловланиб қолди. У бир гал ҳатто йиқилди ҳам — олтмиш нафар ит ўша заҳоти олдинга сакради. Аммо Бэк сапчиб ўрнидан турди-ю, давра яна жойида қотиб қолди.

Бэкнинг одамзодга ҳам, йиртқичга ҳам қудрат бахш этадиган тасаввур қобилияти кучли эди. Жангда у сезгига қулоқ соларди-ю, лекин ақлни ҳам ишлатарди. У худди боягидек яна гавдаси билан уриб йиқитмоқчи бўлиб душманига отилди, аммо охириги дақиқада бирдан ўзини ерга ташлаб унинг олдинги чап оёғига ёпишди. Синган суюқнинг қирсиллагани эшитилди ва Шпиц уч оёқлаб қолди. Бэк кетма-кет уч марта уни йиқитишга уриниб кўрди, кейин яна ўша ҳийлани ишлатиб энди унинг ўнг оёғини гажиб ташлади.

Огриққа ва ночор аҳволига қарамасдан Шпиц йиқилмаслик учун ҳайрон қоларли даражада куч топа олди. У тек турган итлар, уларнинг чўғдек кўзлари, осилган тиллари, оғизларидан кўтарилаётган оппоқ буғни кўрди. Ўзини қуршаб олган итлар давраси борган сари тораярди — у бундай доиранинг жангда мағлуб бўлган ит атрофида қандай қилиб бирлашиб кетганини бир неча бор кўрганди. Бу сафар унинг ўзи енгилган эди.

Шпицнинг тақдири ҳал бўлганди. Бэк раҳм-шафқатни унутди. Шафқатлилик бундан бошқа шароитлардагина асқотарди. У узил-кесил зарба беришга тайёрлана бошлади. Итлар шунчалик яқин келиб қолган эдиларки, ҳароратли нафасларининг биқинларига урилаётганини сезарди. Шпицнинг елкалари оша ерга қапишйиб, ҳар сония сапчишга тайёр турган махлуқларга қаради ва уларнинг ҳар бир ҳаракатини ташноқлик билан кузатаётганларини ҳис қилди. Жимлик чўқди. Барча итлар тошдек қотиб қолишганди. Фақат Шпиц қалтирар, каловланар ва тобора босиб





келәйтган ажални кўрkitмоқчидек, хурпайиб ирилларди. Ниҳоят, Бэк унга ўзини отди ва ўша заҳоти лип этиб ўзини четга олди. Бу сафарги зарбаси ўз ишини қилди.

Шпиц йиқилди. Қорайиб турган итлар ҳалқаси ой нурида ёришган қор сатҳидаги нукта арофида туташди ва Шпиц кўздан йўқолди. Бэк эса бир чеккада ғолибона қараб турарди. Бу ўлдириб, шундан лаззатланаётган ваҳший йиртқич эди.

#### IV

### ПЕШҚАДАМЛИК УЧУН ЖАНГ ҒОЛИБИ

— Хўш, қалай? Мен нима дегандим? Бэк бир эмас, икки иблисга бас кела олади, демабмидим? — деди эртасига эрталаб Шпицни тополмай, Бэкнинг соғ ери қолмаганини кўрган Франсуа.

У шундай дея, Бэкни гулхан ёнига судраб келтирди-да, аланга шуъласида Перрога унинг бикини ва елкаларини кўрсатди.

— Шпиц билан унча-мунча ит уришолмасди,— деди Перро Бэкнинг жароҳатлари билан чуқур ботган тишлар ўрнини кўздан кечираркан.— Йиртқичдан фарқи йўқ эди.

— Бэк эса бунақа йиртқичлардан иккитасига бас келади! — деди ҳозиржавоблик билан Франсуа.— Хўш, энди ишларимиз юришиб кетса ажаб эмас. Шпиц йўқ экан, бир-бирини ғажиларга чек қўйилади.

Перро нарталарга тамоми лаш-лушларини саранжомлаб ортаётганида Франсуа итларни чанага қўшди. Бэк шу чоққача Шпиц боғланадиган жой — онабоши ўрнига яқинлашди. Франсуа бамайлихотир унинг тилаги, орзусига айланган ерга Соллексни етаклаб келди: у онабошиликка барча итлардан кўра Соллекс лойиқ деб ҳисобларди. Аммо Бэк ғазаб билан Соллексга ташланиб уни ҳайдаб юборди-да, Шпицнинг ўрнига бориб турди.

— Ана холос! — деб юборди Франсуа ва сонларига шапатилади.— Буни қаранглар, Шпицни ғажиб, ўрнига ўзи онабошилиқ қилмоқчи!

— Йўқол бу ердан, қароқчи! — дея ўшқирди у Бэкка, бироқ Бэк ҳеч нарса бўлмагандек, жойидан бир қарич ҳам жилмади.

Франсуа унинг бўйин терисидан чангаллаб таҳдидона ириллашига қарамай бир чеккага элтиб қўйди, онабошининг ўрнига эса яна Соллексни боғлашга чоғланди. Чамаси

бу қари ит Бэкдан ниҳоятда кўрқарди, очикдан-очик унамасди. Франсуа ўжарлик билан ўз айтганидан қайтмади, бироқ нари кетиши биланок Бэк яна Соллексни ҳайдаб юборди. Соллекс бажонудил жойини бўшатди.

Буни кўриб Франсуанинг тепа сочи тикка бўлди.

— Бир адабингни бериб қўймасамми! — деб бақирди у ва бориб йўғон таёқ кўтариб чиқди.

Дафъатан Бэкнинг эсига қизил свитерли одам тушди-ю, секин ортига тисарилди. У қайтиб Соллексни ҳайдаб юборишга ботинмади. Лекин уч-тўрт қадам нарида айланиб юрди. Бэк норози бўлиб ириллаганча калтакдан кўз узмасди: бу матоҳнинг нима эканини у яхши биларди.

Франсуа ўз иши билан машғул бўлди. Навбат Бэка етгач, уни чақирди. Аммо ўзини эски ўрнига жойлаштирмоқчи бўлаётганини сезган Бэк бир неча қадам ортига тисарилди. Франсуа унга қараб юрди, аммо ит яна ҳам нарироқ қочди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, Франсуа Бэк кўрқипти, деган кўнгилда қўлидаги калтакни улоқтириб юборди. Лекин гап калтакда эмасди — Бэк очикдан-очик онабошининг ўрнига даъвогарлик билан қаршилиқ қиларди. Бу жой ҳақли равишда уники бўлиши керак эди. У шунга муносиб эди, шунинг учун бундан камига рози бўлмаётганди.

Перро ёрдамга келди. Иккови бир соат қўлларида калтак билан Бэкнинг ортидан қувдилар, аммо у чап бериб қочаверди. Улар Бэкни, унинг авлоду аждодларини етти пуштигача қаргаб-қаргаб нима қилишларини билмай ортидан юришарди. Бэк эса бу койишларга ириллаб жавоб қайтарар ва уларни яқин йўлатмасди. У агар истаги қондирилса яна итоат этишини таъкидлагандек, қочиб кетмай шу атрофда айланиб юрарди.

Ниҳоят, Франсуа қорга ўтириб энсасини қашлади. Перро соатига кўз ташлаб бош чайқади-да, «вой, шайтон-ей», деб қўйди. Вақт ўтаётганди, улар бир соат аввал йўлга чиқишлари лозим эди. Франсуа яна энсасини қашиди, бошини чайқади ва Перрога қараб мулзам бўлгандек ишшайди. Бунга жавобан Перро иложимиз қанча, дегандек елка қисди.

Шунда Франсуа Соллексининг ёнига бориб Бэкни чақирди. Бэк ўзича — итларга хос равишда — кулди, аммо жойидан жилмай тураверди, Франсуа Соллексни ечиб, уни эски жойига жойлаштирди. Турнақатор чўзилган чаналар қарвони йўлга тушишга шай эди. Энди Бэк учун энг олдиндаги онабошининг ўрнидан бўлак жой қолмади.

Франсуа яна чақирди. Бэк эса яна «кулди», аммо барибир жойидан кўзгалмади.

— Калтагингни ташла-чи,— деди Перро.

Франсуа қўлидаги калтакни ташлаб юборган эди, Бэк тантана билан чаналар карвонининг энг олдига бориб турди. Унга абзал кийдиришди, сўнгра туравериб ерга қапишиб қолган нарталарни кўчиришди-ю, итлар ўша захоти дарё сари елиб кетди, йигитлар эса чанғиларида улар билан ёнма-ён йўлга тушдилар.

Франсуа: «Шайтонга дарс беради бу», дея илгари ҳам Бэкни юксак баҳоларди, аммо орадан бир кун ўтар-ўтмас унинг қадрига унчалик етмаганига ишонч ҳосил қилди. Бэк кўз очиб юмгунча онабошилиқни ўрнига қўйиб, вазифасини яхши бажара бошлади ва ўзининг тадбиркорлиги, шиддати, қатъияти билан ҳатто шу чокқача Франсуа энг зўр онабоши деб билган Шпицни ҳам орқада қолдирди.

Лекин Бэкнинг шерикларини бўйсундира олиши ҳайратланарли эди. У карвондаги итларнинг барини ўз талабларини чурқ этмай бажаришга мажбур қилди. Дэйв билан Соллекснинг янги онабошига нисбатан заррача ғаразлари йўқ эди. Уларнинг чанани астойдил тортишдан бошқаси қизиқтирмас, то ҳалал бермагунларича ҳаммасига рози бўлишарди. Хоҳласалар Биллини онабоши қилиб қўйишсин, майли, фақат у тартиб-интизомнинг бузилишига йўл қўймаса бўлгани! Аммо бошқа итлар кейинги пайтда бебошвоқ бўлиб кетгандилар, шу боисдан энди Бэкнинг тартиб ўрнатишдаги қаттиққўллигидан ажабланишарди. Упряжкада Бэкнинг ортидан ўрин эгаллаган ишёқмас Пайк илгари арқонни тортаётганда ўзини заррача уринтирмасди. Аммо энди Бэк уни тез-тез жаҳл билан турткилаб турарди. Пайк биринчи кундан бошлабоқ астойдил ҳаракат қиладиган бўлди. Жо эса дам олиш учун тўхташган куни шундай таъзирини едики, ҳатто Шпиц ҳам бунинг уддасидан чиқолмаганди. То ириллашдан тўхтаб раҳм-шафқат сўрагандек ингилламагунча Бэк уни босиб ётаверди.

Бутун карвоннинг фаолиятида жонланиш юз берганди. Бурунги тартиб-интизом изига тушиб, итлар яна яктан бўлиб қайишларни торта бошладилар. Ринк Рэпидс остоналарида Перро Тик билан Кун деган яна икки нафар канада лайчаларини сотиб олди. Бэк уларни шунчалар тез йўлга солиб олдики, Франсуа ёқасини ушлади.

— Бунақа итни етти иқлимдан ҳам тополмайсан! — дея таъкидлади у.— Худо ҳаққи, бунақа итга минг доллар тўласанг ҳам алам қилмайди. Гапим нотўғрими, Перро? Перро маъқуллади. Бу вақтда у шитоб билан югуриш

бўйича яна ҳам юксак натижаларни кўлга киритган ва кундан-кунга бу кўрсаткични ошириб борарди. Яхшилаб шибаланган тошдек йўл ажойиб эди, юришни қийинлаштирувчи момикқина янги қордан асар ҳам йўқ. Шу билан бирга совуқ унчалик кучли эмасди. Ҳарорат 50 даражага чиққан, ҳар куни шундан пасаймасди. Перро билан Франсуа навбат билан дам чаналарда, дам чанғида боришар, аҳён-аҳён тўхташларини айтмаса итлар бир меъёрда йўргалашарди.

Дарёни аллақачон қалин муз қоплаганидан Доусонга кетаётганларида ўн кунда босиб ўтган йўлни ҳозир бир кунда босиб ўтдилар. Сўнгра улар Ле-Барж кўлидан Бўз от этақларигача олтмиш милни дам олмасдан елдай учиб ўтдилар. Марш, Тагиш ва Беннет (Етмиш миль) кўлларидан итлар шундай қанот чиқариб учдиларки, чанғида юриш навбати келган кишининг нарталарга боғланган арқонни ушлаб югуришдан бошқа иложи қолмади. Билониҳоя иккинчи ҳафтанинг сўнгги оқшомида улар Кумуш довондан ошиб, Скагуэя ҳамда қирғоққа боғлаб қўйилган кемаларнинг чироқлари милтиллаётган денгизга туша бошладилар.

Улар манзилни мисли кўрилмаган тезликда босиб ўтишганди. Икки ҳафта мобайнида кунига ўртача қирқ милдан йўл юришганди. Уч кунгача Перро билан Франсуа Скагуэянинг гавжум кўчаларидан бирида кўкрак кериб юрдилар. Ҳар тарафдан бу муваффақият шарафига қадаҳ кўтариш учун уларни таклиф этишар, чаналар атрофидан эса эртаю кеч чанакаш итларни қадрловчилар ва олибсортарлар оломони аримасди.

Бироқ кўп ўтмай Ғарбдан келган бир неча қароқчи шаҳарга босқин ясашди. Лекин маҳаллий халқ уларни ўқ билан қарши олиб илма-тешик қилиб юборишди ва шу тариқа одамлар янги шов-шув билан машғул бўлди. Перро эса расмий йўлланма олди. Буни эшитган Франсуанинг кўнгли бузилиб, Бэрни чақирди-да, бўйнидан кучиб анчагача ўтирди. Бу Бэkning Перро ва Франсуа билан сўнгги видолашуви эди. Ҳаётидан илгари учраган бошқа одамлар сингари улар ҳам Бэрни ташлаб кетдилар.

Аллақандай шотландиялик кўлига тушган Бэк шериклари билан ўнга яқин итлар қарвонига қўшилиб яна ўша машаққатли йўлдан Доусон сари йўл олдилар. Энди уларнинг чаналарига юк ортилган, шу боис аввалгидек жадал юришларнинг иложи йўқ эди. Улар дам олмасдан, уззуқун оғир юклар ортилган нарталарни тортиб боришарди. Бу почта қарвони бўлиб, бу қарвон Шимолий кутбда олтин

излаб юрганларга дунёнинг тўрт тарафидан хат-хабарлар ташиб келтирарди.

Бу Бэка ёқмади, аммо у Дэйв билан Соллексни рағбатлантирган ўша ўз касбидан фахрланиш ҳисси туфайли астойдил ҳаракат қилар ва барча шерикларини ҳам, улар ўз ишлари билан фахрланармидилар, йўқми — бундан қатъий назар, ҳалол меҳнат қилишларини назорат қиларди. Уларнинг ҳаётлари ниҳоятда зерикарли — кунлар бири-бирига икки томчи сувдек ўхшарди. Ҳар куни эрталаб ошпазлар бир вақтда иш бошлар, гулхан ёқиб, нонушта ҳозирлашарди. Сўнг бировлар нарталарга чодирлар билан турли лаш-лушларни ортар, бошқалар эса итларни шайлашарди. Тонг қоронғусида йўлга отланардилар. Кечалари дам олгани кўнишарди. Одамлар чодир қуришар, ўтин ёришар, ерга тўшагани қарағай новдаларини синдиришар, ошпазларга сув ёки муз келтириб беришар, итларни овқатлантиришарди. Мана шу нарса Бэк билан шерикларининг кундалик ҳаётларидаги энг қувончли лаҳзаларни ташкил этарди. Дарвоқе, кейин ҳам тегишли балиқни еб олгач, бирон соат юздан ортиқ бегона итлар орасида дайдиб юришлар ҳам ёқимли эди. Бу бегона итлар орасида бебок жанжалкашлари ҳам бор эди. Аммо энг ашаддийлари билан уч бор тўқнашгандан кейин Бэkning обрўси беҳад ошди ва натижада ҳурпайиб, тишларини кўрсатиши биланоқ барча итлар унга йўл бўшатадиган бўлишди.

Ҳаммадан кўра Бэк гулхан ёнида ётишни яхши кўрарди. Орқа панжаларини йиғиштириб, олдингиларини узатиб, бошини баланд кўтарган кўйи оловга хаёлчан термулиб ётарди. Шундай пайтларда баъзан серкуёш Санта-Клара водийсидаги судья Миллернинг данғиллама уйи, ўзи мазза қилиб чўмиладиган цемент ҳовуз, туксиз мексика ити Изабел ва тумшуғи ялпоқ япон лайчаси Тутслар унинг эсига тушарди. Аммо Бэк қизил свитерли одам, Кэрлининг ўлими, Шпиц билан бўлган аёвсиз тўқнашуви ҳамда қачонлардир тотиб кўрган ва кўришни орзу қилган тўйимли, мазали емишлар ҳақида янаям кўпроқ ўйларди. У туғилиб ўсган ерларини соғинмасди. Куёш ўлкаси йироқ ва узук-юлуқ хотиралар сингари уни энди безовта қилмай кўйганди. Қайтанга ўзга ҳаёт, олис аждодларининг ҳаёти ҳақидаги хотиралар унинг вужудини қамраб олганди. Мана шулар шарофати билан илгари кўрмаган нарсаларнинг кўпи унга танишдек туюларди. Илгари унинг жисмида уйғонадиган сезгилар (улар ҳам аждодлари ҳаётининг узук-юлуқ белгиларидан бошқа нарса эмас) эндиликда жонланди ва қатъий равишда ўзидан огоҳ қила бошлади.

Гоҳо-гоҳо у уйкули кўзларини сузиб тикилиб ётгаъ, бу гулхан аллазамонлар ўзи исинган қандайдир бошқа гулханнынг алангасидек туюла бошлар ва ёнида метис ошпаз эмас, мутлақо ўзга одам ўтиргандек бўларди. Бу ўзга одамнинг оёқлари калта, кўллари узунрок, мускуллари нозик ва силлиқ эмас, балки ўрма аркон каби пишиқ, бақувват эди. Унинг жингала сочлари ўсиб кетган, бош чаноғи кийшиқ эди. Шу одам ғалати овоз чиқарар, чунки учига катта тош боғланган таёгини чапгаллаб ўтирганида ҳадеса зулмат кўйнига тикилиб қолишидан қоронғилиқдан кўрқадиганга ўхшарди. У деярли яланғоч юрарди, фақат елкасида оловда қуритилган илма-тешиқ тери осилиб турарди. У жундор эди, кўкси ва елкалари, кафтининг орқаси билан сонларини айниқса қуюқ жун қоплаган эди. У хиёл энгашиб, оёқларини букиброқ турарди. Табиатдаги сирли ва номаълум хатарлардан доимо хавотирланиб яшаганларга ўхшаб унинг танасида аллақандай таранглик, йиртқичона қайишқоқлик ва ғайрат сезиларди.

Баъзан бу жундор одам гулхан ёнига чўккалаган кўйи калласини солинқираб мудрарди. Шунда у тирсақларини тиззаларига тираб, худди ёмғирдан паналаётгандек, кўллари билан бошини беркитиб оларди. Узоқда, гулхан ортидаги зулмат кўйнида эса жуфт-жуфт қирмизи чўғлар сарғиш шуъла сочарди: Бэк булар йиртқич ҳайвонларнинг кўзлари эканини биларди. Бэк улар бутазор орасини ёриб ўтмоқчи бўлаётганда шох-шаббаларнинг қарсиллагани ва яқинлашаётганларидан огоҳ қилувчи ҳамма товушларни эшитиб ётарди.

Бэк Юкон соҳилида ҳафсаласизлик билан гулханга қараб хаёл суриб ётган маҳал ўзга одамнинг ўша садолари билан шарпалари уни шундай безовта қилар эдики, у азбаройи жунлари хурпайиб, паст овозда чийиллар ёки ириллай бошларди. Шунда ошпаз: «Ҳой Бэк, кўзингни оч!» деб қичқирар ва ўша хаёлот қайгадир йўқолиб, кўз ўнгида яна ўзи яшаб турган дунё намоён бўларди. Алоҳа Бэк худди чиндан ҳам уйқудан тургандек керишиб, эснаб ўрнидан турарди.

Йўл ёмон, юклар оғир, юриш итларнинг силласини қуригарди. Ниҳоят Доусонга етиб келганларида озиб-тўзиб, қараган одамнинг раҳмини келтирадиган аҳволга тушдилар. Улар ўн кун ёки ўлдим деганда бир ҳафта дам олсалар чакки бўлмасди. Бироқ, орадан икки кун ҳам ўтмай улар хат-хабарлар ортилган юклар билан яна Юкон музига тушиб йўлга равона бўлдилар. Итларнинг силласи қуриган, норози ҳайдовчилар тўнғиллар, бу ҳам етмаган-

дек, худонинг берган куни қор ёғарди. Бу момиккина қорда юриш қийин эди, чаналар тез-тез тикилиб қолар ва бу аҳволда уларни тортиш хийла қийинлашарди. Аммо одамлар барча ғовларни енгиб, итларга ҳам астойдил ғамхўрлик кўрсатишарди.

Ҳар куни кечқурун қароргоҳ қуриб бўлишгач, ҳайдовчилар биринчи навбатда итларнинг ҳолидан хабар олишарди. Итларга одамлардан олдинроқ кечки овқат берилар, биронта ҳайдовчи то итларининг панжаларини кўздан кечириб чиқмагунча ётишни ўйламасди. Лекин барибир итларнинг силласи қуриб борарди. Шу йилги қиш ичида улар оғир юк ортилган нарталарни тортиб бир минг саккиз юз миль масофани босиб ўтдилар. Бу узоқ масофа ҳар қандай бақувват ва чидамли итни ҳолдан тойдирарди. Бэк ҳали-вери ўзини олдирмайдиганга ўхшар, бошқаларни илдамроқ тортишга мажбур этар ва ўзларининг упряжкларарида интизомни сақларди-ю, лекин унинг ўзи ҳам қаттиқ толиққан эди. Билли кечаси билан ув солиб уйкусида инграб чиқар, Жо жонидан тўйгандек юрар, Соллексга эса сўкир кўзи тугул ҳатто соғ кўзи томонидан ҳам яқин йўлаб бўлмасди.

Ҳаммадан ортиқ Дэйв қийналиб кетди. Унга бир бало ёпишганга ўхшарди. У ўлгудек серзарда ва хилватнишин бўлиб қолган эди; тунагани кўнишлари биланоқ дарҳол чуқур кавлаб тушиб ётар, шу ётганча кўзғалишни хаёлига ҳам келтирмас, ҳайдовчи унинг овқатини ўша ерга келтириб берарди. Ечиб юборишгандан то эрталаб яна чанага қўшгунларича Дэйв ўликдек қотиб ётарди. Гоҳо йўлда кескин тўхтаган нарталарнинг қаттиқ силташи ёки уларни жойларидан жилдириш учун кучаниб тортиш чоғида у юракни эзадиган даражада инграб юборарди.

Ҳайдовчи бир неча бор уни кўздан кечирди, бироқ нима бўлганини билолмади. Охири барча ҳайдовчилар унга ёрдам бериш пайига тушдилар. Улар овқат маҳалида ҳам, ётар олдида ҳам шу масалани муҳокама қилаверди, бир куни кечқурун эса чинакам консилиум ўтказишди, Дэйвни гулхан ёнига келтириб ҳаммаёғини астойдил силаб, эзгилаб кўришаётганда бояқиш бир неча марта оғриқдан увиллаб юборди. Унинг суяклари шикастланмаган эди, шунинг учун унга нима бўлгани аниқланмай қолиб кетди. Дард унинг ичида эди шекилли.

Бу орада улар Кассьярск соҳилига етиб келганларида, Дэйв шунчалик куч-қувватдан қолдики, оёғида аранг турарди. Шотландиялик тўхташга ишора берди ва уни чанадан чиқариб, бошловчи ўрнига Соллексни жойлаб қўйди. У



азбаройи Дэйвга раҳми келганидан, буёғига ўз ҳолича чаналарнинг ёнида юра қолсин, деган ҳаёлда шундай қилган эди. Аммо Дэйв хасталиги ва бедармонлигига қарамай сафдан чиқариб юборишларини истамади. Ундан шатак қайишларини ечиб олганларида у ғингшиди, ириллади, сўнгра узоқ вақтгача ўзи эгаллаб келган бешловчининг ўрнида Соллексни кўрганида алам билан увиллаб юборди. Унинг ғурури топталганди. Бедаво дардга гирифтор бўлган Дэйв ўзини бошқа ит билан алмаштирганларига чидаёлмай норозилик билдирарди.

Нарталар ўрнидан кўзгалгач, у момик қорга бота-бота ён тарафдан югурди ва иложини топди дегунча Соллексни тишламочки ёки унга ташланиб, сўкмоқдан жарликка ағдариб юбормоқчи бўларди; у Соллекс билан чана оралиғига суқилиб киришга уринар ва тинмай дийдиё қилар, алам ва хўрликка чидаёлмай ангилларди. Шотландиялик уни қамчиси билан уриб ҳайдаб кўрди, бироқ Дэйв баданини ачиштираётган зарбаларга парво қилмади, қаттикроқ уришга эса ҳайдовчининг қўли бормасди. Ит, югуриш осонроқ бўлган нарталарнинг изидан югургиси келмай, ҳамон момик қорга ботганча борарди. Кўп ўтмай у бутунлай ҳолдан тойиб йиқилди. Йиқилган ерида ёнидан ўгиб кетаётган чаналар карвонига мўлтираб қараб ётаркан, мунгли-мунгли нола қилди.

Сўнгра бор кучини тўплаган Дэйв то карвон тўхтамагунча алпанг-талпанг эргашди. Карвон тўхтагач, судрала-судрала ўз ўрнига етиб бориб, Соллекснинг ёнига турди. Ҳайдовчи трубкасини тутатиб олгани қўшни нарталар томон кетди. Бир дақиқадан кейин у қайтиб келди ва жўнаш учун буйруқ берди. Итлар ҳайратомуз енгил жилдилар, бироқ ҳамма бирдан ташвишланиб ўгирилди-да, тўхтаб қолди. Ҳайдовчи ҳам нарталар жойидан бир кадам жилмаганини кўриб ажабланди. У бу мўъжизани томоша қилгани шерикларини чақирди. Маълум бўлишича, Дэйв Соллекснинг иккала шатак қайишларини ғажиб ташлаган экан. Ўзи эса нарталарнинг олдиди, эски ўрнида турарди.

У кўзлари билан гўё мени бу ердан ҳайдаманглар, дея ёлборарди. Ҳайдовчининг боши қотди. Унинг шериклари, чанани тортиши ҳар қанча оғир бўлса ҳам карвондан ҳайдалган итларга жуда алам қилниши ҳақида гап уқтира бошлашди. Улар кексалик ёки касаллик сабабли юк тортолмагач, чанадан чиқариб юборганларида бу хўрликка чидаёлмай ўлиб қолган итларни эслашди. Охири кўпчилик ҳамонки Дэйвнинг тузалишига умид йўқ экан, уни аяш ва

ўз ўрнида хотиржам ўлишига имкон бериш керак, деган фикрга келди.

Дэйвини яна нартага — ўз ўрнига кўйишди ва у дам-бадам аллақандай оғриқнинг хуружларидан беихтиёр ишграб юбораётган бўлса-да, худди бурунгидек фахр ва иштиёқ билан чаналарни тортиб кетди. У бир неча марта йиқилди, бошқа итлар қайиш-пайишлари билан уни судраб кетишди. Бир сафар чаналарнинг тагида қолиб Дэйвининг орқа оёғи синди.

Шунга қарамасдан бекатга етиб боргунларича бўш келмади. Уни гулхан ёнига жойлаштирдилар. Эрталабга яқин Дэйвининг шунчалик суроби тўғри бўлиб қолдики, ҳатто ўрнидан туролмади. Итларни чанага кўшиш пайтида у бир амаллаб ҳайдовчининг ёнига судралиб борди. Титраб-қақшаб оёққа турди, лекин чайқалиб кетиб йиқилди. Сўнгра қорни билан ўрмалаб шерикларига абзал кийдиришаётган ергача борди. У олдинги панжаларини чўзар, бир силтаниб икки-уч дюйм сурилар, сўнг яна ва яна шу тахлит илгариларди. Бироқ кўп ўтмай унинг дармони қуриди, жўнаб кетаётганда итлар Дэйвининг қийналиб нафас олганча ҳасрат тўла кўзлари билан ортларидан термилиб қолаётганини кўришди. Унинг ғамгин ноласи эса қарвон соҳил яқинидаги ўрмон ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлгунча эшитилиб турди.

Ўрмон ортида қарвон тўхтади. Шотландиялик бамайлихотир изига — ҳозиргина тарк этишган бекатга қайтди. Одамлар нафасини ичига ютди. Кўп ўтмай узоқда ўқ овози янгради. Шотландиялик шоша-пиша чаналар ёнига қайтиб келди, яна қамчилар қарсиллади, қўнғироқчалар шодон жиринглади ва нарталар йўлга тушди. Аммо Бэк ҳам, бошқа итлар ҳам соҳилдаги ўрмон ортида нима юз бергинини билишарди.

## V -

### ЙЎЛ АЗОБИ — ГЎР АЗОБИ

Доусондан чиқиб кетганларининг ўттизинчи куни Бэк бошқариб бораётган почта қарвони Скагуэй шахрига етиб келди. Тамомила тинка-мадори қуриган итлар ўлар ҳолатга келган эди. Бэк озиб-тўзиб кетган эди. Ориқроқ итларнинг аҳволи бундан бешбаттар эди. Бир умр ҳайдовчиларни лақиллатиб келган муғамбир Пайк энди ёлғондан эмас,

чинакамига оқсар эди. Соллексинг ҳам оёғи лат еган, Дабнинг эса кураги чиқиб, қаттиқ азоб чекарди.

Ҳаммаларининг панжалари ҳаддан зиёд ейлавериб, энди улар ғайрат билан дингиллаб югура олишмас, юрганда аъзойи баданлари қакшаб, безиллаб қолганларидан оёқларини босиш малол келар ва жуда тез толиқишарди. Ҳаммаси мана шу лаънати толиқишни эди. Ғоят кескин зўриқишдан кейин толиққан киши бир тиниқиб ухласа чарчоғи чиқиб кетади. Аммо буларники бир неча ойлар мобайнида тиним нималигини билмай куч-қувватларини узоқ ва муттасил исроф қилинишдан эди — унча-мунча дам олиш ҳам фойда бермайди. Итлар аллақачон адои тамом бўлган: кимирлашга ҳоллари келмасди. Бошқа нима бўлиши ҳам мумкин? Беш ойга яқин вақт ичида итлар икки ярим минг милдан зиёд йўлни босиб ўтган, йўлнинг ярмидан кўпида атиги беш кунгина дам олишган бўлса! Карвон Скагуэйга келганда итлар бурнидан тортса йиқилгудек аҳволда эдилар. Улар қайишларини базўр тортишар, қияликлардан тушиш чоғида эса сал эҳтиёт бўлишмаса чаналар босиб кетишига бир баҳя қоларди.

— Қани, бир зўр беринглар, бояқиш маймоқчаларим! — дея далда берарди ҳайдовчи улар Скагуэйнинг гавжум кўчасида судралиб боришаркан, — буёғи икки қадам, кейин мириқиб дам оламиз, ҳа, ҳа, роса дам оламиз!

Одамлар бу ерда анча вақт дам оламиз деб ишонишарди. Орада бор-йўғи икки кунгина дам олганларини айтмаса улар ҳам чанғида бир минг икки юз миль йўл юриб чарчашган эди. Адолат юзасидан айтганда энди чарчоқларини чиқаришлари керак эди. Лекин Клондайкка бутун дунёдан ўз юртларида маҳбубалари, хотину бола-чақалари, қариндош-уруғларини ташлаб шунчалар кўп эркак зоти келган эдики, қоп-қоп хатлар тоғдек уюлиб ётарди. Ҳар турли ҳукумат фармонлари ҳам анча-мунча йиғилиб қолган эди. Хуллас, ишдан чиққан итларни алмаштириб яна йўлга тушинглар, деб буйруқ беришди. Сафдан чиққан итларни сотиб юбориш зарур эди, модомики, пул итлардан азизроқ экан, арзон-гаров бўлса ҳам сотиб юборишарди.

Шаҳарда дам олган ўша уч кун ичидагина Бэк ва унинг шериклари нечоғли толиқишгани ва дармонлари қуриганини ҳис қилишди. Тўртинчи куни эрталаб икки нафар америкалик келиб итларни чана-паналари билан арзимаган пулга сотиб олишди. Улар бир-бирини Хэл ва Чарльз деб қақришарди. Ўрта яшар, бадани оқиш-сарик, туссиз кўзлари қизарган, дўрдайган лабини яшириш учун ўстирилгандек бурама мўйловлисининг номи Чарльз эди. Хэл сиёқидан

йигирма ёшлар атрофида эди. Белидаги камарида сўлокмондек кольт билан газен осилиб турарди. Бу кимсанинг сахти сумбатидан кўра қатор патрон терилган шу камари одамларнинг эътиборини кўпроқ жалб қиларди. Шу нарса яна унинг гўрлигидан, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаганлигидан ҳам дарак берарди. Иккови бу ерга тасодифан келиб қолган одамлардек таассурот уйғотар, нима жин уриб олис Шимолда юришибди — сира англаб бўлмасди.

Бэк бу икковининг ҳукумат гумаштаси билан савдолашиб, унга пул узатаётганини кузатиб турганида шу лаҳзалардан эътиборан шотландиялик билан почта карвонининг ҳайдовчиларини ҳам қайта кўрмаслигини англади. Бундан аввал Перро билан Франсуа, улардан олдинроқ эса ўзи билган бошқа одамлардан шу тахлит жудо бўлган эди. Ўзи билан бирга карвондаги қолган итларни ҳам янги хўжайинларининг қароргоҳига ҳайдаб келган заҳотлари Бэк бу ернинг ифлос ва бетартиблигини пайқади. Чодир чала-чулпа қурилган, ювиқсиз идиш-товоклар ҳаммаёқда сочилиб ётарди. Бу ерда бир аёл ҳам бор эди. Эркаклар уни Мерседес деб аташарди. Мерседес Чарльзнинг хотини, Хэлнинг опаси эди — афтидан, улар оилавий саёҳатга чиққандилар.

Чодирни йиғиштириб, юкларни ортаётганларида Бэк бир нимани олдиндан сезгандек, хавотир ичида улардан кўз узмай турди. Улар астойдил ҳаракат қилишарди-ю, бироқ ҳамма ишлари телба-тескари бўларди. Чодирни чунонам бесўнақай ўраб боғлашдики, натижада у одатдигидан уч ҳисса мўлроқ жойни эгаллади. Қалайи идиш-товокларни ювиқсиз ҳолича жойладилар. Мерседес беҳаловат бўлар, эркакларнинг ғашини келтириб ҳар бир нарсага бурнини сукар: дам танбеҳ берар, дам насиҳат қилар, хуллас, жағи тинмасди. Кийим-кечак солинган қопни нартанинг олдига жойлагандилар, «йўқ, унинг жойи орқада», деб туриб олди. Қопнинг ўрнини ўзгартириб, устидан яна бир неча бўҳчани юклашди. Лекин шу пайт аллақандай латта-путталар эсига тушиб қолган Мерседес яна дийдиёсини бошлади — унинг фикрича, ўша буюмларни айнан шу қопга жойлаш шарт эди. Оқибат, юкларни яна туширишга тўғри келди.

Қўшни чодирдан уч нафар киши чиқиб, ўзаро имо-ишоралар билан устларидан кулгандек, уларга қараб туришарди.

— Бунча нарсани нима қилмоқчисизлар? — деди улар-

дан бири.— Сизларга ақл ўргатишга йўл бўлсин-у, лекин ўрнингизда бўлсам чодирни ортмоқлаб юрмасдим.

— Нималар деяпсиз? — дея қичқирди Мерседес ёлғондан талвасага тушган бўлиб.— Ўйлаб гапиряпсизми? Чодирсиз ҳолим нима кечади?

— Буёғи баҳор, ҳадемай кунлар исиб кетади, кўп хавотир қилаверманг,— дея эътироз билдирди қўшниси.

Мерседес кескин бош чайқади, Чарльз эса Хэл билан тоғдек уюлган юклар тепасига охириги бўхчаларни ортишди.

— Торта олишда деб ўйлайсизми? — деб сўради томошабинлардан бири.

— Нега энди торта олишмас экан? — шартта гапани бўлиб эътироз билдирди Чарльз.

— Айтдим-қўйдим-да...— деди кўнгилчанлик билан томошабин гапни бошқа томонга буриш учун.— Чамамда чаналарга жиндай кўпроқ юк ортилганга ўхшайди.

Чарльз орқасини ўгириб, қайишларни ҳафсала билан, бироқ нўноқларча тортиб боғлай бошлади.

— Ҳечқиси йўқ албатта,— дея қувватлади иккинчи қўшни.— Итлар шунча юкни тортиб кун бўйи юриши ҳам мумкин.

— Тўппа-тўғри! — деди Хэл совуқдан-совуқ ва бир қўлига қамчини олиб, иккинчиси билан лангар ушлади.

— Қани! Кетдик! — деб қичқирди у ва қамчини кўтариб силкитди.— Олға!

Итлар баравар олдинга ташландилар. Аммо ўша заҳоти тўхтаб қолдилар. Нартани жилдиришга кучлари етмади.

— Ишёқмас, ҳайвонлар! — дея қичқирди Хэл.— Ҳозир додингизни бераман! — У итларни саваламоқчи бўлиб, қамчисини азод кўтарди.

Бироқ ўртага Мерседес суқилди. У: «Тўхта, Хэл!»— дея қичқирганча қамчининг дастасига ёпишиб, укасининг қўлидан юлқиб олди.

— Вой шўрликлар-эй! Уларни йўлда урмайман, деб сўз бермагунингча бир қадам юрмайман.

— Сен нимани билардинг! — деди зарда билан Хэл.— Итларга қанақа муомала қилишни билмасанг аралашма! Улар ётоғон бўлиб қолишган, тушуняпсанми, ётоғон! Боплаб таъзирини бериш керак. Шундагина айтганингни қиладилар. Кимдан хоҳласанг сўра. Лоақал мана булардан сўра, ишонмасанг!

Мерседес илтижо билан қўшниларига юзланди. Унинг чиройли юзида нафрат акс этарди — у жониворларни қийнашларини истамасди.

— Ростини айтсам, итларингиз жуда рамақижон,—

деди бир киши унинг саволомуз нигоҳига жавобан.— Уларнинг мадори қуриган, гап шунда. Уларга дам бериш керак.

— Қанақа дам, падарига лаънат! — дея тўнғиллади Хэл.

Унинг хуноб бўлаётганини кўрган Мерседес оғир хўрсинди. Лекин жигар жигар-да, шоша-пиша укасининг ёнини олишга ўтди.

— Парво қилма Хэл,— деди қатъий.— Итлар бизники, нима қилсанг ихтиёринг.

Хэл итларни яна савалашга тушди. Итлар қайишларни зўр бериб шиббаланган қорни тимдалаганча тортиб кучанардилар, аммо нарталар худди лангардек уларни қўйиб юбормасди. Икки марта уриниб кўргандан сўнг итлар ҳарсиллаб қолди. Хэл эса ҳамон уларни саваларди. Мерседес яна итларнинг ёнини олишга тушди. У Бэкининг ёнига чўккалади ва кўзларининг ёши билан унинг бўйнидан кучди.

— Қийналиб кетдинглар-ку, бояқишларим! — деди у ачиниб.— Нега астойдил тортмайсизлар-а? Бўлмаса сизларни ураверади!

Бэк Мерседесни ёқтирмасди. Лекин ҳозир қаршилик қилгани ҳол-жони йўқ эди. Унинг эркалашларини эса худди бугунги кўнгилсизликларнинг биттасидек қабул қилди.

Бу машмашаларни кузатиб турган томошабинлардан бири охири сабри чидамай, босиқлик билан гапнинг пўскалласини айтди.

— Очиги, мен учун ҳаммангиз бир тийин, лекин итларга раҳмим келяпти. Шунинг учун сизларга эмас, уларга ачинганим учун нима қилиш лозимлигини айтаман. Чаналарингиз музлаб ерга ёпишиб қолган. Музни синдиришлар, ҳаммангиз бир бўлиб чаналарни то жойидан кўзғолгунча зўр бериб силкитинглар.

Яна бир марта уриниб кўришди. Хэл бу сафар бамаъни йўл-йўриқларга кулоқ солиб музни синдирди-да, ерга ёпишиб қолган чаналарни кўчирди. Керагидан ортиқ юк ортилган баҳайбат нарталар аста-секин олдинга қараб силжиди. Бэк билан шериклари эса тўхтовсиз қарсиллаб тушаётган зарбалар остида уларни кучаниб тортишарди. Қароргоҳдан юз ярдча наридаги муқолишдан сўнг йўл серкатнов кўчага олиб тушарди. Йўлнинг бу қисми нишаблик эди. Бундай қияликдан юк ортилган чаналарни Хэлга ўхшаган тажрибасиз, хом ҳайдовчи бошқара олиши гумон эди. Муюлишда чаналар бир томонга оғиб, тангиб

богланмаганидан юкларнинг деярли ярми йўлга сочилди. Итлар бунга парво қилишмади. Юки анча енгиллашиб бир томонга ёнбошлаб қолган чаналар уларнинг ортидан тарақа-туруқ қилиб борар, итлар эса бекордан-бекорга савалашгани ва шундай оғир юкни тортишга зўрлашаётганларига ўчакишиб тўхташмасди. Бэкининг чапақай жаҳди чиққанга ўхшарди. У жон-жаҳди билан югурар, бутун карвон олдида шамолдек елиб борарди. Хэл ҳар қанча ҳай-ҳайлаб бақирмасин, итлар унга кулоқ солмади. У дафъатан сирганиб йиқилди-ю, тўнкарилган чаналар уни босиб-янчиб ўтди ва итлар қолган-қутган лаш-лушларни томошабинларга ҳангома бўлсин дегандек тўкиб-сочиб Скагуэянинг катта кўчаси бўйлаб олиб кетишди.

Аллақандай ҳожатбарор одамлар итларни тўхтатиб, чаналардан тўкилган буюмларни йиғишга тушдилар. Шу билан бирга улар жўяли маслаҳатларини ҳам аямадилар. Башарти Доусонга етиб олиш ниятларинг бўлса, юкларнинг ярмидан воз кечиб, итларни эса икки ҳисса кўпайтиринглар, деб йўл-йўриқ кўрсатишди улар Чарльз билан Хэлга. Уларнинг насихати буларга ёкмади. Лекин шундай бўлса ҳам Хэл билан Чарльз чодирни ёйиб қўйиб буюмларини ажрата бошладилар. Кераксиз деб билган нарсаларга қўшиб, консерваларни ҳам ташлаб юборишганида одамлар уларни масхара қилишди, чунки Буюк Шимол сўқмоқларида консерваларнинг иштиёқмандлари кўплигидан ташқари отликқа ҳам топилмасди.

— Ана чойшаблар-у, мана чойшаблар! — деди Хэл билан Чарльзга ёрдам берганларнинг бири ўзича уларни калака қилган бўлиб. — Шунчасининг нима кераги бор? Учтасининг ўзи сизларга етиб ортади. Бош-кўзимдан садақа, деб ташлаб юборинг. Чодир ҳам керак эмас. Идиш-товокларни бошингизга урасизми, йўлда ким уларни сизга ювиб беради. Э, худойим-ей, Шимолга бориб юмшоққина вагонда маза қилиб юрамиз деб ўйлаганмисиз, нима бало?

Хуллас, тажрибали одамларнинг маслаҳатига кириб, бир бошдан кераксиз нарсаларни ташлаб юборишди. Мерседес йўл ҳалтасини очиб пардоз-андоз анжомларини бирма-бир улоқтираётганларида ўзини тутолмади. У ҳар бир буюмга аза очарди. Тиззаларини кучоқлаб, бамисли бошига оғир мусибат тушгандек уввос соларди. Охири у бир эмас, ҳатто ўнта Чарльз илтимос қилса ҳам буёғига бормайман деб туриб олди. Мерседес одамларни ёрдамга чиқариб ёлворар, натижа чиқмагач, кўз ёшларини артиб, ҳатто энг зарур буюмларни ҳам дуч келган томонга улоқтира бошлади. Ўзининг ҳалтасини бўшатиб бўлгач, у ҳамроҳлари-

нинг буюмларини ажратишга тушди ва уларникини ҳам бир ёкли қилди.

Шунча оворагарчиликдан сўнг нарталардаги юкларнинг ярми қолди, бироқ бу ҳам бир дунё эди. Кечқурун Чарльз билан Хэл бориб яна олти чоғли ит сотиб олдилар. Энди карвонни бошлаб кетаётган Перронинг чаналарида йўлда кўшиб олинган Тик билан Кун ҳамда мана бу янгиларни кўшиб ҳисоблаганда жами 14 нафар ит бор эди. Дарвоқе, бу итлар Бэк сингари бошқа ўлкалардан келтирилган ва илгари тартиб-интизомга ўргатилган бўлса ҳам арзонгина эди. Уларнинг орасида учтаси силлиқ жунли пойинтер, биттаси ньюфаундленд зотидан эди. Қолган иккитаси эса аллақандай наслининг тайини йўқ жайдари итлар эди. Буларнинг бири анчайин хом ва нўноқ итга ўхшарди. Бэк билан шериклари уларни назарларига илмади. Бэк дарҳол уларга нималардан сақланиш лозимлигини кўрсатди, аммо муҳим нарсаларга сира ўргатолмади. Уларга чанакаш итларнинг меҳнати ёқмади. Пойинтерлар билан ньюфаундленд ҳамма нарсадан умидларини узган, ғайритабиий шароити таъинлардан юрак олдириб қўйган эдилар. Анали икки кўппакнинг эса умуман сурати қолган, уларга бирон нимани ўргатиш амримаҳол эди.

Янги қўшилган почор итлар ҳеч нимага ярамагани, эскилари эса тиним билмай икки ярим минг чақиримдан зиёд масофани босиб ўтиб, тамомила ҳолдан тойгани сабабли бирон яхшиликдан умид қилиб бўлмасди. Аммо Хэл билан Чарльз масрур ва мағрур боришарди. Нимасини айтасиз, энди уларнинг иши беш — карвонда 14 та ит борлиги ҳазилакамми! Улар одамларнинг қай аҳволда доvon ошиб Доусонга кетаётгани ва у ердан қайтаётганларини кўришган. Бу саёҳатчилардан биронтасининг шунча ити йўқ эди.

Лекин Арктика бўйлаб сафарга отланган сайёҳлар битта нартага асло 14 та ит кўшмас эдилар. Бу жуда оқилона тadbиркорлик эди: ахир шунча итга етгулик озиқ-овқатни нарталарга жойлаштириб бўладими? Хэл билан Чарльз эса хом хаёл одамлар эди: шунча итимиз бўлса, демак, бунча овқат керак, агар бунча юрсак у ҳолда ҳаммаси бўлиб... Мерседес қоғозга бир нималарни ёзиб-чизаётган эрининг елкаси оша қараб турганида ҳаммаси оддий ва равшан туюлган бўлса керак.

Эртасига чошгоҳга яқин Бэк турнақатор тизилган итлар карвонини Скагуэя кўчасидан бошлаб ўтди. На унинг, на бошқа итларнинг ғайрат билан югуришга ҳоли келмасди. Улар ўлардек толиққандилар. Бэк Туз кўли билан Доусон



оралиғида бұзчининг моксидек қатнайверганидан энди силласи қуриб, ҳаммаси жонига текканда яна шу ланати йўлдан юриши кераклиги учун чидаёлмас ва газоби қайнаб тошарди. Ҳозир фақатгина унга эмас, қолган шерикларига ҳам бу малол келмоқда эди. Янги қўшилган итлар ҳамма нарсадан хадиксирар, кўпни кўрганлари эса ҳозирги хўжайинларига мутлақо ишонмасдилар.

Бэк буларга орқа қилиб бўлмаслигини жуда яхши англади. Улар ўтакетган ношуд эдилар ва бирон ишни уддалай олмасликлари кундан-кунга равшан бўлиб борарди. Ҳамма ишни қўл учида бажаришар, бошлаган ишларини охирига етказишмас ва тартиб-интизом нималигини билишмасди. Кечкурун дам олгани тўхтаганларида ярим кечага довуր чодир тиклашар, эрталаб эса то чошгоҳгача йўлга отланишиб ивирсишар, алоқа юкларини чаналарга шунчалар ҳам бетартиб ва пала-партиш юклашардики, йўлда кетаётганларида кун бўйи дам-бадам тўхтаб, юкларни қайтадан жойлаштиришга тўғри келарди. Баъзи кунлари улар ўн миль ҳам йўл юролмас, баъзан эса мутлақо йўлга тушолмай қолиб кетган пайтлари ҳам бўларди. Улар Шимол сайёҳлари итларга қанча овқат ғамлаб олиш кераклигини чамалаган пайтда мўлжаллаб қўядиган кундалик масофанинг ақалли ярмини ҳам босиб ўтмасдилар.

Хэл билан Чарльзнинг йўлда итларга овқат етказиб беролмаслиги биринчи кунёқ аён бўлган эди. Озиқ-овқатнинг озлиги устига улар итларни керагидан ортиқча боқишар ва шу тариқа ўзлари сезмаган ҳолда ҳалокат кунини яқинлаштирардилар. Сурункали очлик чоғида озига қаноатланишга ўргатилмаган келгинди итларнинг нафси ҳақкалак отиб кетарди. Ҳолбуки, шу ерлик итлар ҳам тинкаси қуриб, жуда имиллаб юра бошлаган эди. Хэл кундалик овқат миқдори етарли эмас шекилли, деб ўйлади-да, нормани икки ҳисса кўпайтирди. Бунинг устига Мерседес ялиниб-ёлвориб итларни иложи борича кўпроқ боқишни илтимос қилар, укаси унамаган пайтларда эса қоплардан балиқ ўғирлаб, яшириқча уларга берарди. Лекин Бэк билан шериклари овқатдан кўра кўпроқ дам олишга муҳтож эдилар. Ортиқча куч сарфлаб илдам югурмаётган бўлсалар-да, юкларнинг оғирлиги уларни беҳад ҳолдан тойдирмоқда эди.

Кўп ўтмай бунга очлик ҳам қўшилди. Иттифоқо бир куни манзилнинг бор-йўғи тўртдан бир қисми ўтилган ҳолда итларга мўлжалланган озиқ-овқатнинг ярми сарф бўлиб, бу ерларда бир тишлам егулик топишнинг иложи йўклигини тушуниб етган Хэл итларнинг кундузги нормасини тенг ярмига қисқартирди ва энди илдамроқ юрмаса бўлмайди,

деган қарорга келди. Опаси билан поччаси унинг фикрини қўллаб-қувватлашди. Бироқ бунинг ҳеч қандай фойдаси тегмади, чунки нарталар оғир, ҳайдовчилар эса ношуд эди. Бу вазиятда энг осони итларни камроқ боқиш эди. Лекин асосийси — уларни тезроқ югуришга мажбур қилиш буларнинг қўлидан келмасди, қолаверса, эрталаблари ўзларининг беғамлигидан кечикиб йўлга тушаётганлари сабабли қўп вақт бекорга сарф бўларди. Бу кимсалар итлар тугул ўзларини ҳам қўлга ололмас эди.

Даставвал Даб таслим бўлди. Доим қўлга тушиб калтакдан боши чиқмаган бечора Даб ўғирлик қилса ҳам заҳматкаш эди. Чиққан курагини солиб ўз вақтида дам бермаганлари учун аҳволи кундан-кунга оғирлашди ва охири Хэл уни сўлақмондай тўппончаси билан отиб ўлдирди. Шимолда яшовчи одамлар ўзга ерлардан келтирилган итларга шу ерлик итлар ейдиган овқат раво кўрилса улар очликдан ишдан чиқажакларини яхши билишарди. Модомики Хэл мана шу емиш миқдорини ҳам қоқ ярмига қисқартирган экан, энг охирида кўшилган анови олти нафар итнинг ҳам куни битди деса ҳам бўлаверади. Биринчи бўлиб ньюфаундленд, сўнгра кетма-кет учала пойнтер ҳаром ўлди. Бир жуфт кўппаклар эса улардан кўра чидам-лироқ экан, аммо улар ҳам охири ҳалок бўлишди.

Бу вақтга келиб учала сайёхнинг кўнгилчанлиги ҳамда хушмуомалалигидан асар қолмади. Арктика бўйлаб саёҳат қилишнинг ҳаёлий жозибасига путур етди — воқелик ниҳоятда бешафқат экан. Мерседес итларга ачиниб йиғламай кўйди, энди у фақатгина ўз қадрига ачинганидан йиғлар, эрию укаси билан жанжалдан боши чиқмасди. Улар санманга боришдан чарчамасдилар. Оғирчилик туфайли келиб чиққан гина-кудурат шу қийинчиликлар билан барабар кучайиб, охири кек сақлаш ва хусуматга айланди. Буюк Шимол сўқмоқлари одамларни тарбиялаб, оғир кунларида ҳам доимо меҳрибон ва хушфеъл бўлиб қолишлари учун сабртоқатли бўлишни тақозо этарди. Бэкининг янги эгалари эса ўтакетган бесабр одамлар эди. Улар совуқдан қалт-қалт титрар, аъзойи баданлари, бўғинлари, суяклари, ҳатто кўкраклари қақшаб оғрирди. Шу сабабдан улар мижғов бўлиб қолган ва эртадан кечгача пичинг, истехзо ва айилдек ботадиган гаплардан бўшамасди.

Мерседес Чарльз билан Хэлни ҳол-жонига кўйиши биланоқ эркалар ўзаро жанжал бошлашарди. Ҳар бири ҳамма ишни мен бажаряпман, деб ишонар ва иложи бўлди дегунча миннат қилишга тушарди. Мерседес бўлса дам эрининг, дам укасининг тарафини олар, шу тариқа бош-кети

йўқ оилавий можаролар бошланарди. Масалан, ким гулхан ёкиш учун шох-шабба кетиради, Чарльзми ёки Хэлми, деб тортишиб қолишса иккови ҳам ўша заҳоти тамоми уруғ-аймоғидан тортиб бир неча минг чақирим нарида яшаётган ва ҳатто аллақачон дунёдан ўтган ота-оналари, тоғаю ўғай ака-укалари, сингилларини эслашга тушардилар. Чунончи, Хэлнинг санъат ёки тоғаси ёзган пьесалар ҳақидаги фикрларининг шох-шабба йиғиб келтиришга нима алоқаси бор — ҳеч тушуниб бўлмасди. Шунга қарамай тортишувлар чоғида булар Чарльзнинг сиёсий қарашларига ўхшаб тез-тез ва ўрнили-ўринсиз тилга олинарди. Юқон бўйларида гулхан ёкишга Чарльз сингисининг тили бир қаричлигининг нима алоқаси бор? Бу тўлиб-тошиб шу мавзуда сонсаноксиз мисолларни қалаштириб ташлаётган, шусиз ҳам эрининг уруғ-аймоғининг бошқа камчиликлари ҳақида ҳам юзсизларча тўлиб-тошиб гапирётган Мерседесгагина маълум эди. Оқибатда гулхан ҳам ёқилмас, тунагани жойи ҳам ҳозирланмас, итлар ҳам боқилмай қоларди.

Мерседес кўнгли тўлмаётгани учун аёлларга хос гиналар билан куракда турмайдиган баҳонани рўқач қиларди. У соҳибжамол, ниҳиқ аёл бўлганидан шу чоққача ҳамроҳлари доим унинг кўнглига қараб келишди. Энди эса эри ҳам, укаси ҳам тўнини тесқари кийиб олди. Мерседес икки гапнинг бирида заифалигини пеш қиларди. Чарльз билан Хэл эса бундан тутақиб кетишарди. Аммо Мерседес аёл кишининг кўнглига қарамаётганларидан огриниб, уларнинг бошига маломат тошини ёғдирарди. У дам қарасанг чарчаган, дам қарасанг ўзини ёмон ҳис қилган ва шунинг учун итларга тарикча ачинмай кун бўйи чанадан тушмаган. Лекин тантиқ ва соҳибжамол заифалининг огирлиги 120 фунт келар, бу эса зидаи юкларни тортиб кетаётган бемажол ва оч итларга жуда малол келарди. Мерседес уззукун, то итларнинг дармони куриб нарталарни тортолмай қолгунича чанадан тушай демасди. Чарльз билан Хэл чанадан тушиб, чангида юрақолгин деб ялиниб-ёлборар, Мерседес ҳиқиллаб уларнинг бераҳмлигидан нолиб жон-безор қилиб юборарди.

Бир гал эркаклар уни нартадан тушириб ҳам қўйишди, бироқ ўша заҳоти пушаймон бўлиб, энди бундай қилмасликка қасам ичишди. Мерседес, серхархаша болага ўхшаб жўрттага оқсаб юрди-да, йўл ўртасига ўтириб олди. Йигитлар йўлда давом этишди. У эса қимирламай ўтираверди. Уч миль юргач, улар қайтиб келиб, юкларнинг бир қисмини тушириб, ўрнига Мерседесни жойлаштириб сўнг йўлга тушишга мажбур бўлдилар.

Ўзлари қайналаётгани учун бу кишилар итларнинг ҳолидан мутлақо хабар олмай кўйишди. Хэл ҳаммавақт чиникиш зарур деб юрарди-ю, буни ўзига лозим топмас, кўпроқ бошқаларга раво кўрарди. Дастлаб у синглиси билан куёвига уқтирмакчи бўлди, аммо фойда чиқаролмагач, бунинг фойдасини таёқ билан забонсиз итларда кўрмакчи бўлди. Шу асно улар Беш Бармоққа етиб келганларида итларнинг озукаси тугади. Кемшик ҳинду кампир Хэлнинг тўппончаси эвазига бир неча фунт музлатилган от терисини беришга унади. Қандайдир йилқибоқарнинг ярим йил аввал ҳаром ўлган отидан шилиб олинган бу терининг овқат ўрнига ўтиши гумон эди. Музлаб тунукага ўхшаб қолган тери муздан тушгач ҳам оғизга олиб бўлмас даражада бемаза ва бадҳазм эди.

Бек буларнинг ҳаммасига чидаган кўйи бамисли бир алаҳсираш ичида карвоннинг олдида судралиб борарди. Унинг бағоят гўзал узун юнгининг қуюқлиги ва жилвагарлигидан асар қолмаган, чигаллашиб, исқирти чиқиб кетган; Хэлнинг калтаклари зарбидан ёрилган ерларида қон қотиб қолган эди. Бир вақтлари темирдек мустаҳкам бўлган мушаклари ҳозир қандайдир сертугун толани эсга солар, ўзи эса шунчалар озиб-тўзган эдики, шалвираган буришиқ терисининг тагидан қовурғалари кўриниб қолган эди. Бу азоб-уқубатлар ҳар қандай тирик жонни майиб қиларди. Бироқ Бэк унча-мунча азобга дош бера олар, буни бир замонлар қизил свитерли киши исботлаб кўйганди.

Бошқа итларнинг аҳволи Бэкниқидан дуруст эмасди. Уларнинг ҳам қоқ суяги қолган эди, холос. Бэкни кўшиб ҳисоблаганда итлар етти нафар эди. Улар азбаройи қийналиб кетганларидан қамчи билан таёқ зарбини сезмай кўйишганди. Булар аллақачон мурдага айланган, тириклик аломатлари аранг билинаётган бир халта суяк нима-ю, улар нима — фарқлари йўқ эди. Бекатларда улар хўжалари ечиб юбормасларидан аввал йўл ўртасида узала тушиб олардилар; улар жон бераётганга ўхшарди. Таёқ ва қамчи зарбалари остида яна тирилишар ва базўр туриб судралганча йўлга тушишарди.

Бир куни ювошгина Билли ҳам йиқилганча қайтиб турмади. Тўппончасидан айрилган Хэл Биллининг бошига болта билан уриб тинчитди-да, жасадини абзалдан чиқариб йўл четига элтиб ташлади. Жимгина қараб турган итлар тез орада ўз бошларига ҳам Биллининг куни тушажагини тушунардилар. Эртасига навбат Кунга етдию энди улар беш нафар: азбаройи бемажоллигидан ҳатто овқат ейишга ҳоли келмаётган Жо, айёрлиги ва фирибгарлигидан асар қол-

маган бир оёксиз мажруҳ Пайк, ҳамон ишига садоқатли ва нарталарни тортишга кучи етмаётганидан сиқилиб кетган бир кўзли Соллекс, ҳеч қачон шу қишчалик узоқ юрмаган ва тажрибасизроқ бўлгани учун ҳаммадан кўпроқ калтак ейдиган Тик ҳамда ҳануз онабошилиқ қилаётганига қарамай тартиб-интизомни сақлаш тугул унга қизиқмай қўйган Бэк қолди. Мажолсизлигидан Бэк оёқларини аранг судраб босар, теварак-атрофдаги ҳамма нарса унга ғира-шира қўринар, йўлни панжалари билан пайпаслаб топишга одатлангани учунгина сўқмоқдан чиқиб кетмасди, холос.

Авжи кўклам эди, бироқ на одамлар, на итлар буни сезишарди. Қуёш кун сайин эртароқ чиқиб, кечроқ ботарди. Соат учда кун ёриша бошлар, кеч тўққизларда қош қораярди. Уззукун қуёш чарақлаб нур сочарди. Қишнинг мудроқ сукунати баҳорнинг уйғона бошлаган ҳаёт шовқинлари билан алмашинди. Жонланиш сурурига сойим тупроқ қулф уриб яшнаб борарди; узоқ қиш давомида қор кўрпаси тагида қилт этмаган мавжудот борки, энди уйғониб ҳаракатга келган эди. Қарағайлар барг чиқарди. Тол билан тераклар куртак ёзди. Буталар яшил либосга бурканди. Кечалари чирилдоқ чириллай бошлади, кундузи эса, ерда судралиб, диконглаб юрадиган мавжудот борки, қуёшдан баҳра олиб, ғужғон ўйнарди. Ўрмонларда какликлар бир-бирини чақирар, қизилиштонлар дарахт пўстлоғини ногора қилиб чалар, олмахонлар ликиллаб ўйнар, сайроқи қушлар сайрар, баланд осмонда эса арғимчоқ солиб жанубдан учиб келаётган ёввойи ғозлар овози янграрди.

Адирлардан сувлар оқиб тушар, қўнғироқ чалиб оқаётган кўринмас булоқларнинг жилдираши эшитиларди. Баҳор шабадасининг юмшоқ қанотлари етган ердаги ҳамма нарса жонланар, шовқин солар ва яшамоқ орзусида ошиқарди. Юкон дарёсининг суви муз ёпинчиғини ёриб чиқишга интиларди. Сув музни остидан ювса, юқоридан қуёш эритарди. Дарёнинг у ер-бу ерлари эриди, муз ёриқлари тобора кенгайиб, юпқароқ жойлари парчаланиб оқиб кета бошлади. Мана бу гуркираган баҳор палласида — секин-аста жонланаётган жўшқин ва серҳаяжон ҳаёт бағрида, қуёшнинг олтиндек нурлари ва беозор кўринган шамолнинг эркалашлари остида ажал излаб бораётгандек икки эркак, бир аёл итлар билан судралиб келарди.

Итлар икки қадам юрар-юрмас йиқилар, Мерседес тинмай йиғлар ва чанадан тушай демас, Хэл аламини кимдан олишни билмай сўқинар, Чарльзнинг қизарган кўзларида надомат қотиб қолган эди.

Шу ахволда улар Жон Торнтон яшаётган Оқ Дарёнинг

қуйилиш қисмидаги қароргоҳга етиб келдилар. Нарталар тўхтагани ҳамона шалвираган итлар йиқилди. Мерседес кўз ёшларини арта-арта Жон Торнтонга қаради. Чарльз дам олгани хомага ўтирди — бутун аъзойи бадани увишиб қолгани, у қайналиб, аранг жойлашди.

Биринчи бўлиб Хэл гап бошлади. Торнтон қайин ғуласини йўниб болтасоп ясарди. У ишидан тўхтамай кулок солар, фақат аҳён-аҳён, шунда ҳам сўраганларида қисқагина жавоб қайтарар ёки лўнда-лўнда қилиб маслаҳат берарди: бу тонфа одамларни у яхши билар ва маслаҳатлари зое кетишига шубҳа қилмасди.

— Юқорида ҳам йўл ёмон, борманглар, деб маслаҳат беришганди,— деди Хэл Торнтоннинг шу куиларда муздан юриш ниҳоятда хавфли, деганига жавобан.— Оқ дарёга ҳам етиб боролмайсизлар, деб ишонтиргандилар. Мана етиб келдик-ку!

Унинг гап оҳангида пичинг ва керилиш сезиларди.

— Тўғри айтишибди,— деди Жон Торнтон.— Ҳеч кутилмаганда муз кўчиши мумкин. Ҳозир, мабодо тентак одам дарёдан ўтишга таваккал қилмаса... Тентакнинг ишини худонинг ўзи ўнглайди, дейишади. Сизларга очигини айтай — мен ҳаётимни хавф остида қолдириб, ҳаттоки Аляскадаги тамоми олтин эвазига ҳам шу муз бўйлаб бир қадам юрмаган бўлардим.

— Бўлмасам-чи, сиз ахир тентак эмассиз-ку,— дея гап қистирди Хэл.— Бизлар эса ҳар қалай Доусонга жўнаймиз.— У қамчисини кўтарди.— Бэк, тур ўрнингдан! Қани! Тур деяпман сенга! Олга!

Торнтон бош кўтариб қарамади. У эси йўқ одамларга гап уқтириб бўлмаслигини яхши биларди. Қолаверса, икки-учта аҳмоқнинг боридан йўғи!

Бироқ Хэл ҳар қанча бўғилмасин итлар қимир этмай ётавердилар. Уларни фақатгина калтак билан қўзгатиш мумкин бўлиб қолган эди. Хэл орқа-ўнгига қарамай итларни савалай кетди. Жон Торнтон гижинди. Биринчи бўлиб қийнала-қийнала Соллекс турди. Унинг ортидан Тик, сўнгра оғриқдан гингшиганча Жо қўзғалди. Пайк оёққа туриш учун жонини жабборга берарди. Олдинги панжаларига таяниб ўрнидан турай деганда у йиқилди, иккинчи, учинчи сафар ҳам бу ҳол такрорланди, ниҳоят тўртинчи гал оёққа турди. Бэк эса ҳатто ҳаракат қилиб ҳам қўймади. У йиқилган ерида тошдек котиб ётди. Кетма-кет урилаётган қамчи баданини узиб-узиб олар, бироқ у овоз чиқармай жимгина ётарди. Торнтон бир нималар демоқчи бўлди-ю, аммо индамади. Унинг кўзларида ёш йилтиллади. Хэл ҳамон савалаш-

дан тўхтамади. Торнтон ўрнидан туриб иккиланганча уёқдан-буёққа юра бошлади.

Бэк биринчи марта итоат этишдан бош тортаётганди. Хэлнинг ғазабини келтириш учун шунинг ўзи кифоя эди. У камчини улоқтириб, кўлига таёқ олди. Бироқ бу залварлироқ, янада каттикроқ зарбалар ҳам Бэкни кўзгатолмади. Эҳтимол бошқа итлар каби Бэк ҳам ўрнидан тураоларди, бироқ улардан фарқли ўлароқ қасдма-қасдига туришни хоҳламасди. У олдинда кутиб турган фалокатни сезарди. Бўни у чаналарни соҳилга тортиб келаётганда ҳис қилганди. Ўшандан бери бу туйғу унинг хаёлидан кетмасди. Ўшанда уззукун юпқалашиб, аллақачон мўрт бўлиб қолган музни ҳис қилган ва фалокат худди олдинда, ҳозир эгаси зўр бериб ҳайдаётган томонда ўзларини кутиб турганини илғагандек бўлганди. Мана шунинг учун туришни хоҳламасди. Бэк азоб тортавериш шу даражага бориб қолган эдики, Хэл ҳар қанча саваламасин, оғриқни деярли сезмасди. Хэл бундан тамом беҳабар, кўзига қон тўлган кўйи уриб чарчамас, итнинг вужудидан эса ҳаётнинг сўнгги учкунини липиллаб ўчиб борарди. Бэк жон бермоқда эди. Унинг аъзойи бадани ғалати тарзда увушиб борарди. Ниҳоят, оғриқни бутунлай сезмай кўйди. Фақат ўзини савалаётганларини элас-элас англари ва таёқнинг қарсиллашини узоқдан эшитаётгандек бўларди, Бу тана ўзиники эмасу буларнинг бари бошқа ерларда бўлиб ўтаётганга ўхшарди.

Шу пайт, ногаҳон Жон Торнтон ҳайқирганча калтак кўтарган одамга сапчиди. Хэл худди йиқитилган дарахт келиб урилгандек чалқанчасига қулади. Мерседес чинқириб юборди. Чарльз бу можарога ёшланган кўзларини арта-арта мунгайиб қараб турди-ю, ўрнидан турмади, чунки танаси чангак бўлиб қолган эди.

Жон Торнтон ўзини босиб Бэкнинг тепасига борди. Азбаройи ғазабдан гапиролмасди.

— Агар, шу итни яна бир марта урсанг, ўлдираман! — деди у ниҳоят бўғилиб.

— Ит меники, — деди Хэл ўрнидан тураркан лабидаги қонни артиб. — Қоч яхшиси, бўлмаса ўзингга жабр қилсан. Бизлар Доусонга кетяпмиз.

Аммо Хэл билан Бэкнинг ўртасида турган Торнтон унга ёнберишни хаёлига ҳам келтирмасди. Хэл белбоғидаги газанини шартта суғурди. Мерседес дод солиб, йиғлашга тушди, сўнг хахолаб кула бошлади — қисқаси, жазавага тушганди. Торнтон болтанинг сопи билан Хэлнинг қўлидан пичоқни уриб туширди. Хэл пичоқни олмоқчи бўлган эди,

Торнтон яна урди. Сўнгра энгашиб пичокни олди-да, Бэкнинг абзалини кесиб ташлади.

Хэлниг бояги важоҳатидан асар қолмади. Бунинг устига у қўлларига, аниқроғи елкасига осилиб олган опасига андармон бўлди.

Бэкдан сариқ чақалик фойда йўк, барибир чаналарни тортолмайди, деб ўйлади у.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, нарталар музлаган дарё сатҳига туша бошлади. Бэк жўнаб кетаётган чаналар шовқинини эшитиб бошини кўтарди. Унинг ўрнида итларни Пайк бошлаб борар, Соллекс йўлбошчилик қилар, Жон билан Тик уларнинг ўртасига қўшилган эди. Уларнинг ҳаммаси оқсар ва қоқилиб-суқиларди. Чанага ортилган юкларнинг тепасида Мерседес савлат тўкиб ўтирар, Хэл эса олдинда, бошқарув лангарчўпининг ёнида кетмоқда эди. Орқада судралиб Чарльз борарди.

Бэк уларнинг ортидан қараб қолди, Торнтон эса унинг ёнига чўккалаб биронта суяги синмаганмикин дегандек дағал кафти билан авайлабгина уни силаб-сийпалади. У итнинг суяклари бутун, фақатгина қаттиқ дўппосланган ва очликдан силласи қуриганига ишонч ҳосил қилди. Бу орада чаналар чорак миль узоқлашди. Торнтон билан Бэк уларнинг судралиб бораётганини кузатиб туришди. Бирдан нартанинг орқа қисми худди ўпқонга тушиб кетгандек сувга шўнғиди, лангарчўп эса маҳкам ёпишиб олган Хэл билан бирга ҳавога кўтарилди. Мерседеснинг чинқиргани эшитилди. Зум ўтмай Бэк билан Торнтон Чарльзнинг қирғоқ сари югургани, сўнг дафъатан унинг оёқлари тагида муз кескин сурилиб одамлар ҳам, итлар ҳам чўкиб кетганини кўришди. Бир зумда музлик ўрнини қорамтир сув қоплади. Муз йўли вайрон бўлганди. Жон Торнтон билан Бэк бир-бирларига қараб кўйишди.

— Вой, бояқиш-ей!— деди Жон Торнтон. Бунга жавобан Бэк унинг қўлини ялаб-юлқади.

## VI

### ОДАМЗОДГА БЎЛГАН САДОҚАТ

Декабрнинг ўрталарида Жон Торнтон оёғини совуққа олдириб кўйди. Шериклари тузалгунча шў ерда тура турсин дея уни қароргоҳда колдиришди ва ўзлари Доусонга



окизишлари лозим бўлган ходаларни ҳозирлаб қўйгани дарёнинг юқори қисмига жўнаб кетишди. Бэки кутқарган кезлари ҳали Торнтон оёғини яхши босолмасди, аммо кунлар исиб кетгач, бу ўз-ўзидан қолиб кетди. Бэк эса шарқираб оқаётган дарёдан кўз узмай, қушларнинг сайрашию авжи кўкламга хос товушларни тинглаган қўйи уззукун соҳилда ётар ва шу асно секин-аста дармонга кириб борарди.

Беш минг чақиримдан зиёдроқ йўлни югуриб ўтгач, дам олишга нима етсин. Нафсиламбрини айтганда, яра-чақалари битиб қувватга кираётган ва яна семириб ўз ҳолига келган пайтда Бэк тобора ялқовлашиб бормоқда эди. Зеро, бу ерда фақатгина Бэк эмас, ҳамма — Торнтондан тортиб Скит билан Ниггача қачон сол келадиган қачон Доусонга жўнаймиз, деган интизорликда бекор юрарди. Скит Бэк билан тезгина чиқишиб кетди — бемажол Бэкининг ирланд сеттерлари наслидан бўлган бу урғочи итнинг ялаб-юлқашларини рад этишга қурби етмасди. Скит баъзи итлар қатори яра-чақалар ва хасталикларни даволай олиш қобилиятига эга эди. Она мушук ўз болаларини қандай ялаб-юлқаса, Скит ҳам Бэкининг яра-чақаларини шундай ялаб-юлқарди. Ҳар кун эрталаб у Бэкининг овқатланиб бўлишини кутиб турарди-да, ўзининг кўнгилли вазифасини бажаришга киришарди, охир-оқибат Бэк бу ғамхўрликларни худди Торнтон меҳрибончиликларидай бажону дил қарши оладиган бўлди. Изқувар билан шотланд овчи итидан тарқалган Ниг Скитчалик бўлмаса ҳам ўзини анча-мунча Бэкка яқин тутарди. Бу баҳайбат қора итнинг қувноқ кўзларида битмас-туганмас меҳр яшириниб ётгандек эди.

Бу итларнинг эгаларини ундан мутлақо қизганмаётгани ва унга ичиқоралик қилмаётгани Бэкини ҳайратга соларди. Гўё Жон Торнтоннинг беозорлиги билан олижаноблиги уларга ҳам юкиб қолгандек эди. Улар Бэк дармонга киргач, уни аҳён-аҳён Жон Торнтон ҳам иштирок этадиган ажабтовур ўйинларга чорлайдиган бўлдилар.

Шу тариха Бэк ўзи сезмаган ҳолда батамом тузалди ҳамда янги ҳаётини бошлаб юборди. У биринчи марта чинакам ва жўшқин муҳаббат нималигини ҳис қилди. Серқуёш Санта-Клара водийсидаги судья Миллер хонадонида яшаётган кезлар у ҳеч кимни бунчалар яхши кўрмаган эди. Уни доимо ўзлари билан овга ва узок сафарларга бирга олиб борадиган судьянинг ўғиллари билан муносабати яхши эди, ёш-ёш невараларини аяр ва уларга

хомийлик қиларди, судьянинг ўзига эса садоқатли эди. Бироқ унинг юрагида кизгин, телбаларча севги уйғотиш фақатгина Жон Торнтонга насиб этди.

Торнтон унинг ҳаётини сақлаб қолди — шунинг учун ундан бир умр қарздор деса бўлади. Ундан ташқари бу одам олижаноб хўжайин эди. Ўзгалар мажбур экани ва ишга яроқли бўлгани учунгина итларни авайлаб-асрар, Торнтон эса уларни беминнат, астойдил, худди ўз фарзандларидек кўрар, зеро у табиатан шундай меҳрибон одам эди. Қолаверса, у ширин гап билан эркадаб кўйишни канда қилиш тугул улар билан узоқ дардлашишни яхши кўрар, бундай дамлар унга беҳад завқ-шавқ бахш этарди. Торнтон кўпинча иккала кўли билан Бэкнинг қалласидан чангаллаб оларди-да, манглайини унинг пешонасига босиб, уёқдан-буёққа иткитиб тегажаклик қилар, шу билан бирга қаёқдаги лақаблар билан эркалар эди. Бу тегажакликдан Бэкнинг боши кўкка етар, эгаси кулоқларидан ушлаб тортқилай бошлади дегунча ўзида ийқ қувонарди. Охири Торнтон кўйиб юбориши биланоқ иргишлай бошларди. Шу дақиқаларда унинг нигоҳи сўзлардан кўра кўпроқ маъно англатар, ифодадай олмаётган туйғулардан томоғига бир нима тикилгандай бўларди. Жон Торнтон унинг завқ-шавқдан тонг қотиб турганини кўриб, жиддий оҳангда: «Ёпирай! Бу ит мунча одамга ўхшамаса, гапиролмайди, холос», дея хайратланарди.

Бэк баъзан ҳаяжондан нима қилаётганини унутиб кўярди. Масалан, у Торнтоннинг кўлини эркаланиб шунақа ҳам тишлардики, тишларининг ўрни анчагача кетмасди. Худди эгасининг меҳри товланиб, ўзига ҳар хил от кўяётганларини Бэк тушунгани каби эгаси ҳам унинг кўполлиги аслида эркаланишдан бошқа нарса эмаслигини англарди.

Кўпинча Бэкнинг муносабати хатти-ҳаракатлар орқали намоён бўларди. Торнтон силаб-сийпаб эркалаётганда унинг боши кўкка етарди-ю, лекин бундай марҳаматга сазовор бўлиш учун ҳеч қачон бориб сурқалмас эди. Скит силаб-сийпаб кўймагунча келиб Торнтонга ишқаланаверар, Ниг эса ҳадеганда эгасига суйкалиб, каттакон бошини унинг тиззаларига кўймаса кўнгли жойига тушмас эди, Бэк эса аксинча, Торнтонни ҳар қанча яхши кўргани билан унга илакишавермасди. Худди унинг кўнглида нима гап борлигини билмоқчидек, юз-кўзларидан синчков нигоҳини узмай соатлаб ётарди. Унинг чехрасидаги ҳар бир оний ўзгариш ва ишораларни алоҳида қизиқиш билан кузатарди.

Баъзан анча нарига, эгасининг ёнбоши ёки орқа тарафига бориб ўша ердан унга термилиб ётарди. Инсон билан ит ўртасида шунчалик ҳам меҳр кучайган эдики, Торнтон Бэкнинг ўзига тикилиб қараётганини сезиб қолиб, беихтиёр унга юзланар ва кўзини ундан узолмай қоларди. Шунда иккови бир-бирининг кўзларида акс этган туйғулари орқали кўнглидаги фаҳмларди.

Ўзини қутқариб қолгандан кейин ҳам анча пайтгача Бэк Торнтонни кўрмаса хавотирлана бошларди. У Торнтоннинг ёнидан бир қадам жилай демасди. Шимолда бир неча марта эгалари алмашгандан кейин Бэк уларнинг доимийси бўлмади, деган фикрда, Перро билан Франсуа ва анави шотландиялик каби Торнтондан ҳам ажралиб қолишдан қаттиқ кўрқарди. Ҳатто тушларида ҳам бу туйғу уни таъқиб қилар, кўпинча уйғониб кетиб аччиқ совуққа қарамай бошпанасидан чиқиб чодир ёнига борар ва остонада Торнтоннинг пишиллаб ухлашларига анчагача қулоқ солиб турарди...

Шундай бўлса ҳам Бэкнинг ҳовуридан тушириб, тарбиялаши шартдек туюлган унинг Торнтонга бўлган меҳр-муҳаббатига қарамай юрагида ваҳший аждодларининг майллари тамомила сўймаган эди. Унга тинч ва осойишта хонадондаги ҳаёт таъсирида вужудга келувчи вафо ва садоқат каби фазилатлар бегона эмасди, аммо шу билан бирга вужуд-вужудида ваҳший ҳайвон шафқатсизлиги ва маккорлиги ҳам яширин эди. Бу энди фаровон жанубда тарбия топган авлодлар зурёди эмас, балки одам оёғи етмаган ўрмондан чиқиб тўғри Жон Торнтон ҳузурига келган ваҳший йиртқич эди. Бу инсонга бўлган чексиз садоқати унинг овқатини ўғирлашига йўл қўймасди, лекин Бэк бошқа лагерларда бемалол, юз-хотир қилмай ўғирлаган бўларди. Ҳолбуки Бэк шу даражада фириб бера олардики, бирор кимса пайқамасди.

Унинг тумшугиго баданида сон-саноксиз чандиқ кўзга ташланар, бегона итлар билан ҳозир ҳам бурунгидек шиддат билан, яна ҳам маккорона олишарди. Скит билан Ниг ювош ва итоатгўй экани, қолаверса, булар Жон Торнтоннинг итлари бўлгани учун ҳам улар билан суяк талашмасди. Лекин мабодо биронта бегона ит ўралашса наслию кучидан қатъий назар, барибир, у дарҳол Бэкнинг раъйига юриши шарт эди, акс қолда ўта хавфли рақиб орттиргани қоларди. У қалтак еявериб, ғажишавериб пишиб кетган ва ҳеч кимнинг ҳаддидан ошишига йўл қўймасди, рақибидан ҳеч қачон

тап тортмас ва қандай бўлмасин уни ғажиб ташлаш қасдида бўларди. Буни у Шпицдан — полициячиларнинг урушқоқ итларидан ўрганган эди. Ё энгилади, ёки энгади,— аяш эса ожизлик аломати эканини яхши биларди. Бурунги махлуқлар раҳм-шафқат нималигини билишмасди. Улар буни кўрқоқлик деб ҳисоблашар ва уларнинг тушунчасига кўра айнан шу нарса ажални етаклаб келарди. Ўлдир, бўлмаса сени ўлдирадилар, ғажиб ташла, акс ҳолда ўзингни ғажийдилар — ҳаётнинг бирламчи ва ягона қонуни ўша вақтларда шундан иборат эди. Замонлар қаъридан ўзигача етиб келган бу қонунларга Бэк ҳам итоат этарди.

У ҳаётда айтарли узоқ яшамаган бўлса ҳам керагидан ортиқ воқеаларни кўришга улгурган эди. Ўтмиш билан ҳозирги кун унинг вужудида қўшилиб, худди мангуликнинг қудратли оҳанглари каби ўтмиш билан ҳозирги кун садолари навбат билан, униси олиб, буниси қўйиб унинг қонини жўштирар — бу жўшқин ва тошқин сувнинг қайтиши, йил фаслларининг алмашилиб туришига ўхшаган ҳодиса эди. Жон Торнтоннинг гулхани ёнида жунлари узун ва тишлари сўйлоқ баҳайбат ит ясланиб ётади. Унинг жисмида бамисли бир гала қўлга ўргатилган ва ёввойи итлар пинҳона яшарди. Гўё улар ўзларидан огоҳ этиб кўрган-кечирганларини унга юктиришар, у еяётган гўштдан лаззатланиб, у ичаётган сувга ташна бўлишар, у тинглаётган товушларга қулоқ солишар ва гўё одам оёғи етмаган ўрмонлардан келаётган товушларни унга тушунтириб беришарди. Улар Бэка ўз кайфиятлари ва шижоатларини ҳам юктирардилар, нима қилиш кераклигини ўргатишар, ётса ёнида ухлашар, ухлаётганда эса у билан бир хил туш кўришар ҳамда унинг тушларига бесўроқ киришарди.

Бу руҳларнинг нидоси шунчалар амирона эдики, одамлар ва уларнинг талаблари Бэkning шуурида кун сайин кадр-қимматини йўқотиб борарди. Қалин ўрмоннинг хилват гўшаларидан сирли ва жозибали нидо келар, Бэк бу овозни эшитганда гулхан олдидан тобора узоқлашар ва қандайдир номаълум гўшаларга қочиб кетгиси келарди. Ҳа, у қаерга ва нима учун кетиши ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасди, чунки бу даъватга қулоқ солмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Бироқ Бэк ям-яшил ўрмон салтанатининг беҳавотир, одам оёғи етмаган қисмига кириши биланоқ дафъатан Жон Тронтон эсига тушиб, беихтиёр яна гулхан ёнига қайтарди.

Дарҳақиқат, Бэк Жон Торнтонни ташлаб кетолмасди.

Қолган одамлар билан унинг иши йўқ эди. Йўлда учраган сайёҳлар баъзан уни эркалашиб макташарди, бироқ бу илтифотларга у қайрилиб ҳам қарамас, башарти биронтаси жонига тегса, индамай нари кетарди. Кўзлари тўрт бўлиб кутган Торнтоннинг шериклари Ганс билан Пит қайтиб келганида Бэк дастлаб уларга ҳам аҳамият бермади, кейинчалик, Торнтонга яқин одамлар эканини тушуниб етгач, уларга кўникди ҳамда марҳамат қилгандек, эркалашларига жимгина туриб берадиган бўлди. Ганс билан Пит Торнтонга ўхшаган бағри кенг, соддадил ва зийрак, меҳрибон одамлар тоифасидан эди. Улар илгари ҳам Доусонга бориб солларини тахта заводи яқинидаги тошқин сувга туширмасдан аввал ҳам Бэkning феъл-атворини билиб олишган эдилар, лекин барибир Ниг билан Скитдай бир-бирларига элакишиб кетишмаганди.

Лекин Жон Торнтонга Бэк тобора садоқатли бўлиб борарди. Ёзда кўчиб ўтаётганларида Бэк ўз устига ягона Торнтоннинг юк ортишига йўл қўярди. Торнтон буюрса бас, у ҳамма нарсага тайёр эди. Қуилардан бир кун (бу воқеа улар ўша оқизган ёғочлари эвазига тўлашган пулларга озиқ-овқат маҳсулотлари жамғариб, Доусондан Танана дарёсининг юқори қисмига йўл олганларида бўлган эди) одамлар билан итлар уч юз фут пастликдаги дара тепасида осилиб турган тикка қояга жойлашдилар. Жон Торнтон қоянинг қиррасида одатдагидек Бэк билан ёнма-ён ўтирарди. Туйқус Торнтоннинг калласига бемаъни фикр келиб, Ганс билан Питга ҳозир бир синаб кўраман деди-да:

— Сакра, Бэк!— деб буйруқ берди қўли билан пастни кўрсатиб.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас у Бэkning жаҳаннам лабида базўр ушлаб қолди, Ганс билан Пит эса икковини орқага тортиб олишди.

— Қойил, бировга айтсанг ишонмайди,— деди Пит ҳаммаларининг кўнгли жойига тушгач.

Торнтон бош чайқади.

— Нима дейишга ҳам ҳайронсан, қойилликка қойил, лекин ўйласам ваҳм босади. Ишонсангиз ора-чира бу итнинг садоқатини кўриб юрагим орқага тортиб кетади.

— Унинг олдида сенга билмасдан тихирлик қилиб қўйган одамга раҳмим келади,— деди Пит Бэк томонга ишора қилиб.

— Менинг ҳам,— дея маъқуллади Ганс.

Ўша йилнинг ўзидаёқ Серклида юз берган воқеа Пит-

нинг ҳақ эканини тасдиқлади. Бир куни жанжални пулга сотиб оладиган Қора Бартон деган баджаҳл кимса, бу ернинг одатларидан беҳабар янги келган одам билан майхонада тортишиб қолди-ю, Торнтон табиатан раҳмдил бўлганидан уларни ажратиб қўйгани аралашди. Бэк ҳар доимгидек майхонанинг бурчагида панжаларига тумшугини қўйиб эгасининг хатти-ҳаракатларини кузатиб ётарди. Кутилмаганда Бартон қулочкашлаб бир урди, Торнтон анча нарига учиб тушди, растани тўсиб турган панжарани ушлаб қолмаганда боши билан йиқиларди.

Дафъатан, томошабинлар йиртқичона ўкирикни эшитиб қутлари учиб кетди. Ҳамма нима гаплигини фаҳмлашга улгурмай Бэк Бартоннинг томоғини мўлжаллаб сапчиди. Агар Бартон жонхолокда қўли билан тўсишга улгурмаганда асфаласофилинга кетарди. Шунга қарамасдан Бэк бор оғирлиги билан Бартонни ағдариб ерга босиб олди. Зум ўтмай у яна Бартоннинг томоғидан тишлашга талпинди. Бу сафар Бартон чап беролмади, Бэк унинг бўйшидан бир парча этини узиб олди. Шундан кейин ҳамма баробар ёрдамга ташланиб итти ҳайдаб юборишди. Шунда ҳам врач қонни тўхтатиш учун Бартоннинг ёнида қуймалашиб турганида Бэк ваҳшиёна ириллаб унинг теграсида айланарди, лекин таёқлар яқинлашишга йўл қўймасди.

Ўша ерда ташкил этилган олтин изловчиларнинг йиғилиши ит ўрилли қазабланди, деган хулоса чиқарди ва Бэк оқланди. Шу воқеадан сўнг унинг доврўғи бутун Аляскани тутди.

Кейинчалик ўша йилнинг кузида Бэк тамомила ўзга шаронтда Торнтон ҳаётини сақлаб қолди. Уч ёру дўст энсиз ва узун қайиқни қирқинчи милнинг хавфли кечувида олиб ўтишлари керак эди. Ганс билан Пит арқон ёрдамида — арқоннинг бир учи дарахтга боғланган эди — кирғоқ бўйлаб қайиқни судраб боришар, Торнтон эса дастаси узун чангакдан эшкак ўрнида фойдаланиб соҳилдагиларга йўл-йўриқ кўрсатганча қайиқда ўтирарди. Бэк ҳам орқада қолмай, соҳил ёқалаб келарди. У эгасидан кўз узмас ва тоқатсизланарди.

Бир талай сув ости қоялари қаққайиб турган беҳад хатарли жойга етгач Ганс арқонни бўшатди. Торнтон чангаги билан қайиқни дарё ўртасига бурди, қайиқ қоялар орасидан ўтгач, унга қўшилиб тортиш учун Ганс арқоннинг бир учини ушлаб олдинга югурди. Қайиқ қоялар орасидан беҳатар ўтди, аммо ўша заҳоти уни сув оқизиб кетди. Ганс

арқонни тортиб қайикни тўхтатмоқчи бўлди, бироқ бехос силтаб тортгани, қайик тўнқарилди ва шу аҳволда соҳилга оқиб кела бошлади. Торнтонни эса оқим энг хатарли жой — ҳар қандай зўр сузувчининг ҳам кўлидан бирор иш келмайдиган сувости қоялари томон оқизиб кетди.

Шу пайт Бэк сувга сакради. Айқириб оқётган сувда 390 ярд сузиб боргач, у Торнтонни қувиб етди ва Торнтон думидан ушлаб олганини сезган замони жон-жаҳди билан яна орқага — қирғоқ томонга сузди. Аммо у жуда секин силжирди: унга тезоб оқим халал берарди. Хиёл нарида сув даҳшат солгудек гувилларди — у ерда улкан тароқнинг тишларидек сув остидан қаторлашиб чиқиб турган тошларга оқим шиддат билан урилиб, парча-парча бўлиб сочиларди. Охирги, ҳаддан зиёд тик қоятошнинг ёнида беҳад катта гирдоб ўз домига тортарди. Торнтон қирғоққа етиб боролмаслигини сезди. У аввал бир қояга, кейин иккинчисига урилди, сўнгра тўлқинлар уни учинчи қояга қараб улоқтирди. Торнтон Бэkning думини қўйиб юборди-да, қоянинг сирғанчиқ чўққисига осилиб сувнинг ҳам шовқинини босиб кетгудай овозда бақирди:

— Жўна, Бэк! Олға!

Сув Бэқни қуйига оқизар, у оқим билан бесамар олишар ва ортига қайтиб кетолмас эди. Торнтоннинг буйруғини эшитгач, у худди уни сўнги бор кўриб қолмоқчидек, бошини сувдан баланд кўтарди-да, кейин қирғоққа сузди. Пит билан Ганс сувдан тортиб олганларида у тамомила ҳолдан тойиб, бўғзигача сув тўлган эди.

Ганс билан Пит шиддатли оқим келиб урилаётган сирғанчиқ қоятошда Торнтон уч-тўрт минутдан ортиқ осилиб турулмаглигини тушунардилар. Улар қирғоқ ёқалаб ўша дарёнинг ўртасидаги қоятошнинг рўпарасига югурдилар. Етиб борганлари ҳамано Бэқни арқон билан бемалол ҳаракат қила оладиган даражада боғлаб сувга туширишди. Бэк тап тортмасдан жадал сузиб кетди, аммо қояга етиб боролмади. У мўлжални тўғри чамалай олганини пайқаганда кеч эди, Торнтон билан ораларидаги масофа қўл узатса етгулик даражага келганда оқим оқизиб кетди. Ганс худди ит эмас, қайикни тўхтатгандек, арқонни кескин тортди. Кутилмаган силтовдан Бэк чўкиб кетди ва қирғоққа тортиб олмагунларича қайтиб сув юзига чиқмади. Уни тортиб олишганида на ўлиги, на тиригини билиб бўларди. Ганс билан Пит шоша-пиша унинг оёқ-кўлларини ёзиб сунъий нафас олдира бошлашди. Бэк ўзига келиб ўрнидан турди-да,

яна йиқилди. Шу чоқ Торнтоннинг заиф овози эшитилди, унинг нима деганини англамаган бўлсалар ҳам тез ёрдам бериш зарурлиги, акс ҳолда у ҳалок бўлишини фаҳмлашди. Эгасининг овози Бэка фавқулудда кучли таъсир қилди. У ўрндан турди-да, дарё ёкалаб шамолдек елди, ортидан эса Ганс билан Пит эргашди. Улар биринчи сафар сувга туширган ерга келдилар.

Яна уни арқон билан боғлашди ва Бэк сузиб кетди, бироқ бу гал у дарёнинг қоқ ўртасига қараб сузди. Бэк бир марта янглишмоғи мумкин эди, икки марта эмас. Ганс арқоннинг таранглигини кузатган кўйи навбат билан ўрар ва бўшатар, Пит эса ғалтакни тўғрилаб турарди. Бэк Торнтоннинг рўпарасига етгунча бир йўналишда борди. Унинг қаршисига етган пайтида бурилиб, шитоб билан суза кетди. Торнтон уни кўрди ва шиддатли оқим аралаш гавдаси билан келиб урилганда Бэkning жулари осилиб тушган бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Ганс арқонни дарахт бутоғидан ўтказиб тортган эди, Бэк билан Торнтон сув тагига кириб кетди. Иккови оғзига сув тўлиб қоятошлар ва тўнкаларга урилиб, ўқтин-ўқтин қалқиб чиқиб дам Бэк Торнтоннинг устида, дам Торнтон Бэkning устида пайдо бўлиб, ахийри қирғоққа чиқиб олдилар.

Торнтон кўзини очганида сув қирғоққа чиқариб ташлаган харида юзтубан ётар, Ганс билан Пит эса жонларини жабборга бериб унинг қўл-оёқларини силкитарди. У дастлаб Бэкни излади. Бэк ўликдек қимир этмай ётар, унинг тепасида Ниг увиллар, Скит эса тумшуғи билан юмук кўзларини ялаб-юлқарди. Яраланган ва тинка-мадори қуриганлигига қарамай Торнтон ўзига келган заҳоти Бэkning бутун баданини диққат билан пайпаслай бошлади. Итнинг учта қовурғаси синган эди.

— Хулласи калом, биз шу ерда қоламиз,— деди Торнтон.

Шу тариқа улар, то Бэк соғайиб ўзи юра оладиган бўлгунча шу ерда қолиб яшашди.

Қишда эса Бэк яна бир жасорат кўрсатди — эҳтимол, оғиз кўпиртириб айтишга арзимасдир, лекин ҳар қалай унинг доврўғига доврўқ қўшди. Бу жасорат айна муддао бўлди, негаки, шу туфайли эгалари анчадан буён муҳтож бўлган анжомларни сотиб олишга имкон туғилди.

Ҳаммаси «Эльдорадо» майхонасидаги мунозарадан бошланди: ҳар ким ўзи яхши кўрган итни мактарди. Машҳурлиги туфайли Бэка ёпишишар, Торнтон эса қатъий туриб



уни ҳимоя қиларди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас биров, менинг итим 500 фунт юк ортилган нартани жойидан жилдириш тугул торта олади ҳам, деб қолди. Бошқа бири оғзини тўлдириб итим 600 фунт юкни тортади. деди, учинчиси бу рақамни 700 фунтга кўтарди.

— Нима бўпти? — деди Жон Торнтон. — Бэк минг фунтни ҳам жойидан силжита олади.

— Шунча юкни ҳеч бўлмаса юз ярд тортиб бороладими? — деди «менинг итим 700 фунт юкни тортаолади» деган Бонанза қиролларидан бири — Мэттьюсон.

— Ҳа, нартани силжитиш тугул юз ярд ҳам тортолади, — дея бамайлихотир тасдиқлади Жон Торнтон.

— Бўпти, — деди Мэттьюсон ҳамма эшитсин учун баланд овозда дона-дона қилиб. — Минг доллар билан гаров боғлашаман, торта олмайди, меники нақд, — у шундай деди-да олтин қум солинган халтачани растага ташлади.

Унинг таклифи жавобсиз қолди. Ҳамма Торнтон бекорга кеккайпти, деб гап қилди. Торнтон қип-қизариб кетди, беҳосдан шундай деб юборганини унинг ўзи ҳам тап олди. Минг фунтли юк ортилган чанани Бэк торта олармиди? Ярим тоннани-я! Шуни ўйлаб Торнтоннинг юраги орқасига тортиб кетди. У Бэкнинг қуч-қувватига бениҳоя ишонар ва кўпинча ҳар қандай юкни торта олса керак, деб ўйларди. Аммо бирон марта бўлсин буни синаб кўрмаганди — мана оқибати, ўнтача одам ундан кўз узмай жавоб кутяпти! Боз устига, ҳеч қайсиларида бунақа катта пул йўқ.

— Кўчада менинг ун ортилган чаналарим турибди. Ҳар бирига 50 фунтдан ун тўлдирилган 20 та қоп, — деб давом этди Мэттьюсон беандишалик билан. — Кўряпсизки, ҳаммаси тайёр, оворагарчилиги ҳам йўқ.

Торнтон жавоб бермади. У нима дейишни билмасди. У худди фикрини жамлай олмаётган одамдек дам унга, дам бунга паришон назар соларди. Дафъатан эски ошнаси, шу ерлик бойвачча Жим О' Брайенга кўзи тушди. Торнтон шу одамга орқа қилдими, шу пайтгача хаёлига ҳам келмаган бир иш қилди.

— Минг сўм бериб туropolмайсанми? — деб сўради паст овозда.

— Бериб туроламан, — деб жавоб берди О' Брайен ва ҳозиргина Мэттьюсон ташлаган халтача ёнига олтин қуми билан тўлдирилган хийла вазмин иккинчи халтача шалоп этиб тушди. — Лекин айтиб қўяй, итни мақтаяпсан-у, менимча буни эплолмайди.

Майхонадагилар битта қолмай кўчага чиқишди. Карта ўйналаётган столда ҳеч ким қолмади, киморвозлар гаровда ким ютаркин, деган кизиқишда, қолаверса, шу баҳонада ўзлари ҳам гаров боғлаш ниятида ташқарига юрдилар. Қалин пўстинларига ўралган юзга яқин томошабин нарталарни ярим доира бўлиб ўраб олди. Мэттьюсоннинг минг фунт ун ортилган нарталари икки соатдан бери 60 даража совуқда турганидан чаналар яхлаб, ерга ёпишиб қолган эди. Бас бойлаш ишқибозлари Бэк нарталарни ўрнидан жилдира олмайди, деб тенг бўлмаган гаров таклиф қилишарди. «Чаналарни ҳаракатга келтиради» ни қандай тушуниш керак, деган мунозара кўзгалди. О' Брайен Торнтоннинг музичи синдириб чаналарни кўчириб қўйишга ҳаққи бор, Бэк эса шундай кейин ўрнидан жилдириши керак, деб таъкидлади. Мэттьюсон эса гаровнинг шартига мувофиқ Бэкнинг ўзи чаналарни тортиб муздан кўчирсин-да, тортиб кетсин деб туриб олди. Гаровнинг бошида бўлган гувоҳларнинг аксари Мэттьюсон томон бўлди. Шу тариқа Бэкка қарши қўйилган гаров учга бир даражагача кўтарилди.

Шундай бўлса ҳам гаров ўйнайдиганлар топилмади: ҳеч ким Бэкнинг торта олишига ишонмасди. Торнтоннинг чуқур ўйламасдан таваккал қилгани равшан эди. Унинг ўзи ҳам ҳозир нарталарга, уларга қўшилган ўнга яқин итларга қараб туриб Бэкнинг торта олишига шубҳаси ортарди. Мэттьюсон эса тантана қиларди.

— Қани, ким бор гаров ўйнайдиган, ютқизсам пулини уч бош тўлайман,— дея кичқирарди у.— Торнтон, яна минг сўм тикаман! Ташла қўлингни!

Торнтоннинг юзида хавотир аломатлари акс этди. Бироқ юрагида ҳар қандай ҳисоб-китобдан кучлироқ ва жангу жадал шовқинларидан бошқа ҳеч нарсага қулоқ солмайдиган, иложсиз нарсаларга қодир гурур, орият кўзгалган эди. У Ганс билан Питни чақирди. Буларнинг кармонида ортиқча пул йўқ эди — улар учовлашиб аранг 200 доллар пул тўладилар. Кейинги пайтда уларнинг иши ўнгидан келмас, шу 200 долларни тишларининг қавагида асраб юргандилар. Ана шу пулни иккиланмасдан Мэттьюсоннинг 600 долларига қарши тикдилар.

Мэттьюсоннинг ўн чоғлиқ итини бўшатиб, чаналарга Бэкни қўшишди. Одамларнинг ҳаяжони Бэкка ҳам юқди. У Жон Торнтон учун жуда муҳим бир нима ўзига боғлиқ бўлиб қолганини сезарди. Бу ниҳоятда кўркам итни кўриб ҳайратланган оломон орасида шивир-шивир кучайди. Бэкнинг қиёфаси чиндан ҳам кўркам эди — баданида бир пайса ортиқча ёғ йўқ, бўй-басти вазни, куч-қувватига мувофиқ

келарди. Куюк жунлари ипакдек жилоланарди. Ҳатто у осойишта турган чоғида ҳам вужудида куч-қувватнинг кўплигидан хиёл қимирласа бўйни билан елкаларида бамисли ёл сингари ипакдек товланаётган жунлари тўзиб кетарди. Унинг ҳар бир мўйида ғайрат тўлиб-тошаётганга ўхшарди. Азамат яғрини ва бақувват олдинги оёқлари бутун жисмига муносиб эди, пайлари эса териси тагидан таранг мокидек шишиб турарди. Одамлар унинг ёнига келиб, пайларини пайпаслаб кўрардилар-да, бошларини сарак-сарак қилиб, темирдан сира фарқи йўқ, деб таърифлашарди. Охири Бэка қарши тикилган гаров уни кўришгач икки бошга тушди.

— Итингиз ҳаддан ташқари яхши, сэр,— деди Бэнчинг янги қиролларидан бири Скукум.— Нақд саккиз юз бераман унга — гаровдан олдин. Сэр, кўрдингизми? Туришига нақд саккиз юз бераману оламан. Гап бўлиши мумкин эмас.

Торнтон бош чайқаб, итнинг ёнига келди.

— Йўқ, унинг ёнига борманг!— деб норизо бўлди Мэттьюсон,— ўз ҳолига қўйинг, шунда ҳалол бўлади.

Оломон тинчланди, фақат дам-бадам гаровга беҳуда таклиф этаётганларнинг овози эшитилиб қоларди. Ҳамма Бэкининг беназир ит эканига шубҳа қилмасди-ю, бироқ ҳар бири эллик фунтли йигирмата қоп кўз ўнгида тоғдек уюлиб тургани учунми гаровга пул тикишга ботинолмасди.

Торнтон Бэкининг ёнига чўкка тушиб унинг бўйнидан кучоқлади. Бугун у одатдагича ҳазиллашиб, уни турли лақаблар билан чақириб, ёлғондан койинган бўлиб эркаламади. Фақат қулогига бир нималар деб шивирлади.

— Бэк, агар мени яхши кўришинг рост бўлса... Агар яхши кўрсанг.— У мана шундай деб шивирлади. Бэк тоқатсизланиб ғингшиди.

Атрофдагилар бу манзарани қизиқсиниб кузатардилар. Торнтоннинг қилиғида жумбоқсимон бир нима бор эди — бу афсунга ўхшаб кетарди. Торнтон ўрнидан тураётганда Бэк унинг кафтидан беозоргина тишлади ва бирпас қўйиб юбормай турди, кейин истар-истамас бўшатди. Бу унинг жавоби эди — Бэк эгасига бўлган садоқатини гўё шу тарикка изҳор этарди.

Торнтон анча орқага бориб:

— Қани, Бэк!— деб кичкирди.

Бэк шатак қайишни тортиб сўнг бир неча дюйм бўшатди. Бу унинг одатдаги усули эди. Шу чоқ асабий сукунат аро Торнтоннинг аниқ ва кескин овози янгради:

— Қани, олға!

Бэк ўнг томонга ташланди, худди сувга шўнгигандек энгашиб, шатак қайишни тортди ва қутилмаганда бир силтаниб тўхтади. Юклар чайқалиб, чаналарнинг тагида бир нима қарсиллади.

— Қани!— дея қичқирди яна Торнтон.

Бэк яна ўша ҳаракатини такрорлади. Бу сафар энди чап томонга силтаб тортди, қарсиллаган овоз эшитилиб, чаналар силкинди ва бир неча дюйм четга сурилди. Нарта ёпишиб қолган муздан кўчган эди.

Одамлар нафасларини ичга ютиб туришарди.

— Энди олға!

Торнтоннинг буйруғи ўқдек янгради. Бэк шатак қайишларни бор кучи билан тортганча олға ташланди. Унинг бутун бадани беҳад зўриқишдан таранглашиб, мушаклари тошдек бўртиб кетди-да, худди жони бордек ҳаракатга келди, Бэк ерга қапишгудек тойғана-тойғана қорда из қолдириб олдинга югурди. Чайқалиб силкинаётган чаналарнинг ярми ўрнидан кўзгалди. Тўсатдан Бэкнинг бир оёғи тойиб кетди-ю, кимдир «вой» деб юборди. Аммо чаналар энди тўхташиб бўлмайдиган даражада силжий бошлаган эди — аввал ярим дюйм... Кейин бир дюйм... яна икки дюйм. Секин-секин силкинишлар бир маромга келди ва ниҳоят нарталар эпкини билан тезлаша бошлаганда Бэк гизиллатиб бошқариб кетди. Одамлар бирдан енгил тортишди. Торнтон эса қувонч билан қичқирганча Бэкка далда берган кўйи чананинг ортидан югурди. Бэк ўша белгиланган саржин ёнига етиб борганида оломон қийқириб юборди. Бэк Торнтоннинг буйруғига биноан саржиндан анча нарига ўтиб тўхтаганида бу қийқириқлар гулдурос олқишларга айланди. Ҳамма, ҳатто Мэттьюсон ҳам қойил қолганидан телбаларча қичқирар, ҳавога қалпоқлару қўлқопларини иргитишарди. Одамлар таниш-нотаниш бир-бирининг қўлини сиқиб табриқлар, уларнинг хитоблари оламни тутиб кетаёзганди.

Торнтон эса Бэкнинг олдида чўккалаган кўйи манглайини унинг тумшугига босиб ўйнашарди. Буларга яқинроқ келиб қолганлар Торнтоннинг Бэки қандай эркалаётганини эшитдилар. Торнтон уни ҳузур қилиб меҳр билан ва эркалаб узоқ «қойиди».

— Қойил, сэр! Қойил!— деди Скукум — Бенчнинг янги қироли.— Минг сўм бераман, минг сўм, сэр... Истасангиз яна икки юз қўшаман...

Торнтон ўрнидан турди. Унинг кўзларида ёш филтилларди, у ёноқларидан оқиб тушаётган кўз ёшларини яшириб ўтирмади.

— Йўқ, сэр,— деди у Скукум — Бенчнинг қиролига.—

Хоҳламайман. Яхшиси туёгингизни шиқиллатиб қолинг, сэр! Сизга маслаҳатим шу!

Бэк Торнтоннинг қўлини беозоргина тишлади. Торнтон яна уни уёқдан буёққа итқитиб ўйнаша бошлади. Бир хилда мутаассир бўлган томошабинлар хийла нарига чекинишди ва одам билан итнинг бу тахлит мулоқотига халал беришни ўзига эп билган бошқа бетамиз топилмади.

## VII

### БЭКНИ ҚОН ТОРТДИ

Бэк беш минутда бир минг олти юз доллар ишлаб бергач, Жон Торнтон қарзларидан қутулиб, шериклари билан афсонавий олтин конини излаб Шарққа равона бўлди. Бу олтин кони ҳақида турли-туман ривоятлар тўқилган эди. Афсоналар шу ўлканинг тарихидек кўҳна ва азалий эди. Уни жуда кўп одамлар излади, лекин топиш озчиликка nasib этди, кўп одамлар дом-дараксиз кетди. Бу одамларнинг бошига бешумор мусибатлар келтирган афсонавий олтин кони атрофида сирли гаплар юрарди. Уни биринчи марта ким кашф этганини кимса билмасди. Ҳатто қадимги ривоятларда ҳам бу олтин кони ҳақида эслатилмасди. Одамлар у ерда эски, харобага айланаёзган кўҳна кулба бор дейишдан нарига ўтмасдилар. Олтин изловчилардан айримлари ўлим тўшагида ўша кулбани ҳам, олтин конини ҳам кўрганман, деб қасам ичишар, сўзларининг исботи учун бутун Шимолдаги тенги йўқ ёмбиларни кўрсатишарди. Лекин тириклар орасида бу хазинадан бирон нарса олишга муваффақ бўлганлар қолмаган эди, ўликлар эса гувоҳлик беришга қодир эмасди. Жон Торнтон Пит, Ганс, Бэк билан бирга яна бир тўда итларни олиб номаълум йўллар билан ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган ерларни забт этиш ниятида шарқ томон жўнашди. Улар Юкон бўйлаб юқорига етмиш фарсанг юриб, сўнг Стюарт дарёси ёқалаб кетдилар. Мэйо билан Мак-Квешендан ўтдилар ва Стюарт дарёси ирмоқларга ажралиб, олисларга чўзилган қоялар атрофида ёйилиб оққан ергача йўл босдилар.

Жон Торнтон ниҳоятда камсукум ва беозор одам эди. Хилват тўқайзорлар унинг юрагига ваҳм сололмасди. Чўнтагида бир бурда нон, елкасига милтигини осиб олиб ўрмоннинг паскам ерларига борар ва кўнгли тусаганча санғиб юрарди. У бамисли ҳиндулардек яшарди, саёҳат чоғида ҳам

ов қилиб кун кўрарди. Мабодо ови бароридан келмаса, худди ҳеч нарса бўлмагандек, эртами-кечми барибир бирон нима овлашига ишонганча йўлда давом этаверарди. Буюк сафар чогида еганлари янги гўшт бўлди, нарталардаги юкларини асосан зарур аслаҳа-анжомлар ташкил этди, режалари эса узоқ муддатга мўлжалланган эди.

Бэк бу янги ҳаёт — ов, балиқ тутиш, бутунлай нотаниш ерларда изғишлардан чексиз-чегарасиз лаззатланарди. Улар бир қарасанг сурункасига ҳафталаб юришар, бир қарасанг чодир куриб ҳафталаб дам олишарди, шунда итлар бекор қолишар, одамлар эса заранг ерни ёки тоғ жинсларини портлатиб гулхан ёнида олтин излаб махсус идишларда ўша қум тупроқни ювиб кўришарди. Гоҳ оч қолишар, гоҳ ғарра-шарра еб-ичишарди — ҳаммаси овнинг бароридан келишига боғлиқ эди. Ёз яқинлашди, одамлар билан итлар юкларни ортмоқлаб солда кўм-кўк тоғ кўлларида, эски қайиқчаларда нотаниш дарёлардан сузиб ўтишди.

Ойлар кетидан ойлар ўтди. Улар ҳамон кимсасиз, ташландиқ кулба ҳақидаги афсоналарга ишониб қачонлардир бесанок одамлар келиб кетган ўлкаларнинг поёнсиз кенгликларида изғишарди. Не-не мудҳиш даралар ортда қолди, улар тоғ тизмаларидан ошиб ўтишди, қор бўронларга дуч келишди. Яланғоч чўққиларда ўрмонлар билан абадий музликлар чегарасида совуқдан қалтирашди. Чивинлар ғужгон ўйнаган серқуёш водийларга тушиб, музликлар соясида ғарқ пишган қорагат еб, жануб гулларига тенглаша оладиган чиройли гуллардан тердилар. Кузда улар ғаройиб кўллар диёрига келиб қолишди. Эҳтимол бир замонлар қушлар билан ҳайвонлар яшагандир бу кимсасиз ва бефайз маконда. Лекин ҳозир тирик жондан асар кўринмас — фақат шамол хуштак чалар, салқин ерлардаги сувлар музлар, кимсасиз қирғоққа урилган тўлқинлар маъюс чайқаларди.

Улар ўзларидан аввал бу ерда бир неча вақт туриб, сўнг ғойиб бўлган одамларнинг дарагини ахтариб иккинчи қишни ҳам ўтказдилар. Кунлардан бир кун қалин ўрмон қўйнида оқариб турган сўқмоққа дуч келдилар. Бу алмисоқдан қолган сўқмоқ эди, улар кулбаи вайрона ҳам шу атрофда бўлса керак деб тахмин қилишди. Аммо бу сўқмоқнинг на боши, на адоғи кўринар, ҳатто ким ва қачон бу ердан юргани ҳам номаълум эди.

Бошқа сафар уларга вақт ўтиши билан харобага айланган овчилар капаси учраб қолди-ю, Жон Торнтон чириган чойшаблар орасидан қузури узун, чақмоқ милтиқ топиб

олди. Бундай милтиқларни Шимоли-ғарбга ялпи сафар-барлик энди-энди бошлаётган маҳал Гудзон Компанияси ишлаб чиқаргандан Жон Торнтоннинг хабари бор эди. Ўшанда шу милтиққа бир той сувсар мўйнаси беришарди. Харобазордан бир замонлар шу капани қуриб, чойшаблар орасида милтиғини қолдирган одамзодга алоқадор бошқа ҳеч нима топилмади.

Яна кўклам келди, узоқ жаҳонгашталиқдан сўнг охири ўша афсонавий ташландиқ кулбани бўлмаса ҳам, олтин кони жойлашган водийни топдилар. Бу ерда олтин шунчалар мўл эдики, тоғ жиисларини юваётганларида идишнинг тубига сарёғдек чўкиб қоларди. Учала дўст шу ерда қолишга аҳд қилди. Бу ерда улар кунига минг долларлик соф олтин куми ва ёмби тўплашар, зотан ҳар куни шу иш билан андармон бўлишарди. Олтинни кийик терисидан тикилган қопларга эллик қадокдан жойлаб, арча шохларидан тўкилган капалари ёнига саржиндек тахлашарди. Ишга муккасидан кетганларидан кунлар ўтаётганини сезишмасди. Вақт ўтиши билан олтин солинган қоплар тоғдек уюлиб бораверди.

Аҳён-аҳён Торнтон отиб туширган илвасинларни келтиришни айтмаса итларга иш қолмаганди, шунинг учун Бэк кўпинча гулхан ёнида хаёл сурганча ётарди. Мана шу бекор пайтларда оёқлари қалта, жундор одам тез-тез Бэкнинг эсига тушадиган бўлиб қолганди. Гулханга кўзларини қисиб қарар экан хаёлан ўзга оламда ўша одам билан бирга юрарди.

Бу ўзга оламда чамаси кўрқув ҳукм сурарди. Бошини тиззаларига қўйиб гулхан ёнида ухлаётган жундор одамга қараб ётганида Бэк унинг уйқусида безовта бўлаётгани, ора-сира сесканиб тушаётгани, бехос уйғониб қолганида эса хавотир билан қоронғулик қўйнига тикилганча гулханга шох-шабба ташлаётганини пайқарди. Мабодо улар денгиз ёқалаб юришса жундор одам чиганоқлар йиғиб худди атрофда фалокат яшириниб тургандек ўша заҳоти апил-тапил еб оларди. Ўрмонда эса писиб, олдинда одам, орқада Бэк товуш чиқармай юришарди. Иккови доимо хушёр бўлиб турар, шитир этса икковининг қулоқлари чимирилиб, бурун катаклари уча бошлар, одам Бэк сингари ўта сезгир ва ер тагида илон қимирласа биларди. Жундор одам қандай тез юурса дарахтга ҳам шундай тез тирмашиб чиқарди. У оралиги беш, баъзан олти метр келадиган шохдан-шоҳга бемалол сакрай оларди. Ўзи дарахт тагида пойлаган жундор одам эса шохларни чангаллаганча ухлаган кечалари Бэкнинг ёдидан чиқмасди.

Ҳамон қалин ўрмон қаъридан эшитилаётган нидо мана шу жундор одам кўринаётган хаёлларга ўхшарди. Бу нидо Бэки безовта қилар ва англаб бўлмас хоҳишларни юзага келтирарди. Бэкининг вужудини алоғ-чалоғ қувонч ҳислари ва аллақандай безовталик қамрар, баъзан эса нималиги номаълум нарсаларни қаттиқ кўмсаб қоларди. Гоҳо Бэки ўша нидо келаётган ўрмонга борар, худди сезиш мумкин буюмдек уни излар ва кайфиятига қараб дам секин, дам жўшқин овозда хурарди. У ўрмондаги муздек йўсинлару қалин майса қопланган зах ерга тумшуғини ишқар ва аллақандай ҳидлардан маст бўлиб пишқирарди. Ёки худди бўронларга дош беролмай қулаган дарахтлар ортида, замбуруғлар орасида соатлаб яшириниб, тиқ этган товушга кулоқ солиб ётарди. Эҳтимол ҳаловатини ўғирлаб тинчини бузган ўша номаълум нидо эгасини пистирмада туриб кўрмоқчидир?! Нега шундай қияпти — унинг ўзи ҳам билмасди, у иродасидан кучлироқ бир нимага бўйсуниб, ҳаммасини беихтиёр амалга оширарди.

Энди Бэки қудратли сезгилар изму ихтиёрида эди. Баъзан чодирда ётганида ҳарорат элтиб кўзи илинади ва бирдан бошини кўтариб худди бир товушни зўр бериб эшитмоқчидек, кулоқларини чимираб ва сакраб ўрмондан турарди-да, боши оққан ёқларга кетиб ўрмон ёки ялангликларда соатлаб изғирди. У суви қуриган анҳор ичидан югуриш ва ўрмондаги шовқин-суронни тинглашдан ҳузурланарди. Майсалар орасида ҳам виқор билан уёқдан-буёққа юраётган ёхуд дам қанотларини силкитиб бир ердан иккинчи ерга учиб ўтаётган тустовуқларни пойлаб уззукун буталар орасида ётарди. Лекин ҳаммасидан кўра Бэки ойдин кечалар бағрида шамолдек елиш, ўрмондан келаётган мудроқ, элас-элас сасларни тинглаш, шарпаларни илғаш ҳамда борлиқ ҳаёлини алғовдалғов қилиб юборган сирли нидо эгасини излашни яхши кўрарди.

Кунлардан бир кун кечаси у чўчиб уйғонди ва кўзларини катта-катта очганча энтикиб-энтикиб нафас ола бошлади. Унинг тикрайган жунлари шамолда ҳилпирарди. Ўрмондан келаётган ўша нидо шунчалар ҳам яққол эшитилар эдики, асти қўяверинг. Илгари бирон марта ҳам бунчалик бўлмаганди. Бу хазин увиллаш чанакаш итларнинг увиллашига ҳам ўхшар, ҳам ўхшамасди. Бу овоз Бэкига танишдек туюлди, ҳа, у қачонлардир уни эшитган! Бэки уйқуга чўмган лагердан отилиб чиқиб ўрмон сари елиб кетди. Улиган овоз яқинлашгач, Бэки ниҳоятда эҳтиёткорона, бамисли шарпадек



юриб бир ялангликка етди, дарахтлар оралаб оҳиста каради-ю, тумшуғини кўкка кўтариб увлаётган баҳайбат орик бўрига кўзи тушди.

Бэк овоз чиқармай келган бўлса ҳам бўри сезди ва увлашдан тўхтаб, ҳавони искади. Бэк пусиб, ўзига хос бўлмаган хавотир ичида ялангликка чиқди. Унинг ҳар бир ҳаракатида ҳам таҳдид, ҳам дўстона элакишиш бор эди. Ўрмонда яшовчи йиртқичларгина худди мана шундай учрашарди. Бироқ Бэки кўрган бўри қочишга тушди. Бэк эса унинг ортидан қувди. У бўрини сувсиз анҳор ўзанигача таъқиб этди. Анҳорнинг нариги қирғоғи қалин бутазор бўлганидан бу ердан қочишнинг иложи йўқ эди. Бўри боши берк ерга кириб қолганини сезгач, итларга ўхшаб орқа оёқларига ўтирди-да, безовталаниб типирчилай бошлади. У ириллар, жунларини ҳурпайтириб, тишларини такиллагарди.

Бэк ҳамла қилмай турли йўллар билан яхши ниятда эканини исботлаш учун бўрининг теварагида айланарди. Лекин ўзидан деярли бир калла баланд ва уч ҳисса катта Бэкдан кўрқаётган бўри унга ишонмасди. Бўри пойлаб туриб қочиб қолди ва яна қувғин бошланди, Бэк яна уни қувлайвериб ҳолдан тойдирганида етиб олар ва ҳаммаси яна бир бошдан такрорланарди. Бўрининг тинка-мадори қуриганди, акс ҳолда Бэк бунча осонлик билан қувиб столмасди. У орқа-ўнгига қарамай қочар, Бэк етай-етай деганда кескин ўгирилиб ўзини ҳимоя қилишга чоғланар, аммо зум ўтмай яна қочишга тушарди.

Охир-оқибат Бэк ниятига эришди. Унинг ниятлари беғараз эканига бўри ноилож ишонди ва тўхтаб ўгирилди, улар бир-бирларини бошдан-оёқ искадилар. Шу тариқа гўё танишиб олишгач, иккови ҳам йиртқич ҳайвонлар каби чўчиб-писиб ўйнай бошлашди. Бэк билан бир оз элакишгандан сўнг бўри қаёққадир шошаётгани ва Бэкининг ҳам ўша ёққа чорлаётганини ошкор намойиш қилганча йўртиб кетди. Бэк унга эргашди.

Улар зим-зиё тун қўйнида ёнма-ён югуриб боришарди. Аввал сой ёқалаб юкорига узоқ югуришди, кейин ғамгин тоғлар тепасидан ўтишди.

Дарёнинг ўртасидаги дўнгликлардан ҳайбатли ўрмонлар қорайиб кўринаётган ва анҳорлар оқиб ётган текисликка тушдилар-да, мана шу ўрмонлар оралаб узоқ ва тинмай югуришди. Қуёш найза бўйи кўтарилиб атроф исий бошлаганига қарамай Бэк бу ўзгаришни сезмади. Унинг вужудини чексиз завқ-шавқ қамраб олганди. Энди у ўрмондан чиққан

бу оғаси билан тушида ҳам, ўнгида ҳам чорлаётган ўшанидо келаётган ёққа кетишаётганини биларди. Унинг вужудида аллақандай кўҳна хотиралар тўхтовсиз уйғонар ва ўша заҳоти, бир замонлар хаёлийдек туюлган ҳаётни қандай ҳис этган бўлса шундай ҳис қиларди. Ҳа, ҳозир кўз ўнгида юз бераётган ҳодисалар қачонлардир у яхши эслолмаётган ўша, ўзга оламда юз берганиди: ўша пайтда ҳам у ҳозиргидек чексиз осмон камқатнов йўлларда эмин-эркин югурарди.

Улар сув ичгани жилга бўйида тўхтаганларида Бэк бирдан Жон Торнтонни эслаб қолди. У орқа оёқларига ўтирди. Бўри яна нидо келаётган томонга югурмоқчи бўлди-ю, аммо Бэкнинг қимир этмаганини кўриб изига қайтди, тумшуги билан тумшугига туртиб уни қистади. Бироқ Бэк унга орқа ўгириб изига қайтди. Ваҳший шериги салкам бир соат унинг ортидан дийдиё қилиб эргашиди. Охири орқа оёқларига ўтириб тумшугини осмонга кўтарганча увиллаб юборди. Бу ҳасратомуз увиллаш то олислаб кетмагунча Бэкнинг қулоқлари остида янграб турди.

Бэк лагерга етиб келгач, қанот пайдо қилгандек учиб бориб ўзини Жон Торнтонга отди. Жон Торнтон бу маҳал овқатланиб ўтирарди. Меҳри товланиб кетган Жон Торнтонни йиқитиб олди-да, бетини ялаб, қўлларини тишлаб, қисқаси Торнтон ибораси билан айтганда «жиннилик қила кетди». Эгаси эса бунга жавобан унинг бўйнидан кучиб, эркалаб, меҳр билан иргитиб ўйнай бошлади.

Бэк икки сутка давомида Жон Торнтон кетидан қолмай ундан кўз-қулоқ бўлиб юрди. У эгасини еру кўкка ишонмас, конга борса эргашиб борар, бир сўз билан айтганда ётса ётар, турса турарди. Аммо икки кундан сўнг ўрмондан эшитилаётган нидо қатъийроқ ва амирона янгради-ю, яна Бэкнинг ҳаловати йўқолди. Уни тоғлар ортидаги фарахбахш водий, ўша ақл бовар қилмас ўрмонларда ёнма-ён югурган қондоши ҳақидаги хотиралар таъкиб эта бошлади. Бэк яна ўрмонга қочиб кетадиган бўлди, бироқ ваҳший қондошини бошқа учратмади. Узоқ туллар ҳар қанча қулоқ солмасин, унинг маънос увиллашларини бошқа эшитмади.

Бир неча кунлаб лагерга келмайдиган одат чиқарди. Иттифоқо, бир куни у ўзи яхши билган алишдан кечиб ўтиб яна ўша ўрмонлар билан дарёлар диёрига борди. Шу ерда у ваҳший қондошининг изларини ахтариб бир ҳафта бесамар дайдиб юрди. Бэк йўл-йўлакай илвасин

овлаб чарчоқ нималигини унутганча тинмай изғирди. У дарёдан балиқ тутиб ерди, шу дарё бориб куйиладиган денгиз бўйида қўнғир айикни ғажиб ташлади. Айик худди Бэк сингари шу ерда балиқ овларди, у ғуж-ғуж чивиллар дастидан ўрмонга қочиб кирди. Унинг чорасиз эканлигига қарамай ўртада қаттиқ жанг бўлди ва бу жанг Бэкининг йирткичлик хусусиятларини батамом уйғотиб юборди. Орадан жуда кўп кун ўтгач, шу ерга қайтиб келиб, айикнинг жасадини ўнтача росомах талашиб ётганини кўрди. Бэкини кўриб росомахлар ҳар тарафга тўзиди, қочишга улгургани қочди, қочолмаган иккитасини эса Бэк ғажиб ташлади.

Бэк яшаш учун ўз кучи билан довюраклигига ишониб ўлдирадиган қонхўр йирткичга айланиб борарди. Пировардида Бэк ўз кучидан фахрланадиган бўлди. Бу унинг ҳар бир ҳаракатида, юриш-туришида акс этар ва бу туйғу унинг ўқтам қиёфасига яна ҳам салобат ва кўрк бағишлаётганга ўхшарди. Агар жигарранг доғлар қоплаган тумшуғи билан қовоқлари, оппоқ тўшини айтмаса унинг баҳайбат бўридан заррача фарқи йўқ эди. Унинг йириклиги отаси сенбернарга тортган бўлса, қолган жиҳатлари учун онаси — овчаркадан қарздор эди. Тумшуғи бўриникига ўхшар, бироқ ундан хиёл узунроқ эди, йирикроқ ва зилдай қалласи ҳам кўринишидан бўриникига ўхшар эди.

У бўридек маккор эди. Бундан ташқари овчарканинг ақли билан сенбернарнинг фаросати биргаликда Бэк табиатига сингиб кетган эди. Бу хусусиятлари бағоят оғир ҳаётдан олган сабоқларига қўшилиб, ёввойи ўрмонларда дайдиб юрган ҳар қандай йирткичдан кўра Бэки дахшатлироқ қилиб кўйганди. Доимо ҳали совиб улгурмаган гўшт еб яшаётган бу итнинг ҳозир авжи кучга тўлган, ғайрат-шижоати қайнаб-тошган маҳали эди. Торитон баданини силаётганда худди ҳар мўйида куч-қувват яширингандек, Бэкининг жунлари кафтлари остида чирсиларди. У тўрт мучаси соғ, вужудидан куч ёғилиб турган мукамал бир ит эди. Атрофда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммаси уни бирдай қизиқтирар ва у ҳеч нарсага ҳеч қачон лоқайд қолмасди. Шимол итлари бениҳоя шиддатли, ёвқур бўлади, улар қутилмаганда ҳужум қилиб яна худди шу тахлит ҳужумдан сақлана олади, аммо Бэк уларга нисбатан икки ҳисса шиддатлироқ эди. Бошқа итлар ҳали нима гаплигини англаб етмасдан туриб у тик этган товушни, лип этган ҳаракатни сезарди. Бэк бир вақтнинг ўзиде

хам ўзлаштирар, ҳам ҳозирланар ва ҳам киришарди. Ҳаракатнинг бу уч кўриниши — ўзлаштириш, ҳозирланиш ва киришиш — маълумки, кетма-кет содир бўлади. Бирок Бэкнинг ҳаракатида бундай узилиш мутлақо сезилмас ва шу боис ҳаммаси бир пайтда, бирдан юз берганга ўхшарди. Унинг беҳад таранг мушаклари тез ва беҳато ҳаракатларга мослашгандек эди. Жўшқин ва асов ҳаёт унинг вужудида шунчалар жўш урар эдики, ана ҳозир жисми кўтаролмай қоладигандек ва бу қудратли оқим итнинг жуссасини тўғон каби бузиб ташлайдиганга ўхшарди.

— Бунақаси бошқа туғилмайди,— деди бир куни Жон Торнтон лагердан виқор билан чиқиб кетаётган Бэка ишора қилиб.

— Секинроқ айтасанми, уни қуйган пайтларида қолипи ёрилиб кетган-у, бошқа ишлатилмаган,— деб таърифлади Пит.

— Худо ҳақи, шундай бўлса керак,— деб тасдиқлади Ганс.

Бэкининг қароргоҳдан тез-тез йўқолиб қолаётганлари уларга маълум эди, бироқ ўрмонга кирган заҳоти итнинг кескин ўзгаришидан улар воқиф бўлолмасдилар. Ўрмонда Бэк намойишкорона юрмасди, у ерда гўё бир дўмалаб ваҳший йиртқичга айланар ва дарахтлар орасида шарпадек яшириниб, мушукдек пусиб борарди. У ҳамма ерда яшириниши учун жой топа олар, илондек ўрмалаб ва илондек ноҳос ташланиб зарба беришга қодир эди. Бэк уясида ётган тустовуқни осонлик билан тутар, ухлаб ётган кўёнинг устига шарпасиз бориб ўлдирар, қочишга бир лаҳза кечиккан олмахонни дарахтга тирмашган ерида тинчитарди. Дарё сувидаги балиқлар ҳам ундан қочишга улгуролмасди. Ҳатто ўта сезгир хуркак қундузлар ҳам Бэкининг дафъатан келиб қолганини пайқамай қолишарди. Бэк беҳуда қон тўкмас, тўйиб овқат ейиш учунгина ўлдирарди. У фақат ўзи ўлдирган жониворнинг гўштини иштаҳа билан ея оларди. Лекин баъзан эрмак учун бемаъни ишлардан қайтмасди. Масалан, пусиб бориб олмахонни тутиши мумкин бўлган жойида ўтақаси ёрилган боёқишни кўйиб юбориб хузур қиларди.

Кузга яқин ўрмонда буғулар кўпайди — улар пастликда, иссиқ водийда қишлаш учун тўда-тўда бўлиб ўрмондан амаллаб ўтишарди. Бир сафар Бэк тўдасидан ажралиб қолган жажжигина буғуни тинчитган бўлса ҳам каттароғини қўмсарди. Қуиларнинг бирида, тоғ этакларида

шундайига дуч келиб қолди. Бутун бошли буғулар тўдаси бу ерса ўрмон ва дарёлар тарафдан келган, бағоят катта эркак буғу уларнинг йўлбошчиси эди. У шундай аламзада, важоҳати шундай хунук эдики, бундан даҳшатли рақибни Бэк кўз олдига келтиролмаган бўларди. Буғу баҳайбат, сербутоқ шохли калласини тинмай силкитарди. Митти кўзларида бениҳоя ғазаб акс этаётган буғу Бэкни кўрганда бўкириб юборди.

Буғу биқинида, тўшига яқинроқ ерида санчилаб турган патли камон ўқи сабабли дарғазаб эди. Қадим замонлар ўрмонда ов қилган аждодларидан мерос бўлиб, қонига ўтган сезгилар ёрдамида Бэк дастлаб йўлбошчи буғунини тўдадан ажратиб олиш кераклигини уқди. Бу осон эмасди. Ит баҳайбат шохлар билан қақшатқич туёқлар етадиган даражада яқин бормаё, буғунинг қаршисида ҳурганча ўзини уёқдан буёққа отарди. Сўйлоқ тишлари узун ва ўткир бу иблисдан қочиш иложини тополмаган буғу охири кутуриб кетди. У ғазабдан бўкириб дам-бадам Бэкка ташлана бошлади, аммо Бэк худди юраги бетламаётгандек чап берар ва шу тариқа қизиқтириб секин-аста уни нари олиб кетмоқчи бўларди. Бироқ ҳар сафар қарн буғу тўдадан ажралиб чиқиши билан икки-уч чоғли абжир буғулар ёрдамга келар ва Бэкка ҳужум қилиб ярадор йўлбошчиларининг тўдага қайтиши учун имкон яратишарди.

Йирткич ҳайвонлар табиатан бардошли бўлишади, улар ҳар қандай вазиятда ҳам сабр қила оладилар. Мана шу нарса уларга: ўргимчакка уясида, илонга ўралиб ётганида, қоплонга соатлаб қилт этмай кутаётганда қўл келарди. Ўлжадан умидвор ҳайвонларнинг бари шундай қилади. Айни чоқда Бэк ҳам мана шундай туйғунинг изму ихтиёрида эди — ярадор буғунини қандай бўлмасин қуюшқондан чиқариш учун сабр-тоқат билан дам тўдага эргашиб бориб ёш буғуларнинг жиғига тегар, дам буғучаларини тўсиб безовта бўлаётган урғочиларига кутку соларди. Шу аҳволда ярим кун ўтди. Бамисли бир эмас, бир нечта ит буғуларга тўрт тарафдан ҳамла қилаётганига ўхшарди.

Кечга яқин, қуёш ботаётган пайтда ёш буғуларнинг ғайрати анча сусайди ва улар йўлбошчи буғуга аҳамият бермай қўйишди. Чунки қиш яқин, улар иложини борича тезроқ водийга етиб олишлари керак эди — бу лаънати ит эса уларнинг тез юришларига халал беряпти. Бундан ташқари бутун тўданинг ёки ёш буғуларнинг эмас, балки

ягона қари буғунинг ҳаёти хавф остида эди; ҳар кимнинг жони ўзига азиз, оқибат буғулар йўлбошчининг ҳолидан хабар олмай қўйишди.

Қош қорайди. Қари буғу бошини қуйи солганча шунча вақт бирга яшаган тўдасининг ортидан мунгайиб қолди. Уларнинг ғира-шира оқшом қўйнида шоша-пиша кетаётганларидан анчагача кўз узолмади. Қари буғу улар билан бирга кетолмади, чунки анави бераҳм сўйлоқ тишли иблис йўлини тўсарди. Деярли ярим тоннадан оғирроқ йўлбошчи буғу дунёда узоқ яшаган, кўп фожиаларни бошидан кечирган эди, аммо ҳозир тиззасича келар-келмас манави махлуқнинг таъқибидан қутулмаётганига чидаёлмасди.

Шу лаҳзадан эътиборан Бэк қари буғунини хол-жонига қўймаслик пайига тушди. У буғунинг барглари ёки ёш қайинлар ва самбитолларнинг новдаларини чимдиб ейишига, анҳор сувидан ичишига йўл қўймади, натижада у ташналигини қондиrolмади. У дам-бадам қочиб уринар, Бэк эса унинг йўлини тўсмай, аксинча, бу йўлнинг боришидан мамнуни ҳолда бамайлихотир ортидан югурарди. Буғу тўхтаसा, Бэк ётиб дам олади; бирон нима ейиш ёки сув ичиш илинжида ҳаракат қилгудек бўлса ириллаб ташланарди.

Ниҳоят буғу толиқди ва дарахтдек сербуток шохли қалласи осилиб қолди; энди у аранг, қаловланиб юрарди. Тумшуги ерга теккудек алфозда узоқ тўхтаб турганида, Бэк бориб сув ичиб келар ёки дам олишга улгурарди. Қизғиш тилини чиқариб ҳансираган қўйи баҳайбат буғуга тикилиб ётганида теварак-атроф ўзгариб бораётгандек туюларди. Гўё буғулар билан бирга аллақандай ўзга махлуқлар ҳам келганга ўхшарди. Табиат жонсарақ бўлгандек, дарахтлар, сувлар ҳам бошқача туюларди. Бэк фавкулудда нарсалар содир бўлаётганини кўрмаса ҳам олам ўзгариб, қаердадир, қандайдир ғалати махлуқлар изғиб юрганини сезарди. У буғунини саранжомлагандан кейин теварак-атрофни кўздан кечиришга қарор қилди.

Ниҳоят, тўртинчи куни кечки пайт у қари буғунини тинчитди. Бир кечаю бир кундуз ўлжа ёшидан кетмай, еганича еди, тўйиб ухлади, сўнг пича изғиди. Кейин яна дам олиб, куч тўплагач, Жон Торнтон эсига тушди-ю, қароргоҳга жўнади. У жуда узоқ югурди, бу ерлар тамомила нотаниш бўлишига қарамай бирон марта йўлдан адашмади.

Бэк йўл-йўлакай илгари ўзи пайқамаган безовталиқни



тобора аниқроқ сезиб борарди. Буни фақатгина Бэк эмас, балки қушлар ҳам сезиб шу ҳақда чуғурлашар, олмаҳонлар ҳам шу ҳақда суҳбат қуришар ва ҳатто шамол ҳам шундан огоҳ этмоқчидек дарахт шохлари оралаб кезганча шивирларди. Бэк дам-бадам тўхтаб, мусаффо тонг ҳавосини искар ва бир нимани илғагандек илдамроқ югурарди. Аллақандай яқинлашаётган ёки, ким билсин, бўлиб ўтган бир фалокат сезгиси уни қийнади. Дарё сувини иккига ажратиб турган дўнликдан ўтиб қароргоҳ жойлашган водийга етиб келгач, Бэк буёғига товуш чиқармай югурди.

Уч чақиримчадан сўнг, яқин орада шу ердан ўтган одам изларига дуч келдию Бэкнинг жунлари хурпайиб кетди. Излар тўппа-тўғри чодирга, Жон Торнтонга элтарди! Бэк янада тезроқ югурди. Унинг бутун вужуди бамисли сезгига айланган, йўлда учраган ҳар бир майда ва аҳамиятсиз белгилар уни жуда кўп нарсалардан огоҳ этарди. Бу сўқмоқдан ўзидан аввал аллақандай одамлар ўтганини ҳидлар орқали искаб билди. Ўрмон сукунатида худди машъум бир нима яширингандек эди. Қушлар сайрамас, олмаҳонлар ҳам кўзга чалинмасди.

Бэк енгил ва оҳиста чошиб борарди, дафъатан ҳавода янги ва бегона бир ҳидни олиб, кескин ўгирилди-да, сал нарига бориб бутазорда ётган Нигга кўзи тушди. Ит ўлиб ётарди. Афтидан, судралиб келгану шу ерда жон берган. Унинг иккала биқинида патли камон ўқи диккайиб турарди.

Яна юз метрчадан кейин Бэк Торнтон Доусонда сотиб олган итлардан бирининг жасадига дуч келди. Ит жон талвасада типирчиларди. Бэк тўхтамай унинг ёнидан ўтди. Қароргоҳдан дам кучаётган, дам пасаяётган овозлар келар, бу бир маромдаги қўшиқ оҳанги эди. Бэк сўқмоқнинг адоғигача илондек ўрмалаб борди-да, юзтубан ётган Гансни учратди, орқасига сон-саноксиз камон ўқлари санчилган шўрлик Ганс шу ётишда жайрага ўхшарди. Дафъатан арча новдаларидан тўқилган чайлалари томонга қараган Бэк даҳшатли бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Унинг жунлари хурпайиб, қақшатқич ғазабдан вужуди қалтиради ва ўзи сезмаган ҳолда қаҳрдан бўкириб юборди. Ҳаётида сўнгги маротаба ғазаб унинг ақли ва иродасидан устун келди. Бэк ўзини йўқотиб қўйди — бунга унинг Жон Торнтонга бўлган буюк садоқати сабаб эди.

Чайланинг қолдиқлари атрофида рақс тушаётган ихет-



лар дафъатан ўзлари томон ўқдек учиб келаётган йиртқичнинг даҳшатли наърасини эшитиб ваҳимага тушдилар. Бунақасини ҳали улар кўрмагандилар. Қасос аламидан эсини йўқотган Бэк телбаларча уларнинг устига отилди. У дуч келган биринчи одамга (бу ихетлар раҳнамоси эди) сапчиди-да, бўғзини ёриб ташлади, унинг томиридан қон тизиллаб отилди. Ҳинду йиқилганда Бэк унга қайрилиб қарамади, бошқасига ҳамла қилиб унинг ҳам томоғини ғажиб ташлади. Уни ҳеч қандай куч тўхтатолмасди. Бэк одамлар тўдасига қараб югурди, ёмғирдек ёғилаётган камон ўқларга қарамай у ташланар, бурдалар, қирар эди. У шунақаям тез югурар, ҳиндулар эса чунонам гуж бўлиб олишган эдики, улар Бэкни эмас, камондан ўқ узиб бир-бирларини ўлдиришарди. Бир ёшгина овчи найзасини Бэка қараб ирғитган эди, найза бошқа овчининг кўксига шунчалик ҳам зарб билан урилдики, орқасидан тешиб чикди. Ихетлар ваҳима кўтариб бизга ёвуз руҳлар ёпишди, деганча ўрмонга қараб қочдилар.

Уларни изма-из таъқиб этиб бораётган Бэк чиндан ҳам ёвуз руҳ тимсолига ўхшарди. Ихетлар учун ўша кун қиёмат қойим бўлди. Улар яқин атрофдаги ўрмонларга тарқалиб жон саклашди, омон қолганлари орадан бир ҳафта ўтгачгина водийга йиғилиб қурбонларни ҳисоблаб кўришди.

Бэк эса ўша куни уларни қувиб чарчагач, кимсасиз қароргоҳга қайтиб келди. У Питни ўз ўрнидан, чойшаблар орасидан топди, чамаси уни ухлаб ётган ерида ўлдиришган эди. Ҳаммаёқда аёвсиз қаршилик кўрсатган Торнтон излари сакланганди, Бэк бу изларни бирма-бир искаб чикди. Излар уни ҳовуз бўйига элтди. Ҳовузнинг нариги қирғоғида сўнги дақиқага доғур эгасини ташлаб кетмаган вафодор Скит ётарди. Сув лойқа бўлгани учун ҳовуз туби кўринмасди. У ерда эса Жон Торнтон ётарди; унинг излари Бэкни сув ёқасига олиб келди, лекин Бэк қайтиб кетган изларни тополмади.

Бэк шу куни кечгача ҳовуз лабида ўтирди. У ўлим нималигини биларди: одам ҳаракат қилмай қўяди ва сўнгра тириклар орасидан абадий йўқолади. У Жон Торнтоннинг ўлгани ва энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини билар, бунга сари юраги сиқилар, ҳаётга ҳаваси сўниб борарди. Бу очликка ўхшарди, очликка чидаш мумкин, аммо бу дардга чидаб бўлмасди. Унга шифо йўқ эди. Фақатгина ихетларнинг мурдаларига кўзи тушганда Бэк ўз дардини

бир оз унутарди. Шунда унинг кўксини фахрланиш туй-гуси қамраб оларди. У ҳеч қачон ўзидан бунчалик фахрланмаган эди! Ахир у одам ўлдирди, бу энг ажойиб ўлжа, яна уни калтак ва таъкиб қонунига биноан ўлдирди. У қизиқсиниб мурдаларни искади. Демак, одам ўлдириш жуда осон экан-да! Арзимаган итни ўлдиришдан кўра осонроқ. Ўқ-ёйлар, найзалару таёқларсиз улар Бэк билан тенглашолмас экан. Демак, ўқ-ёйлари, найза ва таёқлари бўлмаса улардан кўркишнинг ҳожати йўқ.

Тун чўкди, дарахтлар ортидан тўлин ой ҳаволанди ва борлиқ хаёлий нурга чулғанди. Мана шу тун кўйнида ҳовуз бўйида ғамгузор ўтирган Бэк ўрмонда қандайдир янгича ҳаёт давом этаётганини аниқ-равшан сезди. У ўрнидан туриб атрофга кулоқ солди ва ҳавони искади. Узоқдан заиф, аммо яққол увиллаган товуш эшитилди, сўнгра бу овозга жўр бўлишди. Увиллаш тобора кучаяр ва дақиқа сайин яқинлашиб келарди. Бэк бу овозни қачонлардир ўзининг хотиралари қаърида яшаётган ўша ўзга оламда эшитганлигини қайта хис қилди. У ялангликка чиқиб кулоқ солди. Ҳа, бу ўша нидо, кўп овозли нидо эди! У ҳеч қачон бу қадар ошқора ва сабот билан янграмаган ва ҳозиргичалик уни мафтун этмаган эди. Бэк бу овозга бўйсунишга тайёр эди. Энди Жон Торнтон йўқ. Сўнгиришталар узилган. Одамларнинг энди Бэк учун мутлақо қизиғи қолмаган эди.

Нақд ўлжа илинжида бўрилар галаси ҳиндуларга ўхшаб буғулар изидан бориб ўрмон ва дарёлардан ўтиб Бэк турган водийга келиб қолишганди. Бу тўда ой нурига чўмган ўтлоққа кумуш оқим сингари ёпирилди. Ўтлоқнинг ўртасида Бэк ҳайкалдек қотиб уларни кутарди. Бу қимир этмай турган баҳайбат махлуқни кўриб бўрилар даҳшатга тушди, орадан бир неча дақиқа ўтгачина уларнинг энг довураги ўртага чиқиб Бэка ташланди. Бэк яшин тезлигида зарба бериб унинг бўйинини синдирди. Бир қанча вақт яна ҳеч нарса бўлмагандек тураверди, ортида эса жон азобида бояги бўри типирчиларди. Яна уч нафар бўри навбат билан унга ҳамла қилишга уриниб кўрди — учови ҳам қонга беланиб, томоғи ёки елкаси ғажилганча чекинишга мажбур бўлди.

Охири ҳамма бўрилар баравар ҳужум қилишди. Улар уймалашар, бир-бирларини туртиб-суртиб унга ёпишмоқчи бўлишарди. Аммо Бэк бемисл эпчиллик ва абжирлик билан уларнинг ҳужумини қайтарарди. У орқа оёқларида туриб тиши ва тирноқлари билан ташланганларнинг ҳаммасини бирварақайига даф қиларди. Орқадан ёпишиб қолмаслик-

лари учун Бэк чекинишга мажбур бўлди. У то ҳовузнинг қарама-қарши тарафига ўтиб, суви қуриган анҳор ўзанига етгунича чекиनावерди, сўнг дўнгликка чиқиб олди. Бэкининг эгалари шу ерда олтини ажратиш учун кум қавлашарди, шу боис сал нарида чуқур ҳосил бўлганди. Мана шу ерда у уч томондан ҳимояланиб душманларининг олдидан қилган ҳамласини қайтариши мумкин эди.

Бэк бунинг уддасидан чиқди, орадан ярим соат ўтгач, бўрилар саросима ичида чекинишди. Уларнинг оппоқ сўйлоқ тишлари ой нурида ярқирарди. Баъзилари тумшугини кўтариб, қулоқларини динг қилиб чўккаладилар. Бошқалари Бэкдан кўз узмас, айримлари эса шапиллатиб сув ичишарди. Баҳайбат, кулранг бўри секин олдинга чиқди. У очикдан-очик хайрихоҳлик билдирди. Бу ўша, Бэк билан бирга соатлаб ўрмонда юрган бўри эди. Бэк уни таниди. Бўри гингшиди, Бэк ҳам шундай жавоб қилгач, улар бир-бирларини искадилар.

Кейин Бэкининг ёнига ҳаммаёғи чандик қари бўри ҳам келди. Бэк аввалига рўйхуш бермай ириллаб тишларини кўрсатди, аммо зум ўтмай у билан ҳам искашди. Ушбу маросимдан сўнг қари бўри тумшугини баланд кўтариб чўзиб-чўзиб ушлаб юборди. Қолган бўрилар ҳам унга қўшилиб увиллашди. Бэк уйқусиз кечаларда тинчини бузган ўша нидони таниди ва у ҳам ўтириб ув солди. Барча бўрилар ушлашдан тўхтаганларида Бэк яширинган жойидан чиқди-ю, тўда уни ўраб олди. Етакчи бўрилар яна увиллаб сўнг ўрмон сари югуришди. Бўрилар уларга қўшилиб ортларидан кетишди. Бэк ҳам ўзининг ёввойи қондоши билан елкама-елка бораркан, тинмай увлар эди.

Шу билан Бэк ҳақидаги ҳикояни тугатса ҳам бўлади.

Орадан бир неча йил ўтди, ихетлар ўрмондаги бўрилар тури хийла ўзгариб қолганини пайқашди. Жигарранг доғлар қоплаган, тўшида бир парча оқи бор бўрилар кўпая бошлади. Қизиғи шундаки, ихетларнинг айтишича, бўрилар тўдасини Итлар Рухи бошлаб юраркан. Ихетлар бу итдан кўрқишарди. Чунки у ниҳоятда ақлли эди. Қаҳратон киш кезлари у ихетларнинг гамлаб қўйган озиқ-овқатларини ўғирлаб, қопқонларидаги ўлжаларни тортиб кетар, итларини бўғизлар ва энг довжорак овчилардан ҳам тап тортмасди.

Бундан ташқари ўрмонга кетган овчи қайтиб келмабди, кейинчалик унинг мурдасини топишганда, томоғи ёриб ташланган экан, атрофида қорда бўриникидан каттароқ излар бор экан, деган ғалати мишмишлар юрарди.

Қишда буғуларни қувишга отланган ихетлар ҳаммиша бир водийни айланиб ўтишади. Гулхан атрофида Ёвуз

Рухнинг бу водийга қандай келиб қолганлиги ҳақида гап кетганда аёлларнинг чехрасига ташвиш соя соларди.

Ихетлар ёзда бу водийга ўрмон йирткичи бирровгина кириб чиқишини билишмасди. Бу жуилари текис ва кўркам, бошқа бўриларга унча-мунча ўхшаб кетадиган катта бўри эди. У ўрмон ичидаги ялангликдан чиқиб бир ўзи водийга, дарахтлар оғушидаги майсазорга тушарди. Бу ерда чириган кийик терисидан тикилган қоплар ётади, улардан олтин қумлари тўкилади, олтинларни қуюқ ўсган ўт-ўлан қуёш нуридан яширади.

У ҳар доим ҳам якка ўзи келмасди. Қишнинг узун кечаларида бўрилар ўлжа умидида водийга туша бошлаганларида уни тўданинг олдида кетаётганини учратиш мумкин эди. У ўз маҳобати билан бошқалардан ажралиб ойнинг заъфар нурлари ёки заифгина милтиллаётган шамол ёғдуси остида борар ва олам энди-энди яратилган замонлардаги муножот — бўрилар тўдасининг азалий муножотини баралла айтарди.

Э. СЕТОН - ТОМПСОН

---



Х И К О Я Л А Р

## ЁВВОЙИ ЙЎРҒА

### I

Жо Калон эгарни ерга қўйиб, отга эрк берди-да, шпорларини жингирлатиб уйга кирди.

— Тушлик нима бўлди? — сўради у.

— Яна ўн етти минутдан кейин. — Жавоб берди ошпаз, станция бошлиқлари каби соатига жиддий қараб. Ошпаз оғизда жуда тайинли гапирар, амалда эса бетайин эди.

— Хўш, Перикада ишлар қалай экан? — сўради ўртоғи Скрат.

— Зўр! — деди Жо. — Гала яхши, тойлар кўп. Мустанг<sup>1</sup>лар галасиниям кўрдим. Антилопа булоғига сувлагани борар экан. Ичида иккита тойчоғиям бор. Жажжи, қопқорагинаси йўрға экан. Икки милгача қувиб борсам ҳам оёқлари ақалли бирон мартаям чалишмади-я. Эрмак учун жўрттага яна қувдим, у барибир йўрғасидан адашмади!

— Йўл-йўлакай қиттай отиб олмадингми?

— Ҳамма гапирсаям сен гапирмасанг бўларди, Скрат! Ўтган сафар тўрт оёқ бўлиб эмаклаган ким эди? Сен эмас-мидинг?

— Тушлик қилинглар! — жар солди ошпаз. Гап бўлиниб қолди.

Ковбой<sup>2</sup> эртасига ўзга яйловларга ўтиб кетди. Шу билан мустанглар ҳамманинг эсидан чиқиб кетди.

Келаси йилиям галани Нью-Мексика штатининг ана шу яйловига ҳайдадилар. Ковбой ўша мустанглар галасини яна кўрди. Ўша қора тойчоқ адл оёқли, кенг сағринли от бўпти.

Ковбойлар кўпчилик бўлиб назар солиб, мустанг чиндан ҳам туғма йўрға эканига ишонч ҳосил қилди.

Жо ҳам шу ерда бўлиб, унинг хаёлига, шу отни ушлаб олсам зиён қилмасди, деган фикр келди. Шарқий штатда яшовчи одамлар шундай ният қилса ажабланмасаям бўлади, аммо от арзон Ғарбда бу каби ёввойи мустангга

<sup>1</sup> Ёввойи от.

<sup>2</sup> Галачи.

хеч ким эътибор бермайди. Аввало, уни ушлаш осон эмас, борди-ю, ушлаган тақдирда ҳам мустанг умрининг охиригача саркаш, ёввойилигича қолади.

Кўпчилик ковбойлар мустангларни отади. Боиси, улар на фақат яйловларни тепкилаб, булғаб кетади, яна тагин уй отлариниям йўлдан уриб, эргаштириб кетади. Оқибат, уй отлариям тез орада ёввойилашиб қолади.

Жо Калон отни, унинг феъл-атвориши бинойидай билади. У шундай дейди:

— Мен ҳалигача ювош бўлмаган бўз отни кўрганим йўқ. Асов бўлмаган тўриқния кўрмадим. Агар қора тўриқни яхшилаб миниб ўргатса, ундан барака топса бўлади. Аммо лекин қора от эшакдай ўжар, итдай қахрли келади. Қора отда тирноқ бўлса, арслонния гумдон қилади!

Демак, мустанг бутунлай зарарли ҳайвон, қора мустанг ундан ўн баравар баттар экан.

Жо шу йили бирон ишния амалга оширолмади. Боиси, у оддий галачи бўлиб, ойнига йигирма беш доллар олар, бекор вақти жуда оз эди.

У кўпгина ковбой ўртоқлари каби қачондир ранчо<sup>1</sup> сотиб олишни, шунингдек, ўз хусусий галаси бўлишни орзу қиларди. Унинг Сант Феда рисолага солинган тавро<sup>2</sup>-си бўлиб, яккаю ягона қорамолининг сағрисига босилган эди. Кейинчалик Жо ўз тавросини ҳар қандай тамгасиз ҳайвонларга босиш ҳуқуқига мушарраф бўлди. Кузда ҳисоб-китоб қилиб кўриб, «шаҳарни айланиш» истагидан ўзини тиёлмади. Шу боисдан ҳам унинг бор-йўғи эгар, тўшак ҳамда қарн сигирдан иборат бўлиб қолди. Бироқ у тушкунликка тушмади, қачонлардир «бирор нарсани амалга ошириб», бирдан бойиб кетаман, деб юрди. Қора мустангни кўргач, шу менга бахт келтиради, деб ўйлади ва уни қўлга олиш учун кулайроқ пайт пойлади.

Бироқ Жо Канада дарёси бўйлаб йўлида давом этиб, кузда Дон-Карлос дўнгликларига қайтиб келди. Гарчи мустанг — йўрга ҳақида кўп эшитиб юрса-да, лекин ўзини кўрмади. Бу орада икки ёшли қора йўрганинг донги бутун ўлкага ёйилди.

Антилопа булоғи юза ялангликда. Булоқ оқиб бориб, тевараги қиёқ ўтлар билан ўралган кичиккина қўлга айланади. Қўл суви озайганда гир айланасида лойнинг тилим-тилим қоп-қора, йирик тасмалари қолади, айрим ерларида оппоқ туз доғлари ялтираб туради, чуқур жойида эса

<sup>1</sup> Америка даштларидаги ферма.

<sup>2</sup> Тамга.

окмаса-да, ичса бўладиган тоза сув қолади. Яқин-атрофда шу ховуздан бошқа сув йўқ. Ҳамиша моллар ҳамда уй отлари ўтлайдиган ана шу яланглик қора тойчоқнинг кўнгил кўйган яйловига айланди. Яйловда асосан «Л'Ор» ҳарфлари айқаш-уйқаш тамғаланган моллар ўтлайди. Уяйловда зоти яхшиланган уй ҳайвонлари боқилса кириш кўпайишини яхши билади. Унинг қарамоғида ўнлаб улкан, пишиқ танли, оҳу кўз чалазот байталлар бор. Сержун отлар уларнинг олдида гариб жониворлар бўлиб қолади.

Ана шу ҳушқомат байталларнинг бирови кундалик юмушлар учун ҳамиша отхонада қолади, қолган тўққизи тойчоқларини эмизиб бўлиб, ўз эркида ўтлаб юриди.

От ҳамиша серўт яйловни топади. Тўққиз байтал ҳам ўз ранчоларидан йигирма миль жанубдаги Антилопа булогини топдилар. Ёз келиб, Фостер бир ўртоғи билан байталларни қидириб топди. Улар орасида кўмирдан ҳам қоп-қора той юрарди. Той байталларни гир айланиб, уларга ҳомийлик қилар, айти вақтда ҳеч қаёққа кетгани кўймасди. Тойнинг қоп-қора тани байталларнинг олтинранг танасидан кескин ажралиб турарди.

Ювош феълли байталлар эгаларидан кўрқиб, ўз ранчоларига қочиш қолмоқчи бўлди. Шунда, бирдан қора тойчоқнинг қаҳри келди. У ёввойи феълини байталларга ҳам юқтирди шекилли, байталлар ранчодан келган бесўнақай отларни хийла кейинда қолдириб, қора тойнинг кетидан чопиб кетди.

Бу воқеа отлиқларнинг қонини қайнатиб юборди. Улар «лаънати той»ни отиб ташлаймиз, дея кўлларига курол олишди. Бироқ тўққиз байтал орасидан битта тойнинг ўзини қандай қилиб отиб бўлади, ўқ байталларга тегиб кетмайдими?

Узун кун бесамар ўтди. Мустанг-йўрға, ҳа, ўша йўрға ўз паноҳидагиларни кўйиб юбормади, улар билан жанубий кум тепалиқлар аро кўздан ғойиб бўлди.

Таъби тирриқ бўлган галачилар ўз омадсизликлари айбдоридан ўч олишни кўнгилларига тугиб кўйиб, ҳолдан тойган отларида уйларига жўнашди.

Галачилар, байталлар ҳадемай худди ўша тойдек ёввойилашиб кетишини жуда яхши билар эди.

Қоп-қора ёлли, кўк кўз улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ўз сафини кенгайтирди, галасини кам деганда йигирма бошга етказди.



Мустанг-йўргага эргашиб келган байталларнинг кўпи ғариб, абгор эди, зотли тўққиз байтал улар орасида ўзларининг бўй-басти билан алоҳида ажралиб турарди.

Йўрга галани шундай иштиёқ ҳамда рашк билан кўрикладики, галага кўшилган ҳар қандай байтал умрбод кетолмайдиган бўлиб қолди.

Галачилар ўз ўлкаларига келиб қолган бу мустанг кўп зиён-заҳматлар келтираётганини пайқаб қолди.

## II

Бу воқеа 1893 йилнинг декабрида бўлди. Ранчога келиб тушдимۇ йўловчи соябон аравада Канада дарёси бўйидаги Пиньяветитосга жўнадим.

Фостер мен билан хайрлашаётиб, шундай деди:

— Менга қаранг, борди-ю, лаънати мустангга дуч келиб қолсангиз, аямай отиб ташланг.

Йўрга ҳақида илк бор эшитган гапим шу бўлди, йўлда эса йўл бошловчим Бернсдан унинг кечмишини билиб олдим. Донғи кетган мустангни жуда-жуда кўргим келди, эртасига Антилопа булогига бориб, ҳафсалам пир бўлди, сабаби, у ерда мустангнинг ҳам,галасининг ҳам дараги йўқ экан.

Аммо эртаси куни Аламосо дарёси орқали яна ялангликка келганимизда, олдинда бораётган Жек Бернс бирдан отининг бўйнига энгашиб олди, менга ўгирилиб, шивирлади:

— Куролингизни олинг! Ана айғир!

Мен куролимни кўлимга олиб, олдинга интилдим. Пастдаги сойликда отлар галаси ўтлаб юрибди, улкан қора мустанг гала ёнида турибди.

Қора йўрга бизнинг ҳидимизни билди шекилли, сергак тортди. Аввал бошини, кейин думини кўтарди, бурун каттаклари кенгайди.

Кўзимга мустанг отларнинг оти, даштларда чопиб юрган жамики отларнинг сараси бўлиб кўринди, бундай ноёб жониворни нобуд қилишни ўзимга ор билдим.

Шу боисдан ҳам, Жек менга вақтни бой бермасдан тезроқ отишимни тайинлаганида мен атайин имиллаб туравердим.

Сержаҳл ҳамроҳим имиллаётганим учун мени койиди. Зардали тўнғиллаб: «Буёққа беринг қуролни!» дея уни тортиб олмоқчи бўлди, мен милтиқнинг оғзини осмонга қаратдим, у гўё тасодиф оқибатидек отилиб кетди.

Гала бир сесканиб тушди. Қора мустанг кишнади, пиш-

кирди, галани бир айланиб чопди. Байталлар тўдалашиб, чанг-тўзонлар ичра кўздан ғойиб бўлишди.

Айғир галанинг гоҳ у, гоҳ бу ёнидан чопиб, байталлар кейинда қолиб кетмаслигини назорат қилди.

Йўрға кўздан ғойиб бўлгунча ундан кўз узмадим, унинг йўрға оёқлари бирон мартаям чалкашмади.

Турган гап, Жек менинг, қолаверса, милтиғимнинг, мустангнинг номига кўп нордон гаплар айтди, мен унинг гапларидан завқ олдим, зўр қувонч билан қора йўрғанинг чиройи ва қудрати ҳақида хаёл суриб қолдим.

Йўқ, қандайдир бир байтални деб йўрғанинг атлас терисига доғ туширгим келмади!

### III

Ёввойи отларни ушлашнинг бир нечта хиллари бор. Булардан бири от устидан ўқ бўшатиб, уни бир нафас гангитиб қўйиш, вазиятдан фойдаланиб бўйнига сиртмоқ солишдир. Буни «отни бўйин эгдириб олиш» дейдилар.

— Гапир-а! Ўқ еган юзлаб отларни кўрдим, бари қир ошиб қочиб кетди, биронтаям «бўйин эгган» мустангни кўрмадим,— эътироз билдирди ёввойи Жо.

Гоҳида, шароит тақозо этганда галани коралга ҳайдаш, агар отлар яхши бўлса галани қувиб етиш ҳам мумкин, аммо бир қараганда иложи йўқдай туюладиган яна бир йўли бор — бу мустанг «тинчиди» йўли, яъни уни ҳолдан тойгунча қувиб бориш йўлидир.

Йўрғалаганда оёғи умуман адашмайдиган айғирнинг донғи кун сайин ошди. Унинг эпчиллиги, йўрғаси, чайир табиати хусусида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саргузаштлар гурунги бўлди.

Треугольник фермасида бўлмиш Монтгомер чол Клейтондаги Уэлс қаҳвахонасида кўпчилик олдида, агар шу гаплар чин бўлса, унда, шу айғирни ким аравага босиб олиб келса, минг доллар бераман, деди. Буни эшитган неча ўнлаб ёш қовбойлар ўз хўжайинлари билан тузган шартнома муддати тугаб, қўл бўшади дегунча, ўз бахтларини синаб кўришга аҳд қилишди.

Ёввойи Жо барчани доғда қолдирмоқчи бўлди. Вақтни бой бермай, хизмат муддати тугамаса-да, туни билан овга шайланди.

Бир ўртоғидан қарзга пул олиб, йигирма бош яхши отни, ошхонали аравини керакли аслаҳа-анжомлар билан таъминлади, ўзи, ўртоғи Чарли ҳамда ошпази учун икки ҳафталик озиқ-овқат ҳамлади.

Улар бу ғаройиб, енгилеок йўргани «тинчителиш»га қатый аҳд қилиб, Клейтондан жўнаб кетилиши. Сафарларининг учинчи куни Антлопа булоғига етиб келиб, тушга яқин галаси билан сувлагани келган қора йўргани кўрганда, ажабланмадилар ҳам.

Жо бекиниб, гала сувлаб бўлгунча корасини кўрсатмади, сабаби, сувсаган от яхши чопишини, сувлаб, оғирлашиб қолгани ёмон чопишини яхши билади.

Шундан кейингина Жо пистирмадан чиқиб, олдинга юрди. Булоққа ярим милча қолганда мустанг сергак тортиди, галасини жануби-шарқдаги бутазор тоғ ёнбағирларига бошлаб кетди. Жо гала кетидан яланг оёқ бўлиб чопиб, уларни яна бир бор кўрди, қайтиб келиб, аравакашлик қилувчи ошпазига жанубга, Аламозо дарёсига жўнашни буюрди. Ўзи яна жануби-шарққа отланиб, мустанглар изини олди.

Икки милча юриб, яна галани кўрди. Оёқ учидан отларга яқин борди. Бироқ улар яна ҳадик олиб, қочиб қолди. Кун шундай ўтди.

Мустанглар ҳалқа бўлиб, жанубга юриш қилди, кун уфққа оққанда худди Жо кутганидек, Аламозо дарёси яқинига келиб қолди. Жо уларни яна бир марта ҳуркитиб, аравакашлик қилди, дам олаётган ўртоғи отда мустангларни қувишда давом этди.

Арава кечки таътилдан кейин Аламозонинг олдиндан келишилган юқори кечуви бўйлаб юрди, Жо шу ерда тунаш учун жойлашиб олди.

Чарли бўлса галани қувишда давом этди. Ёввойи отлар олдингидек узилишиб қочмади, чунки қувиб келаётганларнинг ҳужум қилмаслигига фаҳми етиб, бора-бора ўз таъқибчиларига кўникиб қолдилар.

Қош қорайганда галани пойлаш янада қулай бўлди, боиси улар орасидаги битта оқ байтал қоронғида оппоқ бўй бериб туради.

Осмонда ой балкиди. Чарли қайси йўлдан юришни оти ихтиёрига қўйиб берди, ўзи галани эътибор билан қузатиб борди.

Оппоқ байтал бўй бериб юрди.

Охир оқибат, зим-зиё тунда ҳеч нима кўринмай қолди. Шундан кейингина Чарли отидан тушиб, устидан эгарни олди, отни ўтлагани қўйди, ўзи аёлга ўраниб, кўп ўтмай уйқуга кетди.

Тонг оқариши билан Чарли йўлга равона бўлди, ярим милча йўл босиб, ғира-ширада оқ байталга, кейин галага

кўзи тушди. Йўрға Чарлини кўриб, шиддатли кишнади, мустанглар яна елиб кетди.

Йўрға биринчи дуч келган доводда оёқ илди, тинимсиз таъқиб этаётган ким эканини билиш учун кетига бурилиб қаради. Нима гаплигини билди, яна толмас, равон, йўрға кадамлар отиб олға талпинди, галани йўлчи юлдуз мисол олға чорлади.

Отлар ғарбга йўл олди, яна кўп қочиш-қувишлар, юзмаюз келишлар, яна қочишлардан сўнг ҳиндулар пойлоқчилик қиладиган тик дўнгликка келиб қолди. Бу ерда уларни Жо пойлаётган эди.

Чарли дўнгдан кўкка ўрлаган узун, ингичка тутундан дам ол, деган ишорани тушунди. У ҳам чўнтак ойнасини тутиб, жавоб хабарини берди. Жо дам олган отларда таъқибни давом эттирди, Чарли тамадди қилиб, дам олди, сўнг Аламозо окими бўйлаб юқорилади.

Эртаси кун Жо узун кун мустангларни таъқиб этди, уларни арава бораётган улкан ёймоқда ушлашга уринди. Кунботарда бир кечувга етиб келди, бу ерда Чарли уни тетик отлар, тамаддилар тайёрлаб кутиб турган экан.

Жо кечи билан, ҳатто кечасиям бамайлихотир таъқиб этди, афтидан, гала беозор таъқибчиларига янада ўрганиб қолди шекилли, уларни пойлаш жуда осон бўлиб қолди. Бундан ташқари ҳорғинлик ҳам таъсир қилди. Мазали ўтларга бой ййловлар қаерлардадир қолиб кетди. Улар таъқибчи отлар каби сомон емадилар. Устига-устак мунтазам давом этаётган асаб таранглиги ҳам ўзини кўрсатди. Асабий таранглик ёввойи отларнинг иштаҳасини бўғиб қўйди, аммо тез-тез сувсай бошладилар.

Таъқибчилар отларга тез-тез, тўйиб-тўйиб сувлаш эркини берди. Бойси, сув ичган от чопишда қийналади, оёқлари ёғочдай қотиб қолиб, нафас олишни қийинлашади. Буни яхши билган Жо отини суғормади. Шу сабабляям ҳолдан тойган мустанглар яқинида тунагани оёқ илганларида ўзиям, отиям ҳали анча тетик эди.

Тонг ёришганда Жо мустангларни осонгина қидириб топди. Улар аввал-аввал қочди, сўнг одимлаб юрди. Таъқибчилар деярли ғолиб келди, чунки бундай олишувда мустанглар ҳали ҳоримаган дастлабки икки-уч кун уларни кўздан қочирмаслик керак эди, пойлоқчилар эса бунинг уддасидан чиқди.

Жо эрталаб галани кўздан қочирмай, доимо уларнинг яқинида бўлди. Соат тўққизларда Хозе тоғида Чарли билан ўрин алмашди. Шу кун мустанглар бор-йўғи тўрт

милча илгарилаб кетди, кадамларида олдинги гайратдан асар ҳам қолмади.

Кечкурун Чарли дам олиб ётган отга миниб, қувишда давом этди.

Эртаси кунни мустангларнинг боши эгилиб қолди, қора йўрға ҳар қанча олға чорламасин, таъқиб этиб келаётганлар билан ораларидаги масофа баъзан юз кадамгача қисқариб қолди.

Тўртинчи-бешинчи кунлар ҳам шундай ўтди. Гала яна Антилопа булоғига яқин келди. Ҳаммаси кутилгандай эди: гала кенг доира ясайди, айғир эса унинг ичида юради.

Ёввойи отлар булоққа жуда чанқаб келади, овчилар бўлса тетик отларда, кўтаринки кайфият билан келади.

Шу кунлари кечгача мустангларни сувга йўлатмади, сўнг Антилопа булоғига ҳайдаб, тўйиб сувлатди. Ана энди кўпни кўрган ковбойлар тетик ва тўқ отларда юриб, сиртмоқни ишга солади, чунки сув ичган отларни ушлаб, тушов солиш осон бўлади.

Ишлар ҳаддан зиёд яхши кўчди, фақат бир нима уларни ташвишга солиб қўйди: қора йўрға ҳамон темирдай мустаҳкам эди. Унинг равон йўргаси айнамаган, дастлабки таъқиб кунлари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. У ҳамишагидек галасини матонат билан бошқарар, кишнар, чопишда намуна кўрсатиб, уларни олға чорларди. Аммо отларнинг дармони қуриган эди. Қари оқ байтал, кечаси оплоқ бўй бериб юрадиган ўша байтал ўлгудай чарчаб, галадан соатлаб кейинда қолиб кетаверди. Байталлар чавандозлардан ҳадиксирамай қўйди, улар ҳадемай Жонинг қўлига тушишига шак-шубҳа қолмади.

Барча ташвишлар сабабчиси бўлмиш айғир эса ҳамон етиб бўлмас довонлигича қолаверди.

Жонинг жиззакилигини яхши билган ўртоқлари у аччиқ устида асов айғирни отиб қўйиши мумкин, деган ўйга борди. Аммо Жонинг кўнглида бундай ният йўқ эди.

У айғирни ҳафталаб қувиб, унинг бирон мартаям йўргасидан адашиб, оддий кадамлар босиб юрганини кўрмади. Барча яхши чавандозлар каби Жо ҳам бу гўзал отга боқиб, ундан завқ-шавқ олди. Завки янада зўрайиб, шундай ноёб ҳайвонни отгандан кўра, ўзимнинг манави отимни отган маъқул, деган хулосага келди.

Айғирга қўйилган мукофотни олиш керакмикин? Жо иккиланиб қолди. Қўйилган пул чакана эмас. Лекин айғирнинг турган-туриши хазина, у асл зотли зурриёд яратиши мумкин.

Аввало уни кўлга олиш лозим. Овни тамомлаш вақти ҳам келди.

Жо ўзининг энг яхши отини эгарлади. Бу от томирида жануб қони бор, аммо ўзи чўлларда ўсган байтал эди. Албатта, бир шимаси бўлмаса Жо бундай ажойиб отни сотиб олмас эди.

Бу юртларда локо деган заҳарли ўт ўсади. Одатда, отлар бу ўтни емайди, борди-ю, бир татиб кўрса, уни яна излаб қолади. Унинг мазаси тарёқнинг кайфига ўхшайди, унга ўч қўйган от кўп вақт ўзини яхши тутиб юради, охиروқибат ақлдан озиб ўлади. Бундайларни маҳаллий халқ «локога мубтало бўлган мол», дейди.

Жонинг энг сара отлари кўзи ҳам ажабтовур ёввойиларча йилтиради. Синчиларнинг айтишича, бу ҳол шу касаллик нишонаси эмиш. Шу сабабланим Жо байтални минди. Байтал бақувват ҳам тезкор, овнинг охири боп.

Жо галага от қўйди. Арқонни ерга ташлади, ёйиш учун атайлаб судради, сўнг яна чап кўлига яхшилаб йиғиб олди, ов давомида биринчи марта отини айғирга ниқтаб ҳайдади.

Маънисиз чопачоп бошланди. Кўрқиб қолган байталлар йўлни бўшатиб, чор тарафга қараб қочди.

Жонинг дадил байтали дашт бўйлаб оддий одимлар отиб қувди. Айғир ўзининг донғи кетган йўрғасидан адашмай, йўрғалаб қочди.

Ақл бовар қилмайдиган манзара намоён бўлди. Жо овози ҳамда шпорлари билан байталини олға чорлади. Байтали қушдай учди, лекин айғир билан ораларидаги масофа бир дюйм ҳам камаймади.

Қора айғир шу чопишида шиддат билан текисликдан ўтди, тоғ бағридаги бутазорлардан ўтди, кўзни алдайдиган серқум сойга тушиб, бир ўтлоққа чиқиб олди. У ерда уни бир суғур қарши олди. Жо унинг изидан от қўйиб бораверди. У кўзларига ишонмади... Назарида, айғир билан ораларидаги масофа камайиб эмас, балки узайиб кетгандек бўлди. У ўзича сўқинди, отини ниқтади, чу-чулаб ҳайдади, охируқибат, бечорани асабий ҳолга олиб келди. Отнинг кўзлари олма-кесак терди, боши уёқдан-буёққа тебранди, ерга қарай олмай қолди, йўл танламай қўйди. Оёғи фавқулудда бўрсикнинг инига кириб қолди. От ағнаб кетди, устидаги чавандози ерга учиб тушди. Жо лат еди, бир амаллаб оёққа туриб, довдираб қолган отини кўтариб турғизмоқчи бўлди. Аммо бўлар иш бўлган, отнинг олд оёғи синган эди.

Жо револьвернинг битта ўқи билан отнинг азоблари-

га барҳам берди. Эгарни олиб, лагерга кўтариб кетди. Йўрга ҳамон елиб, охири кўздан ғойиб бўлди.

Буни мағлубият деб бўлмайди, чунки улар байталларни қўлга олди. Жо билан Чарли уларни коралга ҳайдаб бориб, уларнинг эгаларидан арзигулик инъомлар талаб қилди.

Жо учун бу кифоя эмас эди. У айғирни қўлга олишни орзу қиларди. Жо айғирнинг бор фазилатларини билиб олди, энди у янги-янги режалар туза бошлади.

#### IV

Сафар жамоасига гарчи ҳеч ким, ҳеч нима жўнатмасида, почтага мунтазам равишда хат ва пул сўраб борганда ўзини мистер Томас Бэто деб таништирган Бэтс ошпазлик қиларди. Ковбой эса уни «Курка из Том» деб атарди, чунки унинг ўзи Денверда худди шундай тамға қайд қилинган, деб уқдирарди. Бу тамға курка изига ўхшарди. Шунингдек, Бэтс бу тамға акси бепоён шимол ёймаларида ўтлаб юрган сон-саноксиз мол ва отлар сағрисида ҳам бор, деб уқдирарди.

Бэтсга сафарда шерик бўлишни таклиф этганларида у кулиб: «Энди отларнинг бир тўдасини ўн доллардан пуллайман», деди. Дарҳақиқат, шу йили от жуда арзонлашиб кетди, шу сабабли ҳам унча кўп бўлмасида, ҳарҳолда иш ҳақи олишни маъкул кўрди.

Йўргани акалли бир марта кўрган одам унга бепарво қараб туролмас эди. Курка Из масаласида ҳам шундай бўлди. Уям мустангнинг эгаси бўлгиси келди, лекин уни қандай қилиб қўлга киритишни билмади. Қушлардан бирида Билл Смит деган кимса билан учрашиб қолди. Бу одам Билл Тақа лақаби билан машҳур эди. Сабаби, унинг тамғаси тақага ўхшарди. Билл Тақа пон билан гўшт еб, устидан маза-матрасиз кофе ичиб, шундай деди:

— Мен бугун ўша йўргани кўрдим, шундай яқиндан кўрдимки, думларини бемалол ўриб қўйсам ҳам бўларди!

— Отмадингми?

— Сал қолди, отиб ташлашимга.

— Йўқ, асло ота кўрма,— деди столнинг нариги бурчагида ўтирган қўш «Н» тамғали ковбой.— У айғир янги ой чиққунинга қадар менинг тамғам билан юради.

— Эртароқ кимирла, бўлмаса тамғалагинг келганда сағринида «нуктали учбурчак» тамғасини кўрасан.

— Сен уни қаерда кўрдинг?

— Воқеа бундай бўлди. Антилопа булогини ёқалаб ўтаётиб, қатқалоқ ботқоқдаги камишлар орасида ётган бир

нимага кўзим тушди. Ҳойнаҳой, бизнинг поданинг моли бўлса керак деб ўйлаб, яқинроқ борсам, бир от чалқанча ётибди. Шамол от тарафдан эсаётганидан фойдаланиб, унга янада яқинроқ бордим. Шунда нимани кўрдим денг? Тўнқадай жонсиз ётган йўрғани кўрдим! Ўлик десанг, жасади шишмаган, ўлаканинг исиям йўқ. У кутилмаганда чивин кўйган қулоғини қокди. Хаёлим бошимдан учиб кетди. Шундагина унинг шунчаки пинакка кетганини билдим.

Сиртмоқни олиб, арқоннинг айрим жойлари бўшаб қолганини кўрдим. Отимнинг айили ҳам бор-йўғи битта. Шунда, ўйлаб қолдим, бизнинг от етти юз фунт, айғир эса бир минг икки юз фунт келади. Шу боисдан ўзимга-ўзим дедим: «Овора бўлишингга арзимаиди, айилни узганинг қолади, бунинг устига ерга ағнаб тушиб, эгарниям бой бериб қўясан». Ўзимча шундай деб, қамчи дастаси билан эгар қошига тук-тук урдим... Ана шунда мустангни кўринг эди! Ётган еридан олти футча юқорига сапчиди! Тўрт оёғини кенг ташлаб, худди паровоздай пишқирди. Кўзлари олайиб, тўғри Калифорния тарафга елиб кетди. Йўл-йўлакай оёқ илмаган бўлса, аллақачон ўша ёқда юрибди. Агар айғир бирон марта йўрғасидан адашган бўлса, ўлигим шу ерда қолсин!

Воқеа айтган даражада аниқ-равшан бўлмади, сабаби Биллнинг гапи нордон сўзларга сероб бўлди, яна тагин уялмай-нетмай кавшаниб, ютиниб, оғзи тўла ош билан гапирди. Барибир давра Биллнинг гапларига ишонди, чунки у тўғри сўзли одам бўлиб танилган эди. Даврада ўтирганлардан ёлғиз Курка Изгина оғиз очмай, гурунгни бошқалардан кўра диққат билан эшитди, кўнглида янги режа пайдо бўлди.

Таомдан кейин чекиб, янги режасини пухта ўйлаб олди. Уни амалга ошириш бир ўзининг қўлидан келмаслигини билиб, Билл Тақага сир берди. Ана шундай қилиб, йўрғани таъқиб қилувчи янги шериклар, бошқача айтганда яна устига-уштак ваъда қилинган беш минг доллар ишқибозлари пайдо бўлди.

Антилопа булоғи мустангларнинг суюкли сувлоғи бўлиб қолди. Сув озайди, қамишлар билан сув оралиғи бўлиб қуриб қолган қоп-қора лой камар пайдо бўлди. Камарни иккита сўқмоқ кесиб ўтди, бу сувлагани келган ҳайвонлар йўлидир. Отар билан ёввойи ҳайвонлар ана шу сўқмоқдан сувлагани келади. Шохдор ҳайвонлар эса тўғридан-тўғри қамишзор оралаб келаверади.

Шериклари ана шу сўқмоқлардан кўзга яқинроғининг



кўндалангига бўйи ўн беш фут, эни олти ҳамда чуқурлиги етти фут келадиган ўра қазди. Ишни мустанглар сувлагани келгунча битириш учун йигирма соат тинимсиз тер тўкди. Ўра қазиш қийин бўлди. Қазиб бўлиб, уни кўздан яшириш учун устига шох-шабба, хас-чўп ёпиб, тупроқ сепди. Ишни тамомлаб, ўрадан холисроқдаги чуқурда бекиниб ўтирдилар.

Пешинга яқин йўрға сувлагани келди. Галаси қўлга тушгани сабабли у ёлғиз эди.

Том, айғир ўра қазилган сўкмоқдан юрсин деб, эҳтиёт юзасидан нариги сўкмоқни қамишлар билан ёпиб қўйган эди.

Ёввойи ҳайвонларни қандай зийрак эзгу руҳ қўллар экан-а? Аксига олиб, йўрға ўра йўқ сўкмоқдан юрди. Бемалол келиб сув ичди.

Овчиларнинг сўнгги чораси қолди. Йўрға сувга қайта эгилганда Бэтс билан Смит чуқурдан отилиб чиқиб, мустангнинг кетидан борди. Йўрға мағрур бош кўтарганда, Смит револьвердан ерга ўқ узди.

Мустанг донғи кетган йўрғасида тўғри ўзига қазилган ўрага қараб чопди. У яна бир неча секунддан кейин ўрага тушади! Ана, ўра бор сўкмоқда чопиб боряпти...

Овчилар уни қўлга олдик, деб ўйлади. Йўрға ҳадемай уларнинг ихтиёрида бўлади.

Шунда, ақл бовар қилмайдиган воқеа юз берди. Йўрға алп сакраб, ўрадан ўтиб кетди, туёқлари билан тупроқ отиб, кўздан ғойиб бўлди.

Йўрға Антилопа булоғига қайтиб қадам босмаслик нияти билан олис-олисларга елиб кетди.

## V

Ёввойи Жо устомон одам эди. У қандай қилиб бўлмасин мустангни қўлга туширишга аҳд қилди. Бунга бошқалар ҳам қўл урганини эшитиб, тезда янги режаларини амалга оширишга киришди. Жо айғирни ушлашда қойотлар эпчил куённи, ҳиндулар антилопани ушлашда қўллайдиган усулни қўллаб кўрмоқчи бўлди. Бу қадимги усул «галма-гал овлаш» деб аталарди.

Мустанг-йўрға юрган музофот олтмиш квадрат милча келадиган учбурчак шаклида бўлиб, жануби ҳамда шимолидан дарёлар, ғарбидан тоғлар билан ўралган эди. Улар, мустанг шу музофотдан бошқа ёққа кетмайди, Антилопа булоғи унинг доимий хонаки жойи бўлиб қолади, деб ўйлади.

Жо бу ерларни яхши билади. Унинг барча булоқлари,

ғорларигача билиб олди. Агар ҳозир унинг эликта оти бўлганида эди, уларни жамики муҳим жойларга қўйган бўларди. Ихтиёрида эса бор-йўғи йигирмата оти билан бешта яхши чавандози бор эди, холос.

У ов бошлангунга қадар отларни икки ҳафта сомон бериб боқди. Шундан кейингина уларни овга қўйди, чавандозларга нима қилиш кераклигини тушунтирди. Улар ов бошланишига бир кун қолди деганда ўз жойларини эгаллади.

Тайин этилган кун Жо аравада Антилопа булоғига йўл олди, четроқдаги торгина сойликда тўхтаб, кута бошлади.

Ниҳоят, жанубдаги адир тарафдан кўмирдай қоп-қора айғир кўринди, у одатдагидек булоққа ёлғиз ўзи эна бошлади.

У аввал ғанимларим бекиниб пойламаётганмикин деган ҳадикда булоқни айланиб, ис олди. Сўнг сўқмоқсиз ерлардан булоққа қараб юрди.

Жо айғирни пойлаб ўтириб, иложи бўлса унинг кўпроқ сув ичишини истади. Мустанг тумшугини ўтга энди чўзган ҳам эди, Жо отини ниқтаб ҳайдаб қолди. Мустанг туёқ товушини эшитди, чавандозни кўрди-да, яна кўздан ғойиб бўлди.

Текис ерга чиқиб, жанубга бурилди, қумтепаликлар оралаб бор кучи билан қочди, таъқибчисидан борган сайин олислади. Жонинг оти ҳориб, қумда ҳар қадамда йиқилиб тураверди, оқибат, борган сайин кейинда қолаверди.

Яна текис ерга чиққанларида Жонинг оти орадаги масофани анча озайтириши мумкин эди, лекин эниш бошланиб қолиб, яна шаштидан қайтди, оқибат, янада кейинда қола бошлади.

Аммо Жо йўрғани қувишда давом этди, хивичниям, шпорниям аямади. Бир миль, икки, уч... Арриби қирлари кўзга чалиниб қолди.

Аррибида янги отлар бор, Жо буни билади, шу сабабли кучига куч қўшилиб от қўяди. Йўрғанинг тўсдай қоп-қора ёллари эса шамолда ёйилиб-ёйилиб олислаб боради.

Ана, ниҳоят, Арриби дарасига доҳил бўлди. Ғорда қоровуллик қилиб турган қовбой ўзини панага олди, мустанг унинг ёнидан ўтиб кетди. Йўрға шамолдай пастга елди, сўнг нишаб бўйлаб юқорилади.

Жо янги отга миғиб, аввал пастга, кейин юқорига от солди. Отини ниқтаб ҳайдаб чопаверди, лекин орадаги масофани камайтиролмади.

Дупур-дупур-дупур... туёқ товушлари. Бир соат, икки

соат, уч соат ўтди, олдинда Аламозо кўринди, худди ўша ерда янги чавандоз кутяпти.

Жо бакириб, отини янада тезлади. Қора айғир мўлжалдаги ерга қараб чопди, аммо икки милча қолганда нимадан-дир ҳадик олгандай чапга бурилди. Жо мустанг қутулиб кетишини пайқаб, ҳолдан тойган отига яна қамчи босди, йўрға қандай қилиб бўлмасин кўзлаган буриш йўлини излади.

Олишув ҳаддан зиёд қийин кечди. Жонинг нафаси қайтиб қолди. От ҳар сапчиганда эгар териси гижирлай-верди.

Жо кўндаланг елиб чиқиб қувди, йўргани ҳуркитиш учун револьвердан устма-уст ўқ узди, ниҳоят, уни чаидаги кечувга буришга муваффақ бўлди.

Улар дарё бўйига келди. Йўрға йўлидан қолмай елди. Жо отдан тушди. Оти тўққиз миль чоғиб дармони қуриди. Жоям ҳолдан тойди. Кўзлари чангдан қизарди, гарчи ҳеч нимани кўрмаётган бўлса-да, Томга қўлини силкиб: «Мустангни Аламозо орқали кечувга ҳайдаб бер», дея қичқирди.

Янги чавандоз тетик, чайир отда ўнқир-чўнқир ёйилма бўйлаб қора айғир кетидан чопди. Айғир оппоқ терга ботди, биқини кўтарилиб-кўтарилиб оғир нафас олиб, ҳоли танг бўлди-ю, барибир чоғишда давом этди...

Том олдиниға айғирга яқинроқ боргандай бўлди, сўнг яна кейинда қолди. Аламозода ўрнини янги оғлиқ эгаллади.

Айғир ғарбга бурилди, суғурлар маконини ёнлаб чопди, қийим йиртар кактуслар, тиконли чангалзорлар оралаб чопди. Айғир тер билан чангдан ола-була бўлиб кетди, аммо йўргасидан адашмади. Йўлида дуч келган жардан сакраб ўтиб кетди. Изидан қувиб келаётган ёш Кэрингтон ҳам отини сакратмоқчи бўлди. Аммо оти билан кўшилиб пастга юмалаб кетди... ёш чавандоз бир амаллаб омон қолди, аммо оти хароб бўлди.

Қора айғир зафарли йўргасида давом этди...

Жо Галлего чол ранчоси ёнида нафасини рестаблиб пойлаб турди. Ярим соат ўтмай, у яна йўргани қувиб кетди.

Ғарбда Карлос тоғлари кўзга ташланди. У ерда ҳам Жони одамлар янги отлар билан пойлаб турибди. Буни билган толмас чавандоз айғирни ғарбга бурмоқчи бўлди. Аммо йўрға қандайдир бир хаёлга берилдими ё кўнгли бир нимани сездими, ҳар қалай, бирдан шимолга қайрилди.

Жо бор санъатини ишлатди, қичқирди, ўқ узди, бари

бекор бўлди. Қора чакмоқ адир бўйлаб пастлади, Жо унинг изидан боришга мажбур бўлди.

Худди шу ерда олишувнинг энг қийин ҳам азоб-уқубатли даври бошланди. Жо мустангга бераҳмлик қилди, ўзи билан отига эса ундан беш баттар бешафқат бўлди. Кун аёвсиз куйдирди, кизиган ёйилма узра офтоб тафти жимирлади. Жонинг кўзлари ёнди, лаблари шўр, чангдан чирсиллади.

Олишув давом этди. Муваффақиятга эришишнинг бирдан-бир йўли мустангни Аламозодан ўтадиган кечувга қайтариш қолди.

Олишув бошлангандан буён Жо биринчи марта қора йўрғада толғинлик аломатларини кўрди. Думи билан ёллари аввалгидек ёйилмай қўйди, ораларидаги ярим миллик масофа яримлаб қолди.

Йўрға барибир олға талпинди, яна, яна йўргалаб, олға талпинди...

Соатлар кетидан соатлар ўтди, йўрға ҳамон олға елди. Аммо тўғри йўлдан бурилди. Йигирма милча йўл босиб, кечроқ Аламозодан ўтадиган кечувга етиб келди.

Жо йўлда тайёр турган отни миниб, айғирни яна ўзи қувиб кетди.

Жо қолдириб кетган от энтиқиб, ўзини сувга урди, сув ичиб-ичиб, юмалаб ўлиб қолди.

Жо, қора айғир сув ичади, деган умидда бир оз секинлади. Аммо унинг айтгани бўлмади! Айғир бор-йўғи бир хўплади, тевааракка сув сачратиб, нариги соҳилга ўтиб кетди. Жо унинг кетидан қадам-бақадам борди. Кечувда уларни кузатиб қолган ковбой Жо айғирга хийла яқин келиб қолганини, ҳатто етай-етай деб қолганини кўрди...

Эрталаб Жо лагерга пиёда келди. Унинг саргузашти лўнда бўлди: саккиз от нобуд бўлди, беш одам бутунлай ҳолдан тойди, ғаройиб мустанг-йўрға эса ҳамон ўз эркида юрибди...

— Энди бир нима қилиш қийин! Унга етиб бўлмайди. Жойи келган вақтлари лаънатининг терисини тешиб ташламаганимга ачинаман! — деди Жо, сўнгра йўргани қувишдан воз кечди.

## VI

Сўнги сафарда ҳам Курка Из ошпаз бўлди. У ҳам олишувни бошқалар қатори қизиқиш билан кузатиб борди, Жонинг омади келмаганда ўзича кулимсираб қўйди, қозонига қараб қўйиб, димоғида мингиллади:

— Шу мустангни ушлаб олмасам, одам эмасман!

Йўрға тинимсиз таъкиблар оқибатида янада ёввойилашиб кетди. Барибир Антилопа булоғига келиб-кетаверди. Булок ялангликдаги яккаю ягона сувлок бўлиб, бир миль теварак-атрофда ғанимдан бекинадиган пана жой йўқ эди. Шу сабабляам мустанг яқин атрофда тушларда пайдо бўлиб, бирон хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина булокқа сув ичгани келарди.

У галасидан айрилиб, бутун қишни ёлғиз ўзи ўтказди. Қари Курка бунн яхши билиб олиб, режаларини шунга мослади. Бир ўртоғининг тўриқ байтали бор эди. Қари шу байталга эгар урди, занжир, белкурак, яна бир арқон ҳамда йўғон козиқ олиб, булокқа равона бўлди.

Бир тода антилопа улардан ҳайкиб, пана-паналарга ғойиб бўлди. Моллар ўт узра ёйилиб ётади, тўрғайлар кўшиғи янграйди. Ердан беғубор, қорсиз киш нафаси кўтарилган, кўклам яқин қолган...

Том ушокқина тўриқ байтални арқонлаб, ўтга кўйди, байтал кўкка тинимсиз тумшуғини чўзиб, кишнади.

Қари Курка шамол қаёқдан эсаётганини аниқлади, теварак-атрофга назар солди. Ўша ўзи қазишиб юборган ўра ҳалиям бор экан. Ўра очик, ичи тўла сассиқ сув, юзида суғур, сичқон ўликлари сузиб юрибди. Сувлагани келган ҳайвонлар ўра четидан янги сўкмоқ очибди.

Курка кўм-кўк майсазор ёнидаги қамишлар ғужумини маъкул топиб, шу ерга козиқ қокди, сўнг, пана бўладиган катта ўра қазиди, ичига адёл тўшади. Байтал олислаб ўтлаб кетмасин деб, арқонни ерга узатиб ташлаб, бир учини устунга боғлаб қўйди, арқонни тупроқ ва ўтлар билан бекитди. Кейин ўзининг хилватгоҳ ўрасига бекиниб ўтирди.

Туш вақти тўриқ байтал йўқлаб кишнади. Шунда... шунда, кунботардаги адирдан жавоб кишнаш келди... Машхур мустанг-йўрға осмон фонида қоп-қорайиб, бўй берди!

Йўрға равон, алп-алп йўрғалади, оёқ илиб, теваракка ҳадиксираб аланглади, пишқириб йўрғалади. Байталнинг йўқлаб кишнаши йўрғанинг кўнглида акс-садо берди. Йўрға яқинроқ келиб, яна кишнади, бирдан сергакланди, айланиб, катта доира ясади, бурни билан шубҳали ҳид овлади.

Шунда тўриқ байтал яна кишнади. Мустанг яна бир бор доира ясаб, у ҳам кишнади. Байталнинг жавоб кишнаши йўрғанинг кўнглидаги бор ҳадикларни йўқ қилиб юборди. Йўрғанинг юраги ёниб кетди!

Йўрға гижинглади, тўриқ байтал — Соллининг олдига келди, бурнига бурнини теккизди. Худди шу пайт орқа оёғи сиртмоқни босиб олди. Том арқонни бирдан тортди, мустанг сиртмоққа илинди. У важоҳат билан кўкка сапчиди. Том бундан фойдаланиб, айғирнинг оёғидан арқонни илондек икки айлантриб олди.

Машъум кўргилик айғирнинг кучига куч қўшди. У яна сапчиди, аммо сиртмоқдан оёғини тортиб ололмади, ерга гарибона, мағлубона ағнаб тушди.

Чуқурдан қари Томнинг мункайган хунук жуссаси кўринди. У табиатнинг ноёб молини тезроқ қўлга киритиш учун шошилди. Отнинг қудрати ушоқдай заиф бир чолнинг ақл ва ҳунари олдида ожиз бўлиб қолди. Йўрға пишқирди, озодлик учун жон-жаҳди билан олишди, аммо бесамар бўлди, сиртмоқ оёқларига чайирдай ёпишиб олди.

Том айғирнинг олд оёқларига ҳам сиртмоқ солди. Сўнг, арқон билан айғирнинг тўртта оёғини битта қилиб қўшиб тортди. Дарғазаб йўрға, ахталанган чўчкадай ожизона сулайиб, ётиб қолди. Бечора сўнгги дармони қолғунича типирчилади, ўпкаси тўлиб кетди, ўксик зарбидан аъзойи бадани зир-зир қалтиради, юзларидан маржон-маржон ёшлар оқди.

Том айғирнинг ҳолини кўриб, кўнглида ғалати бир нима пайдо бўлди. Илк бор сиртмоқ билан ҳўкиз ушлаганида бўлганидек, бош-оёғи зир титради. Бир неча дақиқа жойидан қимирлай олмай, ўзининг ноёб бандисига термилиб қолди.

Кўп ўтмай чолнинг ҳаяжони сўнди. Ўта машъум ишни бажарган байталга эгар урди, янги арқон олиб, мустангнинг бўйнига солди. Байтални айғирнинг олдига кўйди. Том, мустанг энди кетолмаслигини билиб, арқонни бўш қўймоқчи бўлди, шунда, хаёлига фавқулодда бир фикр келди. Ўйлаб қараса, гоят зарур бир иш эсидан чиқаёзибди. Гарчи шароит бўлмаса-да, шу ишни бажаришга киришди.

Фарб одати бўйича ёввойи мустангнинг баданига ким биринчи бўлиб ўз тамғасини босса, мустанг ўшаники бўлади. Яқин йигирма милда ҳайвонларни тамғалайдиган асбоб топилмайди, нима қилса бўлади?

Қари Том тадбиркор эди. У байталнинг тақаларини бирин-кетин қараб кўрди. Тақаларнинг бирови хийла бўшаб қолган эди. Том шу тақани белкурак билан қўпо-риб олди.

Ёймани айланиб ўтин териб келди. Кўп ўтмай олов ловуллади. Том тақани бир учидан қўлрўмол билан ўраб

ушлаб, оловга тоблаб кизартди. Кейин тақа қиррасини айғир бечоранинг чап яғринига уч марта босиб олди, яғринда курка из мисол дағал тамға қолди.

Мустанг қизиган темир баданига текканда сесканиб кетди. Иш кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Шундай қилиб, мустанг-йўрға инсонга қарам бўлиб қолди.

Энди мустангни уйга олиб кетиш қолди. Том сиртмоқни бўшатди. Мустанг оёғи бўшаганини сезиб, бутунлай эркин бўлдим деб ўйлади, жойидан сапчиб турди, талпинди, аммо яна ағнаб тушди. Мустангнинг олд оёқлари кўшиб боғлаб қўйилган, у фақат сапчиб-сапчиб юриши мумкин эди.

У қочишга кўп интилди, аммо ҳар сафар кўшалок боғлоқлик оёқлари халақит бериб, юмалаб тушаверди. Том байтални миниб, мустангни уйга олиб жўнади. У йўргани етаклади, чу-чулаб ҳайдади, турли йўллар қилиб кўрди, аммо қайсар, баджаҳл айғир, оппоқ тер кўпикларига ботган айғир бўйин эгмади. У ёввойиларча кишнади, қаҳр билан пишқирди, озодлик йўлида телбаларча тўлғонди.

\* \* \*

Олишув шафқатсиз, узоқ давом этди. Мустангнинг яркироқ сағринлари қон аралаш тердан қорайиб кетди. Бехисоб йиқилиб-туришлар, бесамар олишувлар мустангнинг шундай тинка-мадорини қуритди, шундай қуритди, у узун кун давом этган қувғинда ҳам бунчалик ҳориб-толмаган эди.

Айғир гоҳ уёнига, гоҳ буёнига тинимсиз талпинди, шиддатли сапчишлари борган сайин заифлашиб борди, бурнидан отилаётган кўпиклар қонга беланди.

Бераҳм, зўравон ғолиб чол эса сокин бир кайфиятда айғирни чу-чулаб ҳайдади, юришга мажбур қилди.

Айғир билан чол ҳар бир қадам учун олишди, нишаб ердан дарага энди, яна ҳам пастдаги дараларга элтадиган сўқмоқлар бошига етди. Бир вақтлар йўрғага қарам бўлмиш яйловнинг шимолий чегараси худди шу ердан ўтади. Олислардан тўсиқлар ҳамда ранчо кўзга ташланади. Қари Том тантана қилади.

Мустанг қолган бор кучини йиғиб, озодлик йўлида жон-жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Яна, яна юқорилади, баданига ботаётган арқонга ҳам, уни тўхтатиб, изига қайтариш учун узилган ўқ овозига ҳам парво қилмади, у озодликка талпинди.

Мустанг яна, яна юқорилади, яна тик қояга кўтарилди. Қоядан пастга — ҳавога сакради, икки юз футча учиб юрди, яна, яна пастлаб... тошга бориб тушди. У жонсиз сулайиб қолди, аммо... озод бўлиб қолди!

## БУҒУЛАР ИЗИДАН

### I

Кун жуда исиди. Ян қуш овига бориб, поёнсиз ўрмон чангалзорларида адашиб қолди. Кун тафти ботқоқ ховузлар сувини иситди, Ян муздай сув ичса бўладиган яккаю ягона Излар Булогига йўл олди.

Булоқ бўйида унинг эътиборини лойдаги майда туёқ излари тортди. У бундай изларни умрида кўрмаган бўлса-да, бу буғулар изи эканини билди, қувончидан осмонга ирғишлади.

«Энди буёқларга бугу келмайди»,— шу ерликлар Янга шундай деди.

Биринчи қор ёққанда Ян булоқ бўйидаги буғулар изини эслади, милтигини қўлига олиб, ўзига-ўзи сўз берди:

«Шу буғуларни ўлдирмагунимча ҳар куни адир айланганим-айланган».

Ян новчадан келган, ўн саккиз ёшлардаги йигит. У ҳали чинакам овчи бўлган эмас, аммо овда ҳориб-толмас, сабрбардошли.

Ян ҳар куни адирга бугу излаб чиқади. Кунда ўн миллаб қор кечиб, буғулар изини тополмади, кулбасига қоронғи чўққанда қайтди.

Сабрнинг таги олтин экан. Ян жанубий адирларда бетиним тентираб юриб, охири буғулар изига дуч келди. Излар эски, зўрға кўринса-да, барибир буғуларники эди. Ян қувончидан яна ёздагидек осмонга ирғишлади.

«Шу излар мени буғулар олдига олиб боради», ўйлади Ян.

У аввалига буғулар қайси тарафга кетганини билолмади. Синчиклаб қараб, изларнинг бир ёғи иккинчи ёғига қараганда қорга чуқурроқ ботиб кетганини фаҳмлади, чуқурроқ ботган ёғи туёкнинг олд тарафи, деган хулосага келди. У шунингдек, излар адирга ўрлаган сайин оралиғи торайиб кетганини кўрди. Қумлоқ ердаги чуқур туёқ излари шубҳаларига узил-кесил барҳам берди.

Ян ҳаяжонланиб, сочлари орасида ғалати бир оғриқ сезди, изни олиб бораверди.



Буғулар изи борган сайин аниқ-аниқ кўрина бошлади. Ян кун бўйи из олди, из кечга яқин уни ўз кулбаси яқинига олиб келди. Излар энди таниш ерлар бўйлаб кетди. Из ўрмон қирқадиган ер, кейин Митчелла ўтлоғидан ўтиб, қуюқ теракзорга бурилди.

Қоронғи чўкиб бошлади, Ян йўлдан қайтди, у ўз кулбасидан бор-йўғи етти милча олисда эди, шу сабабляям бирор соатдан кейин маконига етиб келди.

Эрталаб яна из қувди, бу сафар қийинрок бўлди, сабаби, турли тарафга айқаш-уйқаш бўлиб ёйилиб кетган изларга дуч келди, у омадини синаб кўриш учун яна олға юрди, кўп ўтмай иккита янги из кўрди, аввалгидан ҳам кўра комил ишонч билан яна из қувди.

У ерга эгилди, бошини кўтармай изни диққат билан кузатиб борди, тор ялангликда иккита кулранг, шалпанг-қулоқ жониворга дуч келди. Жониворлар уни кўриб, қочиб қолди, тепада тўхташиб, Янга қайрилиб қарашди.

Ян кўнглида шу жониворларнинг беозор нигоҳини туйди, нигоҳлар уни тўхташга мажбур этди. Ян қаршисида нималар қараб турганини энди англади. Ян бу учрашувни бир ҳафта зориқиб кутди! Шундай бўлса-да, учрашув тасодифий бўлди. У ўйлаган режалар тутундай тарқаб кетди, у ҳайрат билан серрайиб қолди.

— О-о-о! — унинг кўнглидан сокин бир нидо отилиб чикди.

Буғулар ўз йўлига бурилди, уларнинг мунис боқиши Яннинг назарида қолди.

Буғулар осмонга ирғишлаб ўйнади. Афтидан, улар Янни умуман эсдан чиқарди, улар оёқлари ерга тегиб-тегмай, кўкка олти-етти фут энгил-енгил ирғишлади. Ян энгилоёқ, кулранг жониворларнинг ажабтовур ўйинига беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди. Уларнинг ўйинида кўрқув ҳам, шошмашошарлик ҳам йўқ эди. Буғулар кўрқиб қочиб кетгунича Ян уларнинг ўйинини томоша қилди. «Буғулар мендан кўрқиши керак эди-ку, — ўйлади Ян. — Улар бўлса, кекса овчилар айтганидек, кўкка ирғишлагани-ирғишлаган».

Буғулар қораси аста-аста кичрайиб борди, Ян шундагина уларнинг олислаб бораётганини сезд.

Буғулар адир бўйлаб янада юқорилашди. Тик бурундан латиф-латиф эгилиб, айланиб ўтдилар. Ёриқ ерларга дуч келиб, улардан сапчиб ўтди, сапчиганларида бу қанотсиз қушлар ҳавода бир нафас муаллақ бўлиб қолди.

Қанотсиз қушлар кўздан пана бўлгунча Ян улардан кўз узмади. Уларни отиш хаёлига ҳам келмади.

Қанотсиз қушлар кўздан ғойиб бўлгач, Ян уларни

дастлаб кўрган ерга келди. Қорда туёқ изларини кўрди. Излар тўсатдан йўқолиб қолди. Давоми қаерда экан? Ян тевааракка назар солиб хайрон бўлиб қолди, сабаби, бир из иккинчисидан ўн беш фут олисда бўлиб, оралиқ масофа борган сайини кўпайган ўттиз футгача узайиб кетган эди. Демак, буғулар ҳар сапчиганда ўн беш футдан ўттиз футгача масофани олган.

Йўқ, буғулар югурмаган, улар гўё учган, фақат гоҳ-гоҳида туёқлари адир учларига тегиб-тегиб кетган.

— Улар кўздан ғойиб бўлганидан жуда-жуда хурсандман,— пичирлади Ян.— Шундай ажойиб томоша кўрдимки, бундай томошани ҳали ҳеч ким кўрмаган.

## II

Эрталаб Яннинг кўнглида яна овга бориш иштниёқи пайдо бўлди.

«Яна адирга бораман,— деди у ўзига-ўзи.— Буғулар изини топиб, уларни итдек қуваман. Ақлимни буғулар ақли билан, кучимни кучи билан бир синаб кўраман, тез-корлигига бас келиш учун эса мана, кўлимда кулолим бор».

Хай-хай, адирлар, адирларнинг бепоён ёнбағирлари, кўллари, ўрмонлари-ю, ўтлоқлари қандай гўзал! Ҳар эсан шамолда ҳаёт нафаси уфуради. Яннинг вужудида ҳам ҳаёт гуркирайди. Ян ҳали жуда ёш, бақувват, тан-жони соғ.

«Ҳаётнинг энг яхши кунлари шу кунлар,— деди ўзига-ўзи.— Олтин кунларим».

Ян узун кун бўридай адирма-адир изгиб, оқ қуёнларни хуркитди, какликларни чўчитди, ёйилмаларга энди, қордан кўз олмай, буғу туёқлари изини излади. Қорбўрон бошланиб, излар кўмилиб кетди. Ян яна икки кун адирма-адир изғиди. Аммо бугу изларига йўлиқмади.

Ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди. Ян кўп совуқ кунлар, қаҳратон кечаларни, қор қоплаган адирларни кезиб ўтказди. Буғулар изини топган вақтлариям бўлди, аммо меҳнатлари беҳуда кетди, адир ялангликларида бекордан-бекор изгиб юрди, ўрмон қирқувчилар ҳикоясини эшитди, сўнг чангалзорлар тубига йўл олди. Саргардон кунлари мобайнида бор-йўғи бир марта адир учига ўрлаб бораётган буғуларни кўрди. Шу орада ўрмон қирқиладиган жой орқасида улкан бугу пайдо бўлган эмиш, деган миш-миш тарқалди. Ян ўша бугу изини олди, лекин ўзини кўрмади.

Буғулар олис, тинимсиз таъқиблар оқибатида кўркиб, жуда хуркак бўлиб қолди, шу боисдан овдан бирор ёруғлик чиқиши амримаҳол бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ов мавсуми бесамар ўтди. Ян бундан ўқинмади. Энг муҳими, у ов мобайнида табиат билан ошно бўлди. Адирма-адир юриш ёққандан-ёқиб қолди. Сўнгсиз овларнинг ҳар бир куни Ян учун қувноқ байрам сайли бўлди.

### III

Йил ўтиб, янги ов мавсуми бошланди. Кўнглини яна ов хумор этди, ўлка бўйлаб юрган мишмишлар хуморини оширарди.

Айтишларича, адирда улкан буғу пайдо бўлган эмиш. Уни «Қумлоқ адир буғуси» дермиш. Қумлоқ адир буғусининг ҳайбати ҳамда шиддати борасида, мисдан ясалгандай бақувват, улкан, сертармоқ шохи-ю, шохининг фил суягидай ялтироқ учлари борасида кўпдан-кўп гурунглар бўлди.

Турган гап, Ян ерга биринчи қор тушиши билан овга отланди, бу сафар у уларга ўзи ов қутқуси солган ўртоқлари билан овга жўнади. Улар чанада Қарағайзор адирга келди, кунботарда учрашишга келишиб, ҳар тарафга тарқаб кетди.

Адир теварагидаги бутазорда куён билан қур кўп эди. Шу боис дақиқа сайин айтишма овози эшитилиб турарди. Буғулар изи адирга яқин йўламагани учун Ян бутазордан чиқиб, мишмишларга қўра яқинда улкан буғу пайдо бўлган Кеннеди водийсига йўл олди.

Бир неча миль йўл босиб, у чиндан ҳам йирик-йирик изларга дуч келди, излар қорга жуда ботиб кетган бўлиб, оралари улкан сапчишлар натижасида узилиб-узилиб қолган эди. Ян, бу излар кўп гурунгларга сабаб бўлган ўша «Қумлоқ адир буғуси»нинг излари эканини билди.

Овчининг кучига куч қўшилди, у худди бўридай из қувиб кетди. У яна сочлари ораси ва елкаларида ғалати бир жимирлашни ҳис этди, бундай ҳол авваллари ҳам бўлган эди, аммо бу сафаргиси жуда таъсирчан кечди. Ян ўзича, туклари хурпайиб, ўлжасини қувиб кетаётган бўри ҳам шундай ҳолни бошидан кечирса керак, деб ўйлади.

Ян қоронғи чўққунча из олиб бораверди. Кейин, изига қайтишга тўғри келди. Чунки овчилар билан учрашувга келишилган Қарағайзор адир хийла олис эди. Ян қарағайзор адирга келишилган вақтда етиб боролмаслигига, ўртоқларини ортиқча қуттириб қўйишига кўзи етди. Аммо у ўзидан кўнгли тўқ бўлди. Унинг оёқлари темирдай мустаҳкам, ўзи худди ов итлари каби метин иродали эди. У узун кун ов қилиб, чарчаш нималигини билмай уйга қайтиши мумкин эди.

У келишилган ерда шерикларини тополмай, анча хурсанд бўлди, ўзини эркинроқ сизди. Албатта, Ян ҳали узок юриб ҳориб-толади, деб ўйлаб, унга ачинган бўлсалар керак. Аммо Ян бу дашту адирларда қанчалар бахтли дамлар кечирганини ўртоқлари билишмайди.

Тўғри, муздай, қаҳратон шамол Янни қийнайди, аммо Яннинг қалбида ёшлик олови ловиллаб турди. Ян ҳар сафар адирда сайр қилганида ўзинча бир бахт топди. Буни ўзиям ҳис этди. У худди шу вақт чаналарда дилдираб уйларига қайтаётган... Янга ачинаётган ўртоқларини эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

О, у Кеннеди водийсида кунботишнинг қандай ажойиб манзарасини томоша қилди! Қор қуёш нурида қип-қизарди, тераклар қирмизи рангга кирди. Окшом чўкиб, осмонда ой балқигач, тез қоронғи тушган ўрмонда сайр этишнинг ўзи гашти бор!

«Бу кунлар ҳаётимнинг энг яхши кунлари, — такрорлади у. — Олтин кунларим».

Ян Қарағайзор адирга доҳил бўлар экан, баланд овозда чўзиб кичкирди:

— Ур-р-ра!

«Балки, ўртоқларим ҳалиям ўша ерда туришгандир?» — кўнглидан ўтди унинг. Аслида ўртоқларига эмас, қалбини тўлдириб ётган хушвақт туйғуларини оламга ёйиш учун кичкирди.

Ўртоқларининг жавоб ҳайқириги ўрнида Кеннеди водийсидан бўрилар увиллаши келди. Ян тентаклиги тутиб, бўриларга тақлид қилиб увиллади. Бўрилар Яннинг увиллашига жавоб берди, у бўриларнинг жавоб увиллашини эътибор билан эшитиб, улар тўда бўлиб, ниманингдир изидан қувиб бораётганини англади. Дарҳақиқат, бўрилар ўлжасини қувиб бораётганда шундай увиллар эди.

Бўрилар увиллаши янада яқин келди, ўрмонда аксадо берди. Яннинг ҳаёлига фавқулодда шундай фикр келди:

«Улар менинг изимдаги келяпти-ку! Улар мени қувиб келяпти!»

У бораётган сўқмоқ унча катта бўлмаган дарахтзорга дуч келди. Бундай совуқда дарахтга чиқиб жон сақлаш ҳақида ўйламаса ҳам бўлар эди. Шу сабабли ҳам Ян ялангликка чиқиб олиб, қор устига ўтирди. Бир қўлини милтик стволига қўйди, яна бири билан патронларни ушлаб кўрди. Кўнгли янги, машъум туйғулар гирдобида эзилди. Ўрмондан узук-узук увиллаш эшитилди. Увиллаш янада, янада яқин келди...

Увиллаш ўзгариб, фавкулудда ўчиб қолди. Ой худди кундузгидек ёруғ. Афтидан, бўрилар Янни кўриб, дарахтзор четида туриб қолди. Ўнгда дарахт қарсиллади, чапда — яна бўрилар увиллаши эшитилди, яна сукунат бошланди.

Ян ўзининг ўраб олинганини, бўрилар дарахтларга паналаб уни таъқиб этаётганини сизди. У бўриларни нишонга олиб, бекордан-бекор кўзининг нурини тўқди. Бўрилар ақлли экан, улар бирон мартаям қорасини кўрсатмади. Ян ҳам ақлли, уям хотиржам ўтираверди. Бордию Ян қочганда, бўрилар унга ҳамла қилар эди.

Чамаси, бўрилар тўдаси унчалик кўп эмас эди, шу боисдан улар ўз ҳарбий кенгашларида Янни тинч қўйишга келишдилар. Ян йигирма дақиқалар чамаси сабр қилиб, сўнг уйига йўл олди.

Уйига келиб, ўзича ўйлади:

«Буғулар изларидан кадам товушларини, милтиқ шикирлашини эшитганда қандай ҳолга тушишини энди тушундим».

Ян Қумлоқ адирда кўпдан-кўп совуқ кунларни, аёзли киш кечаларини бошидан кечирди. У бу ерларни миридан-сиригача билиб олди. Буғулар нега юлғинларга яқин йўла-масликларини, нега уларнинг изи эман теварагида кўп учрашини энди англаб етди. Қамишлар қуриб, қорга эгилганда қандай овоз беришини, каламушлар муз остида қандай қилиб ҳаёт кечеришини, кундузлар нега адирдан пастга тушишини, музлар қаҳратон кечаларда кўчганда қандай товуш беришини энди тушуниб етди. Олмаҳонлардан қарағай гуддасини қандай қилиб тозалашни, кўзиқоринларни танлаб-танлаб ейишни ўрганди.

У яқин-атрофдаги жамики ҳовуз, ўрмон ва адирларни билиб олди. Минглаб овчилик сирларини ўрганди, аммо буғуларни қўлга туширолмади.

Ян айқаш-ўйқаш бўлиб кетган сўқмоқлар бўйлаб юзлаб миль йўл босди, буғу изларини гоҳ топди, гоҳ кўздан йўқотди. У барибир умидсизликка тушмади, чунки дайдиб юрганларида бир неча бор улкан «Қумлоқ адир буғуси» изларига дуч келди.

#### IV

Ян совуқ эрталарнинг бирида катта қарағай ўрмонига йўл олганда ов мавсуми охирлаб қолган эди. Йўлда ўрмон қирқувчига йўлиқди. У ўрмонда бир буғу билан бошида бутун бошли ўрмондай шохи бор «улкан буғу» юрганини гапириб берди.

Ян ўрмон қирқувчи айтган ўрмонга йўл олди, кўп ўтмай изларга дуч келди. Изларнинг бирови Янга бир вақтлар дарё бўйида кўрган изларни эслатди, яна бирови, шубҳасиз, «Қумлоқ адир буғуси»ники эди.

Яннинг яна ваҳшийлик қони қўзгади. У ўлжа исини олган бўридай улигиси келди.

Излар ўрмон ва адирлардан ўтди.

Ян бўри мисол из қувгани қувган бўлди.

Узун кун из олиб, ҳар бир майда нарсани эътиборга олди, бу сафар излар сапчиб-сапчиб юрмай, юмшоқ қорга ботиб-ботиб кетганини кўриб, янада хурсанд бўлди. У ортиқча кийимлари ва нарсаларини ечиб қўйиб, шовқин-суронсиз олға интилаверди.

Буғулар кун бўйи бирор егулик излаб, теваракни кезиб чиқди, баъзи-баъзида йўлларда тўхтаб, сув ўрнида қор ялади.

Фавқулодда буталар орасида нимадир кўринди. «Балки қушлармикин?»— ўйлади Ян, ўзини панага олиб, диққат билан кузата бошлади. Кулранг бутазор орасида нимадир кўринди. Ётган кулранг нарса Яннинг кўзига бир учи шохдор кундага ўхшаб туюлди. Кутилмаганда кулранг кунда кимирлади, сершоҳ новдалари юкори кўтарилди. Ян сесканиб кетди... У дарҳол тушунди, буталар орасида ётган кулранг кунда бу — буғу, «Қумлоқ адир буғуси» эди!..

Буғу жуда улкан эди! Ян буғуни зўр қувонч, эҳтиром билан томоша қилди.

Хавф-хатарсиз, хотиржам ётган буғуни отиш жиноят... Аммо Ян бу вазиятни бир ой излади. У отмаса бўлмайди.

Яннинг ҳаяжони ошгандан-ошиб, охири тоқати тоқ бўлди. Қўлидаги қуроли қалтиради, у кўнглидагидек мўлжалга ололмади. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Нафаси қайтди.

Ян қуролни туширди... Аъзойи бадани ҳаяжондан қалтиради. Бир неча дақиқа ўтиб, Ян яна ўзига келди. Қўллари қалтирамай қўйди, кўзлари мўлжални аниқ-равшан кўрди. Нимага энди бунча ҳаяжонланади, ахир, қошида турган жонивор бор-йўғи биттагина буғу бўлса!

Шу пайт буғу ўгирилди, Ян унинг гамгин кўзларини, шалпанг қулоқларини, бурун катақларини аниқ кўрди.

«Наҳотки мени ўлдирмоқчи бўлсанг?»— унинг Янга термилган кўзлари гўё шундай деяётгандай эди. Ян яна довдираб қолди... Танасини қалтироқ тутди... У бу қалтироқ «эв тўлғоғи» эканини яхши биларди. Ян бу туйғуни авваллари эъзозлар эди, айти шу дақиқада бу туйғудан нафратланиб кетди.

Ниҳоят, Яннинг кўнглидаги ваҳшийлик бугуни отишга даъват этди.

Ўқ нишонга тегмади. Улкан бугу ўрнидан сакраб турди, ёнида яна бир бугу кўринди. Ян яна отди, яна тегмади... Сўнг, кетма-кет отди...

Буғулар тепама-тепа сакраб, кўздан гойиб бўлди.

## V

Ян хийла вақтгача буғулар изидан борди, аммо уларнинг изида қон изини учратмади, буғуларни ҳатто ярадор қилолмагани алаmidан тишларини нижирлатди. Яна бир милча йўл босиб, бошқа бир изга дуч келди, баттар хуноби ошди: Бу из ҳиндулар киядиган чорик излари эди. Қаҳр билан шу изни олиб юрди, тепага чиқиб, баҳайбат ҳинду овчининг қорасини кўрди. Ҳинду дарахт кундасига чиқиб, Янга дўстона қўл силкиди.

— Кимсан? — дағдага билан сўради Ян.

— Часка.

— Бизнинг мамлакатимизда нима қилиб юрибсан?

— Бу мамлакат бир замонлар менинг мамлакатим эди.— Кескин жавоб берди ҳинду.

— Буғулар — менинг буғуларим,— деди Ян ўйчан.

— Ёввойи буғулар ҳеч кимники эмас, ўлса бошқа гап.

— Мен пойлаб бораётган излардан холисроқ юришингни маслаҳат берардим.

— Мен сендан кўркмайман,— жавоб берди ҳинду.— Пачакилашишининг ҳожати йўқ, яхши овчи ҳамиша буғуларни топади.

Хуллас, Ян ҳинду билан бир печа кун бирга бўлди. Ян буғуларни отолмади, аммо Часкадан бир қанча овчилик ҳадисларини ўрганиб олди. Масалан, ҳинду унга ҳеч қачон тепага ўрлаб чопаётган буғуларни қувмаслигини маслаҳат берди, чунки буғулар тепадан туриб пастни кузатади, изидан таъқиб қилиб келаётганини кўради, деди. У Янга изга қараб олислаб кетган-кетмаганини аниқлашни ўргатди. Буғулар яқингинада бўлганда уларни қувиш бефойдалигини айтди. Ҳинду, шунингдек, бармоқни хўллаб юкори кўтариб, шамол эсаётган тарафни аниқлашни ўргатди. Ян ўзинча ўйлади. «Ҳа-а, буғуларнинг бурни нега доим оқиб юришини энди билдим».

Часка унга овчининг барори кўпинча сабр-тоқатга боғлиқлигини ҳам тушунтирди. Овда юриш қондаларини ўргатди, шундай юрса, қор қанчалик қалин бўлмасин, келган изидан орқасига қайтиш осон бўлишини айтди.

Часка билан Ян гоҳида бирга, баъзан алоҳида ов қилди. Кунлардан бир куни Ян ёлғиз ўзи ов қилиб «Часка кўли» деб аталадиган кўл бўйида ўсиб ётган чакалаклар ичида буғулар изига дуч келди. Излар янги эди. Ян диққат билан теваракка қулоқ солди, шунда чакалакзор ичидан бир шарпа товуши эшитилгандай бўлди. Кўп ўтмай, чакалак шохчалари қимирлаганини кўрди. Ян чакалакзор ичида яна бир ҳаракат сезса отиш учун мўлжалга олиб турди. Дарҳақиқат, бир неча сония ўтгач, шохчалар орасида қандайдир кулранг бир нима кўринди. Ян отишга чоғланди. Шунда кулранг шарпа ёнида яна бир қизил шарпа қимирлади. Яна бир неча дақиқадан кейин чакалакзордан Часка чиқиб келди.

— Часка! — ҳаяжонланиб қичқирди Ян. — Сал қолди-я, отиб кўйишимга!

Ҳинду гапга жавоб бериш ўрнига бармоғи билан бошида танғиклик қизил рўмолчани кўрсатди. Ян шундагина ҳинду овчилар бошини нега қизил рўмол билан танғиб юришларини тушунди, шу кундан эътиборан ов пайтида ўзиям шундай қилишга ўрганди.

Бир неча кун ўтиб, улар майсазорларда юрадиган какликлар галасининг қарағайзор ўрмонга учиб бораётганини кўришди. Кўп ўтмай, бошқа каклик галалариям уларнинг изидан йўл олди. Часка какликларни диққат билан кузатиб, деди:

— Какликлар ўзини ўрмонга уряпти, совуқ бўлади.

Дарҳақиқат, овчилар эртаси куни совуқда олов ёқиб ўтирдилар.

Икки кун совуқ бўлди, учинчи куни улар овни бемалол давом эттирди. Аммо Часканинг омади юришмади; у йиқилиб тушиб, милтигини синдириб қўйди. Кечкурун Ян билан оловда исиниб, миқ этмай трубка тортиб ўтирди, сўнг бирдан сукунатни бузиб деди:

— Сичқонтепада ов қилганмисан?

— Йўқ.

— Яхши ов бўлади... кетдик ўшаёққа.

Ян бош ирғаб, бормайман ишорасини қилди. Ҳинду ғарб томонга қараб қўйиб, деди:

— Бугун Сиу изларини кўрдим... Энди бу ерда овнинг барори келмайди...

Ян Часканинг қарори қатъий эканини билди. Часка кўздан ғойиб бўлди, Ян у билан бошқа учрашмади. Кербери дўнгликлари оралиғида жойлашган ягона кўл эса ҳали-ҳамон «Часка кўли» деб аталади.



## VI

«Кербери якинида буғулар тўдаси пайдо бўлибди. Яқинда Кеннеди водийси билан ўрмон қирқиладиган жой ўртасида буғу юрганини кўрибдилар».

Ғарбга кетиб қолган Ян олган хатларида шундай гапларни ўқиди. У ғарбда кўнглига ўтирмайдиган бир хил ҳаёт кечирди. Хатни ов мавсуми бошланиши арафасида олди. Унда бу хатсиз ҳам ов тўлғоғи бошланган эди. У авваллари иккиланиб юрган бўлса, хат унинг иккиланишларига чек қўйди. У темир отларда қадрдон адирларга йўл олди. Кейин, тирик отларда йўл юриб, уйига етиб келди. Яна сўнгсиз ов сафари бошланди.

Кўп ўтмай Яннинг кулоғига кўл бўйида буғулар галаси юргани, улар етгита экани, йўлбошчиси жуда улкан экани тўғрисидаги гап етиб келди.

Ян уч нафар овчи билан чаналарда шу кўлга йўл олди.

Хиёл ўтиб овчилар буғу изларига дуч келди. Изларнинг олтитаси турли ўлчовда эди, еттинчиси эса жуда катта бўлиб, бу, шубҳасиз, «Қумлоқ адир буғу»сининг излари эди.

Овчиларда тош асрининг ёввойи одамларига хос қонхўрлик қони кўзгади! Кўзлари очкўзларча ёниб, буғулар изидан тушди!

Қоронғи чўкай деб қолди. Овчилар буғулар галасини қувиб етди. Яннинг ҳар қанча ялиниб-ёлворишига қарамай, овчилар чанани қолдириб кетмадилар.

Кўп ўтмай қорли тепаликда жуда янги изга дуч келдилар. Афтидан, буғулар шу ерда тўхтаб, изларидан қувиб келаётган овчиларни кузатган, сўнг турли тарафга тарқаб кетган эдилар. Уларнинг ҳар бир сапчиши йигирма беш фут келар эди.

Овчилар из қувиб юравериб, барибир буғуларни тополмади. Қоронғи тушди, овчилар қор устида тунади.

Эрталаб яна йўлларида давом этиб, буғулар тунаган ерга етиб келдилар. Қорда қолган етгита тана из бу ерда ҳайвонлар ётганини айтиб турар эди.

Ян яна чанани ташлаб кетишни талаб қилди. У сезди, излар катта ўрмонга қараб боряпти. Қарқур қичқириб, дарахтлар узра кўтарилди — демак, буғулар чангалзор оралаб бормоқда.

Ян овчиларга қандай йўл тутишни маслаҳат берди, ammo улар эшитишни исташмади. Оқибат, улар иккига бўлинди. Иккови бир тарафга, яна иккови бошқа тарафга йўл олди.

Ян шериги Дуфф билан иккови бир жуфт буғу изларига дуч келди. Шубҳасиз, бу изларнинг бирови икки йилдан буён Яннинг оромини бузаётган улкан буғу излари эди.

Улар буғуларга бир чангалзорда етиб олишди, аммо кўз очиб юмгунча бўлмай, буғулар кўздан гойиб бўлди. Ян шеригини буғуларнинг бири изидан юборди, ўзи улкан буғу кетидан кетди.

Кун қиёмдан оғди. Ян нотаниш бир жойга тушиб қолди. У буғуни келиб ўрганган жойидан олисроққа ҳайдади. Буғу жуда яқин қолди, Ян ҳадемай уни кўради. Худди шу пайт кетма-кет милтиқ отилди. Буғу сакраб-сакраб Яндан олислаб кетди. Энди уни қувиб етиб бўлмайди. Буғу бундай тезлик билан жуда кўп чопиши мумкин.

Ян изига қайтиб, шеригини топиб олди. Дуффнинг айтишича, у буғуга кетма-кет икки марта ўқ узибди. Иккинчи ўқим мўлжалга теккан бўлса керак, деди. Улар худди шу буғу изидан кетди.

Улар ярим милча юриб, қонга кўзлари тушди, қон бора-бора йўқолди, аммо излар борган сайин катталашиб, аниқлашиб борди. Бўрон туриб, қор изни учириб кетди. Аммо Ян бу изларни оддий буғунинг эмас, балки шохдор буғунинг излари деб тахмин қилди. У ишонч ҳосил қилиш учун изни олиб, орқага қайтди. Ҳа, Ян ҳақ эди. Улкан буғу бу сафар жониворлар таъкиб остига олинганда қўллайдиган қадимги усулни қўллаган эди: у ярадор ҳамроҳи тесқари томонга қочиб қолишига имконият яратиш, шу билан уни қутқариб қолиш учун айнан босган изидан кетига қайтиб келган эди.

Овчилар бу макрга учишмади. Улар ярадор буғу изидан борди, оч бўридай олға талпинди.

Улкан буғу ўз макри барбод бўлганини билиб, яна ҳамроҳи олдига қайтиб келди. Кун ботаётганда овчилар уларни қорли адирга ўрлаб бораётганда кўрди. Кичик буғу бошини қуйи эгиб, аста-аста борар, улкан буғу эса олдинда шошиб-пишиб борарди. Улкан буғу кейинда қолаётган ҳамроҳига ҳайрон бўлиб қараб-қараб кўярди. Изига қайтиб, ҳамроҳини меҳрибонлик билан ялаб-юлқар, афтидан, шошилишга ундарди.

Овчилар уларга етиб олди. Улкан буғу овчиларни кўриб, шохларини силкиди, теваракка аланг-жаланг бўлди, сўнг ҳимоя, курашиш фойдасизлигини билиб, елдай учиб кетди.

Овчилар етиб келганда ярадор буғу ўрнидан туришга интилди. Ўта ҳолсизлигидан яна йиқилиб тушди. Дуфф пичоғини чиқарди. Ян ҳалигача овчилар нега белбоғларига узун пичоқ осиб юришларини билмас эди, энди билди.

Ярадор буғу катта-катта кўзларини ғанимига тикди. Унинг кўзларида ёш ўйнарди. Аммо у инграган товуш чиқармади. Ян тескари ўгирилиб, юзларини яширди. Дуфф қўлида пичок билан буғуга яқин борди, шундай машъум бир иш қилдики, уни ифодалашга сўз ожизлик қилади.

Ян серрайганича қотиб қолди. Дуфф уни чақирди. Ян аста бурилиб, кетига қаради. Улкан буғунинг ҳамроҳи қорда жонсиз сулайиб ётар эди.

Улар кетаётганларида олисда қандайдир бир қора кўринди-ю, яна тепалик ортида ғойиб бўлди.

Бир соатлардан кейин овчилар чаналарни олиб келиб, қорда қонга бўялиб ётган буғу мурдасини ортди. Улар яна теварак-атрофда улкан-улкан янги изларни кўрди, яна қоп-қора тунда оппоқ оқариб ётган адирда нимадир қорайиб кўринди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Шу кеча гулхан ёруғида исиниб ўтирган Яннинг хаёлидан ғамгин, оғир ўйлар кечди! У ўзини-ўзи койиди. Ов дегани шуми? Шуни деб шунча сарсон-саргардон бўлдимми?

Ҳа, у кўп кунлик ташвишлар, қатор омадсизликлардан кейин кўзлаган ниятига етди: табиатнинг гўзал бир бисоти қонга бўялган, жирканч мурдага айланди...

## VII

Тун хотиралари эрталаб тарқалди. Адирлар узра увиллаган овоз таралди, Ян диққат билан эшитди. У, бўрилар буғу мурдасининг ҳидини олдимикин, деган ташвишга тушди.

Овчилар шу яқиндаги қишлоққа жўнашди. Ян қандай қилиб ўзи ёлғиз қолиш йўлини ўйлади. Шунда у яна улкан буғунинг янги изларига дуч келди. Йигитча ўзини тутолмади, у буғу қувиш иштиёкида ёнди.

«Мен уни яна бир кўришим керак»,— аҳд қилди у.

Бошқа овчилар эса аёзли совуқдан безор бўлди. Ян нарсалар ичидан кичкина қозон, адёл ва егулик олиб қолиб, шерикларидан ажралиб қолди.

— Хайр! — кетаётиб кичқирди у.

— Омадингни берсин!

Овчилар ва чаналар тепа ёнбағрида кўздан ғойиб бўлди. Ян ёлғиз қолди. У шу қушгача ёлғизлик нималигини бу даражада ҳис қилмаган эди. У ҳафталаб, ойлаб бийдай адирларда ёлғиз кезиб юрган, аммо ёлғизлик дардидан бугунгидай азобланмаган эди. Уни оғир ҳислар босиб кела бошлади. У чексиз оппоқ оламга назар солиб, юраги

сикилиб кетди. У шерикларига кичкиргиси, уларнинг изидан боргиси келди, аммо ғурури йўл бермади.

Шериклари эса аллақачон кўздан ғойиб бўлган, энди уларнинг кетидан бориш, уларни чақириш фойдасиз эди. У бугу изидан, икки йилдан буён унга тинчлик бермаётган бугу изидан йўл олди. Бу излар адир ва далалар бўйлаб юриб айқаш-уйқаш бўлиб кетган, агар инсон бу излар сирини англаб етганда эди, унда жониворларнинг девона ҳаёти қиссаси пайдо бўлар эди. Агар инсон бу излар сирини англаб етганда эди, у олғир рақиб билан бўлган даҳшатли тўқнашувлар қиссасини, қонли олишувлар оқибатида жон берган жониворлар қисматини билиб олар эди. Ҳаётдан мақсади фақат қорин тўйғазиш бўлган яқин-яқин замонларда инсон жониворларни усталик билан таъқиб этди, жониворлар изи инсон тўйиб овқат ейдиган манзилга олиб борадиган яккаю-ягона йўл эди. Шу сабабдан ҳали-ҳалигача инсон жониворлар изини кўрганда қалбида уни қидириб топиш, унга эга бўлиш истаги туғилади, кўнглида ёввойи овчиларга хос ҳайвоний инстинкт пайдо бўлади.

Ян ана шундай енгиб бўлмас туйғулар гирдобиди қолди, бугуни қўлга тушириш учун югурди.

Кечкурун қалин бир тоғтеракзорга етиб келди. Ян сизди, бугу худди шу ерда тунагани тўхтаган. Шу боисдан дарахтлар орасидан жуда эҳтиёткорона, пусиб юрди.

Аммо унинг эҳтиёткорлиги зое кетди. Бугу уни пайқаб қолиб, қочиб кетишга улгурди.

Ян ачиниб, қахрланиб қолаверди. Ўрмонда тунаб қолди.

Тун совуқ ва қоронғи эди.

У ётиб, ёнига ағдарилди, адёлга ўраниб олди. У табиат ўзига тулкиникидай иссиқ тери ва сержун дум бермаганига ўқинди, борди-ю, берганда ҳозир совуқдан қалтираётган оёқ-қўлини ўраб оларди.

Дарахтлар ва ерлар совуқдан қирсиллади. Осмондаги юлдузлар ҳам совуқда жаранглаб овоз бергандай бўлди. Шу яқиндаги қўлдан қарсиллаган овозлар келиб турди: қирғоқда муз сина бошлади. Қўл ва ўрмон устидан юзни ачиштирадиган аччиқ шамол эсди.

Бир бўри олисдан туриб гулхани кузатди, аммо яқин келолмади. Аянчли увиллаб, кўздан йўқолди.

Эрталаб ҳаво пича илиқ бўлди. Қор гупиллаб ёғди. Қорбўрон бугу изларини кўмиб юборди.

Ян ўзининг қаерда эканини билолмади. Ўрмонда мақсадсиз тентираб юриб, Қарағайзор булоққа боришга аҳд қилди. Лекин уёққа олиб борадиган йўлни қандай топади? Ҳавода қор учади, кўз очиргани қўймайди, юзни чимчилай-

ди, теварак-атрофни кўрсатмайди. Яқин нарсалар туман ичида қолган, олис-олислар оппоқ ғуборга бурканган. У шунда тоғтеракзор оралаб юриб, қор остидан «олтин томирлар» номи билан машхур ўсимликнинг қуриган танасини излаб топди. Бу ўсимлик танаси ҳаминиша шимолга талпиниб туради. Ян шу ўсимлик эгилган тарафга қараб йўлни белгилаб олди. У Қарағайзор булоқ оқадиган жануби-шарққа қараб йўл олди. Йўлдан адашган пайтлари қор қовлаб, олтин томирни топди ва унинг оғишига қараб йўлини топиб олди.

Ниҳоят, ўрмондан чиқиб, олисда Қарағайзор булоқни кўрди.

Ян буғу изларини излаб, кунни бекор ўтказди. Тунда яна гулхан ёқди, яна патли, иссиқ тери инъом қилмагани учун табиатдан ўпкалади. Шу биринчи тунда ияги билан оёқлари бармоғини совуқ олдириб қўйди. Совуқ олган аъзолари қақшаб оғриди. Аммо у уйга қайтишни хаёлига ҳам келтирмади. Шу сафар буғуларни топсам керак, деган ички бир ишонч уни йўлдан қайтариб турди.

Эртаси эрталаб қандайдир ажабтовур, англаб бўлмас бир туйғу уни бийдай ёйилма оралаб кезиб юришга мажбур этди, ваҳолонки, бу ерларда буғу изларидан ном-нишон ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кейин нима бўлди? У қаршида буғулар тунайдиган жарни кўрди. Ҳали қор ёпмаган олтига қорайиб турган чуқурча, бу ер улкан буғу билан оила аъзолари тунайдиган бошпана эканидан далолат берарди.

Ян ҳали тўрт миль ҳам босмаган эди, туман қоплаган узун тепалар ортидан қулоқларини динг қилиб беш нафар бош кўринди, кейин сертармоқ шохларини кўрсатиб улкан йўлбошчи буғу пайдо бўлди. Улар бир кўринди-ю, яна кўздан пана бўлди. Ян ҳатто мўлжалга олишга ҳам улгуролмади, жониворлар хуркиб, тепалар ортида ғойиб бўлди.

Улкан буғу ўз оила аъзоларини йиғиб, улар билан қорли тепалар бўйлаб айланиб юрган эдилар. Йўлбошчи ғанимини кўрди-ю, оила аъзоларига водий бўйлаб тарқаб кетишни буюрди, оқибат, ҳаммаси бирпасда турли тарафга сочилиб кетди.

Ян фақат бир нарсани — йўлбошчи буғунини топишни ихтиёр этди. У чакалак ва узун хивич новдалари қалашиб ётган торғина жарликка йўл олди, худди шу ердан Қарағайзор булоқ оқиб ўтарди.

— У шу ерда, худди шу ерда бекиниб мени пойлаяпти, мен барибир уни қўлга тушираман.— Аҳд қилди Ян.

У чакалакзордан кўз узмади. Ярим соатлардан кейин бир қора шарпа чакалакзордан чиқиб, эҳтиёткорлик билан тепалар бўйлаб юрди. Буғу кўздан пана бўлгач, Ян ёйилмани шошиб кесиб чиқди, уни айланиб ўтиб, жониворнинг олди-дан чиқмоқчи бўлди. Аммо буғу овчидан пишиқроқ экан. У овчининг мақсадини сезиб қолиб, ўзининг олдинги келган йўлидан юриб, ғойиб бўлди.

Буғу ўз тақдири ҳал бўлаётганини яхши билар эди. Таъқиб кетма-кет бир неча кун давом этса, энг кучли ва энг чопқир буғу ҳам ҳолдан тояди. Овчи тинимсиз қувса, жонивор дармони қуриб, ўзини-ўзи овчининг қўлига топширади.

Шундай қилиб, Ян ўлжасини оппоқ далалар ва тепалар оралатиб тинимсиз қувди. Буғу унга чап берди, ўз изидан юрди, овчининг яқинлашганини сезиш осон бўлсин учун чакалакзорнинг шамол эсаётган тарафига яшириниб турди. Жонивор инсонга панд берди, уни лақиллатиб изидан эргаштириб юрди, сўнг бирдан ғойиб бўлиб, инсонга ечиб бўлмас жумбоқ ташлаб кетди. Аммо Ян ҳам бўш келмади, у матонат билан қувишда давом этди, буғунинг макрларини англаб олди, изларини қидириб топди.

Ниҳоят, улкан буғу ҳолдан тойди, овқат еёлмайдиган, ухлай олмайдиган даражада чарчади. Тинимсиз таъқиблар ваҳимаси оқибатида дармони қуриб, шалпайиб, сапчишлари торайиб қолди. У қўлга тушишга рози бўлди.

## VIII

Ниҳоят, овчи билан буғу тевараги ботқоқзор бир ўрмончада юзма-юз бўлди. Ўрмонга келадиган йўл учта бўлиб, бу йўллар гўё овчи билан буғунинг сўнгги, машъум учрашувига мўлжаллангандай эди.

Ян иккинчи йўлдан юрди, камзули билан белбогини ечиб, бутага илиб қўйди, ботқоқзорга қараб юрди.

Чангалларни шитирлатиб юборишидан қўрқиб, жуда эҳтиёт билан учинчи йўлдан юрди, буталар орасига яширинди. Бир оз тин олиб ўтириб, худди бирор хавфни сезган сойқадек ҳуштак чалди.

Буғулар ҳамниша сойка овозига қулоқ солади. Ян ўтирган еридан кўрди, улкан буғу қулоқларини динг қилиб, теваракни кузатиш учун дўнгликка чиқиб келди. Яннинг сокин хуштаги буғуни серрайтириб қўйди. Буғуни чангал ва дарахтлар пана қилиб турди.

Буғу бир неча дақиқа тумшугини чўзиб, олисларга қараб турди. У Янга орқасини ўгириб тургани учун унинг



яқинлигини сезмади. Шамол бутага осиеглик камзулнинг енгларини хилпиратди. Буғу дўнгликдан шошиб тушди, дарактлар орасидан шарпасиз юриб, жимгина ғойиб бўлди.

Ян диққатини бир ерга жамлаб, буғунинг қайси тарафга йўл олганини билмоқчи бўлди. У ҳаяжондан қалтиради, бутун аъзойи бадани жунбишга келди, юраги дук-дук урди. Милтиғи аллақачон отишга шай эди.

У авайлаб, секин ўрнидан турди. Шунда, ундан уч саржин наридан худди ердан чиққандай яна бир шарпа кўтарилди. Бу шарпа улкан буғу — «Кумлоқ адир буғуси» эди!

Бир жуфт қоп-қора кўзлар Янга қадалди. Сертармок шохлари улкан, чиройли бошига ярашиб тушган. Хушбичим қомати тошдай қотиб турибди.

Мана, ниҳоят, Ян билан «Кумлоқ адир буғуси» юзмаюз бўлди! Буғунинг тақдири Яннинг қўлида қолди.

Буғу ҳайкалдай қотиб қолди. У ўзининг йирик-йирик, зийрак, ҳалол кўзларини Янга тикиб тураверди.

Яннинг милтиқ ушлаган қўли қалтиради. У қуролини кўтариб, яна туширди, чунки буғу жойидан қимир этмай, ундан кўзини узмай тураверди.

Ян шунда ҳаяжони босилаётганини ҳис қилди; тишлари энди ғижирламай қўйди, у қалбида қандайдир бир сокинлик, хушвақтлик сезди.

«От, тезроқ от! Сен шу кунга етдинг!» — қалбидан шундай бир нидо келди. Аммо бу нидо жуда бетайин, ожиз эди...

Шунда Ян ўз бошидан кечирган кўрқинчли бир тунни эслади, ўшанда уни бўрилар тўдаси таъқиб этган, у ҳолдан тойиб, бўриларнинг яқин келишини даҳшат билан кутиб турган эди. У, шунингдек, отиб ўлдирилган буғу ва қонга беланган қорни эслади. Хаёлига жон бераётган буғунинг илтижо билан жовдираб боқаётган кўзлари келди, бу кўзлар: «Мен сизга нима ёмонлик қилдим?» дея илтижо қилаётгандек эди.

Ўлдириш тўғрисида энди ўйламаса ҳам бўлади. Ян буғуга, буғу унга тикилди. Улар бир-бирларининг кўзидан кўнгилларидаги дардларни уқиб олди. Ян унинг ҳаётига суиқасд қилолмади. Кўнглида аллақачон пайдо бўлган нимадир етилгандан-етилди, пишиб меъерига етди ва бирдан дилидаги тилига отилиб чикиб, нидо берди.

Мана шу нидо:

«Эй бечора, гўзал жонивор! Биз кўп вақтлар бир-бири-мизга ғаним бўлдик, сен қочдинг, мен қувдим. Бўлган иш бўлди, ўтган ишга салавот. Энди бир-биримиз билан бетма-бет, кўзма-кўз бўлдик, биз табиат деб аталмиш бир



онанинг фарзандларимиз. Биз ўзаро тиллашолмаймиз, аммо бир-биримизнинг ҳаракатимизни ва кечинмаларимизни яхши тушунамиз. Мен сени авваллари билмас эдим, энди эса яхши биламан. Ишончим комилки, сен ҳам мени яхши билиб олгансан. Сенинг тақдиринг менинг кўлимда, лекин сен мендан ҳайиқмаяпсан. Айтишларича, бир буғуни итлар ўраб олибди, шунда буғу паноҳ излаб овчига талпинибди, овчи уни кутқариб қолибди. Мен сени кўп кунлар таъқиб этдим, мана энди сен қаршимда бемалол турибсан. Қўрқма, мен энди сенга икки дунёда ҳам кўл кўтармайман. Биз — оғайнилармиз, табиатнинг ноёб бисотларимиз, фақат мен сендан кексароқ ва қудратлироқман, холос. Менинг қудратим сени ҳамиша ўз паноҳига олганда эди, сен абадий хавф-хатарсиз яшаган бўлардинг.

Бор, ўрмонзор, адирлар оша чопқиллаб юр, қўрқма, мен энди сени бўридай ёвузларча, очкўзларча таъқиб қилиб юрмайман. Яшаганим сайин, сен менга қадрдон бўлиб қолаверасан, мен энди сенга ўлжага, бир парча гўштга қарагандек қарамайман.

Бор, қўрқмасдан, бемалол кетавер.

Биз энди бошқа кўришмаймиз. Алvido!»

## Б И Н Г О

### I

Бу воқеа 1882 йилнинг ноябрь ойи бошларида бўлди. Ой бошида Манитобга қиш кириб келди. Мен стулга ёйилиб, кулбамизнинг яккаю ягона деразасидан кўринаётган дашт-ни, оғилхонамизни томоша қилиб ўтирдим.

Бир нимага кўзим тушиб, хаёлим бирдан бўлинди, улкан бир жонивор дашт бўйлаб қочиб, бизнинг оғилхонага йўл олди, изидан бир кичкинагина, ола-була жонивор қувиб келди.

— Бўри! — дедим ўзимга-ўзим, сўнг милтиқни олиб, итга ёрдам бергани югурдим.

Аммо мен боргунимча бўри билан от оғилхонадан чиқиб қочди. Бўри қорда бир оз югуриб, тўхтади, ўзини ҳимоя қилишга шайланди. Қўшнимизнинг насл-насаби шотланд лайча ити бўрини айланиб чопиб, ҳамла учун қулай вазият пойлади.

Мен бўрини олисдан икки бор нишонга олдим, аммо ҳар икковидаям хато кетдим. Бўри билан ит яна дашт оралаб қувишиб кетди. Ит бўрига ҳар яқинлашганда,

аввало унинг қўймичига ёпишди. Бўри ўзини химоя қилиб, дашт бўйлаб кўзига қарамай қочди. Ит уни одам бор жойга қараб қувди, бўри эса мақсадсиз орқасига қараб қочди, шарқ тарафда қорайиб кўринадган ўрмонларни мўлжаллаб чопди. Улар гоҳ олишиб, гоҳ қувишиб, бир милча йўл босди, ниҳоят мен уларга етиб олдим, ит менга ишониб, узил-кесил ҳамлага ўтди.

Бир неча дақиқа ўтди. Икки жонивор ола-тасир олишиб, ажрашди, шунда ерда чалқанча ётган бўрига, унинг томоғидан ғиппа тишлаб турган итга кўзим тушди. Мен учун бўрининг бошини нишонга олишдан бошқа иш қолмади.

Қўшнимизнинг бу фаройиб лайчаси бўрининг жони узилганини билгач, унга қайрилиб қарамадиям. У қорда ликиллаб, эгасининг тўрт милча наридаги фермасига йўл олди.

Лайча ноёб ит эди, у мен бормасам ҳам бир ўзи бўрини тинчитарди. У ўзидан қудратли бўрини енгди. Кейин билсам, бу унинг ҳаётидаги биринчи воқеа эмас экан.

Мен унинг довораклигига қўйил қолдим, уни қанча пулга бўлсаям сотиб олишга аҳд қилдим. Аммо қўшним унамади:

— Йўқ, бўлмайди, яхшиси кучугимни сотиб ола қолинг?

Шундай қилиб, Франк лақабли бу итни сотиб ололмадим, ноиложликдан бир кучукни сотиб олдим. Шундай зўр итнинг зурриёди бўлмиш бу кучук бир юмалоқ жунга ўхшарди, у кучукдан кўра айниқ боласига келбат берар эди. Аммо унинг Франкникидай оласи бор эди. Бу ва тумшуғи атрофидаги олалар унинг Франкдай ит бўлиб етилишига умид туғдирарди.

Энди кучукка от қўйишим қолди. Бу осон. Мен уни Бинго деб атадим.

## II

Шундай қилиб, Бинго қишнинг охирини бизнинг кулбамизда ўтказди. У такасалтанг, хомсемиз бўлиб, аҳмоқона ҳаёт кечирди. Ҳаминқадар семириб, кун сайин бесўнақай бўлиб қолди. У ҳатто мушукдан узоқроқ юриш кераклигини ҳам ўйлаб кўрмади. Унинг мушук билан дўст тутинишига уриниши, турган гап, мушукка ёқмади, оқибат, уларни бир неча бор таёқ билан ажратиб қўйишга тўғри келди.

Шунда Бинго ҳаётга жуда эрта мустақил қадам қўйди: кулбани тарк этиб, бостирмага бориб яшай бошлади.

Баҳор келгач, мен Бингонинг тарбияси билан жиддий

шуғуллана бошладим. Кўп тер тўқдим, Бинго эса роса қийналди. У ҳадемай менинг амримга биноан даштда ўтлаб юрган қари, сариқ молимизни қидириб топиб кела бошлади.

Кўп ўтмай, бу иш Бингога ёқиб қолди, у зўр иштиёқ билан молимизни уйга ҳайдаб кела бошлади. Имо қилишим билан хушчақчақ хуркиб, даштга қараб чопди, ердан баланд-баланд сакраб, молимизнинг қаерда ўтлаётганини излади. Хиёл ўтмай молимизни олдига солиб, лўкиллатиб ҳайдаб келди. Молимиз пишкириб, ҳарсиллаб, оғилхона бурчагидаги ўз паккасига жойлашгандан кейингина Бингонинг кўнгли тинчиди.

У молни ҳайдаб келишга ҳаддан зиёд берилиб кетмаганда эди, биз уни ўз ҳолига қўйиб қўярдиқ, лекин у энди Донни лақабли бу молни бизнинг амримизсиз ҳам олдига солиб келадиган бўлди. Охир-оқибат шу даражага бориб етдики, у мол бечорани бир-икки эмас, кунига ўн икки марталаб ҳайдаб келадиган бўлди. Шунчаки югургиси келса ё бекорчи бўлса, ёки хаёли оғса ҳам тўғри даштга қараб югуриб, хиёл ўтмай бечора молимизни олдига солиб келаверди.

Аввал-аввал Бингонинг бу иши фойдалидай туюлди; чунки мол уйдан олислаб кетмай, шу яқинда юради. Кейинкейин итнинг бу иши молни безор қилди. Мол ориқлаб, кам сут бера бошлади. Капалаги учиб, теваракка олазарак боқиб, итнинг қачон пайдо бўлишини пойлайдиган бўлди. Эрталаблари оғилдан чиқмай, қўрққанидан даштга ўтлагани боролмайдиган бўлиб қолди.

Бинго ҳаддидан ошиб кетди. Уни йўлидан қайтаришлар самарасиз бўлди, оқибатда уни зўрлаб тийиб қўйишга тўғри келди. У Доннини бошқа кувишга юраги бетламади, лекин молни соғаетганларида оғил оғзида узала тушиб, унга тикилиб ётди.

Ёз келиб, майда чивинлар кўпайиб қолди, улар турлитуман нарсаларни булғай бошлади. Яна тагин молни соғаетганда унга айланиб, тинчлик бермади, оқибатда мол думини силкнйвериб, соғдиргани қўймади.

Сигирни соғаетганда укам Фред мол думини ликиллатмасликнинг йўлини ўйлаб топди. У сигирнинг думига ғишт боғлаб қўйди, у энди думини силкинмаслигига амин бўлиб, соғишда давом этди. Биз унинг бу ишига ишонқирамай қарадик.

Ишонмаганимизчаём бор экан, кутилмаганда чивинлар айланаётган ердан тарс этган товуш ва сўкниш эшитилди.

Мол бамайлихотир кавш кайтараверди, Фред эса ўрнидан сапчиб туриб, аччиқ билан унга стулни отмоқчи бўлди. Аччиқланмай бўладими ахир, мол думини силкиб, ғишт билан Фреднинг кулоқ-чаккасига солди! Қараб турганларнинг заҳарханда кулгиси эса уни баттар эзди.

Бинго ғала-ғовурни эшитиб, жанжалга аралашишни ўзининг бурчи деб билди ва молга нариги тарафидан ҳамла қилди. Босди-босди бўлгунча сут ерга тўкилиб, пақир билан скамейка синиб бўлди, мол билан ит эса таёқ остида қолди.

Бечора Бинго нима айб қилганини билолмай ҳайрон бўлди. Ўзи-ку, кўпдан буён молни ёмон кўриб юрарди, энди эса ҳатто унинг оғили эшигига ҳам қарагиси келмай, отхонада ётадиган бўлди.

Сигир меники, от эса акамники эди, Бинго оғилни тарк этиб, отхонага кўчиб ўтиши, айни вақтда мендан ҳам юз ўгириши бўлди. Шундай қилиб, бизнинг Бинго билан бўлган ошначилигимизга путур етди, аммо у бирор кори ҳол бўлса акамнинг эмас, менинг олдимга келадиган бўлди. Шунда у ҳам, мен ҳам инсон билан ит орасидаги яқинлик фақат нариги дунёдагина барҳам ейиши мумкинлигини англадик.

Бинго яна бир марта подачилик қилди. Бу шу йилнинг кузида Керберри ярмаркасида бўлди. Ярмаркада молларни белгиланган маълум бир жойга ҳайдаб бориш бўйича итлар ва тозилар мусобақаси ўтказилди, голиб учун икки доллар қўйилди.

Бир ўртоғимнинг ҳа-ҳаси билан Бингони ҳам рўйхатга ёздирдим, мусобақа бўладиган куни молни қишлоқ ортидаги даштга ҳайдаб юбордим. Мусобақа бошланганда мол ўтлаётган тарафни кўрсатиб амр қилдим:  
— Бор, молни ҳайдаб кел!

Турган гап, Бинго молни мусобақа ҳакамлари олдига ҳайдаб боришини истадим.

Жониворлар нима қилишни сиз билан биздан яхши билади. Бингонинг жон-жаҳди билан чопиб келаётганини кўрган қари Донни ундан фақат оғилхонага бориб қутулиши мумкин эканини тушунди, Бингонинг яккаю ягона мақсади эса молни иложи борича тезроқ оғилга қамаш бўлди. Бинго худди буғуни куваётган бўри мисол, молни дашт бўйлаб тўғри оғилга қаратиб қувди, кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлди, мусобақада ҳакамлар на итни, на молни бошқа қайтиб кўрмади. Соврин Бингонинг яккаю ягона рақиби бўлмиш бир тозида кетди.

### III

Эрта кўкламдан бошлаб Бингони тарбия қилдим, ҳадемай унинг ўзи менга ақл бўла бошлади.

Бундан икки милча нарида, бизнинг кулбамиз билан Корберри қишлоғи ўртасида фермамизнинг чегарасини кўрсатувчи симёғоч бор. Бу узун, йўғон симёғоч оли дан ҳам кўринадиган кичкина дўнгликка ўрнатилган.

Кунлар ўтиб, шу нарсани сездимки, Бинго бу симёғочни аввал яхшилаб кузатмасдан туриб, унинг ёнидан ўтмас экан. Яна бир неча кундан сўнг, бу симёғоч олдига чиябўрилар ва кўшниларимизнинг итлари ҳам келиб кетишини билиб олдим.

Мен неча бор бу симёғоч сири ва Бингонинг сирли юришлари боисини билиб олиш учун узун дурбин орқали симёғочни кузатдим.

Билсам, бу симёғоч жониворларнинг ўзаро келишувига биноан «адреслар столи» вазифасини ўтар экан. Жониворлар ўзларининг ҳид билиш қобилиятлари туфайли яқинда бу ерга қайси биродарлари келиб-кетганини билиб оларкан. Ерга қор тушганда яна ҳам кўп нарсаларни билиб олдим. Бу симёғоч ўлкадаги адреслар столи вазифасини бажарадиган белгиларнинг фақатгина биттаси экан, холос.

Бундай адреслар столи вилоятда жуда кўп экан. Улар бир-биридан маълум бир масофада жойлашган бўлиб, ҳар бири кўзга тез тешланадиган жисмлардан танланган. Масалан, ё симёғоч, ё катта тошлар. Мен янаям эътибор билан кузатиб, бутун бошли алоқа ўрнатиш тармоқлари борлигини билиб олдим.

Ҳар бир ит ёки бўри йўлида учраган «адреслар столи»-да тўхтаб, бу ерда яқинда ким бўлганини билиб олади. Бу одат бирор клуб аъзоси шаҳарга қайтиб келиб, унинг йўқлигида клубга кимлар келиб-кетганини билиб олиш учун йўқламалар дафтари кўздан кечиришига ўхшар эди.

Мен Бингонинг симёғоч олдига келиб, теваракни ҳидлаб кузатганини кўрдим. У хурпайиб хурди, кўзлари ёниб, орқа оёқлари билан ер тирнади. Сўнг кетига хўмрайиб қараб-қараб кетди. Унинг бу қараши маъносини инсоният тилига таржима қилсак, мана бундай бўлади:

«Гр-р-р, ҳап! Яна ўша Мак-Карти сассиқ кўппак келибди-да! Ҳап, бу кеча мен унинг кунини кўрсатаман, ҳап-ҳап!»

Бошқа бир куни симёғочни айланиб ҳидлаб, кутилмаганда ғазаби тошди, чиябўрининг изидан жўнади. Кейин билсам, ўшанда Бинго ўзига-ўзи шундай деган экан:

«Бу шимолдан келаётган чиябўри изи, ундан анқиётган

хид харом ўлган молнинг ҳиди... Тўғрими? Поллуартнинг Бриндл деган қари моли ҳаром ўлибди-да? Буни текшириб кўриш керак...»

У баъзан думини ликиллашиб, симёғочни айланиб чопди, яна қайтиб келди, Брендондан қайтган укаси Билль кўрсин учун изларини кўзга янада аниқ кўринадиган қилиб қолдирди. У ўйлагандек, бир оқшом укаси Билль келиб қолди, ака-ука дийдор кўришганларини нишонлаш учун адирга бориб, бир от ўлакчасини топиб баҳам кўрдилар.

Шундай вақтлар ҳам бўлдики, Бинго симёғоч олдига келиб, қалбини ларзага солувчи янгиликлар устидан чиқди. Шунда навбатдаги ахборотлар белгисига югуриб, бундан ҳам янгироқ маълумотлар олиш учун шошилди.

Гоҳида симёғочни жиддий эътибор билан кузатиб, ўзича шундай дегандай бўлди:

«Бу нима? Бу ким бўлиши мумкин?..»

Симёғочни айланиб, ўзича ўйлади:

«Адашмасам, у билан бултур ёзда сувдан сузиб ўтаётганимизда кўришган эдим шекилли?»

Бир куни эрталаб Бинго симёғоч олдига келганда жунлари хурпайиб, думи кўтарилиб, қалтирай бошлади, кўнгли айниб, ўзини ҳаддан зиёд ёмон ҳис қилди. Изни қувишдан кечиб, тўғри ўз маконига йўл олди. Ярим соатча вақт ўтди ҳамки, ўзига келолмади. Яғрин жунлари тикрайиб, кўзлари даҳшат ва нафрат билан ёнди.

Мен Бингонинг феъл-атворини, мурод-мақсадини яхшилаб билиб олдим, Бингонинг кўрқув аралаш: «Гр-р-р, ҳап!» деб ириллагани уларнинг тилида: «Ўрмон бўриси», дегани экан. Ўрмон бўриси чиябўридан улкан ва бакуватрок бўлади.

Мен Бингодан ана шуларни билиб олдим. Шундан кейин Бинго совуқ ётоғидан чиқиб, керишиб, сержун елкаларига кўнган қорларини силкиниб тўкиб, панжалари билан «тап-тап-тап» — ер тепиниб, қоронғилик сари йўл олар экан, ўзимга-ўзим айтар эдим:

«Ҳа, қари кўппаг-е! Отхонада ётгинг келмай, қаёққа бораётганингни биламан! Нимага тунлари айни бир вақтда теваракни айланишингни, ўлжа қидириб, қачон қаёққа бориш кераклигини бунчалик яхши билишингни энди англаб етдим!»

#### IV

1884 йил кузида Де-Винтон фермасининг кулбаси михлаб ташлангач, Бинго бошқа жойга кўчди. У энди

менинг қўшним ҳам ўртоғим бўлмиш Гордон Райтнинг отхонасида яшай бошлади.

Бинго ўзининг янги маконида биринчи кишни ўтказди, шу вақт мобайнида хўжайиннинг уйига деярли қадам босмади. Фақат бир фалокат бундан мустасно. Ўшанда милтиқ ва унинг гумбурлаган товуши Бингонинг юрагини ёриб юборди. У паноҳ излаб, хўжайиннинг уйига қочиб киришга мажбур бўлди.

Бинго доим отхонада тунади, совуқ қаҳрига олган тунлариям отхонадан бери келмади. У тамоман эркин, озодликда яшашни истади.

У тунлари олис-олисларда айланиб юрадиган бўлди. Кўпчилик уни таниб қолди. Бундан анча узоқда яшайдиган фермерлар Гордон чолни учратиб, агар унинг ити кечалари яна шундай изғийверса, унда уни сочма ўқ билан отажакларини айтди. Фермерлар айтганини қилди ҳам. Шундан буён Бинго милтиқни кўрса ўтакаси ёриладиган бўлиб қолди.

Олис Петрелда яшовчи бир киши улкан ўрмон бўрисини кўрганини, у киш кечаларидан бирида бир чиябўрини тилка-пора қилиб ташлаганини айтиб берди. У ўша ўрмон бўриси эмас, Райтнинг ити бўлиши керак, деди.

Қаерда совуқдан ҳаром ўлган хўкиз ёки отнинг ўлак-саси учраса, Бинго ўша ерда ҳозир нозир бўлди, чиябўриларни ҳайдаб юбориб, ўлжани ўзи пок-покиза туширди.

У баъзан узоқ қўшнилариимизнинг итлари билан уришгани борадиган бўлди. Бингонинг юриш-туриши қанчалик хавф-хатар остида бўлмасин, биз унинг эсон-омон юришига ишончимиз комил эди.

Бир киши учта боласи бор чиябўрини кўрганини, болалари онасидан кўра улкан, қора туслилигини, тумшуклари ола эканини айтиб қолди. Дарҳақиқат, мартнинг охирларида чана билан кетаётиб, қутилмаганда шу чиябўрига дуч келдик. Чиябўри сойдан отилиб чиқиб, қоча бошлади. Бизнинг изимиздан қадам-бақадам чопиб келаётган Бинго чиябўрини қувиб кетди. Чиябўрининг югуришига қараганда, у таъқибдан унчалик ҳам ҳайиқаётганга ўхшамасди. Хиёл ўтмай Бинго унга етиб олди, лекин ҳеч қандай олишув содир бўлмади. Аксинча, Бинго у билан дўстона ёнма-ён чопиб, унинг тумшугини ялади.

Биз ҳайрон бўлиб, Бингони чиябўрига олқишладик. Бизнинг қичкириқларимиз чиябўрини кўрқитиб юборди, у қадамини тезлатди. Бинго яна унга етиб олиб, у билан дўстона искашди.

— Бу она бўри-ку! У она бўрига зиён бермайди! — гап нималигини билиб қичқирдим мен.

Охир-оқибат Бингони зўрлаб олиб кетишга тўғри келди.

Шу воқеадан кейин чиябўрилардан балога қолдик, улар ҳафталаб бизга тинчлик бермади, товукларимизни олиб кетди, уй чеккасидаги омборхонадан чўчка гўштаримизни ўғирлаб қочди, бизнинг йўғимизда деразадан мўралаб, болаларни кўрқитди.

Бинго уйни кўриқлагиси келмай, чиябўриларга эрк бериб қўйди. Ниҳоят, чиябўрини ўлдиришди. Бинго бундан қаттиқ ғазабланди. Чиябўрини ўлдирган Оливерга нисбатан ўзича уруш эълон қилди.

## V

Инсон билан ит дўстлиги ажабланарли, кўнгилни тобловчи иш!

Бутлер олис шимолдаги бир ҳиндулар қабиласи ҳақида гапириб берди. Айтишича, иккита қабила ички низолар оқибатида бир-бирини йўқ қилибди. Жанжал бир қабилага мансуб ҳиндунинг итини иккинчи қабилага тааллуқли кўшниси ўлдириб қўйганидан бошланибди. Бизда ҳам итлар туфайли ички низолар, ҳатто уруш-жанжаллар бўлиб туради, лекин биз: «Эгасини иззат қилган — итиниям иззат қилади», деган қадимги таомилга амал қиламиз.

Кўшниларибиздан бирининг Тан лақабли ажойиб бир тозиси бор. Кўшнимиз уни оламдаги энг яхши ва энг ажойиб ит деб билар эди. Мен кўшнимизни ҳурмат қилардим, шу боисдан итиниям сийлардим. Бир куни шу Тан оғир яраланиб, уйига зўрга эмаклаб келди, остонадаёқ зорланиб ингиллай бошлади. Кўшнимиз қаттиқ қайғуриб, агар Тан ўлиб қолса, унинг учун қасос олишга тайёр эканини билдирди. Мен кўшнимизга ҳамдардлик билдириб, ўша золимни қидириб топишга тушдим, унинг боши учун ширинкома атадим. Кўп ўтмай, жануб тарафимизда яшовчи ҳар уч одамнинг биттаси бу разил ишда иштирок этганини аниқладим. Биз унга даъво қилдик, аблаҳни бечора Тanning машъум ўлими учун жавобгарликка тортмоқчи бўлдик.

Бироқ фавқулудда бир ҳодиса содир бўлиб, менинг даъволаримни бутунлай чиппакка чиқариб юборди, мен учун тозининг ўлими кечириб бўлмайдиган разиллик эмас, балки босди-босди қилиб юборса бўладиган шунчаки бир жиноятдек туюлди.

Гордон Райтнинг фермаси жануб тарафга чўзилиб кетган эди. Мен бир куни қотилни излаб шуёқларга бориб қолдим. Гордоннинг укаси нима мақсадда юргангани пайқаб, мени четга тортди, теваракка ғамгин аланглаб, дардли овозда деди:

— Танни Бинго ўлдирди...



Шу билан югуриб-елишларимичи бас қилдим, шу дақиқадан эътиборан адлиячиларни чалғитишга урийдим.

Мен Бингони аллақачон кўшнимизнинг ихтиёрига бериб юборган эдим, лекин у билан ҳалиям дўстона алоқамиз бор эди, энди дўстлигимизни яна бир бор амалда кўрсатишга тўғри келиб қолди.

Кекса Гордон билан Оливер қалин ошна эдилар. Улар қиш ўрталаригача биргалашиб ўрмон кесдилар. Кейин Оливернинг қари оти ўлиб қолди, у от ўлигини судраб, даштга олиб бориб ташлади, унга бўриларга мўлжалланган заҳар сепиб қўйди.

Бечорагинам Бинго! У бўриларча яшашни истарди, оқибатда уям бўриларнинг кунини кўриб, ҳаёти доим хавф-хатар остида кечарди. Бинго ҳам бўрилар каби от ўлигини яхши кўрарди. У шу кечаси ҳам Райтнинг Кёрли лақабли ити билан от егани жўнади.

Заҳар ўз кучини кўрсатиб, от теварагидаги базми жамшид ниҳоясига етди, улар ийўлда оғу таъсирида бўлганича бўлишиб, маконларига зўрға етиб келди, Кёрли эгаси Гордоннинг оёқлари остига ўзини ташлаб, не азобда жон берди.

Эгасини иззат қилган — итиниям иззат қилади!

Турли хил ўз-ўзини оқлашлар, фалокатга йўйишлар фойда бермади. Бингонинг Оливерга нисбатан бўлган эски нафрати янада олов олди. Райт билан Оливернинг ҳамкорликда ўрмон кесиш ишлари барҳам еди, ўрталаридаги ошначилик иплари узилди. Кёрли ўлими туфайли ҳали-ҳамон давом этиб келаётган икки қарама-қарши гуруҳ пайдо бўлди.

Бинго бир неча ой деганда оғу захридан фориг бўлди. Биз у энди бурунги довурак, кудратли Бинго бўлолмайдими, деб қайғулардик. Аммо у баҳор келиши билан яна куч-қувватга тўла бошлади.

## VI

Ҳаётимдаги баъзи бир ўзгаришлар Манитобдан олис-олисларга кетиб қолишимни тақозо этди. 1886 йилда яна қайтиб келсам, Бинго ҳалиям Райтнинг уйида юрган экан. Мен икки йиллаб бу ерда бўлмадим, Бинго мени эсидан чиқариб юборган бўлса ҳам керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундай эмас экан. У қиш бошида икки кунлаб ғойиб бўлиб кетиб, учинчи кун ийўғон қозикли бўри қопқонни судраб келди. Қопқонга тушган оёғини совуқ олиб, тошдай қотиб қолган эди. Уни қопқондан халос этишга

хеч кимнинг юраги бетламади, чунки ким олдига яқин борса ириллайверди. Шунда мен унга яқинлашиб, бир қўлим билан оёғини, бир қўлим билан қопқонни ушладим. У менинг қўлимга оғиз солди.

— Бинго, мени танимаяпсанми?

У дарров қўлимни қўйиб юборди. Қопқонни оёғидан олаётганимда кўп ингиллади, аммо қаршилиқ қилмади. У мени кўпдан буён кўрмаган бўлса-да, аммо мени ўз эгаси деб билди. Гарчи уни бировлар ихтиёрига бериб юборган бўлсам-да, мен ҳам уни ўзимнинг итим деб билдим.

Гарчи Бинго истамаса-да, барибир уни уйга олиб киришди, ичкарида оёғига ёнишган музлар эриб тушди. У бутун киш давомида оқсаб юрди, совуқ олган иккита бармоғи куриб, узилиб тушди. Қушлар исиши билан у яна куч-қудратга тўлди.

## VII

Мен ўша қишда қопқон билан жуда кўп бўри ва тулки тутдим. Баҳор келгандаям қопқонларни йиғиб олмадим, чунки йиртқичларни йўқ қилаётганим учун пул олар эдим.

Кеннеди текислиги қопқон қўйишга қулай ер, чунки ундан одам юрмайди. Текислик куюк, зич ўрмонлар орасида жойлашган. Мен у ерда ов қилиб, кўп мўйна топганман.

Апрель охирларида яна шу текисликка йўл олдим.

Маълумки, бўри қопқон пишиқ темирдан ясалади. Бўри қопқонда иккита пружина бўлиб, ҳар бирининг кучи юз фунтга барабар келади. Ҳар бир кўринмас тузоқ теварагига тўрттадан қопқон қўйилиб, қозиққа яхшилаб боғлаб ташланади. Шундан сўнг устидан қум сепиб, яхшилаб бекитиб қўйилади.

Қопқонларимнинг бирига чиябўри илиниб қолди. Мен уни таёқ билан бир уриб ўлдириб, ўлигини четга отиб юбордим. Қопқонни яна жанговор ҳолатга қўя бошладим.

Ҳадемай қопқон тайёр бўлди. Қопқон бурагични отим турган тарафга отиб юбордим, шундай ёнимдаги майда қумларга кўзим тушиб, уни кафтларим билан сидириб олмақчи бўлдим.

Қандай аҳмоқона хаёлга борибман-а! Қандай тентакларча доводирлик қилибман-а! Бу майда қум остида қопқон бор экан, мен унга тушиб қолдим!

Хайриятки, шикастланмадим, чунки бу қопқоннинг тиши йўқ эди. Аммо қалин ов қўлқопим гижим бўлди, қўлим темир исканжасида озор чекди.

Бунга парво қилмай, ўнг оёғимни бурагичга узатдим.

Оёғимни иложин борича чўзиб узатиб, учин билан бурагични илиб олмоқчин бўлдим. Бурагичга бир вақтнинг ўзида ҳам оёқ узатиб, ҳам қараб бўлмас эди. Шу сабабли қарамай, оёғим учин бурагичга тегишини кутиб узатавердим.

Аввал уришиларим самара бермади. Оёғимни ҳар қанча узатмайини, бурагичга етказмадим. Оёғимни уёқ-буёққа силжитдим, фойдаси бўлмади. Ўнг оёғимни узатиб силкийвериш, чап оёғимни эсдан чиқариб қўйибман. Чап оёғимни учинчи қопқон шик этиб ўз исканжасига олмагунча уни ўйламабман.

Ҳолим хароб бўлганини ҳадеганда тушунавермадим, сўнг қопқондан қутулиб кетолмаслигим аниқ эканини англаб етдим. Улардан чиқиб кетиш уёқда турсин, ҳатто ўрнидан қимирлата олмадим. Ерда узала тушиб ётавердим.

Энди ҳолим нима кечади? Кун илик, музлаб қолишдан кўрқмасам ҳам бўлади. Лекин шундай ётавераманми? Кеннеди текислигига қишда дарахт кесувчилар келиб кетишини айтмаса, бошқа вақт ҳеч ким келмайди. Бунинг устига, менинг қайқа кетганимни ҳеч ким билмайди, демак, қопқондан чиқолмасам мен ё бўриларга ем бўламан, ё очимдан ўламан!

Шундай ётавердим, қуёш қизариб, ботқоқликдаги қарағай буталари ортига оғиб кетди. Бир-икки қадам наридаги дўнгликда бир тўрғай оқшом қўшиғини куйлади. Қайси бир оқшом қулбамиз энинг олдида ҳам тўрғайлар худди шундай ашула айтиб эди. Қўлимда оғриқ турди, аъзойи баданим совуқ қотди, шундай бўлса-да, қушларнинг қулоқлари устидаги узун, тарам патларини томоша қилиб ётдим. Кейин, хаёлим оқшомлари Райтнинг уйида тузаладиган дастурхонга кетди. Ўзимча, ҳозир улар ё кечки таътилга чўчка гўшти қовурипти, ё алақачон стол атрофида ўтирибди, деган хаёлга бордим. Оғим югани ерга осилиб, мени уйга олиб кетини учун кутиб тураверди. У менинг бунчалик узок қолиб кетишим сабабини билолмади, овоз бериб чақирсам, ўтдан бошини кўтариб, менга анграйиб, хайрон бўлиб қараб тураверди.

У уйга борса яхши бўларди! Ёнига оғиб қолган эгарини кўрганлар бир фалокатга йўлиққанимни биларди. Ёеини излаб келишиб, олиб кетишарди. Аммо у менга содақ қолиб, соатлаб кутди, мен эса очимдан ўладиган бўлиб қолдим.

Шунда кекса бўри овловчи Жирининг ҳалокатини эсладим.

Қарин овчининг ўртоқлари унинг суякларини келгуси баҳорда оёғи айниқ қопқонга қисилган ҳолда топиб олган

эдилар. Мен, борди-ю, оламдан ўтсам, ўртоқларим суякларимни қайси кийимларимдан билиб олишини ўйлай бошладим...

Хаёлимга фавқулудда фикр келди: қопқонга тушган бўри, мана шунақа азобларни бошидан кечирар экан-да! Уларни қанчалар қийнабман! Мана энди яратганининг ўзи менгаям кўрсатди...

Аста-секин тун чўка бошлади. Қаердадир чиябўри увиллади. От қулоқларини динг қилиб, менинг олдимга келиб, бошини эгиб турди. Бўрилар бири қўйиб, бири увиллади. Улар шу яқин бир жойга йиғилаётганини сездим. Нима қилишимни билмай, чўзилганимча ётавердим. Бўрилар ҳозир буёққа келиб, мени тилка-пора қилиб ташласа жуда яхши бўларди, деб ўйладим ўзимча.

Бўриларнинг бир-бирини чорлаб увиллашини узоқ эшитиб ётдим, сўнг уларнинг қоронғиликдаги қора шарпаларига кўзим тушди. Бўриларни энг аввало от кўрди-да, пишқириб, уларни бир оз нари кетишга мажбур қилди. Бироқ бўрилар яна қайтиб келиб, узоқдан атрофимни ўраб олди. Бир ботирроғи ҳали мен четга отиб юборган чиябўри жасади олдига келиб, уни тортқилаб кўрди. Мен бўрига бақирдим, у гингишиб, нари кетди. Яна қайтиб келиб, бир оз тимирскиланиб турди, ниҳоят, жасадни судраб олиб кетди. Бўри бўрини еди.

Кейин улар менга яқинроқ келиб, теварагимни ўраб ўтирди. Энг довураги милтиғимни искаб, унга тушган тупроқларни сидириб ташлади. Мен унга бўш турган оёғимни силкиб, бақирдим, бўри нари кетди, индамаётганимни билиб янада ботирроқ бўлди, ҳатто тўғридан-тўғри юзимга тикилиб ириллади. Буни кўрган бошқалариям дадил бўлиб, ириллади, янада яқинимга кела бошлади. Мен, энди ўлдим, тилка-пора бўлдим, деб ўйладим. Шунда бирдан зим-зиё тун бағридан бошқа бир улкан, қоп-қора бўри увиллаб пайдо бўлди.

Бўрилар тумтарақай бўлиб қочди, биттасини янги келган улкан бўри ушлаб олиб, шу дақиқадаёқ жонсиз жасадга айлантирди. Шундан сўнг бу кўрқинчли йиртқич... ух, қандай даҳшат... бу йиртқич, менга ташланди... Қарасам, ўзимнинг Бингом майин жунли ёнлари билан менга суйкаляпти, совуқда қотган юзимни яляяпти...

— Бинго... Бинго! Эски қадрдоним... бор, бурагични олиб кел!

У югуриб кетиб, милтиқни судраб келди.

— Йўқ, Бинго... бурагични деяпман!

У яна чопиб кетиб, бу сафар камаримни олиб келди.



Ниҳоят, бурагични ҳам топиб келди, айтганимни топиб келганини билиб, қувончдан думини ликиллатди.

Бўш қўлимни узатиб, жуда қийинчилик билан қопқон винтини бурадим. Қопқон очилиб, қўлим озод бўлди, бир дақиқалардан кейин ўзим ҳам бутунлай қутулдим. Бинго отни олдига солиб келди. Бир оз ҳаракат қилгач, қоним юриша бошлади, сўнг отга миндим. Йўлда аввал а та-аста юрдик, кейин чопдик. Бинго олдинда бор овози билан тантанали ҳуриб, бизнинг келаётганимизни маълум қилиб ирғишлади. Уйга келиб эшитсам, жонивор Бинго шу оқшом кўп безовта бўлибди. Ириллаб, ўрмон йўлидан кўзни узмабди. Қоронғи тушгач эса уни қанчалик ушламасинлар, барибир кўлдан қочиб чиқиб, қоронғиликда кўздан ғойиб бўлибди.

Менинг содиқ Бингогинам! У кучуклигида шундаям бир ажабтовур эди. Бир қарасанг туппа-тузук эди, яна бир қарасанг, сенга қиё ҳам боқмасди. У умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Умрининг охиригача бўриларча ҳаёт кечирди, бўрилар одатига амал қилиб, қишда нобуд бўлган отларни қидириб топди. Худди шу одати ўнинг бошига етди. У заҳарланган от ўлигини топиб олиб, уни бўриларча очкўзлик билан еди. Сўнг ўлим азобидан қийналиб, Райтникига эмас, йўқ, менинг кулбам остонасига келди.

Эртаси кун уйга қайтиб келиб, Бингонинг қор устида узалиб ётган жасадини кўрдим, у умрининг сўнгги дақиқасигача менинг итим бўлиб қолди, ўлим азобида мендан мадад сўради. Афсус, кеч бўлган эди.

## ҚИЗИЛЬЎЙИН

### I

Какликлар онаси жўжаларини Тейлор адирларининг ўрмонзор этакларига олиб чиқди. Пастда зилол дарё оқади. Уни кимдир ўзбилармонлик қилиб, Балчиқзор дарё деб атаб кетган. Какликлар онаси эндигина кўз очган, аммо аллақачон оёққа туриб кетган норасидаларини ана шу дарёга сувлагани олиб борди.

Какликлар онаси ерга эгилиб, вазмин-вазмин одимлади, чунки ўрмонда ганим зоти кўп эди, вақти-вақти билан қурқиллаб, момик патли пуфакка ўхшаш юм-юмалоқ жўжаларини ёнига чорлаб турди. Жўжалари оналаридан сал кейинда қолса ҳам зорланиб чирқилади.

Улар бирам қилтириқ, бирам қилтириқ эдики, ҳатто ниначаям улардан кўра кўримлироқ эди.

Улар ўнта. Какликлар онаси — жўжалари ташвишида ҳар бир бута, ҳар бир дарахт, чангал, ҳатто осмонни кўздан кечирди. У ҳар қадамда ганим учраб қолишини яхши биларди, чунки биродари жуда кам эди-да. Ўйлаганидай, шунақа ганимларидан бирига дуч келди.

Кўм-кўк ўтлоқда улкан тулки пайдо бўлди. Тулки уларнинг изидан келар, ҳадемай жўжалар ҳидини пайқаб қолиши мумкин эди. Эсининг борида этакни йиғиштириб олиш лозим эди.

— Кр-р-р! Кр-р! (Бекининглар, бекининглар!)

Какликлар онаси шундай дея шивирлаган эди, юм-юма-лоқ бир кунлик жўжалар ҳар тарафга сочилиб кетди. Бирови барглар остига кириб олди, бирови томирлар орасига бекинди, бирови арчилиб тушган қайин пўстлоқлари орасига кириб кетди, яна бирови ўзини чуқурга урди. Бирпасда ҳаммаси ғойиб бўлди. Фақат биттаси қаерга бекинишини билмай сарсон бўлди, сарғиш пайраҳага тикилиб, кўзларини юмди, ўзича бехатар жойга бекинган бўлди.

Жўжалар чиркилламай кўйди, атроф жимжит бўлиб қолди.

Какликлар онаси тўғри тулкига қараб учди, ундан бир неча қадам берига кўнди, сўнг қанотлари билан ер тапиллатиб, ўзини ярадор бўлиб, энди учолмайдигандай қилиб кўрсатди. У қурқиллаб, аросатда қолди. Балки у қонхўр тулкидан раҳм-шафқат кутаётгандир?

Мутлақо! Каклик нодон эмас. Биз тулкилар айёрлиги хақида кўп эшитамиз. Қараб туринг, айёр тулки деганлари каклик олдида қанчалик нодон эканини кўрасиз.

Тулки ўлжасининг ўз оёғи билан келганини кўриб, боши осмонга етди, бир сапчиб... йўқ, у сапчиб какликни ололмади! Каклик кескин қанот силкиб, нари кетди. Тулки яна ҳамла қилди, бу сафар бир уюм ўтин-чўп халақит берди.

Каклик қуриган ўтин-чўплар остига кириб қолди, тулки устидан ирғиб ўтиб кетди. Каклик гўё парвоз қилмоқчи бўлди, аксига олиб бунинг уддасидан чиқолмагандай, пастга юмалаб кетди. Тулки унинг изидан қувиб бориб, энди думидан тутаман деганда, яна бўлмади. Тулки қанчалик шиддат билан сапчимасин, каклик ундан ҳам эпчиллик қилиб ўзини олиб қочди.

Жуда қизиқ хангома бўлди-да ўзиям. Шундай эпчил тулки бир яримжон какликни ушлолмаса-я? Тулки учун қандай шармандалик бу!

Тулки куевган сайин какликнинг кучига куч кўшилаётгандай бўлди. У тулкини тўрт милча масофага лақиллатиб олиб борди, сўнг бирдан қанотларини ёзиб парвоз қилиб, лақма тулкини келган жойида қолдириб кетди. Тулкига энг алам қилган жойи шу бўлдики, у шунда ўзининг бундан олдинлари ҳам худди шундай лақиллаб келганларини эслади.

Какликлар онаси эса осмонда бир давра айланиб, юмюмалок жўжалари бекиниб ётган ерга шўнғиди.

Ёввойи қушлар учган жойларини жуда яхши эслаб қолади, жумладан, какликлар онаси ҳам ҳали тулкига қараб учган ўтлоқ дўнгликка бориб кўнди. Бир нафас тўхтаб, жўжалари унинг фармойиши бўйича қандай сукут сақлаб бекиниб ўтирганини кўриб, хурсанд бўлди. Жўжалари уни кўрсаям миқ этмай тураверди, ҳатто пайраҳага тикилиб тургани онасини кўриб турган бўлса-да, нафасини чиқармади. Ниҳоят, какликлар онаси овоз берди:

— Кри-ит! (Буёққа келинлар, болаларим!)

Шунда худди келишиб олингандай, майда-майда каклик жўжалари бекинган жойларидан чиқиб келди, пайраҳага тикилиб тургани ҳам кўзларини шартта очиб, «чирк, чирк», дея чирқиллаганича пилдираб онасининг қанотлари остига югурди. Уларнинг хаста овозини уч футча масофадаги ғаними ҳам эшитмасди, аммо онаси бундан уч баравар олисдан бўлса ҳам эшитарди. Жўжалар ёппасига чийилларди, буни ўзлари ҳам билиб турарди. Улар бахтиёр эди.

Кун қиёмда, кун ёнар эди. Сувлагани бориш учун очик далани кесиб ўтиш керак. Какликлар онаси шуларни эътиборга олиб, теваракни яхшилаб кўздан кечиргач, жўжаларини офтобдан сақлаш учун уларни шамолда ёйилган кенг қанотлари остига олиб, сувга жўнади, дарё бўйида ўсиб ётган наъматаклар олдига келди.

Наъматаклар орасидан бир оқ дум қуён отилиб чиқиб, какликлар онасини кўрқитиб юборди. Аммо унинг хотиржамликни билдирувчи оппоқ думига кўзи тушиб, кўнгли тинчланди. Қуён азалдан какликларга эл бўлиб келган. Шу куни жўжалар ҳам қуёнлардан бегонасирамасликни билиб олишди. Қуёнлар тинчлик тарафдори эканини ўз кўзлари билан кўрди.

Сўнг бефаҳм одамлар Балчиқзор деб ном қўйган дарёдан сув ича бошлашди.

Улар аввалига сувни қандай ичиш йўлини билмади, кейин оналарига тақлид қилиб, бир қултум сув ичиб, бошларини кўтарди, яна эгилиб, бир қултум ичди. Дарё бўйида йигирмата қилтириқ оёқ устидаги ўнта олтин тусли сарғиш жун парракча гўё бировга миннатдорчилик билдираётган-



дай, майдагина бошчаларини ирғаб-ирғаб, ана шундай сув ичди.

Какликлар онаси уларни эргаштириб, ўтлоққа олиб борди, у ерда кўм-кўк ўтлар билан қопланган тепалик бор. Какликлар онаси бу тепаликни кўпдан буён кўз остига олиб юрарди. Бундай тепаликлар жўжа ўстириш учун керак. Чунки унда қумурска уялари кўп бўлади.

Какликлар онаси қумурска уяси устида тўхтади, теваракка аланглаб, ҳеч қандай шубҳали нарса сезмагач, тирноқлари билан уяни буза бошлади. Юмшоқ ер дарров кўчиб кетди. Уя очилиб, ер ости коваги пастга силжиб тушди. Ундаги қумурсқалар теваракка сочилиб, нима қилишларини билмай, бир-бирлари билан уриша кетди. Айримлари доддираб қолиб, уя атрофида зир югурди, айрим ақллироқлари хонавайрон бўлган маконларини тиклашга киришди. Какликлар онаси қумурсқалар тухумининг биттасини тумшуғи билан олиб, жўжаларининг олдига ташлади. Кейин тухумни яна тумшуғи билан чўқиб, ютиб юборди.

Жўжалар онасини ўраб олиб, унга ҳавас ва кизиқиш билан қарашди. Ҳалиги пайраҳага тикилиб бекинган майдагина сарик жўжа онасига тақлид қилиб, уям бир чумоли тухумини олиб келди. Тухумни бир неча бор ерга тушириб кўйиб, сўнг худди биров қувиб келаётгандай, шартта ютиб юборди. У овқат ейишни ана шундай ўрганди. Ингирма дақиқалардан кейин эса жўжаларнинг ҳаммаси ейишни ўрганиб олди. Какликлар онаси қумурска уясини бузиб, уларнинг ер ости қасрларини пастга юмалата бошлаганда улар орасидан ажойиб чумоли тухумларини топиб ейиш қандай гаштли! Жўжалар жигилдонлари қайнагунча еди.

Қоринлари тўйгач, дарё оқими бўйлаб юқорилаб юриб, тевараги буталар билан ўралган қирғоққа келдилар. Улар кун бўйи илиққина қумга майдагина панжаларини ботириб юрдилар.

Жўжалар дунёга келганларидан буён оналарига тақлид қилишни яхши кўришарди. Улар ҳозир ҳам оналарига тақлид қилиб, онаси ёни билан ётса, улар ҳам ёнлари билан ётди, онаси оёқларини бир-бирига уриб, қанотларини тапилатса, улар ҳам шундай қилди.

Аслида ҳали уларнинг қанотлари йўқ эди, фақат ҳали-ҳозирча биқинларида қанот қўядиган бўртиқлари бор эди, холос.

Какликлар онаси шу кечаси жўжаларини бошқа бир қуриб-қовжираб қолган чангалзорга олиб борди, чангалзор тўла хазон эди, ғаним деганлари бундай қуюқ хазонзорга шитирлатмасдан яқинлашолмасди, бунинг устига наъматак-

нинг куюқ шохлари ҳаводан келадиган касофатдан ҳимоя қиларди. Какликлар онаси ана шуларни эътиборга олиб, худди шу ерга жўжаларини ётқизди. Уйқуларида пипилаб, унинг бағрига тобора маҳкамроқ тиқилаётган жўжаларини кўриб, кўзи қувонди.

## II

Дунёга келганларига учинчи кун деганда жўжалар оёқларида дадил-дадил юра бошлади. Улар энди эманларни овора бўлиб айланиб юрмайдиган, қарағайларга бемалол чиқиб борадиган, бундайроқ тепаларга чиқа оладиган бўлиб қолди, қанот боғлайдиган биқинлари қизариб, бўртиб қолди.

Жўжалар осойишта ҳаёт кечиришлари учун уларнинг энг аввало онаси бўлиши лозим, тан-соғлиғи, оёғи бақувват бўлиши лозим, сўнг туғма сезги билан бир оз ақл-идроки бўлиши лозим. Сезги уларни онасининг бир оғиз гапи биланоқ бекинишга, оналарига эргашиб юришни ўргатди. Ақл-идрок эса кун қизиганда уларни онасининг думлари остида соялашга ўргатди. Шу кундан бошлаб ақл-идроклари тўлиша бошлади.

Бир кундан кейин қизариб турган биқинларидан патлари уч бера бошлади. Патлари кун сайин ўсиб, бир ҳафта деганда қанот бўлди. Аммо ҳаммасига ҳам қанот чиқмади. Рунти деган бир ғариби туғилгандан буён нимжон эди. У тухумдан чиққанда қадам босар, бошқаларга нисбатан кўп чийилларди. Бир оқшом какликлар онаси сассиққузанни кўриб қолиб, болаларига: «Квит! Квит!» яъни: «Учинлар!» дея фармойиш берди. Ҳамма жўжа учди, Рунти эса қолди.

Какликлар онаси адирда жўжаларини яна тўплаб қараса, Рунти бечора йўк...

Митти жўжалар кун сайин ҳаёт сабоғини олиб борди. Масалан, энг яхши чигиртка дарё бўйидаги узун ўт-ўланларда бўлишини билиб олдилар. Масалан, қорағат буталарида тўйимли, юмшоқ кўк чувалчанг бўлишини билиб олдилар. Масалан, ўрмон чеккасидаги чумоли инларида мазали тухум кўплигини билиб олдилар. Масалан, қулупнайлар жуда ширин бўлишини билиб олдилар. Масалан, Данаида деган капалак жуда яхши-ю, бироқ уни тутиш анча оғирлигини билиб олдилар. Улар яна шуни билиб олдиларки, чириган кундалардан ўсиб чиққан томирларнинг фойдаси кўп. Яна шуни билиб олдиларки, баъзи бир ҳашаротларга, жумладан ари, тукдор капалакқурт, мингоёқ деганларга умуман тегинмаган маъқул.

Пишиқчилик оий — июль келди. Жўжалар сўнгги ойда хаддан зиёд етилди. Улар шундай етилдиларки, онаси уларни қанотлари остига олиши учун туни билан оёғида туриб чиқишига тўғри келди.

Улар ҳар куни дарё бўйида чўмилиб, қумда ётадиган бўлишди, сўнг оналари бу одатга чек қўйди, шунда улар адир юқорисидаги қумлоқда офтобда товланиб ётишни одат қилдилар. Бу ерда бошқа қушлар ҳам чўмилар экан, бу нарса какликлар онасига ёқмади. Шундай бўлса ҳам у бориға шукр қилди, чунки бу ердаги қум гоят майда, тоза бўлиб, болаларига ёқиб қолди.

Икки ҳафтадан кейин жўжаларнинг тоби қочди, онаям ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Жўжалар овқатни кўп есалар ҳам барибир кун сайин озиб-тўзиб боришарди. Кейинроқ какликлар онаси бетоб бўлиб қолди, унинг дарди хийла оғир бўлди. У очликдан, бош оғриқдан азобланиб, ўзини жуда беҳол сизди. Бу қандай касал эканлигини ўзиям билолмади. Дастлаб келганда сезибми, сезмайми бу ерни хуш кўрмаганида жон бор экан, ҳар хил қушлар чўмилиб, ағанайвериб қумни булғаб ташлаган эди. Какликлар онаси ана шу қумдан касал юқтирди, касаллик ҳадемай жўжаларига ҳам ўтди.

Ҳар қандай ички ташналик албатта у ёки бу мақсад учун хизмат қилади. Шу боисдан ҳам какликлар онаси дардини даволаш учун ўз ички ташналигига қараб иш тутиши лозим эди. Шунга кўра какликлар онаси ич-ичини емириб бораётган очлигини қондириш учун еса бўладиган нимаики учраса еяверди, ички истак-хоҳишига итоат этиб, ўрмоннинг бир серсоя жойини излаб кетди. Кутилмаганда заҳарли мевали чакалакзорга дуч келди. Бундан бир ой олдинлари бу каби чакалаклар олдидан индамай ўтиб кетарди, бугун эса унинг меваларидан еб кўргиси келди. Меваларнинг қуюқ, шўртак суви какликлар онасининг жон-танидаги қандайдир бир ташналикни қондирди. У мевалардан яна кўп-кўп еди, жўжалари ҳам оналаридан қолишмади. Шифокор ҳам улар учун бундан афзалроқ дори тополмасди. Меванинг шўртак суви юмшатиш кучига эга бўлиб, какликлар онаси ичидаги кўринмас дардни парчалаб юборди. Хавф-хатар ўтиб кетди. Аммо бутунлай эмас. Масалан, иккита жўжага мева суви ёрдам беролмади. Табиатнинг заифлар ҳалокатга маҳкум, деган қонуни кучга кирди. Иккита жўжа ички бир ташналикдан тинимсиз сув ичавериб, эртаси эрталаб ўлиб қолди.

Яна бир жўжа ўзига-ўзи қилди. Рунти деган биродарининг тақдири нима бўлганини ўз кўзи билан кўрган Хорек

лақаб.ли биттаси ўзи ёлғиз қолганда ҳалиги иккита жўжани еб, шу заҳотиёқ заҳарланиб ўлди.

Шундай қилиб, какликлар онасининг еттита жўжаси қолди. Қолган жўжаларда қобилият жуда эрта пайдо бўлиб, кун сайин ривож топди. Нимжонлари аллақачон ўлиб бўлди, лекин тириклари орасида ҳалиям бир ланж, довдири бор эди. Аммо улар ичида яна бир улкани бўлиб, какликлар онаси шунисини кўп эркалатар эди. Бу ўша пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олган жўжа эди. У улкан ва бақувват, шунингдек, чиройли ҳам эди. Энг қувонарли жойи — у жуда итоатгўй, одобли. Какликлар онаси: «Р-р-р» (Хавф-хатар!) дея нидо берганда жўжалари кўпинча йўлларидан қайтмас эди. Ҳалиги жўжа эса онасининг гапидан чиқмасди. Онаси меҳрибон овозда: «Кри-ит!» (Буёққа келинлар!) дейиши биланоқ чопқиллаб югуриб борарди. Ана шу одобни унинг умрига умр қўшди.

Ланжлик фасли — август ойи келди. Жўжалар тамомила етилди. Улар кўп нарсаларни билиб олиб, ўзларини ҳаддан ташқари доно ҳис қилишарди. Илгари оналарининг қанотлари остига кириб, қуруқ ерда ухлар эдилар. Катта бўлгач, бу одатларини тарк қилишди. Шунда какликлар онаси уларга катталар одатини ўргатди. Масалан, дарахт шохларига чиқиб ўтиришни ўргатди. Чунки ўрмонда ёш сувсарлар, сассиққузанлар, тулки ҳамда қундузлар пайдо бўлиб қолган эди. Кечаси ерда тунаш хавфли эди, шу сабабли какликлар онаси кун ботиши билан: «Кри-ит!» (Буёққа келинлар, болаларим!) дея қуюқ дарахтлар тепасига учиб чиқди.

Какликлар оналари изидан дарахтга учиб чиқди, фақат ҳалиги лапашанг довдир одатдагидай ерда ухлаш учун пастда қолди. Дастлабки кунлари унинг ҳаёти ҳам сокин кечди, аммо бир кечаси дарахт устидаги какликлар унинг чийиллашидан уйғониб кетди. Бир зум сукунат чўкиб, пастдан қисирлаган суяк товуши, ғарч-ғурч чайнаш овози келди. Какликлар бошларини эгиб, пастга, қўрқинчли қоронғиликка қаради. Пастда бир жуфт ялтираган кўз кўринди, димоғларига бадбўй бир ҳид келди, шунда, довдир акаларининг бошига қундуз етганини англадилар.

Шундай қилиб, какликлар онасининг олтита боласи қолди. Болалари кечалари шохда ўтиравериб оёқлари совуққа қотганда, оналарининг елкасига суянди.

Улар ҳамон ўзларини тарбия қилишарди. Улар энди қанот қоқиб учганда қанотларидан потирлаган овоз чиқаришни машқ қилишди. Одатда улар жуда сокин учишади, лекин ўйлаб қарасалар, қанот шарпалари жуда керак экан.

Айниқса, бу юқорига кўтарилаётганларида асқотади. Масалан, қанотлар овози бошқа какликларнинг яқинлашиб келаётганидан хабар беради, қанотлар овози ғанимлар эътиборини ўзига тез жалб қилади, бу вақтда эса таъқиб остидаги бошқа бир каклик секингина жуфтакни ростлаб қолади.

Какликларнинг мана бундай ўз матали бор: «Ҳар бир ойнинг ўн ноз-неъматини, ўз ғаними бордир». Мана, сентябрь ҳам келиб қолди. Мева-чевалар, чумоли тухумлари ўрнида уруғлар ва донлар пайдо бўлди, сувсар ва сассиққузанлар қолиб, какликлар шўрига овчилар пайдо бўлди.

Какликлар тулкини яхши билишарди, аммо итти кўришмаганди. Улар тулкиларни доғда қолдириш учун дарахтга чиқиб олиш кераклигини яхши билишади. Шу боисдан ҳам «овчилар ойи» сентябрда Кёдди деган чол думи қирқилган сариқ итини эргаштириб сойдан чиқиб келганда, какликлар онаси тезлик билан: «Квит! Квит!» (Учинглар, учинглар!) дея қичқирди. Иккита каклик оналари тулкини кўриб, бекордан-бекорга ҳаяжонланаётганига ҳайрон бўлди. Чунки улар итти тулки деб ўйлаб, хотиржам ўтираверишди. Улар оналарининг «Квит! Квит!» деган фармойишига биноан олисларга учиб кетиш ўрнига дарахтга чиқиб кўя қолдилар.

Бу орада калтадум ит дарахт остига келиб, юқорида ўтирган какликларга қараб тинимсиз ҳураверди. Какликлар итга ажабланиб қараб қолиб, хазонлар шитирлашини пайқамади. Шунда «пақ!» этган товуш чиқиб, ҳар икки каклик ҳам ерга тап этиб тушди, қонга беланиб, қанотларини қокди, сўнгра уларни сариқ ит илиб кетди.

### III

Кёдди чол Торонто шимолидаги Дон яқинида, ғариб бир қапада яшарди. Унинг ҳаёти грек файласуфлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда жуда гўзал эди. Чунки у боӣ эмасди, солиқ ҳам тўламасди. Унинг меҳнатга унчалик ҳам ҳуши йўқ эди, умри саёҳат билан ўтарди. У ов қилишни яхши кўрарди, отган ўқи овози унга ҳаминқадар завқ берарди. Қўшнилари уни дайди, дейишарди. Йил ўн икки ой умри пистирма кўйиб отиш билан ўтди. У календарга қарамасдан туриб, каклик гўшти ҳидидан бу ой қанақа ой эканини айтиб бера олиши билан мақтанади. Албатта, бу кўп йиллик тажриба ва кузатувчанлик самараси эди, аммо унчалик ҳам мақтанадиган фазилат эмасди.

Одатда каклик ови ўн бешинчи сентябрдан бошланади. Аммо Кёдди чолнинг сабри чидамай овга жўнади.

У какликларни отмади, отган билан қуюқ барглар орасидан теккизиш амримаҳол эди, шунинг учун тузоқ қўйиб каклик тутишга аҳд қилди. У сойда каклик уяси борлигини, унда какликлар осойишта яшаётганини яхши биларди, уларни эртароқ қўллик қилмаса, бошқа овчилар келиб эгалик қилиши мумкин эди, у ҳали какликлар онаси қанотларини потирлатиб, тўртта боласи билан олисларга учиб кетганини пайқаман эди. Шу сабабли иккита какликка шукр қилиб, капасига қайтиб келди.

Шу куни какликлар тулки бошқа, ит бошқалигини, ит билан ўйнашиб бўлмаслигини билиб олди. Эскидан қолган: «Катталарнинг гапига қулоқ сол», деган ақида нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

Сентябрь охирида какликлар овчилар ва бошқа ғанимларидан қочиб кун ўтказишди. Кечалари узун дарахтларнинг қуюқ баргли шохларида қатор бўлишиб ухлашди. Уларни юқоридан келадиган балодан қуюқ барглар асради, пастдан келадиган балодан дарахтнинг узун бўйлари асради. Улар фақат дарахтга ўрмалаб чиқиб келадиган балодан ташвишда бўлишди. Лекин дарахт танасидан ўсиб чиққан буталар шитирлаб, пастдан келадиган хавф-хатардан огоҳ қилиб турди.

Аммо япроқлар тўкилиб, кун сайин камайиб борди. Энди ёнғоқ даври, бойўғли даври бошланди. Шимолдан уккилар учиб келиб, бойўғлилар сони кўпайди. Кечалари совуқ тушиб, пастдан келадиган ғанимлар хавфли бўлиб қолди. Какликлар тунаш жойларини ўзгартирди, дарахт шохларини тарк этиб, бодиёни румининг кўм-кўк қуюқ япроқлари орасида тунайдиган бўлди.

Фақат биттаси онасининг: «Крит! Крит!» деган чорлашига қулоқ солмай, биттаям барги йўқ шипшийдан қайрағочнинг энг юқори шохига чиқиб олиб ухлади. Эргалаб уни бир сариккўз бойўғли илиб кетди.

Какликлар онаси учта боласи билан қолди. Болаларининг гавдаси онасиники билан тенг эди. Ҳалиги, пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олгани эса онасидан ҳам гавдали эди.

Какликларнинг бўйни атрофида бўлажак ёқаси — патлари ўсиб чиқа бошлади. Патлар ҳали ўсмаган, ингичка бўлса-да, аммо ҳозирданок улар бутунлай ўсиб етилгач, нақадар чиройли бўлишини башорат қилиш мумкин эди. Какликлар патлари билан ғурурланиб қўйди.

Товусга дум қанчалик керак бўлса, какликка ҳам патёқа шунчалик лозим эди. Патёқа какликлар зиёнати. Қора тусли эркак какликлар патёқаси оч зангори бўлади, макиён

какликларнинг патёқаси эса каттароқ бўлиб, тўқ зангори тусда товланиб туради. Ҳаддан зиёд етилган улкан какликларнинг патёқаси сариқ-қизил тусли, оч бинафшаранг, ҳатто олтин тусли бўлади.

Ҳалиги пайраҳага биқиниб, кўзларини юмиб олган каклик бор-ку, ҳалиги доим онасининг гапидан чиқмайдигани? Ана ўша «эман ойи» — октябрь келгунича кап-катта каклик бўлиб етилди, сариқ-қизил тусли олтин патёқалари товланадиган бўлди.

Дон водийсининг машхур Қизилбўйин лақабли каклиги ана шундай каклик бўлди.

#### IV

Октябрь ойи ўрталарида какликлар тўйиб овқат еб бўлиб, улкан қарагай ёғочи олдида офтобга товланиб ётганларида олисдан ўқ овози келди. Қизилбўйин ёғочга сапчиб чиқиб, диққат бўлиб уёқдан-буёққа юрди, сўнг иссиқ ҳаводан ҳаприқиб, қанотларини патиллатиб қокди. Ўзини кўрсатиш учун иргишлаётган тойчоқ мисол Қизилбўйин ҳам бирдан қанотларини ёзиб, янада кучли патиллатиб қокди, сўнг ўзида янги бир куч ҳис қилиб, қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкиди. Қанотлари овозига шу яқиндаги ўрмонлар аксадо бермагунича силкийверди. Ёнидаги биродарлари унга ҳавас ва ҳайрат билан боқди. Онаси шу кундан эътиборан ундан бир оз ҳайикадиган бўлди.

«Телбалик ойи» — ноябрь келди. Табиатнинг қизиқ бир қонуни бор. Какликлар, қурлар ўзларининг кўз очиб кўрган дастлабки ноябрь ойида телбанамо бўлиб қолади. Қаерларгадир дайди бўлиб кетиб қолгилари келади! Бу вақтда уларнинг энг ақллилари ҳам аҳмоқона ишлар қилиб қўяди. Кечалари гўё қаергадир шошилаётгандай кўзига қарамай учади, лекин қаёққа бораётганини ўзиям билмайди, оқибат, симларга урилиб икки бўлинади, паровоз чироқларига урилиб нобуд бўлади. Омон қолганлари тонгни турли жойларда, саройларда, ботқоқларда, бирор катта шаҳардаги телефон симлари устида, ҳатто қирғоқда лангар ташлаб турган кемаларда кутиб олади.

Дайдилик дардига ишқибозлик уларни кўчманчи қилиб қўяди. Улар дунёга келганларининг дастлабки йилида ана шу дардга мубтало бўлади. Баъзан келаси йили ҳам шу дардга чалинади, аммо учинчи йили телбалиқдан мутлақо халос бўлади.

Какликлар онаси ток томирлари қорайиб, барглари ерга саргайиб тўкилаётганини кўриб, ана шу давр келаётганини

англади. У буйи етиб қолган болаларининг тансоғлигини ўйлаб, уларни ўрмоннинг сокин жойларида олиб юрди.

Осмону фалакда жанубга қараб ғозлар галаси учиб ўтди. Какликлар умрида бундай буйи узун қушларни кўрмаган эди. Какликлар уни аввал қирғий деб ўйлаб, кўрқиб кетди. Сўнг оналарининг кўркмаётганини кўриб, улар ҳам ғозларни бемалол томоша қилди.

Ғозларнинг галати ғағиллаши ўзига тортдими ё кўнгиллари шуни хоҳладими, ишқилиб, какликларнинг ғозлар изидан учиб боргилари келди. Улар камон ўкидай тизилиб, ғағиллашиб, жануб сари кўздан ғойиб бўлишди. Какликлар ғозларни яна бир бор кўриш учун дарахтнинг энг юқори шохига кўтарилдилар. Шу кунни уларнинг руҳида бир ўзгариш пайдо бўлди.

Ой тўлишганда телбалик даври бошланди. Телбалик дарди, айниқса, бўшанроқ какликларга кўпроқ таъсир қилди. Какликлар онласидан меҳр-оқибат кўтарилиб таркала бошладилар. Қизилбўйини кечалари олис-олисларга дайдиб кетиб қоладиган бўлди. Жануб томонларга боши оғиб борди-ю, бепоён Онтарио кўлини кўриб қолди. «Телбалик ойи» охирида Балиқзор дарё буйларига бориб қолди.

## V

Қиш кириб қолди. Ноз-неъматлар кун сайин камайиб борарди. Қизилбўйин Тейлор қирлари, ўрмонзор чўққиларининг эски ёриқларида яшаб юрди.

Ҳар бир янги ой ўз ноз-неъматини билан бирга ўз дарду балосини ҳам олиб келади. Масалан, ноябрь телбалик ва ёлғизлик билан бирга узум келтирди. «Қор ойи» — декабрь наъматак меваларини олиб келди, серғалва январь эса ўзининг бўронлари билан келди. Шохларда ўтириш қийин бўлиб қолди, ундаги музлаб қолган куртакларни олиб ташлаш эса яна ҳам ташвиш бўлди. Қизилбўйини шу куртакларни олиб ташлайман дея чўқилайвериб, охири оғзини яхши ёполмайдиган бўлиб қолди.

Аммо табиат Қизилбўйинини сирганчиқ ерда юришга ҳам ўргатди. Унинг нозик бармоқларида бир қатор ўткир-ўткир ўсимталар ўсиб чиқиб, ерга қор тушгунча қишга таӣёр бўлиб турди. Табиат ана шундай қилиб уни чанги ва чана билан таъминлади.

Совуқ қирғий, бойўғли ва бошқа тўрт оёқли касофатларни қувиб юбориб, Қизилбўйини тамомила осойишта яшай бошлади.

Қизилбўйини ҳар кунни қорини дардида олис-олисларга



учиб бориб келди, фалакнинг гардиши билан кумуш қайинлар ўсиб ётган Роздель дарёси бўйларини, узумга бой Кэстли Франкни, дарахт шохлари учудаги қирмизи мевалари қорга тегай-тегай дея осилиб турган Честер ўрмонларини топиб олиб, ўзиям, қорниям тўйди.

Қизилбўйин диққат қилиб, нимагадир милтиқ осган одамлар Кэстл Франк буталари ичида юрмаслигини пайқаб қолди. У ана шу сабабли ўшаёққа кириб жойлашиб олди, осойишта жойда кун сайин ақлли, хушсурат бўла борди.

У ёлғиз яшади. Аммо ёлғизлигидан ўкинмади. Ўрмон айланиб, жуда гаройиб нарсаларни кўриб, кўнгилхушлик қилди. Ўрмонлар қишнинг энг совуқ бўронли кунларида ўзларининг машҳур: «Ҳадемай баҳор келади» деган кўшигини айтди. Ўрмон кўшиқлари «очарчилик ойи» — февраль охирлаб, кўклам нафаси келжунича жаранглаб турди. Шунда ўрмонлар: «Мен сизга айтиб эдим-ку!» — дея оламга жар солди. Кун илиб, Кэстли Франк қирларининг шимолӣ чўққиларидаги қорлар эриб, Қизилбўйин хуш кўрадиган кўм-кўк шигил мевали буталар кўриниб қолди. У қиш бўйи еб тирикчилик қилган музлаб қолган дарахт куртакларини юла бошлади. Яна яйраб, тўлишиб қолди.

Ҳадемай дастлабки жиблажибон учиб келди, йўл-йўлакай учиб ўтаётди: «Баҳор келяпти!» дея қичқирди. Офтоб кун сайин порлаб, чарақлаб кетди, «кўклам уйғонадиган ой» — март кунларининг бирида тонг чоғи: «Карр! «Карр!» деган товуш жаранглади. «Кумуш Қашқа» лақабли қарға ўз тўдаси билан жанубдан учиб келди. «Кумуш Қашқа» яна жар солди: «Баҳор келди!»

Жамики табиат баҳор келганини, кушлар фасли бошланганини тасдиқлади. Чигирткалар: «Баҳор! Баҳор! Баҳор!» — дея чириллади. Чигирткалар шундай узундан-узин, бетиним чириллаб бошладик, бундан кейин қачон ва қандай қилиб тирикчилик ташвишлари учун вақт топишларига ишониб бўлмади қолди.

Қизилбўйин ҳам ўз аъзойи баданида қандайдир бир хушвақт ҳаяжон сизди. Хурсанд бўлиб тўнкага салчиб чикди, қанотларини патиллатиб-патиллатиб қоқиб, баҳор қувончларини намойиш қилди.

Кёдди чолнинг кулбаси бундан олисда, пастдаги водийда эди. У олис бўлса ҳам эрталабки тоза ҳавода қанот овозини эшитди, бу овоз қайси қаклик қанотлари овози эканини ҳам билди. Шунинг учун милтигини олиб, сойга йўл олди. Бироқ у келжунича Қизилбўйин киши билмас учиб, Балчиқзор дарё бўйига бориб қўнди. Ўша бир вақтлар биринчи бор

қанотларини уриб қокқан ёғоч устига чикиб олди, яна ёғочга қанотларини уриб қокди, овозини ўрмондан ўтиб кетаётган бир бола эшитиб, қўрққанидан уйига қараб чопди, онасига бориб, ўрмонда ҳиндулар уруш бошлаш учун ҳарбий ноғораларини чаляпти, деб айтди.

Бола нега хурсанд бўлиб қичкиряпти? Ёлғизгина бола нега антикяпти? Неғалигини унинг ўзиям билмайди. Шунингдек, Қизилбўйин ҳам ҳар куни юмалаб ётган бирор кундага чикиб олиб, бутун ўрмонга эшиттириб нега қанот қоқишини ўзиям билмайди. У кунда устида патёқаларини ҳилпиратиб ўтиради. Патёқалари ҳилпираб, офтобда қаҳрабо тош мисол товланишидан завқланиб, яна қанот қоқади.

Қизилбўйиннинг кўнгли кимдир келиб уни томоша қилиб, завқ-шавқ олишини истади, ажабо, фавкулудда бундай истак қаердан пайдо бўлади? Нега дарахтлар куртак ёзмасидан олдин кўнглида шундай истак пайдо бўлмади?

Қизилбўйин патиллатиб қанот қоқди...

У ўзининг бу сеvimли жойига ҳар куни келди. У янада хушсурат бўлди. Унинг ёрқин кўзлари узра яна бир безак — лоларанг патлар пайдо бўлди. Оёқларидаги қорда юриш учун ўсиб чиққан ўсимталар бутунлай йўқолиб кетди. Кўзлари янада порлади, патёқалари янада гўзаллашди, куёш нурида турфаранг патларини ялтиратиб сайр этганда ўзгача бир нафосат касб этди, какликмисан каклик бўлди.

Аммо у ёлғиз, жуда ёлғиз эди!

У ҳамон қанот қоқиб, сайр қилди. Ниҳоят, май ойи бошларида теvarак-атроф кўм-кўк либосга бурканганида у яқин бир бутазордан шитирлаган товушни эшитди. У кимдир ўзини пойлаётганини сезиб, ҳайкалдай қотиб турди.

Уни пойлаётганлари чинмикин? Ҳа, чин экан! Буталар орасида бекинишга уринаётган кичкинагина, қилтириқ каклик кўринди. Қизилбўйин бир зўмда унинг олдига етиб борди. У ҳаяжонга тўлиб-тошди. Унинг олдида қоматини тик тутиб, патларини кенг ёйди! Бу макиён каклик ўзига ёқиб қолишини қаердан билибди? У турфаранг патёқаларини ёйиб, офтобда ялтиратди. Мағрур туриб, оҳиста, майин қоқоқлади. У макиён каклик қалбини асир этди. Аслида у аллақачон макиён қалбини забт қилган эди. Макиён каклик Қизилбўйиннинг патиллатиб қанот қоқишини эшитиб қолиб, уч кундан буён шу ерга келади, холисроқда бекиниб ўтириб, унга хумор-хумор боқади, ундан ўпка-гина қилади, шундай ёнгинасида бўлсам-да, мени сўраб келмайди, дейди!

Мана, ниҳоят у макиённинг оёқ шарпасини эшитиб, унга яқинлашди. Макиён бошини қуйи эгиб, нозик-нозик қадамлар босиб, Қизилбўйинга ёр бўлиб келди.

Бедор ҳаёт барҳам еди, бечора бир ёлғиз дайди бирданига қўш баҳорни қарши олди.

Ёлғизликнинг оти ўчди.

Ох, улар ҳушманзара водийда қандай ажойиб турмуш кечирдилар! Қуёш ҳеч қачон бундай ёрқин порламаган, оламдан ҳеч қачон бундай нафис ҳид уфурмаган эди. Улкан макиён каклик баъзан ёлғиз ўзи, баъзан жуфти ҳалоли билан ёғоч устига келиб, бахтиёрларча қанот қоқадиган бўлди.

Нега унинг ёнида Қизилбўйин кам кўринадиган бўлиб қолди? Нега у Қизилбўйин билан соатлаб ўйнаб, сўнг бирдан ғойиб бўладиган, соатлаб, баъзан кунлаб қорасини кўрсатмайдиган, Қизилбўйин хавотир олиб, қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкигандагина қайтиб келадиган бўлди? Макиён какликнинг бир сирни бор эди, Қизилбўйин бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон эди.

Кунлар ўтган сайин макиён каклик Қизилбўйин билан кам бўладиган бўлди, охири бутунлай кўринмай кетди. Қизилбўйин ҳаяжонланиб, бетиним қанот қоқди, дарё оқими бўйлаб юқорига учиб, бошқа бир ёғочга қўниб қанот қоқди, қирдан ошиб ўтиб, бир сойда яна қанот қоқди. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. Тўртинчи кун яна ўз ёғочи устига келиб, худди биринчи учрашувларидагидек яна уни чақирди, ниҳоят, буталар орасидан худди ўшандагидай қадам шарпалари эшитилиб, макиён каклик кўрinish берди. Аммо у бу сафар ёлғиз эмасди, ёнида ўнта жўжаси бор эди.

Қизилбўйин макиёнига талпиниб, кўзлари порлаб турган ушоқ жўжаларни чўчитиб юборди. У, митти жўжалар унинг макиёни эътиборини олаётгани, у эса четда қолиб кетаётганини кўриб, кўнгли бир оз ранжиди. Қизилбўйин ҳадемай бунга кўникиб кетди, макиёни билан ҳамкорлик қилиб, жўжаларни парвариш қилишга киришди.

## VI

Қур ва какликлар оламида яхши оталар кам бўлади. Шу боисдан макиёнлар ўзлари уя қуриб, болаларини оталарисиз ўзлари тарбия қилишади. Макиёнлар ҳатто уяларини болалари отасидан сир тутадди, мабодо учрашгилари келса, бирор тайин жойда, масалан, қанот қоқадиган ёғоч устида, бирор егулик қидириладиган жойларда, баъзан эса қумга юмалаб ётадиган ерларда кўришадилар.

Қизилбўйин макиёнини Бурка дер эди. Бурка жўжалари тухумини ёриб чиққанда тамомила уларни парвариш қилиш билан овора бўлиб қолди, уларнинг ажойиб оталари бор

эканлигини унутиб кўйди, оталарининг чорлашига жавоб бермади. Фақат тўртинчи куни жўжалари ўзларини бир оз эплаб олгач, уларни эргаштириб, оталари билан таниш-тиргани олиб келди.

Баъзи бир оталар болани хуш кўрмайди, ammo Қизилбўйин ундайлардан эмас, ҳа. У дарҳол макиёнига жўжаларни парвариш қилишга ёрдам берди. Жўжалар оталаридан сув ичишни ўрганди, оналари кетидан хотиржам эргашиб юрди, чунки орқаларида отаси борлигидан кўнгиллари тўқ бўлди.

Улар дарёга йўл олишди, худди ипга тизилган мунчоқдай бўлишиб, қир ёнбағридан тушиб кела бошлашди. Қарагай дарахтида ўтирган қизил олмахон жундор жўжаларга ажабланиб қаради. Жўжаларнинг Рунти деган бир нимжонни орқада қола бошлади. Қизилбўйин бир дарахтнинг баланд шохига чиқиб олиб, пафларини тозалаш билан машғул бўлди. Олмаҳон уни кўрмай қолиб, Рунтига яқинлаша бошлади. Унда куш қонини бир татиб кўриш истаги пайдо бўлди, кейинда қолаётган жўжа эса тайёр ошдай бўлиб туюлиб, истагини янада кўзгади. Ана шундай ёвузларча ният билан нимжон жўжага ташланди. Бурка ёвуз олмахонни жуда кеч пайкаб қолди, ammo Қизилбўйин ҳаммасини кўриб турган эди. У малла қонхўрга ташланди. Қизилбўйиннинг бор-йўқ курали, унинг мушлари, яъни бўртиб чиққан қанот пайлари бўлиб, у билан жуда кучли зарба бера олар эди. У дастлабки ҳамладаёқ олмахоннинг эмг нозик жойи — биқинига зарба берди, олмахон бир айланиб ерга юмалаб тушди. Ўрнидан бир амаллаб туриб, шу яқиндаги шох-шабба олдига судралиб борди. Ҳарсиллаб ётиб қолди. Бурнидан лахта-лахта қон келди. Қизилбўйин уни ўз ҳолига қўйиб берди. Олмаҳоннинг кейинги тақдирини нима бўлди, нима кўйди, Қизилбўйин уёғига қизиқмади.

Какликлар оиласи йўлида давом этди, кумда бир молнинг чуқур излари учради, жўжалардан бири шу изга тушиб кетди. Жўжа мол изидан чиқолмай, чийиллади.

Вазият оғир келди. Ҳар иккала катта каклик ҳам нима қилишларини, жўжани қандай қилиб издан тортди олишларини билмади. Улар нима қилишга ҳайрон бўлиб юрганларида туёқ изининг бир чеккасидан кум силжиб кетиб, изга қия йўл очилди. Жўжа шу қия йўл билан издан чиқиб келди, оналарининг думи остида паналашиб ўтирган жигарлари сафига келиб қўшилди.

Бурка жуда хушчақчақ, зукко, ишбилармон макиён. У кечасию кундузи болаларини тарбия қилишдан чарчамади. Болалари билан ўрмоннинг серсоя жойлари бўйлаб

сайр қилиб юриб, болаларидан, ўз-ўзидан гурурланиб-гурурланиб кокоқлади! Болаларига янада кенг имконият яратиб бериш учун думларини кенг ёйиб юриди, бирор ғанимни кўрганда ундан тап тортмади, у билан олишувга ё учиб кетишга тайёр бўлиб турди.

Жўжалар ҳали учинши ўрганмасдан туриб бир неча бор Кёдди чолга дуч келди. Июнь келиб, ов тақиқланган бўлса-да, Кёдди чол қўлида милтиқ билан сой ёкалаб келаверди, олдида югуриб келаётган Тейк деган ити Бурка билан жўжаларга жуда яқин келиб қолди, буни кўриб турган Қизилбўйини итга қараб юриди. У ўзининг эски, аммо ҳаммиша омад ёр айёрлигини қўллади: итни ўзи билан Дон водийси тарафга алаҳситиб олиб кетди.

Кутилмаганда Кёдди какликлар уяси томонга қараб юриди, буни кўрган Бурка болаларига: «Крр! Крр!» яъни яширининглар, деган фармойиш берди; ўзи эса Қизилбўйин итни қандай алдаб олиб кетган бўлса, овчини ҳам шундай лақиллатиб олиб кетишга уринди.

Бурка оналик меҳр-муҳаббати билан тўлиб-тошиб, овоз чиқармасдан овчининг олдида учиб борди, кейин унинг шундай кўзи олдида қанотларини патиллатиб қоқиб, ўзини хазонлар устига ташлаб юборди, ўзини гўё ярадор бўлганга олиб ётаверди, пианиста чол бунга лаққа ишонди. Кутилмаганда Бурка қанотларини йиғиб олиб, аста-секин нари кета бошлади, шунда чол каклик найранг қилаётганини тушуниб етди. Каклик уни ўз уясидан узоклаштирмоқчи эканини билди. Алам билан унга таёғини отиб юборди. Аммо Бурка жуда эпчил ва зийрак эди. У таёққа чап бериб, ниҳоллар орқасига бекинди, ўзини яна хазонлар устига ташлади, қурқиллаб, қанот қоқди, оғир яралангандай зўрға қимирлади. Кёддига жон кириб, яна таёқ отди. Бурка яна чап берди. Овчини қандай қилиб бўлмасин бечора жўжалари ётган уядан адаштириш учун тўғри овчининг кўз олдида учиб келиб, ўзини кўкраклари билан ерга ташлади, ёлворувчи оҳангда ингради. Кёдди яна унга таёғини отиб, аксига олиб, яна теккизолмади. Сўнг милтигини қўлга олди, айикниям тил торттирмай ўлдирадиган ўқ билан бечора довиюрак Буркани қонга беланган бир парча ичак-чавоққа айлантирди.

Ёвуз овчи каклик уяси шу атрофда эканини сезиб, уни излаб кетди. Аммо бирор қимирлаган жонни, чирқиллаган овозни эшитмади, жўжаларга кўзи тушмади. У уя атрофидан бир неча марта ўтди, аммо ўлгудай қўрқиб қолган жўжалар миқ этган шарпа сездирмади, айримларининг қўрққанидан жони чиқиб кетди.

Бу орада Қизилбўйин итни бир жойларга адашгириб ташлаб, макиёни турган ерга қайтиб келди. Овчи итига бериш учун макиёни ўлигини олиб, аллақачон жўнаб қолган эди. Қизилбўйин макиёни излаб-излаб, охири унинг қони билан патларини топди. У ҳалиги ўқ нимага отилганини энди англаб етди...

Қизилбўйин қанчалар дахшатга тушганини, қанчалар қайғурганини айтиб бериб бўлармикин? У бир неча дақиқа қарахт бўлиб, қон оққан ерга бошини эгиб тикилганича туриб қолди. Сўнг бирдан жонланди. Бечора жўжаларини эслади.

У болалари бекиниб ётган уяга йўл олди, барчасига таниш овозда қичқирди: «Киит! Киит!» Оталарининг бу қудратли овози тупроқда ётган жонсиз болаларини тириктира олармикин? Йўқ, йўқ, болаларининг қарийб ярми аллақачон оламдан ўтган! Бор-йўғи олтитагина юм-юмалоқ жўжа кўзларини очиб, оталари томон чопди. Қолган тўрттаси жойидан қимирламади.

Қизилбўйин омон қолган болаларининг ҳаммаси жам бўлгунча қурқуллаб қичқирди. Сўнг болаларини эргаштириб, сим тўсиқлар билан ўралган ерга олиб борди, бу ер хийла тинч эди, бордию хавф-хатар тугилиб қолса у ердаги наъматак буталари бекиниш учун анча қулай эди.

У шу ерда ўзини бир вақтлар онаси қандай тарбия қилган бўлса, болаларини ҳам худди шундай тарбия қилаверди. Аммо у онасига қараганда анча тажрибали эди, шу сабабли болаларини бирмунча яхшироқ тарбия қилди. У яқин-атрофини жуда яхши билар, қаерларда ноз-неъматлар мўллигидан хабардор эди, шунингдек, какликлар ҳаётига хавф-хатар назар солгундай бўлса, уларни қандай қилиб огоҳлантиришни ҳам биларди.

Унинг кўнини кўрганлиги ва синчковлиги натижасида ёз бўйи биронтаям жўжа нобуд бўлмади. Жўжалар эркин ҳаёт кечириб вояга етди, «ов ойна» келганда Қизилбўйин бошлиқ олтитадан иборат ажойиб какликлар оиласи бунёд бўлди, улар бошларидаги қизил тусли ажойиб патларини кўз-кўз қилиб юрди.

Қизилбўйин макиёнидан жудо бўлганидан буён қанотларини патиллатмай кўйди. Тўрғай учун сайраш қанчалик гаштли бўлса, каклик учун қанот қоқиш ҳам шунчалик гаштли эди. Қанот қоқиш пафақат муҳаббат кўшиғи, шунингдек, ҳаддан ошган куч-ғайратни, тансоғлиқни намоён қилиш ҳам эди. Лапжлик даври тугаб, сентябрь ҳавоси ва ноз-неъматидан руҳи кўтарилиб, патлари ялтираб қолганда яна ўзининг ўша эски ёғочига келди. Ўзида ички бир кучли

интилиш сезиб, ёғоч устига чикди-да, яна канотларини патиллатиб қокди.

У шу кундан бошлаб бу ерга ҳар куни келиб қанот қоқадиган, болалари эса атрофини айланиб ўтирадиган бўлди. Жўжалардан бири отасига тортган шекилли, шу яқиндаги тўнка, тошларга чиқиб олиб, уям отасига таклид қилиб қанот қокди.

Узум бошлари қорайиб, «телбалик ойи» — ноябрь келди. Қизилбўйиннинг оиласи бузилмас, аҳил эканлигини намойиш қилди. Тўғри, уларда ҳам қаёқларгадир дайдиларча кетиб қолиш майли пайдо бўлди, аммо бу майл бир ҳафтадан ошмади. Учта каклик қаергадир учиб кетди.

Қизилбўйини қолган учта боласи билан водийда яшаб юрди. Қиш кириб, ерга қор тушди. Биринчи қор момикдай майин бўлди. Қишнинг дастлабки куни илиқ келиб, какликлар қарағай дарахтларининг энг пастки шохларида тунашди. Аммо келаси куни совуқ тушиб, бўрон турди, кун узоғи қалин қор ёғди. Кечаси қор тинганда Қизилбўйин болаларини улкан қор уюми ўртасида бўй чўзиб турган оқ қайин олдига олиб борди. У қорга шўнгиди, болалари ҳам худди шундай қилди. Шамол туриб, какликлар кириб ётган қор уя оғзидаги қорларни учириб, уяни худди оқ сурп ёпгандай ёпиб кетди. Какликлар қор уяда бир-бирларига суяниб, туни билан мириқиб ухлади, чунки қор иссиқ сақлаб, какликлар нафас олиши учун етарли ҳаво етказиб турди. Улар эрталаб кўзларини очиб, тумшуклари олдида муз парчаларини кўрди, бу нафасларидан пайдо бўлган музлар эди. Улар бу ёнларига ағдарилиб, қор уядан осонгина чиқиб олди, оталарининг: «Кри-ит! Кри-ит! Кри-ит!» (Келинлар, болаларим, келинлар!) деган эрталабки чорлашини эшитди.

Уларнинг қор остидаги биринчи туни ана шундай бўлди. Келаси кечаси яна қор остига кириб ётишди, яна шамол уларнинг устига оқ либос ёпиб кетди. Кечаси ҳаво ўзгариб, шамол шарққа томон эса бошлади. Аввал ёмғир аралаш пага-пага қор ёғди, сўнг қор музлади. Какликлар эрталаб туриб қор уяларидан чиқмоқчи бўлганларида ўзларини тошдай музлар остида ётгандек ҳис қилди.

Аммо қорнинг тағи аввалгидай юмшоқ эди, шу сабабляям Қизилбўйин очикликка осонлик билан йўл очди. Лекин қор устини қоплаб ётган музга етганда нима қилишини билмай қолди. Музни ёриш учун шунча уринди, бўлмади, қайтанга қаноти билан бошини ярадор қилгани қолди. У умрида бундай оғир вазиятга тушмаган эди. Тўғри, у кўп кийинчиликларни бошидан кечирган, аммо бунақасига дуч

келмаган эди. Уни ваҳима босди. Мадори қуриди. Жамики интилишлари бесамар бўлди.

У болалари озодлик йўлида типирчилаётганларини, «чирк-чийк! чирк-чийк!» дея ёлвориб чиркиллаб, уни ёрдамга қақираётганларини эшитди.

Жўжалар қор уяларида жуда кўпгина ғанимлари дастидан бежавотир, аммо очлик деган ғанимининг исканжасида яшарди. Шунинг учун ҳам жамики саъй-ҳаракатлари бекор кетган, очликдан мадори қуриган митти асирлар тун чўканини пайқаб, янада ваҳимага тушди. Улар тулкилар келиб қолишидан кўрқди. Яна бир навбатдаги қоронғи чўканда тулки ҳақида ўйламай кўйишди. Ҳатто тулкилар келиб, уларнинг устидаги музларни ёриб ташлашларини истади. Улар ана шунда ўз ҳаётлари учун курашиш имкониятларига эга бўлишларини тасаввур қилди.

Дарҳақиқат, тулкилар келиб, музлаб қолган қор устидан ўта бошлади. Қор остида ётган какликлар кўнглида яна яшаш умиди пайдо бўлди, улар нафасларини ютиб, тулкилар ўтиб кетгунча қимир этмади.

Эртаси кунни бўрон бошланди. Шимолдан эсган кучли шамол қорни ер бўйлатиб, хуштак чалиб учирди. Узоқ давом этган кучли бўрон ердаги қорни ағдар-тўнтар қилиб тўзғитиб, қор уяни ҳам бузиб кетди. Уя жуда юзага чиқиб қолди. Қизилбўйин кунни бўйи боши устидаги муз қатламини кўчириш билан овора бўлди, охир-оқибат боши оғриб, тумшуғини шикастлантириб олди. Кун ботиб кетди ҳамки, музни кўчириб, юзага чиқолмади.

Яна бир тун ўтди, энди уларнинг қор уялари устидан тулкилар ўтмай кўйди. Эрталаб Қизилбўйин яна ишга тушди, аммо олдинги куч-қудрати энди йўқ эди, у ҳатто болаларининг овозини, уларнинг тумшуклари билан муз чўкилашларини ҳам эшитмай қолди. Аммо кун ёруғида қор уя ичида ўзини-ўзи кўрадиган бўлди. Чунки қор уя усти жуда юпқа бўлиб қолган эди, шу сабаблиям иложи етганича музни чўкилайверди.

Бўрон кун узоғи тинмади, қор уя юзасида қотиб ётган қорларни ялаб олиб кетавериб, уяни янада омонат қилиб кўйди. Ниҳоят, Қизилбўйиннинг тумшуғи учи музни тешиб чиқди. Бу унинг ғайратига ғайрат, кучига куч қўшди.

У тинимсиз музни чўкилайверди, ниҳоят кунботар вақти музда унинг боши, бўйни, ҳатто ажойиб патёқалари ҳам сиғадиган тешикча пайдо бўлди. Лекин ҳали унга елкалари сиғмас эди, шунинг учун музни пастидан туриб бор кучи билан итарди. Муз унинг кучига бардош беролмади. Қизилбўйин муз камоқдан озод бўлди.



Болаларининг холи нима кечди экан? Қизилбўйин энг аввал шу яқиндаги қирғоққа қараб учди, кип-қизил наъма-так меваларидан бир нечта еб бўлиб, яна изига қайтди. У қуруллади, у тумшуғи билан музни тўкилатди, ер остидан «чийқ-чийқ!» деган заиф овоз эшитди. Ўткир тирноқлари билан қор тирпаб, музни тешди, қор уядан Кулранг Думча лақабли жўжа бир амаллаб чиқиб келди.

Бор-йўғи шу бўлди. Қор остининг турли жойларида сочилиб ётган жўжаларидан садо чиқмади. Улар қорнинг қайси тарафида ётибди, билиб бўлмади, Қизилбўйиннинг ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа кидирмади. Баҳор келиб, қорлар эриганда жўжалар жасади кўринди. Булар жўжалар жасади эмас, пат ёпишган қоқ суяқлар эди, холос!

## VII

Қизилбўйин билан Кулранг Думча бу кўрғиликдан кейин ўзларини ўнглаб олғунларича кўп кунлар ўтиб кетди. Уларнинг кўп дардларига турли-туман ноз-неъматлар ва мусаффо иқлим даво бўлди. Қиш ўрталаридаги бир илиқ кун Қизилбўйинни тағин ўша ёғоч тарафга ундади, у яна ўзининг шу яхши кўрган жойинга бориб, қанотларини қоқди.

Кёдди чол қанот овозларини эшитдимми ё Қизилбўйин билан Кулранг Думчанинг қордаги изларини кўриб қолдимми? Буниси номаълум. Ҳарҳолда у итини эргаштириб, кўлида милтиқ билан яна пайдо бўлиб қолди. Соғ бўйлаб яшириниб бориб, каклик овламоқчи бўлди. У ҳар қанча яшириниб юрмасин, барибир уни какликлар кўпдан буён сезиб юарди.

Улкан қизилпат хўроз каклик бутун водийга донг тартди.

Ов мавсуми келганда кўпгина овчилар уни отиб, ном қозонмоқчи бўлди, улар бу билан қадимги дунё мўъжизаси бўлмиш Эфес жомесига ўт қўйиб, шон-шухрат қозонмоқчи бўлган нотавон кимсага ўхшаб кетишарди.

Қизилбўйин ўрмонни миридан-сиригача яхши билади. У қаерга яширинишни, қачон қанотлари товушини чиқармасдан учишни билади, овчи ўтиб кетаётганда ерга қапишиб ётиб, овчи олислаб кетгач, қанотларини қоқиб юқори кўтарилишни, кейин бирор дарахт танасига бекиниб туриб, олисларга учиб кетишни билади.

Кёдди кўлида қурол билан Қизилбўйинни таъқиб қилишдан толмади, бир неча бор нишонга олиб хато кетди, сабаби, йўлида гоҳ дарахт, гоҳ бирор дўнглик учраб, мўлжални аниқ олишга халақит берди.

Қизилбўйин шод-хуррам кун кечириб, қанот қоқиб яшади.

У «қор ойи» — декабрь келганда Кулранг Думча билан Кэстл Франк ўрмонига жўнади, ўрмонда турли ноз-неъматлар, улкан қари дарахтлар мўл эди. Тебранувчи зангпоялар орасида баҳайбат қарағай дарахти савлат тўкиб турарди. Унинг энг пастки бутоқлари бошқа дарахтларнинг энг юқори учи билан баравар эди. Ёзда шу қарағай шохларига баландликда сўфитўрғайлар ин қурди. Уларнинг ини ўқ етмайдиган бўлиб, улар ўз инларида ҳеч қандай хавф-хатарсиз яшашлари, ўйнаб-қулишлари мумкин эди. Сўфитўрғайлар отаси ўзининг осмонранг қанотларини ёйиб, сеҳрли, жозибали қўшиқлар куйларди. Қўшиқларни болаларига атаб айтарди, шу сабаблиям уни фақат болаларигина эшитарди.

Ана шу улкан қарағай Қизилбўйинга ёқиб қолди, яккаю ягона фарзанди билан шу қарағай атрофида яшай бошлади. Уни кўпроқ қарағайнинг пастки танаси қизиқтириб қолди. Тана теварагида тебранувчан зангпоялар, ёввойи узумлар, ҳамиша кўм-кўк мевали буталар ўсиб ётибди. Қорни қовласа қора ёнғоқлар чиқади. Бундан зиёд емишли жойини топиб бўлмайди. Борди-ю, овчилар келиб қолса, ундан қочиб қутулиш ҳам осон, масалаң, зангпоялар оралаб улкан қарағай панасига чопиб бориб, бемалол учиб кетиш мумкин.

Шу қарағай уларни юз марталаб ўлимдан сақлаб қолди. Кёдди какликлар феъл-атворига мўлжаллаб янги бир ҳийла ўйлаб топди. Ўзи дўнглик ортида бекиниб турди, овчи ошниси какликларни чўчитиш учун эски заранг дарахтини ёнлаб кетди. Чангалзорлар орасидан паналаб бориб, Қизилбўйин билан Кулранг Думча емиш излаб юрган ердан чиқди. Қизилбўйин зийракликка ундаб: «Р-р-р-р» (Хавф-хатар!) деди, шу заҳотиёқ ҳар эҳтимолга қарши улкан қарағай тарафга йўл олди.

Кулранг Думча бир оз кейинда қолиб, фавқуллода итни кўриб қолди. Дарҳақиқат, бир сарғиш ит унга томон келаётган эди. Қизилбўйин олислаб кетиб, чангаллар оралаб келаётган итни кўрмай қолди. Кулранг Думча талвасага тушди.

«Квит! Квит!» (Уч! Уч!) — дея қичқирди у ўзига-ўзи, нишабликдан пастга қараб энар экан.

«Крит! Крр!» (Буёққа қоч! Бекин!) — босиқлик билан қичқирди Қизилбўйин, итнинг изидан милтиқ осган овчи келаётганини кўриб.

Қизилбўйин улкан қарағайга келиб қўнди. Қарағай танасига бекиниб олиб, яна Кулранг Думчага қичқирди: «Буёққа,

буёққа қоч!» Қизилбўйин дўнглик пастидаги чангалдан шитирлаган овозни эшитди, демак, у ерда кимдир пой-лаяпти.

Кулранг Думча кўрқинчли чийиллади.

Ит Думчага ташланди.

Кулранг Думча шундай очикликда пойлаб турган овчидан қочиб, ҳавога кўтарилди. Аммо дўнглик ортида бекиниб турган яна бир овчи мўлжалига дуч келди.

«Пр-р-р» этиб учиб, янада юқорилади.

«Пақ!» этган овоз янгради, у қонга беланиб, сўнги жон талвасасида типирчилаб, ерга тушди. Қор устида жонсиз қотиб қолди...

Қизилбўйин учун энди бу ер хавфли бўлиб қолди. У пастга тушиб бекинди. Ит ундан ўн футча, Кёдди чол эса беш футча наридан чошиб ўтди. Қизилбўйин миқ этмай, ўзини сездирмади. Кейин Тейлор қир-адирларига қараб йўл олиб, эсон-омон етиб олди.

Шафқатсиз милтиқ Қизилбўйиннинг жамики яқинларини тутдай тўкди, у яна ёлғиз қолди.

«Қор ойи» — жуда секин ўтди, бу орада Қизилбўйин неча марталаб ўлим ёқасидан қайтди, чунки овчилар унинг ёлғиз ўзигина тирик қолганини билиб, уни тинимсиз таъқиб қилди. Тинимсиз таъқиб уни янада яқкалаб кўйди.

Кёдди уни милтиқ билан таъқиб қилиш фойдасизлигини билиб, ўзича янги бир ҳийла ўйлади. Қор қалин тушиб, емиш топиш қийинлашиб қолганда, худди Қизилбўйин емиш излайдиган жойга қатор қилиб тузоқ қўйиб ташлади. Бундай жой «бўронлар ойи» бўлмиш январь давомида фақат бир ерда бўларди. Тўғри, Қизилбўйиннинг эски таниши оқдум куён бу жойни топиб олиб, бир нечта тузоқни ўтқир тишлари билан ғажиб ташлади. Аммо қолганлари бутунлигича қолди, бир куни Қизилбўйин осмонда учиб юрган бир қора доғни кўриб қолиб, қирғий бўлса-я, деган ташвишда осмонга анграйиб қараб юриб, тузоққа тушганини билмай қолди. Оёғидан осилиб, ҳавода муаллақ туриб қолди.

Инсон бир жониворни шунчалик қийноқ-азобларга солишга нима ҳаққи бор? Жониворнинг айби инсон тилини билмаганими?

Бечора Қизилбўйин кун бўйи оёғидан осилиб, озод бўлиш учун улкан, қудратли қанотларини силкиб, азобланиб ётди. Кечасию кундузи холи шу бўлди. Охири жонидан тўйиб, ўзига-ўзи ўлим тилади, тезроқ жоним узилса, бу қийноқ-азоблардан қутулармидим, деган хаёлга борди.

Аммо ўлим кургур ҳадеганда келавермади.

Тонг отди.

Яна бир кун ўтиб, оҳиста-оҳиста оқшом чўкди.

У ўз тан соғлиги, куч-қудратидан нафратланди.

Қоронғи тушиб, теварак зим-зиё бўлганда бир шалпанг-қулоқ бойўғли унинг қанотлари шарпасини эшитиб қолиб, учиб келди-ю, Қизилбўйинни азоб-уқубатлардан халос қилди.


Бойўғли хайрли иш қилди...

Шимол шамоли эсиб, муз ботқоқ узра қор учирди. Теварак оппоқ бўлди. Шамол қор устида қандайдир бир қоп-қора патларниям учириб юрди. Булар Қизилбўйиннинг ўша ажойиб, машҳур патёқалари эди. Шамол патёқаларни олис жанубларга учириб кетди. Патлар қорайиб турган кўл узра учди. Патёқалар бир замонлар ҳам кўл узра учган, унда «телбалик ойи» эди, аммо унда Қизилбўйиннинг бўйнида безак бўлиб учган эди, чунки унда қизилбўйин ҳаёт эди. Мана, охир-оқибат, патёқалар қорга кўмилиб, Дон водийсида яшаб ўтган какликлар авлодининг сўнги, энг сўнги нишонаси ана шундай йўқ бўлиб кетди.

Шундай қилиб, Кэстл Франкда какликлар сайрамай қўйдди. Балчиқзор дарё сойларидаги қарағай кундалари аста-аста чириб, ҳеч кимга керак бўлмай қолди.

О. КИРОГА

---



А Н А К О Н Д А

## I

Кечкурун соат ўнларда ҳаво ниҳоятда дим бўлиб кетди. Сельва осмонини кўрғошиндек вазмин қора булутлар қоплади. Ўқтин-ўқтин зим-зиё кеча сукунатини тилка-пора қилиб чакмоқ чақар ва момақалдиروقнинг бўғиқ гулдирагани эшитиларди; лекин иссиқ ўлкаларда кўп бўладиган жаладан дарак йўқ эди.

Захарли илонларга хос беғамлик билан овга чиққан Куфия чангалзор оралаб ўтган сўқмоқдан оҳиста ўрмалаб келарди. Бу икки ёни бир хилда қора кунгираддор тангачалар билан қопланган фавкулудда гўзал ярарака<sup>1</sup> эди. Куфия учи айри тили билан йўлни пайпаслаб борарди.

У сўқмоқлар кесишган ерда тўхтади, бамайлихотир ҳалқадек ўралиб олди ва қулайроқ жойлашгани типирчилай-типирчилай, сўнг бошини секин-аста қайишқоқ танасининг ўрмаси ичига тортиб олди-да, кута бошлади.

Орадан беш соат ўтди. Куфия кимир этмай ётаверди. Начора, бугун унинг омади кулиб боқмаган экан! Кун чиқа бошлади ҳамки, ови бароридан келмади. Куфия энди қайтиб кетишга чоғланган пайтда рўпарасида, сурмаранг осмон фонида баҳайбат шарпага кўзи тушди-ю, бирдан қарори ўзгарди.

— Уйни бир айланиб чиқмайманми,— дея шивирлади найзабош илон,— бир неча кундан бери олағовур тинмайди. Нима гап ўзи?.. Ҳар эҳтимолга қарши огоҳ бўлиб қўйиш керак...

У қўлагани қоралаб оҳиста судралиб кетди.

Куфиянинг диққатини жалб этган уй тахтадан қурилган кўхна бунгало бўлиб, бўёқлари ҳали бутунлай ўчиб улгурмаганди. Уй атрофида бир неча шийпон кўзга ташланарди. Бу қаровсиз уйда аллазамонлардан бери ҳеч зог яшамасди. Энди бўлса панжара ортидан оёқ товушлари, темирларнинг жаранги, отларнинг кишнаши қулоққа чалинар — булар-

---

<sup>1</sup> Я р а р а к а — Жанубий Америкадаги захарли илонларнинг бир тури — найзабош илон.

нинг ҳаммаси у ерда одам яшаётганидан дарак берарди. Бир сўз билан айтганда кўнгилсизлик иси келарди.

Лекин хавотири қанчалар асосли эканини текшириб кўриш лозим эди, қутилмаганда Куфиянинг боришига ҳожат ҳам қолмади.

Дафъатан эшик ночор гирчиллади. У бўйинини чўзиб қаради-да, секин-аста ёйилаётган тонг ёруғида сўқмоқ билан келаётган барваста коматга кўзи тушди. Шахдам, дадил қадамлар товуши кучайиб, душман шу томонга келаётганидан огоҳ этарди.

«Одам!» Куфия бир зумда гужанак бўлиб, ҳамла қилишга ҳозирланди.

Ниҳоят кўлага унинг тепасига етиб келди. Шундоққина ёнига баҳайбат оёқ гурс этиб тушди-ю, Ярароқа таваккал қилиб сапчиди ва ўша заҳоти бошини тортиб олди.

Биров гаврон билан оёғига ургандек бўлди-ю, одам тўхтади ва нимқоронғи чангалзорга кўз югуртириб, шубҳали нарса сезмагач, йўлида давом этди.

Бу сафар одамлар келиб, уй чиндан ҳам жонланиб қолганини Куфия фаҳмлади. У ўрмалаб қайтиб кетаркан, ўзининг тунги саргузашти эрта-индин юз бериши муқаррар бўлган бемисл фожиаларининг муқаддимаси эканига ич-ичида ишонч ҳосил қилиб борарди.

## II

Эртасига Куфия уйғонган заҳоти илонлар бошига тушган фалокатни эслади. Ҳайвонлар салтанати учун кўп замонлардан бери инсон билан фалокат тушунчаси бир бутун маънони англатарди. Илонлар учун эса ҳар икки тушунча одам оёғи етмаган Сельва ҳамда шу маконда жойлашган илонлар уясининг қулини кўкка соғурувчи олов тимсоли бўлиб қолган эди.

Ўйлаб ўтирмасдан тез ҳаракат қилиш керак. Лекин бунинг учун қош қорайишини кутмаса бўлмасди.

Куфия бу шум хабарни Сельвага тарқатишда ёрдам берадиган икки дугонасини ахтариб топди: улар ярим кечага довур барча илонларнинг уяларига бош суқиб чиқдилар. Тунги соат иккида Конгресс чақирилди. Гарчи ҳамма келмаган бўлса ҳам бундан кейинги фаолиятлари ҳақидаги муаммони ҳал қилиш учун етарли овоз берувчи тўпланган эди.

Ўрмон ичкарасидаги баланд қоя этагида, чангалзор орасида эски гор жойлашган. Бу горда анчадан бери қарибчириган думининг учидаги митти шақилдоқлари ўзига ярашган Каскавелла отли илон яшарди. Каскавелла унчалик

катта бўлмаса ҳам — узунлиги бир ярим қулоч эди — хийла йўғон эди. Очиги, ниҳоятда кўркам, етти соат қимирламай пусиб ётиб, сўнг ўлжага беҳосдан ташланиб, ўткир тишлари билан чақадиган кўркмас ва матонатли илон эди у. Унинг тишлари бошқа заҳарли илонларнинг тишига нисбатан кичик бўлса ҳам ўткир эди.

Ана шу ғорда яқинлашиб келаётган фалокат олдини олиш учун шақилдоқ илон бошчилигида Илонлар конгрессининг кенгаши очилди. Куфия билан Каскавелладан ташқари мажлисда Салтанатнинг бошқа илонлари ҳам, чунончи: ҳамманинг эркатойи, сермулоҳаза, бошидан думигача қизил чипор жажжигина Коатиарита; хушбичим, орқаси очжигарранг нақш, икки ёни нимпушти — ўзини кашф этган табиатшуноснинг исми билан аталувчи зебо Нойвид; хуснда Нойвиддан қолишмайдиган Крусада, номининг ўзиёқ юракка гўлгула соладиган Атрокс<sup>1</sup>лар иштирок этмокда эди. Ғорнинг ичкарасида эса Олтин Уруту пусиб ётарди, унинг бахмалдек майин, бир юз олтмиш сантиметр узунликдаги қора бадани қиялама зарҳал чизиқлар билан қопланган эди.

Шуни айтиш лозимки, мудхиш Лахезис ёки Каскавелладан бошқа ҳамма Конгресс қатнашчилари мансуб бўлган Ярарақа оиласининг айрим турлари пўстларидаги безакнинг бежирим ва ёркинлиги бўйича азалдан бир-бирлари билан рақобат қилиб келишади. Дарҳақиқат, табиат ҳар қандай мавжудотни бунчалар сийламас экан.

Илонлар қонунига биноан кам тарқалган ва тури оз илонлардан биронтаси Конгресс кенгашларида раислик қилиш ҳуқуқига эга эмасди.

Шунинг учун Олтин Уруту — баҳайбат, заҳари ниҳоятда кучли ва афсуски, камдан-кам учрайдиган қора илон — бунга даъво қилмай ўзидан бир мунча кучсизроқ бўлса-да, илонларнинг хийла машхур ҳамда фавқулудда уруғи кўп зотига мансуб шақилдоқ илонга ушбу шарафни бажону дил раво кўрарди.

Хуллас, Конгресснинг аксар аъзолари йиғилганини кўрган Каскавелла кенгашни очик, деб эълон қилди.

— Дўстларим! — деди у. — Куфия бизнинг Сельвада Одамзод деган фалокат пайдо бўлгани ҳақида хабар келтирди. Империямизни душман хужумидан сақлаш зарурати ҳақидаги масалани ўртага ташласам, менимча, ҳаммангизнинг дилингиздаги гапни айтган бўламан. Биз учун ягона йўл бор. Ер-мулкимиздан бир қисмининг баҳридан ўтиш

<sup>1</sup> Атрокс — шафқатсиз, бераҳм.



ёрдам бермаслиги тажрибадан маълум. Демак, ҳозиргина айтганимдек, биз учун ягона йўл мавжуд. У ҳам бўлса Одамга қарши омонсиз уруш эълон қилиш. Буни пайсалга солиб бўлмайди, ўртоқлар, шу тундан қолдирмай бошланиши шарт бўлган уруш ким нималарга қодир ва лаёқатли эканини кўрсатиш имконини беради. Пайтдан фойдаланиб, Конгрессга шуни алоҳида мамнуният билан қайд этишга изн беринг, мен Инсон қўйган номни тан олмайман: мен шақилдоқ илон эмас, балки бу ерга йиғилганлар сингари Яраракаман! Ажал уруғини сочадиган Ярарака! Шундай қилиб, азиз дўстларим, Ажалнинг қора яловини баланд кўтарадиган пайт етди! Қани, қайси бирингиз ҳаракатлар йўналиши ҳақида гапирасиз?

Каскавелла тишларининг узунлиги учун ақлий лаёқатига мутлақо зид экани ҳеч кимга, жиллакурса илонлар салтанатининг фуқароларига сир эмасди. Унинг ўзи ҳам буни билар ва кўпни кўрган қироличалар сингари йўл-йўриқ кўрсатиш ҳақида гап бораётган пайтда одоб сақлаб туришни лозим кўрарди.

Шунда эринчоқлик билан керишганча Крусада гап бошлади:

— Мен Каскавелланинг фикрини қувватлайман ва шу билан бирга аниқ плансиз бирон ишга қўл урмаслик керак, деб ҳисоблайман. Лекин фақат бир нарса, Конгрессда сувилонлар билан бўғма илонлар қатнашмаётгани мени ажаблантиряпти. Бизлар ёт-бегоналар эмас, қондошлармиз-ку?!

Орага узоқ жимлик чўкди. Афтидан Крусаданинг охириги фикри тўпланганларга ёқмаган эди. Крусада буни фаҳмлаб, нохушгина илжайди:

— Афсуски, гапларим сизга маъқул бўлмади. Аммо бир нарсани унутманг. Энг оддий бўғма илонга ҳам бирор-тамининг кучимиз етмайди. Уни енгиш мумкин эмас! Айтмоқчи бўлганларим шу.

— Гап уларга заҳарнинг таъсир қилмаслиги ҳақида кетаётган бўлса, — дея вишиллади ғорнинг ичкарисидан Олтин Уруту. — Шубҳаларингиз асоссиз эканини исбот қилиб бераман...

— Гап заҳарда эмас, — менсимайгина эътироз билдирди Крусада. — У менда ҳам истаганча топилади, — дея қўшиб қўйди у лосдек ялтираётган қора илонга ола қараб. — Мен уларнинг бақувватлиги, эпчиллиги ва шиддатлилигини назарда тутяпман. Уларнинг бундай ажойиб жанговар хусусиятларини ҳеч ким инкор қилолмаса керак. Яна қайтараман, биз илонлар бошламоқчи бўлаётган бу курашда, аминманки,

сувилонлар билан бўғма илонларнинг ёрдами тегади; қолаверса уларсиз ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Лекин бу таклифни шунда ҳам биров қувватлай демади.

— Сувилонларни бошимизга урамизми?— деди зарда билан Атрокс.— Улар пасткаш илонлар!

— Уларнинг кўзи балиқларникига ўхшайди,— қилтиллаганча кўшиб кўйди чўзикбош илон.

— Уларни кўрсам кўнглим кетади!— деди ижирганиб Куфия.

— Менимча, биронта бошқа нарсага кўнглинг кетса керак!— деди ҳозиржавоблик билан Крусада.

— Кимни? Меними?! — вишиллади Куфия.— Огоҳлантириб кўяй, бу мўътабар йиғилишда дайди чувалчангларни химоя қилиб обрў орттирмаяпсан.

— Шу гапини овчи сувилонларга бир оғиз айтиб кўрчи...— дея пичинг қилди Крусада.

«Овчи» сўзини эшитиб тўпланганлар шовкин кўтаришди:

— Бемаънилик! Қанақасига овчи бўлсин! Бор-йўғи оддий сувилонлар, холос.

— Улар ўзларини овчилар деб аташади,— илтифотсизлик билан шартта кесди Крусада.— Умуман Конгрессда эканингизни унутманг!

Шуни айтиш керакки, Узоқ Шимол кизи Куфия билан асл жанублик Крусада ўртасида анчадан буён сувилонларнинг фикрича, аёлларга хос рақобатдан келиб чиқувчи жанжал тўхтамасди.

— Бўлди, бас қилинлар!— деб орага тушди Каскавелла.— Майли, сувилонларнинг ёрдами нега керак бўлиб қолгани, уларнинг биз — Ажал фаришталарига нима алоқаси бор, Крусада тушунтириб берсин.

— Аввало,— дея хотиржам гап бошлади Крусада,— бу уйга жойлашиб олган одамлар нима билан шуғулланыпти, шуни билишимиз шарт; бунинг учун қандай бўлмасин уйга бориш ва иложи бўлса ичкарига кириш керак. Кўриб турибсизки, осон иш эмас — модомики, бизнинг ширимиз — ўлимга хизмат қилиш бўлса, одамларнинг мақсади ҳам худди шундай — бизни яксон қилиш. Ўзларингдан ўтар гап йўқ, одамлар бу масалада бизга нисбатан ашаддийроқ. Сувилонлар эса бизга нисбатан чакқонроқ. Мен аминман, Конгресс қатнашчиларидан ҳар бири уйга боришга тайёр. Аммо у қайтиб кела оладими-йўқми — мана, гап қаерда. Буни Ньяканина яхши эплайди. Бунақа ишлар унга чўт эмас, тўмга чиқиб, жуда керакли нарсаларни кўриб, эшитиб, сўнг кўн чикмасдан бизни огоҳ қиларди.

Бу таклиф шунчалар оқилона эдики, йиғилганларнинг чор-ночор рози бўлишдан ўзга иложи қолмади.

— Ньяканинани ким чақириб келади?— деб сўради бараварига бир неча илон.

— Мен,— деб жавоб қилди Крусада ва дарахтдан ўрма-лаб тушди-да, гор оғзига ошиқди.— Гир этиб чақириб келаман.

— Нимасини айтасан,— деб гап отди унинг ортидан Куфия.— Ораларингдан қил ҳам ўтмайди-ку? Бормай кўр-чи!

Крусада жавоб ўрнига унинг гашига тегиш учун тилини чиқарди.

### III

Крусада борганида Ньяканина эндигина дарахтга ўрма-лаб чиқаётган эди.

— Хай Ньяканина!— деб чақирди у дугонасини.

Ньяканина эшитса ҳам, эҳтиёт шарт, дарров жавоб бермади.

— Ньяканина!— деб қаттиқроқ чақирди Крусада.

— Ким у мени чақираётган?— деб сўради Ньяканина.

— Бу мен, Крусада...

— Ха-а! Дугонажон... Нима керак сенга, кўнглимининг қувончи?

— Ҳазилингни йиғиштир, Ньяканина... Уйда нималар бўлаётганидан хабаринг борми?

— Ха, бор, у ерда Одам яшааяпти...

— Биз кенгаш чақирганимиздан хабаринг борми?

— Шунақами, бундан хабарим йўқ эди,— деб жавоб қилди Ньяканина ва дарахтдан сирғалиб тушди.— Бирон кўнгилисизлик юз бердимми?

— Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ. Ҳар эҳтимолга қарши кенгаш чақирдик. Қисқаси, уйга одамлар келиб, умрбод шу ерда яшар эмаш. Ўзингга аён, одамлар бизнинг кушанда-миз! Ҳаммадан кўра бизга ёмон бўлади.

— Мен содда уларнинг кушандаси аслида сизлар, деб юрардим. Ўзларинг шундай деб қариллаб юрасиз шекилли!— деди масхараомуз Ньяканина.

— Ҳозир ҳазилингни ўрни эмас, Ньяканина! Қисқаси, ёрдамингга муҳтож бўлиб қолдик.

— Нега энди? Менинг нима алоқам бор?

— Жудаям бор-да! Пешонанг курсинки, сен биз қора илонларга икки томчи сувдек ўхшайсан. Бизнинг маи-фатларимизни ҳимоя қилсанг, ўзингни ҳимоя қилган бўласан.

Бу ўхшашлик оқибати чиндан ҳам фалокат келтириши мумкин деган хаёлда Ньяканина оғир сўлиш олди-да:

— Тушунарли,— деб кўйди.  
— Демак, сенга ишонса бўладими?  
— Мен нима қилишим керак?  
— Арзимаган нарса, уйга борасан-у, у ерда нималар бўлаётганини аниқлаб келасан, холос.

— Шуюм иш бўлди-ю!— деди назарга илмай Ньяканина дарахт танасига бошини ишқаб кашинаркан.— Лекин аф-сус, тайёр насиба кутиб турганди... Кеча ўрмон тустовуғи хув юқоридаги бутокқа ин қўйган эди...

— Балки йўлда бирон нима учраб қолар,— деб уни ишонтирмоқчи бўлди Крусада.

Дугонаси борайми, бормайми дегандек иккиланарди.

— Қани юрақол, кетдик!— деди ҳовлиқиб Ярарака.— Фақат олдин Конгрессга бир кириб ўтамиз.

— Э, йўк, бунақаси кетмайди!— дея эътироз билдирди Ньяканина.— Уёққа бормайман. Ҳожатингизни чиқар-япманми, шунинг ўзи катта гап. Конгрессга эса насиб қилса қайтишда кирарман. Лекин элдан бурун Каскавеллан-нинг бурушган бошию Куфиянинг бит кўзларини, бефаҳм Каролинанинг башарасини кўраман деб ўлиб турганим йўк...

— Аммо Каролина йўк у ерда!

— Барибир. Ҳаммаси бир гўр.

— Бўпти, бўпти,— дея ўзича тўнғиллади Крусада.— Лекин сал секинроқ юр, ўпкам шишиб кетди.

Дарҳақиқат, шитоб билан судралиб кетаётган Ньяканинага етишиб юраман деб Крусада ҳансираб қолганди.

— Бўлмаса, яхшиси шу ерда қол,— дея маслаҳат берди Ньяканина ва кўз очиб юмгунча Крусададан узоқлашди.

#### IV

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас Ньяканина мўлжаллаган ерига етиб келди. Уйдагилар ҳали уйғоқ эди. Ланг очиқ эшикдан чироқ нури тушиб турарди. Ньяканина остонага яқин бориб ичкарига мўралади, стол атрофида бир неча киши жимгина ўтирарди.

Лекин бирор қор-қол рўй бермаслиги учун итлардан кўз-қулоқ бўлиши керак. Бу ерда ит бормикин? Ньяканина итлардан кўрқарди. У ниҳоятда эҳтиёткорлик билан айвон сари судралди, нарвондан юқорига чиқиб чор-атрофни кўздан кечирди: ҳеч қаерда йўк. Фақат рўпарадаги айвонда ўтирган одамларнинг ортида каттақон қора ит ухлаб ётарди.

Демак, ҳаракат қилса бўлади! Нарвон тепасидаги Ньяканинага одамларнинг гўнғир-гўнғири эшитиларди-ю, ўзлари кўринмасди. У шифтни кўздан кечириб, излаган нарсасини топди ва нарвондан ҳаш-паш дегунча том билан

девор оралиғидаги тўсинга ўтди. Аммо у ҳар қанча эҳтиёт-корлик билан судралмасин болохона айвончасида ётган занглаган миҳни тушириб юборди-ю, ўтирганлардан бири бошини кўтарди.

«Тамом»,- деб ўйлади Ньяканина нафаси ичига тушиб. Шериги ҳам юқорига қаради.

— Нима бўлди?— деб сўради у.

— Ҳеч нарса,— деди биринчиси,— назаримда бир нарса ўтгандек бўлди.

— Каламуш бўлса керак.

— Одам хато қилди!— дея суюнди Ньяканина.

— Балки илондир.

— Буниси сезди,— дея шивирлади Ньяканина ва жангга ҳозирлана бошлади.

Бироқ одамлар яна энгашиб бир нималар билан машғул бўлишди. Ньяканина ярим соатга довур уларнинг гап-сўзларига кулоқ солиб ётди.

## V

Сельва илонларининг кўнглига ғулғула солган уйда муҳим аҳамиятга эга илмий муассаса жойлашган эди. Бу кўз илғамас чангалзорда гиж-гиж илонлар яшашини билган Федерал ҳукумат бу ерда юкумли касалликларни илон захридан олинган зардоб билан даволаш институти очишга қарор қилган эди. Маълумки, зардоб тайёрлашга асосан захарли илонлар керак бўлади. Мазкур институт ихтиёрида тажрибахоналар, захарли илонлар сақланадиган қафаслар ва захарга қарши эмланган учта от бор эди. Шундай бўлса ҳам илмий ходимлар захарли илонларнинг етишмаслиги туфайли ҳали иш бошламагандилар. Зотан эмлашнинг сўнги босқичида ҳар дори юборишга камида олти грамм захар керак бўларди. Ҳолбуки бунча миқдордаги захар эмланган икки юз элликта отни нобуд қиларди.

Институтни Сельвага кўчириш устида бош қотираётган илмий ходимлар тажрибахонага оид ишлар билан бирга бошқа муҳим масалаларни муҳокама қилиб алламаҳалгача ўтиришди.

— Отлар қалай бугун?— деб сўради кўкиш кўзойнакли одам. Чамаси у институт директори эди.

— Жуда қийналишяпти,— деди шериги. — Агар яқин кунлар ичида овимиз бароридан келмаса...

Ньяканина уларнинг биронта сўзи, бирон бир ҳаракатини кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди.

— Захарли эгачиларимнинг ваҳимага тушиши бежиз

эмасга ўхшайди,— дея шивирлади у беғамлик билан.  
— Бу одамлар бирон ишнинг уддасидан чиқолмаса керак...  
У бўйинини чўзганча симчиклаб уларни кўздан кечирди.  
Одамларнинг бошқа ташвишлари ҳам бор эди.

— Бугун сира ишимиз юришмаяпти,— дея давом этди улардан бири.— Синган бешта ампула...

Ньяканина энди одамларга ростдан ачинди.

— Боёқишлар!— дея гўлдиради у. — Бешта ампула синибди-я!..

Ньяканина жимжит уйни кўздан кечириб чиқиш учун отланган эди, бирдан:

— Лекин илонлар бежавотир юришибди... Бу ернинг шарт-шароити уларнинг жонига ора қиряпти шекилли..  
— деган гаплар қулоғига чалинди.

— Бу нима дегани?— Ньяканинанинг сапчиб тушишига оз қолди, учи айри тили кириб-чиқа бошлади.— Нима деб валдираяпти анови оқ халатли кал?

Оқ халатли эса гапида давом этди:

— Уларга бундан кўра қулайроқ ер топилмайди... Биз эса, айниқса ҳозир уларга муҳтожмиз. Биз ҳам, отлар ҳам...

— Хайриятки, бу ерда истаганча илон тутса бўлади. Сельва чинакам илонлар салтанати.

— Гап буёқда экан-да...— дея тўнғиллади Ньяканина тўсинга ўралиб оларкан.— Иш чаппасига кетди... Бу беозор одамларни кўпроқ кузатиш керак... Анча-мунча керакли гаплар олиш мумкин.

Дарҳақиқат, у шунчалик галати гапларни эшитдики, ярим соатдан сўнг яширинган ерини тарк этиб кетаётганда ҳаяжонланиб тўсиндан тушиб кетиб, ўзини фош қилиб қўйди. Лекин ўша заҳоти узун, ингичка тилини чиқариб ҳамлага тайёрланди.

Ньяканина баъзан уч метргача сапчий олар, ниҳоятда довиорак эди. Уни бекорга Америка китъасидаги заҳарсиз илонларнинг энг жасури демасдилар. У одамзод ҳар қанча зўр бўлса ҳам у билан яккама-якка олишишдан қайтмасди. Ўзига бениҳоя ишонганидан Ньяканина ҳамма мандан қўрқади, деб ўйларди; шунинг учун ҳозир одамларнинг чўчимай қулиб қараганлари унга оғир ботди.

— Бу Ньяканина... Ҳечқиси йўқ, уйдаги каламушларни тутиб юради...

— Каламушларни? Унчалик эмас-ов...— дея зарда билан вишиллади илон.

Шунда одамлардан бири ўзини тутолмай ўрнидан турди.

— Фойдаси қурсин, илон бари бир илонлигига боради...  
Кечаси ўрин-пўринга ўрмалаб кириши ҳеч гапмас...

У шундай деди-да, таёкни олиб Ньяканинага чунонам улоқтирдик, таёк унинг боши устидан шувиллаб ўтиб, деворга қарсиллаб урилди.

Ньяканина довюрак бўлгани билан ҳозир Сельвадан олисда, тўрт нафар одам билан юзма-юз қолганидан ўзини йўқотиб қўйди; у орқа-олдига қарамай қочди — довюрак ликда нечоғлик беқиёс бўлса, тезликда ҳам овчи илонларнинг олдига тушадигани йўқ эди.

Изма-из қувиб келаётган итларнинг акиллашидан безор бўлган Ньяканина ҳолдан тойиб аранг ғорга етиб келди, сўнг бир оз дам олиш учун Куфия билан Атрокс устидан ўрмалаб ўтиб ғорнинг ичкарасига кулала бўлиб ётди.

## VI

— Ниҳоят!— деб юборишди ҳамма илонлар жўровозда.— Энди келмайди, эски кадрдонлик ҳаққи-хурмати одамлар билан қолса керак, деб ўйловдик.

— Ҳм...— дея тўнғиллади Ньяканина.

— Ҳўш, нима гап?— деб сўради Каскавелла.

— Ҳужумни кутайликми ёки одамлар билан тўқнашувдан қочайликми?

— Менимча, энг оқилона тадбир ҳам шу... Зудлик билан дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олиш керак.

— Нима?.. Нега энди?— деб юборди илонлар бехосдан.— Эсинг жойидами ўзи?

— Аввал гапимга кулоқ солинглар.

— Қани гапир бўлмаса!

Ньяканина илон захрини текшириш Институтининг ташкил қилиниши борми, институтнинг режалари ва мақсади, одамларнинг Сельвадаги барча заҳарли илонларни овлаш ниятлари борми, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Буни эшитиб астойдил ранжиган Куфия, Крусада ва Олтин Уругу ўзларини тутиб туролмадилар.

— Ҳали бизни овлашармиши? Алдамаясанми, балки ўлдиришмоқчидир?

— Йўқ! Овлашмоқчи — қафасга солиб яхшилаб боқиб, ҳар йнгирма кунда сизлардан заҳар олишмоқчи! Бунақа ҳаёт қаерда бор!

Илонлар хайратдан донг қотиб қолишди. Ньяканина нима учун заҳар тайёрланишини қойиллатиб тушунтирди-ю, бироқ зардоб олишга ёрдам берадиган воситалар ҳақида гапиришга улгурмади.

Илон захрига қарши зардоб! Бошқача айтганда энди

одамлар билан жониворларга заҳар таъсир қилмайди дегани, илонлар гуллаб яшнаётган Сельваларида очликдан халок бўлади, дегани!

— Худди шундай,— дея беғамгина тасдиқлади Ньяканина.— Гап худди шу хусусда кетяпти.

Келажак Ньяканинани қўрқитолмасди. Сельвадаги барча ҳайвонларга заҳар таъсир қилмаса қилмас! Унинг турдошлари тишлари-ю, кучига ишонадилар. Улар фақат заҳарли илонларга жудаям ўхшаб кетишлари учун хавф остида эди! Бу ўхшашлик уларнинг бошига етмаса гўрғайди. Шунинг учун Ньяканина ҳам институтни йўқ қилишдан манфаатдор эди.

— Мен жангни бошлашга тайёрман,— деб эълон қилди Крусада.

— Хужум қилиш режанг борми?— деб сўради доимо бировнинг фикри билан иш кўрадиган Каскавелла.

— Хеч қанақа режам йўқ! Эртага кечқурун мен Одамга пистирма кўяман.

— Эҳтиёт бўл!— деди маънодор қилиб Ньяканина.— Одамларнинг бизга атаб қўйган бўш қафаслари кўп... Айтганча! Мен бир нарсани айтишни унутибман,— деди у Крусадага юзланиб:— Бир неча минут илгари уйнинг ёнида бир пахмоқ қора ит билан тўкнашимизга тўғри келди... У илон овлашга ўргатилганга ўхшайди... Эҳтиёт бўл!

— Начора, кўрамиз! Лекин эртага кечқурун барча Конгресс аъзоларини чақиришни сўрайман. Борди-ю, ўзим қатнашолмай қолсам ўзларинг ўткизаверинглар...

Тўпланганлар беҳад ҳайратланишарди.

— Илон овлашга ўргатилган ит, деяпсанми? Ростданми?

— Менимча шундай. Ундан эҳтиёт бўлишга тўғри келади. У одамлардан кўра кўпроқ зиён етказишга кодир!

— Уни даф қилишни ўз зиммамга оламан!— дея хитоб қилди ортиқча бош қотирмай ўткир захрини осонгина ишга солиш имкони туғилганидан мамнун бўлган Каскавелла. Дарвоқе, аччиғи чиқар-чиқмас маҳша безларидан тишларига заҳар куйилди.

Илонлар эса энди бу янгиликни тезроқ ўрмондаги мулкларига тарқатишга шошиларди. Дарахтга чиқиш устаси Ньяканина — дарахтда яшовчи илонларни огоҳлантириш учун махсус топширик олди.

Мажлис азонга яқин, соат учларда тугади. Илонлар ичларига чирок ёкса ёришмайдиган бир кайфиятда лом-мим демай тарқалишди. Форнинг тўридаги кулча бўлиб ётган шақилдоқ илон эса мудрарди. У жонсиз нигоҳи остида секин-аста тарракдек қотаётган қора итларни туш кўрарди.



Пешин пайти. Чангалзорда қайноқ тупроқда паналаб Крусада уй томон судралиб борарди. Уни биринчи бўлиб дуч келган одамни ўлдириш мақсади етаклаб кетмоқда. Шундан бошқа нарса уни кизиктирмасди. Айвонга етиб боргач, илон кулча бўлиб ётди-да, кута бошлади. Орадан ярим соат ўтди. Уч кундан бери олов пуркаётган жазирама иссиқ уни элитди, лекин бирдан уй ичидан кимнингдир юмшоқ оёқ товуши эшитилди-ю, остонада уйқули кўзлари кизарган қора пахмоқ ит кўринди.

— Лаънати махлуқ!— дея тўнғиллади Крусада.— Одам чиққани маъкул эди менга.

Шу пайт ит тўхтаб, ҳавони искай-искай илон ётган томонга бошини бурди... У кечиккан эди! Ит аяқчли гингшиганча илон чаққан тумшугини ерга ишқай бошлади.

— Биттаси тамом,— дея вишиллади илон ва яна кулча бўлиб олди. Бироқ илон чаққан ит ўзига энди ҳамла қилишга чоғланганда эгасининг қадам товушини эшитиб вовуллай бошлади. Крусаданинг ёнида кўкиш кўзойнакли одам пайдо бўлди.

— Нима бўлди?— дея қичқирди кимдир айвондан.

— Бу япалоқ илон... Жуда антиқаси,— деб жавоб берди одам. Крусада ўзини ҳимоя қилишга улгурмади. Бўйнидан бир нима келиб сиқди. Одам узун таёқнинг учига ўрнатилган илмоқ билан илонни тутиб олганди.

Ярарака кўз кўриб қулоқ эшитмаган хўрликдан тутақиб кетди, у қайишқоқ танасини ростлаб думи билан таёққа чирмашиш учун беҳуда тўлғанарди. Афсус! Унга таянч нуқтаси етишмасди, бундай аҳволда ҳатто кудратли бўғма илон ҳам ожиз бўлиб қоларди. Ярарака то одам уни элтиб қафасга улоқтирмагунча таёқнинг учиде лапанглайверди.

Ту누ка билан ўралган чоғроққина майдонда ўттиз-қирк-та захарли илон солинган қафас жойлашган эди. Крусада шалоп этиб ерга тушди-да, куёшнинг жазирама нурлари остида анча вақт шалпайиб ётди.

Серпантарийдаги ҳамма нарса наридандан-бери қурилганга ўхшарди; илонларнинг чўмилиши учун мўлжалланган пастак кутилар ўрнатилган, бу чала-чулла яратилган жаннат аҳлининг тунаши учун эса қафаслар билан катта-катта тошлар уюми ҳозирлаб қўйилган эди.

Кўп ўтмай қаерлик эканини аниқлаш ва сурбетларча устидан судралиб ўтиш ниятида тажриба учун келтирилган илонлар Яраракани ўраб олишди.

Крусада сим панжара ортида чўмилаётган баҳайбат

илондан бошқа ҳаммани таниди. Бу нотаниш ким бўлдийкин? Крусада уни биринчи кўриши эди. У қизиққанидан сим панжара ёнига аста судралиб борди.

У шунчалик яқин бордики, нотаниш илон бирдан бошини кўтарди. Сапчиб ўзини орқага ташлаган Крусада ҳайратдан вишиллаб юборди: баҳайбат илоннинг бўйни унинг кўз олдида даҳшатли тарзда шиша бошлади. Яра-рака умри бино бўлиб бунақасини кўрмаганди. Бундай важоҳатда нотаниш илон чиндан ҳам бетимсол эди.

— Кимсан ўзи?— дея қизиқиб сўради Крусада.— Бизнинг уруғдансан шекилли. Биз каби заҳарли бўлсанг керак.

Крусаданинг ташланиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилган илон секин-аста асл ҳолига қайтди.

— Шундай. Лекин мен бу ерлик эмасман. Менинг ватаним жуда олисда... Ҳиндистондан келганман.

— Исминг нима?

— Гамадрия ёки Шоҳ илон.

— Мен эса Крусадаман.

— Биламан, биламан, айтмасанг ҳам бўлади. Бу ерда анча-мунча опа-сингилларинг йиғилиб қолган... Сени қачон овлашди?

— Ҳозиргина. Шунча килсам ҳам одамни ўлдиролмадим.

— Ўзинг ўлганинг афзал эди...

— Лекин итни ўлдирдим.

— Қанақа итни айтяпсан? Шу ердагими?

— Ҳа.

Шоҳ илон масхараомуз кулди; Крусада эса аллақачон ўлдига чиқарган итнинг ҳуришини эшитиб титраб кетди.

— Ҳайрон қолдинг-а? Шундай эмасми?— деди Шоҳ илон.— Фақат сен эмас.

— Аммо мен уни нақ тумшуғидан чақдим...— деди жиғибийрон бўлаётган Крусада.— Менинг бир томчи ҳам заҳрим қолмади. Биз яракалар бор заҳримизни бир чақишда ишлатамиз.

— У сен тугул авлодинг чаққанда ҳам парво қилмайди

— Наҳотки уни ўлдириб бўлмаса?

— Нега энди. Аммо сен билан бизнинг қўлимиздан келмайди. У эмланган. Айтгандай бунинг нималигини барибир тушунмайсан.

— Нега энди, тушунаман,— дея ўша заҳоти эътироз билдирди Крусада.— Бу ҳақда Ньяканина гапириб берди.

Шоҳ илон унга синовчан зеҳн солиб қаради.

— Бинойидек аклинг бор экан...

— Ҳар қалай... сендан аҳмоқ эмасман!— деди Крусада истеҳзо билан.

Осиёлик илоннинг бўйни бирдан яна шиша бошлади-ю, Ярарака ўзини ҳимоя қилишга чоғланди.

Уларнинг иккови бир-бирига узоқ тикилиб қолишди. Шоҳ илон яна ўз ҳолига қайтди.

— Ақлинг бор, десам, довюррак ҳам экансан...— дея давом этди Шоҳ илон.— Сенга ишонса бўлади... Бизнинг нима деб аталишимизни биласанми?

— Янглишмасам Капча илон дейишади.

— Ёки Улуғ ная... Ёки Телпакли илонлар шоҳи. Оддий ҳинд кобраси билан бизнинг орамиздаги фарк, сен билан қандайдир сарик илоннинг орасидаги фарқдай гап... Биз нима еб кун кечиришимизни биласанми?

— Йўк.

— Айтгандай... Америка илонлари билан,— дея гапни тугатди осиелик меҳмон Крусаданинг тумшуги олдида секин чайқалиб.

Қонхўр қўшнисининг узунлигини Крусада тезгина чама-лаб кўрди.

— Иккию элликми?— деб сўради у.

— Олтмиш... Иккию олтмиш, жонгинам,— дея тузатган бўлди Шоҳ илон Крусададан кўз узмай.

— Чакки эмас! Менинг яқин дугонам бўлмиш Анаконда билан баравар экансан. Айтмоқчи, унинг нима ейишини биласанми? Буни қараки, осие илонларини хуш кўради,— деди Крусада ва у ҳам Шоҳ илоннинг кўзига тикилди.

— Жавоб чакки эмас!— дея минғирларди Шоҳ илон бир маромда чайқаларкан. Сўнгра бошини сувга тикиб олдида, ҳафсаласизлик билан сўради:— Дугонам дедингми?

— Ҳа.

— Демак, заҳарсиз экан-да?

— Мутлақо... Мана шунинг учун ҳам заҳарли бегоналарга иштаҳаси карнай.

Аммо чуқур ўйга толганидан Шоҳ илон афтидан Крусаданинг гапларини эшитмади.

— Қулоқ сол!— деди у бирдан.— Одамлар, итлар, отлар ва бу турган-битгани аҳмоқона ёвузлик жонимга тегди. Манавиларга қараганда сен мени кўпроқ тушунишинг мумкин... Бир ярим йилдирки, каламушга ўхшаб қафасда яшайман. Хўрлик ва азобларни кўравериб тоқатим тоқ бўлди. Аблаҳ одамлар мени иркит латтачалик кўришмайди... Уларнинг ҳаммасини қириб ташлашга шижоатим, кучим, заҳрим ҳам етишига қарамасдан анави лаънати зардоб тайёрлашлари учун заҳримни беришдан бўлак илож топол-

майман. Мендек магрур илон учун бунинг нақадар азоб эканини тасаввур қилолмайсан. Мени тушуна олармикинсан?— дея гапни тугатди у суҳбатдошининг кўзларига тикилиб.

— Ҳа,— деди Крусада.— Лекин нима қилишим керак?

— Фақат битта нарса; ўч олишимиз учун ягона йўл бор... Берирок кел, гапимизни эшитиб қолишмасин... Ўзингдан қолар гап йўқ. Таянадиган нарса бўлмаса илонлар нимага кодир эканини кўрсатолмайди. Қутулишимиз ҳам тамомила шунга боғлиқ. Аммо...

— Нима аммо...

Шоҳ илон яна Крусадага синчков назар солди.

— Аммо... сен ўлишинг мумкин...

— Фақат менми?

— О, йўқ! Ўша жирканч Одамлардан бири ҳам...

— Бирдан-бир мақсадим ҳам шу. Хўш!

— Яқинроқ кел... Янаям яқинроқ!

Суҳбат шунчалар паст овозда давом этардики, Ярака ноилож тангача қопланган бадани билан сим тўсиққа қапишиб олди. Дафъатан Шоҳ илон Крусадага ташланиб, кетма-кет уч марта ниш урди. Олисан уларни кузатиб турган илонлар вишиллаб юборишди.

— Қаранглар! Бу сотқин уни ўлдириб қўйди!

Крусада аранг судралиб нари кетди, бироқ узоққа бормай тўхтаб шилқиллаб тушди. Уч соатдан кейин серпантарийга кирган хизматчи уни кўриб этигининг учи билан бир бўлак аркондек ағдариб, оппоқ қорнига назар солди.

— Эсиз, тамом бўпти... Нима бўлдийкин?— деди ўзига ўзи ва бўғма илонни синчиклаб текшириш учун энгашиб қаради: илоннинг томоғи билан гарданида ўзига таниш заҳарли тишлар изи яққол кўзга ташланарди.

— Тушунарли. Бу кобранинг иши,— деди Одам.— Сени қара-ю, меням бир япалоқ илонга ўхшатяпсанми дейман... Директорга сим тўрни зичроқ ўраш керак, деб неча марта айтдим. Мана оқибати. Майли, осмон узилиб ерга тушгани йўқ,— у Крусаданинг думидан ушлаб кўтарди-да, тунука тўсиқнинг нариги тарафига улоқтирди.— Бир газанда кам.

— Капча илон бояги Яракани чақибди. Ҳозир заҳар олишнинг иложи йўқ энди.

— Афсус,— деди директор.— Бизга заҳар жуда зарур бўлиб турган эди, шу бугуноқ керак эди. Атиги бир ампула зардоб қолган. Япалоқ илон ўлибдими?

— Ҳа, мен уни ташлаб юбордим. Капчани келтирайми?

— Ўзга иложимиз йўқ... Лекин ҳозир эмас, уч соатдан кейин, иккинчи партия билан.

## VIII

Крусада аъзойи бадани қақшаб, сулайиб ётарди. Оғзида қон аралаш тупроқ мазаси. Қаерда ётибди?

Секин-аста кўз олдини тўсган хира парда кўтарилиб, Ярарака атрофидаги буюмларни ажрата бошлади. Таниш тунука тўсикни кўриб илон бирдан ҳаммасини — қора итни, бўйнига ташланган сиртмоқни, баҳайбат Осие илонини ҳам, унинг уруш режаларини ҳам элас-элас эслади. Заҳар таъсири йўқолгач, буларнинг бари кўз ўнгида жонланди. Крусада энди нима қилиш кераклигини биларди. Аммо улгурармикин?

Ярарака судралишга уринган эди, ҳаракати зое кетди. Танаси иланг-биланг қиларди-ю, бироқ жойидан силжимасди. Орадан бир оз вақт ўтди, Крусаданинг фиғони фалакка чиқди.

— Атиги ўттиз метр келади!— дея шивирлади у.— Бор-йўғи бир минут яшасам бас, улгураман.

У зўр бериб ўзини қўлга олди-да, лабораторияни қоралаб, базўр судралиб кетди.

Крусада ҳовлидан ўтиб, эшик ёнига етганда ходим ергача осилиб турган Шоҳ илонни қўшқўллаб кўтарганча тажрибахонага келтирди, кўкиш кузойнакли киши эса унинг оғзига узун шиша найча суқди. Одам қўллари кобра безларини энди эзишга чоғланганда Крусада судралиб ичкарига кирди.

— Улгурмайман!— дея алам билан шивирлади у. Ва сўнги кучини тўплаб оппоқ тишларини ярақлатганча олдинга ташланди. Оёғи бирдан жиз этгандек бўлди-ю, ходим инграб юборди, қўллари қалтираб кетди; вақт ғанимат эди — кобра бир силтанди-да, бирдан столнинг оёғига чирмашиб олди. Таянч нуқтасига эга бўлган заҳоти ходимнинг қўлидан сирғалиб чиқиб, кўкиш кўзойнакли одамнинг чап билагига, тўғри қон томирини мўлжаллаб ниш урди. Қичқирган овоз эшитилди.

— Бор экан-ку!

Шоҳ илон билан Ярарака ҳеч қандай таъқибсиз жўфтакни ростлашди.

— Таянч нуқтаси деганлари мана шу!— дея шивирлади кобра.— Мен ягона шу нарсага муҳтож эдим. Охири ниятимга етдим.

— Тўғри,— дея унга қўшилди Ярарака. У кобрага аранг етишиб борарди.— Аммо бунақанги найрангни яна такрорлашга юрагим дов бермаган бўларди...

Тажрибахонада эса директорнинг биллагидан қуюк,

ёпишқоқ кон оқарди. Шоҳ илон захри ниҳоятда ўткир бўлиб, чаққан одамнинг тирик қолиши даргумон эди. Директорнинг боши шилқиллаб тушди ва кўзлари абадий юмилди.

## IX

Конгрессга ҳамма келди. Каскавелла билан Ньяканина ҳамда Ярарака оиласига мансуб — Олтин Уруту, Чўзиқбош илон, Атрокс ва Куфиялардан ташқари Ньяканина тентак деб таърифлаган Маржон илон ҳам ташриф буюрган эди; гарчи Ньяканина шундай деган бўлса ҳам Маржон илоннинг захри кучли, қизил ва қора чизиқчалар қопланган чипор танаси бениҳоя гўзал эди.

Маълумки, илонлар ўз хусн-тароваглари билан кеккайишни яхши кўрадилар; шунинг учун Маржон илон олимпиаком илонлар орасида қирмизи пўсти уч қўшалок чипор ҳалқачалар билан қопланган беқиёс гўзал Фронтал йўқлигини кўриб суюнди.

Овчи илонлар номидан бу сафар биринчи навбатда исми жисмига тўғри келмаса ҳам ўрмон Яраракаси деб аталган Дремобия вакил бўлиб келган эди. Яна моҳир куш овловчи, ранги ям-яшил Зипо; ботқоқ ва дарё ёқаларида истиқомат қилувчи Радиная деган қора илон; хавф-хатар чоғида тусини кескин ўзгартиришга қодир бўғма илон Абома ва ниҳоят дарахтда яшовчи барча илонлар каби пишиқ ва нозик Қизил илон билан Эскулапия<sup>1</sup> қатнашмоқда эди.

Лекин Конгрессга заҳарли илонлар билан бўғма илонларнинг ҳамма турлари ўз вакилини юборган деб бўлмасди, зеро, уларнинг йўқлигини ҳижжалаб тушунтиришга тўғри келади.

Конгресснинг барча аъзолари йиғилди, деганда биз аксарият асосан «ўз мавқесига эга» бўлган илонларни назарда тутган эдик. Ўша биринчи илонлар Конгрессидаёқ парламентнинг асосини ташкил этган илонларнинг кўп тарқалган турлари қабул қилган қарор ҳамма учун бирдай қонун кучига эга деб келишилган эди. Мана шу маънодагина Конгресснинг барча аъзолари йиғилди, дейиляпти, ҳолбуки, Конгрессда Сурукусу йўқ эди, уни ҳеч қаердан излаб тополмаган эдилар; башарти узунлиги уч метр бу қора илоннинг Америка маликаси ва шу билан бирга Жаҳон Илонлар Салтанатининг собиқ ҳоқони экани айтилса унинг йўқлиги қанчалар ачинарли экани маъқул бўлади. Фақатгина Шоҳ

---

<sup>1</sup> Эскулапия — табиб илон.

илон узунлиги ва заҳарининг кучи жиҳатидан унга тенг келарди.

Конгрессга Крусададан бошқа яна бир илон келмаган эди; лекин барча қора илонлар ўзларини пайқамаганга олишарди. Шунга қарамай кўзлари катта-катта бир илон бошини чингил япроқлари орасидан чиқариб қараганда ҳаммалари ўгирилиб қарашга мажбур бўлишди.

— Мумкинми?— дея тортинмасдан сўради меҳмон.

Унинг овозини эшитиб, бўйинларини чўзиб қараётган заҳарли илонларнинг эти жимирлашиб кетди.

— Сен нега келдинг?— дея ғазаб билан вишиллади Куфия.

— Бу ерда сенга пишириб қўйибдимми?!— дея хитоб килди биринчи марта ҳаяжонини яширолмаёй Олтин Уруту.

— Йўқол бу ердан! Йўқол!— деган норози овозлар эшитилди.

Аммо Каскавелла баланд овозда вишиллаб ҳаммани тинчлантирди.

— Дўстларим,— деди у.— Бир нарсани унутманг, Конгресс мажлиси бўляпти. Унинг қонуналари эса барчага баробар. Бу ерда ҳеч кимнинг куч ишлатишга ҳаққи йўқ. Киравер, Анаконда.

— Нақадар олижаноб гаплар!— деди киноя билан Ньяканина.— Олижаноб қироличамизнинг ҳомийлиги сени ҳар қандай хатардан сақлайди. Киравер, Анаконда!

Ғор оғзида дастлаб Анаконданинг ёқимтой бошчаси кўринди, кейин эса бир неча метр узунликдаги қўнғир, бақувват танаси ичкарига ўрмалаб келди. Ньяканинага маъноли қараб қўйгач, у судралиб бориб мамнунона вишиллаганча Каскавелла ёнидан жой олди. Бундай илтифотдан Каскавелланинг эти жулжикиб кетди.

— Сенга ҳалал бермадимми?— деб сўради Анаконда юмшоққина.

— Мутлақо!— дея жавоб берди Каскавелла.— Менга фақатгина заҳардан шишиб кетган безларим ҳалал беряпти, ҳолос...

Анаконда билан Ньяканина яна кўз уриштириб олишди.

Мажлис аҳлининг чакирилмаган меҳмонга бўлган адоватининг туб сабаблари бор эдики, бу ҳақда икки оғиз тўхталиб ўтиш шарт. Анакондалар азалдан Малайянинг машҳур питонларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам ер юзидаги жамики илонлар қироличаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Улар мислсиз даражада бақувват эканидан, қақшатқич оғушларига дош бераоладиган эт ва суякли биронта жонзот топилмайди. Катта-катта, майин қора ҳолли доғлар

қопланган ўн метрли феруза тана сербарг дарахтдан секин тушиб келаётганда бутун Сельва яшириниб, қўрққанидан жонини ҳовучлаб турарди. Ўз кучини яхши билган Анаконда биронта тирик жонга ёмонликни раво кўрмас ва инсон билан азалий дўстликка ҳамиша содиқ эди. Фақатгина заҳарли илонлар бундан мустасно — маълум сабабларга кўра улар Анаконданинг нафратини кўзгатар эдилар. Шу сабабдан Анаконда ғорга кириб келиши биланоқ қора илонлар шовқин кўтаришган эди.

Тўғри, бу диёр Анаконда учун бегона. Бу ерларга у сув тошқини маҳали окиб келиб қолган. Жўшқин Парана дарёсида узоқ овориай жаҳон бўлгач, Ньяканина билан дўст тутишиб ва бошқа илонлар билан ҳам чиқишиб кетгач, шу ўлкада қолиб кетганди. Анаконда ҳали жуда ёш эди, турган гапки, ўн метрли бахтиёр аждодларига тенглашолмасди; шундай бўлса ҳам узунлиги икки ярим метрдан зиёд бу илон бениҳоя бақувват эди. Қош қорайган кезлари у шўхлик қилиб, бошини мағрур кўтарганча Амазонканинг у қирғоғидан бу қирғоғига сузиб ўтарди.

Хуллас, Анаконданинг келиши билан Конгресснинг диққат-эътибори чалғиди. Аммо шу пайт Атрокс сўз олди.

— Менимча, бошласак ҳам бўлаверади,— деди у.— Аввалам бор Крусадага нима бўлганини аниқлашимиз лозим. У бораман-у, қайтаман, деб ваъда берганди.

— Унақа эмас, у имконият бўлди дегунча етиб келаман, деб ваъда берганди,— деб унинг гапини тўғрилади Ньяканина.— Уни кутишимиз шарт.

— Нега энди?— дея эътироз билдирди Куфия, унга қарагиси ҳам келмай.

— Нега бўларди!— дея хитоб қилди Ньяканина бошини кескин кўтариб.— Бунақа бемаъни саволлар фақат Куфиядан чиқади, тавба! Бўлар-бўлмас гапларни эшитиш жонимга тегди! Гўёки бу ерда фақатгина заҳарли илонлар овоз бериш ҳуқуқига эга! Бу хонимдан бошқа,— Ньяканина думининг учи билан Куфияни кўрсатди,— ҳеч кимга сир эмаски, режаларимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан Крусада келтирадиган маълумотларга боғлиқ... Яна нима учун кутиш керак, деб сўраганига ўлайми!.. Конгрессимизда мана шунақа саволлар беришга лаёқатли доноларнинг гапи инобатга ўтса тоза бўлган экан!

— Сал оғзингга қараб гапирсанг бўлмайдими,— деди газаб билан Чўзиқбош илон.

Ньяканина унга кескин юзланди:

— Сен аралашма!



— Бўлмаса оғзингга қараб гапир!— дея виқор билан такрорлади Чўзиқбош илон.

Ньяканина юрагида ўти бор бу номус ҳомийсига қаради-да, бирдан шахдидан тушди.

— Менинг жажжи сингилгинам тўғри айтяпти,— деди энди анча босиқлик билан Ньяканина.— Кечирасан, Куфия!

— Ҳожати йўқ!— дея зарда билан тўнғиллади Ярарака.

— Лекин мен барибир сендан яна кечирим сўрайман...

Яхшиямки, шу пайт ғор оғзида пойлоқчилик қилиб турган Маржон илоннинг вишиллагани эшитилди:

— Крусада келяпти!

— Хайрият!— деб юборишди Конгресс аъзолари. Бирок уларнинг қувончлари узоқ чўзилмади. Улар Яраракага эргашиб келаётган баҳайбат нотаниш илонни кўриб ҳангманг бўлиб қолишди.

Крусада Атрокснинг ёнига келиб жойлашаркан, нотаниш илон ғорнинг қоқ ўртасига кулча бўлиб, сўррайиб қолди.

— Каскавелла!— деди Крусада.— Меҳмонни қабул эт. У бизнинг қабиламиздан.

— Албатта, биз ҳаммамиз опа-сингиллармиз!— деди шоша-пиша Шақилдоқ илон нотаниш меҳмонга безовталаниб қараркан.

Айни чокда ўта синчков илонлар янги қариндошларини қуршаб олишди.

— У сув илонлардан шёкилли,— деди бирови истехзо билан.

— Кўриниб турибди,— деди бошқаси.— Ўзингиз бир қаранг-а, кўзлари бунчаям думалоқ бўлмаса.

— Думи-чи, думи, бунчалар узун...

— Бу ҳам майли...

Аммо кутилмаганда нотаниш илоннинг бўйни кўркинчли тарзда шиша бошлаган эди, ҳаммалари даҳшатдан қотиб қолишди. Бу узоғи билан бир дақиқа чўзилди; даҳшатли бегона илон ғазабини босиб дугонасига юзланди:

— Крусада! Уларга айт, ҳазилни ёқтирмайман!.. Кейин пушаймон еб юрмасинлар.

— Ҳа, ҳа, уни тинч қўйинглар,— деди Крусада.— Қолаверса, у менинг жонимни сақлаб қолди. Фақат менигина эмас, балки ҳаммамизнинг ҳаётимизни сақлаб қолгандир.

Ғиди-биди гаплар тўхтади. Ҳамма нафасини ичига ютиб Крусаданинг ит билан тўқнашгани, кўкиш кўзойнакли Одам, Шоҳ илоннинг ҳийласи ва Крусадани хушдан кеткизган даҳшатли чақиши ва ниҳоят, унинг тажрибахонада пайдо бўлиши ҳақидаги ҳикоясини тинглади.

— Шундай қилиб, икки нафар ўта хавфли Одам сафдан чиқди,— деб тугатди у ҳикоясини. Энди қолганларини йўқотиш керак.

— Ёки отларни!— деди қобра.

— Ёки итларни!— дея қўшиб қўйди Ньяканина.

— Менимча, энг аввал отларни йўқотиш керак,— деб сўзини маъқуллашда давом этди Шоҳ илон.— Чунки отлар тирик экан, захримизни зарарсизлантирадиган лаънати зардобдан минг ампула тайёрлаш учун биттагина Одам кифоя қилади. Қон томирдан тишлашнинг ҳар доим ҳам иложи бўлавермаслигини ҳаммангиз яхши биласиз. Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг, лекин авваламбор отларни йўқотиш керак. Уёғи бир гап бўлар. Итлардан хавфсираш эса жуда кулгили!— деб қўшимча қилди у Ньяканинага ўқрайиб.

Осиёлик меҳмон билан Ньяканина бир кўргандаёқ бир-бирларини ёқтирмай қолганлари сезилиб турарди. Заҳарли илонларга хос қилиқлари билан Шоҳ илон бақувват ва эпчил овчи илоннинг ғашини келтирар, унга қаҳр-ғазаб ва ичиқоралик билан муомала қиларди. Заҳарли илонлар билан заҳарсиз илонлар орасидаги эски адоват Конгрессда янаям кучайиб кетиш хавфи туғилганди.

— Менимча,— дея жавоб қилди Ньяканина,— бу курашда одамлар билан отлар иккинчи даражали ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳар икковини йўқ қилиш қанчалик осон бўлмасин, бу осонлик — итларнинг бизни бирин-кетин йўқ қилиши олдида ҳеч нарса эмас. Одамлар бир киришса, тамом. Яқин кунларда улар бизни қуршаб оладилар, бунга шубҳа қилмасанглар ҳам бўлади. Ҳар қанақанги чақишлар, ҳатто мана бу телпакли хонимнинг тишлари ҳам зиён етказолмайдиган ит,— Ньяканина менсимайгина Шоҳ илонга ишора қилиб қўйди,— биз ўйлаганимиздан кўра хавфлироқ душмандир; уни бекорга илон тутишга ўргатишмаган. Сен нима дейсан, Крусада?

Конгресс қатнашчилари овчи илон билан бут илон ўртасидаги иноқликни яхши билишар, зеро, бу икки оқил илонларнинг дўстлиги ўзаро ҳурмат асосига қурилган эди.

— Мен Ньяканинанинг фикрига қўшиламан,— деб жавоб берди Крусада.— Агар улар бизга қарши итларни қўйиб юборсалар — ўлдик, деяверинг.

— Улардан илгарироқ ҳаракат қилиш лозим!— дея эътироз билдирди Шоҳ илон.

— Бари бир улгуролмаймиз!.. Мен дугонамнинг фикрини қўллаб-қувватлайман.

— Шундай дейишингга ишонардим,— деди хотиржамлик билан Ньяканина.

Бундай сурбетликка Шоҳ илон энди чидаб туролмади, ғазабининг қайноқ оқими захар билан бирга унинг тишларига келиб куйилди.

— Бу маҳмадона хонимнинг гапи қанчалар тўғри ва нотўғрилигини билмадим,— деди у тутоққанча Ньяканинага олайиб қараркан,— лекин айни пайтда одамларга шикаст етказиши мумкин бўлган захарли илонларга, яъни, бизга хавф туғдирмоқда. Бўғма илонлар билан сувилонлар шуни яхши биладиларки, одамлар улардан қўрқмайди, чунки улар безарар ва ҳеч кимнинг юрагига қўрқув солишга кодир эмаслар.

— Мана энди ўзингга келдинг!— деган овоз эшитилди шу пайт.

Бу овознинг хотиржам оҳангидаги пичингни сезган Шоҳ илон кескин ўгирилди-да, меҳрибонлик билан ўзига қараб турган бир жуфт кўзни кўрди.

— Буни менга айтяпсанми?— деб сўради у жирканиб.

— Ҳа, сенга,— деган қисқагина жавоб эшитилди.— Тушунган илоннинг садағаси кетсанг арзийди.

Шоҳ илон унинг гапидаги кесатикни илғаб бир нимани эслаб қолди шекилли, ғорнинг ичкарасида кулча бўлиб ётган илонга тезгина қараб қўйди.

— Сен Анакондамисан?!

— Худди ўзлари,— дея тасдиқлади бошини хиёл эгиб Анаконда.

Ньяканина тезроқ вазиятни узил-кесил ойдинлаштиргиси келиб тоқатсизланарди.

— Бир минут!— дея хитоб қилди у.

— Йўқ!— дея унинг гапини бўлди Анаконда.— Менга қўйиб бер энди, Ньяканина! Табиат сенинг жисмингга кўрк, куч ва эпчиллик ато этган, сен барча туғма жангчилар сингари душманингни ҳалол, яккама-якка жангда енгасан. Ўз асабларинг ва кучингга ишонган ҳолда енгасан. Қирғийлар, қоплонлар, йўлбарслар— қисқаси, ҳайвонлар салтанатининг барча мард вакиллари, шулар жумласидан, биз ҳам шундай ов қиламиз. Аммо очиқ жанг қилишга ноқобил, бесўнақай, тентак махлуқлар эса захарли тишларини ишга соладилар, улар худди бизларни ғаройиб телпаги билан лол қолдирмоқчи бўлаётган мана бу келгиндига ўхшаб пистирмадан ўлдирадилар.

Дарҳақиқат, ғазабдан ўзини йўқотиб қўйган Шоҳ илон қўпол Анакондага ташлангани бўйинини яна ҳайратомуз

даражада шишира бошлади. Буни кўрган тамоми Конгресс қатнашчиси таҳлика билан вишиллашга тушди.

— Сал секинроқ! — деди бараварига бир нечта овоз. Депутатлар дахлсиз!

— Йўқолсин телпак! — дея қичқирди кўзларида ўт чакнаган Атрокс.

Шоҳ илон ғазаб билан вишиллаб ўгирилди.

— Йўқолсин телпак! — деб такрорлашди Куфия билан Олтин Уруту.

Дастлаб Шоҳ илон таваккалига ташланиб, илонларни тилка-пора қилиб ташлашдек телба хаёлга борди. Бироқ бутун Конгресс билан олишишга тўғри келишини фаҳмлаб, секин телпагини йиғиштирди-да, қаҳр билан вишиллади:

— Начора! Конгресс — бу Конгресс, аммо тугагандан кейин... яхшиси, менга яқинлашманглар.

— Ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ, — деди Анаконда.

Нафратдан бўғилган Шоҳ илон унга юзланди:

— Сенга йўл бўлсин, мени кўрсанг капалагинг учиб кетади-ку?!

— Мени-я?.. Капалагим учиб кетадимми... — деди Анаконда ва унинг устига бостириб кела бошлади.

— Тинчланинглар! Тинчланинг! — деб яна қичқирди ҳамма. — Эшитган нима дейди! Ундан кўра, нима қилиш лозимлигини келишиб олайлик!

— Аллақачон шундай қилиш керак эди! — деди Каскавелла. — Хуллас, бизнинг олдимизда икки йўл турибди, биринчиси, Ньяканина таклиф этаётган йўл. Иккинчиси эса янги иттифоқдошимизнинг таклифи. Итлардан бошлаганимиз яхшими ёки отларданми?

Шунинг айтиш лозимки, кўпчилик биринчи йўл тарафдори бўлса ҳам осийлик илоннинг маҳобати, узунлиги ва мулоҳазакорлиги Конгрессга таъсир қилиб улгурганди. Шоҳ илоннинг институт ходимларига қўрқмай ташланганини эшитиб ҳамма қойил қолди; энди унинг режаси яхшими, ёмонми, бундан қатъий назар икки одамнинг ўлими учун айнан Шоҳ илондан миннатдор бўлишлари керак эди. Бунинг устига ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган Ньяканина билан Крусададан бошқа қора илонларнинг биронтаси ҳам илон овлашга ўргатилган ҳамда заҳар таъсир этмайдиган итларнинг нақадар даҳшатли бўлишини тасаввур қилолмасди. Мана шунинг учун охир-оқибат Шоҳ илоннинг таклифи инобатга ўтди.

Кеч бўлиб қолганига қарамай ҳозироқ йўлга чиқишга

қарор қилишди, чунки ҳаёт-мамот уларнинг тез ҳаракатига боғлиқ эди.

— Демак, жангга! — деди Шақилдоқ илон. — Яна ким гапирмоқчи?

— Ҳеч ким! — дея қичқирди Ньяканина. — Аммо охири пушаймон емасак бўлгани.

Фордан бирин-сирин ўрмалаб чиқаётган илонлар ҳисоби-га кўпаяётган бу заҳарли издиҳом институт сари йўл олди.

— Яна икки оғиз гап!—дея оғоҳлантиришга улгурди Каскавелла. — То жанговар ҳаракатимиз тугамагунча ўзимизни Конгресс йиғилишида деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳамма шахсий адоватни, гина-кудуратни унутади. Тушунарлими?

— Ҳа, ҳа, ади-бади айтишиб ўтириш жонга тегди!—дея вишиллашди илонлар.

Анаконда Шоҳ илонга етиб олганда кобра унинг кўзларига ғамгин тикилди.

— Аммо, кейин эса...

— Хизматингизга тайёрман!— Анаконда унинг гапини бўлиб илгарилаб кетди.

## Х

Институт ходимлари Шоҳ илон чаққан беморнинг тепасида кечаси билан бедор ўтириб чиқишди. Тонг отай деб қолганди. Янги директор бошини деразадан чиқариб, илиқкина тун нафасидан баҳра олаётганида ташқарида аллақандай шовқин кўтарилгандек туюлди. У кулоқ солди.

— Назаримда отхонадан келяпти... Фрагосо, бориб қаранг-чи.

Фрагосо фонусни ёқиб ташқарига чиқди. Бошқалар нафас чиқармай кулоқ солиб туришди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳовлида гурс-гурс қадам товуши эшитилди ва остонада ранги қум ўчган Фрагосо кўринди.

— Отхонани илонлар босибди!— деди у.

— Босибди?— деб сўради кулоқларига ишонмай янги директор.— Қандай қилиб?.. Нима бўлди?

— Билмадим...

— Кетдик!

Улар хонадан югуриб чиқиб кетишди.

— Дебой! Дебой!— деб чақирди директор бемор каравоти остида ҳуриллаб ухлаб ётган итни...

Отхонага бостириб кирган одамлар фонус ёруғида ғиж-

ғиж илонлардан қутулиш учун тепинаётган отларни кўрдилар. Охурни ағдариб ташлаган отлар кишнар, илонлар эса бамисли қандайдир юксак тафаккурга бўйсунганча отларни аёвсиз қақар ва туёқлар зарбига чакқонлик билан чап берардилар.

Одамлар ўзларини ичкарига урдилар. Нурдан кўзлари қамашган илонлар бир дақиқагина ўзларини йўқотиб қўйишди, лекин зум ўтмай вишиллаганча яна ҳужумга ташланишди. Улар кимга ҳужум қилишни билишмасди. Чунки одамлар ҳам, отлар ҳам бир ерга тўпланиб олишган эди.

Институт ходимлари илонлар қуршовида қолишди. Фрагосо тўпиги, болдири ва тиззасига заҳарли тишлар ботаётганини сезар, ўша заҳоти ўрама сим билан ўша илоннинг бошига қарсиллатиб соларди. Бошқа бир илонни янги директор икки нимта қилиб ташлади. Ходимлардан бири эса Дебойнинг томоғидан бўга бошлаган катта илоннинг бошини янчди.

Бу тўполон беш-ўн лаҳза давом этди. Фавкулудда кучли зарбалар ёғилаётганига қарамай илонлар олдинга ўрмалар, кўпол этикларини тишлаб бир амаллаб оёқларига чирмашмоқчи бўлишар эди.

Отлар ишқирини, одамларнинг бақир-чақириги, итларнинг хургани ва илонларнинг ваҳшатли вишиллагани атрофни тутиб кетди; ҳужум қилаётганларнинг сиқуви кучайгандан кучаярди. Дафъатан, танишдек туюлган баҳайбат илоннинг пойига тушган Фрагосо қоқилиб йиқилди-ю, кўлидаги фонус чил-чил синди. Отхона зулмат оғушида қолди.

— Орқага чекнинглар! — деб қичқирди директор. — Дебой, буёққа, ёнимга кел!

Одамлар ҳовлига қочишди, уларнинг ортидан ўзига ёпишган бир тўда қутурган илонларни қандайдир мўъжиза билан силкитиб ташлаётган Дебой ташқарига отилди.

Отхонадан қочиб чиққач, одамлар бир-бирларига кўз ташлаб кўришди. Ҳаммаларининг рағи ўчиб, силлалари қуриган эди.

— Ақл бовар қилмайди сира... — дея гўлдиради директор. — Умрим бино бўлиб бунақасини кўрмаганман... Бу ердаги илонларга нима бўлган ўзи? Кеча худди олдиндан келишиб олгандек иккита илон кутилмаганда ҳужум қилувди... Бугун эса... хайриятки, ўзларининг ҳужуми билан улар отларимиз ҳаётини сақлаб қолганини билмайдилар... Тонг отсин, илонлар кўрадиганини кўради.

— Назаримда уларнинг орасида Шоҳ илон ҳам борга ўхшайди, — деди қақшаб оғриётган кўлини боғлаётган Фрагосо.

— Рост,— дея тасдиқлади хизматчилардан бири.— Мен уни танидим. Дебой қалай?

— Яхши, лекин ҳаммаёғини чақиб ташлашган... Яхшиямки у ҳар қандай дозага ҳам чидайди.

Одамлар ахволи анча дуруст бўлиб қолган бемор ёнига келишди. Бемор ғарақ-ғарақ терга ботганди.

— Тонг отяпти,— деди янги директор деразага қараб.— Антонино, сиз шу ерда қолинг. Фрагосо мен билан болади.

— Арконларни олайми?— деб сўради Фрагосо.

— Йўқ,— деди бош чайқаб директор.— Бошқа илонлар бўлганда кўз очиб юмгунча тутиб олардик. Булар эса ўзларини ҳаддан зиёд ғалати тутишяпти... Таёқлар билан ҳар эҳтимолга қарши ханжарларни ҳам ола кетамиз.

## XI

Офидиология институтига хужум қилган илонларнинг хулқ-атворида ҳеч қандай ғайритабиий нарса йўқ эди. Уларни хавф-хатар олдида турган илонлар наслининг заковати бошқарарди.

Фонус синиб, отхонани бирдан зулмат қоплаганда, илонлар қаршилиқ кўрсатиш бефойда экани, ҳадемай ўзлари учун ҳалокатли тонг отишини англадилар. Секин-аста илий бошлаган ҳаво кун чиқишидан дарак берарди.

— Агар яна бир минут кечиксак!— дея хитоб қилди Крусада,— чекиниш йўлларини тўсиб қўйишади. Орқага!

— Орқага, орқага!— дея вишиллади бошқа илонлар ҳам.

Илонлар бир-бирларига туртина-суртина ташқарига талпинишди. Улар жонсарақ, тартибсиз лашкардек судралиб, бир хавотир ичида уфққа дам-бадам кўз ташлаб боришарди.

Кўп ўтмай олисдан итларнинг хургани эшитилди. Ҳолдан тойган қочоқлар тўхташди.

— Шошманглар!— дея қичқирди Олтин Уруту.— Келинглар, нечта қолганимизни аниқлаб, сўнг нима қилишни келишиб оламиз!

Аста-секин ёйилаётган куннинг хира нурида улар талофотни ҳисоблаб чиқдилар. Туёқлар остида ўн саккиз чоғли илон ҳалок бўлган, қурбонлар орасида учта қизил илон ҳам бор эди. Атрокс Фрагосонинг таёғи остида ўлди, итга ташланган Дримобея боши ғажилган кўйи отхонада қолди. Ундан ташқари Чўзиқбош илон, Радиenea ва Абомалар ҳам кўринмасди. Ҳаммаси бўлиб жанг қатнашчиларидан жами йигирма уч нафар илон ўлганди. Омон қолган

ларнинг соғи йўқ эди — туёқлар тагида қолиб майиб бўлган, дабдаласи чиққан ва топтаб ташланган эди. Кўпларининг ўйдим-чуқур тангачалари орасига тиқилган тупроқдан қон сизиб турарди.

— Мана сизга натижа!— деди бошини тошга ишқаш учун бир лаҳза тўхтаган Ньяканина алам билан.— Табригимни қабул эт, Шоҳ илон!

Овчи илон шундай деди-ю, отхонани энди ташлаб кетаётганида эшик ортидан эшитганлари ҳақида гинг демади. Ўлдирамиз, деб улар аксинча отларнинг ҳаётини сақлаб қолишган эди: бу бахти қаро жониворлар айни пайтда илон заҳрига зор эдилар-да!

Отларни эмлаш тугамаганда, заҳар уларга сув билан ҳаводек зарур бўлиб, мабодо керакли миқдорда заҳар олмаса нобуд бўлиши тайин эди.

Бирдан илонлар изидан келаётган итларнинг ҳуриши яна эшитилди.

— Тамом бўлдик!— дея қичқирди Каскавелла.— Энди нима қиламиз?

— Ғорга!— дея жўр овозда вишиллашди илонлар ва олдинга қараб силжишди.

— Эсингиз борми?— дея қичқирди Ньяканина уларнинг ортидан.— Ҳаммангизни мажақлаб ташлашади. Бу ўзини-ўзи ўлимга тутиб бериш дегани! Менга кулоқ солинглар: ҳар томонга тарқалиб кетиш керак.

Қочоқлар тўхташди. Қўрқувдан ўзларини йўқотиб қўйган илонлар қутулишнинг бирдан-бир йўли шу эканини ғира-шира тушундилар ва жавдираганча атрофга кўз югуртирдилар. Яна бир оғиз гап айтилса бас, ҳамма Ньяканинанинг маслаҳатига кирган бўларди.


Аммо бошқаларни ўзига тобе қилиш йўлидаги уриниши зое кетиб, хўрлик ва иснодга чидолмаётган, бу лаънати мамлакатни ёмон кўрганликдан бўғилаётган Шоҳ илон илонлар салтанатининг қолган фуқаросини ҳам ҳалокатга олиб бориш учун ўлимига ҳам рози эди.

— Ньяканина эсини еб қўйибди!— дея хитоб қилди у.— Агар биз дуч келган ёққа тарқалиб кетсак, душманга якка-якка қаршилиқ кўрсатолмаймиз, оқибат бизни битта-биттадан осонгина мажақлаб ташлашди. Уёқда бўлса — бошқа гап! Ғорга!

— Ҳа, ғорга!— дея вишиллашди кўрққанларидан илонлар.— Ғорга!

Илонларни ҳалокатдан қутқариб қолишнинг иложи йўқлигини Ньяканина фаҳмлади. Аммо яра-чақалари, жароҳат ва васвасаларига қарамай улар ҳозир ҳам ўзларини қурбон





қилишга тайёр эдилар. Ниҳоятда эпчиллиги туфайли қочиб қутулишнинг иложи бўлса ҳам, Ньяканина бошини баланд кўтариб бошқалар билан ўлимга тик боришни лозим топди.

Шу чоқ у ёнида кимдир судралиб бораётганини сезди ва бунинг Анаконда эканини кўриб қувонди.

— Кўрдингми,— деди Ньяканина сўлжайиб,— бу ланати келгинди сизни нимага бошлаб борди?

— Ҳа, у жуда ифлос маҳлуқ...— дея мингиллади Анаконда.

— Энди бўлса ҳаммани ажалнинг оғзига олиб кетяпти.

— Ким ким-у, лекин бундан у лаззатланолмайди,— деди маънодор оҳангда Анаконда. Шундан сўнг иккала илон тўдага етиб олиш учун жадалладилар.

Мана, ниҳоят, горга ҳам етиб келишди.

— Шошманглар!— Анаконда шундай деди-ю, олдинга чиқди, кейин кўзлари ҳаяжондан мудҳиш ялтиллади.— Сизлар билмайсиз, лекин менга шу нарса аёнки, ўн минутдан сўнг иккимиздан биримиз ўлишимизга тўғри келади. Каскавелла, Конгресс йиғилиши тугадими?

Узоқ жимлик чўқди.

— Ҳа,— деди аранг эшитиларли қилиб Каскавелла.— Тугади...

— Ундай бўлса,— дея давом этди Анаконда ён-верига аланглаб,— ўлишдан олдин бир истагим бор эди... Ҳа-а...— у секин-аста ўзи томон судралиб келаётган Шоҳ илонни кўриб мамнун жилмайди:— Мана шунисига қойилман...

Юзма-юз олишишнинг мавриди эмасди.

Бироқ дунё яралибдики, ҳеч нарса, ҳатто ҳалокатли инсоннинг иштироки ҳам заҳарли илонлар билан овчи илонларнинг орани очди қилишларига ҳалал беролмаган.

Олишув Шоҳ илоннинг устунлиги билан бошланди: унинг сўйлоқ тишлари милкига қадар Анаконданинг бўйнига санчилди. Бироқ Анаконда унинг бу беомон нишларига қарши фавқулодда эпчиллик билан жавоб қайтарди — у думини худди қамчидек сермаб, яшин тезлигида шиддатли Шоҳ илонни чирмаб олди. Ўша заҳоти Шоҳ илон бўғилиб қолди. Анаконда худди беқиёс куч-қувватини сарфлашга чоғлангандек, тобора қаттиқроқ, бамисли темир қисқич каби сиқа бошлади, лекин Шоҳ илон ҳам осонгина таслим бўладиганлар тоифасидан эмасди. У тишларини янада қаттиқроқ ботирди. Анаконда ўзининг бўйин умуртқаси қирсиллаганини сезди... У ҳам жон аччиғида бор қувватини йиғиб яна сиқди, бу хоҳиш-истакнинг энг сўнгги алангаси уни музаффар қилди. Шоҳ илоннинг секин-аста жағи

очилди. Анаконда калласини бўшатиб олгач, қурбонининг шалвираган баданидан ғарчча тишлади.

Рақиби энди қаршилиқ қилолмаслигига у тўла ишониб қолди; бўғма илон ўткир тишлари билан кўлворни тилка-пора қиларди. Сўнг навбат унинг «телпаги»га етди, кейин томоғига ва охири чалажон Шоҳ илоннинг бош чаноғи Анаконданинг жағи орасига тушди. Синаётган суякларнинг қирсиллагани эшитилди.

Бу, тамом бўлди, дегани эди. Анаконда жағларини очганда Шоҳ илоннинг жасади шилқиллаб ерга тушди.

— Ана энди ўлсам армоним йўқ... — дея шивирлади Анаконда хушсиз йиқиларкан.

Худди шу пайт яқин ўртада итнинг баралла хургани эшитилди.

Ўн минут аввал даҳшатдан эсанкираб гор оғзига ёпирилган илонлар дафъатан Сельва босқинчиларига нисбатан бемисл нафрат алангасидан аъзойи баданлари ёна бошлаганини сездилар. Улар юзма-юз туриб олишишга қатъий аҳд қилишди.

— Ғорга кирайлик, — деди кимдир.

— Йўқ, биз шу ерда қоламиз! Шу ерда ўламиз! — деб вишиллади ҳаммалари жўр овозда.

Орқага чекиниш йўлини бутунлай тўсиб қўйган тош девор этагида ҳамма илонлар яктан бўлиб, бошларини баланд кўтариб, чўғдек ёнаётган кўзлари билан олдинга тикилган кўйи қотиб қолишди.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Туғилаётган янги куннинг хира нурида, ғира-шира кўзга ташланаётган ўрмон тарафда туйқус директор, сўнг ғазабдан қутургудек олдинга ташланаётган ит билан келаётган Фрагосо кўринди.

— Тамом! Бу сафар қутулишнинг иложи йўқ! — дея гўлдиради Ньяканина. Унинг бу видосида ҳаётга нисбатан кучли муҳаббатнинг армони ошкора эди. Ньяканина итнинг йўлини тўсгани отилди. Дебой унинг зарбига чап бериб Каскавеллага ташланди. Каскавелла яшин тезлигида итнинг тумшуғидан тишлади. Ит шақилдоқ илонни улоқтириб ташлаш учун жон-жаҳди билан бошини чайқай бошлади. Аммо ҳаракатлари зое кетди.

Нойвид пайт пойлаб туриб итнинг корнига ёпишди, аммо худди шу пайт одамлар етиб келишди. Ҳаш-паш дегунча умуртқа суяклари мажақланган Каскавелла билан Нойвид жон берди.

Олтин Уруту худди Зипо каби иккига чопиб ташланди. Қуфия итнинг тилидан тишлаб олиб, қўйиб юбормади,

аммо бир лаҳза ўтар-ўтмас ўрама сим зарбидан абжағи чикиб Эскулап ёнига, чим устига йиқилди.

Олишув, тўғрироғи, аёвсиз қиргин илонларнинг даҳшатли вишиллаши ва бало-қазодек Дебойнинг бўғиқ ириллаши тобора шафқатсиз тус оларди. Ит ҳам, одамлар ҳам раҳм-шафқатни унутганди. Илонлар мардларча, бирин-сирин ҳалок бўлишарди; бўйни мажақланган, умуртқаси синган илонлар ҳозиргина охириги Конгресс йиғилган ғор оғзида жон беришди. Энг охирида Ньяканина билан Крусада ҳалок бўлди.

Илонларнинг биронтаси ҳам тирик қолмади. Каттиқ толиққан одамлар дам олиш учун ўтирган ерларида куни кеча бутун Сельвага даҳшат солаётган илонларнинг мурдасидан кўз узмасдилар. Дебой оғир нафас олганча эгасининг оёғи тагига келиб ётди, у эмланганига қарамай заҳар унга ўз таъсирини кўрсатган эди. Итнинг илон тиши тегмаган соғ ери қолмаган эди.

Одамлар кетишга чоғланганларида дафъатан Анаконда қимирлай бошлади.

— Манави бўғма илон бу ерга қандай келиб қолди? дея ажабланди янги директор.

— Улар бу томонларда кам учрайди... Кўринишидан Шоҳ илон билан олишиб, биз учун ўч олган кўринади. Уни сақлаб қолиш қийин. Бўйни чайнаб ташланган... Лекин бу бизнинг бурчимиз. Уни ўзимиз билан олиб кетишга тўғри келади. Балки қачондир у бизни заҳарли биродарларидан сақлар.

Улар узун таёққа боғланган Анакондани елкаларида кўтариб жўнашди. Силласи қуриган Анаконда эса бу маҳал Ньяканина ҳақида, бу кичкина илон бунчалар мағрур бўлмай, ўлимдан бунчалик кўрқмаганда унинг ҳаёти бир қадар осуда ва бахтиёр кечмоғи мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Анаконда ўлмади. У бир йил давомида одамларнинг турмушини кўриб ва ҳамма нарсага ҳавас билан қараб, улар билан бирга яшади. Аммо кунлардан бир кун кечаси у кетиб қолди. Анаконданинг Парана Ўлик дарёси билан қўшиладиган Гуайра ва Ажал кўли қирғоқларига довуз кезишлари, унинг ғаройиб саргузаштлари ва тошқин чоғида бошқа илонлар билан бирга бўтана сувларда қилган иккинчи сафари — Парана дарёсининг ям-яшил соҳилларидаги бу қайноқ ҳаёт ва Сельвадаги янги қўзғолон бизнинг бошқа ҳикоямиздан ўрин олса ажаб эмас.

Л. БРАНДТ

---



О Қ К А П Т А Р

*Оз яшадим, тутқунда бўлдим,  
Ҳар икки ҳаётни кўрдим бир йўла.  
Жон деб алмашардим бутун умримиз,  
Сергашвиш ҳаётга мен бира тўла.*

*М. Лермонтов*

Шаҳардан чеккароқда, шундоққина дарё қирғогидаги жар бўйида иккита баланд иморат қаққайиб турарди. Бу бинолардан бирининг кўча томонда лоақал биронта деразаси йўқ эди. Бўзариб турган силлиқ девор ўрлаган сайин ичига оғиб, худди шундай тусдаги совуқ томга туташиб кетарди. Бинонинг четлари жар томонга туртиб чиққан, хув пастда шовуллаган дарё қирғоқни ювар, гирдоб ҳосил қилиб, чириллаб айланарди. Ҳосил бўлган чоҳга деярли кун тушмас, шу бонс ундаги сув куюқ, қорамтир бўлиб кўринар эди. Бу ердаги ўйноқлаб юрган катта-катта калладор балиқларни тутиш ман этилган.

Дарёнинг нариги қирғоғидан ёй шаклидаги бинонинг бир-бирига ёпишган сон-саноксиз деразалар чакичлаб ташлаган ички томони кўриниб турарди.

Бу бутун Россияга маълум ва машҳур камоқхона.

Кўп йиллар муқаддам маҳаллий савдогарлар унинг ёнига худди камоқхонага ўхшаш баҳайбат, беўхшов черков қуришган.

Ўн йилдан буён камоқхона фақат сиёсий маҳбуслар камаладиган жойга айлантирилган. Атрофи баланд девор билан ўралгач, черков ўз кавмларидан маҳрум бўлиб қолди.

Қамоқхонанинг пакана, малла попи ҳаддан ташқари ўжар одам экан. У талай вақтгача узундан-узоқ пешинги ва кечки ибодатларни қанда қилмади, ибодатхона қоровули эса пономарь<sup>1</sup> ўрнига «Имон келтираман» билан «Малоикалар»ни чакаги қаришгунча ўқишини қўймади. Черковга ҳафталаб бирон кимса бош сукмас, лекин поп маошини ҳалоллаб олиш учун ибодатларни қанда қилмай ўқийверди.

Бироқ даставвал қоровул адоийи тамом бўлди. Сиқилганидан ичкиликка ружу қўйди, ича-ича васвасага учраб, касалхонада ўлиб кетди. Руҳоний бошқа ёққа ўтказишларини сўраб ариза ёзди-ю, лекин ою кунлар ўтса-да, жавоби келай демасди.

<sup>1</sup> Пономарь — православ черковдаги паст унволи руҳоний.

Қиш кунлари черков дод деб юборадиган даражада хувиллаб қолар, ялангликда тургани учун бионинг ичида совуқ шамол ўйнаб юрарди.

Поп ҳар куни ибодат қилгани келар, бироқ юқоридаги ойнанинг синган кўзидан ёпирилиб кирган шамол унниққан тоқиларга урилиб, гумбазлар остида ув тортганида чўчиб тушар, ён-верига хавотирли кўз ташлаб, шоша-пиша қовушимсиз чўқинар эди.

Баҳор кунларининг бирида черковга кирган тасодифий художўй кишилар соқоллари патак, сочлари хурпайиб, бутунлай одамови бўлиб қолган поп эгнига ридосини илганича меҳроб олдида «Сокин кунда Днепр ажиб»ни ўқиётганининг устидан чиқишди. Руҳонийни касалхонага жўнатиб, ибодатхона эшигига қулф уришди.

Шундан кейин шаҳарлик руҳоний йилига икки марта ибодат маросимлари ўтказадиган, қаердандир художўй кампирлар келадиган бўлишди. Бошқа пайтларда черков хувиллаб ётарди.

Деворнинг сувоғи ёрилиб, кўнғиртоб ажи-бужи юлдузлар қоплаган улкан зангори гумбазнинг ранги ўнгиб, бўёқлари кўча бошлади.

Фақат гумбазга ин қурган ёввойи каптарлар галасигина ўлик сукунатни бузиб туришарди.

Қамоқхона билан черков оралиғида жойлашган кичкинагина уйча — қоровулхона эътиборни ҳам жалб этмайдиган даражада жимитдай эди. Бу уйчада бева қолган қоровул аёл иккита малла боласи билан яшарди.

Дарёнинг нариги, пастак қирғоғи ботқоқлик эди. Дарё ёқалаб худди омборга ўхшаган қизғиш ғиштин бинолар чўзилиб кетган. Бу ерда донғи кетган кўнчилик заводлари жойлашган. Ёз пайтлари ошланган терининг ҳаммаёкни тутиб кетадиган ҳидига чидаб бўлмаб қоларди.

Қизғиш ғишдан қурилган завод биноларидан кейиноқ Дарёбўйи маҳалласининг қинғир-қийшиқ кўчалари бошланар, пастак ёғоч уйлар шундоққина завод деворига тақаб қурилган эди.

Дарёбўйиликлар сассиқ ҳидларни искайвериб димоғи ўрганиб қолганидан деярли эътибор беришмасди. Уларнинг кўплари шу ерда тугилиб ўсган, болалигиданоқ кўнчиликда ишлаб, бадбўй ҳид аъзойи баданига сингиб кетган эди. Шаҳарликлар дарёбўйиликларни гупиллаб анқиб турган ҳидиданоқ таниб олишарди.

Кеч кузакнинг юракни сиқадиган рутубатли, муттасил ёгин-сочин кунларидан кейин гоҳо эрталабданоқ куёш тўсатдан худди баҳор кезларидагидек чарақлаб чиқади.

Худди киртишлаб тозалангандек тиниқ осмон жуда ҳам юксалиб кетганга ўхшайди, боғлардаги шипшыйдам дарахтлар орасидаги сарғимтир-яшил тераклар билан напармон заранглар қуёш нурида товланиб, ўзларини кўз-кўз қилишади. Ҳадемай олха билан липаларнинг куртаклари бўртиб, яланғоч новдалар яна кўм-кўк, ёпишқоқ барглар билан копланадигандек туюлади.

Худди шундай қуёш чарақлаб турган куз кунларининг бирида ўрта бўй, кифтлари кенг, озгин маҳбус хонада уёқдан-буёққа юрарди. Салқиган қовоқлари ўсиб кетган қора соқоли унинг кўпдан бери қамокда ётганидан далолат беради, ёноқлари билинар-билинмас қорайганидан баҳор қуёшидан унча-бунча баҳраманд бўлганини пайқаш мумкин.

Маҳбус қари одамдек оёқларини судраб босганча эшик олдидан деразага бориб келарди. Олти қадам олдинга, олти қадам орқага, шу зайл ўнлаб, юзлаб, минглаб одим ташланади. Юраверганидан ердаги қора асфальт йилтираб, оқиш из пайдо бўлган.

Ора-чора маҳбус дарча олдига келиб, қимир этмай ташқарига узоқ тикилиб туради.

Маҳбус бор-йўғи тиниқ осмоннинг бир парчасинигина кўрарди холос. Уёқда — панжаранинг нарёғида озодлик бор. Бу ерда эса темир каравот, деворга маҳкамланган темир стол, сувоғи кўчган деворлар ҳамда ўртасида тирқиши бор сип-силлиқ эшикли ифлос хонадан бўлак ҳеч вақо йўқ.

Осмон кўзини қамаштирадиган даражада кўм-кўк эди; у бош чайқаб, хонада яна уёқдан-буёққа юра бошлайди.

«Так-тук... так-тук...» Унинг пошналари асфальтга бир меъёрда урилиб, бўғиқ овоз чиқарарди. Деворлар эса овозларни ютиб юборарди. Маҳбуснинг боши қисдек қизиб, чаккалари лўкиллар, аъзойи бадани титрарди. У муздек қафтлари билан бошини қисганча ингради.

У биринчи марта қамокда ётгани йўқ, қисқа муддатли бундай ожизлик кайфияти юз бериб туришини яхши билади. Илгарилари маҳбус бундай ҳолни осонгина енгарди, бироқ бугун ожизлик қилиб қолди. У бир неча дақиқа бўлса-да, ҳамма нарсани унутиб, лоақал хаёлан қамок-хонадан ташқарига чикиб кетолмади.

На йўлакдан, на девор орқасидан, на тепадану пастдан бирон сас-садо эшитилмас, хаёлни чалғитадиган ҳеч нарса йўқ эди. Фақат онда-сонда билинар-билинмас шитирлаган овоз эшитилиб қолар, юмшоқ пойабзал кийган назоратчи сассиз юрганча эшик тагига келиб, тирқишдан мўраларди.

Баъзан қалин, қуйма темир эшик кўзга айланиб, унга бақрайиб тургандек туюларди.



Бундай пайтда киши ўзини ерга отгиси, бошини деворга тарақлатиб ургиси, дод солгиси, ўз овозидан кулоқлари коматга келгунча айюҳаннос солгиси келарди.

— Бир, икки, уч, тўрт... ўн... йигирма... юз... — Маҳбус ўзини чалғитиб, ҳеч нарсани ўйламаслик, ҳис этмаслик, изтироб чекмаслик, тоб ташламаслик учун қадамларини санай бошлади. — Икки минг беш юз... — Бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлаб туриб ғайритабиий тарзда такрорлади у.

Тўхтовсиз юраверганидан унинг оёқлари увишиб, тиззалари қакшаб кетди, боши айланиб, нафаси қиса бошлади.

Маҳбус чайқала-чайқала курсига етиб олди-ю, деворга қилт этмайдиган қилиб ўрнатилган столга бошини қўйди. Муздек темирга пешонаси текканидан бир лаҳза енгил тортгандек бўлди. Чарчоқдан кўзларини юма туриб... қадам товушларини эшитди.

Ўнгу сўлдан, пасту юқориги қаватдан — ҳаммаёқдан судралган ва ҳовлиққан, гурсиллаган ва сассиз қадам товушлари эшитиларди.

Столнинг овозларни илиб олиб, пухта асрайдиган юпка темир қоламаси тасодифан бу сирларини фош этиб қўйган эди.

Маҳбус худди мусиқа эшитаётгандек, столдан бош кўтармай овозларга кулоқ тутарди.

Ҳаммаёқда одамлар бор экан.

Қамокда бирга ётган ўртоқларининг таниш чеҳралари кўз олдида гавдаланди.

Маҳбус ўзини ёлғиз сезмай қўйди. Ҳатто ўглининг қисмати ҳам энди унчалик ташвишлантормасди. Воробушкинникида яшаб туради. Оғайнилари уни ташлаб қўйишмайди.

Баланд бўйли, бадбашара Воробушкинни бутун шаҳар танирди. У Кавказда туғилган. Болалигидаёқ Бокудаги нефть конларига келиб, инкилобчилар билан жуда барвақт танишиб қолди. У пайтларда Воробушкин хушсурат, қувноқ, бир оз соддадил, ҳамиша кулимсираб турадиган ўспирин эди. Бу ўспирин энг қалтис топшириқларни ҳам ҳаммадан кўра ўрнига қўйиб бажарарди. Ўшандан буён Воробушкин ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрди, бошидан анча-мунча иссиқ-совуқ ўтди. Хотинидан, болаларидан жудо бўлди, ҳатто фамилияси ҳам ўзгариб кетди.

Ҳаддан ташқари найновлиги учун қачонлардир, бир пайтлари унга: «Амаки, чумчуқ тутиб бер», деб лақаб қўйишган. Қамокдан қамокқа кўчиб юрган кезлари унинг

деярли фақат ундош товушлардан иборат талаффуз этиш кийин арманча фамилияси унутлиб, Воробушкин<sup>1</sup> га айланди-қўйди.

Воробушкин бу шаҳарда уч йил бурун пайдо бўлди. Иссиқ ёз кунларининг бирида у бошқа йўловчилар қатори эрталаб кемадан соҳилга тушди.

Воробушкин худди бекорчи томошабиндек туртиниб-суртиниб, ҳовлиқиб юрган одамлар орасида анчагача қимирламай турди. Унинг бўйи ҳаммадан баланд эди. Одамлар бутунлай қорага бурканган, бадбуруш одамнинг ёнидан шошиб ўтишар, унга бир лаҳза кўз солиб, ўз йўлларига равона бўлишарди.

Бу кишига оломон ичидаги бирон кимсанинг даҳли йўқдек туюларди.

Лекин фақат шундай туюларди холос. Аслида ундай эмаслигини бадбашара одам яхши биларди.

Бир сават олма олиб келаётган ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўй киши дам-бадам ўгирилиб, ёнидаги ўн яшар бола билан гаплашарди. Тасодифан у Воробушкинга қаттиқ урилиб, олмалар ер билан битта бўлиб сочилиб кетди. Гур этиб кулги кўтарилди.

Ўрта бўй кишининг жаҳли чиққанидан қизариб-бўзарди: «Хайкалга ўхшаб туришини, четроққа ўтай ҳам демайди...» — у баланд овозда тўнгиллаганча олмаларни тера бошлади.

Бир неча одам ўз тирикчилигини унутганча тўхтаб, уларни томоша қила бошлади.

«Хайкал» жойидан қимирламади; оёғи остида ўралашиб юрган баджаҳл одамга хотиржам қараб тураверди.

Чўкка тушиб ўтирган одам қорамағиз юзини буриб, кувноқ боққан кўкимтир кўзларини Воробушкинга тикканча жаҳл билан сўз қотди:

— Қарашворсанг-чи, нима қилиб турибсан?

Воробушкин истар-истамас чўнқайди.

— Мен Циганокман, — деди у эшитилар-эшитилмас Воробушкинга қарамасдан.

Воробушкин уч-тўртта олмани олиб эринчоқлик билан саватга солди-да, қаддини ростлади.

Олмаларни териб бўлишаёзганда пакана, тўладан келган, думалоқ юзини ажин босган, кўзлари худди сичқонникига ўхшаган кекса киши ёрдамга отилди. У худди беҳуда ўтказилган вақтнинг ҳиссасини чиқармоқчидек, Воробушкиннинг атрофида айланиша бошлади, бироқ унинг

---

<sup>1</sup> Воробушкин — «Чумчуқбоев» деганга ўхшаш сўз ўйини бор фамилия.

жонбозлик қилишига ҳожат йўқ — олмалар аллақачон саватга жойлаб бўлинган эди.

Циганок боланинг кўлидан етаклаганча кемалар тўхтайдиган жойга қараб йўл олди.

Воробушкиннинг юзида оний табассум жилва қилгандек туюлди, бурилиб шаҳар томонга юрди. У шошилмай одимларкан, тепаликка бемалол кўтариларди. Фақат оғир юк кўтариб, ҳаддан ташқари чарчаган одамдек букчайиб олган эди.

Дастлабки уйларнинг олдига етиб келгач, Воробушкин ён-верига аланглади-да, энг қулай йўлакка ўзини урди.

Чўнтагидан кичкинагина қоғоз халта олиб, шоша-пиша очди. Халта ичида бир парча қоғоз билан иккита ўн сўмлик бор экан.

Воробушкин қалам билан ёзилган бир неча оғиз сўзга кўз югуртиргач, пулларни чўнтагига солиб, қоғозни оғзига тикди-да, худди кўпдан бери ҳеч нарса емаган одамдек, иштиёқ билан чайнай бошлади.

Худди шу пайт оёқлари калта одам дабдурустдан ўзини тўхтатолмай югурганча келиб, унга урилиб кетди-ю, мингирлаб кечирим сўради.

Воробушкин унинг ранги ўнгиб кетган майда катак, кулранг костюмининг ёқасидан тутамлаганча худди муҳим бир сирни айтмоқчидек ўзига тортди, кўлидан чиқиб кетишга беҳуда уринаётган одамга миқ этмай ўйчанлик билан разм солди, кейин оғзидаги чайналган қоғозни унинг юзига туфлади-да, индамай йўлига равона бўлди.

Калтаоёқ бу ҳақоратни парвосига ҳам келтирмади. Бир неча лаҳза жойида типирчилаб тургач, Воробушкиннинг изидан тушди, ундан орқада қолмаслик учун калта қўлчаларини қаттиқ силкитганча типирчилаб юра бошлади.

Воробушкин хиёл энгашганча товонини ерга айтарли теккизмай оёғининг учида енгил одимлаб юрарди. У борган сари қадамини тезлатаркан, ўн беш дақиқадан кейин орқасига ўгирилди.

Эллик қадамча нарида келаётган бояги хира ҳамроҳига кўзи тушди. У оғзини катта очганча ҳаккалаб чопар, худди итга ўхшаб тили осилиб қолган эди. Пешонасида бўртиб чиққан йирик-йирик тер доналари аввал кўзига, кейин худди ёш томчиларидек ёноғидан пастга оқиб тушарди. Сичқоншиқидек митти кўзлари Воробушкинга ёлборгандек мўлтираб боқарди.

Воробушкин янада қадамини тезлатди. У ҳам қўлларини силкитиб, иложи борича қадамини каттароқ ташлашга уринди.

Орадан яна ўн дақиқа ўтди. Воробушкин пишиллай бошлади-ю, барибир, қадамини секинлатмади. У эндигина оркасига ўгирилмоқчи бўлганида тўсатдан шундоққина ёнида бўғик, нотекис олинаётган нафас эшитилди.

Пойлоқчининг тили баттар осилиб кетган, уринган сербар похол шляпа кийшайиб, бир томонга оғиб қолган, юзи бўғриқиб, тинкаси қуриганидан бурнидан тортса йиқиладиган аҳволга тушган эди. Уларнинг орасидаги масофа йигирма қадамдан ошмасди.

Таниш қадам товушлари шунчалик яқин келиб қолганини билгач, Воробушкиннинг шашти қайтди. У елкаси оша оёқлари калта бу одамга ҳайрат билан кўз ташлади-да, худди қатъий бир қарорга келгандек бош ирғаб, йўлида давом этди.

Кўчалар бирин-кетин орқада қоларди. Воробушкин шу қадар чарчадики, на ён-веридagi одамларга, на уйларга, на ўзи юраётган кўчаларга эътибор берар, ундан ўн қадамча орқада эса нафаси бўғзига тиқилган одам судралиб келарди.

Яна бу аҳволда юришга Воробушкиннинг чоғи келмасди. Бунинг устига улар шаҳар четига чиқиб қолишган эди.

«Бир солсаммикин-а...» — дея хаёлидан кечирди Воробушкин, ҳатто муштини тугди-да, тўхтамоқчи бўлиб, ён-верига аланглади.

Унинг ҳамроҳи тахта деворга ҳолсиз суяниб, йўлкада ўтирар, кўзлари юмук, юзи бўзарган, қонсиз лаби билан бурни ғалати бўртиб кўринарди.

Воробушкиннинг мушти ёзилди. У хира ҳамроҳи томон бир неча қадам ташлади-ю, тўсатдан юзида ғайритабиий довдираш ифодаси пайдо бўлди.

Эҳтимол, бу одамга қўлидан келганча ёрдам бериши ҳам мумкин эди-ю, лекин бунга имкон беришмади. Муюлишдан шалдираган извош чиқиб келди-да, шундоққина уларнинг ёнида тўхтади.

То Воробушкин эс-ҳушини йиғиштириб олгунча аравадан Циганок отилиб чиқди-ю, унинг қўлидан тортиб, ёнига ўтқазиб қўйди, сўнг ўзини орқага ташлаб, бутун кўчани бошига кўтаргудек бўлиб, хахолаб кулди.

Аравакаш отга қамчи чатиши билан извош ўрнидан кўзгалди.

Циганок Воробушкин қўлдан чиқиб қочиб кетадигандек енгидан ушлаб турар, унга нимадир демоқчи бўларди-ю, лекин ҳар сафар кулгидан бўғилиб қоларди.

Воробушкин норозилигини яширолмай пишиллар, арава-

кашнинг елкасига тикилганча шериги тезроқ гап қотишини кутарди.

Циганок бармоғи билан отга ишора қилиб, нимадир дея гўлдирарди.

— Отнинг тинкасини қуритдинг,— деди у ниҳоят.— Хиёбондан бошлаб икки соатдан бери орқанглардан эргашиб юрибмиз,— дея тушунтирди Циганок яна қаҳ-қаҳ уриб куларкан.

Оқсоч, соқолли аравақаш ўгирилиб, Воробушкинга эҳтиром билан боқди.

— От бўлиб яралганигда баҳойинг бўлмас эди,— деди у.

Воробушкин ўйлашиб тургач, бирдан жаҳли чиқди.

«От бўлганимда! От бўлганимда!— дея хаёлан тегажоқлик қилди у.— От бўлганимда аллақачон суробим тўғриланаиб қоларди. Суякларим чириб кетарди, одамлигим учун яшаб юрибман, яшаяпман». У Циганокка юзланиб сўради:

— Қаёққа олиб кетяпсан?

— Ҳаммомга,— деди Циганок бирдан сергакланиб.— Қани, чуҳ де, Матвей,— дея илтимос қилди у жиловдордан.

Циганок ҳаммомнинг алоҳида хонасига патта олди. Клеёнка сирилган катта диван қўйилган кичкинагина даҳлизга киришгач, у тез-тез ечина бошлади.

Воробушкин эса диванда миқ этмай ўтирарди.

— Тез ечин,— дея уни шошилтирди Циганок,— ҳозир айни чўмилиб оладиган пайтинг, бирдан енгил тортасан.

— Мени шунинг учун буёққа олиб келдингми?

— Шундай деса ҳам бўлади,— дея кулимсиради Циганок.— Жиққа тер босиб кетгандирсан. Чўмилиб олмасанг, сасиб кетасан.

— Раҳмат,— Воробушкин тундлик билан миннатдорчилик билдирди-да, этигини еча бошлади.

Циганок ечиниб бўлгач, офтобда бир текис қорайган пайдор, миқти гавдасини намойиш этганча Воробушкиннинг рўпарасига келиб турди.

Воробушкин унга кўз ташлаб:

— Сен ювинавер, мен кейинроқ кираман,— деди журъатсизлик билан.

Ёлғиз қолгач, Воробушкин яна бир оз хаёл суриб ўтирди. Ичкаридан олдинига сувнинг ҳаддан ташқари қаттиқ шовуллагани, кейин жилдирагани ва ниҳоят тингани эшитилди.

Воробушкин ечиниб, ичкарига кирди. Циганок роҳатланганидан кўзларини юмганча сувга кириб ётарди. Воробушкин худди сирпаниб кетишдан қўрққандек қовушимсиз бир

ҳаракат билан якка кифт бўлиб унинг ёнидан ўтди-да, иккинчи ваннага сув очди.

— Муҳим гапларни гаплашишга энг мос жой мана шу,— дея гап қотди Циганок кўзларини очмай.— Ҳеч ким халақит бермайди. Баҳонада чўмилиб ҳам оламиз, пулимиз бекорга куймайди... Ҳаммом ёқдими?— деб сўради у бир дақиқадан кейин.

Ҳаммомнинг хосхонаси қиммат саналарди. Торгина бўлса-да, икки ванна ҳамда души бор, деворлари билан пастак шифтга сариқ ранг берилган.

Воробушкин индамади, сувга қўлини тикиб, жўмракни буради.

— Сувни илиқроқ қил, шамоллаб қоласан,— дея маслаҳат берди Циганок.

— Ёқмади,— деди Воробушкин маъюс тортиб.

— Нима?— тушунолмади сўради Циганок.

— Ҳаммом ёқмади, бир кишилик қамоқхонага ўхшаркан. Ҳаммомнинг зўри Кавказда!— у гапини тугатмасданок хўрсиниб, сувга тушди.

Бир неча дақиқа иккаласи ҳам гап-сўзсиз сувга кўмилиб ётди, кейин Циганок бошини кўтариб, Воробушкинга қаради. У ҳам ўрнидан кўзгалди.

— Сен тўғрингда ўртоқлар билан гаплашдик,— деди. Циганок салмоқлаб.— Амаллаб бирон иш топиб беришимиз керак. Қўлингдан нима иш келади? Қандай хунаринг бор?

— Менинг касбим — топширилган вазифани бажариш. Ишқилиб, тезроқ бирон иш бошласам бўлгани.

— Бунисени айтаётганим йўқ,— деди Циганок меҳр билан.— Касбингни сўраяпман. Бирон касб-коринг борми?

Воробушкин энгашиб, суҳбатдошига яқин келди, унинг юзига тикилганча ҳар бир сўзни дона-дона қилиб гапирди:

— Менинг қандай касб-корим борлигини ўзинг биласан-ку. Мен инқилобчиман.

— Тагин-чи?

— Нима, бу камми сенга?— Воробушкиннинг овози титраб кетди.

— Кам, Воробушкин,— деди Циганок янада мулойим оҳангда, кейин худди ёш болага гап уқтираётгандек сабабини тушунтирди.— Ўз кунингни ўзинг кўришинг учун бирон иш топишинг керак, билдингми?

— Бошқаси-чи?

— Бошқасига киришишга шошмай турасан, Воробушкин, бошқасини яхшиси ҳозирча хаёлингга ҳам келтирма.

Воробушкин суҳбатдошининг кўзига тузукрок қараш учун чўзилиб яна ҳам олдинга энгашиди.

— Мен неча йилдан бери кутаётганимни биласанми?

— Ўртоқлар шунга қарор қилишди, Воробушкин. Ҳозир вазият шунга тақозо этади.

— Улар мен қачондан бери кутаётганимни билишадими?

— Билишади, Воробушкин.

— Ҳеч нарсани билишмайди, сенинг ҳам ҳеч нарсдан хабаринг йўқ. Ҳали ёшсан, ҳамманглар гўдаксизлар.

— Сен ёш эмасмисан? Ёшинг катта бўла туриб, ҳаммани камокқа тикмокчимисан? Жосуслар орқангдан думга ўхшаб эргашиб юришибди-ку,— деди Циганок ҳам олдинга энгашиб.

— Мен айғоқчиларга ўрганиб қолганман, улардан кўркмайман.

— Кўркмайсанми? Ишни барбод қилишдан ҳам кўркмайсанми? Сен азалдан жасурмидинг ё яқиндан бери шунақа бўлиб қолдингми? Эҳтимол сен бу ерга атайлаб, бошқаларнинг эътиборини жалб этиш учун юборилгандирсан — бу ҳақда ўйлаб кўрмадингми? Ёки бу нарсдан ҳам кўркмайсанми?— Циганок ҳар бир сўзни суҳбатдошининг юзига иргитаётгандек қаттиқ-қаттиқ шивирлади.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил алфозда ўтирарди. Циганокнинг юзида бояги қувноқлигу мулойимликдан асар ҳам қолмаган, кўзлари қисилиб, хира тортган эди.

Гап-сўз тугаб, улар бир-бирига тикилиб ўтирар, худди иккаласи ирғиб ўринларидан туриб, томоқларидан гиппа бўғишадиганга ўхшашарди. Бир оздан кейин Воробушкиннинг юзидаги ифода ўзгарди. Тескари ўгирилиб, бутунлай бошқача, итоткорона оҳангда гап қотди:

— Ёшинг қирқ саккизга кирганда кутишинг жуда қийин.

— Балки бирон жойга кетганинг, яширин ишга ўтганинг тузукдир... Паспорт тўғрилаб берамиз,— Циганок тўсатдан тугилиб, ҳали пишиб етилмаган фикрни ботиқирамай айтди.

— Менга бошқа бурун топиб бер, бурун, тушундингми? Бўйимни ҳам ўзгартир. Бу буруну бўй билан мени кўр одам ҳам танийди-ку, паспортнинг нима фойдаси бор. Ўйлайсанки... — у гапини тугатмасданоқ сувдан чиқди, залварли одимлаб, даҳлизга йўл олди, бироқ кўзи ожиз одамдек эшик қолиб, деворга бориб урилди. Циганокка орқасини ўгириб, муздек деворга юзини босди.

Циганок унинг иссиқ сувда қизариб кетган курагидан то белигача, ҳатто ундан пастроқда ҳам оқариб турган

калтак изларини кўрди. Ингичка, энли, кўз илғамас ва узоқдан ҳам яққол кўзга ташланадиган узун-қисқа чандиклар Воробушкинининг баданини худди узунасию кўндалангига ҳар хил йўллар кесиб ўтган ўлка харитасига ўхшатиб кўрсатарди.

Циганок сувдан сакраб чиқди-да, Воробушкинининг ёнига келиб, елкаларидан қучди.

— Ўзингни бос, ўзингни бос, Воробушкин, шошма, биз бирон нарса ўйлаб топамиз. Мен ўртоқлар билан яна бир марта гаплашиб кўраман. Юр, кетдик.

Бурчакка қисилиб турган Воробушкинининг аъзойи бада-ни қалтирар, кулаётганини ҳам, дардчил ихраётганини ҳам билиб бўлмасди.

Циганок уни зўрға девордан узиб, даҳлизга олиб чиқди. Воробушкин шалвираб, дармонсиз оёқларини зўрға судраб босганча итоаткорлик билан ёнма-ён юриб келарди.

Даҳлизга чиқишгач, у Циганокнинг кўлини ушлаб қисди, кўзлари ёлбориб, айни вақтда синчков тикилди-да, худди биров оғзига уриб, гапиртирмай кўядигандек шоша-пиша сўзлай кетди:

— Уларга айт, мен ҳеч кимни уялтириб қўймайман. Айғоқчилардан кўра кувроқ экан, деб айт. Инқилобсиз, партиясиз яшашнинг нима қизиғи бор, деяпти, де. Гапларининг ҳаммасини айт. Албатта айт!

— Айтаман, кўнглинг тўқ бўлсин, айтаман!— дея ўртоғига тасалли берди Циганок.

— Шундай қил, илтимос,— тўсатдан болаларча бечора-ҳоллик билан кулимсиради Воробушкин.

Циганок кулиб юборди.

— Қаерда бунчалик безашган?— деб сўради у Воробушкинининг орқасига ишора қилиб.

Воробушкинининг юзи яна тундлашди, орқасини яшириб, девор томонга сурилди-да, бир четга ўгирилиб, истар-истамас жавоб берди:

— Иркутскда...— деди-ю, жим қолди, кейин суҳбатдошига юзланди.— Тагин сен кут дейсан. Бунақа пайтда кутиб бўлар эканми?

Улар гап-сўзсиз тез-тез кийинишди, ташқарига чиқишаётганда Циганок Воробушкинга бир нечта қоғоз пул узатди.

— Олиб қўй, биродар.

— Керак эмас, бир амаллайман,— Воробушкин қизариб-бўзариб унинг кўлини нари сурди.

— Ўртоқлар бериб юборишди, меники эмас...

— Барибир кераги йўқ, ҳозирча пулим бор.



— Олавер, одамнинг бошида ҳар хил кун бор. Ишлатмасанг, қайтариб берарсан. Бойиб кетсанг, қарзингни узарсан.

Циганок пулларни унинг чўнтагига тикди. Воробушкин ён берди.

— Яна бир нарсани келишиб олайлик. Ёзда ҳадеб ҳаммомга келишнинг ҳожати йўқ. Мен баъзан дарё бўйига бориб тураман. Балиқ тутиб, болалар билан чўмиламан. Анови, Дарёбўйи маҳалласи томонда. Агар бошимни сочиқ билан ташиб олсам, орқангда айғоқчи бўлмаса, яқин келавер.

Воробушкиннинг чеҳраси ёришиб кетди. Циганокка меҳр билан боқиб сўради:

— Кавказда бўлганмисан?

— Йўқ, насиб этмаган,— дея ростини айтди Циганок.

— У ердагиларнинг ҳаммаси шунақа. Уёқда сенга иш топиларди. Менга ҳам ўзимга яраша иш топиларди,— дея оғир тин олди у.

Воробушкин ўртоғини кучоқлаб шундай қисдики, унинг қовургалари қисирлаб, кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Раҳмат сенга,— деди Воробушкин мулойимлик билан.

— Битта-биттадан чиқамиз,— деди Циганок зўрға нафасини ростлаб.— Олдин мен чиқиб кетаман, кейин сен. Хайр.

— Хўп, хайр.

Циганокни кузатгач, Воробушкин ўн дақиқача ўтириб, ташқарига йўл олди.

Воробушкин кўчага чиққан заҳоти бир соат муқаддам анчагина олисда чалажон ҳолда қолдириб келган кулранг костюмли калта оёқ одамга дуч келди.

У дарвоза ёнидаги сунада ўтириб, бамайлихотир тамаки тутатарди.

Воробушкин унга қараб ҳатто кўз қисиб қўйди. Калта оёқ ўрнидан турди-да, азбаройи тани сихатликни ўйлаб сайр этаётган одамдек бир маромда одимлаганча нари кетди.

Агар унинг эғнида тердан намиқиб, елкалари қорайиб кетган катак костюм бўлмаса, Воробушкин ўзини адашган ҳисоблаши ҳеч гап эмасди.

Улар бир лаҳза бир-бирларини кузатиб тургач, калта оёқ илжайиб, бош кийимини тузатиб қўйди.

Воробушкин йўлкадан чиқиб, йўл четига ўтирди-да, ердан битта тошни кўчириб олди. Калта оёқ бўйинини ичига тортганча муюлишда кўздан ғойиб бўлди-ю, уёқдан шу заҳо-

ти юзидан қон томиб турган, гирдиғум миршаб чиқиб келди. У худди сузаётгандек оҳиста одимлаб, Воробушкин томонга юрди.

Воробушкин ўгирилиб, супага ўтиб ўтирди-да, тош билан пошнасини тақиллатиб ура бошлади. Миршаб унинг тепасига келиб қаққайди. Воробушкин ўзини ишга машғул бўлиб, уни пайқамагандек тутди. Миршаб ҳокимона томоқ кирди. Воробушкин секин бошини бурди, кейин сакраб туриб, ёйилиб илжайганча оёғига ишора қилди:

— Уёк-буёғини қоқиб олдим.

У миршабнинг гап қотишини кутмасданоқ дарров изига қайтди, тошни олган жойига тиқиб, пошнаси билан бирикки тепиб ҳам қўйди, яна илжайиб изоҳ берди:

— Жойига қўйдим. Ётаверсин, балки бировнинг кунига яраб қолар.

У миршабга яқин келди-да, назокат билан шапкасини кўтарди.

Миршаб қўлини чаккасига қўйганча орқасига ўгирилди.

Ҳаммомдаги учрашувдан кейин Воробушкин айғоқчиларнинг кўзини шамғалат қилишнинг уддасидан чиққан заҳоти Циганок билан кўришгани дарё бўйига келадиган бўлди.

Дарёнинг нариги қирғоғида, шундоққина қамоқнинг рўпарасида эски қайиқ тўнқарилиб ётарди.

Воробушкин унинг тагига кириб, қош қорайгунча биқиниб ётарди. Қайиқнинг тагидан яқин-йироқ, дарёнинг иккала қирғоғи, нариги томондаги қамоқ билан черков яққол кўриниб турарди.

Орадан бир ҳафта, кейин яна шунча вақт ўтди... Циганокнинг бирон марта қораси кўринмади. Воробушкин яна кўча-кўйда сандирақлаб юра бошлади. У янада букчайиб, соч-соқолини олмай қўйди, юз-кўзини тиккайган мўй босиб кетди. У эртадан-кечгача кўчада юрар, ҳеч ким билан гап-лашмас, лекин худди гунг-соқовга ўхшаб ҳамманинг юзига синчков тикиларди. Уни ҳам ҳеч ким тўхтатиб гапга солмасди. Шу зайл Воробушкин одамови бўлиб қолди.

У орқаворатдан одамларнинг: «Жинни...» — деб шивирлашганини кўп эшитди.

Энагалар уни кўрсатиб, болаларни кўркитадиган бўлишди. Энди айғоқчилар онда-сонда унинг пайига тушишар, бироқ бир гала бола соядек орқасидан эргашишини қўймасди. Болалар олдинига аллақадан келиб қолган бу найнов одамга узоқдан кўрқа-писа қараб юришди, кейин юрак ютиб, тегажоқлик қила бошлашди. Воробушкин болаларни кўрди дегунча оёғини қўлига олиб қочар, бироқ улар қий-кириқ солиб орқасидан қувлашар, лой отишарди.

Ўн ёшлардаги бир бола уни, айниқса, жонидан безор қилиб юборди. Унинг бирдан-бир эрмагию ташвиши Воробушкинга азоб беришдан иборатга ўхшарди. Воробушкин тошу кесак отишганда ҳам парво қилмас, камдан-кам орқасига ўгирилиб қарар, лекин шу болани кўриши билан кўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугиларди.

У кўча-кўйда камрок кўринишга уринар, ҳеч кимга сездирмай қайиқнинг остига кириб оларди-да, қоронги тушгунча пусиб ётарди.

Қайиқнинг остида ётаркан, қамоқнинг кафтдек дарчаларидан чакноқ кўзларини узмасди.

Пули тугадию, лекин иш топишдан умид йўқ эди. Тўнкарилган қайиқ унинг доимий қўналғасига айланди.

Кунларнинг бирида унинг макони фош бўлиб, қайиққа тасир-тусир тош ёғила бошлади.

Воробушкин болалар тинчигунча биқиниб ётишга қарор қилди.

Болалар анчагача узоқдан туриб қайиқни тошбўрон қилишди, кейин юрак ютиб, яқин келишди. Қайиқни ўраб олиб, худди йиртқич ҳайвонни инидан чиқишга мажбур қилаётган ҳақиқий овчилардек шовқин сола бошлашди.

Воробушкин қитмирлик қилиш болаларнинг жонига тегиб, ўз ҳолига қўйишларини кутиб, похолга юзини босганча тишини тишига қўйиб миқ этмай ётаверди.

Бироқ ҳеч қандай зарбага учрамаган болалар баттар ҳаддан ошишди. Бирови янги ўйин ўйлаб топди: пусиб келганча қайиқнинг устига чиқиб, шундоққина Воробушкиннинг боши тепасини кучининг борича тепкилаб сакраб ерга тушди-да, қочиб қолди. Унинг кетидан иккинчиси, учинчиси қайиққа чиқди. Бир оздан кейин қайиқ устида икки-учтаси баробарига рақс туша бошлади.

Воробушкиннинг устига қум, қайиқнинг тагида лой ара-лаш қотиб қолган ўт-ўлан ёғилса-да, кимир этмай ётаверди.

Шу пайт қоп-қора бола узун ёғоч топиб, секин пусиб келди-да, қайиқнинг тагига тикди.

Қайиқ кимирлаб, болалар тирақайлаб қочишди. Кимдир: — Митька, қоч! — деб қичқирди.

Лекин Митька ёғочни ташлаб, беш-ўн қадам юриб улгур-масданоқ Воробушкин қувиб етди-ю, уни уриб йиқитди, кейин ёқасидан олиб, бир кўллаб даст кўтарди-да, силжита бошлади. Митьканинг боши чайқалиб, жағи тушиб кетди, кўр-қувдан бакрайиб қолган кўзларини Воробушкиндан узмасди.

— Сенга нима ёмонлик қилдим, нима ёмонлик қилдим, ярамас?— дея бақирди Воробушкин.

Митька лабларини қимирлатиб гапирмоқчи бўларди-ю, бироқ овози чиқмасди.

— Ҳа, гапирмайсанми? Гапир, нима ёмонлик қилдим?

Воробушкин болани силкитишни тўхтатди-ю, бироқ ҳамон ёқасидан тутамлаганча баланд кўтариб турарди.

— Мен... энди қилмайман,— Митька нафаси қисиб, зўрға гапирди-ю, йиглаб юборди.

Воробушкин уни ерга туширди. Ўқрайиб тикилганча босиқлик билан гап қотди:

— Юр, отангни олдига борамиз. Отанг қаерда?

— Уёқда...— Митька бармоғи билан дарё томонга ишора қилди.

— Уёгинг қаер?

— Қамокда,— деди бола секингина.

Воробушкин энгашиб, унга ишонқирамай боқаркан, пешонасини тириштирди.

— Кўпдан бери ётибдими?

— Кўпдан бери,— дея хўрсинди Митья.— Бир ойча бўлди,— у ўксиниб, юзи ғамгин тус олди.

— Вой, жиннивой-ей!— Воробушкин боланинг бошига қўлини қўйиб, сочларини тўзитди.— Ке, оғайни бўламиз.

Митькани кута-кута изига қайтган болалар у тўнкариғлик қайиқ устида Воробушкин билан дўстона суҳбат қуриб ўтирганини кўришди.

— Келаверинглар, кўркманглар, у ҳеч нарса қилмайди,— дея оғайниларини чақирди Митька.

Болалар кўрқа-писа бир-бирлаб қайиққа яқин келишди.

Улардан бири шивирлаб сўради:

— У жинни эмасми?

— Сал-пал,— Митьканинг ўрнига Воробушкиннинг ўзи худди шу тарзда шивирлаб жавоб берди.

Воробушкин одамларни соғинган эди. Кўпга чўзилган гунгу карликдан кейин у болалар билан жон деб гаплаша бошлади.

Шундан кейин дарёбўйликлар кўча-кўйда уни ҳамиша ўсмирлар куршовида кўрадиган бўлишди.

Қисқа вақт ичида Воробушкин ўзгариб кетди — юзига қон югуриб, ўзини бу шаҳарда ортиқча, бегона сезмай қўйди, кўчаларда маъносиз сандирақлашлари барҳам топди. Кичкинагина омборни ижарага олиб, устахонага айлантирди, каптар, қармоқ, шодақармоқ сотиб олди, бутун дарёбўйлик болалар билан иноклашиб кетди.

Тез орада Дарёбўйидагилар Воробушкинга ўрганишиб

қолишди, уни ҳавойи, сал эси пастрок, лекин беозор ҳисоблаб, устахонасига рўзғор қақир-қуқирларини тузаттиргани бемалол олиб келадиган бўлишди.

Воробушкин болаларга кўшилиб кўча-кўйда чопиб юрар, уларга слесарлик ҳунарини ўргатар, каптарбозлик қилар, биргалашиб балиқ тутишар, хат-савод ўргатар, узундан-узок, қизикарли воқеаларни гапириб берарди.

### III

Маҳбус ўрнидан туриб, яна дарча олдига келди.

Дарчанинг нарёғида — қамокхонаю дарё тепасидаги, те-ракларнинг қир учидаги нилий осмон тубсиз уммонга ўхшаб кўринарди.

Тўсатдан у бўйинини чўзиб, кўкка астойдил кўз тикди. Уёқда — Дарёбўйининг устида бир гала қуш учиб юрар, қамокхона дарчасидан улар миттигина капалакларга ўхшаб кўринарди.

Қушлар ҳавода доира ясаб учишар, чарх уриб тепага кўтарилишар, бир лаҳза муаллақ қотиб қолишар, сўнг кутилмаганда қанотларини жуфтлаб ўкдек пастга отилишарди.

— Чинкаптарлар! Чинкаптарлар!.. — дея пичирлади маҳбус оёқ учида туриб, дарчага ёпишаркан. — Эҳтимол Воробушкин учираётгандир, деган хаёлга борди у. Бир неча ой мобайнида юзига биринчи марта табассум ёйилди.

Каптарлар эса гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлиб Дарёбўйи устида чарх уришарди.

Ҳар сафар энди қайтиб келмайдигандек туюлганда каптарлар яна пайдо бўлишар, яна юксак-юксакка кўтарилганча чарх уриб, умбалоқ ошиб, ноёб қуёш нурларидан баҳра олиб яйрашарди.

Айниқса, битта оқи алоҳида ажралиб турар: тикка кўтарилиб бутунлай кўздан ғойиб бўлар, кейин худди аллақандай тўсиққа урилгандек қанот қокқанча бир жойда қотиб қолар ва бирдан қанотларини тушириб, оппоқ думини ёйганча умбалоқ ошиб, тошдек пастга отиларди. Фақат ерга етишига оз қолиб, чилпарчин бўлиши муқаррардек туюлганда яна қанотларини ёзиб, юқорига парвоз этарди.

Бошқа каптарлар аллақачон ҳолдан тойиб, ҳаво бўшлиғида доира ясаб, сокин суза бошлашди, лекин оқ каптар ҳамон умбалоқ ошарди. Тўсатдан қушлар галаси худди тўрга тушгандек безовта типирчилаб, ўзини уёқдан-буёққа уришди-ю, бирданига дуч келган томонга тиркираб кетишди.

Маҳбус юксак-юксакда, ҳозиргина каптарлар парвоз

этиб юрган жой тепасида ҳаракатсиз қора нуқта пайдо бўлганини пайқади.

Фақатгина оқ каптар ҳеч қандай хавф-хатарни сезмай ҳамон кўкда чарх уриб учарди. Ниҳоят у ҳам типирчилаб, пастга шўнғиди. Худди шу пайт қотиб турган қора нуқта ҳам ҳаракатга келди, каптарнинг орқасидан эргашиб, борган сари улғая бошлади, каптарга етгач, тегиб ҳам кетди, ундан пастлагандан кейингина куш қиёфасига кирди.

Улкан, қоп-қора калхат қанотларини ёзиб, оқ чинкаптарнинг йўлини тўсиб чиқди.

Каптар худди кўздан қолгандек ўзини уёқдан-буёққа урар, калхат эса яна каптарнинг устига чиқиб олгунча ўлжасининг йўлини кесиб, улуғворлик билан атрофида айланиб учаверди, уни пастга кулатиш касдида урди-ю, бироқ зарби нишонга аниқ тегмади.

Калхат йирик, пихини ёрган йирткич куш, ўз ишига устаси фараиғ, у ёздан то кеч кузаккача ўрдак, қур, каклик жўжаларини тутиб еяверганидан семириб, ялқовлашиб кетган. Энди ўрдаклар билан каклик болалари улгайиб, учиб кетган, қурлар хушёр тортиб эҳтиёткор бўлиб қолишганидан кейин очлик калхатни ўрмондан чиқиб, шаҳар атрофида егулик излашга мажбур қилган.

Йирткич яна бир неча бор ўлжасига даф қилди, бироқ навкирон, чаққон чинкаптар ҳар сафар унинг панжасига чап бериб улгурарди.

Шунда калхат кураш усулини ўзгартирди.

Калхат каптардан пастроққа тушиб, йўлини кесди-да, бирон томнинг панасига кириб яшириниб олмаслиги учун шаҳар четига суриб кетди. Очик майдонда чарчаб, ҳолдан тойган каптарга човут солиши осон.

Темир панжарага ёпишганча деярли осилиб турган маҳбус бу жаҳд-жадалдан кўз узмасди.

Оқ каптар энди каптархонага қайтишга уринмас, у аллақачон йўлидан адашган, энди фақат бор кучини тўплаб, ажал сиртмоғидан чиқиб кетишга интиларди.

Пастда йирткич худди улкан соядек сассиз сузганча уни муттасия таъқиб этиб келарди.

Яна беш-ўн марта қанот қоқилса бас, Дарёбўйининг охириги кулбалари ҳам орқада қолиб кетади.

Олдинда сийрак ўт кўқарган заҳқаш ботқоқлик.

Каптар дарёнинг нарёидаги иккита баланд бинони кўргач, бирдан йўлини ўзгартириб, ўша томонга парвоз этди, калхат ҳам шу заҳоти қанот қоқиб, кескин бурилди.

Калхат каптарга дарё ўртасида етиб олди ва мўлжаллаб туриб тепадан ўлжасига ўқдек отилди. Оқ билан қўнғир

куш бир-бирига човут солиб, копток бўлиб кетишди. Маҳбус кўзларини юмиб олди, бир лаҳзадан кейин қора куш йўл-йўлакай сув теккан қанотларини силкитганча дарёдан узоқлашиб бораётганини кўрди.

Каптар кўздан ғойиб бўлди, фақат дарё тўлқинларининг оппоқ патларини қалқита-қалқита оқизиб кетди.

#### IV

Бу сафар калхатнинг ҳаракати зое кетмади. Битта панжасининг ўтқир тирноқлари гўштга ботди, иккинчиси эса каптарнинг узун, кенг думини маҳкам тутамлаб олди.

Юки оғирлик қилиб, бирдан қанотларини ростлай олмади, мувозанатини йўқотиб, ўлжасини қаттиқ чангаллаганча пастга шўнғиди. Сувга етишига бир қулоч қолганда, тўсатдан эти сесканиб, панжалари бўшашди. Каптар типирчилаб, чангалидан чиқиб кетди, йиртқичнинг чангак бўлиб қолган панжалари совуқ сувга теккач, бутунлай ёзилди кетди. Чинкаптарга кўрк бағишловчи қуйруғи — бир тутам оппоқ пат сув бетига ёйилиб оқди.

Думсиз, чўлтоқ каптар кичкина уйчага дуч келиб, ўзини томга урди ва туйнукдан ичкарига кириб кетди.

У чордоқнинг энг ичкарисига кириб, ҳар хил лаш-лушларнинг панасига ўтди-да, қумга бағрини бериб ётди. Худди қарахт бўлиб қолгандек кўзларини юмиб, қош қорайгунча қимир этмади.

Кечқурун томда одамлар — озгин, қоқсуяк аёл билан юзига сепкил тошган малла қиз пайдо бўлишди. Улар катта саватдаги кирларни дорга ёйишди.

Каптар ўрнидан турди, худди нўхатдек думалоқ, тимқора кўзларини очиб, чўчинқираб бошини уёқдан-буёққа бурдида, сассиз юриб синиқ яшиқнинг бурчагига тиқилди.

У туни бўйи, эртасига кечгача шу ердан жилмади. Фақат очлик пешиндан кейин яширинган жойидан чиқишга мажбур қилди.

Патлари қон юки, одамнинг раҳми келадиган даражада ночор, шумшайган каптар ёруққа чиқиб келди. Чордоқда судралиб юраркан, кипиғу ахлат орасидан дон излай бошлади.

— Бех, бех...

Каптар хурпайганча жойидан жилмади.

Қизалоқ эҳтиёткорлик билан яқин сурилиб, қўлини чўзди.

Каптар хуркиб, ўзини дарчага урди. Очиқ ҳавога чиққач, эти сесканиб ён-верига аланглай бошлади.

Осмон бўм-бўш эди, фақат шимолдан эсаётган совук шамол оғир, бесўнакай булутларни уёқдан-буёққа суриб юрар, қамокхонадан гоҳ яккам-дуккам, гоҳ гала-гала бўлиб учиб чиққан каптарлар думи чўлтоқ чинкаптарга эътибор бермай парвоз этишарди.

## V

Оқ каптар бу йил ёзда тухумдан чиққани учун фақат ўз тўдаси билан каптархонасинигина биларди, холос.

Олдинлари у ўзига ўхшамайдиган кўк каптарларни кўп кўрган, лекин худди зоғ, чуғурчук, чумчук сингари безарар кушларга қанчалик аҳамият бермаган бўлса, уларга ҳам шунчалик безътибор эди. Чиройли, хонаки каптарлар ҳеч қачон беўхшов ёввойи каптарлар тўдасига келиб қўшилмасди.

Каптархоналарнинг асилзодалари ҳисобланмиш чинкаптарлар юксак-юксакда чарх уришаркан, доим пастлаб учувчи хунук биродарлари борлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Бирок энди ўз шерикларидан айрилган чинкаптар уясини, тўдасини қўмсар, осмондан учиб ўтган ҳар бир каптардан кўз узмай диққат билан астойдил кузатарди.

Қош қорая бошлади, ички бир майл уни тўдага бориб кўшилишга ундади.

Ниҳоят, уч-тўртта каптар патиллаб қанот қоққанча шундоққина ёнидан учиб ўтаётганда юрак ютиб, уларнинг орқасидан эргашди.

Лекин думсиз учиб кийин экан; шамол уёқдан-буёққа суриб ташлар, йўлдан адашмаслик учун тез-тез қанот қоқишга тўғри келарди. У каптарларга фақат черковнинг томига келиб кўнишаётгандагина етиб олди.

Томнинг шамолдан пана томонида ўттиз чоғли кўкимтир, кулранг, бўз каптар бор эди. Кунини бўйи ҳовлима-ҳовли учиб, емиш излаган каптарлар, энди нафслари ором олиб, уйқу олдидан патларини тозалаб, силкиниб, ўзларига оро беришарди. Чинкаптар кескин овоз чиқариб ғув-ғувлади. Каптарлар машғулотини тўхтатиб, бўйинини чўзганча меҳмонга қизиқсиниб қарашди.

Меҳмон эса бир четга ўтиб, мезбонларга қўрқа-писа кўз ташлади. Кўк каптарнинг қанотлари бир-бирига жуфтлашмас, уларнинг оралиғидан оппок, майда патлари яққол кўриниб турар, қаҳрабо тусли жияк ўртасидаги думалоқ, тимқора кўзлари норозилик билан зардали боқарди.

У худди димоғини тозалаётгандек яна бир қарра, лекин



бу гал сал секирок, хотиржамрок ғув-ғувлади. Кушлар галаси меҳмонга эътибор бермай қўйди.

Томга янгидан-янги каптарлар келиб қўна бошлади. Улар бегона каптарга кўз қирини ташлагач, дарров ўз юмушларига киришиб кетишарди.

Думи юлиниб, чўлтоқ бўлиб қолган, тумшуғи калта, патлари тўзиган оқ каптар худди полапонга ўхшар, кушларда ортикча қизиқиш уйғотмасди. Фақатгина узун, қора тумшуқли, жуссаси кичик бўз каптарнинг қизиқиши сўнмади.

У худди туртиниб кетишдан чўчигандек журъатсизлик билан оқ каптарга яқин келди. Улар ёнма-ён туриб, бир-бирига синчков боқар, бироқ нима қилиши кераклигини билишмасди. Даставвал бўз каптарча эс-хушини йиғиштириб олди. У бигиздек ўткир тумшуғи билан чинкаптарнинг елкасини чўқиди.

Чинкаптар ҳали ёш бўлса-да, ўз уясида не-не рақибларни кўрган, ҳеч қайсисига бўш келмаган эди. Бироқ ҳозир фақатгина бўйнини ичига тортиб қўя қолмай, хатто кўзларини ҳам юмиб олди.

Бўз каптарча ўзидан кўра нотавонроқ жонзодни учратганига ишонгиси келмади шекилли, тумшуғини яна бир қарра ишга солди.

Қисқа умри бадалида қилмишига яраша жавоб олмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, тўдасига қайтиб кетди.

Кўп ўтмай каптарлар кичкинагина тўртбурчак туйнукдан гумбаз ичкарасига йўл олишди. Энг охири бўз каптарча туйнукдан кириб кетди.

Чинкаптар ёлғиз ўзи қолди...

У ҳамон жойидан қимирламас, худди афсун қилингандек тўртбурчак қоп-қора туйнукдан кўз узмас эди.

Фақат қоронғилик қуюқлашиб, ёмғир томчилай бошлагандан кейингина жойидан кўзғалиб туйнукнинг оғзига келиб қўнди.

Гумбаз ичида каптарлар шовқин солиб ғув-ғувлашар, қаноти билан бир-бирини тарсиллатиб уришарди.

Чинкаптар секингина ичкарига кириб, тўсиннинг бир бурчагига бориб текилди.

Бу ерда яқиндагина ин қурилган экан, қотиб қолган тезаклар остидан буғдой поялари билан ингичка новдалар туртиб чиқиб турарди.

Чинкаптар тўсинга ёпишганча мудрай бошлади. Аллақачон қоронғу тушган, лекин каптарлар ҳали ҳам тиниб-тинчимас, жой талашиб уришишарди.

Баҳорги кураш чоғидаёқ кучга тўлган қари каптарлар гумбаз остидаги майдонни бўлиб олишган эди. Ҳар бир

қарич жой шафқатсиз жангу жадаллар билан эгаллангани учун хушёр туриб кўриқланарди.

Фақат тун чўккач, эҳтирослар сўниб, тўда тинчиди. Лекин ора-чора у ер-бу ерда яна ур-сур бошланиб, шикоят-томуз чийиллаш эшитилиб қоларди.

Бўз каптарчани уёқдан-буёққа сур-сур қилишарди. У тун қоронғусида энг қулай жойлардан қувилиб, таниш йўлдан яна қадрдон уяси томон сургалди.

Чинкаптар субҳи содиқда кўзини очиб, ёнида кеча-ги зўравон турганини кўрди. Улар бир-бирига тикилиб қолишди.

Бўз каптарча бошини буриб, ҳамроҳига бўйинини чўзди. Чинкаптар зарба тушишини кутиб, шумшайганча кўзларини юмиб олди. Бўз каптарча узун, ўткир тумшуги билан чинкаптарнинг бўйинини силаб кўйди. Чинкаптар ҳам шу тахлит жавоб қайтарди.

Уларнинг дўстлиги шундай бошланди.

Куи оҳиста ёришиб келарди. Туни билан зўрайиб кетган шамол гумбазнинг устига қопланган тунукага урилиб тарақлатар, гумбаз титраб, тўсинлар гирчиллар, ваҳимали гувиллаш эшитиларди. Намхуш қор учқунлари ора-чора ёмғир аралаш ичкарига ёпирилиб кирарди.

Каптарлар ташқарига чиқишга юраги дов бермай хурпайиб туришарди. Уларнинг кўпчилиги биринчи марта қор кўриши эди, шу боис кўрқувдан бир-бирининг пинжигга тикилиб олишди. Лекин кўп ўтмай кўрқув ҳиссини енгилга мажбур бўлишди.

Қари, кучли каптарларнинг иши доим ўнгидан келарди. Улар энг яхши жойларни эгаллаб олишар, дон-дуннинг сархилини қўлга киритишар, қўналгасига жигилдонини лик тўлдириб қайтишарди.

Еш каптарларнинг аҳволи оғирроқ эди: ҳамиша қорнини тўйгазишолмас, энди очлик қийнай бошлаган эди, нотаниш муздек оппоқ қор учқунларидан кўрқув ҳиссини енгил, озик излагани йўл олишди.

Қари каптарлар бамайлихотир уларнинг орқасидан эргашишди.

Гумбаз остида чинкаптар билан бўз каптарча иккаласигина қолди.

Чинкаптар икки кундан бери ҳеч нарса емаган, энди очликдан тинкаси қурий бошлаган эди. Шу пайтгача у сира ҳам овқат ташвишини қилмаган, ҳамиша емхонада дон-дун бўларди. Борди-ю, онда-сонда ҳеч вақо солиномаса-да, ерда-

ги куму қипиқ орасидан истаганча дон топиш мумкин эди.

У энди гумбаз остида бечораҳоллик билан изғиб юрар, бироқ қотиб қолган тезағу патдан бўлак ҳеч нарса тополмади.

Бўз қаптарча туйнуқ огзида янги шеригига ҳайрат билан тикилиб, ёнига келишини сабр-тоқат билан кутиб турарди.

Ҳеч нарса тополмаган чинқаптар унинг ёнига келиб кўнди, лекин бўз қаптарча ҳамроҳини орқасидан эргашишга ундаётгандек қанотларини ёзди-да, пастга қараб учди.

Юзлаб қаптар қамоқхона ҳовлисига ёйилиб, дарчалар тагида изғишар, муздек, суюқ лойни кечиб, бир-бирининг орқасидан қувишар, кўпроқ еб олишга интилишар, ҳар битта ушоқ учун жон-жаҳдлари билан курашишарди.

Бир нечта қари қаптар тўдадан кўз узмай уёқдан-буёққа бориб келарди.

Агар биронтаси қаттароқ увоқ топиб олса-ю, ютиб улгуролмаса, бошқалари омадли қаптарга кузгундек ташланиб, қанотлари билан тасира-тусир урар, гангитиб ўлжасини тортиб олишарди.

Айниқса, семиз кўк қаптар ҳаддидан ошиб кутурарди.

Бўз қаптарча ўзини тўппа-тўғри тўдага урди. Шу заҳоти чекка-чеккадан олатасир ёғилган калтак остида қолиб кетди. У ҳаммадан кейин тухумдан чиққан, тўдадаги энг кучсиз қаптар бўлгани учун турткиланавериб пишиб кетган, ҳозир муттасил тўйиб овқат емаганидан бирданига жазаваси тугиб, калтакларни писанд қилмай қўйди. Чинқаптар уришаётганларни кўрка-писа кузатиб бир четда турар, уларга яқин келишга юраги дов бермасди.

Чинқаптар эҳтиёткорлик билан уч-тўрт қадам ташлади-ю, бир парча нонга кўзи тушди. Ён-верида биронта қаптар бўлмаса-да, у қанотларини ёйиб, нонга чанг солди ва зўр бериб чўқилай бошлади.

Нон ҳали ивиб улгурмагани учун ушалиши қийин бўлди.

Кўк қаптар тўдадан кўз узмасди. Чинқаптар нон топганини у дарров пайқади, шу заҳоти чопиб келди-да, кучининг борича унинг бошини чўқиди. Бироқ очлик оғриқдан устун келди. Чинқаптар нонни ташламади. Калтакка чап беришга уриларкан, нонни бутунича ютиб юбормоқчи бўлди. Бироқ нон уёққа ҳам, буёққа ҳам юрмай, томогига тикилиб қолди.

Кўк қаптар уни қаноти билан қулочкашлаб урди. Таяна-диган думидан айрилган чинқаптар ўзини тутолмай бир ёнбоши билан ифлос балчиққа қулаб тушди. Кўк қаптар шунда ҳам уни аямай ураверди. Чинқаптарнинг бўғзида

туриб қолган нон отилиб чиқди. Лойга беланиб, эзилиб кетган чинкаптар қочиб қолишга шошилди.

Рутубатли кунларда қамоқхонада кишининг юраги қон бўлиб кетарди. Дарчанинг кўпдан бери сув тегмаган, ювуқсиз ойнасидан нур тушмасди ҳисоб. Махбус хонада мақсадсиз айланди-да, дағал курсига келиб ўтирди. Бир оз қулоқ солиб тургач, дарров столга бошини қўйди. Одамнинг саси келди. Махбус шу заҳоти бошини кўтарди. Катта, қоп-қора кўз унга киприк қоқмай тикилиб турарди.

Махбус оғзини катта очиб эснади, ўгирилиб деворни астойдил томоша қила бошлади, бироқ сабри чидамай, эшикка ўгринча қаради-ю, нигоҳи яна бақрайиб турган кўзга дуч келди.

Махбуснинг қошлари чимирилди, бутунлай эшик томонга ўгирилиб, тирқишга қадалиб тикилди. Баҳс бир дақиқа давом этди, кейин киприк қоқилиб, катта темир қовоқ секин юмилди.

Махбус кулиб қўйди, ўрнидан туриб, дарча олдига келди.

Ташқарида эса қор аралаш ёмғир ёғарди.

Ҳаво очиқ кунларида дарчадан Дарёбўйидаги уйлар кўриниб турарди, лекин бугун завод биносини ҳам илғаш маҳол.

Туман, ёмғиру қордан бўлак ҳеч нарса кўринмайди.

Ора-чора орқада қолиб, тўдасига ошиққан каптарлар лип этиб ўтади-ю, туман қаърига сингиб кетади.

Уёқда, қамоқхона деворининг нарёғида, завод биноларининг орқасида таниш кўчалар, кадрдон уйлар, ардоқли чехралар бор.

Ялангликнинг чеккасида тоб ташлаган ёғоч уйча бир томонга оғиб турибди. Баҳайбат, қари самбиттолнинг узун шоҳлари уйчани ўраб-чирмаб, ушлаб турганга ўхшайди.

Уйнинг орқасида кичкинагина ғиштин омбор жойлашган. Омбор занглаган кастрюль, калитлар шодаси, велосипед насоси, примусга ўхшаш ҳар хил қақир-қуқирларга тўлиб кетган, бурчакка дастгоҳ ўрнатилган — бу слесарлик устахонаси.

Устахонада одам тирбанд. Уларнинг орасидаги устахона эгаси Воробушкин бу эски-тускиларни тузатиш билан машғул. Озгин, ҳаддан ташқари найнов бу одамнинг калта қирқилган сочлари оқариб кетган, бирон мўйи ҳам қилт этмайдиган юзини чуқур-чуқур ажинлар тилимлаб ташлаган. Катта, бесўнақай бурни, юзининг чандиқ хунуқлаштириб турган қисми, чақчайган қора кўзлари унга қаҳрли тус берарди. Бундай башара болаларни кўркитиш учун

атай яратилганга ўхшар, бироқ Дарёбўйининг ҳамма болалари устахонада ўралашар, худди ўз уйидагидек бемалол кўнгли тусаган ишни қилишарди.

Маҳбус ўша болаларнинг орасида ўгли Митька ҳам борлигини биларди. У кўзларини юмганча ўглини тасаввур этишга уринар, лекин негадир унинг сурати айқаш-уйқаш бўлиб, бурни, сочлари, кулиши алоҳида-алоҳида кўз олдига келар, бор бўйи рўй-рост намоён бўлмасди.

Маҳбус чимирилганча хотирага зўр берар, бироқ кўз олдига томига каптархона кўндирилган устахонадан бошқа ҳеч нарса келмасди.

У афсус билан кўзларини очди. Туман янада куюқлашган, қор тезлашиб баттар зулмат босган, ҳатто икки кадам наридаги туртиб чиққан деворни зўрға илғаш маҳол эди.

Дераза раҳида зотию рангини билиб бўлмайдиган бир куш деворга тиқилиб турибди.

Куш бошини ичига тортганча ғужанак бўлиб олган эди. Маҳбус диққат билан тиқилиб, унинг каптарлигини билди.

«Нега бунчалик кичкина?»— ажабланиб хаёлидан кечирди маҳбус. Дераза раҳига яна бир каптар келиб қўнди. Биринчи каптар ўгирилганда маҳбус унинг думи чўлтоқлигини кўрди ва беихтиёр сувда оқиб кетган узун, оппоқ патлар кўз олдига келди. Маҳбус бир бўлак суви қочган нонни олиб, майдалади-да, дарчадан дераза раҳига ташлади. Одамнинг кўлига биринчи бўлиб кўзи тушган ёввойи каптар пештоқнинг нариги чеккасига учиб кетди.

Чинкаптар қўлдан еб ўргангани учун бўйинини чўзиб, бармоқларнинг ҳаракатини диққат билан кузатди.

Ҳали дарча ёпилиб улгурмай чинкаптар ноннинг катта-катта бўлакларини танлаб, шоша-пиша ея бошлади. Бўз каптарча яқин келишга анчагача журъат этмади. У бир чеккада тураркан, қари каптарларга тақлидан шеригини хушёрликка ундаб ғув-ғувлади. Ниҳоят тоқати тоқ бўлиб, учиб келди-да, дераза раҳининг энг четига қўнди, нон увоқларидан кўз узмай қотиб қолди.

Чинкаптар нонни еб бўлгач, маҳбус яна дарчани очиб, увоқ ташлади. Чинкаптар учиб кетмади, бор-йўғи сал нарироқ сурилди-да, дарчанинг қайтадан ёпилишини кутмасданок нонларни ея бошлади.

Энди унчалик ҳовликмай, хотиржам донларди. Бўз каптарча ҳали ҳам жойидан жилмас, кўрқув ҳиссини енголмай қийналарди. Ниҳоят очлик голиб келгач, жойидан қўзғалди, ўгринча келиб бир бўлак нонни чўқилади-ю, шоша-пиша

орқасига тисарилди. Қушларнинг нафси ором олиш учун маҳбус яна бир неча бор нон майдалаб берди.

Биринчи бўлиб чинкаптар учиб кетди.

Маҳбуснинг уйқуси қочди; тор каравотда уёқдан-буёққа ағдарилиб, ухлаб қолишга уринар, бироқ кўзи илинай демасди.

Рўёбга чиқмаса ҳам умиднинг бори яхши. У одамнинг фикр-ёдини банд этади, юрагини орзиқтиради, бир неча лаҳза бўлса-да, хаёлан қамоқдан ташқарига олиб чиқади.

Каптар хаёлидан нари кетмай қолди. Маҳбус бу Воробушкиннинг каптари эканлигига ўзини ишонтирди, фикран ғаройиб бир манзарани — каптарнинг очиқ дарчадан хонага киришини кўз олдига келтирди.

Маҳбус уни каравотнинг бурчагига яшириб, нон билан боқади. Кейини қуёш чарақлаб чиккан куниёқ қўйиб юборади.

Чинкаптар оппоқ қанотларини чақнатиб, юксак-юксакка парвоз қилади. Бекорчи каптарбозлар уни кўриб, каптарларини учиришарди.

Бироқ чинкаптар ўз уясига қараб парвоз этади, қанотларини йиққанча тўппа-тўғри устахона томига бориб қўнади. Унинг қаноти остида бор-йўғи бир нечта сўз билан сотқиннинг исми ёзилган кичкинагина хат бўлади.

Ширин хаёлни тўхтатиш маҳол. Маҳбус қамоқхона билан эркинлик ўртасида алоқа ўрнатилганини, икки томон ҳам бир хилда ҳаёт кечиришини аниқ тасаввур этади.

Кичкинагина оқ қуш ҳар куни дераза раҳига учиб келиб, яна каптархонага қайтиб кетади.

Қалин деворлар, улкан бинолар, пишиқ панжаралар қуришдан ҳеч қандай маъно қолмайди.

Маҳбус ҳаловатини йўқотди. Эшикка кўз ташлагач, туриб ўтирди.

Унинг кўриниши ёш, кўкиш кўзлари чақнайди, қоп-қора, жингалак соқоли худди ёпиштириб қўйилгандек ясама туюлади.

Маҳбус сувоғи кўчган сарғиш деворга тикилганча бош ирғаб кулимсирайди, хўмрайган, сипчков кўз эшикка ёпишиб, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини кузатаётганини сезмайди. ҳам. Кейин сип-силлик эшикда худди кемшик оғизга ўхшаш ёриқ пайдо бўлади, гапиришни унутиб қўйилгандек бўғиқ овоз: «Ухла!» — деб буюргач, ёриқ йўқолади.

Маҳбус чўчиб, шартта эшик томонга ўгирилади. Юзи қаримсиқ тус олиб, совуқлашиб, заҳар босади. Худди

хозир ирғиб ўринидан туриб, эшикни муштлайдиганга ўхшайди...

Бироқ эшик орқасидан бирон сас-садо, умуман, ҳаёт асари эшитилмас, фақатгина катта кўз маҳбусга киприк қоқмай тикилиб турарди.

Туйнукнинг ойнасига нур тушиб тургани учун назоратчининг кўзи худди мушукникидек йилтираб кўринарди.

Маҳбус тескари ўгирилиб, истар-истамас ўрнига чўзилди.

Туришга буйруқ берилишидан сал олдин унинг кўзи илинди. Маҳбусларни ҳали тонг ёришмасидан турғизишарди. Туни бўйи киприк қоқмагани учун маҳбуснинг боши гувиллар, худди ўчакишгандек, қўшни хонада ниманидир тақиллатишар, зўр бериб миҳ қоқишарди.

Болғанинг ҳар бир зарбидан маҳбуснинг бош оғриғи баттар зўрайиб, афти бужмаярди.

Тонг ёришгач, сайрга олиб чиқишди. Қамокхонанинг торғина кунжагидаги ярим соатлик сайр кўз очиб юмгунча ўтиб кетарди. Лекин маҳбус бугун сайр тугадини бетоқатланиб кутди.

Қамокхона ҳовлисига каптарлар тўда-тўда бўлиб қўна бошлади.

Чинкаптар яна келиши, бироқ уни кутмасданоқ учиб кетиши мумкин.

Маҳбус ўз хонасига киргач, қандай ўзгариш юз берганини дафъатан англай олмади. Ўзини босинқираётгандек ҳис этди. Кейин болғаларнинг тақиллаши ёдига тушди-ю, ҳамма нарса аён бўлди-кўйди. У сайр этиб юрганида яна бир кават дераза кўйишган, дарчани олиб ташлаб, ўрнига маҳсус ҳаво ўтказгич маҳкамлаб ўрнатилган эди.

Бошига шапка, эгнига халат кийган маҳбус ҳаво ўтказгичга тикилганча эшик олдида серрайиб колди. Яна болға тақиллай бошлади, бироқ энди бу овоз қарама-қарши томондаги хонадан келарди.

Маҳбуснинг қўллари мушт бўлиб тугилди, бақириб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлади.

Болғанинг тақиллаши тинди, бир оздан кейин яна бошланди, борган сари узоқлашиб, секин-секин эшитилди. Ҳамма хоналарнинг деразасини қўшқават қилиб чиқишаётган эди.

Деворга тушган баҳайбат соя унинг хаёлини бўлди. Маҳбус хона ичига бир қур қараб чиққач, дераза раҳида думи чўлтоқ, исқирт каптар қоп-қора кўзларини чақчайтириб тикилиб турганини кўрди. Маҳбус ён-верига аланглади, қўлга илингудек ҳеч нарса тополмагач, бошидан дума-

лоқ шапкасини юлқиб олди-да, кучининг борича ойнага қараб отди. Кейин букчайганича ранги бўздек оқариб, ҳозиргина каптар қўниб турган жойга маъносиз тикилди. Бирдан йўтал хуруж қилди-ю, юзини кафтлари орасига яширди.

Чинкаптар шапканинг ойнага урилишидан ҳуркиб, ҳовлининг нариги чеккасига учиб борди-да, пештоққа кўнди.

Ҳовлидаги деразалар тагида каптарлар изғиб юришарди. Кечаги ур-сурдан кейин чинкаптарнинг тўдага қўшилишга юраги дов бермади. У бошини солинтирганча шовқин-сурону шафқатсиз олишувни узоқ кузатиб турди. Кейин париллаб юқорига кўтарилди-да, бутнинг тепасига бориб кўнди.

Ёмғир тинган, лекин осмонни ҳали ҳам қуюқ булут коплаб турарди.

Дарёбўйидан эсаётган шамол худди думи йўк, чўлтоқ каптарни юлиб олиб, ерга отиб уришга қасд қилгандек борган сари кучаярди.

Шамол бир неча марта каптарни ёнбошига оғдириб юборди, бироқ у қанотларини силкитганча ўзини ўнглаб олди-да, қилт этмай тураверди.

Кечки пайт булутлар сийраклашиб, юқорига ўрлай бошлади. Хира тортиб, ҳали ўзига келолмаган қуёш йилт этди. Унинг ёнлаб тушаётган тафтсиз нури шипшийдон дарахтларнинг учини, Дарёбўйидаги уйларнинг пастак томларини бир қур сийпалаб яна кўздан ғойиб бўлди.

Чинкаптар нотинчланди. Худди темир оёғини музлатаётгандек безовталаниб, типирчилай бошлади, кейин бутдан нари кетишга аҳд қилди шекилли, олдинга талпинди.

У бир неча бор қанот қоқиб, дарё бўйига етиб олди, бироқ кучли шамол орқага итқитиб юборди. Рўпарадан эсаётган шамол қушни уёқдан-буёққа отар, бироқ чинкаптар бўш келмай аста-секин олдинга силжирди.

Рўпарадаги қиргоққа яқинлашгани сайин қанот қоқиши тезлашиб, силтовларининг кучи қирқилди. Чинкаптар толиқиб, ҳолдан кета бошлади.

Шамол астойдил қаршилиқ кўрсатгани учун ундан қасд олаётганга ўхшар, каптарнинг қанотларини қайириб, чўктириб юбормоқчидек чирпирак қилиб учирарди.

Думи чўлтоқ, қанотлари лойга беланган каптар худди чағалайга ўхшаб кўринарди.

У ҳатто чағалайдек тепадан пастга шўнғиб учарди ҳам. Янги ҳаво тўлқини ён томондан урилиб, бир четга суриб, орқага улоқтириб юборди.

Чинкаптар тақдирга тан бериб, ортиқ курашмай қўйди,



сўнги кучини тўплаб сувга қулаб тушмаслик учун шамол йўналиши бўйлаб жон-жаҳди билан уча бошлади.

Шамол уни шу қадар чирпирак қилиб ташладики, ҳатто қанотлари сувга урилиб кетди, кейин юқорига кўтариб, қирғоққа отди, баланд, сертупроқ жарга парчинлаб ташлади.

Чинкаптар йўғон илдизга маҳкам ёпишганча узоқ дам олди, кейин камарлардан юриб, юқорига чикди-да, черков томонга йўргалади, фақат бинога етишига оз қолганда ердан кўтарилишга журъат этди.

Ивиб, лойга беланиб, ҳолдан тойган каптар ниҳоят гумбаз остига етиб олди.

Эртасига дераза олдига келган маҳбуснинг яна каптарга кўзи тушди. У янада ҳорғин, бечораҳол кўринарди.

Патларидаги эски қорамтир доғлардан ташқари қизғиш лой юки пайдо бўлган эди.

Каптар учун кеча тайёрлаб қўйилган нон ушоқлари ҳали ҳам дераза тоқчасида ётарди. Маҳбус иккинчи тавақанинг дарчасини очиб, нонларни ҳаво ўтказгич оралиғидан туртиб чиқара бошлади.

Нонни кўрган чинкаптар дераза олдига учиб келди.

Маҳбус худди гуноҳини ювмоқчи бўлгандек каптар тўйгунча нон берди.

Шу лаҳзадан бошлаб каптар ҳар куни эрталаб ва кечкурун дераза олдига учиб келадиган бўлди.

Ҳаво ўтказгичнинг тор оралиғидан нон бўлақларини фақат битта-биттадан ташлаш мумкин эди.

Тез орада каптар шу қадар довиюрак бўлиб кетдики, ҳатто маҳбус нонни узатишини кутмасданоқ ҳаво ўтказгич оралиғига тумшуғини тикиб, емишни ўзи олиб қўя қоларди. Маҳбус тумшуғидан ушлаб олганда ҳам ҳуркмас, фақат норозилик билан бошини силкитарди, холос.

Куз кунларининг бирида ҳовлида айланиб юрганида қамоқхона орқасида кимдир қўнғирокдек овоз билан ашула айтди:

«Трансваль! Трансваль! Ватаним менинг.

Сен ҳамон ўт ичида ёнурсан».

Овознинг тиниқлигига қараганда қўшиқни қиз бола айтаётганга ўхшарди.

Қизчанинг овози озодликни, ўғлини яна ёдига солди, кўпдан бери боланинг исини олмаган, овозини, қўшиғини эшитмаган маҳбус пошнасини тақиллатмай оҳиста юриб ашулага қулоқ солишга уринарди.

Тўсатдан яна бир ижрочининг овози эшитилди. Кимдир ҳуштак чалиб, хонандага жўр бўларди.

Маҳбус сайр пайтида тўхташ қатъиян ман этилганини унутиб, турган жойида қотиб қолди.

У бунчалик ёқимли ҳуштак овозини сира эшитган эмас.

Одам боласи шундай ҳуштак чалиши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Худди юксак-юксакда парвоз этаётган ажиб бир куш кўшиқнинг куйини билиб олиб, уни ҳайратомуз, тиниқ оҳанглар билан шу қадар бойитиб юборган эдики, нафасини ичига ютиб тинглагиси, тинглайвергиси келарди кишининг.

*Тўнғич ўғлим оқсоч мўйсафид,  
Аллақачон ўлди жангда.  
Кенжам эса ўн уч ёшида  
Талабгор бўлди жангга,—*

дея нола қиларди қизалоқ, сўнг ҳуштак жўрлигида авжга чиқарди. Бу кўшиқда беадад инсоний ғусса ҳамда чинакам эҳтирос мужассам эди.

Маҳбус кўшиқ тугагандагина бир жойда тўхтаб турганини сизди ва шошиб назоратчига юзланди.

Қамоқхонадаги узоқ йиллик хизмати мобайнида юзида биронта инсонийлик нишонаси қолмаган назоратчи оғзини очиб ўтирар, маҳбусни ҳам, хизматини ҳам унутиб, бир нуқтага тикилганча ўйчан кулимсирарди.

Ўшандан буён бу кўшиқ маҳбуснинг миясига куйилиб қолди. У ашуланинг сўзларини билмас, хонанинг у бурчагидан бунисига юраркан, ёд бўлиб қолган куйни ҳуштакда тўхтовсиз чаларди.

Орадан бир неча кун ўтса-да, кўшиқ ҳамон қулоқлари остида жаранглаб турар, муттасил таъқиб этишини қўймасди.

Хонада ҳуштак чалиш ман этилган эди.

Назоратчилар уни карцер<sup>1</sup>га текиб қўйишларини айтиб, пўписа қилишса ҳам у ҳуштак чалишини қўймади. Кўп ўтмай бу куйни чалиш унинг одатига айланди, маҳбус эшитилар-эшитилмас ҳуштак чалишни ўрганиб олди. Назоратчилар ҳам уни ўз ҳолига қўйишди.

Бир куни ҳуштак чалиб туриб, каптарга нон бераётганда куш унинг куйини тинглаётгандек туюлди. Кўнглига каптарни фақат шу куйни чалиб туриб донлашга ўргатиш керак, деган ўй келди.

Шундан кейин маҳбус каптарга нон бераётганда албатта «Трансвал»ни чалишни қанда қилмайдиган бўлди.

<sup>1</sup> Карцер — бир кишилик шароити оғир қамоқхона.

Агар каптар хуштак овози эшитилмай туриб ичкарига тумшуғини тикса, маҳбус уни жазолар, тумшуғидан тутиб олиб, панжаранинг орқасида бўйни чўзилганча қимир этмай туришга мажбур қиларди. Тез орада чинкаптар эҳтиёткорликни ўрганиб, худа-бехуда ёриқдан тумшуғини суқмайдиган бўлди.

Энди мабодо бошқа хонага ўтказиб юборишса ҳам, маҳбус уни бемалол чақириб олишига амин эди.

Чинкаптар тез эт қўя бошлади. Дераза олдига учиб келгач, энди илгаригидек шумшайиб турмас, балки патларини тозалаб ўзига оро берар, ён-верига вақтихушлик билан кўз ташларди.

Деярли ҳар кун бўз каптарча ҳам у билан бирга учиб келарди.

Қушларнинг дўстлиги маҳбусга қаттиқ таъсир қилиб, қизиқтириб қўйган эди. Маҳбус иккинчи каптарни ҳам унчамунча боқар, бироқ уни ўзига ўргатиш мушкул эди — бўз каптарча ҳаво ўтказгичга яқин келмас, фақат чинкаптарнинг қорни тўйганидан кейингина унга ҳам бир нечта нон бўлаги тегиб қоларди.

Чинкаптар гумбаз остида яшарди. У ўзининг бурчакдаги жойига ўрганиб қолди, лекин ҳали ҳам тўдага қўшилиб кетолмас, ўзини четга олиб юрарди.

Ҳаво очиқ кунлари уйқу олдидан каптарлар томга йиғилганида у бир четга ўтиб турарди. Қорни тўйгач, у ҳеч қачон тўппа-тўғри гумбазга қараб учмас, олдин тўдага бориб қўшилар, каптарлар қўналгага йўл олганидан кейингина орқаларидан эргашарди.

Энди у ҳам худди ёввойи каптарлардек энг қисқа йўлларни танлаб, шундоққина томлар тепасидан пастлаб учарди. Аллақачон думи ўсиб, учиш осонлашган бўлса-да, у ҳали бирон марта кўкка парвоз этгани йўқ. Дарёдан ошиб ўтиш пайтидаги хатарли парвоздан кейин у ўзига ишончини йўқотган, чинкаптарлигини унутиб қўйганга ўхшарди.

Қиш қаттиқ келди; дам-бадам қор кўчиб, бўрон турарди. Каптарларнинг ҳоли танг бўлиб қолди. Ҳатто кўпни кўрган, қари каптарлар ҳам камдан-кам дон топиб ейишарди. Навқирон ва ожиз каптарлар бутунлай оч қолиб кетишди. Тўда сийраклаша бошлади.

Фақат чинкаптар муҳтожлик нималигини билмасди. Унинг кундалик озиғи тайин эди.

Бўз каптарча ҳам бошқаларга қараганда фаровон кун кечирарди. Очлик уни ҳаво ўтказгичга яқин келишга мажбур қилди, ичкаридаги шарпалардан унчалик чўчимай қўйди.

Улғайиб, кучга тўлган каптарча энди расмана каптарга айланди. Кулранг патлари товланиб, бўйни ва қанотларида ёрқин, яшил патлар ўсиб чиқди.

Энди истаган каптар унга бемалол озор бераверадиган кунлар бутунлай орқада қолди.

Қатто бир куни тўдадаги энг уришқоқ оқ қанот каптарга жавоб қайтаришга журъат этди.

Хаммадан олдин тухумдан чиқиб, ёзи билан кучга тўлган оқ қанот барчага зўравонлик қилар, ундан қатто баъзи бир кўпни кўрган каптарлар ҳам чўчишарди.

Орадан бир ярим ой ўтди. Чинкаптар одатдагидек дераза раҳида ўтириб, емиш берилишини кутарди. Ҳаво ўтказгичнинг ёриғида нон увоғи кўринса-да, ичкаридан секин чалинган, элас-элас хуштак овози эшитилмагунча жойидан қимирламади.

Куй янграши билан чинкаптар ёриққа тумшуғини тикиб, нонни илиб олди. Унинг ёнида турган бўз каптар қачон ўзига навбат келишини кутиб, шеригининг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатарди.

Чинкаптар бирдан ютиб юборолмайдиган каттароқ бўлак чиқиб қолса, нонни дераза раҳида уриб майдалар, бўз каптар атрофга сочилиб кетган увоқларни териб ерди.

Зиёфат айни қизиган пайтда кўк каптар учиб келди-ю, дарров жангга киришди.

Чинкаптар билан шериги қалтак тушишини кутмасданок дераза тоқчасини жангсиз бўшатиб беришди. Кўк каптар учиб бориб, чинкаптарнинг оғзидаги қатта нонни юлиб олди-да, ямламасданок ютиб юборди. Маҳбус уни ҳайдаш учун қўл силтади, бироқ кўк каптар кўпни кўрган, панжара орқасидаги одамлардан хуркмай кўйган эди. У безбетлик билан кўзларини чақчайтириб турарди. Бўз каптар уни бир оз кузатиб тургач, тўдага бориб қўшилди.

Чинкаптар жойидан жилмади. У овқатланишни истар, шу боис кўк каптар дераза раҳини бўшатишини кутарди. Лекин кўк каптар ҳам учиб кетишни хоҳламас, у ҳам овқат берилишини пойларди.

Маҳбус қақирилмаган қўноқни учуриб юборолмаслигига кўзи етгач, унга «пора беришга» қарор қилиб, дераза раҳидаги чинкаптарга тайёрлаб қўйган нонни ташқарига битта-битталаб ташлай бошлади.

Кўк каптар ялинтириб ўтирмади, у нон бўлақларини илиб олиб, дам олмай лиққа-лиққа ютарди. Бир зумда жиғилдони бўртиб чиқди, маҳбуснинг майдалаб қўйган нони тугади.

Кўк каптар ҳаво ўтказгич олдида туриб, яна овқат бери-

лишини талаб қиларди. Маҳбус нон майдалашга киришди. Каптарни тезроқ тўйдириш учун нонни катта-катта ушатди.

Каптар нонни ортиқча қийинчиликсиз, худди бир йилдан бери оч юргандек иштиёқ билан ерди. Ушатилган нон тугади. Ҳаво ўтказгичнинг ёригидан кирган совуқдан маҳбуснинг қўли қотиб қолди, бироқ каптар ҳали ҳам тўйдим демасди. Нон бўлақлари энди томоғидан осонгина лиқ этиб эмас, балки секин, қийналиб, тўхтаб-тўхтаб ўтарди. Каптар ҳаддан ташқари зўриққанидан гарданидаги патлари тиккайиб кетса-да, бир амаллаб нонни ютарди-ю, яна тумшугини чўзарди.

Унинг жони азобда бўлса-да, охириги бўлак нон томоғига тикилиб қолмагунча инсофга келмади. Каптар бўғзидаги нонни қайтариб ташлаб, лапанглаганча нари кетди, дераза раҳининг у четига бориб қўнқайди.

Маҳбус аламидан инграб юборди. У деразани тақиллатар, қўлларини, шапкасини силкитар, бироқ каптар қанотларини ёйганча ичкаридаги одамнинг хатти-ҳаракатларига парво қилмас, еганларини ҳазм қилиш билан овора эди.

Кўк каптар умрида биринчи марта шундай маишат қилган бўлса керакки, энди гоёят мамнунлигини, бу меҳмондўст маскан унга маъқул келганини намоиш этмоқчидек ёнвериға виқорли боқарди.

Рўпара томондаги пештоқдан оч қолган чинкаптар мўлтираб турарди.

Маҳбус аламидан бурнини тишлагудек бўлар, каптарларга қарамасликка уриниб хонада уёқдан-буёққа юрарди. Орадан бир соат ўтиб, у каптарни хаёлидан чиқариб юборган бир пайтда дераза тақиллади. Маҳбус чўчиб ўгирилди. Кўк каптар ҳаво ўтказгич олдида турар, яқиндагина нон узатилган ёриққа ажабланиб тикилганича, худди кўзларига ишонгиси келмаётгандек ора-чора тумшуги билан панжарани тақиллатиб қўярди.

Шу кундан эътиборан кўк каптар бу деразани ўзининг хусусий мулкига айлангириб олди.

Гарчанд ўшандан кейин каптар бу ердан бирон нарса топиб емаган бўлса-да, яқиндаги зиёфатнинг хумори тутар, кунига бир неча бор дераза раҳига учиб келишини қанда қилмасди. Тўдага қўшилиб ховлида изғиб юрган пайтида ҳам у деразани кўздан қочирмас, чинкаптар ҳаво ўтказгич олдиға яқинлашиши билан ғазабға миниб унинг ёниға учиб келарди.

Маҳбус бу каптарни худди азалий ғанимидек ёмон кўрар, бироқ қўлидан ҳеч нарса келмасди. Чинкаптарнинг ҳоли танг бўлиб қолди. Очликдан силласи қурий бошлади. Онда-

сонда маҳбуснинг қўлидан олган увоклар унга юк ҳам бўлмасди.

Очлик уни яна тўдага қўшилишга мажбур қилди. Аста-секин у ҳам шеригининг тумшуғи тагидаги донни тортиб олишни ўрганди. Чинкаптар тўдадагиларнинг орасида энг кўримсиз эди, лекин унинг қанотлари кенг бўлиб, тез орада кўпчилик унинг зарбасини тотиб кўрди. Бора-бора у ёввойи каптарларнинг ҳамма хулқ-атворларини ўрганиб, тўдага элакишиб кетди.

Қиш оёқлаб, қуёш деярли ҳар куни деразадан мўралай бошлади. Кўм-кўк юксак осмонда оппоқ парку булутлар сузиб юрар, дераза ортида қушлар тез-тез парвоз этишарди.

Қаердандир хонага кириб қолган пашша эртадан кечгача ўзини ойнага уриб жони ҳалак.

Дераза орқасидан кўк каптар худди оғир ётган бемордек чўзиб-чўзиб, қаттиқ ихрагани эшитиларди. Унинг ёнига худди ўзига ўхшаш семиз, кўкиш мода каптар учиб келди. Нар бирдан жонланиб, бошини ҳаволатганча кўксини шишириб унинг орқасидан эргашди.

Энди гумбаз остида кеча-кундуз шовқин-сурон тинмай қолди. Қанотларнинг тарсиллаб урилиши, қисқа-қисқа, зардали гувиллаш муттасил эшитилиб турарди.

Қишни бирга тинчгина ўтказган каптарлар бирданига ақлдан озганга ўхшар, бир-бирига ташланиб, қанотлари билан уришар, патларини юлишарди. Қиши билан тинчиб қолган жой жанжали қайтадан авж олиб кетди.

Гумбаз ости торлик қилиб, жойлар қайтадан бўлина бошлади. Уя қуриш мумкин бўлган ҳар бир бурчак жангу жадал билан эгалланар ва куни бўйи бир неча бор у жуфтдан бунисига ўтиб турарди. Гарчанд қиши билан сийраклашиб қолган бўлса-да, гумбаз остида каптарларнинг ярмига жой топилмади.

Чинкаптар билан бўз каптар иккови ўз уяларини муҳофаза қилиб, барча хуружлардан даҳлсиз сақлашди.

Маҳбус кечаси шовқин-сурондан уйғониб кетди. Қамок-хонанинг пойдевори нураб, қулаб тушаётгандек туюларди.

Эрталаб у оёқ учиди туриб, дарёга кўз ташлади. Дарё худди икки қирғоқ ўртасига тикилиб қолган баҳайбат маҳлукка ўхшар, энди чуқур жардан чиқиб кетишга йўл ахтарар, тангачаларини шитирлатиб, оҳиста олдинга силжирди.

Маҳбус дарёга қараб турган пайтда дераза раҳига чинкаптар келиб кўнди.

Қиш бўйи у бутунлай ўзгариб кетибди. Ювиб таралган патлари худди қордек йилтирар, бўйни кумушдек товларди. Орқасига тўлиб турган узун қанотларининг учи ўсиб кетган кенг қуйруғига келиб туташган эди.

Кўк каптар йўғидан фойдаланиб маҳбус уни тезроқ бокмоқчи бўлди.

Чинкаптар ҳам шошилар, маҳбуснинг қўлидан нонларни тортиб оларди.

Улар ўз ишига шу қадар берилиб кетишдики, ҳатто рақиб учиб келганини сезмай қолишди. Кўк каптар пастлаб улгурмасданок чинкаптарга ташланди. Чинкаптар ўзини ҳимоя қилишга уриди-ю, бироқ рақиб эс-ҳушини йиғиштириб олишига имкон бермай узун, қаттиқ, худди миҳдек ўткир тумшуғи билан чўкилар, патларини юларди, кейин гарданидан тишлаб олди-да, дераза раҳининг нариги чеккасига судраб кетди.

Маҳбус қўлларини силкитар, деразани тақиллатар, бироқ арзандасининг жонига ора киролмасди.

Кўк каптар рақибини дераза раҳининг нариги чеккасигача судраб боргач, пастга қараб итқитди, унинг тумшуғида чинкаптарнинг бир тутам пати қолди. Оғзи патга тўла кўк каптар маҳбусга нафрат тўла кўзларини қадаганча кибр билан гердайиб ўтди.

Тўсатдан яна дераза раҳига чинкаптар келиб кўнди. У рақибини қурашга даъват этиб, жаҳл билан ғув-ғувларди. Ҳамон оғзидаги патларни ташламаган кўк каптар чинкаптарга ташланди. Лекин бу сафар чинкаптар уни ўзига яқин йўлатмади. Рақиб сал берироқ келгач, қанотини ёзиб, бошига тарсиллатиб урди. Кўк каптар бундай зарбани кутмаган шекилли, бошини сараклатганча орқасига тисарилди, кейин дарров ўзини ўнглаб олди-да, ёнига ўгирилиб қанотини ишга солди. Оқ билан кўк қанот тарсиллаб бир-бирига урилди. Бироқ энди чинкаптар рақибидан устун келди. Унинг қаноти ёввойи каптарникига қараганда бақувват, узун эди. Шу боис қаноти билан тўхтовсиз савалайверди. Узун, кенг қуйруғи орқадан суяб, пишанг вазифасини ўтарди. Кўк каптар аста-секин дераза олдидан чекина бошлади. Кўп ўтмай улар дераза раҳининг четига бориб қолишди, бироқ энди имтиёзлар алмашди. Чекинишнинг имкони қолмагач, кўк каптар жанг усулини ўзгартирди. Яна рақибига ташланиб, тумшуғини ишга солишга интилди.

Чинкаптар эса қуролини ўзгартирмай, ҳамон қаноти билан тарсиллатиб урарди.

Кўк каптар тикка бостириб келаверди. Ҳар бир зарбадан кейин у фақат бошини сараклатар, қахрабо тусли сарғиш

кўзлари газабдан қонга тўлиб кетган эди. Қадам-бақадам олдинга юраркан, у чинкаптарни рақибнинг нариги чеккасига суриб борди. Энди у қулай имкониятга эга бўлиб олди. Чинкаптар чекинадиган жой қолмаган, ўзини ҳимоя қилолмасди.

Кўк каптар олдинга ташланган эди, у пар этиб кўтарилиди-да, рақибининг устидан ошиб, бошқа томонга ўтиб кўнди. Кўк каптар не машаққат билан кўлга киритган имтиёздан маҳрум бўлди.

Чинкаптар яна бемалол орқага чекиниш имконига эга бўлди. Жанг қайтадан бошланди.

Чинкаптар орқага чекина туриб, ҳали толиқмаган қаноти билан рақибини савалайверди.

Кўк каптарнинг бир кўзи оқиб тушди. Лекин у шунда ҳам тикка бостириб бораверди.

Дераза рақибининг охиригача чекинганча, чинкаптар яна усулини ўзгартирди, рақибининг нариги томонига ўтиб, бошқа қанотини ишга солди. Кўк каптар ҳамон хужум қилар, бироқ энди сусткашлик билан ўзини калтақдан ҳимоя қилмай ҳаракатланарди. Йўлнинг ярмига етганда у тўсатдан бошини қаттиқ чайқаб, орқасига тисарилди, кейин тўхтаб, бечораҳоллик билан типирчилай бошлади.

Маҳбус унинг иккала кўзи оқиб тушганини, каптар бутунлай кўр бўлиб қолганини кўрди.

Чинкаптар рақибининг ёнига чопиб келди-да, гарданига ёпишди.

Жуссаси кичик оқ каптар, ўзидан катта рақибини дераза рақибининг четига судраб борди-да, пастга иткитиб юборди. Кейин думици ёйиб, томоғини шиширди-да, қаттиқ ғув-ғувлаганча анчагача уёқдан-буёқка юрди.

Маҳбус ҳам хонани айланиб чиқишга тайёр эди. У ғолибни бор-йўқ нарсаси билан сийлашни истарди. Бироқ чинкаптар ҳадеганда ўзини босиб ололмай, кам овқатланди. Баъзан нонни оғзига оларди-ю, ютишни унутиб, қаттиқ ғув-ғувлаганча айлана бошларди.

Маҳбуснинг таниш куйни чалиши ҳам фойда бермади. Каптар куйга кулоқ солмасди. У бошини кескин орқага ташлаб, худди модага хушторлик қилаётгандек кўксини олдинга чиқариб олди. Тўсатдан у ҳушёр тортиб, бўйинини чўзганча титраб кетди.

Дарёбўйи устида каптарлар тўдаси учиб юрарди. Оқ, сарғиш, чипор каптарлар кенг доира ясаб, безавол ўйнаганча яйраб парвоз этишарди.

Чинкаптар ўрндан кўзғалиб, қаттиқ қанот қоқди-да, кўздан гойиб бўлди.





Бу йил баҳор эрта келди. Бир ҳафтага қолмай қорлар эриб, йўллар селгиб қолди. Жануб томондан бир неча кунгача муттасил эсиб турган шамол дарёдаги музларни синдириб, булутларни шимол томонга суриб кетди.

Эрталаб кўтарилган куёш, худди баҳор эндигина яримлаганини унутиб қўйгандай ёздагидек қиздира бошлади. Куртаклари бўртган қайин, қоратол, самбиттолар худди пўстлоғи остига сув югуриб, гупуришга қулоқ солаётгандек тек қотиб туришарди.

Дарёнинг нариги пастак қирғоғидаги тол новдаларида худди семиз, сертук қуртга ўхшаш гул кўриниб, осонгина тўзиб кетувчи сарғиш чанг билан қопланди. Уйларнинг бўғотларида чумчуқлар чиркирай бошлади. Ҳали селгиб улгурмаган кўчаларда товугу хўрозлар донлаб юришарди. Хўрозлар бекор лақиллашар, бетўхтов сайрашар, худди сеҳрлангандек кўкка тикилиб, шишадек тиниқ, ҳаракатсиз кўзларини нилий осмондан узишмасди. Бефарқ товуқлар эса уларнинг атрофида ўралашар, ивиган гўнгни титкилаб, шишган уруғларни териб ейишарди. Қиш чиқиб, Воробушкин бугун биринчи марта қаптархонасининг эшигини очди. Чинқаптарлар бирин-кетин томга тушишди. Қиши билан торгина, нимқоронғи уяда сиқилишиб ётган қаптарлар биринчи марта кун кўраётгандек ёрқин нурдан кўзлари қамашиб, кисиларди.

Воробушкиннинг яқин дўсти ва ёрдамчиси қоракўз, жингалаксоч Митька томдаги қаптарларни ҳуркитиб юборди.

Каптарлар ҳавога кўтарилиб, бир марта айланишди-да, дарров пастлай бошлашди.

Тўқлигу турғунликдан семириб кетган қаптарлар оғирлашиб, баландликдан кўрқадиган бўлиб қолишган, шу боис фақат уянинг тепасидагина айланишарди. Митька томда туриб ирғишлар, қўлидаги латтани силкитар, бармоқларини оғзига тикиб, хуштак чаларди. Пастда турган ўн чоғли оғайниси хайбарақаллачилик қилишарди. Бироқ қаптарлар томга қўнишга ижозат берилишини кутиб, болакайнинг боши тепасида эринчоқлик билан учиб юришарди. Митька эндигина пастга тушишга шайланган пайтда оғайнилари баробарига чуввос солишди.

— Тез беркин! Айғоқчи!

Митька чўккалаб, тепага аланглади.

Тўдадан жуда ҳам юксакда оқ қаптар айланиб юрарди.

— Чинқаптар, чинқаптар, тезроқ туш,— дея шоширишди болалар.

Фақат чинкаптаргина шундай юксак парвоз этиши мумкинлиги Митькага ҳам аён эди. Каптар гира-шира кўзга чалинарди. Болалар шоша-пиша бостирма тагига яшири-нишди. Митька ҳам дарров томдан тушди.

Чинкаптар ҳамон кушлар галасининг тепасида айланар, пастлашни хаёлига ҳам келтирмасди. У каптарлардан кўз узмай хайратомуз эпчиллик билан бемалол чарх урар, истаган томонига қараб парвоз этарди.

Нотаниш каптарни кўриб тўда бирдан жонланди. Чинкаптар худди оқ калхатдек кушларнинг устида узоқ айланиб юрди, кейин қанотларини жуфтлади-да, хавони шувиллатиб кесганча бирдан тўданинг ўртасида пайдо бўлди, чапак чалгандек қанотларини тапиллатиб, олдинга интилди. Каптарлар баробарига унинг орқасидан эргашди.

Болалар бу манзарани нафасларини ичига ютиб кузатишарди.

Жорий этилмаган қоидага биноан бировнинг тутиб олинган каптари асирга тушган ҳисобланар, товоносиз қайтариб берилмасди. Лекин бу каптар дарёнинг нарёғидан учиб келган. Дарёбўйилик каптарбозлар ушлаб олган каптарларини ҳеч қачон шаҳарликларга қайтариб берган эмас. Шаҳарлик каптарбозлар билан дарёбўйиликлар ўртасида азалий адоват бор эди. Иккала томондагиларнинг ҳам бегона тўдага қўшилса-да, уясини адашмай топадиган каптарлари бор эди.

Кўпинча бундайлар қўлга яхши ўргатилмаган, ёш каптарларни бошлаб кетарди. Тажрибасиз кушларни тутиб олишар ва улар қўлга туширган кишининг мулкига айланарди. Айниқса атайлаб учирилган «айғоқчи»ни ушлаб олиш катта шараф эди.

Болалар бегона каптарни хассослик билан кузатишаркан, уни аллақачон ўз катагига қамалган дея хаёл қилишарди.

Ҳатто Воробушкин ҳам ишини ташлаб, устахона остонасида пайдо бўлди, бироқ болалар баробарига чувиллашиб, жон-жаҳдлари билан шу қадар қўл силташдики, у дарров орқасига тисарилиб, очиқ эшикдан мўралади. Каптарлар энди кўнишни хаёлига ҳам келтирмас, бошқа жойдан келиб қолган чинкаптардан ошиб кетишга қасд қилгандек, тезкорлигу абжирликда мусобақалашарди.

— Бошлаб кетади, худо ҳақки, каптарларни галаси билан олиб кетади,— деди хавотирга тушган Митька.

Оқ каптар ҳозирча ҳеч қаёққа йўл бошламас, тўдага қўшилиб айланаркан, аста-секин юқорига кўтарилди. Каптарлар итоакорлик билан унинг орқасидан эргашишди.

— Шахарликлар учуришган. Отиб тушириш керак эдида уни. Каптарларнинг бошини айлантириб, бошлаб кетади!— Бостирма тагидан чопиб чиққан болалар бири олиб, бири кўйиб чувиллай бошлашди.

Воробушкин ҳам чидаб туrolмай ташқарига чиқди. Лекин энди у ҳам бегона каптарни ҳайдаб юборолмасди. Каптарлар шу қадар юксакка кўтарилиб кетган эдики, эҳтимол у ердан Воробушкин ерга кўмиб кўйилган кичкинагина қора қутига ўхшаб кўринса ажаб эмас. Қора Митька сўнги чорасини ишга солди. У қанотлари боғланган мода каптарни томга кўйиб юборди. Бу каптарни яқинда тутиб олишгани учун ҳали жуфти йўқ эди, қочиб кетишидан хавотирланиб, тўдага кўшиб учуришмасди.

Кўкда юрган тўда янги каптарни кўриб пастлайди, деган умидда уни томга кўйиб юборишди. Бироқ тўдадагилар кўкка маъюс боққан каптарни кўрмай парвоз этишарди. Тўсатдан бегона оқ каптар қанотларини шалвиратганча чир айланиб, пастга шўнғиди.

Худди ўзларининг чинкаптарлиги шундагина эсига тушгандек, бошқалари ҳам чир айланиб, унинг орқасидан эргашишди. Ҳатто энг семиз, лапашанг каптарлар ҳам ундан қолишмасликка интилиб, лоақал бир неча марта умбалоқ ошишга уринишарди.

Оқ каптар ҳар гал янада юксакка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлар, бир жойда қотиб қоларди-да, кейин худди тошдек пастга отиларди.

— Бир, икки, уч... тўрт...— ҳайратдан донг қотган болалар санокдан адашиб, жимиб қолишарди. Энг тийрак кўз ҳам каптарнинг ҳаракатлари-ю, умбалоқ ошишларини кузатиб улгуролмасди.

Ҳатто каптар жонини асролмайдиган, ҳозир ерга урилиб, чил-парчин бўладиган вазиятда ҳам абжирлик билан қанотларини ёзар, худди камоннинг ўқидек тикка кўкка кўтариларди.

Ялангликдаги болалар эс-ҳушидан айрилиб туришар, бўйни увишиб, оғриси ҳам каптардан кўз узишолмасди.

Уларнинг ёнида турган Воробушкиннинг қўллари мушт бўлиб, худди сакрашга чоғлангандек пайлари таранг тортилган эди. Унинг қорақуя теккан қоп-қора пешонасини тер босди. Ҳамиша қаттиқ қимтилиб, сўлжайиб турадиган лаблари очилиб, оғзининг атрофини тилимлаб ташлаган қуюқ чизиклар ёзилиб кетди.

— Ана қушу мана қуш! Бундай чиройли каптарни олиш учун охириги кўйлагингни сотсанг ҳам арзийди,— деди

Воробушкин аллақандай дардчил оҳангда, кейин тўсатдан оппоқ тишларини кўрсатиб кулимсиради.

Бу аснода Воробушкин шу қадар ғаройиб аҳволда эдики, чинкаптар болаларнинг хаёлидан ҳам кўтарилиб кетди. Улар бу антиқа одамнинг кулганини биринчи марта кўришди. Воробушкин болаларнинг ёнида қаддини ғоз тутиб, кўзлари чакнаганча ёшариб турар, кунда кўриб, билиб юрган одамларига сира ўхшамасди. Шу боис болалар унга чўчинқираб боқишарди.

Болаларнинг хайратомуз чехраларига кўзи тушган баҳайбат кимса бирдан сергак тортиб, эс-хушини йиғиштириб олди. Юзини ёриштириб турган табассумдан асар ҳам қолмади. Яна лаблари сўлжайиб, оғзининг атрофида чуқур ботган чизиклар пайдо бўлди, одатдагидек, қадди букчайди. Фақат қуюқ қошлари остидан боққан кўзлари яна бир оз чарақлаб турди.

— Яхши каптар экан,— деди у одатдаги гапириш тарзида.

— У барибир чилпарчин бўлади. Бунақаларнинг доим дабдаласи чиқиб кетади,— деди болалардан бири.

Ниҳоят, каптарлар бир-бир томга кўна бошлашди. Оқ каптар энг охирида учиб келди. У чарчаган бўлса-да, шерикларидан кўра бир текис нафас оларди. Томга кўниши билан у ғув-ғувлаб, каптарларни ёнига чорлади. Қанотлари боғланган чипор мода унинг атрофида гирдикапалак бўла бошлади.

Оқ каптар думини ёйиб, қаттиқ ғув-ғувлаганча унинг орқасидан эргашди.

— Хали жуфти йўқ экан,— деган қарорга келишди бос-тирма тагида турганлар.

Каптарлар уяга кира бошлашди. Томда бегона оқ каптар билан чипор модагина қолди, холос.

Чинкаптар ундан бир қадам орқада қолмас, думини босиб олгудек ёпишиб юрар, думи билан томни супуриб, тинимсиз ғув-ғувларди.

Катта-катта қизғиш холли чипор каптар навозиш билан ўзини олиб қочаркан, меҳмонни ичкарига даъват этарди.

Оқ каптар эшик олдида тўхтаб, ербағирлаб ётди-да, то чипор қайтиб чиқмагунча овозини баралла кўйиб нола қилди.

Энг бардошли болаларнинг ҳам тоқати тоқ бўлди.

— У ичкарига кирмайди,— дея бир-бирини ишонтиришга уринишарди улар.

— Бу Сукованинг каптари.

Дарёбўйида савдогар Сукова хонимнинг машҳур чин-

каптарларини ҳамма биларди. Унинг каптарлари бировларнинг каптарларига яқин йўламасди. Ўсиқ қошлари остидан боққан кўзларини чинкаптардан узмай турган Воробушкин:

— Бу каптар яқин орада қўлда бўлганга ўхшамайди, — деди. — Бунақа оппоқ патда барибир бармоқларнинг изи қолади.

Чинкаптар куни бўйи эшик олдида турди, бироқ ичкарига қадам босмади. Кечқурун эса шаҳар томонга учиб кетди.

Эртасига ҳали каптархонанинг эшигини очиб улгуришмай у устахона томида пайдо бўлди.

Кейин куни бўйи модаларнинг орқасидан эргашиб юрди, фақат кечга яқин ичкарига кўз ташлашга жазм этди. Чинкаптар каптархонага кирар-кирмас орқасидан эшик ёпилди.

Каптар жонҳолатда орқага ташланди, темир панжарага ёпишганча уни қанотлари билан тарсиллатиб ура бошлади.

Куни билан пойлоқчилик қилган Митька мушукдек абжирлик билан томга чиқди-да, каптарни ушлаб олди. Шу заҳоти оғайнилари югуриб келишди. Асир қушни ушлаб кўриш иштиёқидаги ўнлаб қўллар олдинга чўзилди. Каптарни таомилига биноан обдан кўздан кечиришди: тумшуги билан қанотининг узунлигини ўлчашди, панжаларини қараб чиқишгач, думидаги патларни эринмай бир-бирлаб санашди.

Бир печа қайта санаб чиқишгач, Митька чинкаптарнинг думида йиғирма иккита катта пати борлигини эълон қилди. Уларнинг уясидаги биронта каптарнинг думи бунчалик катта эмасди.

Асирни катакка солиб, чипор модани кўшиб кўйишди.

Дастлабки кунлари чинкаптар бир жойда ҳурпайиб тураверди, эркинликнинг хумори тутганидан чипорга қайрилиб қарамади ҳам. Чипор эса ёлғизликдан зерикди, хомуш ҳамроҳининг атрофида ўзи гирдикапалак бўла бошлади, ин қуриш учун бурчакка похол ташишга тушди. Кўп ўтмай нарнинг кайфияти ўзгарди, тўхтовсиз гув-гувлаб, ин қуришга кўмаклаша бошлади.

Икки ҳафтадан кейин уяда кўкимтир тухум пайдо бўлди. Чинкаптар инининг атрофида гердайиб юраркан, тухумга гурур билан қараб кўярди.

Болалар то жўжа очишмагунча чинкаптарни катакдан чиқармасликка қарор қилишди, бироқ кўпдан бери каптархонага эғалик қилмай кўйган Воробушкин катакни очиб юборишни талаб қила бошлади.

— Шундай қушни қамоққа тиқиб кўйиш уят. Кечқурун чиқариб юбориш керак, кечаси ҳеч қаёққа учиб кетмайди...

Катакни очиб кўйишди. Чинкаптар чипор билан ташқарига чиқди. Томнинг энг тепасига кўтарилиб, ёнма-ён

кўнишиди-да, патларини тозалашди, шу топда улар кун ботишига махлиё бўлиб боқишаётганга ўхшашарди.

Бостирма тагида улардан кўз узмай турган каптархона эгалари енгил тортишди. Чинкаптар учиб кетадиганга ўхшамасди.

Тўсатдан худди олдиндан келишиб олишгандек иккала каптар баробарига парвоз этди, шу заҳоти уларнинг орқасидан кўлга ўргатилган каптарларни учиришди. Бу каптарларни эҳтиёт шарт ушлаб туришган эди.

Каптарлар қўшилиб кетишди ва кичкинагина тўда кўкда парвоз эта бошлади. Пастдагиларга каптарлар кўз илгамас иплар орқали бир-бирига боғлангану бироқ галма-галдан бир-бирини уёқдан-буёққа суриб, турли томонга тортиб кетишаётгандек туюларди.

Азалдан каптархонада яшаганлари ўз маконларига тортишарди. Уёқда ҳар бирининг ўз уяси, жўжа очиш умидида тухум босиб ётган жуфтлари бор. Шу боис каптарлар уясидан узоқлашиб кетмай шундоққина каптархона тепасида учишга ҳаракат қилишарди. Оқ каптар эса ипни дарё томонга, шаҳарга қараб тортарди. У қанот қоққанча олдинга ўтиб олди ва чипор билан бошқа каптарларни орқасидан эргаштириб кетди. Каптарлар унинг орқасидан бир оз учиб боргач, изига қайтишди. Ниҳоят, кўзга кўринмас ип таранг тортилиб узилди-да, тўда иккига бўлинди.

Қочоқларнинг орқасидан учирилган каптарлар қайтиб келишди.

Чинкаптар дарё томонга, тўппа-тўғри сувоғи кўчиб кетган катта гумбазга қараб учди. Чипор унинг орқасидан эргашди. Болаларнинг ярим кечагача каптар учиришларидан бирон наф чиқмади.

Қочоқлар қайтиб келишмади.

— Инига барибир қайтиб келишади,— дея болаларга тасалли беришга уринди Воробушкин.

Чинкаптар жуфтини гумбазга бошлаб келди. Чипор итоаткорлик билан унга эргашиб учарди. Фақатгина гумбазга кираверишда иккиланиб туриб қолди. Қорайиб турган тўйнуқдан шовкин-сурон, зардали ғув-ғувлаш, қанотларнинг бир-бирига тарсиллаб урилиши эшитиларди.

Чинкаптар бамайлихотир тўйнуқдан ўтганини кўриб, бемалол ичкарига сакради. Гумбаз ичкарасига киргач, ваҳимага тушиб, қалтирай бошлади. Юзлаб катта, қорамтир каптарлар ғув-ғувлаб, уришишарди.

Чинкаптар бу улкан, ёвуз қушларнинг орасида яйраб юрарди.

У қадрдон бурчагига етай деб қолганда синашта дўсти

бўлмиш бўз каптар йўлини тўсиб чиқди. То чинкаптар эс-ҳушини йиғиб олгунча бўз каптар қаноти билан бир уриб, таҳдидли ғув-ғувлади. Ёнида турган нотаниш кўк мода худди унинг хатти-ҳаракатини маъқуллаётгандек бош ирғай бошлади. Бир лаҳзадан кейин иккита қанот бир-бирига тарсиллаб урилди. Собиқ дўстлар худди баҳор кезлари инини кўриқлаб, модасини ҳимоя қилаётгандек, жон-жаҳдлари билан олишарди.

Чинкаптар ниҳоят рақибини гангитиб қўйди. Суроби тўғрилланган бўз каптар жанг майдонини ташлаб қочди. Кўк мода ҳам у билан бирга кетди.

Ҳаммаёғи юмдалаб ташланган чинкаптар оғриқни ҳис этмасди. У ғув-ғувлаб, тинимсиз айланарди. Ёнидаги чипор эса кўрқув тўла дум-думалок, қора кўзларини ёввойи каптарлардан узмасди.

Чинкаптар тонг отгунча ухламади. У яна гумбаз остига қайтиб келганидан терисига сиғмас, сира ўзини босиб ололмасди. У қоронғида ҳам бўз каптар ўзига мослаб қурган, лекин жанг пайтида шикастланган уяни тузата бошлади. Чипор ҳам ухлагани йўқ. У гумбаз остидаги чинкаптар кириб олиб, биринчи кечани ўтказган ўша бурчакка тикилганча шовқин-суронга жимгина кулоқ соларди. Чипорга бу бадфеъл, қора кушларнинг ўзига ҳеч қандай яқинлиги йўқдек туюларди.

Йигирма кунлик танаффусдан кейин чинкаптар яна қамоқхона деразасида пайдо бўлди.

Деразанинг қишда қўйилган қаватини олиб ташлаб, ҳаво ўтказгич ўрнига яна дарча ўрнатилган эди.

Маҳбус киши билан каптарга ўрганиб қолган эди, у ғойиб бўлган дастлабки кунларда юраги қаттиқ сикилди. Кейин бошқа ташвишлар кўпайиб, каптар хаёлидан кўтарилиб кетди.

Қамоққа ҳар куни янги одамларни олиб келишар, уларнинг кўпчилиги дарёбўйиликлар — заводларнинг ишчилари, маҳбуснинг сафдош оғайнилари эди. Кечаси девор жуда ҳам секин тикирлар, маҳбуслар девор орқали телефондагидек янгиликларни хабар қилишарди.

Маҳбус шу зайл оммавий қўлга олишлар, муваффақиятсизликка учраган иш ташлаш, хоинлик ҳақида хабар топди.

Сотқиннинг кимлиги ҳам аниқланди. Бу асл дарёбўйилик, инқилоб учун бир неча бор қамоқда ётган, лекин ҳаммаша сувдан қуруқ чиққан киши эди. У сир сақлай оладиган, ишончли одам ҳисобланарди. Энди ташкилот бошлиқлари қамоққа олингач, шароит тақозоси билан сотқиннинг раҳнамо бўлиб қолиш эҳтимоли бор эди.



Тор-мор этилган ташкилотнинг қолган-қутган одамлари ёппасига жандармлар қўлига тушди.

Қамоқда ётган ҳар бир одам ташқаридагиларга ўзини фидо қилиб, сотқиннинг кимлигини етказишга жон-жон деб рози бўларди-ю, бироқ бунга имконият йўқ эди. Унга сари одамлар қийналишар, кўзларига уйқу келмас, овқатланишдан бош тортишар, сўроқ пайтида асабийлашиб, назоратчилар билан жанжаллашишарди.

Бошқа пайт бўлганда маҳбус каптарнинг қайтиб келганидан терисига сиғмай кетарди. Бироқ ҳозир сўнгги кунлардаги воқеалар таъсирида кушга паришонлик билан кўз ташлади-да, одати бўйича нон майдалашга тушди.

Қиш ичи маҳбус бутунлай ўзгариб кетган: қоқчакак юзи семириб, илгариги кескин қиёфасини, ёноқларидаги қизилликни йўқотган, кўз остлари халталашганидан юзи баттар ифодасиз, шишинқираганга ўхшаб кўринарди. Соқоли ҳам энди ясамадек туюлмас, унга қарлик нуқси урган эди.

Дераза олдига келган маҳбус оқ чинкаптарнинг ёнидаги чипор кушни ҳам кўрди. Тўсатдан маҳбуснинг бармоқлари титраб кетди. Шишинқираган, заҳил ёноқларига қон югурди. У ола-була мода каптарни биринчи марта кўриши, илгари бу ерларда сира учратган эмас, демак оқ каптар уни бировнинг каптархонасидан эргаштириб келган, яна уясига қайтса ажаб эмас. Титроқ бармоқлар дарчани ҳадеганда очолмади.

Каптарлар одамдан қочмас, шундоққина маҳбуснинг тумшуғи тагида айланиб юришарди. Маҳбус чинкаптарнинг оппоқ патларига муҳрланиб қолган бармоқ изларини аниқ кўрди. Бу нарса каптар бир неча бор кимларнингдир қўлида бўлганидан далолат берарди. Маҳбус каптарларни бир амаллаб хонасига олиб кириш фикрига тушди. У нон ушоқларини шундоққина дарча олдидан бошлаб ичкарига қараб сепиб чиқди. Чинкаптар ташқаридаги нонларни еб тугатди-да, деразанинг панжарасига етгач, иккиланиб тўхтади, бошини қийшайтирганча дам ичкаридаги нон ушоқларига, дам жуфтига қаради. Чипор чинкаптарни бамайлихотир кузатиб турарди. Ниҳоят чинкаптар дарча панжарасига оёқ қўйиб, ичкарига мўралади. Унинг бу ҳаракати жуфтига худди огоҳлантиришдек таъсир қилди. Чипор бирданига қанот қоқиб, учиб кетди. Дарчага қўниб турган чинкаптар ҳам қанотларини панжарага урганча унинг орқасидан эргашди. Маҳбус каптарларнинг қамоқхона устида айланганини, кейин чипор дарё томонга йўл бошлаб, ҳаш-паш де-гунча кўздан ғойиб бўлишганини кузатиб турди.

Чипор уясига ошиқарди. Томга келиб кўниши билан у каптархонага кириб кетди. Чинкаптар эса ташқарида қолди. У қопқа олдига келиб, журъатсизлик билан ичкарига мўралаганча жуфтини чақирар, бироқ остонадан хатлашга юраги дов бермасди.

Чипор қайтиб чиқмади. У каптархонага кириб кетганидан кейин бир неча дақиқа ўтгач, уяда яна битта тухум пайдо бўлди. Шу бўйи у тухум босиб ётаверди. Чинкаптарнинг чорлашларига майин овозда жавоб қайтарарди-ю, бироқ инини тарк этмасди. Чинкаптар томда қош қорайгунча турди. Фақат кеч киргандан кейингина гумбаз остидаги не ҳасратда қўлга киритган уяси томонга учиб кетди.

Чинкаптар эртасига яна одатдаги вақтида дераза раҳида пайдо бўлди.

Маҳбус нон ушоқларини деразанинг ичкари томонига ташлаб, дарчани очди. Худди кечагидек каптар панжарага кўнди-ю, бироқ ичкарига киришга юраги дов бермади. Тўсатдан хонада ҳуштакда ижро этилган таниш куй янгради. Каптар панжарадан тушиб, хонага кирди.

Бетоқатланганидан маҳбуснинг оёқ-қўли титрай бошлади. Лекин каптарни ушлаб олишга ошиқмади, ҳуштак чалганча бир-бир босиб, унга яқинлашди. Бир оздан кейин каптар ҳуштак садолари остида нонни унинг кўлидан олиб ея бошлади. То каптар эл бўлгунча маҳбус унинг орқасини силади. Каптар норозилик билан ғув-ғувлар, бироқ хуркмас, кўлдан чиқиб кетишга уринмасди ҳам.

Орадан ярим соат ўтгач, қорни тўйган чинкаптар Воробушкиннинг каптархонасига келиб кўнди. Унинг қаноти остида пайча қилинган хат бор эди. Бир оздан кейин чинкаптар томда айлана бошлади, шундоққина кураги устида капалак нусха қилиб боғланган бир парча латта кўриниб турарди.

Митька чинкаптардан кўзини узмас, қопқага боғланган тизимчани ушлаб турган бармоқлари титрарди. Устахонадан кастрюль кўтариб чиққан Воробушкин каптарга қараб, елкасини қисди.

— Шунақа ажойиб каптарнинг эгаси аҳмоқ экан! Каптар мушук ёки кучукмидики, латта боғлаб безаса.

Чинкаптар томда узоқ айланиб юрди, кейин каптархонага яқин бориб, шундоққина қопқанинг рўпарасида қотиб қолди. У турган жойида кечгача қимир этмасликка, қандай бўлмасин ичкарига кириб кетган жуфтини кўришга қасд қилганга ўхшарди. Митька чипорни инидан олди-да, қанот-

ларини боғлаб, томга қўйиб юборди. Чинкаптар ўзини қаёққа қўйишни билмай чирпирак бўлиб айлана бошлади. Чипор назокат билан қадам ташлар, нарнинг тўхтовсиз, гур-гувлашига ингичка овозда қисқа-қисқа жавоб қайтарди.

Ҳаяжоннинг ҳоври босилгач, каптарлар томнинг энг тепасига чиқиб боришди. Улар тўхтовсиз бош ирғашганча тумшуғи билан бир-бирини силаб-сийпалашарди. Пастдан қараганда улар бир-бирини ўз йўриғига солиш учун узундан-узок беҳуда суҳбат қуришаётганга ўхшашарди. Баъзан чинкаптар париллаб ўрнидан кўзгалар, чипорга қанотлари теккудек бўлиб, каптархона устида парвоз этарди. Чипор ўрнидан кўзгалиб, бўйинини чўзар, қанотларини ростлардию, жойидан жилмасди.

Чинкаптар уча-уча яна унинг ёнига келиб кўнар, чипор бош ирғашганча нарнинг бўйинини силар, патларини тараб текислар, эркаловчи оҳангда эшитилар-эшитилмас гув-гувлаганча битта-битта қадам ташлаб, ичкарига йўл бошлар, дам-бадам тўхтаб, яна бош ирғар эди. Чинкаптар жуфтидан орқада қолмай эшик олдиғача кузатиб борар, бироқ остонага етганда тош қотарди. Кейин иккаласи баробарига бир-бирини чақира бошларди.

Чинкаптарнинг яна каптархонага киришини пойлаб, чўккалаб ўтирган Митька ҳатто қаттикроқ нафас олишга ҳам кўрқарди. Бу гал уни кўлга туширса, уни то тухум очилмагунча катақдан чиқармайди.

Оқ каптар узок-узок гув-гувлар, бўйинини чўзиб, ичкарига мўралар, тез-тез эти сесканиб, сим тўсиққа кўз қирини ташлаганча жойидан жилмасди. Уни кута-кута тоқати тоқ бўлган чипор яна ташқарига чиқарди.

Бу тортишув кечгача давом этди. Нар бир неча бор кўкка қараб қанот қоқди, чипор бир неча қайта ноумид бўлиб ичкарига кириб кетди. Қоққага боғланган тизимчани ушлаб турган болалар неча қайта жой алмашишди. Устахонадан чиққан Воробушкин жаҳл билан тўнғиллаганча чинкаптарни гапга кўндиришга уринарди.

— Ҳа, нима қилиб турибсан? Нима бор экан у ерда? Ўзингга кирсанг-чи. Бекордан-бекорга учаверасанми? Бола очиш керак.

Лекин унинг гаплари каптарга таъсир қилмас, ҳафсаласи пир бўлган Воробушкин устахонага кириб кетарди. Чипор охирги марта изига қайтиб, уйкуга ётганда кош қорайиб қолган эди. Оқ каптар қоронғида йўлида учраган нарсаларни зўрға илғаб, гумбаз томон йўл олди. Ҳар кунги шу ҳол так-

рорланар, бироқ чипор кун сайин кўпроқ тухум босар, жуфтининг ҳузурига ахён-ахёнда чиқарди.

Бошқа каптарлар ин куриш, тухум босиш билан машгул эди, фақатгина чинкаптар томда ғарибгина мунғайиб кунни кеч қиларди. Уни пойлаш жонига теккан болалар Воробушкиндан тузоқ қўйишга изн сўрашди.

— Тузоқ қўйганинглар нимаси, узоқ қочаман деб, ўзини майиб қилиши мумкин... — дея эътироз билдирди Воробушкин.

Каптар унга жуда ҳам ёқиб қолган, томоша қилиб тўймасди.

Бу каптарнинг хатти-ҳаракатини тушуниб бўлмасди. У ёнидан хоҳ хонаки каптарлар, хоҳ ёввойилари учиб ўтмасин, бирдек жонланиб кетарди. Ҳатто бир сафар Воробушкин унинг ёлғиз ўтиравериш зерикканидан ёввойи каптарлар тўдасига қўшилиб донлаб юрганини ҳам кўрди. Бир марта банди бўлганидан буён у катакка яқин йўлай демасди. Агар қанотида капалакнусха тугунча бўлмаса, Воробушкин уни аллақачон қўлдан чиқиб, ёввойилашиб кетган деб ҳисоблар эди.

Бу орада кимдир ечилиб кетган тугунчани бир марта қайта ҳафсала билан боғлаб қўйди, лекин эгаси шундай ажойиб каптарнинг қадрига етмас, уни ўз ҳолига қўйиб, куни билан боши оққан жойларда тентираб юришига изн берарди.

Воробушкин каптарларнинг турини яхши билади. Унинг катагида бу кушга тенг келадиган учқур каптарнинг ўзи йўқ. Воробушкин уни қўлга ўргатишни орзу қилар, бироқ кун сайин умиди пучга чиқиб, охири бутунлай ҳафсаласи пир бўлди-да, каптарни томга яқин йўлатмай ҳайдашни буюрди.

— Бизга бунақа безорининг кераги йўқ. Ёввойи каптарларга қўшилдими, тамом, энди у чинкаптар эмас, уни каптархонага йўлатмаслик керак.

Энди чинкаптар томга қўниши билан болалар Воробушкиннинг буйруғига биноан кесагу ёғоч отиб ҳайдашар, бироқ у ўжарлик қилиб қайтиб келаверарди. Каптархонадан қувилгач, қўшии уйларнинг томига қўнадиган бўлди. Чипор кўпдан бери унинг чорлашларига жавоб қайтармас, катакка биқиниб, қорасини ҳам кўрсатмас, оқ каптар эса ҳар куни лоақал бир неча лаҳзага каптархонага келишни қанда қилмасди. Тухумдан чиққан полапонлар темирқанот бўлиб қолишган, Воробушкин бу тентираган каптар уларни йўлдан уриб эргаштириб кетмаса эди, дея ташвишланарди. Оқ каптардан кутулишнинг йўлини тополмагач, охири у болаларга тузоқ қўйишни буюрди.

Ўша куни каптархонага келган чинкаптар ниҳоят чипорни кўришга муваффақ бўлди. Бироқ унинг ёнида катта, ола-була каптар бор эди. Чинкаптар қаттиқ, даъваткор ғув-ғувлади, лекин чипор унга қиё ҳам боқмай ёнидаги ҳамроҳининг бошидаги патларини силаб, текислайверди. Чинкаптар кўкрагини шиширганча таҳдид солиб, улар томонга юрди. Чипор шоша-пиша ўзини ичкарига урди, ола-була ҳам унинг орқасидан жуфтакни ростлади. Воробушкин чинкаптарнинг юксак-юксакка кўтарилиб, устахона тепасида анчагача оҳиста сузиб юрганини, кейин ёнидан учиб ўтаётган ёввойи каптарларга қўшилиб, кўздан ғойиб бўлганини кўрди. Шу кундан эътиборан у каптархонага доримади.

Катя билан Самсонни шаҳардагиларнинг ҳаммаси танир, уларни истаган пайтда кўча-кўйда учратиш мумкин эди. Гарчанд ҳамма уларни ака-сингил деб ҳисобласа-да, ташқи кўринишида сочининг сариқлигидан бошқа бир-бирига ўхшайдиган ҳеч қандай сифати йўқ эди.

Ўн уч ёшига нисбатан бўйчан, рангпар Самсон худди кўзи ожиз одамдек оёқлари билан ерни пайпаслаб юрар, оппоқ қошу киприклари орасида йилтираган кўзлари тепадаги номаълум нуқтага муттасил қаттиқ тикилиб турарди.

Паст бўйли, тикмачоқ, сочлари олтиндек товланган қизча беўхшов акасидан бутунлай бошқача — табиатан кувнок, зуваласи пишиқ қиз эди. Тийрак боққан кўзлари кўчада юз берадиган энг майда-чуйда ҳодисаларни ҳам назардан қочирмасди.

Ўн йил муқаддам қамоқхонадаги черков руҳонийсининг хотини ўлди. Уч яшар касалманд бола билан бева қолган руҳоний нима қилишини билмай боши қотди. Черков қоровулининг хотини Василиса жонига ора кириб, болага вақтинча қараб турадиган бўлди. Шу кезлари унинг қизи Катя эндигина бир ёшга тўлган эди. Орадан кўп ўтмай, қоровул ичкиликка ружу қўйиб, ўлиб кетди, руҳоний жиннихонага тушди — болалар Василисанинг кўлида қолди.

Болага ўрганиб қолганиданми ёки югур-югур ташвишларидан чўчидими, ҳар қалай Василиса уни етимхонага топширишга кўнмади.

Болалар бирга улғаяверишди. Рўзғор тебратиш учун Василиса бировларникига бориб ҳам, уйда ҳам мук тушиб кир юварди.

Етти ёшгача ҳамма Самсонни соқов бўлса керак, деб ўйларди. Унинг пойинтар-сойинтар, ғайритабиий ғўлдирашларини фақат жимит Катягина тушунарди. Вақт-

соати келиб у анча аниқ гапира бошлади, шундагина унинг дудуклиги маълум бўлди. Бировларнинг олдида Самсон бутунлай ғўлдираб қолар, бундай пайтда Катя тилмочлик вазифасини ўтарди. Акасини кўчадаги болаларнинг ҳақоратларидан ҳимоя қилиш зарурати туғилиб қолса, Катя қора конига белангунча муштлашарди. У ишонса бўладиган синашта йўлбошчи бўлиб, шаҳарнинг барча кунжаklarини яхши билар, ҳамма нарсага қизиқар, сепкилли тумшугини зарур жойга ҳам, зарур бўлмаганга ҳам сукаверарди. Самсон унга инон-ихтиёрини топшириб, орқасидан эргашиб юрарди. Лекин баъзан Катянинг амрига итоат этмайдиган пайтлари ҳам бўларди.

Куй эшитилди дегунча Самсон бирдан жонланиб, қўларини оҳангга мослаб силкитар, юзини буриштириб, ёноқларига ранг югурарди. У худди сеҳрлангандек оркестрнинг орқасидан эргашиб юрар, истаган сайёр чолғучи бемалол олиб кетиши мумкин эди. Лекин бу нарсадан ҳам жанжал чиқмасди. Катянинг ўзи ҳам куй-қўшиқни яхши кўрар, биронта дераза тагида соатлаб турар ёки шаҳар боғидаги духовой оркестрнинг куйини тинглаш учун панжара орасидан ўтиб кетаверарди.

Шу кунларда шаҳар суронли ҳаёт кечирарди. Боғларда, ресторанларда, кўча-кўйда жанговар куй-қўшиқларни ижро этувчи оркестрлар пайдо бўлиб қолишарди. Катя билан Самсон охир хуфтонгача кўчадан бери келишмасди. Василеса болаларни койир, жаҳл қилар, бироқ ҳеч йўриғига сололмасди. Нарх-наво кун сайин ошар, боши ишдан чиқмасди.

Самсон ҳар қандай эшитган куйни шу заҳоти эслаб қоларди. У жуда ажойиб ҳуштак чалар, ҳуштак билан куйларнинг энг нозик оҳангларигача бемалол ифодалай оларди.

Бир куни Самсон Катяга ҳозиргина эшитган куйини чалиб берди. Уларнинг атрофига бир нечта томошабин йиғилди. Катя акасининг енгидан тортқилай бошлади, бироқ у ҳеч нарсага эътибор бермай ҳуштагини чалаверди. Куй тугаганда уларнинг атрофини томошабинлар қуршаб олишган эди. Самсон уялганидан қизариб-бўзариб, орқасига тисарила бошлади. Шу пайт кимдир унинг оёғи остига сарик чақа ташлади. Унинг кетидан ерга бир нечта чақа билан битта оппоққина ўн тийинлик келиб тушди.

Болалар ажабланиб бир-бирига қарашди, кейин ақлу хушини йиғиб олган қизча дарров ердаги тангаларни териб олди.

Шу кундан эътиборан улар оғизга тушишди. Катянинг жуда ҳам тиниқ, жарангдор овози бор экан, бир неча кун

ичида болалар анча-мунча кўшиқларни ёд олиб, кўча-кўйда бемалол айта бошлашди.

Йўловчилар, тасодифий томошабинлар уларни бажону дил чақа-чуқа билан сийлашарди.

Тез орада артистлар жасур жангчию офицерлар ҳақидаги кўшиқлар бўлакча кадрланишини билиб қолишди. Ўша кезлари бундай кўшиқлар кўп эди, болалар уларни дарров ёдлаб олишди.

Катя билан Самсоннинг бу ишидан хабар топган Василиса уларни ўлгудек савалайман, уйдан ҳайдаб чиқараман, қамаб кўяман, деб пўписа қилиб кўрди-ю, кейин ён беришга мажбур бўлди. Болалар ҳар куни у бир ҳафта ишлаб топганидан кўпроқ пул олиб келишарди. Айниқса «Трансваль» деган кўшиқ жуда ҳам машҳур бўлиб кетди.

Артистларнинг ўзига бу кўшиқ кўпроқ ёқар, сўзлари ҳам тушунарли эди, шу боис уни иштиёқ билан тез-тез ижро этишарди.

Бир куни кайфи ошиб қолган савдогар кўчада уларнинг кўшигини эшитиб қолиб, ҳар бирига биттадан беш сўмлик тилла танга берди, кейин извошга ўтқазиб, роса шаҳар айлантирди, пировардида энг яхши ресторанга олиб кириб, саҳнадан ашула айтишга мажбур қилди.

Болалар бисотида бор кўшиқларини бир неча қайтадан ижро этиб, уйга жуда кеч қайтишди, хавотирланиб ўтирган Василисага шунча кўп ақча тутқазидики, у анчагача пуллар ўғирлаб олинмадимикин, дея хавотирланиб юрди.

Шу кундан эътиборан болалар жуда тез оғизга тушиб кетишди. Энг яхши ресторанда кўшиқ айтишганидан кейин майда-чуйда кўнгилочар муассасалар бири олиб, бири кўйиб уларни таклиф эта бошлашди. Энди улар фақатгина панжара орасидан ўтиш мумкин бўлган шаҳар боғига катта дарвозадан кириб боришарди. Василиса аллақачон кир ювишни бас қилган, болаларини ўзи ишга кузатиб кўярди.

Артистларнинг бир йилгача омади чопди-ю, кейин ишидан путур кетди.

Яқиндагина одамларни ўзига жалб этадиган кўшиқларга энди биров қулоқ ҳам солмасди. Уларни ҳатто кичкина ресторану пивохоналарнинг остонасига ҳам яқин йўлатмай кўйишди. Яна шаҳар боғига боришдан бошқа илож қолмади.

Кўпинча томошабинлар уларнинг ашуласини охиригача эшитмасданоқ бошқа бирон янги кўшиқ айтишларини талаб қилишарди. Фақатгина улар севиб куйлайдиган «Трансваль» туфайли уч-тўрт танга тушиб турарди. Болалар янги кўшиқларни билишмасди. Василисининг жони чиқиб уларни текинтомоқ, ялқов деб уришаркан, охири қадимий кўшиқ

китобини топди-да, болаларга ўргата бошлади. Лекин бу қўшиқлар оммалашиб кетмади. Самсон билан Катя илгари бирон марта қадам босмаган Дарёбўйига йўл олишди. Дарёбўйида бу қўшиқлар ортиқча қизиқиш уйғотгани йўқ. Дарёбўйиликлар Самсоннинг ғаройиб ҳуштаквозлигига махлиё бўлиб бир лаҳза тўхташар, бироқ қўшиқ сўзларини эшитгач, жаҳл билан тупуриб, нари кетишарди.

Артистлар бутун Дарёбўйини айланиб чиқишди, лекин ҳамма жойда уларни худди шундай совуқ кутиб олишди. Охир-оқибат ака-сингилни бир тўда бола ўраб олди-да, ҳуштагу қийқирик билан то кўприккача қувиб боришди, устига-устак яна Дарёбўйига яқин йўлашса, ўлгудек савалашларини айтиб, пўписа ҳам қилишди.

Василиса яна кир ювишга мажбур бўлди. Алаמידан артистларни томга қамаб, куни бўйи кўчага чиқмай кирларни пойлашни буюрди. Болалар бекорчиликдан зерикар, аллақачон ўзларининг ҳам кўнглига урган ашулаларни такрорлашарди. Кўп ўтмай янги овунчоқ топилиб қолди. Қоровулхона томига каптарлар келиб кўнишар, болалар уларга нон увоқ ташлаб ўтиришарди. Борган сари каптарлар кўпроқ учиб чиқарди-ю, тўппа-тўғри қоровулхона томига келиб кўнарди. Якшанбаю байрам кунлари Василиса бандиларни ўз майлига қўйиб берарди. Болалар ҳовлима-ҳовли, бозорма-бозор юриб, кечкурун беш-ўн чақадан ташқари бир сават бурда нон билан қотиб қолган бўтқа топиб келишарди. Ғамлаб келган бу нарсалар билан улар ҳафта мобайнида каптарларни боқишарди.

Каптарларнинг ҳаммаси ёввойи, бир қараганда бири-биридан фарқи йўққа ўхшарди, лекин кўп ўтмай Катя уларни ажратишни ўрганиб олди. Катя гумбазда яшаётган оқ каптарга кўпдан бери кўз солиб юрарди. Бу каптар шерикларидан баландлаб учар, черков устида ёлғиз парвоз этар, умбалоқ ошиб пастлар эди.

Самсоннинг каптарларга унча ҳуши йўқ эди. Онаси устидан қулфлаб қўйган пайтларда бекорчиликдан зерикар, бир бурчакка тикилганча билган куйларини галма-галдан ҳуштакда чалиб чиқарди.

Оқ каптар қоровулхона устидан кунига бир нечта марта учиб ўтар, лекин томга қўнмай, жуда ҳам юксакда парвоз этарди. Катя бу кузда чордоқда кўрган каптари эканига амин эди. Ниҳоят, каптар қоровулхона томига қўнган пайтда кўпдан зориқтирган қушни ҳуркитиб юбормаслик учун қимир этмай ўтирди.

Шундан кейин оқ каптар ҳар куни томга қўнадиган бўлди, бироқ ҳамма ёввойи каптарлар қизга ўрганиб, бема-



лол чордоққа кираверса-да, фақат бу хонаки қушгина эҳтиёткорлик билан четлаб юрар, ичкарига қадам қўйишга ботинмасди. Дастлаб уни кузда чордоқда кўрганман, деб ўйлаган Катя оқ каптар томга келиб қўнадиган бўлгандан буён иккиланиб қолди. Чиройли, патлари кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ, кўпчиган, узун думли бу каптар куздаги патлари юлинган, чўлтоқ қушчага сира ҳам ўхшамасди.

Катянинг кўнглини чўктирувчи яна бир нарса аён бўлди: каптарнинг қанотига капалак нусха қилиб латта боғлаб қўйилгани бу қушнинг эгаси борлигидан далолат берарди. Шундай бўлса-да, барибир, у оқ каптарни яхши кўрар, ноннинг яхши бўлақларини унга илинарди.

Киз оқ каптар ҳеч қачон қўлга ўрганмайди, чордоққа ҳам яқин йўламайди, деган қарорга келган бир пайтда тўсатдан қуш унга эл бўлиб қолди.

Катя кундузги улушнинг охириги бўлақларини бергач, қорни тўйган каптарлар бир-бирлаб ташқарига йўл олишди. Бурчакда ўтирган Самсон паст овозда «Трансвал»ни ҳуштакда чаларди. Кутилмаганда оқ каптар бемалол ичкарига кириб, қизнинг олдига келди.

Даставвал Катя кўзларига ишонгиси келмади, ҳатто Самсон ҳам мудроқликдан уйғониб, ҳайратдан анграйиб қолди. Ҳуштак овози тиниши билан каптар ҳушёр тортиб, орқасига тисарилди. Самсон ҳуштак чалиши билан у хотиржам бўлди-қўйди. Орадан ярим соат ўтгач, оқ каптар қизнинг тиззасига чиқиб, бемалол этагидаги нон увоқларни териб ея бошлади.

Катя каптарбозларнинг қўлга тушган ҳар қандай каптарни ўзиники ҳисоблаб, қафасга солиб қўядиган удуми борлигини билмас, фақатгина арзандасининг қанотига кир латта боғлаб қўйилганидан оғринди, холос. Қизча сочига тақилган қизил лентасини олди-да, кир латтани ечди.

Унинг этагига латтага қўшилиб, найча қилинган қоғоз тушди.

## VII

Воробушкиннинг ялангликдаги устахонаси атрофига ҳар куни дарёбўйилик ўсмирлар тўпланишарди. Кейинги пайтларда иккита ёғоч ўриндиқ торлик қилиб қолди.

Болалар тагига гишт ёки тахта қўйиб ерга жойлашар, кичикроқлари эса қари толнинг пастки шохларига чиқиб, чуғурчуқлардек бир-бирига тикилиб ўтиришарди.

Улар елкасини елкасига тираб, бошини бошига қўй-

ганча доира ҳосил қилишган, ўртадаги деворга суюниб олган ягона ёши катта одам — Воробушкиндан кўз узишмасди.

Эртага бир неча кунга мўлжалланган кўп босқичли «Камо» деган ўйин бошланади, бугунча болалар Воробушкиннинг Камо лақабли машҳур Семен Аршакович Петросян ҳақидаги ҳикоясини тинглашяпти. Митьканинг қулогига гап кирмайди: эртадан у жанговар дружинага бошчилик қилади. Бир соат олдин ҳамма бир овоздан уни сардорликка сайлади, қувонганидан у ҳамон ўзини босиб ололмас, ёд бўлиб кетган гапларни тинглашга сабри чидамасди. Митька хаёлини жамлаш ниятида сўзловчининг юзига тикилади. Бу киёфани уч йилдан бери ҳар куни кўради. Даставвал хунук туюлган чехранинг бадбурушлиги бора-бора сезилмайдиган бўлди. Бироқ бугун Воробушкиннинг юзи унга чиройли, ёшариб кетгандек кўринди, унинг гаплари Митьканинг қулогига қираётгани йўқ. У худди Воробушкиннинг суратини чизмоқчидек, юзини синчиклаб кўздан кечиради.

Воробушкин қоқчакак, юзининг териси таранг тортилиб, бир неча жойидан чуқур ажинлар тилимлаб ўтган. Қачонлардир қоқ иккига бўлинган бурун сал кийшиқ битган, оқариб турган жароҳат изи бурундан ташқари чап ёноқни ҳам кесиб тушган.

Митька шу тобда бу чехранинг нимаси ўзгарганини билишга интилади-ю, лекин уриниши зое кетади. Худди одатдагидек, ҳеч қандай ўзгариш йўқдек туюлади. Фақатгина ёноқларига билинар-билинимас югурган қизилликни ҳам дуд босгани учун пайқаш қийин, кўзлари эса... Воробушкиннинг кўзлари сал чақчайган, катта-катта.

Бугун бу кўзлар таҳдидли боқмас, балки ҳаяжондан чақнаб турибди. Митька ёши улуг дўстини илгари ҳам бир марта худди шундай аҳволда кўрган.

Баҳорда оқ қаптар биринчи марта учиб келиб, қаптархона тепасида умбалок ошиб учганда у худди ҳозиргидек ҳолатга тушган эди.

Тўсатдан ваъзхон гапидан адашиб, ўзини сал орқага ташлади-да, кўзларини юмди.

Унинг қовоқлари худди парранданикидек олдинга туртиб чиққан, дағал эди.

Воробушкиннинг боши ҳам тўсатдан аллақандай номаълум қушникига ўхшаб қолди. Шамоибли ўзгарган бурни ҳам эгилиб, тумшуқ шаклини олади.

Барибир бу қуш бугун Митькага ҳар қачонгидек чиройли туюлади. Биринчи марта қандай танишишгани ёдига ту-

шиб, ҳикоя воқеасига сира мос келмайдиган жойда кулим-сирайди.

Воробушкин гапини тугатиб, бир нуқтага тикилганча ўйланиб қолди.

Тингловчилар эшитган гаплари таъсиридами ё Воробушкин яна нимадир қўшимча қилади, деб ўйлашганиданми миқ этмай туришарди. Бироқ у лом-ним демади, деворга суйанганча кўзларини юмди.

Шу пайт бу ҳикояни биринчи марта эштаётган болаларнинг энг кичиги сўраб қолди:

— У киши чиройли бўлганми... Камо деганингиз?

Воробушкин кўзларини очиб, гўё савол берган болани қидираётгандек ҳаммага бир қур назар солиб чиқди.

— Бундай одамларга қараб тўймайсан,— деди ўта хотиржамлик билан.— Бошқаларни чиройли бўлишга мажбур эта билган одамлар ҳаминша гўзал.

— Бу нима деганингиз?— қизиқсиниб сўради Митька.

— Ҳалиги учиб келган оқ каптар эсингдами?

Митька бош ирғади.

— Унинг каптархонадаги бошқа каптарлардан фарқи йўқ. Осмонга қўтарилиши билан ундан кўзингни узолмай қоласан, унга қўшилиб бошқа қушлар ҳам бўлакча учишади. Камо ҳам шунақа, чинкаптарга ўхшаган одам.

— У киши тирикми? — деб сўради яна бояги болакай.

Воробушкин болакай ўтирган шохга кўз ташлаб, худди ҳамма нарсага мана шу гўдак айбдордек жаҳл билан гап қотди:

— Тирик. Оғир-жазога маҳкум этилганлар қамоқхонасида ётибди.

Митька Воробушкиннинг чеҳрасидаги бутун нафосат худди сидириб ташлангандек бирдан йўқолганини аниқ кўрди. Унинг юзини захар босиб, ёкимсиз тус олди, ҳатто тиртиғи чуқурлашиб, янада хунуклашиб кетди. Воробушкин чўнтагини ковлаштирди-ю, тамакисини тополмагач, устахонага кириб кетди.

Болалар шивирлашганча жойларидан жилмай ўтираверишди.

Тўсатдан болалардан бири қичкириб, сокин суҳбатни бузди.

— Болалар, ким келганини қаранглар!

Ялангликда, болалардан сал нарида Катя билан Самсон турарди.

Болалар бир-бирига кўз ташлашди, яқиндагина кувиб солинган малла артистларнинг яна Дарёбўйига, устига-

устак уларнинг яланглигига келишга қандай ботинишганига ақллари бовар қилмасди.

— Учинчи марта бу ерга келишга юраги бетламайдиган бўлади. Яхшилаб таъзирини бериш керак.

Митька бу гапни худди катта одамдек қатъият билан айтиб, шошилмай ўрнидан турди.

Қайтиб кўзимизга кўринма деб таъзирини беришганидан кейин ҳам Самсон билан Катянинг бу ерга келиши болаларнинг назарида жазоланиши керак бўлган ҳаракат эди.

Меҳмонлар болаларга кўрққа-писа кўз ташлашганча ялангликни четлаб, устахона томон юришди. Ҳабашдек қоп-қорайиб кетган Митька биринчи бўлиб уларнинг йўлини тўсди. У юраётган жойида тўхтаган Самсонга яқин келиб, ўдағайлади:

— Хўш?

Самсоннинг лаблари оқариб, қоши асабий учди. У биров жонига ора киришидан умидвор бўлдимиз ёки қочишни мўлжалладимиз, ҳарҳолда ён-верига аланглади, оғирини бир оёғидан иккинчисига солиб, жойидан жилмай тураверди.

— Хўш?— янада таҳдидлироқ овозда сўради Митька,

Катя олдинга ўтди-да, унинг кўлини нари суриб, Самсонни пана қилди. Юзига сепкил тошган малла қиз билан худди ҳабашдек қоп-қора бола бир-бирига тумшугини тираганча туриб қолишди.

Митянинг орқасида лозим бўлса ёнини оладиган синашта дўстлари туришарди. Яқиндагина сардорликка сайланганидан гурурга тўлган бола оғайнилариининг олдида обрўсини туширмаслиги кераклигини яхши биларди-ю, бироқ нима қилиши лозимлигига ақли етмасди.

Қизча эса худди чаптаст муштлашувчидек оёқларини кериб, ўнг кўлини мушт қилганча рўпарасида чираниб турарди.

У орқасида яшириниб турган ожиз, чорасиз жигарини химоя қилиш учун муштлашишдан ҳам қайтмаслиги шундоққина аён эди.

— Нима дейилгани эсинглардан чиқдими?— деди Митька таҳдидни давом эттириш ниятида.

— Нега ёпишасан? Қоч, сенга ҳеч ким тегаётгани йўқ!— дея уни йўлдан суриб ташлашга уринди Катя.

— Нима, уришмоқчимисан?— Митя ҳам уни туртди.

Бир неча дақиқагача улар жон-жаҳди билан бир-бирини турткилашди. Ҳар ким кўпроқ кучини ишга солишга уринар, ён бериш ҳаёлларига ҳам келмасди.

Катя кутилгандан кўра бақувватроқ экан, Митя уни

жойидан кимирлатолмади. Ҳар бир турткисига жавобан у ўзиникидан кўра кучлироқ зарба олаверди.

Олишув чўзилиб кетди. Бир гал қиз шунақа туртдики, йиқилиб тушишига сал қолди. Орқадан пиқ этган кулги овози эшитилгач, Митя ночор аҳволга тушиб қолганини сизди. Митя бу малла қиз билан жиқиллашмоқчи эмасди. Аслида у қизнинг ашловдай ҳамроҳи, асосий хуштакбознинг таъзирини бериб қўймоқчи эди.

Агар ҳозир рўпарасида ўғил бола турган бўлганида нима қилиши кераклигини ўзи биларди-я.

Қиз бола билан уришишни у ҳамиша уят санар, айниқса, бугун ўзига эп кўрмасди.

Бироқ унга бўш келиш баттар шармандалик. Қиз йиғлаб юборса бошқа гап. Лекин рақибининг йиғлайдиган сиёки йўк. Ҳаяжон ва газабдан қизнинг мағиздек қизариб турадиган ёноғидан қон қочиб, юзидаги яккам-дуккам, катта сепкиллари яққол кўзга ташланди.

Катя қизишиб кетганидан маҳкам тугилган мушти билан рақибини борган сари қаттикроқ турта бошлади. Митя орқасига ўгирилолмасди. Ҳозир оғайнилари истехзоли кулимсираб туришганини яхши биларди.

У ўзини босиб, бу нарсаларни ҳазилга йўйганча обрўсини сақлаб, чекинишга қарор қилди. Қизнинг қаттиқ муштига жавобан Митя фақатгина унинг бурнига чертиб кўя қолди. Оғайниларининг бу ишини маъқулловчи кулгиси эшитилган бир пайтда шарақлаган овоз ҳоврига сув сепди.

Қиз кулочкашлаб туриб унинг юзига тарсаки туширди.

Бу сафар томошабинлар хижолат бўлиб ўтирмай баралла кулиб юборишди. Аламидан Митьканинг ранги қув оқариб кетди, у қизнинг адабини бериб, Дарёбўйидагилар қандай уришишини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. У энди ўзини тийишга мажбур эмасди. Бу қиз ўғил боладан ёмон уришмас, тагин биринчи бўлиб мушт кўтарган эди.

У ўзини орқага ташлаб, кучининг борича мушт туширмоқчи бўлди. Бироқ уролмади — дуддан қорайиб кетган, мой юқи, йўғон, бақувват бармоқлар билагидан шаппа ушлаб олди.

— Нега қиз бола билан уришяпсан? Нега уни хафа қияпсан?— Боланинг қулоғи остида Воробушкиннинг дўриллаган зардали овози эшитилди.— Қиз бола билан уришадиган сендақа зўрни қара-ю...

— Ўзи биринчи бўлиб бошлади-ку...— деди. Митька ўзини оқлаб.

— Нега уришяпсан? Тагин қиз бола эмиш,— дея Катяни койиди Воробушкин.

— Мен унга текканим йўк, ўзи биринчи бўлиб бошлади. Воробушкин совуқ нигоҳини Катядан Митяга кўчирди ва арзандасининг чап ёноғи ўнгига нисбатан қизариб кетганини, лабининг четига қон сизиб чиққанини пайқади. Қизча ҳамон кўлини мушт қилганича яна хезланиб турарди.

— Нега буёққа келдинг?— бирдан унга захрини сочди Воробушкин.— Нега келдинг, деб сўраяпман? Ашула айтиб бермоқчимисан?

Самсон Катянинг енгидан тортиб, бу баджаҳл, кўрқинчли одамнинг олдидан нарироқ олиб кетмоқчи бўлди. Катянинг юзи баттар оқариб кетди-ю, лекин жойидан қимирламади. Воробушкин унинг лаблари пирпирай бошлаганини кўриб, дарров гап оҳангини ўзгартирди.

— Уришмаслик керак,— деди у мулойимлик билан.— Ўғил боланинг муштлашгани ёмон, қиз боланинг муштлашгани бутунлай шармандалик. Буёққа келмагин ҳам, уришмагин ҳам. Сенинг ашулаларингни ҳеч ким яхши кўрмайди, тушундингми? Энди тўғриси айт, қорнинг очми?— деб сўради у тўсатдан меҳри товланиб.

Унинг юзи энди кўрқинчли туюлмас, ҳатто Самсон ҳам енгил тортиб, Катянинг кўлини қўйиб юборди.

Катя олдинга бир қадам ташлади-да, муштини Воробушкиннинг нақ тумшуғи тагига олиб бориб, бармоқларини ёзди. Унинг кафтида найча қилинган кичкина қоғоз парчаси бор эди.

— Олинг, бу сизга,— деди қиз сусткашлик қилаётган Воробушкинни шошилтириб.

Воробушкин қоғозни бармоқларининг учи билан чимдиб олиб, кўз югуртириб чиққач, худди эси оғиб қолган одамдек қизга меровсираб тикилди. Қизнинг кўлидан ушлади-да, чурқ этмай устахонага судраб кетди.

Четдан қараганда баҳайбат, қоп-қора одамхўр қўлга туширган ўлжасини уясига тортқилаб кетаётганга ўхшарди.

Катя унга зўрға етиб юрар, бироқ юзида кўркувдан асар ҳам йўқ эди.

Уларнинг орқасидан ҳаяжондан қалтираётган Самсон лўкиллаб борарди.

Учовлон ялангликдаги болаларни ҳайрону лол қилганча устахонага кириб кетишди.

Самсон билан Катя устахонадан чиқишганда қош қорайиб қолган эди. Улар ёлғиз эмасди. Ҳабашдек қоп-қора Митька меҳмонларни маррагача кузатиб қўйди. Болалар гўё эсини таниганидан буён яқин ўртоқ бўлишгандек гаплашишаркан, худди катталардек қўл олишиб хайрлашишди.

Қизча чап қўлини узатаркан, кулимсиради. Ўнг қўли яна мушт бўлиб тугилган, бироқ энди у қора болада душманлик хиссини уйғотмас, аксинча, меҳр билан тикилиб турарди.

Эртасига тонг ёришар-ёришмас жанговар дружина Дарё-бўйи этагидаги дарахтзорга йиғилди.

Болалар бир соатча кутишди, лекин уларнинг йўлбошчиси Митькадан дарак бўлмади. «Полиция» дарахтзорни ўраб олганда улар қўл кўтариб, муҳлат сўрашди.

«Жандармлар» «миршаб» билан маслахатлашишгач, уларга бир соат муҳлат беришди.

Дружинадагиларнинг ҳаммаси ўз сардорини излаб чошиб кетди.

Устахонанинг эшигига кулф урилган эди.

Болалар яқин атрофдаги кўчаларни айланиб чиқишди, лекин на сардорни, на Воробушкинни топишолди. Улар ноилож дарахтзорга қайтиб, бошлиқ қочиб кетганини айтишди.

Кураш қолдирилиб, ҳамма баробарига қочокни излагани йўлга чиқди. Сардор эса бу пайтда дарёнинг нарёгида эди. У ёввойи каптарларни тутмоқчига ўхшаб, ёпиб кўйилган қамоқхона черкови атрофида айланишарди. Ибодатхона эшиги олдидан унга қамоқхона рўпарасида лангар ташлаган қайиқ кўришиб турарди

Воробушкин кечгача сувга қармоқ солиб ўтирди. Балиқ қармоққа яқин йўламас, бироқ балиқчи овдан воз кечмас, сув бетига қалқиб турган пўкакка эмас, қамоқхона тепасида учиб юрган каптарларга тикилиб ўтирарди.

У дов-дастгоҳини йиғиштирган пайтда қармоққа умуман чувалчанг илинмагани маълум бўлди.

Бу фаромушлик уни ажаблантириб, кайфиятини бузгани ҳам йўқ.

Қайиқни қозикқа боғларкан, аллақандай куйни хуштакда хиргойи қила бошлади, у камдан-кам бундай кайфиятга тушарди.

Шу пайт эрталабдан бери ўз сардорини излаб юрган жанговар дружина Воробушкинга дуч келди.

— Камо қочиб кетди!— дея чуввос солди ҳаяжонланган бир неча овоз.

Воробушкиннинг қўлида занжир тушиб кетди ва жонсараклик билан орқага ўгирилди.

— Бу гапни қаердан топдинглар?— деб сўради Воробушкин совуққина.

— Эрталабдан бери қидирамиз, ҳеч қаерда йўқ. Била-

санми, Воробушкин, биз ўрмонда кутиб турдик, лекин у келгани йўқ. Устахонага борсак, кулф экан.

Воробушкин гапни охиригача эшитмади, ўгирилиб қайиқнинг занжирини олди-да, халқага кулф солмоқчи бўлди. Бирок кулф ҳадеганда мўлжалга илинмади, калит ҳам ҳадеганда жойига тушиб, бурала қолмади.

Ниҳоят, қайиқни боғлаб қўйгач, у қаддини ростлаб сўради:

— Демак, алдабди-да? Энди нима қилмоқчисизлар?

— Биз бошқа сардор сайлашга қарор қилдик. Камо дўстларини алдамайди.

— Балки эсидан чиқиб қолгандир?

— Камо ҳеч нарсани эсдан чиқарган эмас.

— Тўғри қарор қилибсизлар, — дея уларнинг фикрини қувватлади Воробушкин.

Уйга қайтишаётганда улар Митькага дуч келишди.

У овдан икки қўлини бурнига тикиб келарди. Омадсиз балиқчи билан овчи шодон кўз уриштириб олишди.

Жанговар дружина тўла-тўқис ҳолда улар билан бирга одимларди.

Ҳеч ким сардорга лом деб сўз қотмади, ҳатто унинг пайдо бўлганини пайқамаганга ўхшашарди.

Воробушкин болалар билан устахона яқинида хайрлашди.

— Бугун кеч бўлди, эртага келинлар, қароринларни амалга оширамиз.

Митька олдин Воробушкинга, кейин ўз сафдошларига назар солди, бироқ Воробушкиндан садо чиқмади, жангчилар эса ўз бошлиғига қараб ҳам қўймай, бурилиб кетишди.

— Биз сени... қочок сифатида ўзгартиришга қарор қилдик, — дея тушунтирди Воробушкин болалар нари кетишгач.

Митька бирдан юлкиниб, болаларнинг орқасидан югурди. Воробушкин уни тўхтатишга уринмади ҳам.

Митька йигирма-ўттиз қадам жойгача бориб тўхтади. Оғайниларининг орқасидан бир оз тикилиб тургач, шошилмай изига қайтди. Воробушкиннинг ёнига келгач, чўнтагидан худди кеча Катя олиб келгандек найча қилинган хат чиқариб катта кишилардек маъноли кулимсиради.

Воробушкин хатни авайлаб оларкан, узоқ вақтлик дўстлиги бадалида биринчи марта боланинг елкасидан кучди. Митька бошини кўтариб Воробушкиннинг ёшариб, чиройли бўлиб кетганини кўрди.

Эртасига кечки пайт Дарёбўйининг деярли ҳамма боласи ўзларига янги бошлиқ сайлагани устахона олдига йиғилди.



Уларнинг орасидаги собиқ бошлиқ гап-сўзларга қўшилмай ўтирарди.

Жангчилар унга эътибор беришгани ҳам йўқ. Янги сардор танлаб, ҳар кимга вазифа тақсимланган пайтда ҳам у ҳеч кимнинг эсига келмади.

Жиззаки, иззатгалаб Митька бу ишларни ўта хотиржамлик билан кузатиб ўтирарди. Воробушкин унга бир неча бор кўз ташлаб, юзида на афсус, на ранжиш ифодасини кўрди.

Митька болаларнинг гапларига астойдил кулоқ солар, ора-чора розилигини билдириб, бош ирғаб кўяр, худди катта кишилардек, ўзини бу ерда юз бераётган аҳамиятсиз воқеаларга қизиқмаётгандек тутарди.

Мўлжалланган қизикарли ўйинни ўйнаш насиб этмади. Эрталаб дарахтзорга келган болалар осиб қўйилган одамга дуч келишди. У заводда ишлайдиган, сиёсий қарашлари учун бир неча марта қамокда ётган, бутун Дарёбўйига танилган киши эди. Энди у икки кўлини ёнига тушириб, тилини чиқарганча бошини қийшайтириб турарди. Оқ пахтаси чиқиб кетган шишадек йилтироқ кўзлари билан у худди оёғи остидан нимадир излаётганга ўхшарди.

Унинг орқасига «Иуда» деб ёзиб қўйилган эди.

Полициячилар жасадни кўздан кечиришгач, олиб кетишди ва шу кунгек яна қамокқа олишлар бошланди.

Эртасига эрталаб, тонг ёришар-ёришмас турли овозлардаги гудок чалиниб, ишчилар заводга томон оқиб кела бошлади. Лекин одамлар бугун қўлтиғига тугунчаларини тикиб югуришмас, худди байрамдагидек оҳорли кийиниб, бамайлихотир юришарди.

Одамлар корхона дарвозалари олдида тўдалашиб, юролмай тўхтаб қолишди.

Саф оралаб ҳар хил гап-сўз, қичқириқлар эшитила бошланди.

— Иш ташлаймиз! Қамокқа олинганларни чиқариб юборишмагунча иш бошламаймиз!

Завод эгалари ўша кунгек жандармерия полковнигининг ҳузурига киришди.

Ранги заҳил, турқидан касаллик ёғилиб турган полков-

---

<sup>1</sup> Иуда — устози Исо пайгамбарга хиёнат қилган шахс.

ник уларни ўтиришга таклиф этаркан, кулимсираб сўради:

— Ҳа, ташвишга қолдингларми?

Завод эгалари уч киши эди. Уларнинг энг семиз, энг бетоқати худди бу саволдан қаттиқ ҳақоратлангандек қизариб, йўғон гавдасига ярашмаган ингичка овозда чийиллади:

— Биз армия учун, мудофаа учун ишляпмиз! Шошинч буюртмалар олганмиз, сиз ишчиларни қамаб, ғалва чиқаряпсиз, бизга халал беряпсиз!

— Ташвишланманглар, жаноблар, ташвишланманглар,— илмоқли гап қотди полковник.— Мен ҳам мудофаа учун хизмат қиламан, ишонинглар,— у суҳбатдошларига бир-бирлаб кўз югуртирди.

— Ахир биз иш ташлаш чўзилиб кетишига йўл қўёлмаймиз. Буюртмани вақтида етказиб бермаганимиз учун жарима тўлаймиз, полковник,— бу сафар босиқлик билан тушунтирди хомсемиз.

Полковник бошини қийшайтирганча кулочини ёзди.

— Мен савдогар эмасман, жаноблар, лекин бир нарса ни — фойданинг чиқими ҳам борлигини биламан,— полковник яна бошини кўтариб, ҳаммага бирма-бир кўз ташлади.— Агар бу ғалаёни тўхтатишнинг чорасини топсанглар, сизлардан ғоят миннатдор бўламиз, жаноблар.

— Муҳтарам полковник, Петр Владиславович,— ҳасратомуз нола қилди хомсемиз.— Ахир улар қўлга олинганларни қамоқдан чиқариб юборишни талаб қилишяпти. Бизнинг кўлимиздан нима ҳам келарди. Қамоқхона сизнинг ихтиёрингизда-ку.

— Сизлар иш ҳақини оширамиз, деб кўринглар, балки ён ботишар,— дея маслаҳат берди полковник.

— Сиз яна одамни майна қиляпсиз,— хомсемиз қизариб-бўзариб ўрнидан турди.

Шериклари ҳам ўридан кўзгалишди.

— Ҳозир юрагимизга ҳазил-мутоиба сигмайди. Биз армиянинг буюртмаларини бажаролмаяпмиз. Ҳозироқ ҳарбий министрликка телеграф орқали хабар қиламиз.

— Қўйинглар, хафалашиб юрмайлик, жаноблар,— деди полковник муросасозлик билан.— Мен сизларнинг ҳам манфаатингизни ҳимоя қиламан. Бу ғалаён кўпга бормади. Гапимга ишонаверинглар. Уларнинг бошлиқлари йўқ. Ҳаммаси уёқда... қамоқда. Агар биз ён босиб, лоақал бир қисмини чиқариб юборсак, кейин нималар юз беришига кафиллик беролмайман. Ҳозирча бу гап икки-уч кунда бир ёқли бўлади... Ўтиринглар, нега тик турибсизлар, жаноблар?

Улар уруш, маҳаллий ва тахт янгиликлари ҳақида бир оз гаплашиб ўтиришгач, дўстона хайрлашишди.

Айтилган икки-уч кун ҳам, кетидан яна тўрт кун ҳам ўтди. Иш ташлаш барҳам топгани йўқ. Завод эгалари бир оз сабр қилишгач, яна полковникнинг хузурига отланишди. Уларни ротмистр кутиб олди. Полковник касал экан. Ротмистр хижолат бўлиб ғалаёнчиларнинг орасида йўл кўрсатувчилар топилиб қолганини, энди уларни аниқлаш зарурлигини, бу ишни тез орада амалга ошириб, ғалаёнга дарров барҳам берилажагини айтди.

Бироқ полициянинг ғалаёнчилар йўлбошчиларини топиб, қамоққа олишга уринишлари зое кетди. Йўлбошчилар ўзларини мутлақо фош этишмади.

Тажрибали изкуварлар ҳам нима қиларини билмай боши қотди. Шу пайтгача улар бу қадар пухта ниқобланган ташкилотга дуч келишмаган эди. Иш ташловчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати пухта ўйланган режага асосланган бўлиб, ўқ томирини топишнинг сира иложи йўқ эди. Деярли бир-бири билан гаплашмаётган бир неча минг иш ташловчи битта одамдек иш тутарди. Дарёбўйиликлар худди ишга келгандек завод олдига йиғилишар, штрейкбрехер<sup>1</sup> ларни ҳамжихатлик билан қувиб солишарди.

Фақат довдир Воробушкингина бир четда юрар, болаларга кўшилиб кўча-кўйда тентирар, улар билан каптар учирар, кўпинча эртадан кечгача дарёга қармоқ ташлаб ўтирарди.

Дудуқ бола билан малласоч қиз Дарёбўйига ўрганиб қолишди.

Катя Митя билан бирга жамоа каптархонасига бемалол кириб-чиқиб юрар, табиатан қизғанчик, такаббур бола бу қизнинг каптархонага эга чиқиб қолганидан оғринмасди. Катталар эса дарёнинг нарёғидан келган бу болаларга ёвқараш қилишарди.

Дарёбўйиликлар шу кунларда ҳар қандай ёт кимсадан ўзларини олиб қочишар, ҳатто ҳамма жойга бош суқиб, изғиб юрадиган малла болаларга ҳам шубҳа билан боқишарди.

Бир кун, иш ташлаганлар завод дарвозаси олдида тўпланган пайтда, Самсон билан Катя ашула айтиб беришмоқчи бўлишди. Лекин тўдадагилар уларни оғиз очгани кўймай чуввос солишди:

— Хайда-а! Нима бор экан уларга! Шундоқ ҳам қонига ташна бўлиб турибди одам!

---

*Штрейкбрехерлар — иш ташлаганларга хиёнат қилганлар*

Лекин болаларга яқин турганлар уларни ҳайдашга шошилишмади.

— *Трансваль, трансваль! Ватаним менинг,*— кўнғирокдек овозда берилиб куйлади қизча. Самсон худди хушовоз қушдек ажойиб хуштак чаларди. Шовқин-сурон бирданига тинди-қолди:

*Тўнғич ўғлим оқсоч мўйсафид,  
Аллақачон ўлди жангда.  
Кенжам эса ўн уч ёшида,  
Талабгор бўлди жангга.*

Бутунлай ёд бу кўшиқ ҳозир аллақандай нозик туйғуларга таъсир этиб, хаёлларни тўс-тўс қилар, шубҳаларни йўқотиб, олдингисидан бошқача, бутунлай янги фикр уйғотарди.

Шу қадар жимлик чўқдики, ҳатто тўданинг энг охирида турганларга ҳам ҳар бир сўз, ҳар бир оҳанг бемалол этиб борар, жимликни ора-чора эшитилган чуқур хўрсиниш бузиб кўярди холос.

Болалар ашуласини тугатиб, жимиб қолишди. Одамлар эса уларнинг яна куйлашини кутиб, сўзсиз тикилиб туришарди. Лекин артистлар бошқа кўшиқ айтишмади. Шунда томошабинларнинг кўпчилиги чўнтақларини ковлаштира бошлашди. Аллақачон ҳар бир тийин ҳисоб-китобли бўлиб қолган эди.

Ерга дастлабки беш тийинлик жиринглаб тушиши билан қизча дарров пулни олиб, эгасига қайтарди.

— Ие, ҳа? Камми?

Қизча бош чайқади, кейин худди катта кишилардек бошиқлик билан жавоб берди:

— Иш ташлаш тугасин, кейин... Ҳозирча пулсиз айтаверамиз.

Ўшандан буён болалар уларга эл бўлиб кетди, ҳатто яхши кўриб, «маллавоёлар» деб атай бошлашди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтар, полиция билан изқуварлар ҳамон ғалаёнчиларнинг бошлиқларини топишолмасди. Дарёбўйиликларнинг ейишга нони қолмадию, бироқ ҳамон ишлашдан бош тортишарди.

Жандармларнинг жиғибийрони чиқар, пойтахтдаги бош-

ликлар бу аҳволдан норози эканликларини баён этишарди.

Фақатгина қамоқхона бошлиғи яйраб юрарди.

Маҳбуслар худди ташқарида бўлаётган воқеалардан хабари йўқдек ўзларини ҳаддан ташқари хотиржам тутишарди.

Кейинги пайтларда ҳатто энг жанжалкаш маҳбуслар ҳам юввош тортиб, итоатгўй бўлиб қолишди. Жанжал, тўполону бебошликлар бутунлай барҳам топди.

Маҳбусларнинг ҳаммаси қамоқхонага ўрганиб, шароитга мослашиб қолганга, тақдирга тан бериб, озодликни бутунлай хаёлидан чиқариб юборганга ўхшашарди.

Қамоқхона бошлиғини полковникнинг ҳузурига чақиртиришди. У ҳарбий либослари торлик қилиб қолганидан терга ботганча қамоқхонадаги тинчлик-хотиржамлик ҳақида ахборот берди. Хўппасемиз, хум бошида биронта туки қолмаган, семизлигидан юмилиб кетган қисқ кўзли, юзи баркашдек бу одам худди буддага ўхшарди.

У оромкурсида ўтираркан, бошлиғининг хурматини жойига қўяр, лекин ўзини қадр-қимматини биладиган одамдек тутарди.

Бошлиқ-жандармерия полковниги, қотма, неча ёшдалигини билиб бўлмайдиган, заҳил юзи унниққан, калта кесилган қорамтир сочлари типратикондек хурпайган одам — ёзув столининг орқасида ўтирарди.

Унинг кекирдаги туртиб чиққан ингичка бўйни бошини тўғри тутиб туролмайдиганга ўхшар, полковник калласини икки кўллаб тутамлаганча дум-думалоқ, жигарранг кўзларини қамоқхона бошлиғидан узмасди.

Қамоқхона бошлиғи гапини тугатиб, жим қолгач, полковник ўрнидан турди, ходимига қарамай, уёқдан-буёққа узоқ юрди, кейин кескин бурилиб, яқин келди-да, худди биринчи марта кўраётгандек кўздан кечира бошлади.

Ўзини эркин, бепарво тутиб ўтирган қамоқхона бошлиғи бирдан ўзгарди.

Унинг ранги бўзариб, кўкариб кетди, лунжини шишириб, ўтирган жойида жуссасини бир пайтларидаги хипча ҳолига келтиришга беҳуда уринди.

Полковник бир-бирига яқин жойлашган жигарранг кўзларини ходимига тикиб тураверди.

— Демак, сизнингча қамоқхонада тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётган экан-да?— паст, лекин ҳиссиз овозда, ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб сўради у.

— Худди шундай!— қамоқхона бошлиғининг овозида илгариги қатъият йўқ эди.

— Демак, сиз махбусларингизнинг ташқари билан алоқаси борлигидан беҳабарсиз?

Қамоқхона бошлигининг кичкина, қисик кўзлари аста-секин катталаша бошлади, яна бир лаҳзадан кейин кўркув ва ҳайратдан дум-думалоқлашиб, кўргошин тусини олди-да, полковникка бакрайиб қолди.

У чурқ этолмас, фақат семиз, қон томиб турган яноғининг пайлари билинар-билимас учарди.

— Мен қамоқхонанинг ташқари билан доимий алоқаси борлигидан хабардорман. Доимий алоқаси бор. Тушунарлими?— дея таъкидлаб сўрарди жандарм.

— Бунақа бўлиши мумкин эмас,— қамоқхона бошлиғи худди лабини кимирлатмасдан гапира оладиган одамдек бўғиқ овозда гап қотди-ю, бирданига бўшашиб, жиққа терга ботди.

— Рост айтасиз, бу нарса бўлмаслиги керак, лекин бахтга қарши алоқа ўрнатилган.

Полковник айтаётган нарсаларининг ўзига тариқча алоқаси йўқдек ҳамон бамайлихотир гапирарди.

Қамоқхона бошлиғи бамисоли мурвати бураб юборилгандек ўрнидан туриб кетди. Жиққа терга ботиб, оғир тортган бу одам кичкинагина, қотма жандарм олдида худди безгак тутгандек тишлари такиллаб, қалтирай бошлади.

— Бу гапга ишонишдан бош тортаман,— йиғламоқдан бери бўлиб мингирлади у.— Шунча йиллик хизматим мобайнида бунақа воқеа бўлган эмас. Бирон хатога йўл қўймадикмикан?

— Ўзингизни босинг!— деди полковник сал юмшаб.— Афсуски, мен янглишмаётганимга тўла асос бор. Зудлик билан ким воситачилик қилаётганини аниқлаш керак. Биронта хизматчингиздан гумонингиз йўқми?

— Жаноб полковник, бизда ҳар бир одам юз марта чигириқдан ўтказилган! Ҳаммаси эски хизматчилар! Бундай хаёлга боришнинг ўзи мумкин эмас...— хўрликдан қамоқхона бошлигининг овози титраб кетди.

— Сиз ҳаддан ташқари ишонувчансиз. Бизнинг ишимизда бу гуноҳи азим,— полковник шартта унинг гапини бўлиб, яна хонада уёқдан-буёққа юра бошлади.

Ўша кундан эътиборан қамоқхона бошлигининг ҳаловати йўқолди. Уни ҳар куни полковникнинг ҳузурига чақиртиришар ва у ҳар сафар қамоқдагиларнинг ташқаридагилар

билан алоқаси борлигига яна бир карра амин бўлиб қайтарди.

Қамокхонада айғоқчилар изғиб юришар, бундай алоқани фош этган одамга мукофот ваъда қилинган эди.

Назоратчилар энди маҳбуслардан кўра кўпроқ бир-бирини пойлашар, ҳатто қамокхонада ишлайвериб пихини ёрган эски ходимларни ҳам ишга келиб-кетишаётганида тинтиб кўришар, худди жиноятчидек шир-яланғоч қилиб, кийим-кечакларини текшириб чиқишарди.

Бирданига маҳбуслар ҳам текширувдан ўтказилиб, тинтиб чиқилди.

Полковникнинг шахсан ўзи қамокхонага келиб, йўлакда сассиз айланиб юрар, ҳар бир одамни кузатар, ҳамма нарсани сўраб-суриштирарди. Ҳатто назоратчилар унга «Сасиққузан» деб лақаб ҳам қўйишди.

Кечаси қамокхонадаги ҳар қандай фаолият тўхтаган, маҳбуслар ўрнига кирган пайтда шу қадар жимлик чўқардики, ҳатто юмшоқ пойабзал кийган назоратчилар билинтирмай келиб, тирқишдан мўралашлари қийин бўлиб қолди.

Назоратчилар кундузги ташвишлардан ҳориб-чарчаб, юмшоқ ўринда дам олишар, деворлар секин тиқиллар, элас-элас эшитилувчи овозлар бир дақиқа ҳам тинмасди.

«Қамокхона телеграфи» тўхтовсиз ишларди.

Тиқирлаган овоз хонадан-хонага ўтар, маҳбуслар бир-бирини янгиликлардан хабардор қилишарди.

Эрталаб ва кечкурун доғ сув билан кечки овқат тарқатиладиган пайтда навбатчи назоратчи банд бўлар, қамокда узун соқол қўйиб юборган паст бўйли, озгин маҳбус дарчани очар, секингина хуштак чалганча оқ каптарни боқарди.

Оқ каптар энди одатдагидан уч хисса кўп овқат ерди. Уёқда, гумбаз остида, тўсин панасидаги похолу навдалардан қурилган уяда катта, узун тумшукли иккита оч полапон ютокиб ётарди.

Чинкаптар билан кичкина пўпакли кулранг каптар уларга тўхтовсиз озиқ ташишарди. Полапонлар тез улғайишар, егани юк бўлмас, шу боис дам-бадам овқат талаб қилишарди.

Чинкаптар шериклари билан ҳовлида дон изламас, дераза тоқчаси-ю, қоровулхона чордоғида овқат мўл-кўл эди, лекин шунга қарамай очофат болаларини тўйғазолмас, эртадан кечгача ўрганган жойларига зир қатнарди.

Найча қилиб, қаноти остига боғлаб қўйиладиган хат учишига ҳалал бермасди.

Бундай хатлар баъзан кунига бир неча мартадан алмашар, лекин уларнинг вазни билан ҳажми сира ўзгармасди.

Қамоқхона бошлиғи жандармерия бошқармасидан чиқиб, уйига пиёда қайтди.

Бугун полковник кўрслик қилиб, ер тепинди.

Қирқ йиллик хизмати мобайнида бошлиқлар у билан биринчи марта шундай гаплашишди. Қалтис вазият уни дадиллантириб юборди, полковникка ўз одамларининг кафилини олажагини шартта айтди-қўйди.

— Ходимларимнинг мутлақо айби йўқ. Ҳаммасини ўзим танлаб олганман. Уларни йиллаб синовдан ўтказганман, ҳар бирига каллам билан жавоб бераман. Ходимларим орасида инқилобчилар йўқ, жаноб полковник, улар ҳеч кимга воситачилик қилишмайди.

— Бўлмаса, зағизгон думида хат ташиб юрган экан-да, шундайми?

Полковник тутақиб, ер тепинганча бақириб-чақирди.

— Сиз бу лавозим учун қариб қолмадингизмикин, деб кўрқаман!— деган хитоб эшитилди хонадан чиқаётган қамоқхона бошлиғининг орқасидан.

У извошчини жўнатиб юборгач, пиёда кетаркан, яқиндагина бўлиб ўтган гап-сўзларни эслади. Кейинги ҳафталар ичида у бирданига чўкиб қолди. Семиз лунжларини таранг тортиб турган териси, лорсиллаган бағбақаси қат-қат қатланиб, шалвираб тушди. Ҳатто одат тусига кириб кетган ҳарбийчасига ўктам юришларидан асар ҳам қолмади. Қадди букчайиб, кичрайиб қолди, оёқларини судраб босганча майда кадам ташлаб секин одимларди.

У қамоқхона ҳовлисида худди видолашаётгандек таниш бинонинг майда-чуйдасигача диққат билан кўз югуртирди. Бошлиқнинг таҳдиди уни гангитиб қўйди, ўзини аллақачон ишдан бўшатилгандек ҳис этарди.

Умрининг асосий қисми шу қамоқхона билан чамбарчас боғлиқ. У қирқ йил муқаддам унтер офицер унвонида истеъфога чиқиб, шу ерга ишга келди. Бу давр ичида касбдошлари бир неча бор алмашинди.

Қўлидан минглаб маҳбус ўтди. Бу ерга эндигина мўйлаби сабза урганда келиб, мункиллаб қайтиб кетганларни ҳам кўрди.

Бу орада қамоқхона уч марта қайта қурилди, жиҳозларни, тартиб-қоидаларни, одамларни ўзгартиришди. Лекин у ҳеч қаёққа кетмади.

Қирқ йиллик хизмати мобайнида бирон марта танбеҳ эшитгани йўқ, қоидада кўзда тутилмаган биронта тартибсизлик қилмади, ҳеч қачон кўнгилчанликка йўл қўймади.

Раҳбарлар хизматларини муносиб тақдирлашди, йигирма йил ичида у кичик назоратчидан энг яхши қамоқхона-



нинг бошлиғи даражасига кўтарилди. Ундан иш ўргангани келишарди. У полицияда ҳамisha энг камёб одамлар қатори кадрланарди, мана энди тўсатдан қариб, кераксиз бўлиб қолибди.

Тўғри, у бемалол пенсияга чиқиб кетиши мумкин, бироқ бу нарса шунча йилдан бери ўрганиб қолган чекланмаган имтиёзлар ўрнини боса олармиди?

Қирқ йил ичида у қамоқхонага сингиб кетди, ҳовлининг ҳар бир бурчаги унга таниш, кадрдон, хотираларига уйқаш эди. Бу ерга келгунча ўтган умрини у сира ҳам эсламасди, эҳтимол бир неча кундан кейин қадам босиши тақиқланар.

У чоғда кадрдон ҳовлини, панжарали дераза ўрнатилган майда-чуйдасигача таниш деворларни, ҳатто дераза раҳию пештоқларда изғиб юрадиган мана бу каптарларни ҳам қайта кўриш насиб этмайди.

Қамоқхона бошлиғининг димоғи ачишиб, ёноғига ёш оқиб тушди. У шоша-пиша чўнтагидан катак дастрўмол олиб силкитди-да, кўзини артди.

Ҳовлининг турли чеккасидан бирон нарса берармикин деган илинжда каптарлар ёпирилиб келишди.

Мўйсафид чўнтагини ковлаштиради, каптарларга увоқ ташлай туриб, ўйланиб қолди.

Ҳар куни каптарларни боқадиган ўзидан олдинги бошлиқ ёдига тушди. Ушандан буён каптарларнинг қанча авлоди ўтиб кетди. Бу қушларни у ҳам яхши кўрарди.

Каптарлар нақ оёғи остида ўралашиб юришарди. Нимаси биландир унга ўхшаб кетадиган семиз кўк каптар думини ёйганча асфальтни супуриб, мода каптарнинг орқасидан эргашиб юрарди.

Мўйсафид унга тикилиб қолди.

Бошлиқнинг: «Зағизғон думида хат ташиб юрган эканда», — деган таънаси ёдига тушди. Тўсатдан йилт этган фикрни илғаб олишга уриниб, кўзларини пирпиратди, каптарларга бутунлай бўлакча қизиқиш билан тикилди. Паррандалар қамоқхона устида галалашиб учишар, деразалар раҳига, пештоқларга кўниб, ҳовлида йўргалаб юришарди.

Мўйсафид худди йўлини давом эттириш олдидан юки оғирлик қилиб ҳориган отдек, бош чайқаганча хонасига кириб кетди.

Эртасига эрталаб кекса қамоқ назоратчиси яна ҳовлида пайдо бўлди.

Хали жуда барвақт, қуёш дарё орқасидан эндигина кўтарилиб келар, қиялаб тушаётган нур деворларга худди сарғимтир доғдек чапланиб қоларди.

Шабнам тушган қорамтир асфальт йилтирар, ҳовли сатхию томлардан енгил ҳовур кўтариларди.

Мўйсафид девор тагидаги куёш тафтида исиб қолган жойни танлади. Худди мушукдек кўзларини қисиб, шапкасини ечди-да, думалок ярғоқ бошини офтобга тутди.

Жандарм либосидаги хизматчи катта қора идишни олиб чиқиб, мўйсафиднинг ёнида турган курсига қўйди.

Кўп ўтмай қамоқхона устида дастлабки каптарлар кўринди. Туни билан очиққан қушлар гумбаздан ҳовлига қараб ўқдек учишарди.

Кўпларининг уясида полапонлари чирқирашар, ота-оналари кўпроқ озик ғамлаб олишга ошиқишарди. Улар ҳар кунгидек ўзларини уёқдан-буёққа уриб югурмас, бетоқатлик билан ҳовли рўясидаги увоқларни териб олгани шошилишарди.

Мўйсафид идишнинг қопқоғини очиб, қуюқ қилиб пиширилган сўк бўтқадан ёғоч қошиқни тўлдириб олди-да, ерга сочиб, каптарларни чақирди.

Кечагина унинг оёқлари остида ўралашган катта кўк каптар овқатга биринчи бўлиб ташланди. Ёнидаги каптарнинг тумшуғи тагида турган каттагина лўқмани олиб, лиқ этказиб ютди-ю, яна тумшуғини чўзди. Тўсатдан худди бир нарсадан чўчигандек тепага сапчиб, қанотларини силкитди, бироқ юқорига кўтарилолмай қанотларини ёйганча бўтқанинг устига қулади. Яна беш-олтита каптар пайи тортишаётгандек титраб-қақшаганча унинг ён-верида чўзилиб қолишди.

Мўйсафид бўтқани бамайлихотир қошиқлаб оларкан, ҳовли рўясига сочиб чиқди. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас ҳаммаёқ каптарларнинг ўлигига тўлиб кетди.

Маргумуш солиб пиширилган бўтқа тил торттирмай ўлдирарди. Кечга бориб гумбаз бутунлай ҳувиллаб қолди.

На шовқин-сурон, на безовта қанот қоқишлар, на жой учун муттасил кураш саси келар, фақатгина чекка-чеккадан оч қолган полапонларнинг зорланиб чийиллашлари эшитилар, тўсинга қўниб турган ёлғиз оқ каптар секин-секин силкиниб қўярди.

Пўпақли кулранг каптар биринчилар қатори қари кўк каптар билан ёнма-ён ҳовли ўртасида узала тушди.

Черков қоровулхонасининг томига сепилган дон шу бўйича ейилмай қолиб кетди.

Самсон билан Катя қуни билан каптарларнинг йўлига кўз тикишди, бироқ улардан дарак бўлмади.

Болалар эрталаб каптарлар галалашиб қамоқ томон учиб ўтишганини кўришган, лекин биронтаси ҳам изига қайтгани

йўқ. Фақатгина чинкаптар икки марта учиб келди-ю, кечга яқин гумбаз остига кириб кетди.

Бошқа каптарларнинг қамоқхона тепасида ҳам, черков устида ҳам қораси кўринмади.

Бу нарсадан хабар топган Воробушкин безовталаниб қолди. Эртасига ҳали куёш кўтарилмасидан у балиқ овига отланди, қайикни қамоқхона рўрпарасидаги эски жойида тўхтатди.

Лекин бу сафар кўп балиқ овлагани йўқ, ҳали куёш чиқиб улгурмасидан кирғоқ томонга қараб эшди. Қамоқхона билан черков оралигида муттасил учиб юрадиган каптарлар галасидан ном-нишон йўқ эди. Фақат ёлғиз оқ каптаргина қамоқхона устида бир кўриниб, очик дарчадан ичкарига кириб кетди.

Воробушкин қайикдан сакраб тушди-да, худди орқасидан биров қувлаётгандек уйига қараб чопди.

Уйига етиб келгач, кеча тайёрлаб қўйилган юпка қоғозни очиб, шоша-пиша бир неча жумла ёзди.

Бир дақиқадан кейин Митька черков коровулхонаси томон ўқдек учди.

Кундузи ўз хонасида ўтирган қамоқхона бошлиғи деразадан оқ каптарни кўриб қолди. Каптар ҳовли тепасида бир айлангач, пештоққа келиб қўнди. Мўйсафид сўк бўтқани олиб ҳовлига чиқди.

Пештоққа кўниб турган каптар ғойиб бўлган эди.

Қамоқхона бошлиғи хонасига кириб, яна ўз ишлари билан машғул бўлди.

Бир оздан кейин бошини кўтариб, яна ўша каптарга кўзи тушди.

Чинкаптар илгариги жойига кўниб, силкина-силкина патларини тозаларди. Мўйсафид бу нарса рўё эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун кўзларини пирпиратди, бироқ ҳовлига чиққанида яна каптарни учратмади.

Сирли равишда кўриниб, ғойиб бўлаётган каптар қамоқхона бошлиғини қизиқтириб қўйди, у кунни бўйи хаёлидан чиқмади.

У дераза олдида ўтириб, каптарни кута бошлади. Қуш фақат кечки пайт учиб келди.

Мўйсафид яна сўк бўтқани кўтариб, шоша-пиша ҳовлига чиқди.

Каптар чеккадаги хоналардан бирининг деразаси тагида турарди.

У саҳоват билан тутилган сўк бўтқага қайрилиб қара-

мади ҳам, дераза раҳида ҳурпайганча бўшашиб турар, жойидан қимирлагиси келмасди.

«Беҳ... беҳ...» деган овозни эшитиб, у эринчоклик билан пастга қараб қўйди, кейин оғзини катта очиб, қанотларини ёзиб керишди.

Найча қилиб, қанотининг остига боғлаб қўйилган хат лип этиб кўринди, қари назоратчининг мушукникидек ўткир кўзлари шу оний лаҳзада уни илғаб улгурди.

Худди ток ургандек сапчиб тушди, қўлидаги идишни ташлаб, бино ичкарасига кириб кетди.

Бир оздан кейин у милтиқни чангаллаганча томга чиқдида, пусиб, каптарнинг пайдо бўлишини кута бошлади.

Чинкаптарни ундан бошқалар ҳам кутишарди.

Қамоқхонадан икки юз одимча наридаги пастак қоровулхона томида Самсон билан Катя унинг йўлига кўз тикиб ўтиришарди.

Воробушкин кечаёқ уларга чинкаптардан кўз-қулоқ бўлиб туришни, назардан қочирмасликни буюрди.

Қора Митька ҳам черков атрофида айланиб, каптарга кўз солиб юрарди.

Болалар чинкаптарнинг гумбаздан чиқиб кетганини кўришди, энди унинг қайтишини бетоқатланиб кутишарди.

Қамоқхона томидаги мўркон орқасида пусиб ўтирган милтиқли кишини улар бараварига кўриб қолишди.

Каптар эса шошилмас, полапонларининг қорнини тўйғазгани учун гумбаз остига киргиси келмасди. Қорни тўқ чинкаптар дераза раҳида патларини силкитиб тозаларкан, ҳазми таом қиларди. Кейин қанот қоқиб, оҳиста учди, шу заҳоти томдаги уёқдан-буёққа бориб келаётган узун сояга кўзи тушиб, бирдан юқорига ўрлади.

Болалар томдаги киши милтиқ кўндоғини елкасига тираганини кўришди.

Чинкаптар ҳам уни пайқаб, янада шиддат билан тепага қараб учди.

Милтиқли киши узоқ мўлжал олди. Болаларнинг кўнглида милтиқ отилмаса керак, деган умид уйғонди. Тўсатдан чинкаптар худди бир нарса туртиб юборгандек қалқиб кетди, шу заҳоти кетма-кет отилган иккита ўқ овози эшитилди.

Каптар йўналишини ўзгартирмади, фақат қанотларини тез-тез силкитганча янада юқорига ўрлай бошлади.

Самсон Катянинг қўлига ёпишди, ҳаяжондан гапиролмай ҳадеб бармоғи билан каптарга ишора қиларди.

Каптар эса ботаётган куёш нурида оппоқ қанотларини товлантирганча худди қамоқхона назоратчиларининг

атайлаб жигига тегмоқчидек олдинга эмас, ўқдек юқорига қараб учар, ҳаво бўшлиқларига сингиб кетмоқчидек кичрай-гандан-кичрайиб борарди.

Тўрт жуфт кўз унинг парвозини кузатиб, киприк қоқмай турарди.

Кекса қамоқхона назоратчиси баланд том тепасида милтиқни чангаллаб турарди. Энди отган ўқи каптарга тегиши даргумон. Самсон билан Катя пастак бинонинг томида нафасини ичига ютганча қимир этишмасди. Митька эса черковнинг эшиги тагида тош қотган.

Тўсатдан чинкаптар худди кўзга кўринмас тўсиққа дуч келгандек қотиб қолди, сўфитўрғайдек бир жойда муаллақ туриб, қанотларини пирпиратди, кейин шалвираганча чирпирак бўлиб, пастлай бошлади. Аввалига секин, кейин отилган тошдек шувиллаб учди.

Қизчанинг юзи доқадек оқариб кетди. Самсон кафтлари билан юзини яширганча оҳ деб юборди.

Чинкаптар чир-чир айланиб, борган сари пастлар, болалар эса ҳали ҳам унинг бирданига қанотларини кенг ёзиб, бир тўлганиб яна кўкка парвоз этишидан умидвор эди.

Ана, у кўз олдиларидан лип этиб ўтди-ю, буталарни шатирлатганча ерга гурс этиб тушди.

Шу заҳоти иккала том билан черков олдида турганлар кўздан ғойиб бўлишди. Самсон билан Катя ҳаммадан олдин етиб келди.

Ўқ теккан каптар узун, оппоқ қанотларини ёзганча ер бағирлаб ётарди.

Унинг ҳали ҳаёт асари сўниб улгурмаган мунчоқдек дум-думалоқ қора кўзлари болаларга ҳайрат билан тикилиб турарди. Катя қамоқхона дарвозасининг тамбаси сурилиб, дарвоза очилгунча ҳамда югуриб келаётган қадам товушлари яқинлашгунча каптарни кўлига олиб улгурди.

Қамоқхона бошлиғи ҳаммадан орқада қолди. Баланд бўйли икки жандарм ундан олдин етиб келди.

Ҳозиргина отилган қуш тушган жойдаги ўтлар сал-пал эзилиб, ерда биттагина оқ пат тушиб ётарди. Жандармлар ҳовли билан боғни тит-пит қилиб юборишди, ҳатто залварли осма қулф урилган қоровулхонанинг деразасидан ичкарига мўралашди, лекин каптарнинг бирон бир нишонаси топилмади.

Қоровулхона ҳам, ҳовли билан боғ ҳам ҳувиллаб ётар, фақатгина пастак зинада ўтирган озгин, малла бола була пирпаган йилтироқ кўзларини назоратчилардан узмасди.

— Каптар қани?— ҳали нафасини ростлаб улгурмаган қамоқхона бошлиғи болага ўдағайлади.

Бола кўрққанидан кўзларини пирпиратиб, миқ этмай ўтираверди.

— Каптар қани? У шу ерга келиб тушганини ўз кўзим билан кўрдим,— хаяжону тез югурганидан кекса назоратчи ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмасди.

У ўзини тутолмай қолди, жун босган семиз қўли беихтиёр боланинг томоғига ёпишди.

— Каптарни қаёққа беркитдинг, тезроқ гапир, ярамас, бўлмаса худди итнинг боласидек бўғиб ташлайман.

Бола дарров ўзини четга олди, бироқ йўғон, калтабақай бармоқлар елкасидан маҳкам тутамлаб улгурди.

Самсон тўсатдан орқага бурилди-да, назоратчининг сержун қўлига ёпишиб, бошмалдоғини гарч этказиб тишлади. Тиши этдан ўтиб, суякка бориб етди. Қамоқхона бошлиғининг ўрнида бошқа одам бўлганда дод деб юбориши турган гап эди. Бироқ у секингина ихраб, бармоғини тортиб олди-да, боланинг юзига мушт солиб, ағдариб юборди.

Самсон шу заҳоти ирғиб ўрнидан турди. Йиқилиб тушмаслик учун зинанинг панжарасини икки қўлаб ушлаб олди, оғриғу аламдан хира тортган кўзларини золим назоратчига тикканча ғўлдираб, қон туфлай бошлади.

Мўйсафид бамайлихотирлик билан яна мушт туширди. Бола ағдарилиб тушди, юзини ерга босиб, бошини чангаллаганча қимир этмай ётаверди. Бироқ уни ўз ҳолига қўйишмади. Бошмолдоғидаги оғриқ зўрайиб, қон сизиб чиққач, мўйсафид қутуриб кетди. Икки haftaдан бери жонидан ўтаётган алам бирдан жунбишга келиб, сиртга тепадиган аҳволга келди.

У боланинг гарданидан чангаллаб, ердан узиб олди.

— Бўғиб ўлдираман бу ярамасни,— дея вишиллади у шалвираб турган чалажон танани аёвсиз силкитаркан.

Боланинг ёрилган лаблари орасидан кўпик аралаш қон сизарди.

Ёнма-ён турган жандарм чидаб туролмай бошлиғининг энгини тортди.

— Кўп азият чекманг, жаноблари. Соқов-ку бу бола, сал эси пастроқ. Бекорга ўзингизни қийнаяпсиз.

Қамоқхона бошлиғи бармоқларини ёзди. Самсон худди кум солинган қопдек ерга шалоп этиб тушди.

Жандармлар ён-атрофни яна бир карра тинтиб чиқишгач, қуруқ қайтиб кетишди.

Кичкинагина қоғозга унинг отаси қуйидаги сўзларни ёзган эди: «Бугун ялпи очлик эълон қиламиз, сизлар билан

бирга курашяпмиз. Улар сиримиздан хабардор бўлиб қолишди. Ёзишмани вақтинча тўхтатинглар».

Катя каптарни бағрига босганча боланинг ёнига келиб, котиб қолган кўзларини ундан узмай серрайиб турарди.

Кўйлагининг каптарни босиб турган жойида думалок қизғиш доғ пайдо бўлган эди.

Ёлғизоёқ йўл жар ёқалаб иланг-биланг буралиб кетган. Йўлнинг бир томони ўт босган поёнсиз ўтлоқ, иккинчи томонидаги жар тубида эса кенг, тезоқар дарё гувилларди.

Сўқмоқдан йиғирма чоғли бола юриб келарди.

Кечаси қисқа муддатли сел ёғиб ўтган.

Эндигина кўтарилган куёш тафти ҳали ерни селгитиб улгурмаган, лекин ўтлоқдаги жониворлар ҳаётга ҳамду сано ўқирди. Қаердадир, юксак-юксакда кўзга кўринмас сўфитўрғайлар тўлиб-тошиб қуйлар, ҳавода, ўтлар орасида, бутая дарахтларда сон-саноксиз қушлар сайрарди... Минглаб асалариларнинг овози қушлар хонишини босиб кетолмас, лекин айни вақтда уларнинг сас-садосига қўшилмай бир меъёрдаги авжпардада гувулларди.

Ҳаммаёқда сон-саноксиз капалаклар қанот қоқишар, ҳатто ҳамиша пана-пасқамда гимирлаб юрадиган ола-була ўргимчагу курт-қумрсқагача офтобда тоблангани гиёҳларнинг учига чиқиб олишган эди. Ер селгигани сайин ўт-ўлан, гул, рутубат аралаш асал ҳиди гуркираб анқирди. Кўтарилган ховур худди булутдек бир жойга йиқилар, юксак-юксакда учиб юрган калхатлар эса қорамтир нуқталарга ўхшаб кўринарди.

Пастдаги дарёда якка-ёлғиз бир киши оқимга қарши эш-как эшарди.

Болалар оқимга қарши сузаётган қайиқнинг ҳаракатига мослаб гап-сўзсиз, оҳиста қадам ташлашарди.

Шаҳардан уч чақиримча нарида, ўтлоқ этагидан оқиб ўтган сой катта дарёга келиб қўшиларди. Шу ерга етганда кирғоқ бирдан юқорига ўрлаб, бурундек туртиб чиққан, ҳаддан ташқари тик жарга бориб туташарди.

Болалар ёпирилиб сув бўйига тушишди. Воробушкин қайиқни буриб, кирғоққа чиқди.

У қайиқдан тўрт бурчак тунука қути олиб, Катяга узатди. Қизча қутини авайлаб олди-да, сўқмоқдан юқорига қараб юрди.

Қолганлар турнақатор тизилиб, унинг орқасидан эргашди. Белкурак кўтарган Воробушкин сафнинг орқасида юриб келарди.

Тепалик устида танаси ғадир-будир, баҳайбат эманлар ўсиб ётар, совуқ шамол ернинг гардини супуриб, шоҳларни

шипшийдам қилиб кетган, дарахтларнинг остини худди кўпчиган жундек калта, дағал ўт қоплаган эди.

Қизча ялангликка етгач, қутини ерга қўйди.

Митька Воробушкиндан белкуракни олиб, чурқ этмай чуқур ковлашга киришди. Белкурак кум аралаш юмшоқ ерга осонгина ботарди, чуқурча ёнида бир зумда сарғимтир тупроқ уюми пайдо бўлди.

Қизча тиззалаб темир қутини очди.

Қутидаги янги тўшалган ўтлар устида ўкка учган оқ каптар ётарди.

У кўзларини юмганча бўйнини ғалати букиб, жонсиз қанотларини жуфтлаб олган эди.

Митька дам олмай, жуда тез ишларди, ҳаш-паш дегунча бир газ келадиган тўрт бурчак ўра тайёр бўлди.

Қизча эҳтиёткорлик билан қушнинг бошини тўғрилаб қўйди.

Митя қутини олиб, секингина чуқурга туширди.

Болалар давра қуриб, қабрни ўраб олишди-да, боши бошига теккундек бўлиб, пастга тикилишди.

Қуёш юқорига ўрлаб, қаттиқроқ қиздира бошлади. Бирин-кетин қушларнинг уни ўчиб, ўзларини соя-салқинга олишди.

Болаларнинг юзида бир хил, беадад ғусса муҳрланиб қолган эди.

Улар лабларини қаттиқ қимтиганча қилт этишмас, шу туришида қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшаб кетишар, ҳаяжондан энтикиб-энтикиб нафас олишарди. Қаердадир, дарёнинг нарёғида бир қуш тариллаганга ўхшаш овоз чиқариб сайрарди.

Орадан ярим соатча вақт ўтса ҳам ҳеч ким жойидан қимирламади, бироқ тўсатдан эшитилган шивирлаш худди буйруқдек жаранглаб, ҳаммани Катяга юзланишга мажбур қилди.

Эски куртқасининг этагини ғижимлаб, эзғилаётган Самсон кўркув тўла кўзларини Катянинг оғзига тикиб, киприк қоқмай турарди.

Қизча ҳеч нарсани сезгани йўқ. Совуқ нигоҳини оқ каптардан узмай лабларини оҳиста қимирлатарди.

— Попнинг хотини! — Митьканинг жони чиқиб, тесқари қараб олди.

Бирдан Самсоннинг кўзлари чарақлаб кетди. Куртқасини ўз ҳолига қуйиб, шодон бош ирғай бошлади.

Лабларнинг қимирлашидан Катя нималар деяётганини Самсон илғаб олди; қизнинг оҳиста шивирлашига ҳуштакда секин-секин чалинган таниш оҳанг жўр бўлди. Бундан руҳ-



ланган қизнинг овози кучайиб, қатъийлашди, бора-бора унинг лабларидан учаётган сўзларни бемалол тушуниш мумкин бўлиб қолди:

*Тўнғич ўғлим оқсоч мўйсафид,  
Аллақачон ўлди жангда.  
Кенжам эса ўн уч ёшида,  
Талабгор бўлди жангга.*

Қизча овозини баралла қўйиб куйлай бошлади:

*Ота, қўймас номусга сени,  
Ўғлинг синов онда.  
Шарт бўлса, Ватан учун  
Кечар азиз жонидан.*

Қўшиқ борган сари кучайиб, авжга чиқарди. Уларга олдиниға журъатсиз, кейин янгидан-янги дадил, янғроқ овозлар жўр бўлди.

Шу пайтгача бир четда турган Воробушкин қўшиқни эшитганидан кейин болаларнинг ёниға келди. Қизча узоқ вақтдан бери ичига ютиб турган кўз ёшлари тирқираб кетди. Ўғил болалар эса ҳали ўзларини тутиб туришарди.

Катянинг кумуш кўнғироқ жарангидек тиниқ, ингичка овози бошқаларникидан бўлакча янғрарди.

Унга бирин-кетин ўғил болаларнинг овози қўшилди. Энди ҳамманинғ кўзидан шашқатор ёш оқарди.

Фақатгина Самсон ҳеч нарса̀ни кўрмас, қамоқхона бошлиғи уриб, шишириб юборган юзини тепаға қаратганча бор маҳоратини ишға солиб, ҳуштак чаларди. Бироқ ёрилган лаблари амриға итоат этавермас, куй титраб, нотекис чиқарди:

*Юрт бошиға ши тушди,  
Синов бўлди — қабоҳат.  
Аёллар, бизни дуо —  
Қилинғ, бўлғай ижобат.*

Катя энғашиб қопқоқни олди-да, қутини ёпди. Ердан бир сиқим тупроқ олиб, чуқурға ташлади.

Бошқалар ҳам гўрға тупроқ ташлай бошлашди. Энди ҳамма йиғлар, бироқ бу ишидан хижолат чекишни хаёлиға ҳам келтирмасди.

Қабр тупроққа тўлган пайтда Воробушкин нутқ сўзлади: — Йиғламанғлар, болалар. Чинкаптар инқилоб учун

қурбон бўлди. Ҳаёт учун курашиб, жонини фидо этди. Йиғламанглар, болалар,— у бир оз жим тургач, қўшимча қилди: — Дунёда шу қушга ҳавас қиладиган одамлар ҳам бор.

Воробушкин хотиржам кўринса-да, овози бўғилиб, қалтираб чиқди.

Қора Митька Катянинг ёнига келиб, қўлидан тутди-да:

— Эшитдингми, йиғлашнинг кераги йўқ,— деди қизга тасалли беришга уриниб.— Каптар фидо бўлди...— у гапини охирига етказолмай нари кетди.

Қуёш аёвсиз қиздирарди. Чор-атрофга янада теран сукунат чўқди. Ҳатто дарёнинг нарёғида сайраётган қуш ҳам ўзини соя-салқинга уриб, жимиб қолди. Фақатгина ўтлоғу дарё устидаги юксак самода қора нуқтага айланиб қотиб қолган калхатлар сассиз-садосиз парвоз этишар, қабр устига тупроқ тортаётган болалар тўхтовсиз хиқиллашарди.

## Б У Р Г У Т Л А Р

Икки қаватли уйдек улкан қафасда йиртқич паррандалар яшарди. Улар шу атрофдаги ўралашиб юрган одамлар, қовжираган япроқлари чанг қоплаган дарахтлар, туссиз осмондан кўзларини узмай, тош қоянинг исқирт дўнгалагида ўтиришар ва соатлаб мудрашар эди. Хира кўзларида узоқ ўтмиш манзаралари: ғамгин қоялар, тубсиз жарликлар, бўронларда майишган баҳайбат дарахтлар, паст булутлар, чексиз, кўк осмон адабий нақшланиб қолгандек...

Фақат қизғиш патларини ҳурпайтириб калхатлар эришибгина ерда юрар ва нарироқдаги ҳовузда сузиб юрган ўзларидек тутқун ўрдаклар, ғозлар ҳамда оққушларга қараб ваҳшиёна овозда чинқиришарди.

Барча тутқунлар узоқ йиллардан буён яшаётганлари учун қафасга, ундаги ҳаётга тамомила кўникиб қолишган эди. Шу сабабли бўлса керак ўзларини осойишта тутишарди. Фақат ахён-ахён худди даҳшатли туш кўриб уйғонгандек битта-яримтаси темир панжарага ёпишиб олиб, беҳуш йиқилгунга қадар жон-жаҳди билан қанотларини ураверар эди. Шундай маҳалда доим қафасда жанжал, тўполон бўларди.

Дунёнинг тўрт чеккасидан келтирилган, хулқ-атвори, табиати бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган бу паррандалар анчагача бепарво юришди. Бироқ тутқунлик уларни хийла серзарда, асабий қилиб қўйгани учунми тез-тез, кўпинча бе-сабаб жанжал чиқаришарди.

Қафасдаги бир жуфт қушларгина умумий тўполон, жанжалларга аралашмасдилар. Улар ҳамиша хира кўзларини юмиб, қоянинг тепасида қайғули тусда қимир этмай ўтиришарди.

Булар озод яшаш учун туғилган бургутлар эди. Улардан бири — ёшроғи, ҳайвонот боғига келтирилганда, каттаси эллик йилдан зиёд шу қафасда яшарди. Унинг кўнғир елкаларида ўша пайтдаёқ кексалик аломати — оқиш патлар пайдо бўла бошлаганди. Ўшандан бери ўн йил ўтди. Кичик бургутнинг оч, рангсиз патлари бу вақт ичида қорамтир тусга кирди; каттасининг кифтидаги оқ патлар гарданига ёйилиб катта, яхлит доғга айланди. Уларнинг туси турлича бўлгани билан қисматлари бир хил эди. Иккови ҳам қаноти чиқмасдан ўз маконидан жудо бўлган, ўшандан бери бу тутқунликда яшарди. На униси, деб буниси инсон кўли билан бино қилинган искирт қоядан юқорига кўтарилиш насиб этмаганди. Улар худди занглаган панжарани пайқамай узоқ парвоздан ором олаётган қушлардек вазмин қанотларини мағрур ёйганча мудрашарди. Қафасда юз бераётган воқеалар, ўзгаришларга қизикмас, ҳатто умумий тўс-тўполонлар чоғида ҳам сокин ўтиришарди. Фақат ўқтин-ўқтин иккови бирдан жонланиб қолар, шунда кўзларида яшил аланга ёна бошларди...

Бургутлар қанотларини ростлаб қанотларини силкиб-силкиб кўяр, лекин жойларидан кўзгалмасди.

Юксак осмон бўйлаб гоҳ-гоҳ қур-қураб, қағиллаганича йирик қушлар галаси ўтиб қоларди.

Йўловчи қушлар шаҳар устидан учиб ўтиб кўздан йўқолгунча бургутлар мана ҳозир уларнинг ортидан кўтариладиган каби қанотларини кериб туришар эди.

Гоҳо милт-милт юксакликда, йўловчи қушлар изидан қилт этмай учиб бораётган кичкина қора нуқта озод қондошларини бургут кўзи қийналмай пайқаб қоларди.

Оққатланиш вақтида қафасдаги йирткич қушлар ўртасида доим келишмовчилик содир бўларди. Қафасга ташланган нимтага биринчи бўлиб калхатлар ташланарди. Улар очкўзларча энг катта бўлақларга ёпишар, аммо камдан-кам ҳолларда олиб кетишга муваффақ бўлишарди. Бир жуфт кулранг тасқаралар калхатларга ёпишиб гўштни тортиб оларди.

Сўнг тасқараларга оиладош бош ва бўйин патлари кўнғир қорақушлар ўз ҳақларини даъво қилгандек гўштни талашиб-тортишарди.

Улардан кейин думи оқ денгиз бургути ўртага тушиб, қанотлари билан ўнгдан ва чапдан зарба бера бошларди.

Бу жанжал узоқ давом этмасди, тепадан бирин-кетин бургутлар тушгани ҳамано ўз-ўзидан тўхтарди. Қулоқни тешиб юборгудек бургут қур-қураши янграши билан йирткич қушлар гўштни ҳам унутиб, саросима ичида қочар эдилар.

Бургутлар гўштнинг энг яхши бўлақларини бамайлихотир чангалларида кўтариб қоя тепасига — ўз маконларига олиб кетар эди.

Улар ўлжани ҳамиша тенг тақсимлашар, ёш бургут қафасга келган куни, тасқаралар таъқибидан қочиб, ҳеч қайси қуш чиқишга ботинолмайдиган қоя тепасига — қари бургут масканига паноҳ излаб чиққан дамлардан эътиборан бошланган бу одат ҳозирга қадар давом этарди. Ўшандан буён ўн йил ўтибди. Улар ҳамон аҳил.

Сентябрь оёқлади. Боғдаги дарахт шохларини қоплаган сарғиш япроқлар ҳамон маъюс шивирларди. Эрталабданок туссиз осмонда увада булутлар уюри пайдо бўлди. Булутлар қуёш юзини тўсмаган бўлса-да, совуқ тушди. Қуёшнинг ҳароратсиз нурлари ой шуъласи каби иситмас, борлиқни ёритарди, холос.

Кечки пайт шимолдан совуқ шамол эсиб, дарахтларнинг япроғига қирон келди. Кечаси бўрон турди. Дарёдаги пароходларнинг ташвишкор гудоги тинмай янграрди. Шамол тунука томларни тарақлатар, дарахт баргларини аёвсиз тўкар эди. Ҳайвонот боғидаги жониворлар ўз қафасларининг бурчак-бурчагига биқиниб хавотир ичида бир нимани кутгандек жим туришарди. Фақат бир жуфт чиябўри бўронга таҳдид қилгандек кечаси билан ув тортиб чиқди.

Баҳайбат қафас эса тебранар, лопиллар эди. Барча тутқун паррандалар бу кеча ўз жойларидан қочиб, қоя ортига яшириндилар.

Ёлғиз бургутлар чўққида сокин, қилт этмай ўтиришарди.

Эртасига эрталаб қуёш энди-энди қизариб чиқаётган маҳал қари бургут кўзларини очди ва одати бўйича бошини кун чиқар томонга бурди. Бурдию... қотиб қолди. Тоғлар бағридаги уясидан жудо бўлгандан бери илк бор у боши тепасида сим панжарани кўрмади. Эски, занг босган симлар шамолга тоб беролмай узилиб, бургутларнинг шундоқ боши устида хийла катта ёриқ пайдо бўлган эди.

Бургутлар худди мўъжиза юз бергандек ўша ерга михланиб қолишди, аммо жойларидан кўзгалишмади. Орадан уч соат ўтди ҳамки, шу кўйи туравердилар. Ниҳоят,, дилдираб қуёш кўтарилди. Шундагина ҳайвонот боғининг назоратчи ходими бу қафас шифтидаги ёриқни ҳамда таш-

карига чиқишни мўлжаллаётгандек пайт пойлаб ўтирган бургутларни пайқади.

Тезда нарвон, брезент кўтарган одамлар пайдо бўлди. Бургутлар пастдаги шовкинни сезмагандек, қотиб ўтириша-верди.

Ходим қафасга кирган чоғида қари бургут уни энди пайқагандек, бир силтаниб ташқарига отилди. Зум ўтмай ёш бургут ҳам унга эргашди.

Иккови бир неча дақиқа одамларнинг боши узра, қафас устига қўнишди, сўнг ҳаволаб кетишди.

Улар вазмин, ўзларига ортиқча ишонмай тез-тез қанот қоқиб дуч келган биринчи дарахт шохига қўнишди.

Озгина дам олиб яна боғ тепасида айлана бошлашди. Ҳовуздаги ўрдак ва ғозлар уларни сезиб талвасага тушиб ҳар томонга тўзғидилар. Бургутлар уларга парво қилмай, гўё бутун умрлари ўтган ерни ташлаб кетолмаётгандек, боғ узра доира ясаб айланаверишди. Охири баландлаб, шаҳардаги энг юксак бинонинг гумбазида олтиндек ярқираётган бутга қўнишди. Сўнг қанотларининг чигилини ёзиш учунми шаҳар осмонида парвоз қила бошлашди.

Улар эркин бўлсалар ҳам тутқунлик билан одамларга қаттиқ ўрганиб қолганларидан учиб кета олмасдилар. Шу кеча сон-саноксиз чироқлар порлаган улкан шаҳарда тунашди.

Кечаси мижжа қокмадилар. Улар ранг-баранг чироқларнинг ўткир шуъласидан уйғониб кетар, машиналар овозига қўниқолмай, дам-бадам патларини хурпайтириб, қалтирар эдилар.

Икки кечаю икки кундуз хуруж қилган бўрон азонда босилди. Бургутлар тунаган бино рўпараси катта майдон эди. Майдон атрофидаги йўлдан шоша-пиша одамлар ўтар, машиналарнинг кети узилмасди. Майдон эса бўм-бўш, фақат марказида қимир этмай милиционер турар, сал нарида чумчуқлар тўдаси чирқиллаб, шовкин соларди. Бургутлар одамлардан, майдондан ҳорғин нигоҳларини узмай қимир этмай ўтирардилар. Аммо дафъатан бургутлар сесканиб тушди. Майдонда баҳайбат малла мушук пайдо бўлди. Мушук чумчуқлар тўдасига кўзи тушган ҳамоно ерга қапишиб секин-секин уларга яқинлаша бошлади. Қушчалар фалокатни сезмай тинмай чирқиллашар, шовкин солар, мушук эса тобора яқинлашиб келарди — у ҳар сония човут солишга шай эди.

Бургутлар уни кўздан қочирмасдилар. Мушук шундоқ-қина милиционернинг оёғи тагига келиб биқинди, аммо у пайқамасди ҳам.

Ораларидаги масофа атиги бир кадам қолганда чумчуқлар хавфни сезиб қолди-ю, тўда пир этиб кўтарилди. Мушук уларга коптокдек сапчиди. Лекин оёқлари қайтиб тушмади — шаҳарнинг марказида, ҳамманинг кўз ўнгида, милиционердан атиги бир кадам нарида жуда улкан тошдек кўнғир алланима тепадан шувиллаб тушиб даҳшатдан қотиб қолган мушукни кўтариб кетди.

Мушук жон-жаҳди билан ўзини гижимлаб олган чангалга урилар, ёлборгудек миёвлар эди. Ўткир тирноқлар борган сайин унинг баданига чуқурроқ ботарди, ичак-чавоғини йиртаётгандек туюларди. Қари бургут доира ясаб айлангач, ўлжаси билан томга қўнди.

Мушук оёқлари ерга тегиши ҳаммоно оғриқни унутиб, ёйдек эгилди-да, бургутнинг оёқларига ёпишди.

Бу — ўзини химоя қилишга, ганими билан олишишга ўрганиб қолган катта ва бақувват ёввойи мушук эди. У ўлим хавфини англаб қутургандек, жони борича ўзини химоя қиларди.

Олтмиш йил тутқунликда яшаб ов қилиш ва ўлжасини тинчителишни унутган бургут уни зумда бир ёқлик қилолмади. Ҳаммаёғи қонга беланган мушук унинг чангалдан юлкиниб чиқиб, тарнов томонга қочди. Яна бир дақиқа ўтса, тамом, мушук ғойиб бўларди.

Бироқ тепадан яна оғир тош келиб тушгандек бўлди. Бу — ёш бургут эди. У ўткир тирноқларини мушукнинг сағрисиغا санчиб чангаллади, бошқа панжаси билан унинг юзига чангал урди.

Мушукнинг кўзлари ўйилиб тушди. У каттиқ чинқириб юборди, сўнг уни ўчди. Кейин кўнғир бургутлар ўлжага ташланишди. Қоринлари тўйғач, анчагача, чақчайган кўзларини пастдаги одамлардан узмай, қанотларини осилтириб томда ўтирдилар.

Ниҳоят, ёш бургут хурпайиб-хурпайиб каттиқ чинқирди-да, осмонга кўтарилди. Унинг товушида илк бор қўлга киририлган озодликнинг ғурури ва шодиёнаси, қудрат оҳанглари янгради.

У эркин қанот ёзиб майдон узра айланар, секин-аста баландлаб борарди.

Тушқунликда яшаган бургут бир сутка мобайнида илгаридек парвоз қилишини ўрганиб олганди. У қанотларини вазмин, шитоб силкигач, елпиғичдек ёйиб юборди-да, қилт этмай узоқ учиб юрди. Аҳён-аҳён хиёл тебраниб шамол эпкинига тушиб олар, сўнг тобора юқорилаб борарди.

Кекса бургут қотиб қолди. У ёш шеригининг ортидан қараб турди-да, кейин у ҳам хавога кўтарилди.

Лекин у узоқ уча олмади. Кўп ўтмай ҳаётида биринчи ўлжаси — мушук сўнгаклари сочилиб ётган томга қайтиб кўнди.

Ёш бургут эса ҳамон кенг доира ясаб учар, аста-секин узоқлашиб борар эди. Охири у митти нуқтага айланди ва зум ўтмай кўздан йўқолди.

Шундагина бўйни оқиш қари бургут жойидан кўзғолди. У худди юксакликдаги салқин ҳаводан чўчиган каби шаҳар узра пастлаб учар, гоҳ томга келиб кўнар, гоҳ яна қанотларини елпиғичдек ёйиб ҳаволанар эди. Шомга яқин у ўқдек осмону фалакка кўтарилди-ю, бирдан ўлжага кўзи тушиб қолгандек котиб қолди. Сўнг кутилмаганда қанотларини йиғиб, тошдек пастга шўнғиди. Зум ўтмай кадрдон қафаснинг гумбазига келиб кўнди.

У қафас тепасида худди аввалгидек ҳамхоналарига бепарво, қайрилиб қарамай анча ўтирди. Фақат оқ думли денгиз бургути унинг қоядаги ўрнини эгаллаганида қанотларини кериб қийқирди, бошини сим панжаранинг ёригидан суқиб уни ҳайдаб юборди. Кечаси одамлар уни тутмоқчи бўлишди. Аммо бургут ўрнидан вазмин кўзголиб, тунги осмон бағрида ғойиб бўлди. Эртасига кун бўйи шаҳар тепасида айланиб юрди. Яна бир неча мушукларни тутиб еди.

Ҳар сафар ўлжасини еб қорни тўйғач, у хурпайиб олар, бошини кўтариб қолар, худди интиқ кутаётган шериги келиб қоладигандек осмонга узоқ термиларди. У тунаш учун қафасга қайтиб келарди. Кўп уринишлари зое кетгач, ниҳоят одамлар уни бир ҳафтадан сўнг тутиб олишди. Ўзини яна олтмиш йил яшаган қафасда кўрганда бургут биринчи марта шу ерга тушгандек ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади.

У бу ерда фақат ўзига тегишли, ўзигагина дахлдор маскан борлигини унутиб, мунгли овозда чинқирар, то қанотлари лат егунга қадар панжарага ураверар эди.

Бир умр тутқун жониворлар билан яшаб келгани учун аллақасери қушга ўхшаш кекса хизматчи бургутга узоқ қараб турди-да, бошини афсус билан чайқади:

— Шундай қушни абгор қилишди-я. Бир марта бўлса ҳам озодликни татиб кўрдими, тамом энди унутолмайди. Тамом-вассалом. Эҳ, ҳали қанча яшарди...

Кўп ўтмай бургут эски ҳолига қайтди, қоядаги ўрнига чиқиб, истамайгина қунишиб олди. Хизматчи янглишган эди. Бургут эркинликдан қайта маҳрум бўлганига аста кўникди. У уззукун қоя тепасида вазмин, хурпайиб ўтирар, баъзан хира нигоҳини кечаги ёриқдан ҳамда осмондан

узмай қолар эди. У боши узра қушлар учиб ўтганида ҳар сафар сесканиб кетарди.

Бир ҳафталардан сўнг унинг жонсиз жасадига дуч келишди. У қанотларини кенг ёйиб, эгик тумшукли бошини бир ёнга буриб чалқанча ётар, қотиб қолган кўз қорачиғи қуёшга қадалгандек эди.

Кекса хизматчи қафасга кириб, ўлиб ётган қушга узоқ тикилди, сўнг хўрсинди ва икки оёғидан кўтарди-да, қафасдан чиқиб кетди.



Ю. КАЗАКОВ

---



ТЭЦДИ

## I

Бахайбат, кўнғир айикни Тэдди деб аташарди. Бошқа хайвонларнинг ҳам номи бор эди-ю, лекин Тэдди уларни сираям эслаёлмас, доим адаштириб юрарди. Фақат ўз лақабини яхши билар, қачон чақирсалар қулоқ солар ва айтганларини бажарарди.

Унинг ҳаёти жуда зерикарли эди. У аллазамонлардан бери циркда ишларди. У итоатгўй, ювош бўлиб қолган ва энди унга қафаснинг ҳожати йўқ эди, аммо шунга қарамай одатлари бўйича қафасда саклашарди. Тэддига ҳеч нарсанинг кизиғи қолмаган, ҳаммаси жонига теккан, фақат тинч кўйишларини истарди. Бироқ у кекса тажрибали артист бўлганидан сира ҳол-жонига кўйишмас эди.

Кечкурун уни ўртасида юз-кўзига упа-элик суртилган новча одам уёқдан-буёққа юрган чароғон саҳнага олиб чиқишар эди. Бу одам оппоқ кўйлак-иштон, чарм қора этик ва олдига зар уқа тутилган лоларанг камзул кийиб оларди. Унинг кўйлак-иштони ҳам, камзули ҳам, рангпар, ҳиссиз юзи ҳам Тэддига ёмон таъсир қиларди. Лекин айик, айникса, унинг кўзларидан кўрқарди.

Бир замонлар Тэдди бир неча бор йирткичлигига бориб исён кўтарганди. У алаmidан бўкирар, қафас симларини суғуриб ташларди, ўшанда уни тиңчитишнинг сира иложини қилишолмаган эди. Аммо қафас ёнига рангпар одам келиб Тэддига тикилганида, айикнинг уни ўчиб, орадан бир соат ўтар-ўтмас репетицияга чикқан эди.

Энди Тэдди хархаша қилмас ва турли-туман қўпол ва бекорчи, ҳатто кўпинча бемаъни нарсаларни ҳам жимгина бажараверар эди. Оқ кўйлак-иштонли одам ҳам энди унга ўкрайиб қарамасди, айик ҳақида гап кетса уни эркалаб «Юввошгина қарня» деб атарди.

Тэдди саҳнага чарм бурундикда чиқар ва ўзини олқиш-лаб кутиб олган томошабинларга таъзим қиларди. Унга велосипед келтириб беришар, у эгар оша оёқларини ўтказиб, рулни маҳкам тутганча педални бор кучи билан босарди-да,

музика садолари остида сахна бўйлаб айланарди. Томоша-бинлар эса тинмай кийқирав ва қарсак чалардилар.

Тэдди яна бир неча антиқа нарсаларни бажара оларди: Панжалари билан тез-тез айлантириб ғўлаларда учар, узун, ингичка темир таёқ тепасига чиқиб мувозанат сақлаб турар, қўлларига қўлқоп кийиб бошқа бир айиқ билан бокс тушарди. Тэдди ҳазилни тушунмасди, тўғрироғи ҳайвонларга хос ҳазилнигина тушуна олиши мумкин эди, шунинг учун бундай кўпол ва бемаъни ҳаракатларни бажараётганда одамлар нима сабабдан шодланарди, сира тушунолмасди.

Кечалари айиқ кўпинча ухламас, йўлакда миттигина чироқ хира нур сочар, кийимидан доим ёқимли ҳид анкиб турадиган қоровул чол роса хуррак отарди. Ҳайвонлар уйқусида ириллар ва гингшир эди, қафаслардан қўланса ҳид анқирди. Йўлакнинг қоп-қоронғу бурчакларида йирик-йирик суқатой каламушлар югуриб юрар, орқа оёқларида тик туриб бирдан қотиб қолар, шундай пайтда уларнинг соялари узун бўлиб полга тушарди.

Бирмунча вақт гингшиб ётгач, Тэдди ўзини ялаб-юлқашга тушарди. У жикқа ҳўл бўлиб кетгунча эринмай панжалари билан қорнини ялар, сўнгра биқини билан орқасига ўтарди. Бироқ орқасини ялаш жуда ноқулай эди, натижада у тез чарчар, кейин ноҳуш хаёлларга бериларди.

У болалигини ва онасини — панжалари юмшоқ, узун тили ҳароратли, келишган айиқни эслашга уринарди. Бироқ болалигини деярли эслолмасди. Фақатгина анҳор, сарғиш қум тўшалган соҳил ёдига тушарди холос; қум майин ва қайноқ бўларди. У яна чумолиларнинг ўткир ҳидини эсларди, афсуски ўшандан буён бундай хидга рўпара келмади.

У яна ўзига циркда бир пайтлар беришган тотли емишлар ҳақида ҳам ўйларди. Яна жуда кўп нарсалар унинг эсига тушарди: қандайдир шакл-шамойиллар кўз олдига келар, юрагини ғазаб ва ҳасрат тўлдирар, унинг ўкиргиси, аллақачонларга бош олиб кетгиси, ўзига муносиб йиртқичона ишларни бажаргиси келар ва алоҳа, кечаси билан ўкириб чиқар, эртасига эса ўзини беҳад ланж ва тунд сезар, репетицияга ҳам истар-истамас чиқарди.

## II

Кунлардан бир кун цирк сафарга отланди. Тэддини ҳам ола кетишди.

Шу чоққача у жуда кўп сафарга чиққан, шу боис уни

ҳеч нарса хайратга сололмасди; у автомашиналардан анқиб турувчи бензин хидини ёмон кўрарди, холос.

Ҳаммаси одатдагидек юз берди: станцияда хайвонлар солинган қафасларни вагонга жойладилар, алланималар деб қичқирдилар, сўкиндилар, бир нималарни миҳладилар, охири эшиклар гумбурлаб ёпилди-да, йўлга тушишди. Кўп ўтмай ҳамма нарса бир маромда чайқала бошлади. Тэддининг ниҳоятда уйқуси келди. Шу алфозда икки кечаю икки кундуз юришди, кейин поезд тўхтади. Эшикларни очиб вагонлардаги қафасларни юк машиналарига орта бошлаганларида Тэдди нотаниш ерга келиб қолганларини ва аллақандай бегона ҳидлар келаётганини пайқади, лекин бунга ажабланмади.

Яна йўлга тушишдан аввал хайвонларни овқатлантиришга қарор қилишди. Хизматчи келиб қафасларни тозалаб, емиш келтирди. Тэддининг қафасига сувда қайнатилган картошка, нон ҳамда бир тоғора сули қуйиб, хизматчи бир нимага чалғидими, эшигини ёпмай чиқиб кетди.

Айиқ эшикнинг очиқ қолганига парво қилмади, роса очикқан эди шекилли, картошка билан сулини пок-покиза туширди. Кейин одати бўйича товоқни эшик ёнига суриб қўйди, худди шунда қафаснинг очиқ қолганини сизди. Тэдди жуда хайрон бўлди, бошини чиқариб уёқ-буёққа аланглади, эснади, ичкарига қайтиб кирди-да, кўзларини юмиб ётди. Аммо орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ўрнидан туриб яна бошини чиқариб қаради. Ҳавони исқади, атрофни кўздан кечирди, худди бир нима эсига тушгандек тараддудланди, сўнг қафасдан чиқиб машинадан ерга сакради.

Шу чоқ шофёр кўринди. У кепкасини қўлтиғига кистириб олганча кавшаниб машинага яқинлашарди. Шамол шофёр тарафдан эсарди. Тэдди колбаса хидини туйиб унга пешвоз юрди. Айиққа кўзи тушган шофёр кавшашдан тўхтаб тахтадек қотиб қолди. Тэдди орқа оёқларида ғоз туриб эркаланганча ғингшиди. Шофёрнинг қўлтиғидан кепкаси тушиб кетди, ўзи эса орқа-ўнгига қарамай эшиги тепасига аллақандай шиор осилган пастаккина уй томонга қочди.

— Ёрдам беринглар, — деб қичқирди у ўтакаси ёрилиб.

Тэдди олдинги оёқларини ерга қўйди ва ҳар эҳтимолга қарши нари кетди. У ҳатто аввалига қафасга қайтиб кирмоқчи бўлиб ортига ўгирилди, бироқ худди шу пайт айюҳаннос солиб уйдан одамлар югуриб чикди. Тэдди одамларнинг орасидан таниш киёфани излаб кўрқа-писа ўгирилди, лекин танишларини тополмади. Унинг юрагини бирдан ваҳм босди ва урра қочди. У тушовлаб қўйилган отлар ёнидан ўтди: уни кўриб отлар ўзларини орқага

ташлаб кишнадилар. Бунга жавобан Тэдди ҳам ўкириб, югуришда давом этди.

У пушталарда қокилиб-сукулиб полиздан югурди, четандан ошиб ўтди-да, дала билан ўрмон томонга йўл солди. У пишқириб, кулоқларини чимириб елиб борар экан, вужудида номаълум ҳаловат туярди, лекин бутазорга етиб бориб тўхтади ва хавотирланиб ортига ўгирилди: на станция, на одамлар, на машиналар кўзга чалинар, фақат жимжит дала ва йирокларда қорайиб турган уйлардан бошқаси кўринмасди.

Айиқ ўкинди, дафъатан унинг циркка қайтиб боргиси ва яна ғира-шира йўлакда ётгиси келди, ёқимли хидлар анкувчи қоровулнинг хуррақларини соғинди. Ортига қайтишдан у кўрқди ва орқа оёқларида ғоз туриб чайқалган кўйи ғамгин ғингшиб қўйди. Сўнгра ўрмон томонга қаради, тумшугини тозалаш учун бир неча бор пишқириб ҳавони искади. Мум билан кўзикорин ва яна аллақандай хушбўй хидлар анқирди. Тэдди ўрмонга қараб юрди. У буталар оралаб оҳиста борар ва ҳар сафар ялангликка чиққач, бирор хизматчи ёки оқ кўйлак-иштонли кишини кўриб қоламанми, деган умидда ортига ўгирилиб қарарди. У ҳозир ўзини эркалаб «Тэдди!» деб чақиритиларини истарди. Лекин ҳеч ким кўринмади, уни чақиритиш тугул тик этган товуш эшитилмас, ўрмондан эса тобора кудратли бир даъват баралла эшитилаётгандек бўларди. Тэдди ҳадиксираб ўрмон ичига кирди.

### III

Тэддининг омади юришмади. У ўрмоннинг одамлар истиқомат қилаётган қисмига келиб қолган эди. Бу ерда ўрмон саноати хўжалиги жойлашган бўлиб, катта майдондаги дарахтлар кесилган, ҳар ерда ўрмонга алоқасиз буюмлар: тор изли темир йўл, узук-юлук пўлат симлар, ёғ латталар, пайҳон қилинган сўқмоқлар, хода ётқизиб очилган йўллар кўзга ташланарди. Бу ерда қушлар билан ҳайвонлардан асар ҳам йўқ эди, кечалари эса темир-терсақларнинг садоси, мотор шовқини, паровозларнинг чинқириғи тинмасди.

Тэддига ўрмон ғайритабиий ва кўнгилсиз бир жой бўлиб кўринди. Шунинг учун дастлаб қандай бўлмасин одамларни учратиш ҳақида ўйлади. Аммо айни чоқда алланима унинг машиналар тарафга юришига монелик қиларди. Ҳамма нарса унинг ғашига тегарди; у очикқан, уйқуси келар ва дармонсиз эди. У биронтаси чиқиб, егулик бирон нарса

берар деган умидда ўрганиб қолган фокусларини бажаришга чоғланди. Олдинги оёқларида туриб, орқа оёқларини худди коптокни отиб ўйнаётгандек ўйнатди, шу алфозда ялангликни айланиб чиқди, кейин умбалок ошди, рақсга тушди, худди циркдагидек ўзини ўлганга солиб ётди, кейин ўзидан мамнун бир киёфада ўрнидан туриб ён-верига аланглади. Агар циркда шундай қилса унга бирон нима берган бўлишарди. Аммо бу ерда уни ҳеч ким олқишламади, сули ёрмаси ҳам осмондан тушмади. Шунда айиқнинг митти кўзларида ғамгин ҳайрат аломати акс этди.

Айиқнинг умиди пучга чиқди, у одамлар ёнига қайтиб кетган бўларди-ю, аммо содир бўлган бир воқеа одамдан қанчалар кўрқиш кераклиги ҳақидаги тасаввурини тасдиқлади.

Кунлардан бир кун эрталаб Тэдди жарликда аллақандай гиёҳларни еб юрарди.

Бошини кўтарганда, бирдан юкорида турган одамга кўзи тушди. Тэдди ҳайрон бўлди ва орқа панжаларида ғоз туриб, ҳатто қувонганидан хўриллаб кўйди. Бироқ одам унга ўхшаб қувониб кетмади, айиқ кутганидек «Тэдди» деб эркалаб чақирмади — у ранги оқариб, милтиғини ола айиққа тўғрилади, ўқ овози янгради, нимадир Тэддининг қулоғини куйдириб ўтди. У ўкириб юборди-да, чалқанча йиқилди: Тэдди оғриқдан эмас, алам ва талвасага тушганидан бўкирарди. Одам эса орқа-олдига қарамай қочди.

Орадан бир дақиқа ўтгач, Тэдди кутуриб одамнинг ортидан қувиб кетди. Бироқ одам қочишга улгурдими, бирон ерга яшириндими Тэдди уни тополмади. Шу пайтдан бошлаб одамлардан кўрқадиган бўлди ва иложи борича кимсасиз, овлоқ ерларни излашга тушди.

Аммо ҳақиқий ўрмон, овлоқ ерларга кетиш учун дарёдан сузиб ўтиш лозим эди, Тэдди эса сузишни билмас, шунинг учун аҳволи оғирлашарди. Бир неча бор дарё бўйига келиб сувда оқиб кетаётган ходаларга қараб турди, ўкинди ва яна ўрмон ичига кириб кетди.

#### IV

Орадан икки кеча, икки кундуз ўтди. Учинчи куни кечаси Тэдди дарё бўйига борди-ю, ҳайратдан котиб қолди: соҳилга туташ ерда ўртасига кулбача қурилган ҳайҳотдек сол турарди. Тўлин ой нур сочар, соҳилда деразалари қоп-қора оқиш уйлар саф тортган, теварак-атрофда биронта тирик жон кўринмас, тик этган товуш йўқ, фақатгина сол

ходалари орасида сув сокин чайқаларди. Тэдди орқа оёк-лариди туриб ҳавони искади. Солдаги уячадан чидаб бўлмайдиган даражада жавдар ундан қилинган нон билан картошка ҳиди келарди. Тэдди лабларини ялади ва турган ерида чайқалди. Чайқала туриб у нима қилиш кераклиги ҳақида ўйларди.

Хид келаётган ёққа боришга кўрқди, чунки у ерда одамлар борлигини биларди, бироқ кўнгли шунчалар суст кетган эдики, айиқ соҳил бўйлаб уёқдан-буёққа юра бошлади, икки-уч бор сувга панжасини солиб кўрди ва охири кулбанинг рўпарасида тўхтади. Вой-бў, шундай ҳам ажойиб хид бўладими?!

Сол қирғоқдан хиёл нарида турарди, бир еридан кўприк ўрнида қирғоққа тахта ташлаб қўйилган эди. Аммо шошиб қолган Тэдди буни пайқамади, сувга тушиб бир зумда солга чиқиб олди. Ходалардан секин-аста одимлаганча кулбага яқин борди-да, атрофини айланиб чиқди. Ичкаридан хуррак овози эшитилди. Тэдди цирк қоровулини эслаб дадилланди. У деразадан ичкарига каради-ю, ҳеч нимани кўрмади. Шундан сўнг эшикни очиб уйгача кирди. Кирган заҳоти оғзидан сўлаги оқди — уйда пайтава, нон ва картошка ҳиди гуркирарди. Нон билан картошка столда эди. Тэдди стол ёнига келиб, аввал декча ёпилган илиққина лаганни тушириб юборди, кейин қозонни ағдариб ўкирди-да, апил-тапил ея бошлади.

— Хой, ким бор? — деди дафъатан хуррак отаётган одам. — Федя! Сенмисан?

Айиқ кўрқиб кетганидан ўтириб қолди, сўнгра қазабдан ўкириб, панжаси билан столга урди. Декча билан лаган полга тушди. Ўша заҳоти бир нима нардан сакраб тушди, зипиллаганча эшикка ошиқди ва сол бўйлаб соҳилга югурди.

Тэдди аҳвол чатоқ эканлигини тушунди, лекин шунда ҳам шоша-пиша ютоққанча чапиллатиб, овқатни тушираверди. У одамга қарши иш қилаётганини биларди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас соҳилда шовкин кўтарилди. Қочиш керак, аммо ҳали айиқ тўймаган эди, Тэдди полда ётган картошкалардан бир нечасини чангаллаб эшикка югурди. Аммо эшикнинг қаердалигини бирданига тополмади. Уйчадан чиққанида эса тумонат одам йиғилганини кўрди. Айиқни кўрган одамлар бараварига, худди станциядагига ўхшаб қийқириб юборишди. Тэдди нима қиларини билмай тўхтади. Соҳилга олиб борувчи йўл берк эди.

У солнинг нариги тарафига ўтиб қочмоқчи бўлган эди, тўсатдан рўпарасида бир ёлқин чақнаб, ўқ овози янгради. Айиқнинг ўтакаси ёрилиб ортига қайтди-да, ўгирилиб кул-

банинг орқасига қараб қочди. Одамлар ёй шаклида солнинг бурчагига сиқиб кела бошладилар. Орқа тарафидан яна ўқ овози янгради, ўқ учириб юборган пўстлоқ айникнинг қорнига тегди. У бўкирганча олдинга сакради ва сувга ўзини ташлади. Ой нурида кумуш томчилар сачради. Тэдди умрида сузиб кўрмаган эди, шунинг учун сув остидан қалқиб чиққанда дастлаб нима қилишини билмади. Лекин қўл-оёқлари беихтиёр ҳаракатга келди ва у тумшугини кўтарганча жонжаҳди билан шалолатиб сузиб кетди. Сув уни секин-аста қуйига оқизиб кета бошлади, солда қолган одамларнинг кичкириғи анчагача эшитилиб турди, айиқ эса тобора панжаларини куч билан силкитиб, аксириб-пишқириб тумшугини кўтариб сузиб борарди. Ярим соатча сувда оқиб боргач, қорайиб турган ўрмонга кўзи тушди. Бу яқингинада айиқ чиққан бояғи ўрмон эмас, бошқаси эди. Бу ерда дарахтлар кесилмаган, сўқмоқлар билан одамларнинг бошпаналари кўзга чалинмасди.

Тэдди оёқлари ерга текканида эран-қаран юриб сохилга чиқди. Унинг пўстинидан тинмай сув оқарди. Ортига ўгирилиб йироқларда, чирокларнинг заифгина нури қўйнида элас-элас жимирлаб кўринаётган алланималарни пайкади-да, одамлар билан бараклар ва бояғи сол ҳам ўша ёқда қолиб кетганини англади, шовкин билан хатар аригани, бу ер энди сокин, ёқимли эканини ҳис қилди. У кулбада қолган картошқаларни эслаб, норози оҳангда ғингшиди, кейин бир неча бор силкинди-да, тикка жарликдан кўтарилиб, улкан қарағайлар ва арчалар сари кўтарила бошлади.

## V

Бу дарёнинг у бошидан бу бошига қадар чўзилиб кетган ҳайбатли ўрмон эди. Бундан ташқари ўрмон Урал тоғ тизмалари ва ўшанақаси шимолга — тундрагача қўшилиб кетарди.

Бу ерда бўрилару тулкилар, олмахонлару қуёнлар бисёр эди. Буғулар билан чағир кўзли қоплонлар ҳам учрарди. Одам оёғи етмаган бу ерларда бир замонлар кулаган дарахтлар туфайли ўтиб бўлмас чангалзорга айланган хилват гўшалар ҳам учрарди.

Бу ўрмонда баъзан бесабабдан-бесабаб ёнғин чиқарди. Ўт кетган пайтларда поёнсиз кенгликлардаги дарахтлар билан ўт-ўланлар ёниб кулга айланар, сон-саноксиз ҳайвонлар нобуд бўларди. Йўлида учраган нарсани кулга айлантирган олов қандай бошланган бўлса шундай, тўсатдан, ўз-ўзидан ўчиб қолар, ундан эсдалик сифатида култепалар ва ёниб битган дарахтларнинг яккам-дуккам таналари қоларди.



Кўп ўтмай мана шу ўт кетган ўрмон қолдиқларини дағал, қизгиш ўт-ўланлар қопларди, сўнгра ўнқир-чўнқир ерларда черника билан брусника, қайин билан қарағай новдалари қулоқ чиқарарди; ўрмоннинг беткай ерларида наъматак билан хўжағат буталари кўзга чалиниб қолар ва секин-аста бу ўрмон ҳайвонлар учун машъум биёбон эмас, ризқ-рўз сочилиб ётган ошиёнга — хурпайган қарқурлар, серҳадик булдуруқлар, ўрмон қарчиғайлари ва қуёнлар танда қўйган ризқ-рўз маконига айланарди. Буғулар ҳам шу ерга келиб, оқиш кулранг йўсинда чуқур излар қолдириб юришарди.

Одам оёғи етмаган ўрмонда ҳаёт қайнарди. Тўғри, бу ерда ҳам доимий кураш тўхтамасди, бу ерда ҳам зўрлик билан ваҳшийлик қонунлари ҳукм сурарди. Эҳ-хе, мана шу мафтункор маконда ҳар куни қанчадан-қанча патлар ва суюқлар чириб кетмади, дейсиз! Бироқ бу ерда хатарли курашлар одамзод билан тўқнашувчалик омонсиз бўлмасди.

Мана шу ўрмонларда камдан-кам ўқ овози янграрди, башарти шундай бўлиб қолса, тепаликлар, жимжит қарағай-зорлар устидан кескин ва шиддатли ўқ товуши момақалди-роқдек гумбурлаб ўтар ва дарёнинг нариги соҳилида акс-садо берарди. Шунда олмахонлар ҳовучларидаги бужурларини ташлаб, қизиқиб қараш учун дарахтнинг қир учига чиқиб олишарди; ўтақаси ёрилган қуёнлар сакраб ўрнидан туришарди; бу қудратли товушни бир дақиқа тинглаган буғулар ҳам бошқа ерга кўчишарди: чангалзор қўйнида мудраётган қоплонлар бир лаҳзагина уйқу босган сариқ кўзларини очиб, қулоқларини асабий равишда чимириб қўйишарди: фақат одамзодни яқиндан билган бўриларгина ҳамма нарсани ташлаб, тепаликка қочиб чиқишар ва анчагача лаънати одамнинг исини олиш учун жонҳолатда ҳавони искашарди.

Бу ерда яна майингина шалдираётган чашмалар ҳам кўп эди: жазирама иссиқ пайтларда ҳам бу чашмаларнинг теграси салқин бўларди. У ер-бу ерда учраб қоладиган жарликлар, бир-бирига иланг-биланг уланиб, дарё томонга чўзилиб кетарди. Мана шу жарликларда бўрсиклар билан тулкилар уя қуришни яхши кўради, шу ерда — дарё яқинида бўрилар яшарди.

## VI

Тэдди кирғоқ ёқалаб кун бўйи шимолга қараб юрди. Ўрмон ичига киришга ботинолмай, бир неча марта ҳаётини сақлаб қолган дарёни кимсасиз ва номаълум ўрмондан афзал

биларди у. Ҳар тарафдан турли товушлар билан ҳидлар уни таъқиб қиларди. Тэдди эса буларни ажратолмай қийналарди. Айрим ҳидлар унга яхши таниш эди. Йўлда икки маротаба қоплоннинг изларига дуч келди-ю, ўша заҳоти циркдаги қоплон эсига тушди. Тўғри, циркдаги қоплоннинг ҳиди ёмон эди: тутқунликдаги ҳайвонлар қўлансароқ бўлади. Сўнгра Тэдди баҳайбат арчанинг остки шохида ўтирган булдуруқларни хуркитиб юборди-да, дастлаб ўзи ҳам чўчиб тушди. Буларнинг шунчаки оддий паррандалар эканини билгач, енгил тортди. Тулкининг изларини ҳам дарҳол ажратиб олди. Бироқ ҳа деса безовта қилаётган бир-биридан янги, нотаниш таассуротлар охири уни шунчалик ҳолдан тойдирдики, Тэдди ноилоҳ баҳайбат арчанинг тагидаги қулайроқ жойга ётди-да, донг қотиб ухлаб қолди.

Ҳар қанча ғалати туюлмасин, бу баҳайбат йиртқич ўрмонда бутунлай ожиз ва ночор эди. Узоқ йиллар давомида у ўрмондан, бир замонлар кўришга улгурган нарсалардан беҳад узоқлашиб кетган, деярли унутиб юборган эди. Табиат унга ато этган барча сезгилари ўтмаслашиб қолган, шу боис арзимаган нарсалар олдида ўзини йўқотиб кўярди. Унинг дам-бадам қорни очарди, илгари тўйиб овқатланишга ўрганганидан ҳозир очликдан қийналмоқда эди. Циркда унинг ҳолидан ҳар кун хабар олиб турувчи ходим бу ерда йўқ эди, у ўз ғамини ўзи еб, овқат излашга мажбур бўларди. У овқат излаб топиш уёқда турсин, нима ейишни ҳам билмасди. Эҳтимол, ҳеч ким она нима эканини ёввойи йиртқиччалик ҳис қилмаса керак. Она ўз боласига яширишни, уришишни, қочишни ўргатади, ким дўсту ким душман эканини тушунтиради. У чумолининг уяси қаерда бўлишини, черника, кулупнай, хушхўр илдишлар, балиқлар билан бақалар борлигини билади; у қаерда зилол сувлар, тинч, осойишта жойлар, офтобрўя майсазорлар қаердалигини яхши билади; унга ҳидлар сири ва яшаш жойини ўзгартириш сабаблари жуда яхши аён. У яна ўрмонда биронта йиртқич узоқ яшамаслиги, албатта бирор кулфатга гирифторм бўлиб нобуд бўлишини, бундан сақланиб узоқроқ яшаш ва насл қолдириш учун эпчил, довжорак ҳамда доим хушёр юриш лозимлигини ҳам билади.

Мабодо Тэдди дастлаб ҳайвонот боғида, сўнг циркда улгаймай, она айиқ бағрида ҳаёт кечирганда, ҳозир қудратли йиртқич бўлиб нима қилиш лозимлигини билолмай қийналмасди. Афсуски, Тэдди оқ кўйлак, иштон кийган одам қўлида ҳаёт сабоқларини олди ва унинг ўжар руҳи болалигидаёқ эзилган эди. У ўрмонда яшовчи айиқлар учун мисли кўрилмаган даҳшатли нарсалар...



билишга улгурган эди. Шаҳарда у шак-шубҳасиз бошқа айиқлардан кўра беҳад тажрибалироқ, ақллироқ бўлиши мумкин эди, аммо унинг билган-кўрганлари ўрмонда нимага ҳам яради! Ўрмонда у бир думалаб гўё қайтадан заиф ва ночор айиқ болага айланиб қолган эди.

Бор-йўқ фарқи шунда эдики, у энди жажжи айиқча эмас, балки қафасга ишқаланавериб жунлари тўкилиб кетган баҳайбат улкан айиқ эди, бунинг устига тадбиркор онаси ҳам ёнида йўқ эди.

## VII

Тэдди кушлар овозидан уйғониб кетди. Бу кушчалар шудрингдан нам тортган новдаларда сакраб-сакраб чиркиллашарди. Тепалик ортидан куюш кўтарилди. Қарағайзорни ҳарир туман қоплаган, шудринг жилва қилар, ҳаво беғубор эди. Тэдди тунги ошиёнидан чиқиб шимолга қараб йўлга тушди. Ўрмонда сандироқлаб юришга одатланмаганидан икки кундирки, унинг панжалари оғриб-оғриб кўярди, шунга қарамай у қайсарлик билан йўлда давом этарди. У шимол сари кетиб бораркан, учиб кетишга чоғланган кушлардек ҳеч нарса ҳақида қайғурмасди. У ички бир туйғуга қайишиб серкуёш, емиш мўл, осойишта ва зилол сувлар оқиб ётган бемисл ўлка сари борарди.

Пешин пайти ялангликдан ўтаётганда айиқнинг димоғига ажабтовур бир хид урилди-ю, алланарсалар эсига тушди. Бироқ бу ёқимли хид қаердан келяпти? Тэдди кун чиқар тарафга ўгирилиб озгина юрганди, хид йўқолди. У безовтаганиб изига қайтди — хид яна димоғига урилди. Шунда Тэдди чумоли уясининг қайси томонда жойлашганини аниқлагунча турган ерида айланаверди, йиллар ўтиб чумолиларни унутиб юборган бўлса ҳам бу хидни дарҳол сезганди.

Чумолидан ажойиб нарса борми дунёда! Улардан ширин нарса борми. Ёғли, нордонгина, иштаҳани қитиқлайдиган, бунинг устига тўйимли — истаганча ейиш мумкин!

Тэдди тумшуғини чумолининг уясига сукди ва ҳузурланиб пишкириб юборди — бу хид шунчалар ўткир эди. У тумшуғини янаям чуқурроқ сукди-да, кўзларини юмиб, тилини чапиллата бошлади. Бир зумда унинг тумшуғини йирик-йирик сарик чумолилар қоплади, кулоқларига ўрмалаб кирди, бироқ Тэдди бошини силкитиб яна ҳам иштаҳа билан тамшана бошлади. Ниҳоят у нафаси қайтиб, орқа оёғига ўтирди-да, тин олди. Дафъатан аллақачон унутиб

юборган бир нима эсига тушди-да, у чумоли уясини буза бошлади. Чумолилар энди унинг панжасига ёпишди-ю, Тэддининг бамайлихотир ўтириб, панжасини ялашдан бошқа иши қолмади. Бу жуда қулай эди — энди чумолилар унинг тумшугига, қулоқларига кириб ғашига тегмас, оғзига тупрок билан ўт-ўлан ҳам кирмасди. Тэдди охири чумоли уясида ҳеч вақо қолмагач, нари кетди.

Чумоли уясини бузиб ташлагач, Тэдди йўлида давом этди, ёйбағирларини арчалар қоплаган бир тепаликдан ошди, жарликдан ўтди. Хўжағатзорга дуч келиб кечгача ўша ердан чиқмади.

Олдинига булдуруқ ва қарқурларнинг парр этиб кўтарилиши, ҳовузлардаги балиқларнинг бехос сакрашлари, ўрмон шовқини, яқин атрофда кетаётган буғуларнинг қасира-қусуридан Тэдди чўчирди. Ғалати, номаълум, ўткир хидлар ҳам хавотирга соларди. Бирок у кўрқувни енгиб, бу номаълум хидлар ва товушларга кўникиш, кейинроқ яна дуч келганда улардан парироқ бўлиш ёки пешвоз чиқиш учун кўникиб борарди.

Ҳозирги ҳаётининг дастлаб ўзи ҳам пайқамаган яхши томони бор эди: одамдан бошқа ҳеч нарсадан кўрқмаса ҳам бўларди. У на бўрилар, на қоплонлар, на сувсарлардан ҳайиқарди. Уни ҳеч нима безовта қилмас, у ҳеч нарсадан тап тортмас ва ҳеч нима уни таъкиб этмасди. Аксинча, ундан ҳамма ҳайвонлар кўрқарди, ҳолбуки, ўрмонда энг баҳайбат ва хавфли йиртқич ўзи эканини Тэдди билмасди. Бунинчадан кейин, кунларнинг бирида иккита катта-катта бўри буғу жасадини хомталаш қилаётганини кўриб қолган пайтда англади. Бўриларга кўзи тушган айиқ нима қиларини билмай тўхтаб қолди. Бўрилар эса таҳдидона ириллаб, ўша заҳоти нари кетишди ва Тэдди буғу гўштини пок-покиза тушираётганида яқин келишга ботинолмай анча нарида айланиб юришди. Ўшанда Тэдди ўзининг қудратли эканини сезган ва бундан фахрланган эди. Шундан кейин ҳам бир неча бор бу ерга қайтиб келди. Ҳар сафар уни кўрди дегунча оч бўрилар ўлжани ташлаб нари қочаётганидан қувонарди.

## VIII

Бир манзилда бир кун, бошқасида икки кун тунаб, Тэдди тобора шимолга яқинлашиб борарди. Кун сайин қарағайлар йириклашарди: хўжағатлар, қулупнай ва брусникалар кўпайиб, қишлоқлар камайиб борарди. Беҳад гўзал, одам оёғи етмаган хилват гўшалар ва сукунат ҳукмрон. Яна нима

керак?! Бирок Тэдди хотирасида шунчалар гўзал манзаралар ўрнашиб қолган эдики, кўз ўнгидаги воқелик уни қаноатлантирмас ва у ҳамон аллақандай қадрдон юрти, аллақандай жаннатмакон айиқлар ошиёнига ошиқарди.

Ўзи қулай деб ҳисоблаган жойни топиб, Тэдди атрофни кўздан кечириб чиқарди. У чириган тўнкаларни қавлар, қаламуш ва қуёнлар, олмахонларнинг уясини бузар, оқиш йўсин қоплаган тошларни ағдариб, шиллиққуртлар ва чувалчанглар изларди.

Бир сафар камбаргина кўл бўйида, сувнинг туйқус шалоплашидан ўтақаси ёрилиб тўхтаб қолди. Қирғоқдаги қиёқзорда исинаётган чўртан балиқлар айиқдан кўркиб, ўт-ўланлар орасидан чиқа солиб сувга шўнғир эди. Тэдди сувдан ва қиёқлар орасидан кўз узмай қирғоқ ёқалаб йўлга тушди.

У ҳали балиқ гўштининг таъмини билмасди. Бирок нимадир мана шу жониворлардан бирини тутиб ейишга ундарди. Ниҳоят у қилт этмай турган чўртан балиқнинг қорамтир шарпасини сезиб, товуш чиқармай, ерга қапишиб яқинлаша бошлади. Четдан қараганда у жуда ғалати алфозда эди. Олдинги панжалари билан тумшуғи ерга қапишгудек, гумбаздек кети эса қулғули тарзда селкилларди. Бирок айиқ пусиб келар, митти кўзлари эса мудҳиш йилтиларди. Чўртан балиқ ётган ерни пойлаб туриб панжаси билан кескин урди ва бўкириб олдинги панжалари билан сувга тушди. Дастлаб зарби нишонга тегдими, йўқми ўзи ҳам билолмади. Бирок зум ўтмай лойқа сув сатҳида чўртан балиқнинг оқиш чўтир қорни қалқиб чиқди. Тэдди уни қирғоққа улоқтирди. Пок-покиза туширгач, балиқ гўштининг таъми оғзида қолди. Икки ҳафта давомида Тэдди кўп нарса ўрганди. Хидлар қайси тарафидан келаётган бўлса ўша томонга бошини қўйиб ётадиган бўлди. Мевалар билан илдизлардан ташқари кўзикоринлар ҳам хушхўр эканини англаб етди. Энди Тэдди дастлабки кунлардагидек дуч келган нарсани оғзига тикиб қавшайвермасди; у ширали илдизлар зах ерда бўлажagini билиб олди: муздек булоқ сувларидан ичишга ва шамол йўналишидан фойдаланишга ўрганиб олди, унинг зийраклиги ошди ва энди энг нозик хидларнинг ҳам эски ёки янги эканини ажратадиган бўлди: у яна ўрмондаги ҳамма нарсани оғзига олавермасликдан ташқари баъзи мевалар ва кўзикоринларни яхшиси емаслик кераклигини тушунди.

У чиниқди, ҳуда-беҳудага толиқмайдиган бўлди ва биринчи кунлари оғриб безовта қилаётган товоқлари чўп-тиканлар, тошлар ботавериби дағаллашди, циркда юрганида

қирқиб ташлашган тирноқлари яна ўсиб чиқди. У секин, деярли овоз чиқармай юрадиган бўлди.

Бошида Тэдди одатдагидек кўпинча кечаси ухларди. Бироқ кейинчалик ўрмон кечаси жуда мароқли бўлишини сездди. Тунда дайдиб юрган қуёнлар билан тулқиларнинг изи уларнинг яқингинада шу ердан ўтганидан дарак берарди, ўт-ўланлар орасида бир нималар ғимирлар, бутазорда аллақандай хайвонлар кезар, жарликда ва ялангликда қандайдир махлуклар уёқдан-буёққа ўтар, тун сукунати қўйнида хўп аломат товушлар эшитиларди. Қолаверса, Тэддини куни билан безор қилиб юборувчи чивинлар билан искабтопарлар ҳам кечаси ғойиб бўларди. Оқибат, кундузи у хилват ошиёнларда ётиб ухлайдиган, кечаси эса тез-тез дайдиб юрадиган бўлди.

## IX

Кунлардан бир кун Тэдди қишлоққа яқин ердаги ўрмонда чоғроққина сули экилган майдонга дуч келди. Бу ташландиқ майдон бўлмади одамзодга тегишли ер эди.

Тэдди экинзор ёқалаб юрди. Сули бошоқлари майингина қитиқлар, унинг баҳри дилини очарди. Экинзорни айланиб чиқиб ҳам бирон нарса тополмагач, Тэдди нари кетди, бироқ анчадан кейин қайтиб келди-да, экинзорга шўнғиди ва ой нурига ғарқ бўлган бежавотир ерда ётиб, бошоқларини каппалай бошлади. Шу тариқа у сули мазасини билиб олди, бу бошоқлар нимаси биландир деярли унутиб юбораёзган сули ёрмасини унга эслатди. Дастлаб Тэдди очкўзларча, донини ажратиб ўтирмай бандини кўшиб еяверди, сўнгра фақат бошоқларини шимиб чайнашга ўтди, тонгга яқин экинзорнинг бир қисмини пайҳон қилиб жўнаб қолди. Сули жуда ёқиб қолган айиқ эртасига яна келди ва кечаси билан маза қилди. У индинига ҳам келарди-ю, лекин йўлда ботқоқликка тушиб чалғиди: ўша ерда ўттизга яқин қурбақаларни ҳуркитиб юборди-да, тутиб ейман, деб тоза балчиққа ағанади ва анчагача шалтоғини тозалашдан ортмади.

Тэдди шу куни эрталаб экинзор ёқасидаги йўлда аравада одамлар ўтганини, улар экинни узоқ кўздан кечиргач, фиғонлари фалакка чиқиб қайтиб кетганлари ва кечқурин болта-ю, тахта кўтариб келишганларини ҳамда ўзлари учун қулай деб билган баҳайбат қарағайга бир нималарни қоққанларини билмасди.

— Жуда соз! — деди улардан бири кафтларини бир-бирига ишқаб, бошқалари совуққина кулиб қўйишди.

Сўнгра одамлар четроққа чиқиб, чекишди, аравадан милтиқларини олгач, иккитаси тирмашиб қарағай тепасига чикди, учинчи шериклари эса қайтиб кетди.

Тэдди уйғонганда ой ўрмон узра ҳаволаниб улгурган эди. У сассиз, уёқ-буёққа аланглаб ва ҳавони искаб, сукунат бағрида анча ётди. Сўнгра ўрнидан туриб эснади, керишди, сули эсига тушиб экинзорга жўнади. Йўлда бирор ис олиб тўхтар, тумшугини ўт-ўланлар орасига суқиб искай-искай ширали илдизни суғуриб шапиллатиб ерди.

Тэдди экинзорга етиб келди-да, ўзи икки кеча маза қилган жойни кўздан кечириб бораётганда ўша ерга ўн беш қадам қолганда бирдан такқа тўхтади.

Йўқ, у тик этган товуш эшитмади ва бирон нима сезмади. Ички бир сезги уни огоҳлантирди: бу ерда нимадир ўтирганга ўхшарди.

Тэдди экинзорни ўрмон ичи билан айланиб ўтиш учун ўннга бурилди, унинг жунлари хурпайди, бироқ одатдагидек бўқирмади: товуш чиқармаслик зарурлигини у ҳис қиларди.

Ҳеч зоғ кўринмас, қилт этган шарпа йўқ эди. Кучсизгина шабада эсиб, Тэддининг димоғига яна сулининг ҳиди урилди. Бироқ Тэдди ҳар сафаргидек тамшанмади, сўлагини ютиб ой нурида оқариб кўринаётган йўлга чикди. Димоғига куйинди, гўнг, тамаки ва одам иси келди. У тўхтаб ҳавони искади. От минган одамлар келгани, шу ерда тўхтаб чекишгани, сўнг жўнаб кетишганини англади. У яна ҳам дадилланиб йўл ёқасидан юрди, яна уни кесиб ўтиб, энди экинзорнинг бошқа тарафида пайдо бўлди.

У кундузи шу ерга келган одамларнинг жўнаб кетганига қатъий ишонарди-ю, бироқ, — ажабо! — барибир хавотири аримас, жунлари ҳамон тикрайиб турарди. Айиқнинг бу хавотирли ердан бутунлай кетгиси келди — чунки ҳамма номаълум нарсалар қўрқинчли эди — ва ўрмон тарафга бурилди-ю, лекин сал наридан яна қайтиб келди.

Тэдди онасиз ўсган ва ҳеч ким оёғи тортмаган ерга бормаслик лозимлигини унга ўргатмаган эди. Шунинг учун, у арчалар ортида яшириниб турганида сулининг тотли, ўткир ҳиди қўрқув ҳиссидан устун келиб уни чорларди.

Айиқ дарахтлар орқасида тура-тура охири чикди. У энди бошоқларга чўзилган эди, туйқус, шу атрофда, юқорида нимадир шарақлади ва кимирлади. Тэдди ўзини четга олишга ва бошини кўтариб қарашга ҳам улгурмай бир шуъла ялт этди ва тун сукунатида даҳшатли ўқ овози янгради, чўгдек бир нима айиқнинг олдинги, чап панжасига тегиб, у йиқилди. Тэдди ўзининг энг хавфли душмани — одамнинг тузоғига тушганини, зудлик билан ўрмон сари



қочиш кераклигини, ўша бир нма шарақлагандаёк билган, сезган эди; аммо афсус, улгуролмади. Шунинг учун ҳозир ҳар қанча қутурган бўлмасин, сапчиб туриб ўрмонга югурди. У иложи борича тезроқ югуриш лозимлигини биларди, бироқ бахтга қарши у бирдан муққасидан кетиб йиқилди, худди шу пайт орқа тарафдаги беўхшов қарағай тепасидан яна икки ўқ янгради, ўқлар унинг шундоққина ёнига чийиллаб урилди ва чатнаб кетди. У қўрқди, йўқ, ўқлар овози билан чатнаган товушдан эмас, балки қоча олмай йиқилгани учун даҳшатга тушди. У яна сапчиб турди-да, ўрмон сари отилди, яна бояги ҳол такрорланди; унга бир бало бўлгандек тумшуғи билан йиқилди. Шундагина Тэдди олдинги панжаси ишламаётгани, жонсиз бўлиб қолганини англади. У энди оғирлигини соғ панжасига солиб югурди: у орқа-олдига қарамай саросима ичида пишқирганча, шох-шаббаларга урилиб, чайқалиб, қоқилиб-суқилиб қоча бошлади.

У узоқ югурди, ҳар лаҳза ортидан қувиб келишаётгандек, ана-мана етиб олишадигандек туюлиб, ҳамон илдамроқ чопишга уринарди. Охири у ҳолдан тойди ва қочиб қутулишга кўзи етмай тўхтади-да, ўқирганча душманини қарши олишга ўғирилди. У даҳшат билан ўқириб оғриқ беҳад зўраётган панжасини йиғиштириб чўккалади. Унинг кўзлари ёнар, биқинлари кўтарилиб тушар, яғринидаги ва биқинларидаги жунлари қазаб ва қўрқувдан тикка бўлган эди. У ўзининг хириллаб нафас олишидан бўлак товушни эшитмади, атрофга кулоқ солиш учун нафасини ичига ютди: жимжит. Бу жимликка ишонмай, ғаниминини яшириниб олган деб ҳисоблаётган айиқ яна бўқирди, сўнг орқасига қарай-қарай кета бошлади.

Лекин уни ҳеч ким қувмади, унинг ўқиригидан ўтакаси ёрилган ўрмон қайтанга жим бўлиб қолган эди. Тэдди панжасини ялай бошлади. Иссиқ қон унинг иштаҳасини кўзгаб юборди ва бу машғулотдан ҳузурланаётгандек тобора ғайрат билан ялашга тушди. Шу нарса унинг жонига ора кирди. Тонг отгач, овчилар милтиқларини ўқлаб айиқнинг қонли изидан йўл олишди. Улар айиқнинг шох-шаббаларни синдириб ерни тирноқлари билан ўйиб, ўтларга қон сачратиб роса югурганини қонли излар орқали фаҳмлашди. Улар яна унинг бир ерда ўтириб кутганини пайқашди: шу ерда қон кўп оққан, майсалар кўпроқ эзилган эди. Бироқ нарироқ боргач, изни сезиш кийинлашди, қон камроқ кўринарди, охири улар изни бутунлай йўқотиб қўйишди. Овчилар айиқ изини йўқотгач, яқин орадаги жарликларни кўздан кечириб, кишлоққа қайтиб кетдилар.

Тэдди эса бу пайтда узокда, қалин ўрмон ичидаги ялангликда азоб чекиб ётарди. Унинг панжаси шишиб кетиб, кун бўйи қимирлаёлмай қолди. Тун кирди, бироқ айиқ оғриқдан кўз юмолмади. Ундан ташқари, яна аллақандай безовталиқ унинг тинчини бузди, ҳар қанча қилмасин бунинг сабабини билолмади. Ўрмон жимжит. Тиқ этган товуш йўқ эди. Мана шу ўлик сукунат борган сари айиқни безовта қилар ва қийнар эди.

Кечга яқин олисда кетма-кет чакмоқ чакди. Кейин ўша ёқдан момақалдиروقнинг гулдирагани эшитилди. Тэдди бунга жавобан ўкирди ва арча остидаги ошиёнидан безовталаниб тўлғана бошлади. Теварагида ҳукм сурган машъум сукунат, гоҳ-гоҳ олислардан келаётган гулдурос айиқни саросимага солиб кўйганидан, у бирор ерга яшириниб олишни истарди. Бироқ бунинг сира иложи йўқ эди.

Кўп ўтмай бўрон бошланди, дарахт шохлари орасидан кўзга чалинаётган юлдузлар юзини қоп-қора булут тўсиб кўйди ва зулмат бағрини тилка-пора қилиб чакмоқ чақилди, кетидан ўрмонни ларзага солгудек даҳшатли момақалдиروق гулдиради.

Кучли шамолда қарағайлар билан арчаларнинг учи шовуллар, пастда эса жимжит, қимир этган ҳаракат сезилмасди. Тўсатдан шаррос жала қуйиб юборди. Бу дарахт япроқларига чирсилаб уриладиган одатдаги ёмғир эмасди, унақаси Тэддига таниш эди, лекин буниси бирданига челақлаб, гувиллаб қуйиб берди, бу гувиллаш — фақат аҳён-аҳён момақалдиروق гулдираганини айтмаса, ҳамма товушларни босиб кетди.

Жала эрталабга яқин тинди, қуёш нурларидан ўрмон яшнаб кетди. Зумрад томчилар шохларидан қуйидаги шохларга томар, ундан майсалар узра тўкиларди. Тонгги ўрмон жўшқин шовулларди.

Боёқиш Тэдди! Оғриқ азобидан тинқаси қуриган, бўрон ва одамлардан юрагини олдириб қўйган, бир неча кундан бери уйқу нималигини билмаган, жалада бўккан бечора айиқ арча остида ўтирар ва оғриқдан қуёш нурлари юрагига сиғмас, қаерга бориб емиш излаш ҳақида ўйлаёлмас эди. У яраси битиб, очликдан ўлар ҳолатга етгунча сўппайиб бир неча кун ётди.

Сўнг бир амаллаб йўлга тушди, у тепаликлар ёнбағрида панжасини аранг босиб тентираркан, шох-шаббалар, илдизлар ёки чўп-тиканлар ярасига ботиб унинг жонини суғуриб олгандек бўларди. Аммо орадан бир неча кун ўтгач, айиқ

оёғини оҳиста босадиган бўлди ва шу тариқа аста-секин дарди ариб, яна ғайрати жўш уриб тетикланди.

У жуда узоқ сафарга отлангандек ҳамон йўлда давом этарди. Ҳеч ерда тўхтамай шамол сари минг чақиримдан зиёд юриб қўйди. Энди у дастлабки пайтлардагидек нотавон эмасди. У ҳидларнинг сирли жиҳатларини кашф этди ва энди унча-мунчанинг фарқига борадиган бўлди. У ўзини қуршаб турган буюмлар ва ҳодисаларни борган сари яхшироқ ўзлаштирарди. Шу тариқа у хўжасавдогарлар билан ҳақкалар бетамиз куш деб ҳисобланса ҳам уларга ишониш лозимлигини билиб олди. У желнинг нима учун қичқирганини билишга ўрганди, башарти узоқдан дарахт тепасида тумшугини тозалаётган қарғага ҳамда унинг остидаги шохларда тизилиб ўтирган зағизгонларга кўзи тушса, ҳеч иккиланмасдан ўша томонга йўл соларди, чунки қорни тўқ қарғалар ўтирган ерда албатта емиш бўлажаги энди унга аён эди. Тэдди дарахтга тармаша олмасди, лекин сербутоқ қарағайни учратиб қолса албатта тепасига чиқиб, теварак-атрофни бир қур кўздан кечирарди. У хўжасавдогарлар билан ҳақкалар хира пашшадек ўзига ёпишиб қолишини ёқтирмасди. Шундай кезларда улардан қутулиш учун тумшугини кўтариб бўқирар, агар қушлар шунда ҳам дарахтдан дарахтга ўтиб, чирқиллашиб, эргашаверсалар яшириниб олиш пайига тушарди. Сўнг яқин атрофдаги дарахтларга назар солар, бу шилқим қушларни кўрмаса мамнунона хўриллаб, йўлда давом этарди. Шаҳарда яшаса умр бўйи ўрганиш насиб этмайдиган нарсаларни қисқа вақт ичида ўрганган Тэдди бир қараганда чинакам йиртқичга айланган эди. Бироқ асло бундай эмасди.

Бир сафар эрта билан сув ичгани анҳор бўйига борган Тэдди кўккисдан тўхтади-ю, қотиб қолди: анҳор бўйидан айиқ ҳиди келарди. Бу ҳид эски эди, тахминан икки кун бурун шу ердан ўтган бўлса керак. Лекин бу аранг сезилётган ҳид шунчалар таҳдидли эдики, Тэдди ташналигини ҳам унутиб атрофни узоқ кўздан кечирди: у сира ўзини босолмасди. Демак, бу ўрмонларда ундан бошқа яна бир ҳукмдор бор экан-да! Бундан буён шундан эҳтиёт бўлиб юриш лозим. Ўша кундан бошлаб Тэддининг тинчи бузилди.

У борган сари бузилган чумоли уяларига, пайҳон қилинган малиназорга, топтаб ташланган брусникаларга тез-тез дуч келабошлади. Баъзан Тэдди олисдан ўлакса ҳидини илғаб етиб келса, анови айиқ аллақачон бу ердан ўтган ва ўлаксадан ному нишон қолмаган бўларди. Энди ўрмоннинг ҳамма ерида бегона айиқнинг ҳиди анқирди. Тэдди эса бунга тоқат қилолмади. Унинг газаби шунчалар қучайдики,

оқибат у бир нарсани — икковларидан бири бу ўрмондан кетиши кераклигини англади. Агар ёмон бўлса Тэдди ҳеч иккиланмасдан бу ерни тарк этарди. Бирок бу ерлар шундай ажойиб, хўрак шунчалар мўл эдики, натижада Тэдди ганимини ҳайдаб юборишга қасд қилди ва у билан учрашиш пайига тушди. У гоҳ янги, гоҳ эски изларга дуч келди, ammo айқнинг ўзини сира учратолмади.

Улар ҳеч қутилмаганда тўқнаш келдилар. Тэдди эрталаб кун бўйи ётиш учун бир жойни танлади-да, қарағайлар орасидаги кафтдеккина ялангликдан ўтиб бораётганда бирдан димоғига ўша айқнинг жирканч ҳиди урилди. Хид шу атрофдан уфурарди. Тэдди бошини кўтариб, хид келаётган ёққа қаради-ю, рақибини кўрди. Бу безбетнинг ҳозир адабини беради! Тэддининг кўзларида мудҳиш аланга ёнди. Рақиб бири лаҳза қарағайлар ортига яширинган бўлди-да, сўнг ялангликка чиқди...

Бу баҳайбат йиртқични кўрган Тэдди куёндек қотиб қолди. У атиги бир сония бурун бағоят дарғазаб, жангга ташна ваҳший йиртқич эди. Унинг ваҳшийлиги рақибининг ваҳшийлиги олдида ҳеч нарса бўлмай қолди. Ана уни йиртқич деса бўлади — жунлари осилиб тушган, соқолли, тирноқлари пўлатдек, ўзи ҳам пўлатдан куйилгандек бакуват, кўзлари мудҳишона чакчайган. Унинг қаршисида Тэддидек улкан йиртқич ҳам кўрқувдан донг қотиб қолди.

Айқ қалласини осилтириб турганидан буқурга ўхшарди. У чурқ этмай Тэддига тикилди. Ҳали ораларида ҳеч нарса содир бўлмай — на униси, на буниси товуш чиқармай, бирон ҳаракатга чоғланмай, Тэдди бу ажойиб ўлкани айнан ўзи тарк этиши лозимлигини тушунди. Бу мудҳиш баҳайбат йиртқич билан у тенглаша олармиди!

Тэдди билган нарсани ўша заҳоти рақиб ҳам ҳис этди. Бу ҳам етмагандек, у Тэддининг ҳам шуни англаганини тушунди. Йўқ, у Тэддини ғажиб ташлагани ҳамла қилмади, балки паст овозда ўқириб қўйди. Унинг ўқириги Тэддиникидан кам деганда беш парда баланд эди. Йиртқичларнинг ўқириши одамларга бир хилда эшитилади, улар йиртқичлар овозидаги нозик ишораларни ажратиш олишга қодир эмас. Тэдди эса рақиб нимани истаётганини дарҳол сезди. Унинг паст ўқириши «йўқол бу ердан!» деганини англатарди. Бу амр-фармонга қулоқ солмаслик Тэдди учун ўлим билан тугаши аниқ эди. Тэдди лоақал ғинг демади, ортига ўгирилиб, ўша заҳоти жўнаб кетди. Ўрмонга кирганда у сўнгги бор ўгирилиб қаради: айқ ҳамон яккамдуккам қарағайлар фонидан улкан ғарамдек қимир этмай турарди.

Тэдди бу лик-лик сариқ чумолилар ва қизил брусника-лар ўлкасини бутунай тарк этди. У ҳаёт учун курашда заиф экан, енгилди, дарвоқе, вақтида кутулдим деб ҳисоблашга унинг тўла асоси бор эди.

## XI

Кайин билан терак япроқлари деярли тўкилиб битди, заҳ ерни ҳазон қоплади, қушлар тўда-тўда бўлиб иссиқ ўлкаларга учиб кетишга чоғланишди, малина пишди, кўзикоринлар кўпайди ва Тэдди кўпдан-кўп тепаликларни ошиб ўтди, дарёнинг ирмоғи бўйлаб юра-юра бир кун эрталаб хийла кенг ялангликка чиққанда совуқ тушди.

У ялангликда тўхтаб, ҳавони искади, атрофни кузатди-да, ниҳоят ўзи орзу қилган, бир вақтлар, болалигида яшаган ўлкага етиб келганини бирдан англади. У энди бошқа ерга бормаиди, хулласи калом унинг сафари тугаган эди.

Бу ердаги ҳамма нарса ўша пайтдагидек — Тэдди ҳали ҳеч нарсани фарқига бормаидиган, чумолилар ва қулупнайлар еб юрган ва онаси уни анҳор сувига пишиб оладиган замонларда қандай бўлса шундай — ўзгармагандек эди. У пайтларда ҳаёт беҳад гўзал, бахтиёр дамлардан иборат эди, мана ҳозир Тэдди яна ўша ерга қайтиб келди. Аммо минг қилганда ҳам бу бошқача эди. Йўқ, у даврлар — болалиги ўтмишда қолиб кетди, энди қайтмайди, қайтиб келмайди. Куёш нурлари ва ям-яшил майсалар сингари жилваланмайди. Ох, қанийди, яна бир думалаб жажжи айиқчага айланиб қолса, онасини излаб топса, унинг майингина, иссиқ оғушида тин олса! Минг афсус, бунинг иложи йўқ...

Тэдди кечаю кундуз тинмай бу ўлкани секин-аста айланиб чиқди, айланиб юрганида ўз мулкининг чегараларини белгилаб олди. У анҳорларни, ботқоқлар, жарлар, шудринг босган ўтлоқларни, ўрмон ёқалари ва хилват гўшаларни кўздан кечирди. Сон-саноксиз бўрилар, буғулар, олмахонлар, кундузлар, куёнларнинг изларини учратди. Уларнинг айримларига парво қилмади, айримлари ғашига тегди ва у ўрмон тугул ҳаво ҳам ўзига тегишли эканидан огоҳ қилиш учун ерни кавлаб, тупроғини ҳар томонга сочди, дарахт пўстлоқларини шилди.

Булдуруқлар билан қарқурлар қовжираган япроқларни тўзгитиб, унинг тумшуғи тагидан париллаб кўтарилар, бироқ энди у ҳеч нарсага ҳайратланмас, барчасини табиийдек қабул қиларди. Энди у турли ҳайвонларнинг изига дуч келган пайтда хавотирга тушмас ёки қизиқиб искамас,

балки бир қарашда ниманинг изи эканини илғар ва ортиқча аҳамият бермасди.

Унинг жуни ўсиб майинлашди ва товланадиган бўлди. Панжасининг оғриғи қолиб кетди ва у тўнкани кавлаб олиш ёки қулаган залварли дарахт танасини ағдариш чоғида бемалол ўша панжасини ишга соларди. Тэдди иштаҳаси карнай бўлиб кетганидан тинч ўтиролмай дайдигани дайдиган эди. Бу ерда ҳамма нарса етарли эди, у кўпинча ўзини ҳар доимгидан кўра озод ва кучли сезиб беҳад хузурланарди.

Эркинликка нима етсин! У куёшга, юлдузлар чарақлаган поёнсиз самога ўхшайди; у хузурбахш шамолга ёки шарқираб оқаётган сувга ўхшайди.

Ҳеч кимдан кўркмаслик керак, ўзингга ёқмаган ишни қилмаса ҳам бўлаверади!

## ХИ

Ноябрь — қора совуқ бошланадиган ой кирди, буғуларнинг кузги куйиқиш даври бошланди. Тепаликларда юрганида Тэдди уларнинг бўкиришларига аччиғланиб қулоқ соларди. Баҳайбат шохли, улкан буғуни у бир неча бор узоқдан кўрди. Буғу эҳтиёткорликни унутиб, бемалол юрарди. У тинимсиз пишқирар ва бўкирарди. Айиққа бундай қўшничилик ёқмади. Тэдди баъзан ўзини босолмай шовкин кўтарадиган йиртқич бўлгани билан бошқаларнинг шовкин-суронига чидаёлмасди, кўп ўтмай бир пайтлар айикдан қанчалик жирканса буғудан шунчалик ҳазар қиладиган бўлди.

Кунлардан бир кун у буғуларнинг изига дуч келди ва бу ердан ҳозиргина анови улкан буғу урғочи буғулар билан ўтганини англади. Шу куни Тэдди дарғазаб эди, бу сурбет буғуни ҳайдаб юбориш истаги бутун вужудини камраб олди-ю, уларнинг изидан йўлга тушди. Юқорига кўтарилгач, изни йўқотиб қўйди, бир айланиб яна буғуларнинг ҳидини илғади. Кўп ўтмай уларнинг қораси кўринди. Буғулар теракзорда новдаларни чимдиб-чимдиб ейишарди.

Тэдди ўкирганча уларнинг ёнига, юқорига чиқа бошлади. Айикни кўриб ҳуркиб кетган урғочи буғулар пастга қочдилар. Эркаги эса кутилмаганда пишқириб айикнинг йўлини тўсиб чиқди. Албатта, бошқа пайт у ҳеч иккиланмасдан урғочи буғуларга эргашган бўларди. Ҳозир эса куйиқиш оқибатида кўркмасдан рақибининг устига бостириб борди: улар ялангликка тушдилар. Тэдди жаҳл билан ўкирди. Бунга жавобан буғу пишқирди. Унинг вужуди жаңг қилиш

иштиёқидан титрар, кўзларига қон қуйилган эди. Буғунинг авжи кучга тўлган пайти эди, сербутоқ баҳайбат шохлари, бакувват бўйни шундан далолат берарди.

Бундай тўқнашувни мутлако кутмаган Тэдди шошиб қолди, у қўрқмади, фақат тўхтаб қандай ҳамла қилишни мўлжаллаб тараддудланди. Лекин унинг тараддудини ўзича тушунган буғу, бирдан бошини қуйи солиб, пишқирди-да, айиққа ташланди. Тэдди қочишга улгуролмай буғунинг зарбидан йиқилди. Қони жўшиб кетган буғу йиқилган рақибининг тепасида ҳамлага ҳозирланди, ким билсин, буғу айиқнинг бошига сузганда борми, унинг куни битарди. Аммо буғу мўлжаллаганидек, Тэддининг бошига эмас, елкасига сузди. Айиқ суюги тошдан қаттиқ эди — синмади, аммо энди олишиш қайда, дейсиз, соғ қолганига шукр!

Зарби хато кетганини кўрган буғу яна ташланди, аммо Тэдди чап бериб қолди-ю, бу гал буғу нишонга уролмади. Шунда у яна биринчи сафаргидек бошини қуйи солиб ҳамла қилди. Тэдди яна чап бериб бута ортига сакради, буғу эса дабдурустдан ўзини тўхтатолмай, айиқнинг ортидан бурилган эди, айиқ оқсоқланганча жонҳолатда пастга қараб қочди. Буғу мисли кўрилмаган ғалабага эришган эди. Бироқ ҳозир бу унга камлик қилди. У рақибини янчиб ташлаш ёки бу ердан бутунлай ҳайдаб юборишни истарди. Алоҳа у айиқни қувиб осонгина етиб олди ва бир-икки марта сузишга улгурди. Кейин бир нима эсига тушгандек тўхтади-да, ургочи буғулар ёнига қайтди. Абжағи чиққан, боёкиш Тэдди эса бўронда синиб тушган шохшаббалар орасига кириб олиб, узоқ инграб, мағлубият аламини чекиб ётди. Яқинда уни соқолли айиқ ҳайдади, энди буғу... Ҳаммасидан ёмони у энди барча буғулардан қочиб юриши керак: модомики биттаси адабинни бердим, демак бошқалари ҳам шундай қилиши мумкин. Шу кундан эътиборан ҳаёти азобга айланди-қолди. Жўрттага қилгандек, у тез-тез буғу изларига дуч келади. Брусниками, чумоли уясини излаб изғийдимми ёки анҳорга сув ичгани борадимми — фарқи йўқ, буғу изига дуч келса ўша заҳоти ортига қайтиб кетарди.

Аммо бу узоқ давом этмади. Унинг томирларида аждодларининг қони жўшди ва рақибини топиб ўлдириш истаги хуруж қилиб унинг ҳаловатини ўғирлади. Тэдди буғунини учратиш илинжида ўрмонда айланиб юрадиган бўлди. Баъзан пистирмада соатлаб кутарди. Бир куни анҳор бўйида буғу изларини учратиб, буталар орасига кириб яширинди-да, кута бошлади. У ерга тумшугини қўйиб, шохлар оралаб сўқмоқдан кўз узмай ётди. Ҳаммаёқни сап-сарик

япроқлар гиламдек қоплаган эди. Дарахтлар яп-яланғоч, қорамтир арчалар бу аянчли дарахтлар орасидан кўзга яққол ташланарди. Кун совук, ҳавонинг авзойи бузук эди.

Куннинг иккинчи ярмида юқорида шохларнинг қирсиллагани ва пишқириш эшитилди. Тэдди бошини кўтариб, ҳавони искади: буғу иси келди. Унинг бутун вужуди сезгига айланди. Айиқ ерга қапишиб, орқа панжаларини остига йиғиштириб олди. Буғулар бир-икки тўхташди. Улар атрофга кулоқ солишдими, бирон-бир новдаларни чимдиб узишдими, Тэдди билолмади, жимгина ётаверди. Ниҳоят буталар ортидан буғу шохлари, кейин унинг ўзи кўринди. Эркак буғунинг ортидан уч чоғли урғочиси келарди. Улар тўхтаб, диққат билан пастга қарашди, сўнгра сув бўйига туша бошладилар: олдинда — эркаги, орқада — урғочилари.

Лекин барибир буғу айиқни сезди ва ўша заҳоти қоққан қозикдек туриб қолди. Тэдди наъра тортганича яширинган еридан отилиб чиқди, буғу пишқириб айиққа ташланди. Айиқ чап бериб буғунинг биқинига панжаси билан уришга улгурди. Чангалнинг зарби унчалик қаттиқ эмасди, бироқ буғунинг биқинидаги териси шилиниб қонади. Қон ҳидини илғаган Тэдди ваҳшийланиб кетди. Умрида биринчи бор тирик жоннинг гўштини бурдалагиси, ғажигиси, қурбонининг жон талвасасида хириллашларини тинглагиси келди. Шу асно буғу яна унга ташланди. Айиқ ниҳоятда оғир эди, лекин буғу қудратли шохлари билан уни мушук боласидек улоқтириб юборди. Тэдди худди ўтган сафаргидек умбалок ошиб йиқилди. Бироқ бу гал буғунинг бўйнида янги жароҳат пайдо бўлди. Тэдди сапчиб ўрнидан турди-да, бутун вужудини ларзага солгулик даҳшат билан бўкирганча буғуга ташланди.

Улар қовжираган майсаларни топтаб, атрофдаги шохшаббалар буталарни синдириб узоқ олишдилар. Буғунинг силласи қуриб борарди. Унинг жароҳатларидан қон отилар, аёзли кунда унинг бутун танасидан буғ кўтарилаётганга ўхшарди. Ниҳоят айиқ буғунинг ёнбошидан ҳамла қилиб, бақувват бўйнига осилиб олди ва айни чоқда орқа панжалари билан биқинини тилка-пора қилиб юборди. Сўнг бўйнидан чап панжаси билан чангаллаб, тишлаган кўйи бор кучи билан бўйнига урди-да, пастга тортди. Умуртқа поғонаси бўғинларидан ажралиб кетган буғу йиқилди. Айиқ унинг кўксини ёриб ташлади, аммо шунда ҳам буғу ўрнидан туриб айиқни улоқтириб юборишга кучанарди — у шунчалар кучли эди! Тэдди ўкириб, ютоққанча жон таслим қилган рақибининг қонини ичарди.



Кейин айық ўрмонга жўнади, аммо тезда қайтиб келиб буғуни судрашга уриниб кўрди. Тортиш кийин ва ноқулай эди, шунда у буғунинг устига шох-шабба ташлай бошлади. Бир амаллаб рақибининг жасадини яширгач, атрофини кавлади-да, бу ердан кетди. Уни бунга ҳеч ким ўргатмаган, илгари сира бундай қилмаган эди, бироқ шундай қилиш шартлигини у энди биларди.

Орадан икки кун ўтгач, тасодифан шу ердан ўтиб кетаётганда шамол димоғига ёқимли бир ҳидни келтириб урди-ю, Тэдди бирданига ўша кунги олишув, буғу жасадини эслади ва келиб қорнини тўйғизди. Ундан аввалроқ бўрилар шу ерда тўхташганди. Тэдди буни уларнинг изларидан билди, шунинг учун ҳеч қаерга кетмай шу ерда ётиб ухлади. У бир ҳафта давомида буғуга яқин жойда ётиб юраркан, энди атрофида нимаики бўлса ҳаммасининг ёлғиз ҳукмдори ўзи эканини ҳис қилар ва ўзига қарашли ер соқолли айиқнинг мулки каби эканига шубҳа қилмасди.

### XIII

Аммо кўп ўтмай, Тэдди сўнгги марта, одамзодни кўмсаб қолди. Аллақандай қудратли бир куч измида у ўрмонни тарк этди. У куни кеча ёлғиз қолиш ва озод бўлишни қандай кўмсаган бўлса худди шу тахлит одамзодни топиш учун йўлга тушди.

У тўрт кун жануби-шарқ томонга юрди. Охири бир ялангликка етиб келди. Бу қия тепалик бўлиб, уни ям-яшил экинзор қоплаган эди. Тэдди турган ўрмон ёқасида катта йўл бўлиб, тез-тез машиналар гизиллаб ўтарди ва ахён-ахён аравалар кўзга чалинарди.

Тэдди одамни кўриш истагида орка панжаларида ғоз туриб, ўрмон ёқасида кутарди. Бироқ у ҳамма қатори одамни эмас, оқ кўйлак-иштон кийган анови қудратли одамни кўмсарди, унинг ёнига келиб, қаншарини қашиб эркалагандек: «Тэдди!» деб кўйишини, бир чакмоқ қанд билан сийлашини кўмсаганди...

Айиқ узоқ турди. У энди илгариги Тэдди эмасди, у бамисли ҳаётнинг буюк, сирли маъносини қайтадан англаётганга ва айни пайтда ўтмиши билан абадиян видолашаётганга ўхшарди. У йўлга ҳам, одамлар олдига ҳам чикмади, цикрда ўрганган антика қилиқларини ҳам бажармади. У қилт этмас, ич-ичдан кайғурарди. Дафъатан ўзгариб қолгандек, вужудини эзиб ётган оғирликдан халос бўлгандек, одамлар билан ўзини боғлаб турган охирги ришта ҳам.

узилгандек бўлди-да, у ўрмонга қайтиб кириб кетди. Тўрт кундан сўнг яна ўз ошиёнига етиб келди.

Совуқ тушди. Тэдди энди кўп ухлар, камдан-кам дай-дирди. Эрталаблари кичкина кўллар билан суви қуриёзган дарё ўзанини юпка муз қопларди. Тэддини ҳамиша йўлга солиб келган қорин ташвиши бирдан иккинчи даражали нарсага айланди, бошқа нарса тобора кўпроқ уни безовта қила бошлади. Циркда қиш киргач, уни ухлатишмасди — у томошада қатнашиши лозим эди, аммо бу ерда у ўрмон қонунларига бўйсунди. Унинг ухлагиси келди. У худди бир нимани излаётгандек тинимсиз кезар, бироқ топган жойлари дам ноқулай, дам атрофи очикдек туюлиб, ўзига ёкмасди.

Бир кун кечаси қор ёғди, эрталаб борлиқ оппоқ чойшаб ёпинди, тепаликлар кўзни қамаштириб жилваланди; Тэддини уйқу хумори тутди. Бир сафар у арча тагида ағанаб уч кун ухлади, аммо уйғонгач, яна йўлга тушди; оппоқ қор қўйнида янада қорароқ кўринаётган қарғаларга ҳасрат билан қараб анча юрди.

Ниҳоят у кўзлаган нарчасини топди. Бу ҳазон тўшалган чуқурлик эди. Унинг тепасини буталар қоплаган, ундан ташқари чуқур қулаган арча остида эди. Арчани бир вақтлар одам боласи арралаб, тепа қисмини олиб, тупчасини қолдирган эди. Арчанинг новдалари, игналари чуқурга тўкиларди, лекин бусиз ҳам арчанинг шохлари шунчалик қуюқ эдики, Тэдди чуқурга тушганда осмонни бутунлай тўсиб қўйди. Бироқ унга ҳамон нимадир етишмас, безовталанаверар эди. Айиқ яна чуқурдан чиқди, қуруқ шох-шаббалар келтириб, чуқур тепасига уя бошлади, кечга яқин ичкарига кирди. У қулай ўрнашолмай узоқ тўлганди, охири жойлашди шекилли, тинчиди ва ҳаммаёғини ялашга киришди. Қош қорайиб, қор учқунлай бошлади, қарағай шохларига қўнган қор бинафшаранг тусини йўқотиб, борлиққа тун чўкканида Тэдди ухлаб қолди.

Нималар унинг тушига кирди?

Цирк, ғира-шира йўлақлар ёки чароғон саҳна кирдимиз? Йўллар, вагонлар, ғилдиракларнинг тақа-тақи, кўмир билан бензин ҳиди, қулаётган ва қичқираётган томошабинлар ва оқ кўйлак, иштондаги одам кирдимикин?

Ёки эркинликдаги ҳаёти, тотли чумолилар, зилол сувлар, даҳшатли бўрон, ўзини ҳайдаб юборган айиқми, буғу билан бўлган жангми?

Тушида болалигини кўрдимикин? Ошиёнига ўрмоннинг майин, кадрдон, таъсирчан ҳидлари кирдимикин?

Қайдам!

У эртасига ҳам, индинига ҳам уйғонмади... Қор ҳамон

ёғар, кун сайин буталар момиклашиб, сўкмоқлар кўмилиб, қарағайлар билан арчалар дилбарлашиб борар, ёлғиз қайинларгина яланғоч турар ва кечкурунлари уларнинг шохларида қарқурлар ўтиришарди. Совук кучайди, ўрмон бўйлаб чинакам рус киши қанот қокди.

Қаттиқ уйқуга кетган Тэдди эса бир текис нафас ола бошлади, унинг ошиёни узра буғ кўтарилмай қолди ва кун ўтмай қор босган айиқ уясини, тасодифан туйнук оғзида осилган сарғиш сумалаклардангина билиш мумкин бўлиб қолди.

# МУНДАРИЖА

## ЖЕК ЛОНДОН

Аждодлар нидоси (қисса) *О. Отаҳон таржимаси* ..... 5

## СЕТОН-ТОМПСОН

Ёввойи йўрга. *Т. Мурод таржимаси*..... 89

Буғулар изидан. *Т. Мурод таржимаси*..... 108

Бинго. *Т. Мурод таржимаси*..... 125

Қизилбўйин. *Т. Мурод таржимаси*..... 138

## ОРОСИО КИРОГА

Анаконда. *О. Отаҳон таржимаси* ..... 161

## ЛЕВ БРАНДТ

Оқ каптар (қисса) *Э. Усмои таржимаси* ..... 193

Бургутлар (ҳикоя) *О. Отаҳон таржимаси* ..... 270

## ЮРИЙ КАЗАКОВ

Тэдди (ҳикоя) *О. Отаҳон таржимаси* ..... 277

## *Для детей среднего школьного возраста*

На узбекском языке

## СБОРНИК

## ТАИНСТВЕННЫЙ МИР

*Повести и рассказы*

Муҳаррир *А. Худойбердиев*, Расмлар муҳаррири *А. Маҳкамов*, Тех. муҳаррир *Л. Хижова*, Корректор *Г. Охунова*.

ИБ № 0146

Босмаҳонага берилди. 08.01.88. Босишга рухсат этилди. 26.05.88. Формати 84×108/32. Босмаҳона қоғози №2. Тип. Таймс гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 15,96. Шартли кр.—оттиск. 15,96. Нашр л. 16,67. Тиражи 40000. Буюртма № 4024. Шартнома №56—87. Баҳоси 1 с 10 т.

«Юлдузча» нашриёти, Тошкент 83. ГСП, Ленин кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент, 700000. Навоий кўчаси, 30.